

ЎТКИР ҲОШИМОВ

СЕВГИ ҚИССАЛАРИ

Ҳикоялар ва қиссалар



ТОШКЕНТ – «О‘ЗБЕКISTON» – 2013

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6
Ҳ-71

Ҳошимов, Ўткир

Ҳ-71 Севги қиссалари: ҳикоялар ва қиссалар/Ў. Ҳошимов.– Тошкент: Ўзбекистон, 2013.– 480 б.

ISBN 978-9943-01-937-9

Севги. Муҳаббат... Инсоният тарихи қанча узоқ бўлса, Муҳаббат деб аталмиш туйғу ҳам шунчалик қадимийдир. Зеро, инсон бор экан, сеvgи ҳам яшайверади. Шоир ва ёзувчилар, расом ва бастакорлар асрлар давомида бу мавзуда бир-биридан гўзал асарлар яратгани бежиз эмас.

Элимизнинг атоқли ва ардоқли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳам муҳаббат ҳақида талай ҳикоя, қисса, романлар ёзган ва улар китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан мутолаа қилиб келинмоқда. Бу асарларда севгининг сеҳр ва қувончлари, изтироб ва армонлари ғоят ҳаётий, таъсирчан акс этган.

Ушбу китобга адибимизнинг энг ҳаяжонли асарлари жамланган.

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-01-937-9

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2013

ХАЛҚ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН АДИБ

Ўткир Ҳошимов ижодини тўлиб-тўлганиб, шиддат ва каромат билан оқаётган дарёга ўхшатгим келади. Бу тўлқинлигу тўлганиш, шиддату салобатда ёзувчи қалби билан халқ дарди кесишган нуқталарда ҳосил бўлувчи илоҳий, инсоний ва бадиий қонуниятлар ётади. Бу дарёни вужудга келтирган ўз осмонлари, қор-ёмғирлари, ўз тоғлари, булоқлари, жилғалари, армонли ва қувончли ўз кўз ёшлари бор.

Бу дарё – ундан пайдо бўлувчи янги-янги сойлар, шўх-шаън ва дилбар ариқлар кўзни қувонтиради. Кўнгилни яйратади, ҳаёт ва одамлар ҳақида кечагига қараганда чуқурроқ мушоҳада юритишга ундайди; кучга-куч кўшади, дала-тузларга, боғу боғчаларга оби раҳмат олиб киради.

Дарё ўз бағрини табиатдан олиб, яна табиатга қайтарганидек, Ўткир Ҳошимов ҳам ўз асарларининг юрак уришини ҳаётдан, жамиятдан, одамлардан олади, хужайраларга бадиий жон бағишлаб, яна ҳаётга, жамиятга, одамларга қайтаради.

Йўл осон эмас, тошдан-тошга урилишлар бор, лекин дарё ўзига маҳтал манзилларга етиб бормаса бўлмайди, унинг қисмати шундай. Адиб асарларининг бош мақсади ҳам китобхонлар маънавий чанқоқлигини қондиришга қаратилади. Йўлда тўлин дарё тўлқинлари гоҳ асов отдек кўкка сапчиб кетади, кўпиради, тошади, гоҳ меҳрибон

кўл остида роҳатланган аёл зулфидек майин тортади, мавжларида меҳр нури эркаланади.

Ўткир Ҳошимов асарларини дарёга бежиз ўхшатаётганим йўқ. Ўқисангиз, уларнинг дилидаги дарёваш сифатларни аниқ кўрасиз, англайсиз ва ҳис этасиз. Адибнинг «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» сингари романларидаги айрим руҳий талотумлар тасвири, баъзан бутун бир халқ киефасини намён эта олувчи ижтимоий дард ва муаммоларнинг бадиий талқини; «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга кулоқ сол», «Дунёнинг ишлари» сингари қиссалардаги қалб манзаралари ва табиат жилоларидан таралиб турувчи ажиб мусиқийлик, тилсиз армонлар ифодасидаги кўрғошин сокинлик; «Дафтар хошиясидаги битиклар» деб аталувчи туркумга жо бўлган бадиий фалсафа ёғдулари; қатор публицистик мақолаларда бўй кўрсатувчи – бориб турган исёнкор руҳ ҳамда «Қатағон» каби драматик асардаги кўкрак қафасига сиғмай, портлай деб турган фиғон ва бошқалар – барчаси, бирлашиб, булар Ўткир Ҳошимов асарлари, жонли дарёнинг ўзгинаси эмасми, деяётгандек бўлаверади.

Ёзувчи маҳоратини белгилайдиган омиллар кўп. Ҳар бир ёзувчида у ёки бу омил салмоқлироқ юзага чиқар. Ўткир Ҳошимов маҳоратини белгилаган асосий омил, эҳтимол, журъат ва жасоратдир. Машҳур ёзувчимиз Саид Аҳмад унинг ижодидаги бу хусусиятни кўп йиллар аввал алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Ўткир Ҳошимовнинг XX аср 70–80-йилларида ёзилган «Ўзбеклар», «Урушнинг сўнгги қурбони», «Қалбингга кулоқ сол» каби ҳикоя, қиссаларини оламизми, ёхуд кейинроқ ёзилиб, шу ва ундан бирмунча аввалги йиллар ҳаёти тасвирланган «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси» ва «Тушда кечган умрлар» каби романлари ҳамда «Инсон садоқати», «Қатағон» каби

драмаларига назар ташлаймизми, бошқа турли муҳим ижтимоий муаммолар қаторида, маънавиятнинг гўзал ёғдулари ҳамда унинг аста-секин ғорат этилаётган айрим кирраларини тасвирлашга алоҳида эътибор берилганини кўрамиз. Маънавиятнинг ғорат этилиши эса моҳият эътибори билан, миллатнинг таназзулга юз тута бошлаши демакдир. Адиб шўро тузумидаги зўравонликлар боис мустабид ва қатагон сиёсат туфайли шундай бўлмоқда, деб айюҳаннос солгани йўқ, бу муаммоларни у бадиий йўсинда, зимдан, ичдан кўрсатиб берди, тасвирлади, замондошларимизнинг хатти-ҳаракатлари орқали юзага олиб чиқди. Бу адибнинг ўзига хос, кўпинча сиёсат ва мафкурага алоқаси йўқдек, лекин аслида уларнинг кўзга кўринмас тазйиғидан зириллаб турувчи жасорати эди. Бу шўролар қулаши арафасида шухрат топган В. Шукшин, В. Распутин, Анарларга хос мақсадни қалб қудуқларига тушириб, яширин ифодалай билиш эди.

Эҳтимол, бу жараён ёзувчи идрокида биз hozирги босқичга келиб энди англаётганимиз даражада аниқ мақсадли кечмаган бўлиши мумкин, лекин бундан қатъи назар, эрк ва руҳ озодлиги, юрт ва ватан шарафи ёзувчи асарларида гоҳ онг оқими йўсинида, гоҳ очик ва ошкор тарзда намоён бўлгани шубҳасиз. Бунининг асарлари аниқ кўрсатиб турибди.

Дадиллик билан, журъат билан халқ дардини ёритиш истеъдоди Ўткир Ҳошимовда дафъатан ёхуд машхур кисса, романларигагина келиб пайдо бўлгани йўқ, албатта. Бу фазилат унинг ижодида 60-йиллардаёқ кўзга ташланади. 1968 йилда бўлса керак, «Тошкент окшоми» газетасида унинг «Ном ҳам ҳусн белгиси» номли бир мақоласи чиқди. Унда пойтахт кўчаларию турли манзиллардаги номларнинг аксари кундан-кунга миллий тилимиздан ўзга бир тилда бўлиб кетаётгани ҳақида қайғуриб ёзилган эди. Бу – ўзбек тилига дав-

лат тили мақоми берилишидан деярли йигирма йил аввал айтилган фикр, амалий қадам, ўктам жасорат эди. Бу фикрларни ўқиган ҳозирги ёш китобхон: шунга ҳам шунчами, арзимаган кичкинагина бир нарса учун-а, деб ажабланиши мумкин. Лекин ёш адибнинг бу ҳаракати арзимаган, кичкина иш эмас, ўз даври учун жиддий деб баҳолашга арзигулик иш эди. Бу ҳаракат мафкура корчалонлари эътиборидан четда қолмади, албатта. Бунинг учун ёш адибга ҳайфсан эълон қилинди. Ҳайтовур, адиб дардини тушунувчилар бўлган шекилли, жазони бундан кучайтиришмади.

Ўтқир Ҳошимов келажаги ойдин ёзувчи эканини дастлаб айтган устоз адиб Абдулла Қаҳҳор экани бугун барчага маълум. Ёш Ўтқир Ҳошимовнинг журъатли адиб бўлажagini илк бор айтганлар эса, биз буржуа ғанимлар деб атаган хорижлик мутахассислар эди.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1971 йил охиригидан бирида «Қалбингга кулоқ сол» қиссаси босилиб чиқади. Асарнинг қайси бир лавҳасида Чарос ва Ёдгор исмли талабалар ўзаро суҳбатда ўрта асрларда Марказий Осиёдаги маданият Ғарбдагига нисбатан юқори даражада бўлган; Америка қитъаси мавжуд эканини Беруний Колумбдан анча бурун эътироф этган; ўзимизнинг мумтоз Шарқ мусаввирларимиз Ғарб рассомларидан кўра ҳаётийроқ асарлар чизишган қабалидаги мавзуларда фикр юритадилар.

Ўйлаб қаралса, бу фикрларнинг ҳеч бирида ажабланарли жойи йўқ. Чунки барчаси тўғри. Асар қаҳрамонлари бу фикрларни ўзга халқ ёки мамлакатларни камситиш, ерга уриш мақсадида ҳам айтаётгани йўқ. Ўзаро суҳбатда, ёшларга хос шижоат билан ўз миллий ғурурларини ифодаляптилар, холос. Бироқ, ҳамма гап шундаки, бундай фикрларни қирқ йил аввал очиқ ва бемалол, ғурур билан айтиш салкам миллатчилик деб баҳолангувчи эди.

Қисса эълон қилинган, Америкадаги Колумбия университетининг мутахассисларидан бири – Роберт Ж.Баррет деган кишининг эътиборига тушади. Мақолаларидан бирида бу асарни таҳлил доирасига тортади. (Қаранг: Роберт Ж.Баррет. Нуктаи назардаги умумийлик ва Ўрта Осиё миллий адабиёти / Шўролар Ўрта Осиёсида миллий масала. Нью-Йорк – Вашингтон – Лондон: «Прэгер», 1973, инглиз тилида). Роберт Ж.Баррет мулоҳаза юрита туриб, Ўткир Ҳошимовнинг бу асари ва қаҳрамонлари янада синчиклаб ўрганилишга муносиб, деган фикр-ни айтади. Гап Чарос ва Ёдгор каби қаҳрамонларнинг миллатпарварлигида, ўз тарихига муҳаббатида эди. Янада аниқроқ айтганда, америкалик мутахассиснинг фикрича, асар қаҳрамонларидаги, демакки, уларнинг қарашларини ифода этаётган адибдаги бу мулоҳазаларга Ўрта Осиёдаги етакчи миллатлардан биридаги миллий уйғониш муждалари сифатида қарамоқ лозим. Баррет мулоҳазаларини ҳам муайян даражада ўз давридаги мафкуравий мақсадлардан батамом холи деб бўлмасадда, уларда аслида, холис ҳақиқатни кўрмаслик мумкин эмас. Лекин, салкам қирқ йил аввал танқидчилигимиз бу фикрларга қандай муносабат билдирди? Ғарбдаги буржуа шўрошунослиги ўзбек адиби асари ҳақида ижобий фикр айтдимиз, тамом, бир гап бор, буни безътибор қолдирмаслик даркор. Катта адибми, кичик адибми, бундан қатъи назар, ҳушёр бўлиши лозим, деб хулоса чиқарган ва матбуотда ўз фикрини мақолаларидан бирида баён қилган эди. Шу тариқа Ўткир Ҳошимов журъатли, мустақил фикрли қаҳрамонлар яратишни «Қалбингга қулоқ сол» сингари ўтган асрнинг 60-йиллари охирида яратилган дастлабки қиссалардаёқ бошлаган эди. Ана шу: қалбга қулоқ солиш – халқ қалбига, замондошлар қалбига қулоқ тутиш, уларнинг дардини кўтариб чиқиш, мана, деярли ярим асрдан буён ёзувчи сифатидаги, ўз

халқининг фарзанди сифатидаги Ўткир Ҳошимов ижоди ва фаолиятининг лейтмотиви бўлиб келмоқда.

Ўткир Ҳошимов асарлари, айниқса, романларига хос муҳим бир фазилат бор. Унинг романларидаги халқ учун юрт учун, бирдек муҳим ва долзарб ижтимоий маҳраждан ташқари, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ўн саккиз ёшли талаба ҳам; ажабтовур ҳаётий тажриба орттирган, тақдир довларининг пасту баландларини кўрган, дейлик, эллик ёшли амалдор ёки элнинг амалсиз, мартабасиз ўтаётган оддий бир вакили ҳам; ёхуд умр шомини бошдан кечираётган, эшигида тўртта машина хизматда турган отахону бир ойда қозони ақалли бир марта гўшт тушмайдиган муштипар онаизор ҳам ҳаёт ҳақидаги, одамлар ҳақидаги ўз орзу умидларини, армонларини, эссиз ўкинчлари-ю, адолатга мустаҳкам ишончларини топа олади. Бу хусусият ёзувчининг ўзини ҳам, асарларини ҳам халққа ниҳоятда яқин қилади. Гап бу ерда, Ўткир Ҳошимов асарларининг фақат маъноси, мазмуни, ғояси ва, ҳатто, кўтариб чиқилган муаммосидагина эмас. Энг асосийси, шуларнинг барчаси нечоғлик бадиий теран, гўзал, янги охорларда тасвирланишида; юқорида айтилган – барча ёшдаги китобхонлар бадиий дидини аниқ, идрок эта билишда, аниқ худди ўқувчиларга маълум ва матлуб бадиий оҳанглар топилишида.

Ўткир Ҳошимов «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» номли романлари билан ўзбек романчилигининг бадиий имкониятларини кенгайтди. ХХІ аср ўзбек танқидчилиги бу ҳар иккала романни улардаги бадиий яхлитлик жиҳатидан, айниқса, композицион бутунлик нуқтаи назаридан ХХ аср жаҳон адабиётининг нодир намуналари, масалан, Фолкнер асарлари билан қиёслаб ўрганмоқда. «Икки эшик ораси» ва «Тушда кечган умрлар» романларини бадиият ва, хусусан, композицион қурилиш жиҳатидан ўрганиш (М. Шарафиддинова) ўзбек

романчилигининг XX аср жаҳон адабиётидаги ўзига хос ўрнини ёритишда муҳим рол ўйнамоқда.

Ўткир Ҳошимов XX аср ўзбек адабиёти тарихи ҳамда XXI асрнинг ҳозиргача кечган ўн йилидаги ўзбек адиблари ичида асарлари халқ қалбига чуқур томир отган, энг кўп ўқувчиларга, ихлосмандларга эга бўлган ёзувчиларимиздан бири, эҳтимолки, биринчиси саналади. Мен шу жумлаларни ёзишга ёздиму ўйланиб қолдим. Қулоғим остида айрим биродарларимнинг: хай, хай, бироз ўзингизни босинг, Қодирийу Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов-чи? Бу тарзда мушоҳада юритиб, бир адибни иккинчисига қарши қўйиш ярамайди, деган иштибоҳларини эшитгандек бўлдим. Бу – тўғри фикр. Ҳар бир ёзувчининг адабиётимиз тарихида, китобхонлар қалбида эгаллаган ўз мавқеи, шухрати, ўз ўрни бор, албатта. Бироқ, мен юқоридаги мулоҳаза билан адибларимизнинг бирини иккинчисига зидламоқчи эмасман, уларнинг бири юқори, иккинчисини қуйроқ демоқчи ҳам эмасман. Ўткир Ҳошимов асарлари халқ орасида нечоғлиқ кенг тарқалгани ҳақида баъзи фикрларни айтмоқчиман, холос. Мана, тахминан, қирқ йил доирасига тааллуқли айрим маълумотлар: «Баҳор қайтмайди» қиссаси шу вақтгача ўн марта нашр этилибди. Қисса ёзилганидан сўнг беш-олти йил ўтгач, бу асар асосида яратилган телефильм Республика марказий телевидениеси орқали шу вақтгача қирқ марта такроран кўрсатилибди. «Нур борки, соя бор» романи ҳозиргача салкам ўн марта қайта-қайта нашрдан чиқибди. «Дунёнинг ишлари» ҳам, агар янглишмасам, ўндан ортиқ нашр юзини кўрди, Республика марказий телевидениеси орқали ўттиз йилда ўттиз марта қайта-қайта намойиш этилди. Тошкентга ташриф буюрган америкалик бир ўзбекшунос олима бу қиссани аслиятда ўқиб чиққач, чидай олмайдиган даражада она-

жонимни соғиндим, деб, бир неча кундан кейиноқ уйига қайтиб кетгани ҳақидаги ҳодиса жаҳон миқёсидаги бадиий адабиётга доир дарсликларни безай оладиган маълумот эмасми?..

Яна бир мисол. «Икки эшик ораси» романи яратилганига ҳали йигирма беш йил бўлгани йўқ. Бу асар ҳам ҳозиргача ўн марта қайта-қайта чоп этилди, ўзга тилларга ўгирилди. «Дафтар хошиясидаги битиклар» китоби ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Бу адибнинг халқ севган асарлари ўзбек тилида, бошқа тилларда ҳар икки-уч йилда янгидан нашр этилмоқда, деган гапдир. Асарлари асосида тайёрланган телефильмлар, телеспектакллар Республика телевидениесининг марказий дастурлари орқали ўнлаб йиллар давомида миллионлаб томошабинларга мунтазам равишда кўрсатиб борилса, роман ва қиссалар, ҳикоялар бир эмас, икки эмас, ўн мартадан қайта нашр этилиб турса, уларнинг умумий тиражи икки ярим миллион нусхадан ошиб кетган бўлса, шу эмасми Ўткир Ҳошимов китобхонлари энг бисёр адиблардан бири эканига далил. Бу китобларга талаб каттаки, нашриётлар чоп этади (яна бунинг устига, ҳозирги бозор иқтисодиётидек шароитларда денг). Бу асарларга телетомошабинларнинг чанқоклиги тугамаяптики, телеэкранлардан тушмай келади (ижодий рақобат кучли, ҳатто, янги-янги асарларга экранда вақт ажратиш осон бўлмаган ҳозирги муҳитда).

Маълумки, Чингиз Айтматовнинг деярли барча қисса ва романлари экранлаштирилган. Халқ ниҳоятда севган адиб ва асарларгина бундай бахтга ноил бўлади. Шу маънода Ўткир Ҳошимов ҳам ана шундай ёзувчилар сирасига қиради. Ёзувчининг ўн бешга яқин ҳикоя, қисса, романлари китоб саҳифаларидан ташқари зангори экран орқали ҳам мухлислар қалбига етиб боргани, айрим асарлари асосида бадиий фильм яратилгани нечоғлиқ кенг экани ҳақида тасаввур бера олади.

Ҳаётдаги бирор-бир ҳодиса қалбига дард бўлиб кўчмаса, кўнглига ўт бўлиб тушмаса, Ўткир Ҳошимов кўлига қалам олмайдиган ёзувчилар тоифасидан. Бунинг устига ўша дардини, шунчаки, ёритибгина кўя қолмайди, ўз юрагининг кўри билан алангага айлантиради. Токи, бу аланга тафти унга муҳтож дилларга куч-қувват берсин, ҳаётдаги ножоизликни, нобопликни ёндирсин, куйдирсин. Қатор ўткир публицистик мақолаларининг газета-журнал саҳифаларидагина қолиб кетмасдан, муайян ижтимоий кучга айланиши қалбларга ўткир резонанс беришининг сабаби шундан. Биргина «Қалбнинг оппоқ дафтари» (1981) номли публицистик мақолани эслайлик. Шўро даври сўнги босқичдаги собиқ Иттифокда ёхуд жумҳуриятимизда маориф тизимида доир, очиғини айтганда, ҳукумат қарорлари, фирқа кўрсатмалари оз бўлмаган. Бироқ, қарорларнинг аксариди санок, кўрсаткич, хўжакўрсинлик талаблари устувор бўлиб, ўзак масалалардан бири – ўқитувчи ҳақида қайғуриш, унинг мақомини кўтариш кўп ҳолларда эътибордан четда қолиб келди. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчи касбига беписандлик тамойилини келтириб чиқарди. Моҳият эътибори билан олиб қараганда, бу – умуман, жамиятнинг таназзулга юз тута бошлаганини англатувчи кўрсаткичлардан бири эди. Ана шундай шароитда Ўткир Ҳошимов «Қалбнинг оппоқ дафтари» номли публицистик мақоласини эълон қилди. Мақолада вужудга келган ўша 80-йиллар шароитида бу касб эгаларига чуқур қайғудошлик ҳиссининг ўзи етарли эмаслиги, бунинг учун аниқ янги тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги айтилади, ўқитувчи меҳнати, яшаши учун тегишли шароитлар яратилмас экан, наинки маориф тизими, балки умуман жамиятимиз бир жойда депсиниб қоладигина эмас, орқага кетиши мумкинлиги ҳақида ниҳоятда жиддий фикрлар ўртага ташланади. Ёдимда, бу мақола ўз вақтида катта шов-шувга сабаб бўлди.

Ўйлайманки, ушбу биргина публицистик асар ижтимоий салмоқ жиҳатидан, жамиятга таъсири жиҳатидан ўша вақтдаги бир неча расмий қарорлардан кўра кучлироқ эди. Бошқачароқ айтганда, ушбу мақола маориф тизими ҳақидаги расмий ҳужжатларда эътибордан четда қолиб келаётган муаллим қисмати ва тақдирига доир кўпдан-кўп иқтисодий, маънавий, ахлоқий, миллий, ҳуқуқий муаммоларни куюнчаклик билан кўтариб чиққан эди. Ёзувчи мақоласида, бу масалалар нуқтаи назаридан ҳукумат қарорларига тил теккизилмаган, ҳужжатлар танқид қилинмаган, албатта. Бироқ, бу – моҳият эътибори билан, муаллимдек, тарбиячидек буюк касб эгаларига расмий доиралар, расмий сиёсат муносабатларининг ўзига хос тарзда усталик билан кескин ва аёвсиз фош этилиши эди. «Қалбнинг оппоқ дафтари» эътибордан четда қолмади ва четда қолиши мумкин ҳам эмасди. Аста-секинлик билан етилиб келаётган, уйғона бошлаган замонларнинг хур фикрлари ҳам ўзига яраша самара беради. Жумҳурият маориф вазирлиги ҳайъати мақолани муҳокама қилишга мажбур бўлди ва ҳатто, махсус қарор қабул қилди. Юртимиздаги маориф тизимининг барча бўғинлари ва илмий ташкилотларида, педагог жамоаларида уни бажариш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди. Яна қоғозбозликнинг ўзида, десангиз ноҳақ бўлмайсиз, албатта. Лекин, ўқитувчилар дарди деган катта бир ижтимоий муаммога жамият эътиборининг тортилиши ҳам катта гап эди.

Республикамыз Мустақилликка эришгач, Президентимиз эълон қилган дастлабки Фармонлар ўқитувчиларнинг оғирини енгил қилиш, муаллим мақомини барча йўналишларда кўтариш масалаларига бағишланганининг ўзиёқ Истиқлол давридаги ички сиёсатнинг дастлабки қадамлариёқ нечоғлик муҳим ва тўғри йўналишда бўлганини кўрсатади. Аввалги босқичларда ҳам ёрқин

намоён бўлиб, алангадек ловиллаб турган публицистик шижоат сўнгги йилларда Ўткир Ҳошимов ижодида янада жонланди. Адиб Истиклол даврига келиб Президентимиз И.А. Каримовнинг улкан ғояларини ҳаётга, замондошларимиз қалбига янада чуқурроқ сингдиришга қаратилган, маънавият ва миллий кадриятларимиз муаммоларига бағишланган ўнлаб публицистик мақолалар эълон қилди. «Мардлик», «Ўзликни англаш бахти», «Мустақиллик – масъулият демак», «Истиклол бизни дунёга танитди», «Оёғинг ердан узилмасин» сингари мақолаларда бир жиҳатдан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг моҳият ва самаралари таҳлил ва талқин этилди, иккинчи бир жиҳатдан, ушбу бунёдкорлик ишларининг ғайрат билан амалга оширилишига бош-қош бўлаётган Юртбоши сиймоси гавдалантирилди.

Ўткир Ҳошимов ранг-баранг жанрларда ижод этиб келаётган ёзувчидир. Унинг «Икки карра икки беш», «Шумлик», «Осмондан тушган пул», «Сўққабош бевагина» сингари тўпламларига кирган воқеий ва бадий ҳажвиялар бугунги ҳажвий адабиётимизнинг гўзал ва сара намуналаридир. Масалан, адибнинг устоз Саид Аҳмад ҳақидаги «Ғаройиб саёҳат» номли ҳикояси ҳозирги жаҳон адабиётининг манаман деган юмористик новеллалари билан беллаша олади. Афсуски, айрим мулоҳазаларни ҳисобга олмаганда танқидчилигимиз ёзувчининг бу йўналишдаги ҳикоялари ҳақида чуқур ва атрофлича фикр юритишга ўтганича йўқ. Ҳолбуки, характерлар яратишдаги тиниқлик, тилдаги жозиба ва индивидуаллик, давр ва инсон табиатида намоён бўлувчи айрим хусусий қусурлар билан бир қаторда, баъзи бир жиддий ижтимоий иллатларнинг кескин ва ёрқин гавдалантирилиши ҳамда ҳаётбахш, меҳрли кулги фазилятларига кўра Ўткир Ҳошимов ҳажвиялари ҳозирги адабиётимизда муҳим ўрин тутуди ва адабиётимизнинг ранг-баранг тароватини

очиб бериш жиҳатидан улар жиддий ўрганилишга арзигуликдир.

Ўткир Ҳошимовнинг қатор драматик асарлари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш ўринли. Унинг сахна асарлари драма турининг турли жанрларида битилганини таъкидлаш жоиз: «Инсон садоқати» – психологик драма, «Тўйлар муборак» – комедия, «Баланд дорга осилма» – сатирик комедия. «Қатағон» эса – фожиа. Маълумки, бизнинг ўзбек адабиётимизда ҳам, умуман, собиқ шўро адабиётларида ҳам фожиа жанрида ёзилган асарлар кўп эмас. Бунинг сабаби аён, албатта. Шўро тузуми ўз жамиятида фожиа сифатида тасвирланувчи воқеа-ҳодиса ёки қаҳрамон тақдири бўлиши мумкин эмас деб тушунувчи ёки, ҳеч бўлмаганда, шундай деб тушунилишини истагувчи эди. Ҳолбуки, шўро тузумида ҳаётга ва айрим қаҳрамонлар тақдирига фожиа талаблари асосида ёндашишга арзигулик ҳодиса, тақдирлар йўқгина эмас, ҳатто оз бўлмаган. Ўткир Ҳошимов «Қатағон» фожиасида Ўзбекистондаги шўро тузумининг сўнгги босқичдаги даврини, «ўзбек иши», «пахта иши» деб орсизларча қилинган сиёсий ўйинларни ва бу тухматлар туфайли халқ бошига, унинг айрим фарзандлари бошига тушган фожиаларни, бу фожиаларнинг илдиз ва сабабларини кескин туғёнли тўлқинларда изчил реалистик лузум (принцип)ларда кўрсатиб берди. Афсуски, айрим мулоҳазаларни ҳисобга олмаганда, бу асар ҳам ханузгача атрофлича ва чуқур таҳлилини топмай келаётир.

Шу ўринда Ўткир Ҳошимовнинг А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Ойбек, Саид Аҳмад, О.Ёқубов каби адиблар; О.Шарафиддинов, У.Норматов, А.Расулов каби танқидчилар; ўзига тенгқур, давradoш шоир-ёзувчилар ҳақида ёзган турли йўналиш, миқёсдаги мақолалари, шунингдек, ёзувчи ижоди, маҳорат сирларига доир чуқур, теран мулоҳазалари сўнгги босқичдаги адабий жараён-

да ўзига хос ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳаёт, адабиёт, маҳорат ҳақидаги бу адабий ўйлар ижодий кечинмаларни ёритиш, ёзувчининг ўз адабий-эстетик дунёси сир-синоатларини ўрганиш билан бир қаторда, айниқса, ёшларга ўзбек адабиёти дунёсини ўзлаштиришда муҳим манба бўла олади. Агар эътибор берсангиз, Ўткир Ҳошимовнинг адабий ўйлари, хусусан, «Дафтар хошиясидаги битиклар»да ўз ифодасини топган мулоҳазалари, ҳеч муболағасиз, бамисоли бадиий асарлардек қизиқиб, берилиб, севилиб ўқилади. Бунинг сабаби, адибнинг бу йўналишдаги маколалари, мушоҳадалари ҳам бадиийлик билан тўйинганлиги туфайлидир. Демакки, унинг адабий ўйлари, бадиий асарлари бир-бирини янада тўлдиради, мунтазам бир яхлитликни ташкил этади.

Ўткир Ҳошимов қаҳрамонларини ҳаётбахш, кўтаринки, романтик йўсинда кўрсатиш билан бир қаторда, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларини бўямай-нетмай, бу жараённинг ички фалсафасидаги мутаносибликни бузмай, изчил реалистик йўсинда тасвирловчи ёзувчидир. «Икки эшик ораси»даги Ориф оқсоқол фақат доно бўлгани учунгина эмас, айниқса, ҳақгўй бўлгани учун ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари олдида эсанкирамагани, журъат ва жасорат билан ҳақ йўлдан тоймагани учун китобхонларнинг сеvimли қаҳрамонларидан бири бўлиб қолди.

Адиб, уруш давридаги баъзи ҳамюртларимизнинг қиёфасини танқид қилишда бироз ошириб юбормадимикан, деган таъналардан қўркмай, Умар закунчи феъл-атворидаги ярамас, ифлос хусусиятларни ҳеч иккиланмай аёвсиз фош этди. Қаҳрамонни бундай талқин этиш роман салмоғига салмоқ қўшди. Чунки адиб ҳаёт ҳақиқатидан чекинмади. Қаҳрамонни журъат ва жасорат билан тасвирлашда ёзувчи «Тушда кечган умрлар» романида янги бир қадам қўйди. Асар қаҳрамони – афғон урушидек даҳшатлардан омон қайтган Рустам бемақсад

уруш туфайли фарзанд кўриш бахтидан Мосуво бўлгани учун ва шўролар сиёсатининг Ўзбекистонга қилаётган зуғумларига чидолмай, ўз жонига қасд қилади. Бунинг сабаби қалбидаги баъзи бир идеалларнинг нурай бошлаши, «Ўзбек иши» деб ном олган ноҳақликлар ҳамда ўзимизнинг ичимиздан чиққан ваҳший комиссарга ўхшаганларнинг ҳамон от устида экани эди.

Ўткир Ҳошимовнинг журъат ва жасорати бадий қаҳрамонлари орқалигина эмас, Ватан ва миллат фарзанди сифатидаги фуқаролик фаолиятида ҳам намоён бўлади. Шўро замонининг сўнгги босқичларида Москвадаги съездлар саройи минбаридан туриб Юртбоши ғояларига ҳамоҳанг равишда ўз халқи ва юртининг манфаатларини кўрқмай, дадил ҳимоя қилиши, ўша вақтдаги иттифок раҳбарларининг мунофиқларча тухмат билан йўғрилган сиёсатларини кескин фош этиши, улар билан юзма-юз туриб тортишуви адиб табиатидаги бундай хусусиятларни, ҳеч шубҳасиз, жасорат деб аташга асос беради. Асар қаҳрамонларидаги бу каби хусусиятлар адибнинг ўзига ўтгани, адибнинг ўз табиатидаги бундай фазилатлар асар қаҳрамонларида намоён бўлгани учун ҳам ёзувчи мана деярли ярим асрдан буён китобхонлар ардоғига сазовор бўлиб келмоқда.

Миллионлаб китобхонлар Ўткир Ҳошимов асарларидаги халқпарвар, миллатпарвар қаҳрамонларни ардоқлаб севганларидек, ёзувчининг ўзини ҳам қалбларининг қаҳрамони деб биладилар ва шундай бўлишини орзу қиладилар.

Бахтиёр Назаров, академик

ҲИКОЯЛАР



2- Ўткир Ҳошимов

МУҲАББАТ

I

Узоқ, энтикиб ўпишдилар. Қизнинг соч толалари Тиркашнинг юзига тегиб турар, алланечук нотаниш, аммо тотли ис анқир, унинг бутун вужуди таранг тортилиб, оёқлари титрар, қизнинг ҳам елкалари билинар-билинемас силкинаётганини ҳис қилиб турарди. Тўсатдан қиз силтаниб, қаддини ростлади-ю, зарб билан итариб юборди уни.

Тиркаш лайлак қилиб қўйилган аравага суяниб қолди. У ҳамон ўзига келолмас, аллақандай ички бир тўлқин борган сайин қаттиқроқ жўш уради.

– Дадам сўйиб ташлайди, – деди қиз тўзиб кетган сочларини кафти билан текисларкан. Аммо, дадасидан ҳеч қачон ҳайиқмаганлиги, бундан кейин ҳам ҳайиқмаслиги унинг овозидан билиниб турарди.

Тиркаш аравадан уч-тўрт қадам нарида, майсалар устига ташлаб қўйилган бир парча намат устида ухлаб ётган чолга қаради. Чол ола-була хуржунга бошини ташлаб, оёқларини керганича, чалқанча ётар, қоронғида юзи аниқ кўринмасди. Ундан ҳам нарироқда бир туп дўлананинг тўкилган ҳазонини шитирлатиб, шарпадай қоп-қора эшак ўтлаб юрарди.

Тиркаш қаддини ростлаб, қизга тикилиб қолди. Унинг катта-катта кўзлари ёниб турар, узун-узун киприклари, қирра бурни қоронғида янаям жозибали кўринар, Тиркаш ҳали ҳам ҳаяжонини босиб ололмас эди. Икковлари анчагача жимиб қолишди. Арслонбоб тоғининг чўққиси

ёниб кетди. Зум ўтмай дум-думалоқ тўлин ой чиқди. Чор атрофга нур аралаш сукунат сели куйилгандай, ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Япроқлари тўкила бошлаган дўлана соядай қорайиб кўринар, ҳавода хазон, ғўзапоя иси анқирди.

Қиз сочини қайтадан ўриб, орқасига ташлади. Тиркашнинг ёнига келди-да, ниҳолдай нозик гавдасини эгиб, арава ичидан пахталик нимча олиб кийди. Тиркашга бир қараб қўйди-ю, оёқларини осилтириб, аравага ўтириб олди. У энди ҳамма нарсени унутгандай, Тиркашни кўрмаётгандай эди. Бошини баланд кўтариб, ойга тикилиб ўтирар, чехрасида бепарволик кўриниб турарди. Бояги тўлқин яна жўш уриб кетди. Тиркаш нима қилаётганини ўзи ҳам сезмай, тиз чўкиб, қизнинг оёқларидан маҳкам кучоклаб олди.

– Дилор, кетма. Илтимос қиламан, ялинаман... – У қизнинг тиззасига бош қўйди. Негадир шу топда қизнинг қўллари сочини силашини кутар, орзу қиларди. Дилор эгилиб унинг елкасидан итарди.

– Кет бу ердан!

– Тушунсанг-чи, ахир, қаёққа борасан?! Нимага борасан? – Тиркаш қизнинг оёқларини маҳкамроқ қисиб, илтижо билан бош чайқади. – Йўқ дема, Дилор. Иккаламиз бирга ишлаймиз. Сен нимани хоҳласанг...

– Кет, мен ухлайман! – Дилор тагин унинг елкасидан итарди.

Тиркаш қизнинг чимирилган қошларига, қатъият билан қимтилган лабларига қараб, энди гапириш ортиқча эканини тушунди. Аста қаддини ростлаб, бошини қуйи солди, ўзига ҳам эриш туюлган паст, ўкинч овозда пичирлади:

– Кетиб қолманглар, тонготарда келаман.

Шартта бурилди-да, тасмадай оқариб ётган тупроқ кўчадан соясини босиб, чопиб кетди. Ой коптоқдай сак-

раб-сакраб унга эргашиб келаётгандек бўлар, кишлок томондан итларнинг акиллагани эшитилар, сой шовуллар эди. Қир устига чиққанида олд томондан кишлок чироқлари кўринди. У тўхтаб қолди. Орқасига бурилиб қаради. Пастликда, йўл ёқасидаги ўша бир туп дўлана қорайиб кўринар, Дилор ҳам, отаси ҳам дарахт кўланкаси тагида қолиб кетганди.

Тиркаш тез юрганидан нафаси қисиб, терлаб кетганини энди сизди. Кўйлагини ечиб елкасига ташлади-да, тагин кишлок томонга қаради. Катта йўлдан нур занжири билан боғланиб қолгандай қатор-қатор машиналар ўтиб борарди. «Пунктга пахта олиб кетишяпти», деб ўйлади у. Бирдан кўнгли чўкди. «Йўк! – деди у пичирлаб. – Ҳеч қаёққа бормайман. Бормайман! Уйга ҳам, Дилорнинг олдига ҳам. Ҳеч нима керакмас менга, ҳеч нима!».

У кўйлагини ерга ташлаб, қуриб, сарғайиб қолган кўкатлар устига ўтирди.

«Нима бўляпти ўзи? Қаёқданам шу қизни учратдим?! Наҳотки, энди ҳамма нарсадан – уйим, кишлоғим, отамдан айрилсам? Наҳотки, энди Тентаксойдан бир умр бошимни олиб кетсам? Нима бўляпти ўзи?».

У диққат билан кулоқ сола бошлади. Бу сафар сойнинг шовуллаши аниқ эшитилди. Кейин хўрозлар чўзиб-чўзиб қичқира бошлади. Эҳтимол, уларнинг ҳовлисидаги тождор хўроз ҳам кўноқда туриб, бўйинини чўзганча жўр бўлаётгандир. Эҳтимол, Қосим ота хирмондан қайтиб, унинг келишини кутиб, супада нос чекиб мудраб ўтиргандир.

Тиркашнинг хаёлида Қосим отанинг оппоқ қоши остидан ўйчанлик, мулойимлик билан боқиб турган кўзлари, сўлгинроқ, аммо нуроний юзи, чўққи соқоли жонланди. Шу кўзларнинг нурини олган Тиркашнинг ўзи эмасмикин? Шу соч-соқолга қиров қўндирган Тиркашнинг ўзи эмасмикин! Ахир уни одам қилган, ота ўрнида ота бўлган

киши шу эмасмиди?.. Тиркашдан бошқа суянчиги борми унинг...

Кошки эди, Тентаксойга ўша эски арава кириб келмаган бўлса... Кошки эди, Тиркаш шу аравада келаётган лўли кизни – Дилорни кўрмаган бўлса...

Тиркаш ўрнидан сакраб тургиси, қишлоқ томонга югуриб кетгиси келди. Лекин қачонлардир гўдаклик хотирасига маҳкам ўрнашиб қолган, унутилаёзган соғинч бир туйғу устун келди-ю, чалқанча ётиб олди. Ой ҳаволаб кетган, қатлам-қатлам куз булутлари оҳиста сузиб ўтар, намхуш тупроқ иси анқир эди.

II

Бу воқеага анча йил бўлиб кетган. Анча йиллар...

Тиркаш эсини танибдики, шу тупроқ вояга етказди уни. Дунёга қайси куни келганини, отаси ким, онаси ким эканини ҳалиям билмайди. Тўрт-беш ёшида одам ажратадиган бўлиб қолганида лўлилар чодирда кўрди ўзини. Ота-онаси аллақачон кўз юмиб кетганини шулардан эшитди. Ҳаммага эргашиб юргани учун Тиркаш деб чақиришаркан уни. Улар Тиркашни қўлма-қўл кўтариб, катта қилишибди... Тиркаш ҳам шу лўлилардан биттаси эди. Ярим кечагача чилдирма чалиб, базм қилишни, қизил кўйлагининг этагини ҳилпиратиб рақс тушишни ҳеч нимага алишмайдиган хотинларнинг ҳаммаси унинг онаси эди. Гулхан атрофида давра қуриб ўтирган лўлиларнинг ҳаммаси ота эди унга.

Ҳазин кўшиқлар оғушида мудраган оқшомлар, ой нурига ғарқ бўлган осмон... Тиркаш дунёга келиб энг аввал шуларни кўрганди. Кун ботар-ботмас уларнинг элати кўкаламзор бир ерга чодир тикар, Тиркаш кўкатлар устига чалқанча тушиб оларди-да, чилдирманинг гумбирлашига, қувноқ қаҳқаҳаларга қулоқ солиб ётар, гул-

хан атрофида лип-лип айланаётган соялардан кўзи тиниб, ухлаб қоларди.

Эрта тонгда одамларнинг ғовур-ғувури, эшакларнинг ханграшидан уйғониб кетарди. Шудрингдан ҳўл бўлиб кетган жингалак сочларини силаб ўрнидан турар, увишиб қолган қўлларини уқалаб-уқалаб қўярди.

Яна ўша узун-узун йўллар бошланарди. Дунёда йўлларнинг нега шунчалик кўплигига унинг ақли етмас, лўлилар элати бўлса бир зум ҳам тўхтамас, қаёққа кетишаётганини ҳеч ким билмасди.

Тиркашнинг сўнгсиз-ниҳоясиз йўллари Тентаксойда тўхтади. Баҳор оқшомларидан бирида лўлилар элати шундоққина сойнинг бўйига, тошлоқ соҳилга чодир тикди. Тентаксой сон-саноксиз оролчалар ҳосил қилиб ҳайқирар, осмони фалакка марварид сочарди.

Тиркаш ўшанда етти-саккизларга бориб қолган, тишлари бир марта тўкилиб чиққан эди. Кун бўйи йўл юравериб чараганиданми, ҳаммадан олдин ухлаб қолибди.

Тонготарга яқин энтикиб уйғониб кетди. Уйғонди-ю, тўлкинлар кетма-кет урилиб, сув қаърига тортиб кетаётганини билиб, чинқириб юборди. Аммо овозини ўзи ҳам эшитолмади. Оғзига сув тўлиб, ўқчий бошлади. Сой даҳшатли гулдуросдан титрар, еру кўк қоп-қора тўлкинларга кўмилган эди. Тиркаш сувдан қалқиб чиқиб, қоп-қора осмонни сўнгги марта кўрди-ю, типирчилаб чўкиб кетди.

У кўзини очганида бошига эгилиб турган нотаниш кишини кўрди. Элатида бундай одам йўқ эди. Бошига кўк духоба дўппи кийиб олибди. Юзлари қизариб кетган, оқ оралаган мўйлови ҳўл бўлиб, чўққи соқолига ёпишиб қолибди. У жикқа сув кўйлагининг этагини қайириб, Тиркашнинг пешанасини артди.

– Отинг нима, ўғлим?

Тиркаш ўзини шу одам сувдан олиб чиққанини энди тушунди.

– Кетаман!

У ўрнидан турмоқчи бўлган эди, мажоли келмади. Нотаниш киши унинг устига кўрпа ташлади.

– Элатларинг кетиб қолишди. Сени аллақачон ўлдига чиқаришган бўлса керак. – Нотаниш киши чуқур хўрсинди. – Сел ёмон қутурди-да! Тентаксой шунақа ўзи. Ҳар баҳорда жиловини йўқотиб қўяди.

Тиркаш бегона уйнинг гулдор қоғоз ёпиштирилган шифтига тикилиб ёта-ёта кўзлари илинди.

... Бу воқеага анча йил бўлиб кетган... Анча йиллар...

Агар уч кун аввал қишлоққа яна битта лўли арава кириб келмаганида, агар Дилорни кўрмаганида, қиз кетаман деб туриб олмаганида, ўша дамларни эслаб ўтирармиди у?

III

Қуёш уфққа лаб босди. Кичкинагина шалақ арава тупроқ йўлдан имиллаб борар эди. Қора эшак чиллақдай ингичка оёқлари билан тупроқ чангитиб, аравани судраб борар, ғилдираклар нола чеккан каби ҳазин ғийқилларди.

Аравада ўтирган чолнинг ингичка, буришиқ бўйнидаги чуқурчаси, оқ оралаган сочи Тиркашга кўриниб турарди. Дилорнинг отаси ҳеч қачон шошилмаётганини шама қилгандай эшакни қистамас, бошини ташлаб, мудраб борарди. Эрталабдан бери чол Тиркашга бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат аҳён-аҳёнда милки қизариб кетган кўзлари билан унга синчиклаб қараб қўяр, яна индамасдан тескари қараб оларди.

Араванинг кетида Тиркаш билан ёнма-ён келаётган Дилор унга қараб жилмайиб қўяр, аллақачон синдириб олган тол хивичи билан йўл четидаги гиёҳларни савалаб

борарди. Унинг шапалоқ гулли қизил кўйлаги шафақда ловиллар, ўзи ҳам ўт бўлиб ёниб кетаётгандай кўринарди. Тиркаш шу топда қизнинг нима ўйлаётганини билолмас, аммо бир кўзини сал қисиб, истехзоли, жозибали жил-майишидан ўзининг гўзаллигидан, йигитни эргаштириб келаётганидан мамнун эканлигини кўриб турарди.

Қуёш ер ортига юмалаб кетди. Оқшом шамоли уфқда ёниб турган шафақ алангасини пуфлаб ўчирди. Ҳамон ғилдираклар нола чекар, шалақ арава тепаликка чиқиб борарди.

Тиркаш қишлоқдан чиқиб кетаётганида ҳозиргидек кўнгли ғаш бўлишини ўйламаганди. У Қосим отанинг кўзига кўринишдан кўрққан, Тентаксойдан чиқиб олгунча таниш шофёрларнинг учраб қолишидан юрак ҳовучлаб турганди. Йўқ, ҳеч ким учрамади... У Дилорни энди ўзиники деб ўйлар, шу қиз учун дунёнинг нариги чеккасигача боришга ҳам тайёр эди. Лекин қишлоқдан узоклашган сайин унинг қадами секинлашар, ўзи қилаётган гуноҳини энди тушунаётгандай бўларди. Гўё кимдир кўзга кўринмас нозик, жуда нозик иплар билан уни Тентаксойга боғлаб қўйган-у, бу иплар борган сайин таранг тортилар, яна бир қадам юрса, узилиб кетаётгандай бўларди.

Шалақ арава тепалик устига чикқанда тўхтади. Тиркаш тагин бурилиб орқага қаради. Пастда қишлоқни тасмадай ўраб олган сой ялтиллаб кўринар, аммо уйлар кўзга ташланмас, қуюқ дарахтзор устига оқшом шарпаси кўнганди. Узокда – катта йўл устида қуюқ чанг кўринди.

– Пода қайтяпти, – пичирлади у. Бирдан кўз ўнги қоронғилашиб, хотиралар қуюнидан боши айланиб кетди.

Бир вақтлар ўзи ҳам каттакон тарғил сигирни тонгсахарда подага қўшиб юборар, кечқурун сигирнинг ўзи эшиқдан маъраб кириб келарди. Сигирни қўшни

келин соғиб берар, Қосим отанинг кампири ўлиб кетган, сўққабаш эди. Чолнинг ўзидан бошқа овунчоғи йўқлигини, унинг умиди ёлғиз Тиркашдан эканини энди тушунди у.

Ўша, сувдан олиб чиққан йилиёқ Қосим ота унга папка, «Алифбе» олиб берган, Тиркаш мактабга қатнай бошлаган эди. Тонг-сахарлаб шудринг қўнган далалардан мактабга югурганлари, ёзда колхоз боғида болалар билан узум узишгани, бултур ўнинчини битирганида мактабда ўтказилган кеча унинг хаёлида жонланди-ю, юраги гупиллаб уриб кетди.

Тиркаш куз кечалари хирмонда ишлашни яхши кўрарди. У баланд хирмон устига чиқиб, чалқанча ётиб олар, назарида осмон борган сайин пастлашиб тушаётгандай бўлар, пахтанинг елкаларига илиққина, юмшоққина ботиши ҳам, салқин шамолдан жунжикиб, сесканиб кетиши ҳам – ҳамма-ҳаммаси жуда лаззатли эди.

У роҳат қилиб ётганида пастдан машинанинг бўғиқ овози эшитилар, кабина эшиги тарақлаб очиларди.

– Ухлаб қолдингми, ҳой лўли!

Тиркаш шофёрларнинг қўполлигига парво қилмас, ўзини шу қишлоқнинг бир ўзбеги, бир фарзанди ҳисобларди. У хирмон устидан сакраб тушарди-да, паншаха билан пахта ортарди...

Кейин тракторчига шогирд тушди. У омочларни тўғрилаб борар, палахса-палахса бўлиб кўчаётган тупроқ иси, бензин ҳиди маст қилиб қўйгандай боши айланиб кетар, моторнинг гувиллаши ҳам, трактор атрофида парводанадай айланаётган қарғаларнинг қағиллаши ҳам гаштли туюларди унга.

Йигит ўша тупроқ исини, баҳор қўнғироғидан уйғонган ернинг илиқ нафасини, Тентаксойнинг тишни қамаштириб юборувчи муздай сувларини ҳеч қачон, ҳеч нимага алишмаслигини, алиша оласлигини энди тушун-

ди... Тиркаш елкасига келиб тушган хивич зарбидан сесканиб кетди.

– Юрмайсанми?

Дилор бир кўлини биқинига тираб, бир кўлида хивич ўйнатиб жилмайиб турарди. Атроф қоронғилашиб қолган, шалақ арава аллақачон пастга тушиб кетганди.

Дилорнинг истехзоли жилмайиб туриши ҳам, ўтдай ёник кўзлари, кирра бурни ҳам биринчи марта хунук кўриниб кетди унга.

– Туртмасдан гапир! – деди у бўғилиб. Ғазабдан юзлари ловиллаб кетганини ўзи ҳам сезиб турарди.

– Бечора ошиқ! – Дилор бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Сукунат чўккан адирлар устидан оқшом шарпасидай сирли, бўғиқ акс садо келди.

Тиркаш бир силтаниб қизнинг хивичини тортиб олди-да, майда-майда қилиб ерга отди. Дилор ҳеч нима бўлмагандай ҳамон жилмайиб турарди.

– Қишлоққа қайтамиз! – Тиркаш жуда муҳим, азиз бир нарсани тушунтирмақчи бўлгандай, қизнинг елкаларидан ушлаб, ўтинч билан силай бошлади. – Илтимос, Дилор, йўқ демагин! Кетишимиздан нима фойда, қаёққа борамиз? Жон Дилор, хўп дегин, – у қизни бағрига босиб, шивирлай бошлади: – Тентаксойга қайтамиз. У ерда менинг отам, ўртоқларим, тракторим бор, биласанми, – у негадир бўғилиб кетди. Томоғига тикилиб қолган илиқ бир нарсани ютиб, аранг шивирлади, – биласанми, Дилор, у ерда менинг... менинг ватаним бор. – Қизнинг соч толалари яна юзига тегиб кетди. Яна ўша, кишини маст қилиб юбуровчи майин ис гуркиради. – Дилор, хўп дегин, битта хўп дегин...

Қиз силтаниб чекинди. Энди у жилмаймас, кўзлари ўт бўлиб ёнарди.

– Ҳеч ким сени бошлаб келаётгани йўқ, ўзинг келяпсан, – у бирдан чинқириб юборди. – Сен лўли эмассан,

анқовсан! – кейин кўзлари қисилиб, киноя билан овозини пасайтирди. – Ким кўйибди сенга дуч келган қизга эргашиб юришни? Бор, қишлоғингга боравер! Сен билан ишим йўқ. Мен билан ҳам ишинг бўлмасин!

Дилор тупроқ йўлдан пастга қараб чошиб кетди. Тиркаш унинг шамолда ҳилпираб узоклашиб бораётган кўйлагини кўриб турар, аммо нима бўлаётганига ҳали ҳам тушунолмасди. У бир нафас иккиланиб турди-да, қизнинг кетидан югурди. Тепанинг ярмига борганда, ҳаллослаб етиб олиб, кўлидан тортди.

– Дилор!

– Қоч! – қизнинг кўзлари нафрат билан ёниб турарди.

– Кетма, Дилор!

– Қоч, лайча!

Бирдан Тиркашнинг вужуди музлаб қолди. Бояги қайноқ ҳислар ўрнини аллақандай ёввойи куч эгаллади-ю, тарсакилаб юборди уни.

– Йўқол! – деди хириллаб, – йўқол!

У Дилорнинг қафти билан юзини ушлаб қолганини кўрди. Кейин кескин бурилди-да, қишлоқ йўлини мўлжаллаб, чошиб кетди. Бир марта ҳам орқасига қарамади.

Арслонбоб чўққисидан қип-қизариб ой чиқиб келар, тупроқ йўл оқариб кўринар, Тиркашнинг соясигача қалтирарди.

IV

Қиш эрта тушди. Ҳали ғўзапоялар йиғиштириб олинмасдан туриб қор ёғди. Эртасига ҳаво чараклаб очилиб кетди.

Тиркаш қор кўрпасига бурканиб эндигина уйкуга кетган ерни чўчитиб трактор ҳайдар, қор босган далалар офтоб нурида кўзни камаштириб ярқирар, яккам-дуккам ғўзапоялар тақдиридан нолигандай шумшайиб турарди.

Трактор ҳали яхламаган далада енгилгина сузиб, музёрап кемадай орқасидан қоп-қора из қолдириб борарди.

У тушликка чиқиш учун моторни ўчириб, кабинадан сакраб тушди-ю, пайкал бошидаги тутзор ёнида турган қизни кўриб қолди. Боя, моторга сув қуяётганида ҳам кўргандай бўлганди. Қиз сариқ пахталик кийиб, бошига кўк рўмол ўраб олганди. Унинг бир кўлини биқинига тираб туриши танишдай кўринди йигитга.

«Ўткинчилардан бўлса керак». Тиркаш шийпон томонга бурилиб кетаётган эди, қиз қўл силтаб имо қилди.

Тиркаш кирза этиклари билан қор кечиб, беш-ўн кадам юрди-ю, қизни таниб қолиб, югуриб кетди. Юраги яна ўша соғинч ҳислар билан жўш урар, этикнинг сирғанишига ҳам, ғўзапояларга қоқилишига ҳам парво қилмасди. «Дилор, Дилор!», – дерди у пичирлаб. Негадир қувончдан энтикар, нимага қувонаётганини ўзи ҳам билмасди.

У нафаси тикилиб югуриб келди-ю, Дилорнинг нозик, аммо чайир қўлларини кафтига олди.

«Кўли музлаб кетибди», – деб ўйлади қизнинг юзига тикиларкан. Дилорнинг ранги сўлгинлашган, кўзлари чўккан, аммо ҳамон жозибали табассум билан жилмайиб турарди. У исиб кетгандай пахмоқ рўмолининг тугунини ечаркан, тирсаги билан Тиркашнинг кўкрагига туртди.

– Ҳайдаб юбормайсанми?

– Қачон келдинг?

– Эрталаб.

– Бутунлайми?

– Бутунлай! – деди Дилор бепарво. Тиркаш қизнинг кўзларига бир қаради-ю, шу бир оғиз сўзга ишониш мумкинлигини тушунди.

– Жинни! – деди у кулиб.

Қизнинг елкасига оҳиста қўл ташлади-да, қор босган дала йўлидан қишлоққа – ўз хаётига бошлаб кетди.

ҲУРКИТИЛГАН ТУШ

*«Кўнгил вайрон бўлиши учун тақдирнинг
оғизгина зарбаси кифоя».*

С. ЦВАЙГ

Тишлари тўкилган кемшик бола эдим. Сой бўйидаги ўтлоқ биз – болаларнинг «катта еримиз» эди. Ҳар куни эрта билан ойим чийдухоба шимимнинг чўнтагига ярим-та зоғора, бир бўлак қайнаган лавлаги солиб берарди-да, шохсиз, ювош эчкимизни етаклаб, «катта ер»га жўнардим. Овози дўриллаб қолган Меливой кўк кўзни айтмаса, ҳаммамиз ёш болалар эдик. ўтлоқ ёнидаги икки туп азим тол бизнинг овунчоғимиз эди. Баҳор келиши билан болалар тол новдаларидан ҳуштак ясашар, қизлар бўлса баргак тақиб, дарахт соясида черта ўйнашарди.

Бир куни орамизга янги меҳмон – Ҳалима деган қизча кўшилди. Унинг қишлоғимизга келганини ҳаммадан аввал мен билдим. Кечкурун ойим дадамга айтган гапини эшитиб қолгандим.

– Ҳақим сассиқ шаҳарга бориб қизини топиб келибди. Хотинининг бошига итти кунини солибди. «Ўзинг-ку, шармандалиқ қилдинг... Майли, сен ўша топганинг билан бўлавер. Менга қизимни бер», – дебди...

Ҳақим сассиқ урушдан келгач, полизда бригадир бўлиб ишларди. Мен уни ёмон кўрардим: бир марта эчким полизига кириб кетганида мени икки тарсаки урган. Ойимнинг гапидан ҳеч нима тушунмаган бўлсам ҳам, Ҳақим сассиқнинг қизини кўргим келди. Эртасига кўрдим ҳам...

Ўша куни эрталаб момақалдиروق бўлиб, жала қуйгани эсимда бор. Ойим одатдагидай эчкининг елин қопини боғлаб (бўлмаса боласи эмиб кўярди) арқонни кўлимга тутказди:

– Яхшилаб тўйғаз!

«Катга ер»га етиб келгунимча ҳаво чарақлаб очилиб кетди. Эчкининг арқонини ечиб, молларга кўшиб юбордим-да, тол тагида тўдаланиб турган болалар ёнига келдим.

Ўртада урушда ўлган дадасининг каттакон беқасам чопонини кийиб олган Меливой ёнбошлаб ётар, яланг оёқ болалар унинг атрофида ўтириб олиб, нимагадир хохлаб кулишарди.

– Ҳақим сассикнинг кизини кўрдингми, Анвар? – Меливой яқин келишим билан дўриллаб сўради. Кейин кўлидаги тол ёғоч билан имо қилиб кўрсатди. – Дадасига ўхшаган дароз экан.

Болалар тагин бараварига кулиб юборишди. Толнинг панасида турган новча қизалоқни энди кўрдим. Унинг катта-катта кўзлари маъюслик билан жавдирар, нима қилишини билмай, калишининг учи билан майсаларни эзгиларди.

Меливойдан ҳаммамиз кўрқардик, у ҳеч кимни аямасди. Лекин ҳозир у кизни масхара қилиши алам қилди менга.

– Дароз бўлса сенга нима? – дедим аламимдан чийиллаб.

Ҳалима ялт этиб менга қаради-ю, индамади. Меливой бирпас бақрайиб турди-да, таёғининг учи билан сой томонни кўрсатди.

– Бор, буқамни қайтариб кел! Сенинг галинг келди.

У ҳар доим молини бизларга қайтартирарди. Нимагадир бу сафар ўжарлигим тутди. Соё бўйига тушиб кетган қора буқага қараб кўйдим-у:

– Ўзинг қайтар! – дедим.

– Шунақами? – Меливойнинг кўк кўзлари олайиб кетди. Ирғиб ўрнидан турди-ю, қўлидаги таёкни баланд кўтарди. Ҳозир елкамга калтак тушишини билиб, кўрқувдан кўзларимни юмиб олдим. Аммо калтак тегмади. Бир маҳал кўзимни очиб қарасам, Ҳалима таёкни ингичка тиззасига тираб, синдирыпти.

– Бузуқнинг боласи! – деди Меливой унга қараб.

Ҳалиманинг лаби пирпираб, йиғлаб юборай деётганидан бу ёмон гап эканлигини тушундим.

– Ўзинг бузуқнинг боласи! – дедим бақириб. – Кўк кўз! Кўк ғарқа!

... Ўша куни Меливойнинг буйруғи билан «катта ер»дан ҳайдалдим. Эчкимни ҳам сойнинг нариги бетида боқадиган бўлдим.

* * *

Болалар орасига қайтгим келарди-ю, «кўк ғарқа»дан кўрқардим. Фақат бир нарсага хурсанд эдим: Ҳалима ҳам ола сигирини мен билан бирга боқарди. Кейин билсам, у мендан уч ёш катта экан. Кун бўйи иккаламиз чиллак ўйнардик. Ҳалима бу ўйинда ўғил болалардан қолишмасди.

Ёзда тагин бир одат чиқардик. Ҳар куни пешинда сой бўйида олов ёкиб, кўрига иккитадан картошка кўмиб ейдиган бўлдик. Бир гал у, бир гал мен уйдан картошка олиб келардик.

Чўғда қоп-қорайиб пишган картошкани шоша-пиша артиб, оғзимиз куйишига қарамай еб олишдан лаззатлироқ нарса йўқ эди бизга.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни ўша тотли тушликни еб бўлиб, майсалар устига чалқанча ётиб олдим. Тубсиз осмоннинг бир чеккасида кўпикдай оппоқ булутлар оҳиста сузиб юрар, баланд-баландларда жаж-

жигина бир тўрғай турган ерида типирчилаб, шодон сайрарди...

Ҳалима ёнимда ўтириб олиб, ўтлардан «ажина ковуш» тўқир, узун-узун бармоқларининг шунчалик чаққон ҳаракат қилишига ҳайрон қолардим. Бирпасдан кейин у ингичка, паст товушда ашула айта бошлади.

«Очил-очил оқ тошлар-а...

Мен онамни кўрайин-а...

Дийдорига тўяйин-а...»

Унинг секин хўрсинганини эшитдим. Зум ўтмай яна қайтарди.

«Ойижоним...

кўрайин-а

Дийдорига...»

Кейин бирдан жим бўлиб қолди. Алланимадан кўрққандай, секин бошимни кўтариб қарардим. Ҳалиманинг катта-катта, коп-қора кўзлари жикқа ёш эди.

Нима қилишимни билмай, довдираб қолдим.

– Йиғлама, – дедим ялиниб. – Йиғламаги-ин...

Ҳалима кўлидаги «ажина ковуш»ни улоқтириб юборди-да, кизил чит қўйлагининг этагини қайириб, кўз ёшини артди.

Арпага ўроқ тушди. Энди бизнинг ҳам ишимиз кўпайиб қолганди, ҳар куни машоққа борардик. Ўша куни пешингача иккаламиз бир тўрвадан машоқ тердик. Ўроқчилар нариги адирга ўтиб кетишган, кизиб ётган арпазорларни куёш ёндирарди.

– Юр, сойдан сув ичиб келамиз, – дедим тўрвачамни оркалаб.

– Полизга бориб қовун емаймизми?

– Даданг бермайди-да, – дедим ишонмай.

– Беради, беради, – Ҳалима кўлимдан ушлади. Чопиб кетдик. Соё бўйидан юриб, полиз ёнига етиб борганимизда тўхтаб қолдим.

– Кўркма! – Ҳалима судрагудай бўлиб полиз ичига етаклаб кирди. Пушталар устида юмалаб ётган катта-катта қовун-тарвузларни кўриб, кўзим ўйнарди. Лекин, чайла ёнига яқин борганда кўрқа-писа яна тўхтадим. Чайла соясида Ҳаким сассиқ билан табелчи Тўлаш ака чордона қуриб ўтирганча, коса қилинган босволдини ейишарди.

– Дада, бизгаям қовун берасизми? – Ҳалима аввал менга, кейин дадасига қараб кўйди.

Ҳаким сассиқ қизариб кетган кўзларини менга қадаган эди, ургани эсимга тушиб кетди. Ўшанда ҳам кўзлари шунақа кип-қизил эди.

Бирдан Тўлаш ака оғзини катта очиб, хохолаб кула бошлади. Яккам-дуккам тишлари орасида ярим чайналган оппоқ босволди бўлаги кўринди.

– Сассиқ! – деди у оғзини тўлдириб. – Тўйни бошлай-версанг ҳам бўларкан. Мана куёв болаям тайёр. – Кейин яна хохолаб кулди.

Ҳаким сассиқ лабининг бир чеккаси билан илжайиб кўйди. Ҳайрон бўлиб, Ҳалимага қарадим. У ҳам кўзлари жавдираб, атрофга аланглар, ҳов ўшанда – Меливойдан сўкиш эшитганда қандоқ қилган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай, калишининг учи билан ер чизарди.

Тўсатдан миямга бир нима урилгандай бўлди. Улар мен билмайдиган, ёмон бир нарса тўғрисида гапиришаётганини тушуниб қолдим. Секин бурилдим-у, йиғлаганча чопиб кетдим. Катта-кичик қовунларни босиб, пушталар устидан сакраб-сакраб борарканман, елкамдан оғир бир нарса босиб тушаётганини анчадан кейин билдим. Бошоқ тўла халтам экан. Уни ҳам улоқтирдим-у, сой бўйига югурдим.

... Ақлимни таниганимдан кейин билсам, мен ширин, беғубор туш кўраётган эканман-у, Тўлаш бир оғиз гапи билан устимдан муздай совуқ сув қуйиб, уйғотиб юборган экан. Мен бўлсам мана шу туш узок, жуда узок

давом этишини хоҳлардим. Ўша-ўша Ҳалимани бошқа кўрмадим, нимагадир кўришни хоҳламадим ҳам. Кейин эшитсам шаҳарга – ойисининг ёнига кетиб қолибди.

* * *

Кеча Панорама кинотеатри ёнида Ҳалимани кўриб қолдим. Агар ўзи чақирмаса, танимасдим. У йўлқадан қоляска етаклаб борарди. Қизиқ, Ҳалима мени қандай таниганига ҳайронман... Арғувон тагидаги скамейкада ўтириб гаплашдик. Ҳалима турмуш курибди. Эри аспирант, ўзи врач экан.

– Бу – иккинчи ўғлим, – деди у аравачада ухлаб ётган ширингина чақалоқни кўрсатиб. Анчагача жим ўтирганимиздан кейин секин хўрсинди.

– Қандоқ яхши опа-ука эдик-а... Қаранг, ўн олти йил ўтиб кетибди.

Мен уни сизлашни ҳам, сенлашни ҳам билолмай, иккиланиб қолдим.

– Ҳалиям кўрга кўмилган картошкани яхши кўрасизми? – дедим анчадан кейин.

– Ҳалиям ёш боласиз-а, Анвар... – у кулди. Бу ўша – ўзимга таниш опаларча меҳрибон кулги эди.

Юрагимнинг бир бурчида соғинч туйғуси жўш уриб кетди. Рост-а, қандоқ опа-ука эдик-а!.. Тўлаш ака ўшанда нимагаям шунақа деди-а?

БАХТ

Уч соатдан кейин Янги йил киради. Уч соатдан кейин Мунира ўттизга қадам қўяди. Бу сафар ҳам у Янги йилни ёлғиз кутиб оляпти. Унчалик ҳам ёлғиз эмас. Нариги уйда жажжи Нилуфар ухлаб ётибди. Яхшиям бахтига шу қақажон қизча бор экан. Ўз онасидан Мунирани яхши кўради. Ишдан келиши билан бўйнига осилади.

Бугун Мунира синглиси билан ўтиришмоқчи эди. Бўлмади. Сайёранинг одати шу ўзи. Бир гапни айтишга айтиб қўяди-да, охирида айниб қолади. Боласи беш ёшга чикибди-ю, ўзи ёш болага ўхшайди. Боя қизчасини боғчадан олиб келди-да, Мунирага топшириб, кўчага югурди. Мунира нима гаплигини суриштирган эди, зинадан қайтиб чикиб, «айноний ўзимнинг опажонимдан», деб у юзидан, бу юзидан ўпди-да, кетди-қолди.

Муниранинг бир ўзи яна мунғайиб қолаверди.

У секин-секин юриб, ошхонага кирди. Косадаги гуручни шошилмасдан юва бошлади. Гуруч юзига қалқиб чиққан оппоқ сувни тўқаркан, негадир онасини эслади.

Мунира етти ёшидами, саккиздами опа-сингил баравар кўкйўтал бўлишганди. Ўшанда онаси унга гуруч ювилган сувни ичиргани Муниранинг эсида қолган. Гуруч суви аллақандай кўпикли, бемаза эди. Мунира-ку, ўша бемаза сувни уч-тўрт қултум ичди-я, Сайёра «лўлилик» қилиб, ҳаммаёқни бузиб юборди. ўшанда ойиси «сенларни одам қилгунча ўзим адо бўламан», деб йиғлаганди.

Умуман, ойсининг чехраси негадир ҳамиша маъюс кўринар, айвон бурчагида турадиган оёқ машинада иш тикаётганида ҳам, уй йиғиштираётганида ҳам бошини бир ёнга ташлаганча хаёлга чўмиб юрарди. У иш тикаётганида бир ашулани кўп қайтарарди. Қайта-қайта эшитгани учунми, ўша сўзлар Муниранинг хаёлига муҳрланиб қолган:

«Ох, урарман, ох урарман,
оҳларим тутгай сани,
Кўз ёшим дарё бўлиб,
балиқлари ютгай сани»...

Мунира мактабга қатнаб, эсини танигандан кейин, онаси нима учун «оҳ ургани»ни тушунди. У отасини эс-эс танир, баланд бўйли, мўйловли бу одамга тузук-қурук меҳр қўйиб улгурган ҳам эмасди. Сайёра туғилганидан кейин кўп ўтмай отаси қаёққадир ғойиб бўлди. Мунира бу «сир-синоат»ни ҳам кейин, эсини таниганда тушунди: отаси уларни ташлаб кетган экан. У бир нарсани – онасига кўмаклашиши зарурлигини жуда эрта тушунди. Олтинчи синфда ўқиётганида оёқ машинада иш тикишни ўрганди. Саккизинчи синфни битирганидан кейин Олой бозори биқинидаги тикувчилик ательесига ишга кирди.

...Қозон қаттиқ-қаттиқ қайнаб, Муниранинг хаёли бўлинди. У гуруч солди-да, ошхона деразасини қия очди. Мусаффо қор ҳавоси ёпирилиб кирди. Дераза ортидаги дарахларнинг шохи қордан ишқомдек эгилиб кетган. Бу ҳам камлик қилгандек, оқ уқпарлар тўзиб ётган пастак осмондан момик зарралар ёғилаверади, ёғилаверади. Гўё бутун табиат янги туғилган чақалоғу само уни покиза йўргакка ўраётгандек. Рўпарадаги тўрт қаватли уй деразаларида чироқлар машъала бўлиб ётибди. Шодон куй янграйди.

Ҳа, бугун байрам... Мунира сувни тортган гуруч устига товоқ ёпаркан, секин хўрсиниб қўйди. Бугун байрам, Янги йил кирапти. У оҳиста юриб, ётоққа кирди. Нилуфар сочлари тўзиганча ухлаб ётар, пешанаси терлаб кетганди. Мунира қизчанинг пешанасини кафти билан оҳиста артаркан, жилмайиб қўйди. «Шайтон-ей! Ҳали қўшни болалар билан роса чана учди. Совуқ элитган». Шу ондаёқ у арча чироқларини ёкиши кераклигини эслади-ю, илдам ўрнидан турди.

Қайси куни арчани безатишаётганида Нилуфар ҳадеб чироғини ёқиб беринг, деб хархаша қилган, ўшанда Мунира Янги йил кечаси арчанинг чироғини Қорбобо ёқиб беради, деб ишонтирган эди.

У тез-тез юриб меҳмонхонага кирди-да, чироқ маржони уланган симни илгакка тикди. Шу ондаёқ қизил, яшил, сарик, яна кўпдан-кўп анвойи рангдаги жажжи чироқлар ёнди-ю, хона бирданига алланечук сукутбахш, мунис бўлиб қолди. Мунира сеҳрланиб қолгандек арча рўпарасида бир зум қотиб турди. Кейин диванга бориб ўтирди. Анча ўтирди. Ташқарида ҳамон куй садолари янграр, дераза ортидан ўтаётган одамлар шодон шовқин солишар, қаҳ-қаҳ уриб кулишар, буларнинг ҳаммаси ичкаридаги, мана шу хонадаги сукунатни, танҳоликни янаям чуқурлаштираётганга ўхшарди. Қизик, бунақа кунда, байрам кунида ёлғиз қолсанг, ғалати бўларкан. Гўё бутун дунё бир тараф-у, ёлғиз ўзинг бир тараф.

Мунира олти йилдан буён Янги йилни бир ўзи кутади. Ҳар гал худди шунақа аҳволга тушади. Тўғри, у ҳам шу пайтда эри билан, бола-чақалари билан гавжум уйда ўтириши мумкин эди. Бўлмади... Ҳаёт шунақа экан. Инсон ҳамма орзусига бир йўла етавермас экан...

Зокиржон яхши йигит эди. Қадди-қомати келишган, оғир-вазмин... Улар Зокиржоннинг «маршрутка»сида танишган эдилар. Мунира ҳар куни маршрут таксида

уйига қайтар эди. Зокиржон шу машинани ҳайдарди. Бир-бирларига юлдузлари тўғри келиб қолдимиз, ё Муниранинг ўзи кўхликмиди, хуллас, «шофёр йигит» унга тинчлик бермади. Уйдан чиқса, кўча бошида кутади. Ишдан қайтаётганда ателье рўпарасидаги бекатда машинаси билан пойлайди. Муниранинг гаши келгандек бўлади-ю, аммо «шофёр йигит» йўлини пойлаб туришини жуда-жуда хоҳлайди... Мунира энди билса, ўша кунлар ҳаётининг энг ширин дамлари экан. Биров интиқлик билан сенга талпиниб турганини ҳис этишдан каттароқ бахт йўқ экан. Ҳа, Мунира бахтиёр эди. Аммо бахт билан бахтсизлик доим етаклашиб юради. Тўсатдан онаси ўлиб қолди. Юрак дарди тутди-ю, «Тез ёрдам» машинаси етиб келгунча тамом бўлди. Фақат бир оғиз сўз айтди: «Синглингни хўрлама, болам. Отаси йўқ эди. Энди мен ҳам йўқман, сенга топширдим...»

Мунира онасининг руҳи олдида Сайёрани етим қилиб қўймасликка қасам ичди. Битта ирмоқ тўхтаб қолгани билан дарё суви қуримайди. Ҳаёт ўз йўлидан кетаверди. Ой ўтди, йил ўтди, бир куни Зокиржон дардини айтди.

– Тўйни тезлаштирмасак бўлмайди. Уйдагилар қўй-маяпти.

Мунира икки йўл орасида қолди. Сайёрани ташлаб қаёққа боради? Ўн олти яшар қизалоқнинг тақдири нима бўлади?

Мунира ростини айтди.

– Синглим ҳали ўзини эплай олмайди. Мен оймларга ваъда берганман.

Орадан яна ой ўтди, яна йил ўтди. Улар ҳамон бир-бирларига талпинишар, аммо энди Муниранинг кўнглида қандайдир мавҳум хавотир бор эди. Зокиржон билан кўришганида негандир кўнгли бир нимани сезаётгандек зиркиллаб турарди.

Бу орада Сайёра мактабни битирди. Зокиржон ўша таклифини яна қайтарди. Мунира яна ростини айтди.

– Синглим институтга имтиҳон топширмакчи, кириб олсин-чи...

– Кейин-чи? – деди Зокиржон қандайдир бегона шиддат билан. – Кейин нима бўлади?

– Кейин... – Мунира тутилиб қолди. Кейин нима бўлишини ўзи ҳам билмасди. Бари бир, Сайёранинг қисмати бир ёқлик бўлмагунча тинчий олмаслигига ақли етиб турарди. – Ахир, сизникига синглимни эргаштириб боролмайман-ку, – деди Зокиржонга термилиб.

У Зокиржоннинг жаҳли чиққанини ҳеч кўрмаган эди. Шу куни кўрди.

– Нима, сиз мен билан яшайсизми, синглингиз биланми? Синглингиз сиз учун яшамаса керак, ахир?

– Нима қилай? – Мунира ерга қаради. – Бошқа иложим йўқ.

– Менинг ҳам бошқа иложим йўқ. Мен сизга ичкүёв бўлолмайман. Ёшим ўттиздан ошди. Шунча йил уйланмай юриб, маломатга қолганим ҳам етади.

Мунира ярқ этиб қаради-да, Зокиржоннинг кўзларида, ўзи учун кадрдон бўлиб қолган, кечалари тушига кириб чиқадиган оқил кўзларида ғазаб оловини кўрди. Кўрди-ю, кўнгли бўм-бўш бўлиб қолди.

– Мен сизнинг қўлингиздан тутиб қолаётганим йўқ. Йўлингиз очик.

Тамом. У кечалари синглисига билдирмай, кўрпага бурканиб йиғласа ҳам, Зокиржонни олисдан кўрганида юраги кўксидан отилиб кетгудек бўлса ҳам, тутқич бермади унга. Кеч кузда унинг тўйи бўлганини эшитди. Мунира эсдан оғиб қолсам керак, деб ўйлаган эди. Йўқ, одам чидар экан. Мунира чидади. У Зокиржонни айблай олмасди.

Сайёра ўқишга кирди. Ажаб, Зокиржон рост айтган экан. Синглиси Мунира учун яшамаслигини «исбот қилди». Эрта баҳорда Мунирани қучоқлаб йиғлади:

– Тўй қилмасак бўлмайди. Тушунапсизми, опажон, бўлмайди.

Мунира тушунди. Тўй қилмаса бўлмаслигини, Сайёранинг ўзи учун ҳам, пахта теримида ҳашарга боришганида уни яхши кўриб қолган учинчи курс талабаси учун ҳам ёмон бўлишини тушунди. Ўзи не умидлар билан йиғиб қўйган сепларининг ҳаммасини синглисига берди. Атайлаб Зокиржон билан бориб олишган узугини ҳам, таътил пулига олган гиламини ҳам, касса ўйнаб йиққан пулига харид қилган чинни сервизларини ҳам – ҳаммасини... Онасининг руҳи шод бўлишини, синглиси бахтини топганини ўйлаб қувонди. Елиб-югуриб хизмат қилди. Фақат куёвжўралар қарсбадабанг қийқириқ билан эшикдан кириб келишганида, «Тўйлар муборак»ни айтишганида нукул хаёлига Зокиржон келаверди. Чидаб туролмади: кўзларидан тиркираб ёш чиқиб кетди.

Синглисини узатганидан кейин у қандайдир ўйчан, одамови бўлиб қолди. Ўтиришларга борса, дугоналари зимдан бир-бирига имлаётгандек бўлади. Унга ширин муомала қилишса, кўнгли яримлиги учун етим боладек юпатишаётганга ўхшайди. У ишдан юпанч топди. Бутун меҳрини ишига берди. Файрати, ҳалол меҳнати билан обрў топди. Фақат кўнглининг бир чеккаси бўм-бўш. Гўё Зокиржон Муниранинг кўнглига номини ўйиб ёзгану ўзи ғойиб бўлган. Ўзи бўлмаса ҳам, номи ўша ўйилган жой ҳар куни, ҳеч курса бир марта санчиб қўяди.

... Буёқда синглиси тағин бир «ишқал орттирди»: шошқалоқ бодомга ўхшаб «эрта гуллаб қўйиб, совуқ уриб кетган» қизларнинг қисмати шунақа бўлади ўзи. Учинчи босқичда ўқиётганида (қизалоғи бир ярим ёшда эди) Сайёра йиғлаб келди. Эри ўқишни битирибди. Қишлоғига олиб кетмоқчи эмиш. «Обкетса, жуда яхши, – деди Мунира. – Эр қаерда бўлса, хотин шу ерда бўлади-да!» «Эрим ўлсин, – деди синглиси бобиллаб, – уёқдаям хотини бор экан! Менга билдирмаган экан, ўқишдан ҳайдалиб кет-

маслик учун менга уйланган экан, хоҳласанг, шу – иккинчи хотин бўлиб тураверасан, хоҳламасанг – катта кўча, деяпти!»

Ўша куни Мунира синглисини биринчи марта тарсакилаб юборди. Ўзи уриб, ўзи йиғлади... Шу кеча онаси тушига кирибди. Ойиси негадир нукул унинг бошини силар эмиш. Кўллари юмшоқ, иссиқ эмиш...

... Шундоқ бўлди. Сайёра «икки латта, бир сочиғини» кўтариб қайтиб келди. Қизик, турмуши бузилганига чандон куюнмади ҳам. Ўқишни битириб, ишга кириб кетди. Мунира мана шу қизалокқа – Нилуфарга боғланиб қолди. Қақажон ҳам ўзининг онаси қолиб, Мунирага ёпишди. Аяжон дейди, эшикдан кира солиб, бўйнига осилади. Шунақа пайтларда Мунира ўзининг ҳам бахти очилиши, гўдак исидан маст бўлишини тасаввур қилиб, энтикиб кетади. Қизик, ҳар гал Янги йил кираётганда шуни ўйлайди...

Ким билсин, балки ўша бахт энди кириб келар. Ана, соат занги ўн марта вазмин жаранглади. Демак, икки соат қопти.

Нилуфар уйғонди шекилли, каравотчасининг ғичирлагани эшитилди. Зум ўтмай, эшик унсиз очилди-да, сочлари тўзғиб кетган қизалок кўзини ишқалаб чикди. Бурчакка, арча томонга қаради-ю, бирдан кичкириб юборди:

– Вой, Қорбобо келдимми, ая?

Мунира кулиб юборди.

– Келди.

– Арчанинг чироғини ёқдимми?

– Кўряпсан-ку, Қорбобо келиб, арчанинг чироғини ёқиб кетди. Нилу уйғониб суюнсин, деди. – Мунира қизалокнинг қўлидан тутди. – Юр энди, ювинамиз, ош сузамиз.

Нилуфар уч-тўрт кадам юрди-да, тўхтаб қолди.

– Сизга-чи, – деди тўсатдан. – Сизга нима обкелди Қорбобо?

– Менгами... – Мунира ўйланиб қолди. – Менга... Бахт олиб келди.

Нилуфарнинг лаби чўччайди.

– Нега мени ўйғотмадингиз?

Мунира қизалоқнинг астойдил хафа бўлганини кўриб, кучоклади.

– Нимаиди?

– Қорбободан менам бахт сўрардим.

Мунира кулиб юборди.

– Вой, пучуғ-эй, сен нима қиласан бахтни?

– Сизга бераман! – Қизалоқ кўзларини катта-катта очиб, таъкидлади. – Кейин-чи, сизда-чи, кў-ў-ўп бахт бўлади!

Муниранинг юраги қалкиб кетди. Қизчани бағрига босиб, у юзидан-бу юзидан ўпаркан, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Шу алпозда узок ўтирди. Унсиз йиғлади. Бу – кувонч ёшларимиди, ўкинчми ўзи билмасди...

Остонада эса Янги йил эшик қоқиб турар, яхши ният-ли кишиларга бахт улашадиган, норасида гўдакларнинг орзусини мустажоб қиладиган Янги йил кириб келмоқда эди... Умр эса ўтмоқда...

ХАЁЛЛАРГА БЎЛАМАН ТУТҚУН

*«Кўрмай десам, кўзим кўр эмас.
Юрмай десам, оёғим бутун.
Аммо қалблар ортиқ жўр эмас,
Хаёлларга бўламан тутқун».*

МИРТЕМИР.

У кетди... Япроқлари оқшом шабадасида охиста сил-киниб турган бир туп ўрик тагидан бурилиб ўтди-ю, му-юлишда кўздан ғойиб бўлди. Қарғашойи кўйлагининг этагини, ўнг билагига илиб олган қизил сумкачасинигина кўриб қолдим.

У кетди... Қулоқларим остида анҳорнинг қикир-қикир кулгиси-ю, хўрсинишга тўлган қиз йиғиси қолди.

... Кўзларимда ёш қалқидими?! Йўқ-йўқ, ахир, нега энди?

У кетди. У кетди-ю, хаёлимда ҳам ширин, ҳам аччиқ, ҳам қувноқ, ҳам аламли узук-юлуқ хотиралар қолди...

... Ўшанда мен биринчи босқичда ўқирдим. Биринчи имтиҳонни топширган эдим. Қизик, ёшлик экан-да! Биринчи босқич талабаларининг ҳаммасида бўладиган одат менда ҳам бор эди. Ўзимни жуда билимдон, гоҳо домла-лардан ҳам кўпроқ нарсани биладиган киши ҳисоблардим. Ҳа, мен мағрур эдим. Бунинг устига биринчи имтиҳондан аъло баҳо олдим. Мен шод эдим, аллақаёқларга учгим, баланд-баланд парвоз этгим келарди. Гавжум йўлкаларда борарканман, ҳеч кимни кўрмас, ҳеч нимани сезмас эдим.

Троллейбусга чиқдим. Бўш ўриндиққа ўтириб, китоб варақлай бошладим. Китоб ўқирдим-у, сатрлар мазмуни-ни ўзим ҳам тушунмасдим. Хаёлларим олисларга етак-лаб кетарди мени. Ўзимга келиб, ўтирган қизга парво қилмабман. Бир вақт у пиқ этиб кулиб юборди.

– Одамга қарагингиз ҳам келмайдими, Эркин ака?
Чўчиб ўгирдим.

– Ие, Холида... – хижолатдан қип-қизариб кетган бўлсам керак, Холида яшнаб-яшнаб кулиб юборди.

Ноқулай аҳволда илжайиб, унга разм солдим. Ҳеч ўзгармабди. Доим ниманидир кутгандай болаларча жавдираб турувчи чарос кўзлари ҳам, чехрасига аллақандай соддаликками, бўшангликками ўхшаш ифода берувчи қалинроқ лаблари ҳам ўзгармабди. Бу ўша Холида эди. Бундан ярим йилча аввал ўзим билан бир партада – мактаб партасида ўтирган Холида эди. Ҳеч ўзгармабди... фақат мени «ака» деб атаганига ҳайрон бўлдим. Мактабда бўлса ҳар доим «хе, бола» деб чақирарди, шайтон қиз!

Хаёлимни йиғиштириб олмасимдан Холида яна хужумга ўтди:

– Жа, талаба бўлиб... а? Ўқишлар яхши кетяптими?

– Ҳм! – дедим сўзимнинг ярмисини ютиб. Мен уни «сиз»лашимни ҳам, «сен»лашимни ҳам, билолмай, бир зум истиҳола қилиб турдим-да, фақат, гапириш учунгина сўрадим: – Сиз қаерда ўқияпсиз, Холида?

Билмадим, Холида саволимни эшитмадими ёки эътибор бермадими, юзини четга буриб, у ёқ-бу ёққа аланглай бошлади. Олдинроқда турган аёлни чақириб, жой берди. Мен ҳам туриб кетдим. Икковимиз ёнма-ён туриб, анчагача жим кетдик. Кейин Холида яна аввалгидай жилмайиб сўради:

– Шундай қилиб, журналист бўлар экансиз-да... Кўрсам майлими? – Холида кўлимдаги китобни олди. – Луи Арагон! Яхши ёзувчи бўлса керак-а?

Мен индамай бош силкиб қўйдим. Холида китобни варақларкан, ичидан зачёт дафтарим чиқиб қолди. У менга ёвқараш қилди. Қуюқ қошлари бир тўлғаниб қўйди.

– Рухсатсиз кўрсам хафа бўлмайсизми?

Мен, аввалига, майли, дедим-у, кейин бирдан унинг кўлларига ёпишдим. Сурат! Ахир, дафтар ичида ўзининг сурати бор-ку! Кўрса нима хаёлга боради? Битирувчилар кечаси синфдошларимиз билан сурат алмашгандик, Холиданинг суратини ўшандан бери ёнимда олиб юрардим. Нимага шундай қилаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Фақат... фақат Холиданинг менга бошқачароқ қараб юришини болалар шама қилишарди ўшанда. Менда ҳам шу қизга нисбатан меҳрли, аллақандай ҳис уйғонганди.

Лекин нима учундир шу топда унга суратини кўрсатгим келмади.

– Холида, кечирасиз, мумкин эмас, – дедим сунъий илжайиб. Дафтаримни чўнтагимга солиб қўйдим.

– Кечирасиз... Сизнинг ички ишларингизга аралаша олмайман. – Холида ҳазиллашяптими, чиндан гапиряптими билолмадим. Орага тушган совуқ вазиятни йўқотиш учун тайинлироқ сўз кидирар, аммо тилим калимага келмасди. Троллейбус Хадрага яқинлашаркан, «Ватан» кинотеатрининг катта-катта афишалари лип этиб кўриниб ўтди.

– Яхши кино кетяпти... Тушамизми?

Мен бу гапни ҳам орадаги ноқулай вазиятни бузиш учун айтдим. Дабдурустдан кинога таклиф қилишим Холидани ўйлантириб қўйди. Унинг йўқ дейишини кутиб турардим. Аммо, йўқ демади. Елкасини учириб қўйди.

– Билмасам.

– Бўпти, юринг! – дедим қувониб...

Кинодан чиқиб, зиналар ёнидаги пастак арча тагида бир оз туриб қолдик.

– Эркин ака, биласизми... – Холиданинг ёноқлари қип-қизариб кетди. Бир ўрим сочининг учини тутамлаб туриб, тутилиб-тутилиб гапирди, – биласизми... Мен... сизга халақит бермайманми?

Шу топда у кўзимга жуда содда, шу билан бирга аллақандай сирли кўриниб кетди. Бу савол олдида ўзим ҳам эсанкираб қолдим.

– Йўғ-е, нимага энди?..

– Бўлмаса... келар ҳафтанинг шу куни, шу соатда, шу ерга келсам йўқ демайсизми?..

Холида баттар қизариб кетди. Қуюқ қайрилма киприк-лари юзига тўкилди.

– Холида, келасизми, ростдан келасизми? – дедим севиниб.

– Мен кетдим! Хайр!

Холида ердан кўз узмай кескин бурилди-да, келиб тўхтаган троллейбусга қараб югурди. Сарик жемперига қуйиб қўйгандек ярашиб турган бир ўрим йўғон қўнғир сочининг силкиниб бораётганини кўриб турдим. У троллейбус зинасига оёқ қўяркан, менга ўгирилиб қаради. Назаримда, мулойим, жуда мулойим жилмайиб қўйгандек бўлди. Шундагина, мен уни кузатиб қўйишим кераклигини тушундим. Ахир, биз у билан ёнма-ён маҳаллада турамиз-ку! Аммо, мен кечиккан эдим. Троллейбус бир силкиниб юриб кетди. Турган жойимда серрайиб қолдим. Ҳозир бўлиб ўтган гап-сўзлар қулоқларим остида дилрабо куй садоларидек жаранглар, шу куй мени бир умр сархуш қилиб қўяётгандай бўларди.

Келаси учрашувгача шу куй оғушида яшадим.

Чоршанба куни Холидани худди ўша ерда, кинотеатр зиналари ёнидаги пастак, хонаки арча тагида кутиб олдим. Холида бу сафар ўзига сал оро берган, бошини яқинда ювган бўлса керак, узун сочларининг нами ҳали қуримаган эди.

– Бугун кинога тушмай қўя қоламиз, хўп? – Холида қошини чимириб, чиройли жилмайиб қўйди.

– Ихтиёрингиз...

Ҳали оқшом кўниб улгурмаган катта кўчадан Ўр-дага – боғ томонга юриб кетдик.

– Уйдагилар яхши ўтиришибдими, Холида? – дедим унинг қадамига қараб оҳиста борарканман.

– Раҳмат... – Холида анчагача жим қолди... Кўприкдан ўтиб, дарахтзор орасига кирдик. Оқшом энг аввал шу ерга кўнади. Дарахтларнинг текис шовиллаши безовта тўлқинлар овозига қўшилиб, беозор, оромбахш сукунатни чуқурлаштираётгандек бўларди...

– Ўтирамизми? – сув лабида турган пастак скамейкага имо қилдим.

Ўтирдик. Туб-тубидан қайнаб чиқаётган сувга тикилганча қолдик. Анчагача икковимиздан ҳам садо чиқмади.

– Эркин ака, сиз мени одобсиз қиз деб ўйлаяпсизми? – Холида жавдираган кўзларини кўзимга қадади. Ҳайрон бўлдим.

– Нега энди?

Холида анчагача индамади.

– Рост-да... ўзимдан-ўзим сизга... – Холида бошини янаям куйроқ эгди. Қийналиб-қийналиб гапирди. – Лекин, нима қилай?

Бутун вужудимни ҳали ҳеч сезилмаган, ҳали ҳеч си-наб кўрилмаган аллақандай ёқимли титроқ қоплади. Ҳали ишқ нималигини билмаган юракда жуда нозик, шамчирокдек бир ўт – севгига чанқоқ ўт йилтиллаб тураркан. Муҳаббат шабадаси бир марта, фақат бир марта сийпалаб ўтса, бу учкун ловиллаб кетаркан.

– Холида, нега ундай дейсиз? Ахир, мен сизни... сизни... Хаёлимни ёлғиз сиз олиб қўйдингиз-ку, ахир! Менга насиб бўладими, йўқми, деб хавотирланиб ўзим ҳам то-полмай юрган азиз бир нарсани тақдим қиласиз-у...

Мен яна анча-мунча гапларни айтгим, юрагимдаги хисларимнинг ҳаммасини тўкиб солгим келарди-ю, аммо шу хислар олдида ўзим ожиз эдим...

– Ростми? Шу гапларингиз ростми? – Холида қайрилма киприкларини кўтариб, кўзларимга тикилди. Энтикиб кетдим.

– Наҳотки, менга ишонмасангиз?

– Холида секин бош силкиди.

– Ишонаман... Лекин... Келинг, энди бир-биримиздан сир яширмайлик. Хўп?

– Сиздан нимани ҳам яширай?

– Ёлғонми? – Холида айёрлик билан қошини учириб қўйди, – хув, аунда, зачёт дафтарингизни нега тортиб олдингиз?

– Унда... унда сизнинг суратингиз бор эди.

– Ростми? – Холида яна ўша болаларча соддалик билан кўзларини жавдиратди...

Шу куни иккаламиз уйгача пиёда қайтдик.

Мен Холида билан хайрлашган дақиқадан бошлаб юрагимда сўнмас бир ўт алангалана бошлади. Бу ўт ҳеч тўхтамас, висол дамлари яқинлашган сайин кучаяр, фақат ўзини кўрсам сал босиларди-ю, хайрлашишимиз билан яна ловилларди.

Бу ўт икки йилгача, йўқ, ундан кейин ҳам, шу кунгача ҳам пасаймади. Лекин, гоҳо тақдир сенинг измингга эмас, сен тақдирнинг измига бўйсунушга мажбур бўлиб қоларкансан...

... Иккинчи босқичнинг охириги имтиҳонини топширган куним Самарқандга, вилоят газетасига амалиётга кетиш олдидан Холидани учрашувга таклиф қилгандим. Аммо у келмади. Ҳар гал беш дақиқа куттириб қўйса, аламинни папиросдан олардим. Бу сафар папирос ҳам дош беролмади. Худди ўша пастак скамейка ёнида бир соат турдим. Юрагимни чулғаган шубҳалар чигаллашиб кетди-ю, шаҳар кўчаларида анчагача айланиб юрдим. Ўша таниш хиёбонлар, ўша сокин анҳор, жуфт-жуфт бўлиб сайр қилиб юрган ўша севишганлар бир дардимни ўн қиларди.

Хаёлимда икки савол, икки муаммо ҳукмрон эди: Холиданинг олдига борайми, йўқми? Эҳтимол, унга бир нима бўлгандир? Йўғ-е, ахир, куни кеча ўзим кўрдим-ку! Агар у шунчаки ноз қилаётган бўлса-чи?

... Йўқ... Барибир муҳаббат устунлик қилди. Холидаларнинг кўчасига қандай килиб бориб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Уларнинг уйи тор кўчанинг ичида эди, аммо нечанчи эшик эканини билмасдим. Ҳар сафар уни кузатиб қўйганимизда кўча бошида хайрлашардик. Холиданинг ўзи ҳам уяларди, шекилли, кўча ичига киришимни хоҳламасди.

Бир лаҳза иккиланиб турдим-у, кўча ичига кирдим. Лекин йигирма қадамча юрар-юрмас тўхтаб қолдим. Иккала тавақаси ланг очиб қўйилган эшикдан бир қўлида белкурак, бир қўлида каттакон пақир кўтариб Холиданинг акаси чиқиб келди. Мен унинг отини ҳам билмасдим. У биздан уч йил аввал мактабни битирган, ҳозир аллақандай идорада ишлаётганини эшитгандим. У менга қайрилиб қарамай, пақирга симёғоч тагига уйиб қўйилган кўмирни сола бошлади.

Яқинроқ келиб, салом бердим. У белкуракни ташламай, энгашиб турган кўйи елкаси оша менга қаради. Қаради-ю, кескин қаддини ростлади. Жингалак сочи тер аралаш пешонасига ёпишиб қолган, кўмир тегиб қорайиб кетган майкаси ҳам хўл бўлганди. Билмадим, саломимни эшитмадим, алик олмади. Яхшилаб таниб олмоқчи бўлгандай менга узоқ тикилиб қолди. Кейин пешона терини шахт билан сидириб ташлади-да, кўзимга тикилиб туриб сўради:

– Хўш, хизмат?!

Эсанкираб қолдим. Ноқулай аҳволга тушиб, нима дейишимни билмай тўғриси айтиб қўя қолдим:

– Холидахон бормилар?

– Акаси керак эмасми, акаси! – унинг ранги ўчиб, белкурак ушлаган қўли асабий қалтирай бошлади. Мени еб

юбормоқчи бўлгандай, тишларини ғижирлатиб таъкидлади:

– Қадамингни билиб бос, бола! Қизларга осилгандан кўра бурнингни эпласанг-чи! Кимсан ўзинг! Даданга ўхшаган сартарош бўласан-да!.. Эсинг борида туёғингни шиқиллатиб қол, жўна!

Кўз ўнгим қоронғилашиб, бутун вужудим ловиллаб ёна бошлади. Кулоқларим шанғиллаб кетди. Инсон учун бундан ортиқ ҳақорат, бундан ҳам уятли нарса борми? Хаёлимда энг муқаддас деб юрган уй шуми ҳали? Юрагимнинг энг чуқур жойларида иззатини ардоқлаб юрган кишиларим шу бўлдими?

Мен энди бу кўчага ҳеч қачон қадам босмайман, ҳеч қачон!.. Яхши кўриш-ялиниш, ёлвориш деган гап эмас. Мен Холиданинг олдида гуноҳқор эмасман. ялинмайман ҳам...

Эртасига эрталаб Самарқандга жўнаб кетдим. Кетдим, аммо хаёлим шу ерда – Холида билан қолди. Ўзимча бу бемаънигарчилик учун Холиданинг мендан кечирим сўрашини кутардим. Ростдан ҳам бир ҳафтанинг ичида Холидадан кетма-кет иккита хат олдим. Иккала хатнинг ҳам мазмуни бир хил эди: «Мен сиз билан учрашишим керак. Тезроқ келиб кетмасангиз бўлмайди», дебди. Қаёққа бораман? Яна ўша уйгами?! Кимнинг олдига бораман? Мени шунчалик ҳақорат қилган одамнинг олдигами? Нимага бораман? Ялиниш-ёлвориш учунми?

... Холидага хат ёзиш учун уч марта қўлимга қоғозкалам олдим-у, аммо ёзолмадим. Ҳар сафар қалам ушласам, кўз олдимда унинг акаси жонланар, назаримда, менга нафрат билан тикилиб турар, аямай ҳақорат қиларди.

Қайтиб борганимдан кейин Холида буларнинг ҳаммаси учун мендан узр сўрайди, деб юргандим. Йўқ, бутун хаёлим пучга чикди. Амалиёт тамом бўлай деб қолганда, собиқ мактабдош дўстим Жаводдан хат келди. Хат жуда қисқа эди:

«Холидадан умидингни уз! Эрга текканига ўн беш кун бўлди. Акасининг ўртоғига тегибди...»

Хатни бурда-бурда қилиб улоқтирдим. Бевафо! Яра-мас! Сотқин!

Йўқ, менинг нафратлашга, лаънатлашга ҳам ҳолим қолмаганди.

Барибир, энди ишлай олмаслигимни тушундим. Лаш-лушларимни йиғиштириб, уйга қайтдим.

Автобусдан тушишим билан атайлаб Холидаларнинг кўчасига бурилдим. Негадир, уни шу ерда, шу кўчада учратишимга ишонардим. Ҳа, янглишмабман. Мен уни кўрдим. Фақат узокдан, орқасидан кўрдим. У кўча эшик олдида тўхтаган яп-янги «Волга» машинасининг ёнида хаёл сургандек қимирламай турарди.

Бировдан чўчиган одамдек тўхтаб қолдим. Ичкаридан оқ кўйлак устидан қора бўйинбоғ таққан новча йигит чиқди. Билагидан ушлаб, Холидани машинага ўтқазди. Кейин ўзи рулга ўтирди-да, ҳайдаб кетди.

Чамадон бандини жон-жаҳдим билан қисганимдан бармоқларим кирсиллаб, кўлим титрай бошлади. Молпараст!

Яна қанча турганимни билмайман. Қуёш тиккага келиб, аёвсиз қизитарди. Асфальтдан кўтарилган чучмал ҳовур кўнглимни беҳуд қила бошлади.

– Майли, – дедим ўзимни юпатиб. – Холида куюнишга, ўртанишга ҳам арзимайди! Менинг унга олиб берадиган машинам йўқ-ку, ахир?

Бу сўзлар билан юпана олмаслигимни билсам ҳам ўзимни овутишга тиришар, аммо Холидани унутишга қанча уринсам, унинг хотираси қалбимга шунча маҳкамроқ ўрнашиб борарди. Мен учун фақат бир нарса аён эди: Холида – бевафо!

... Шу кунгача мана шу фикр билан яшадим. Аммо, бугунги воқеалар бутун фикримни остин-устун қилиб юборди. Кўзим мошдек очилди.

... Бугун ҳам Холидани худди ўша биринчи сафардаги каби троллейбусда учратдим. Эшикдан киришим билан орка дераза ёнида турган Холидага кўзим тушди-ю, юрагим жиз этиб кетди. Индамай кондукторнинг ёнига ўтиб олдим. Энди пул узатаётган эдим, орқадан Холиданинг товуши эшитилди:

– Иккита билет беринг...

Титраётган қўлларимни яшириш учун шимимнинг чўнтагига суқдим. Йўқ, юрагимни рашк эмас, ғазаб ҳам эмас, аламли изтироб чулғаб олганди. Ўгирилиб қарамасликка ҳаракат қилиб, индамай туравердим. Аммо, Холиданинг ўзи қарашга мажбур қилди мени.

– Эркин ака, сизга ҳам билет олдим.

Елкам оша назар ташладим. У ҳалиям ўзгармабди. Фақат кўзлари, болаларча жавдираб тикилувчи кўзлари энди эҳтиёт билан боқарди кишига. Рангим ўчиб кетганини ўзим ҳам сезиб турардим.

– Раҳмат! Ҳисобни тўғрилаб қўймоқчи бўлибсиз-да...

Холиданинг ҳам ранги ўчди, бурни қисилиб, лаблари пирпираб учди. Икки томчи ёш кўзларидан дув этиб юмалаб тушди-ю, кейин елкалари силкиниб-силкиниб, унсиз йиғлай бошалди.

Довдираб қолдим. Одамларнинг бизга ҳайрон бўлиб тикилаётганини кўриб, троллейбус тўхташи билан Холидани судраб тушиб кетдим.

– Ўзингизни босинг! – дедим куруққина қилиб. У ёқ-бу ёққа аланглаб, тушган жойимизни танидим. Ўрда экан. Холидани кўйиб юбормай, сув бўйига олиб тушдим. Сарғиш кумни ялаб оқаётган сув қирғоғига етиб келганимиздан кейин қўлини қўйиб юбордим. – Ювиниб олинг...

Холида ҳўл кумда чукур-чукур из қолдириб қирғоққа чўнқайди. Ювиниб бўлгунича скамейкада ўтирдим. Деярли ҳеч нарса ўзгармаган. Окшом сукунاتини чуқурлаштириб шовиллаётган дарахтзор ҳам, муюлиш-

даги бир туп ўрик ҳам – ҳаммаси ўша-ўша. Пастак скамейка ҳам ўз ўрнида турибди.

Фақат, бир нарса етишмайди. Қани ўша, ширин ҳисларга етаклаган суҳбатлар? Қани ўша муҳаббат чўғини алангалатган эҳтиросли сўзлар, қани? Қани ўша, болаларча маъсумлик билан жавдираган кўзлар, қани? Наҳот ҳаммаси ёшликнинг сирли сўқмоқларида тўзонли из қолдириб, ўтмишга сингиб кетган бўлса?

Холида ҳамон чўнкайиб ўтирганича ювинар, елкасидан ошиб тушган сочининг учи тўлқинлар юзидан ўйнаб, ҳўл бўлиб кетганди. Мен бўлсам унинг кўз ёшлари сувга қўшилиб оқиб кетаётганини ҳис қилиб турар, ўзим ҳам юрагимни ўртаб юбораётган ҳисларимни базўр босиб ўтирардим.

Нихоят, Холида қизил сумкачасидан рўмолча олиб, юзларини арта-арта ёнимга келиб ўтирди.

– Гапиринг, Эркин ака! – деди у қизариб кетган кўзларини менга тикиб.

– Нимани?

– Бир йигитга қўнғил қўйиб, бошқасига тегиб кетган қиз қандай таънага лойиқ бўлса, шуларни гапираверинг...

– Сизга айтадиган гапим битта – бахтли бўлинг.

– Ким?

– Сиз... Турмуш ўртоғингиз...

– Яна қанақа тилакларингиз бор?

Холиданинг гапи таъна бўлиб эшитилди. Юрагимдаги изтироб ўрнини ғазаб эгаллади.

– Бўлгани шу!

Холида анчагача жавоб бермади. Хиёбон тепасида чироқлар лип-лип этиб, бирин-кетин ёнди.

Кутилмаганда Холида ҳорғин кулиб қўйди.

– Қайси куни туш кўрибман: иккаламиз шу ерда... йўқ, бу ерда эмас, бошқа жойда – каттакон дарё бўйида турганмишимиз. Ювинаман деб эгилсам, бошимдаги

рўмолим сирғалиб тушиб, сувга оқиб кетибди. Хув бир-да менга кўк шойи рўмол совға қилгандингиз-ку, ана ўша рўмолмиш... Қўлимни чўзсам, ҳеч етмасмиш...

«Эркин ака, қаранг-қаранг, рўмолим оқиб кетяпти», десам индамай туравердингиз. «Жон Эркин ака, тутиб беринг рўмолимни! Уни ўзингиз олиб бергансиз-ку... Қаранг, энди уни бошқа одам тутиб олади», десам, индамай бурилиб кетибсиз. Бирпасда сизни ҳам, рўмолимни ҳам йўқотиб қўйибман. Уйғонсам, ёстигим ҳўл бўлиб кетибди... – Холида лабларини қимтиб бошини қуйи солди. Шамол турди. Япроқларнинг ердаги сояси титрай бошлади. Холида илкис бошини кўтариб, кўзларимга маъюс табассум билан тикилди.

– Эсингиздами, Эркин ака, биринчи марта шу ерда ўтириб гаплашган эдик. Қизик, бирон марта бир-биримизнинг қўлимизни ҳам ушламаганмиз...

У бирдан қўлимдан ушлаб олди. Қўлларининг енгил титраётганини сезиб турардим. Вужудимни тентақларча бир эҳтирос қоплаб олди. Бирпасда маст одамдек кўз ўнгим қоронғилашди.

Қизик, нима демоқчи у? Ахир, бу... бу... Борди-ю, пайти келиб менинг хотиним ҳам бировга шундай гапларни айтса... Холиданинг қўлини шахт билан силтаб ташладим. У шунчалар маъюс, аламли ўкинч билан тикилдидики, кўзимни қаерга яширишни билмай қолдим. Мен ундан нима бўлса ҳам бир гап кутардим, аммо у ҳамон ҳайкалдек котиб ўтирар эди. Анчадан кейин у ҳаво етишмагандек энтикиб-энтикиб гапира бошлади:

– Сиз мени... ўшанақа... ёмон аёл деб ўйляяпсизми?

Холида бу сўзларни шивирлаб айтди. Аммо, шу тўрт-беш оғиз сўз қулоқларимни баганг келтириб, чиппа битириб, қўйгандек бўлди.

– Рост... – Холиданинг кўзларида ёш йилтиллади. – Рост. Мажбуран қурилган турмуш хиёнат қилишга олиб

келса, эҳтимол. Лекин, мен ўз номусимни ҳеч нимага, сизнинг муҳаббатингизга ҳам алишмайман...

Мен нимадир демоқчи бўлдим. Аммо сўз тополмадим. Холида ҳам менга навбат бериб ўтирмади.

– Сиз мени... мени хиёнатчи, бевафо деб ўйлайсизми? Ўзингиз-чи?.. Ўзингиз нега менга шунақа бепарво қараб келдингиз?

Энди у йиғламасди. Мен бўлсам бир нима дейишга ожиз эдим.

– Ўша... ҳаммаси учун битта мен айбдорманми? Йўқ, муҳаббатимизнинг уволени иккаламиз баравар бўлишиб оламиз! – Холиданинг кўзлари ўт бўлиб чакнаб кетди. Аммо, бир лаҳзадаёқ яна ўшандай маънос бўлиб қолди.

– Агар мени чиндан... ростдан ҳам яхши кўрганингизда атайлаб факультетингизга бориб, адрес топиб, Самарқандга ёзган хатларимга жавоб бермас-мидингиз? Менинг нима учун ўқишга киролмаганимни, уйдагилар бунга йўл қўйишмаганини билдингизми? Охирги марта учрашувга боролмай қолган куним уйга совчилар келганини билдингизми? Ўшанда ёрдам бердингизми менга? Йўқ... – Холида ўксиб-ўксиб йиғлаб юборди. – Ўша куниек синглимдан уйингизга хат бериб юборгандим. Акам эшик олдида кўриб қолиб, хатни тортиб олибди... Ҳаммасини эшитдим... Ўша куни сиз уйга келган экансиз. Акам сизни хафа қилибди. Сиз бир гап билан аразлаб кетдингиз. Мен сизга ишонардим... Ўзимга ишонгандек ишонардим. Сиз бўлсангиз... Мен бир йўла ҳаммасидан айрилдим... Агар чиндан яхши кўрсангиз шунақа қилармидингиз?.. Кейин... кейин мен ҳеч кимга ишонмай қўйдим. Энди менга барибир эди.

Холида чуқур изтироб билан йиғлар, унинг ҳар бир сўзи юрагимни тилимлар, ҳар томчи ёши қалбим ярасига томар эди.

– Илтимос, йиғламанг! – дедим титраб-қақшаб. – Холида, йиғламанг! Йиғламанг!

Холида чуқур уф тортди.

– Майли, ҳаммаси ширин тушдек ўтди-кетди. Энди қайтиб келмайди. Фақат, сиздан бир илтимос... Эндиги муҳаббатингизни – бошқаларга насиб бўладиган муҳаббатингизни эҳтиёт қилинг...

Холида секин ўрнидан турди. Қизил сумкачасини билагига илди-ю, менга узоқ тикилиб қолди.

– Эркин ака, эсингизда бўлсин. Мен, барибир, сизни яхши кўраман. Умримнинг охиригача яхши кўраман. Эшитяпсизми, охиригача... – У яна йиғлаб юборди. Кейин аста бурилди-ю, мадори қуриган одамдай гандираклаб юриб кетди.

Қаёққа? Нимага? Наҳотки, мен ёшлигимнинг умримнинг олтин дақиқалари билан абадий видолашсам! Ўрнимдан сакраб туриб кетдим.

– Холида!

Мен бутун хиёбонни янграгиб ҳайқириб юбордим, деб ўйлагандим. Йўқ! Бу сўз юрагимнинг туб-тубидан бўғик, аламли бир нидо бўлиб чиқди. Муюлишдаги ўрик ёнида унга етиб, билакларидан маҳкам ушлаб олдим. У ҳам, мен ҳам терак баргидек қалтирардик...

– Холида! Жоним. Қоракўзим. Сиз... Сиз...

Мен нима қилаётганимни ўзим ҳам билмас, нимадир дегим, алланималар деб ҳайқиргим келарди. Холида кўзларимга хотиржам тикилиб туриб, паст, аммо қатъий оҳангда гапирди:

– Кўлингизни тортинг. Мен бировнинг хотиниман!

– Холида, ахир тушунсангиз-чи! Мен...

Холида кўлимдан беҳол силтаниб чиқди-ю, япроқлари оқшом шабадасида оҳиста силкиниб турган ўрик тагидан бурилиб, муюлишда кўздан ғойиб бўлди. Қарғашойи

кўйлагининг этагини, ўнг билагига илиб олган қизил сумкачасини кўриб қолдим.

У кетди... У кетди-ю, ҳам ширин, ҳам аччиқ, ҳам қувнок, ҳам аламли узук-юлук хотиралар қолди менда.

Шу хотиралардан бошқа нима ҳам бор менинг? Ахир, мен муҳаббатимни эҳтиёт қилолмаган, асрай олмаган, ёлғиз яхши кўриш билан кифояланиб юрган одамман-ку! Шу бахтимни аввалроқ асрасам бўлмасмиди!

... Кўзларимда ёш қалқидими? Йўқ-йўқ. Нега? Эндими?

УЗУН КЕЧАЛАР

Ёш ёзувчи Марат Азизов нашриёт директоридан ранжиди. Шу йил унинг янги китоби чиқиши керак эди. Директор нашриёт режасидан чиқариб ташлабди. «Қоғоз етишмаяпти», деди у ночор қиёфада.

Марат аввалги китоблари тез тарқаб кетганини билар эди. Ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Барибир натижа чиқмади. «Вазирга учрашинг, – деди директор. – Буни мен ҳал қилолмайман».

«Одамлар ўқимай, йиллаб дўконда чанг босиб ётадиган китобларни чиқаришади, – деб ўйлади Марат иккинчи қаватга, вазирликка чиқиб бораркан. – Тағин қоғоз етишмайди дейишади».

У вазирни танимас, аммо ёш ижодкорларни яхши кўришини кўп эшитган эди. «Хотиржам гапиришим керак», деб ўйлади у залворли эшикнинг қуббадор туткичидан ушлаб тортар экан.

Қабулхона эшигидан юқоригача гулдор пойандоз тўшалган эди. Хонанинг икки четида қатор-қатор стуллар. Дераза тагидаги стол ёнида котиба ўтирарди. У тирсақларини машинка қопқоғига тираганча аллақандай китоб ўқир, зангори дарпарда тутилган деразадан тушаётган қуёш нурида қизғиш ҳиндий рўмоли, қисқа энгли атлас кўйлаги ловиллаб ёнарди.

– Мумкинми? – деди Марат ҳамон эшик туткичини кўйиб юбормай.

Қиз китобдан бош кўтарди-да, негадир жилмайди. Унинг чехраси тиниқ, жилмайганида кўзларида алланечук жозибали бир ўт порлаб кетар эди.

– Келинг, – деди у секин.

«Чиройли қиз экан, – деб ўйлади Марат гулдор пойандоздан авайлаб юриб бораркан. – Нимагадир қабулхонада доим чиройли қизлар ишлайди». Шу пайт у қизнинг кўлидаги китобни таниб қолди. Зангори муқовасидан таниди. Бу ўзининг китобчаси, университетни битираётган йили чиққан қиссаси эди. Илгарилари у бировнинг кўлида китобини кўриб қолса ҳаяжондан юраги гурсиллаб кетарди. Йўқ, кейин-кейин кўникиб қолди. Ҳозир ҳам китобга қарамастикка ҳаракат қилиб, ёнбошдаги эшикка имо қилди.

– Домла бормилар?

– Қобил Қодирович шу ердалар, – қиз яна жилмайди. – Аммо бугун қабул йўқ. Чоршанба куни келасиз. Мен рўйхатга ёзиб қўяман. – У китобчани стол чеккасига қўйди-да, қалам-қоғоз олди.

– Фамилиянги?

– Азизов.

– Исминги?

– Марат.

Қиз ёзишдан тўхтаб, ярқ этиб бир унга, бир китобчага қараб қўйди.

– Қаерда ишлайсиз?

Марат қизнинг шубҳаланаётганини кўриб, жилмайди.

Қиз қошини чимириб, совуққина сўради.

– Қасбинги борми?

– Бор, – деди Марат. Кейин ийманиб айтди. – Ёзувчи... Ёш ёзувчи.

Қиз қаламини стол устига қарс ташлади.

– Ҳазилни ёмон кўраман!

– Мен ҳам... – Марат шартта бурилди-да, пойандоз бўйлаб шахдам-шахдам юриб кетди. Хона ўртасига ет-

ганида эшик очилиб, қизғиш сочли сепкилдор қиз бош сукди.

– Ҳилола... – У Маратни кўрди-ю, қизариб кетди. Салом бериб йўл бўшатди.

«Оти Ҳилола экан-да», деб ўйлади Марат. Аммо котиба томонга бурилиб қарамади. Эшикни оҳиста ёпиб, чиқиб кетди.

– Ким у, Замир? – деди Ҳилола ҳозиргина ёпилган эшикка имо қилиб. – Танийсанми?

– Вуй, танимадингми? – Замира хона ўртасида туриб қолган, сепкилдор юзи ҳамон ловиллаб ёнар эди. – Марат Азизов шу-да! Курсимизда учрашув бўлганида кўрганман.

– Мен бўлсам... – Ҳилола хижолатдан қизариб, китобчани қўлига олди. – Ҳазиллашяпти деб ўйлабман.

– Уришдингми?

– Қаёқдан билай? – деди Ҳилола бўшашиб. – Мен Марат Азизов катта киши бўлса керак, деб юрардим.

– Вой, ҳали уйланмаган-ку. – Замира билағонлик қилиб, унинг қўлидаги китобни кўрсатди. – Шу китобда ўзини ёзган-да! У доим ўзининг бошидан ўтганларни ёзади. – Замира бир нафас хаёл суриб турди-да, сўради. – Кимда иши бор экан?

Ҳилола унинг кўзидаги айёр табассумни кўриб, атайлаб бепарво гапирди:

– Қобил Қодировичнинг олдига кирмоқчи экан.

Замира секин уф тортди:

– Мен вазир бўлсам, унинг илтимосига дарров хўп дердим... Чиройли-а?

Ҳилола ўзининг қизара бошлаганини пайқаб, дераза томонга қараб олди.

– Бор, хонангга чиқ!

Замира қарсак чалиб кулиб юборди.

– Эҳтиёт бўл, Марат Азизовнинг мухлислари кўп.

Ҳилола унга қайрилиб қарамас, аммо шу топда қилаётган тегажаклиги ёқар эди. У китобчани шошилинч варақлар, бир нарсани ўйларди: «Ўзининг бошидан ўтганларни ёзар экан-да». Ҳилола Маратнинг бошқа ҳикояларини ҳам ўқиган, ҳар гал янги кўшиқ эшитгандай роҳат қилиб, ҳаяжонланиб ўқиган эди.

«Нега чоршанбада келасиз дедим, – деб ўйлади у дераза ортида оҳиста силкиниб турган сарғиш чинор япроқларидан кўз узмай. – Душанбада ҳам қабул бор эди-ку».

* * *

Чоршанба деган кун Ҳилоланинг хаёлида ҳеч қачон шунчалик кўп чарх урмаган эди. У тонг отиши-ю, кеч киришини ҳеч қачон шунчалик орзиқиб кутмаганди. Ора-чора Замира кириб қолар, худди Ҳилоланинг кўнглидагини билиб тургандай Марат Азизовдан гап очар, ҳар сафар: «Эҳтиёт бўл, ёзувчининг мухлиси кўп бўлади», деб қўяр эди.

Ҳилола парво қилмади. У ёзувчилар гўзалликни яхши кўради, деб кўп эшитган. «Шундоқ экан, бўпти-да, Ҳилола чиройли қиз».

Ўша куни у ўзига оро берди. Сочини чиройли қилиб турмаклади. Янги кофта кийди.

Марат кириб келганида у деразадан сершовқин кўчани томоша қилиб турар эди. Аммо эшикни очган киши худди шу – Марат эканлигини ички бир туйғу билан сездию бурилиб қаради. Юраги типирчилаб уриб кетганини, юзлари ловиллаб ёнаётганини пайқаб, беихтиёр жилмайди.

– Мумкинми? – Марат худди ўша кундагидек оқ кўйлак, қора шим кийиб олган, эшик тутқичидан ушлаб турарди.

– Келинг, – Ҳилола овози титраб, салом берди.

Марат бўш стулларга қараб сўради.

– Менинг навбатим келдими?

– Қобил Қодирович чет элга кетдилар, – деди Ҳилола хотиржам гапиришга уришиб. – Ўн беш кунлардан кейин келадилар.

– Майли, ўн беш кундан кейин келаман.

У энди бурилиб кетаётган эди, Ҳилоланинг кўнглида аллақандай савол борлигини билиб тўхтади.

– Бир нима сўрамоқчимисиз? – деди қизнинг кўзларига тикилиб. Шу ондаёқ хаёлига яна ўша фикр келди. «Чиройли қиз. Ким билсин, ақли қанақайкин. Кўпинча қизлар ўзининг гўзаллигини пайқаса, ақлини ишлатмай қўяди-ку...»

Ҳилола қизариб-бўзариб, тортмадан китобчани олди.

– Шу сизнинг китобингизми?

Марат индамай бош силкиди.

– Қанақа қилиб ёзасиз?

Марат беғараз кулди.

– Стол ёнига ўтириб ёзаверади-да. – Шундай деди-ю, қизнинг ўзи билан гаплашгиси келиб турганини сезиб, юраги илиқ ҳаяжондан типирчилаб кетди. Ўша – биринчи марта кўрганидан буён бу кизни кўп ўйлаганини, аммо негадир унутишга ҳаракат қилганини эслаб, жилмайди. – Бу ҳам бир касб-да, Ҳилола.

– Бари бир тушунолмайман.

– Яхши, – деди Марат унинг кўришгиси келиб турганини сезиб. – Хоҳласангиз бугуноқ тушунтиришга ҳаракат қиламан. Кечкурун соат олтида Анҳор кўприги олдида кўришамиз.

У қизнинг розилигини сўраб ҳам ўтирмади. Бориши аниқлигини билиб, кескин бурилди-да, чиқиб кетди.

* * *

Улар анҳор ёқалаб боришар эди. Сув жимгина оқар, қоп-қора тўлқинлар устида қирғоқдаги чироклар шодаси-

нинг акси силкиниб турарди. Қаердадир трамвайларнинг ҳорғин ноласи эшитилади. Куз ҳавосида кеч очилган гулларнинг ўткир, нозик иси кезади.

– «Сўнган юлдуз шуъласи»да ўзингизни ёзганмисиз?

Марат такка тўхтади-да, Ҳилоланинг кўзларига тикилди. Неон лампалар нури остида қизнинг чехраси бир оз рангсиз, аммо жозибали кўринар эди.

– Ким айтди сизга?

– Ўзим... – Ҳилола ёлғон гапирганидан уялиб, юзини ўгирди-да, секин-секин юриб кетди. – Мен ҳамма ёзувчилар ўзининг бошидан ўтганини ёзади, деб ўйлайман.

– Йўқ! – Марат кескин бош чайқади. – Унақа бўлса кундалик ёзиб қўя қолган маъкул эмасми?

Ҳилола тушунмади.

– Ҳаммасини ичингиздан тўқиб чиқарасизми? Бўлмаса ёзганларингиз ёлғон экан-да.

Марат анчагача индамай борди-да, сўради:

– Ўша китобдаги гапларга ишондингизми, ахир?

Ҳилола ювош бош силкиди.

– Мен Ферузани худди ўзимга ўхшатдим.

– Демак, ёлғон эмас экан-да.

Ҳилола бари бир тушунмади.

– Сиз ёзувчиларга маза! – деди ўйланиб. – Илҳом келганда китоб ёзасизлар. Ҳамма сизларни мақтайди...

– Илҳомнинг ўзи нима? – деди Марат унинг гапини бўлиб.

Ҳилола соддалик билан елкасини учуриб қўйди.

– Билмасам... «Илҳом париси», «илҳом гулшани» яна алланималар дейишади-ку. – У ўгирилиб қараб, яна елкасини учирди. Шу топда шунчалик содда, шунчалик яхши кўриниб кетдики, Марат унинг билакларидан маҳкам ушлаганча қаҳ-қаҳ уриб, кулиб юборди. Жимжит боғ устида Маратнинг кулгиси жаранглаб, акс садо берди.

Қайсидир чинор шоҳида мудроққа кетган кушлар «гув» этиб, қоронғи осмонга кўтарилди.

– Ҳаммаси мавҳум гап! – деди Марат кулгидан нафаси қайтиб. – Илҳом ҳаммада ҳам бўлади. Илҳом – тез, осон, маза қилиб ишлаш дегани. – Кейин у бирдан жиддийлашди-да, секин қўшиб қўйди. – Гоҳо ойлаб-йиллаб қийналиб, битиролмай юрган ишингизни бир кунда бажариб қўясиз. Шунақа ишлайсизки, ўзингиз ҳам роҳат қиласиз...

Қизғиш чироқ ёниб турган симёғоч тагидаги ҳарракка ўтиришди.

Ҳилола унга зимдан қараб қўйди. Марат оёқларини чалиштириб, тиззасига кафтини қўйганча, индамай ўтирар, сувга тикилиб ниманидир ўйлар эди. Ҳилола энди бояги гаплардан зерика бошлади. У Маратдан бошқачароқ, ўзи ҳам маъносини тушуниб етмаган сирлироқ гап кутар эди.

– Шу ерни жуда яхши кўраман, – деди Марат ўйчан овозда. – Нимагадир тинч, ёлғиз ҳис қилгим келади ўзимни. Шаҳарнинг шовқинидан безиб кетади одам.

– Дам олиш куни бизлар пахтага чиқамиз, – деди Ҳилола ишхонадаги янгиликни эслаб.

– Ҳа, куз келди, – деди Марат. – Пушкин айтган маънос ва ўйчан фасл.

Ҳилола кечадан бери ўйлаб юрган саволини эслади.

– Ҳамма ёзувчилар аввал шеър ёзиб, кейин ҳикояга ўтади, дейишади. Сиз ҳам шеър ёзганмисиз?

– Ёзганман. Ҳалиям ёзаман. ўзим учун.

Ҳилола тушунмади.

– Нега «ўзингиз учун?»

Марат кулди.

– Чунки эълон қилишга ярамайди.

– Унда нега ёзасиз?

– Айтяпман-ку, шунчаки, кўнглимда борини қоғозга тушириш учун.

Ҳилола унинг «ўзи учун» ёзган шеърини эшитгиси келди.

– Шунақалардан биронтасини ўқиб бера оласизми? Мен учун!

Марат бир зум ўйга толди.

– Бўпти, – деди ниҳоят. – Фақат кулмайсиз. Куз ҳақида шунақа машқим бор эди... – Анча муддат ўйга толиб ўтирди-да, қандайдир паст, шикаста овозда ўқий бошладди.

Самода турналар шодаси
Гоҳида ох чекиб ўтарлар.
Самода булутлар подаси
Гоҳида ёш тўкиб ўтарлар.
Билмадим, бу ненинг талқини,
Боғларда эрта куз салқини...

Арғамчи учмоқда мезонлар,
Дарахтлар тўкмишлар охорин.
Ингранар касалманд хазонлар,
Ёд этиб ўткинчи баҳорин.
Билмадим, бу ненинг талқини,
Боғларда эрта куз салқини...

Тунларим уйқусиз ва серғаш,
Ҳадикли тушларни кўрарман.
Ҳар сахар турарман ва яккаш
Ўзимдан оҳиста сўрарман:
«Билмадим, бу ненинг талқини,
Боғларда эрта куз салқини...»

Марат кўзларини сувга тиккан кўйи ўқиётган сатрларда аллақандай маънос оҳанг, кузнинг мунгли манзараси кўришиб турар, Ҳилола хазон шитирлаган боғлар орасида юриб бораётгандек эди.

Марат жимиб қолди.

– Давоми-чи? – сўради Ҳилола.

– Давоми йўк! – Марат қандайдир синиқ оҳангда кулди. – Айтдим-ку, шоир эмасман, деб. Сўнг негадир бошқа мавзуга ўтди. – Кеча университетда бирга ўқиган ўртоғимдан хат олдим. Қишлоқда ўқитувчилик қилади. Мактаб болаларини далага ҳайдаб ишлатадиган колхоз раисини район газетасида танқид қилган экан, ишдан ҳайдалибди. – Марат чуқур хўрсинди. – Албатта, айб фақат раисда эмас...

Ҳилола унинг эзилиб гапираётганини кўриб, ачинди.

– Дунёда ёмонлар кўп-да... Қўйинг, ўйламанг...

Марат тагин синиқ жилмайди.

– Ёмон одам... Сиз ҳали ёзувчиларга мазза, китобини ёзиб юраверадиган, дедингиз. Фақат ўзининг дардини ёзган одам ёзувчи эмас. Аввало, бошқаларнинг дардини ўйлайди. Ҳатто, сиз айтаётган ёмонларни ҳам тушунишга ҳаракат қилади. Ахир туғилганида ҳамма ҳам пок бўлади-ку! Қаламқаш душманидан ҳам дўст ахтаришга уринади.

Ҳилола яна зерика бошлади.

– Кетайлик-а, – деди Марат унинг истагини пайқаб.

Кўприқдан ўтиб кетишаётганида Марат панжарага суяниб, тўхтаб қолди.

– Ана сиз! – деди болаларча хушчақчақ оҳангда. Ҳилола муздай темир панжарага кафтини босганча, ҳайрон бўлиб сувга қаради.

– Ана, ана, сузиб юрибсиз, – деди Марат сув юзида қалқиб турган ингичка ойни кўрсатиб. – ўша сизсиз-да!

Ҳилола, юрагида илиқ туйғулар уйғониб, Маратга меҳр билан қараб қолди. Энди у боягидек ўйчан, вазмин эмас, гўдакдек содда бўлиб қолган эди.

– Кино ёқдимиз? – деди Ҳилола елкаси оша бурилиб қараб.

У нафис пуштиранг жемпер кийиб олган, сочини баланд қилиб турмаклаган эди.

Марат йўлкада сочилиб ётган хазонларни шитирлатиб босиб бораркан, орқага қараб қўйди. Санъат саройининг яхлит ойналаридан нур ёғилиб турарди.

– Йўқ, – деди у ўйчан овозда. Кейин яна хазонларни шитирлатиб босиб борди-да, ўша хаёлчан алпозда давом этди. – Бир аёлнинг эридан ажралишини оқлаш учун бутун қишлоқ аҳлини қоп-қорага чиқариш шартмикин?

Ҳилола қулди:

– Агар ўша қишлоқда аёлни тушунадиган одам бўлмаса-чи?

– Нахотки? – Марат худди касбдошлари билан бахшлашаётгандек қизишиб кетди. – Нахотки, бутун бошли қишлоқ қоп-қора бўлса? Нахот, ўша хотиннинг ўз иззат-нафсини ҳимоя қилишга уринаётганини тушунадиган биронта одам топилмаса?

Ҳилола бир нафас жим борди-да, ҳозиргина экранда кўрган воқеалардан яна ҳаяжонланиб кетди.

– Сизнинг «Бир лаҳзалик қувонч» ҳикоянгизда ҳам шунга ўхшаш воқеа тасвирланган эди. Лекин, сиз унда хотинни эмас, эрни ҳимоя қилгансиз. – У жилмайиб Маратга қараб қўйди. – Ўша ҳикоянгиз менга ёқмаган.

Марат тўхтаб қолди. Ҳилола ҳам уч-тўрт қадам юриб борди-да, пастак арғувон соясида тўхтади. Марат унинг чехрасини аниқ кўрмаса ҳам, жилмаяётганини билиб турарди.

У бундан уч йил илгари журналда чиққан ҳикоясини эслади. Институтни битирган ўқитувчи қиз курсдошига турмушга чиқади-ю, дала ҳаётининг романтикасига бе-

рилиб, эрининг қишлоғига жўнаб кетади. Аммо, қишлоқ ҳаётига кўниқолмай, эридан ҳам, севгисидан ҳам воз кечиб, шаҳарга қайтиб келади. Ўша пайтларда танқидчилар ҳикоянинг ҳаётий асар эканини айтиб, мақташган эди.

– Нимаси ёқмади? – деди Марат имкон борича совуққон гапиришга уриниб. Кейин секин Ҳилолани қўлтиқлаб олди. У бу қиздан ўзи излаб юрган фазилатни топганига қувонар, Ҳилола ўзининг ижодига қизиқа бошлаганидан шод эди.

– Айтдим-ку, – деди Ҳилола ҳамон жилмайиб. – Сиз эрни ҳимоя қилиб, хотинни қоралагансиз. Эр хотинни ўз ҳукмига бўйсундиришга нима ҳаққи бор? Қишлоқ эрнинг ватани бўлса, шаҳар хотиннинг ватани эмасми?

Марат бошини қуйи солганча бораркан, чуқур хаёлга толди. У ҳикояда эрни ҳам, хотинни ҳам ҳимоя қилмаган, фақат шиорларда ёзиладиган гаплар пуч эканини, ҳаёт бўёқлари кўп эканини ёзган эди.

– Ёзувчи холис бўлиши керак, Ҳилола, – деди у хўрсиниб. – Мен ҳеч қачон бировни қоралаб, бировни оқламайман. Турмушда фақат оқ, фақат қора бўёқ бўлади деган гап ёлғон.

– Билмадим, – Ҳилола билагини унинг кафтидан бўшатди. – Ҳар ҳолда сиз йигит томонини олгансиз.

Катта-катта ойналаридан нур сочилиб турган трамвай бекатга келиб тўхтади.

– Хайр, – деди Ҳилола Маратнинг қўлини қисиб.

«Ким билсин, – деб ўйлади Марат ёйларидан чирсиллатиб чўғ сачратиб кетаётган трамвай кетидан қараб қоларкан. – Балки, чиндан ҳам тарафгарчилик қилгандирман. Балки, ноҳақдирман».

Унинг кўнглини доим тарк этмайдиган бир ғашлик, ўз ёзганларидан қониқмаслик туйғуси яна кемира бошлади.

Улар арғамчи учишарди. Қайиқча борган сайин баландроқ кўтарилиб тушар, Ҳилола кўркув ичида арғамчининг ён тарафидаги йўғон симларни маҳкам ушлаб олган, юраги гупиллаб урарди. Ҳар сафар қайиқча тепага кўтарилаётганида Маратнинг қорача чехрасини, шабададан пешонасига ёйилиб тушган сочларини, ҳаяжонданми, қувончданми, қисилиб кетган кўзларини кўрар эди. Арғамчи пастлаётганида эса, кўйлагининг этаклари шамолда кўтарилиб кетмаслиги учун энгашиб олишга ҳаракат қиларди.

– Бўлди! – деди у кулги аралаш қийкириб. – Бўлди, Марат ака.

Марат арғамчини янаям қаттиқроқ силкита бошлади, Ҳилоланинг боши айланиб кетди. Пастда навбат кутаётган бир тўда одамлар ҳам, арғамчи юкорилаганида аниқ кўринаётган дарахтларнинг учи, олисда, қуёш ботиб кетган уфқда ёниб турган шафақ ҳам хира бир туманлик ичида айлана бошлади. Унинг кўз ўнгида фақат Маратнинг чехраси қолди.

– Бўлди... – деди у ялиниб. Кейин бир қўлини қўйиб юборди-да, беихтиёр Маратнинг елкасидан ушлаб олди. Маратнинг терлаган сочлари пешонасига текканини сезиб, ҳаяжон билан оҳиста шивирлади.

– Тўхтатинг...

Шу пайт Маратнинг лаблари унинг қулоғи остида секин пичирлади:

– Кўп соғинадиган бўлиб қолдим, Ҳилола.

Ҳилола унга қарамасликка ҳаракат қилиб, яна ялинди.

– Тушайлик...

Арғамчи секинлай бошлади. Ҳилола Маратнинг ўзига ҳамон тикилиб турганини билар, аммо йиқилиб кетишдан қўрқиб, қўлини унинг елкасидан тортиб ололмасди.

Марат бу қизни чиндан ҳам кўп соғинадиган бўлиб қолган эди. Ҳилола унинг қалбидаги совуқ бир бўшлиқни тўлдира бошлаган, у кўпдан буён битмай келаётган ярасига энди малҳам топгандай эди...

Ҳилола пастга тушганидан кейин бир лаҳза оёқлари титраб туриб қолди.

– Ернинг кадри ўтди-а, – деди Марат кулиб. – Доим уни тепкилаб юрамиз-у, бир қадам узилсак, соғиниб қоламиз. Ҳар гал самолётга чиқишим билан шуни ўйлайман. – У бир нафас ўйланиб турди-да, сўради. – Қаёққа борамиз?

Ҳилола елкаларини учуриб қўйди.

– Анҳорни яхши кўрасиз-ку. – У Маратнинг гапини эслатиб, тегажаклик қилди. – Тинч, ёлғиз ҳис қилгингиз келади ўзингизни...

Уларнинг ҳарраки банд эди: бир жувон коляскадаги болақайни тебратиб ўтирарди. Излай-излай бир оёғи шундоқ сувга ботиб турган ҳаррак топишди. Ўтиришлари билан Марат яна сувга тикилиб қолди.

Бир оздан кейин уларнинг ёнидан йўғон сочини битта қилиб ўрган қиз баланд пошналарини тақиллатиб ўтиб кетди. Нарирокқа бориб тўхтади-да, улар томонга қараб қўйди.

Марат қизнинг ҳаракатларини кузата бошлади. «Қутган одами келмабди», деб ўйлади у. Қиз уч-тўрт қадам у ёқ-бу ёққа бориб келди-да, туфлисининг ингичка учи билан йўлкада ётган тошни тепди. Тош чилп этиб сувга тушди. Анҳордаги чироклар маржони чил-чил бўлиб кетди, нурли тасмадай силкина-силкина яна жойига келди. «Ҳикояга яхши деталь» деб ўйлади Марат.

– Яхши қиз эканми?

Марат бурилиб қаради-ю, Ҳилоланинг ўзидан кўз узмай ўтирганини кўрди. Аммо нимани сўраётганини дафъатан тушунмади. Кейин бирдан тушунди-да, бошини сарак-сарак қилди.

– Йўғ-е... Мен бутунлай бошқа нарсани ўйлаётгандим.

– Марат ака, – деди Ҳилола шубҳали оҳангда. – Институтни битиргунча ҳам ҳеч ким билан юрмаганмисиз?

Марат унинг кўзларида қатъий бир ифода кўрди-ю, қалбининг энг чуқур жойидаги ҳам аламли, ҳам соғинч туйғу яна туғён урди. Ҳа, у яхши кўрган эди. «Сўнган юлдуз шуъласи»да ўзининг ҳам натижасиз муҳаббати тасвир этилганди. Ҳозир ўша сўнган юлдузнинг ёниқ шуъласи яна ярқ этиб кетди.

– Яъни, бировни яхши кўрганмисиз, демоқчисиз-да, – деди у иложи борича хотиржам гапиришга уриниб. – Ҳа, яхши кўрганман!

– Кейин-чи?

Марат Ҳилоланинг овозида совуқ қатъият борлигини сезиб, янаям хотиржамроқ гапирди.

– Кейин узоқлашиб кетганмиз.

– Ундан кейин-чи?

– Ундан кейин яна иккита қизни учратдим. – Марат кулди. – Улар мендек довдирни ёқтиришмади.

Ҳилола бошини куйи солганча ўтирар, изтироб чекаётгани билиниб турарди.

Марат унинг қўлларини маҳкам ушлади-да, кафтини қаттиқ қисганча ҳаяжондан овози титраб, илтижо килди.

– Ҳилола, қўйинг... Нима кераги бор шу гапларнинг! – У кафти билан қизнинг иягидан кўтариб, ўзига қаратди. – Ҳилола...

Ҳилола кўзларини чирт юмиб олди. Унинг қалби титраб, ҳозир Марат ўзини ўпишини билар эди. Энди унинг қаршисида ёзувчи Марат Азизов эмас, оддий йигит Марат, мана шу «ғалати бола» қолган эди.

Мактабни битириш кечасида Бахтиёр деган бола Ҳилолани биринчи марта ўпган, тирноғининг учидан пешонасигача ўпиб чиққан, сен бўлмасанг ўзимни

ўлдираман, деб йиғлаган эди. Ҳозир у Маратнинг ҳам ёлворишини, йиғлагудек ёлворишини кутарди.

Аммо Марат ўпмади ҳам, ёлвормади ҳам.

Ҳилола секин кўзларини очди-ю, Маратнинг бутунлай бошқа томонга қараб ўтирганини кўриб, хайрон қолди. Ўн қадамча нарида, қоронғи бурчакда елкалари туртиб чиққан бир чол ҳассасининг учи билан ариқчага тўлиб қолган хазонларни титкилаб турарди. Марат ҳамон Ҳилоланинг иягидан тутиб турар, аммо чолдан кўз узмас эди. У Ҳилоланинг ўзига қараётганини сизди шекилли, сўради:

– Биласизми, шу чол нимани ўйлаяпти?

Ҳилола ижирганиб, бош чайқади.

– Йўк! Сиз ёзувчисиз. Сиз билинг!

Марат кулди.

– Мен ҳам билолмай қийналяпман-да! Балки, хазон бўлган умрини ўйлаётгандир. Балки, шу ерда биринчи бор севгилиси билан учрашгандир. Одам умри поёнига етиб қолганини пайқай бошласа, қилган хатоларини кўп эслайди-ку...

Ҳилола нохушлик билан юзини ўгирди.

Марат унинг кўнгли чўкканини сизди. Ҳилоланинг кафтини олиб, юзига босди.

– Ҳилола, менга ҳамроҳ керак, кўмакчи керак, – деди ҳаяжон билан. – Баъзан ўзимга ўзим шунчалик хунук, ожиз кўриниб кетаманки!..

Ҳилола унинг юзлари ловиллаб турганини сизди, кафтини тортиб олмади.

* * *

Гоҳо, сутдек ойдин кечалари ховли ўртасидаги супадами, чорпоядами ётганингизда бирдан уйғониб кетасиз. Оппоқ нури билан сукунат селини ёғдираётган тўлин ойга тикилсангиз, тўсатдан юрагингиз кўксингизга

сиғмай типирлаб кетганини ҳис қиласиз. Қандайдир сеҳрли, нотаниш оламга кириб қолгандек бўласиз.

Марат кўпдан буён ана ўша олам тасаввури билан яшар эди. Шу кеча уйғониб кетди-ю, бирдан ўзи кўпдан буён аниқ тасаввур қилолмай юрган оламни кўзгудек равшан кўрди.

Каравотдан сакраб турди-да, қўшни хонага, куз ҳавосида муздай бўлиб қолган, пастак шифтига қоғоз қоқилган хонага ўтди. Титроқ қўллари билан чирокни ёқди-ю, устига газета тўшалган жажжи стол қаршисига ўтирди. Бир ярим йилдирки, мана шу стол ёнига келишга юраги бетламай юрар эди. Бир ярим йилдирки, ўша сирли олам хаёлида тунлари уйқусиз кезиб чиқар, аммо унга киролмай азоб чекар эди. Бу – ижод олами эди!

У бу оламга кириш учун Римнинг тенгдоши бўлган Афросиёбни қаричма-қарич кезиб чиқди. Ўрта Осиёда яқингача аниқ фанлар йўқ эди, деган бемаъни даъвони рад этиш дардида бир ярим йил ёнди. Тарихнинг чанг босган сўқмоқларини киприклари билан авайлаб тозаласадек бўлди.

Бир ярим йилдирки, бўлажак китобининг қаҳрамонлари унинг атрофида айланиб юрарди-ю, аммо туткич бермасди. Мана, бугун улар бирданига ўз оёғи билан Маратнинг қалбига кириб келди. Марат уларнинг чехрасидаги ҳар бир тукигача, кўнглидаги ҳар бир ниятигача аниқ кўра бошлади. Мавҳум бир оламда қочиб юрган қаҳрамонлар энди уни ўз ортидан эргаштириб кетди.

Марат шаршарадек оқиб келаётган фикр-туйғуларини тўкиб сола бошлади. Қўллари титраб эгри-бугри харфлар билан ёза кетди.

Энди уни ҳеч ким, ҳеч нима бу азиз оламдан суғуриб ололмайди.

Эшик ғийқиллаб очилганидан кейингина Марат тонг ёришиб қолганини билди. У ҳамон қоғоздан бош

кўтармай, кўз қири билан қараб кўйди. Остонада бошига тивит рўмол ўраб олган онаси турар эди.

– Келинг, – деди Марат вазиятни ўзгартирмай.

Она унинг кетинг деган маънода айтганини тушунди. Ўғлининг одатларига аллақачон кўникиб кетган эди. «Ўтиб дам ол» демоқчи бўлдию бунақа пайтларда унинг ўжар, инжиқ бўлиб қолишини билгани учун шарпалай силжиб чиқиб кетди.

Онаси бир кўлида чойнак, бир кўлида қанд кўтариб кирганида Марат икки бобни битирган эди. Унинг кўзлари ачишар, кўп чекканидан бўлса керак, юраги санчарди.

* * *

Ҳилола эшикдан кириб келди-ю, дераза супачасига тирсаги билан таяниб турган Замирани кўриб, қувониб кетди. Қобил Қодирович ҳали ишга келмаган, қабулхона бўш эди. Ташқарида ҳаво булут бўлгани учун, оқиш қандиллар эрталабдан ёқиб кўйилибди. Замира унинг қаршисига югуриб келди-да, кучоклаб олди.

– Пальто олдим, – деди сепкилли юзи қувончдан қизариб.

– Вой, бир кўрай!

Замира дераза супачасида ётган ўроғлик қоғозни очди.

– Кийиб кўргин, сенга ҳам лойиқ шекилли.

Пальто Ҳилолага лоппа-лойиқ келди. Бу – ўзи қачондан буён орзу қилиб юрган тўқ кул ранг пальто эди.

– Қаёқда бор экан? – деди у ялингудек бўлиб.

Замира сарғиш қошларини учуриб кулди.

– Ҳо-о, ёзувчи акангиз топиб берсин... – У яна тегажаклик қилди. – Топиб бўпти! Қоғоз қоралашдан бошқа нарсани билмайди. Кеча қанақа бўлди? – деди у пальтони қоғозга ўраркан.

Ҳилола ундан сир яширмас, кеча ҳам висолга кетаётганини айтган эди.

– Яхши. – У Маратнинг кечаги гапларини эслаб, ширин жилмайди. – Ҳеч тушунолмаيمان бу болани! Бир қарасанг, чолларга ўхшайди, бир қарасанг, ёш болага айланиб қолади.

– Янги ҳикояга қаҳрамон излаётгандир-да, – Замира жилмайиб туриб, уф тортди. – Ўртоғим бечора!.. Кеча сен билан кўришган, бугун бошқаси билан учрашади. Ёзувчининг хотини битта бўлмайди. Институтимизда учрашув бўлганидан кейин ҳам бир қиз Марат Азизовга хат ёзавериб, эси кетган эди.

Илгарилари Ҳилола Замиранинг ҳазилларига парво қилмаса ҳам, бора-бора жаҳли чиқадиган бўлиб қолганди. Ҳозир яна гаши кела бошлади.

– Хат ёзса ёзаверсин! – деди атайлаб бепарво оҳангда. – Менга нима?!

Замира шодон кулганча, уни кучоқлаб олди.

– Ростини айтяпман-да, ўртоқжон. Мана! – У сумкасини титкилаб, буклоғлик газета чиқарди. – Ёзувчининг қанақа одамлигини ёзганидан билса бўлади.

Ҳилола газетани бепарво кўлга олди. Бу – университетнинг кўп тиражлик газетаси эди. Учинчи саҳифада Маратнинг «Изтироб» деган ҳикояси босилибди.

Замира чиқиб кетиши билан Ҳилола ҳикояни шошилиб ўқий бошлади. Бу Маратнинг талабалик даврида ёзган ўртамиёна ҳикояси эди. Ҳикояда севгисига хиёнат қилган йигитнинг изтироблари тасвирланган экан.

Ҳилола ҳикояни ўқиди-ю, кўнглида оғир ғашлик уйғонди. Шу куни у кечгача қандай ишлаганини билмади.

* * *

Марат таҳририятга тушдан кейин келди. Йўлакда муҳаррирга дуч келиб қолди. Муҳаррир совуққина саломлашди-да, ўтиб кетди.

Марат тушунди. «Уч кун ишга келмаганим учун ранжиган». Аммо у парво қилмади. Ҳозир дашном эшитишдан ҳам, ишдан ҳайдалишдан ҳам чўчимасди. Мана, тўрт кундирки, у ўзга бир оламда – ўз асарининг оламида яшайпти. Тўрт кундирки, кеча-кундуз қулоғи остида майин бир куй жаранглаб турибди. Бу куй унга куч бағишлаб, қалбини нурли туйғуларга тўлдириб юборяпти. Бу куй тўхтамагунча у ҳеч нимани тан олмайди!

Кечкурун Марат Ҳилола билан учрашиши кераклигини эслади. Ўша – охирги марта кўришганларида у янги спектаклга тушамиз деб ваъда берган эди.

Марат етиб келганида Ҳилола каттакон ойнаванд афиша олдида турарди. «Худди оққушга ўхшайди» деб ўйлади у Ҳилоланинг қўлини қисаркан. Чиндан ҳам Ҳилола оқ кўйлак, оқ кофта, оқ туфли кийиб олганди.

Марат, Ҳилола ўзининг оёқларига тезгина қараб кўйганини кўрди-ю, беихтиёр шими дазмолланмаганини эслади. «Сокол масаласи ҳам чатоқ бўлса керак», деб ўйлади у.

– Бугун театрга тушмаймиз!

Ҳилоланинг кўнгли бир қалқиб тушди.

– Нега? – деди овози титраб. Ҳилола оилада кенжа қиз бўлганиданми, эрка эди. У кеча, дадасига жанжал қилиб, театрга кийиш учун атайлаб оқ кўйлак олдирган эди.

– Нега? – деди Ҳилола алам билан Маратнинг кўзига тикилиб. Шу топда унинг кўзлари қизариб кетганини, ранги сарғайиб, лабининг икки четида чукур-чукур чизикчалар пайдо бўлганини пайқади.

Марат янги спектакль ҳам Афросиёб тарихи мавзусида эканини эшитганди. У китобини битирмагунча биронта томоша кўрмаслик, биронта китоб ўқимасликка қарор қилган эди. Фикри чалғиб кетишидан кўрқарди.

– Ишим бор, – деди у, «Янги нарса ёзйпман» дегиси келмади. «Туғилмаган болага от кўйишнинг нима кераги

бор. Ким билсин, балки асар яхши чиқмас». У ёзаётганини бошқалар у ёқда турсин, ўзидан ҳам қизганарди.

– Нима иш? – деди Ҳилола умидсиз оҳангда. У негадир Замиранинг гапларини эслади. «Бугун сен билан кўришади, эртага бошқаси билан...»

– Кетамиз, – Марат уни қўлтиқлаб олди-да, троллейбус бекатига бошлади. – Кейин, – деди жилмайиб. – Кейин айтаман, хўп?

Ҳилола троллейбусга чиқиб кетди. Марат эса ўз оламига йўл олди.

* * *

Ниҳоят Марат қиссасига нукта қўйди. Уч ҳафтадан буён вужудини ларзага солиб, кеча-кундузнинг фаркига бормай ишлашга мажбур этган фикру туйғулари ниҳоясига етди. Кўп қахрамонлар тақдири ўзи бошда ўйлаганидан ўзгачароқ бўлиб чиқди. Кўп қахрамонлар уни қўғирчоқдек ўйнатиб қўйди.

Марат қаттиқ толиққанини, йиқилгудек бўлиб қолганини шундагина пайқади. Аммо руҳи тетик, кайфи чоғ эди. У яхши асар ёзганини биларди.

Шу кунлар давомида Ҳилола билан ҳам дурустроқ гаплашмаганини, қиз ундан қачондир, негадир ранжиб қолганини туш каби ғира-шира эслади. Вазир қабулига ҳамон кирмаганини, таҳририятнинг биронта ишини қилмаганини энди ўйлай бошлади.

Таҳририятда чиндан ҳам иш тўпланиб қолган экан. Марат боши билан шўнғиб кетди. Хатларни кўздан кечирди. Ёш қаламқашлар билан гаплашди. Кечга яқин Ҳилолага кўнғироқ қилиб, кўришишни илтимос қилди.

У энди плашини кийиб, чиқиб кетаётган эди, кўнғироқ жиринглаб қолди.

«Ёш шоирлардан биронтаси шеърининг тақдирини сўраса керак». У бир қўли билан плашининг тугмаларини қадаркан, бошқа қўли билан гўшакни кўтарди.

Қандайдир нотаниш аёл овози уни сўради.

– Мен эшитяпман, – деди Марат охирги тугмани халқадан ўтказаркан.

Гўшак узоқ вақт жимиб қолди-да, йиғи овози эшитилди.

Марат ҳайрон бўлиб, жойига ўтириб қолди.

– Кечирасиз, кимсиз? – деди девордаги соатга тезгина қараб олиб. Ўн беш дақиқа қолибди.

– Сиз мени танимасиз, – нотаниш овоз йиғи аралаш хўрсинди. – Сиз билан маслаҳатли ишим бор.

Марат эртага келинг демоқчи бўлди-ю, айтолмади, кўнгли бўлмади.

– Келинг ҳозир, – деди яна соатга қараб, – иккинчи қаватдаман.

Марат гўшакни қўйди-да, чироқни ёқди. «Ҳилола кутиб қоладиган бўлди-да», деб ўйлади кўнгли ғаш бўлиб.

Бир оздан кейин эшик очилиб, остонада кўҳликкина қиз кўринди. Плашининг елкалари, кўлидаги ёмғирпўши хўл эди. «Ёмғир ёғаётган экан, – Маратнинг кўнглидаги ғашлик кучайиб кетди. – Ҳилола хафа бўлади-да».

Қиз ичкарига киришга кўрққандек, ҳамон остонада турарди.

– Ўтиринг, – деди Марат диванни кўрсатиб.

Қиз диваннинг бир чеккасига омонат ўтирди-да, қизариб кетган кўзлари билан унга қараб қўйди.

– Вақтингизни олдимми?

– Нима бўлди, синглим? – деди Марат плашини ечиб, стул суянчиғига ташларкан. – Нега хафа бўляпсиз?

Қиз унга бир қараб қўйди-ю, яна кўзларида ёш қалқиди.

– Мен сизни яхши биламан. – Қизнинг ўпкаси тўлиб ҳиқиллаб қолди. – Сиз яхши, олижаноб одамсиз.

Марат гапининг давомини кутиб, индамай ўтираверди.

Қиз плашининг чўнтагидан рўмолча олиб, кўз ёшларини артди.

– Бир йигит бор эди. – Қиз юзини дераза томонга буриб олди. – Бир-биримизни яхши кўрардик. Мен дарс тайёрлагани унинг ётоқхонасига бориб турардим... – Қиз жимиб қолди-да, бирдан хўнграб юборди. – У мени алдаб кетди. Армияга кетиб қолди.

Марат тушунди. Кўнглини кемираётган ғашлик бошини сиркиратиб юборди. У кафти билан пешонасини чангаллаганча сўради:

– Энди нима қилмоқчисиз?

Қиз ярқ этиб унга қаради.

– Ўзимни ўлдираман!

– Бўлмаган гап! – Марат қўлини шартта туширди-да, совуққина гапирди. – Ўзини ўлдирадиган одам аввал эълон қилиб, кейин ўлдирмайди.

Қиз аччиқ ҳақиқатни шундоққина кўз ўнгига келтириб қўйган Маратга ҳайрон қараб қолди.

– Онангиз бормилар? – деди Марат бир оз юмшоқ оҳангда.

Қиз асабийлик билан қўл силтади.

– Улар нимани тушунарди? Эски одам... Эрга берамиз деб ётишибди.

«Қачондан буён сен янги одам бўлиб қолдинг! – деб ўйлади Марат гижиниб. – Дуч келган одамга кучоғини очиш янгилиг-у, номусли бўл дейиш эскиликми? Номуснинг қадрини мунча арзонлаштирмаса булар?»

У сигаретанинг учини асабий эзгилаб чекди. Марат кўпдан буён шу гапларни ўйлаб юрарди. Мана, яна бир мисол. У ўзини босиб олди. «Бу қиз танбех эшитгани эмас, маслаҳат сўрагани келган-ку».

– Хат ёзаяптими? – деди у хотиржам оҳангда.

– Эрга тегиб кетавер, дебди. – Қиз уф тортди.

– Нега шунақа деб ёзганини биласизми?

Қиз маъюс бош чайқади.

– Сизга ишонмаяпти!

Қиз бунисини ҳеч ўйлаб кўрмаган бўлса керак, киприкларини ҳайрон пирпиратди:

– Нега ишонмайди?

– Сиз ҳар сафар йиғлаб ёзаверманг, – деди Марат унинг саволини эшитмагандек. – Энди сиз қанча ялиниб ёсангиз, у шунча узоқлашиб кетаверади.

– Нима қилай бўлмаса? – деди қиз ўкинч оҳангида.

– Эртага унинг хатларини олиб келинг, – деди Марат ўрнидан туриб. – Биргаллашиб жавоб ёзамиз. Мен айтиб тураман, сиз ёзасиз.

У плашини кийди-да, эшикни очди.

– Келишдикми, эртага ёзамиз.

Қизнинг кўнглида умид чироғи ярқ этиб кетди шекилли, секин шивирлади.

– Раҳмат....

* * *

Марат симёғоч тагида елкаларини қисиб, ёмғирдан жунжикиб турган Ҳилолани узоқдан кўрди-ю, юраги зириллаб кетди.

«Плаш киймаган экан». У қоп-қора йўлкада ёмғирдан ялтираб ётган чироқ нурларини босиб югуриб борди-да, Ҳилолани билакларидан тутиб, ўзига қаратди.

– Кечиринг!

Ҳилола Маратнинг кўлини силтаб ташлади. Унинг сочлари ҳам, пуштиранг жемпери ҳам ивиб кетган, ранги сўлғин эди.

– Кечиринг, – деди Марат яна ялинч оҳангда. Кейин плашини ечиб, Ҳилоланинг елкасига ташлади.

– Қочинг! Уятсиз! – Ҳилола плашни силтаб ташлади. Унинг ҳўл енги Маратнинг юзига шапиллаб урилди.

– Хайр! – Ҳилола кескин бурилди-да, сумкасини сил-
китганча, кўлмак сувларни сачратиб чопиб кетди.

Марат нариги симёғоч тагида унга етиб олди. Муздай
елкаларидан ушлаб, энтикканча шивирлади.

– Тушунсангиз-чи, ахир. Бир қиз билан гаплашдик.
Биров ёрдам сўраб турганида ташлаб кетолмайман-ку.

Ҳилола шартта бурилиб қаради. Унинг сўлғин юзидан
ёмғирми, кўз ёшими оқиб тушар эди.

– Сизнинг қизларингиз кўп, – деди у овози титраб. –
Одамларингиз кўп!

– Бугун шунақа бўлиб қолди-да, нима қилай? – Марат
плашини яна унинг елкасига ташлади. Ҳилола тагин сил-
таб юборди. Плаш лойқа кўлмак сувга тушди.

– Шилқимлик қилманг, – деди Ҳилола йиғи аралаш. –
Театрга борганда-чи, кутубхона олдида кўришганимизда-
чи, музейга бормоқчи бўлганимизда-чи! – У яна чопиб
кетди.

Марат эгилиб плашни олди. Ҳилоланинг қадам то-
вушлари тез узоқлашиб борарди. Шундагина у бу қизни
севиб қолганини, қаттиқ севиб қолганини чуқур ҳис этди.
Юрагининг бир парчаси узилиб кетаётгандек яна унинг
кетидан югурди. Боғ четида етиб олиб қўлидан тутди.

Ёмғир ҳамон шивалаб ёғар, Марат энди плаш лой
бўлганини, уни Ҳилолага кийгизиб бўлмаслигини ўйлаб
қийналарди.

– Ҳилола, унда, – деди нафаси қисилиб. – Унда мен
бир нарса ёзаётган эдим.

– Нарса ёзаман деб ҳаммадан кеча қолинг. – Ҳилола
энди йиғламас, овозида темирдек қатъият бор эди.

– Бошқа иложим йўқ эди, – деди Марат ўйчан.

– Иложим йўқ денг?

Марат унинг титраб турган лабларига қараб, бошини
қуйи солди.

– Йўқ.

Ҳилола бундай жавобни кутмаган эди. У Маратнинг ялинишини хоҳларди.

– Бўлмаса, – Ҳилола овози қалтираб такрорлади. – Бўлмаса мендан кеча қолинг!

Марат ҳамон бошини қуйи солиб турар, асфальт йўлгага ёпишиб ётган хазонни туфлисининг учи билан эзгилар эди.

– Мен айтгандим, – деди у сокин оҳангда. – Менга дўст керак, ҳамроҳ керак, дегандим...

– Йўқ, айтсангиз-чи, ижодингиз учун мендан кеча қолинг. Ўзингиздан бошқа ҳеч кимни ўйламай қўя қолинг!

Марат унинг кўзларида ғазаб борлигини кўриб, кўнгли оғриди. Наҳотки у чиндан ҳам фақат ўзини ўйлаётган бўлса?! У шу кунгача бирон марта дурустроқ ўйлаб кўрмаган гапларни Ҳилоладан эшитиб ҳайрон бўлди. Ахир у одамларга ўхшаб башанг кийинишни, зиёфатларга боришни, уй-жой солишни шунчаки майда гаплар деб юрарди-ку. Наҳотки келиб-келиб энг яқин одами бўлиб қолган, қалбининг нурли бир парчасига айланган мана шу қиз унга таъна қилса.

– Айтинг! – деди Ҳилола ҳамон лаблари титраб. Кўзларида совуқ ўт ялтираб кетди.

Шундагина Марат бу қиз уни ҳеч қачон тушуна олмаслигини, ўзи ўйлаганидан кўра каттароқ эътибор талаб қилишини чуқур ҳис этди.

– Ҳилола, – деди қизнинг кўзларига қарамасликка ҳаракат қилиб. – Мен бошқача яшай олмайман, балки иккимиз ҳам адашгандирмиз. Сиз тўғри айтяпсиз. – У бир лаҳза ўйлашиб турди-да, маъюс жилмайди. – Бир умрлик ташвишимга сизни шерик қилишимнинг нима кераги бор?

У кескин бурилди-да, чироқ нурида ялтираб ётган халқоб устидан сакраб ўтди. Нарироққа бориб қайрилиб қаради. Ҳилола халқоб олдида бошини қуйи солиб турарди.

Марат томоғини аламли бир ўт ёндираётганини пайқади-ю, плаш ушлаган кўлини баланд кўтарди.

– Хайр, – деди овози титраб. – Мендан ранжиманг. – У охирги сўзларини иложи борича хотиржам айтишга ҳаракат қилди. – Бахтли бўлинг, Ҳилола!

Ҳилола у томонга салгина эгилгандек, ишончсиз бир кадам кўйгандек бўлди. Аммо, Марат энди қайрилиб қарамади. Илондек ялтираб ётган йўлқадан ўз соясини босганча, секин-секин юриб кетди.

Ҳамон ёмғир савалар, дарахтларнинг сарғайган япроқлари чироқлар нурида хира йилтиллаб эди. Аллақаяқда хазон тутаётган бўлса керак, аччиқ бир ис димоғини куйдирарди.

У плашини осилтирганча, кўлмак кечиб борар, боя таҳририятга йиғлаб келган бахти қаро қизнинг аччиқ қисматини ўйлар, ўзи эса қаёққа кетаётганини билмас эди.

УМР САВДОСИ

Хуршида ишдан келса, Қумри хола айвон ўртасида чўккалаб олганча кўрпа қавиб ўтирибди. Энкайиб олгани учунми, муштдек гавдаси янаям кичрайиб қолганга ўхшайди. Хуршиданинг онасига раҳми келди. Бечорага қийин. Бир йилдирки, Тўлқинжонни уйлантириш ташвишида. Тўй қилиш осонми? Гоҳ униси етишмайди, гоҳ буниси.

– Бўлди энди, ойи, чарчаб қоласиз, – деди Хуршида сумкасини айвон бурчагидаги стулга қўйиб. – Тўй эртага бошланаётгани йўқ-ку!

Қумри хола бошини кўтарди. Оёқлари увушиб қолган экан, оғриқдан юзи буришиб, тиззаларини уқалади.

– Кўнглим ғаш, болам, – деди тўсатдан.

Хуршида тушунмади.

– Нима бўлди?

– Эрталаб борсам, дарвозаси тақа-тақ ёпиқ. Аввал оқшомдан ётиб олиб, кеч пешингача ухлайди шекилли булар.

Хуршида кулиб юбормаслик учун тескари қаради. Кампири тушмагур-эй! Бундан чикди хўроз кичқирмасдан куда бўлмишникига борган. Ўзининг каллаи сахарлаб боргани билинмайди-ю, айбни қудаларга ағдаряпти. Нуқул юлдузи чап келяпти-да шулар билан!

– Қиз бола деган кун ёйилгунча ётмайди, ялпайиб!! – Қумри хола писанда қилди. – Дарвозасининг олди супурилмаган...

Кумри холанинг одати шу. Сахарлаб туриб олади. Хуршида эсини таниши билан унияш шунга ўргатган. «Қиз бола уй жиғадек тахт бўлиши керак, уят бўлади», деб азонлаб ҳовли супуртиради.

– Келиннинг акаси ичаркан. Унияш эшитдим! – деди Кумри хола ҳамон ўша тажанг оҳангда. – Отасинияш оғзи шалоқ, дейишяпти.

Онасининг кейинги гапи Хуршидага ёкмади. Ўзи-ку: «Уйланасанми, йўқми? Танлаганингни айт», деб Тўлқинжонни ҳоли жонига қўймади. Охири, Тўлқинжон ёқтирган қизини айтди. Кумри хола уч-тўрт марта совчиликка бориб «оқ ўраб» келди. Аммо, негадир кейин айниб қолди. Гоҳ келинни дангаса дейди, гоҳ куда холани эзма, дейди. Мана, энди акасининг ичиши баҳона бўлиб турибди.

– Келин ҳам ичарканми, ойи, бир сўрамапсиз-да, – деди Хуршида ачитиб.

Кумри хола ип қатимини шахд билан тортаркан, Хуршидага чакчайиб қаради.

– Таппи-таппидан узоққа тушмайди, билдингми?

– Бизлар ҳам оппоқ эмасмиз-ку, ойи! – деди Хуршида. – Қуда томон суриштира са бизлардан ҳам айб топар. Мана, мен... – У бир зум жим қолди-ю, хаёлига келган гапни қайтармади: – Менияш турмушим бузилган. Улар ҳам суриштириб юргандир. Куёвнинг опаси нега эрдан чиққан, деб. Гапни қовласа гап чиқаверади-да!

Кумри хола тўсатдан мунғайиб қолди.

– Сенинг турмушинг бузилган бўлса... Шу иш шунақа бўлганига... ўзинг сабабчисан... Энди Тўлқиннинг турмуши шунақа бўлмасин, дейман-да, болам.

Онасининг бирдан бўшашиб қолиши, таскин оҳангда гапириши Хуршидага оғир ботди. Душманинг тош билан ургани нима-ю, дўстинг пахта отгани нима? Йўқ, онаси таъна қилаётгани йўқ. Ачиниб гапиряпти. Шунақа-ю,

бари бир қалампирни шакарга ботириб еган билан ширин бўлиб қолмайди-да.

Хуршида силтаб-силтаб игна тортаётган онасига бир зум қараб турди-да, индамай ичкарига кириб кетди. Шу топда у ойиси кетидан мўлтираб қараб қолганини ҳис қилар, ҳис қилган сайин юраги эзиларди.

Қиз бола бўйига етганидан кейин ғалати бўларкан. Ўз уйингда ота-онанг бағрида турасан-у, бари бир бу хонадон эртами-индин сенга бегона бўлиб қоладигандек, гўё албатта қандайдир ўзгариш бўлиши шартдек туюлаверарди.

Хуршида, айникса, совчилар келганида буни чуқур ҳис қилар, шунинг учун эшикдан узун-қисқа бўлиб кириб келаётган хотинларни кўрса, аллақандай бегонасираб турарди. Бора-бора уларни кўрса ғаши келадиған бўлди. Кумри хола бўлса, совчилар билан очилиб-сочилиб сўрашар, куёв бўлмишни ипидан-игнасиғача суриштирарди. Совчилар кетгандан кейин Хуршидага насихат қиларди:

– Қизлик уй – бозор, болам! Шоҳ ҳам келади, гадо ҳам. Бошингда отанг бўлмаса. Муносиб жойингни топгин, дейман-да, қизим.

Хуршида тутақиб кетарди:

– Ҳеч қанақа бозор-позорни билмайман, тушундин-гизми? Менга даллол керакмас.

Шундай дерди-ю, ҳаётида бўладиган ўзгаришни кутиб юрарди. Бу ўзгариш тўртинчи июнь куни бўлди. Шу куни у ўн тўққиз ёшга тўлган эди. Кечқурун ательеда бирга ишлайдиган дугоналарини уйга чақирмоқчи бўлди. Бозорга тушди. Чиллаки, гилос, янги помидор харид қилгунча кун қизиб кетди. Бир қўлида сумка, бир қўлида тўрхалта кўтариб, бекатга келди. Аксига олиб автобус ҳам келавермади. Бир маҳал қизил люкс «Жигули» осовишта силкиниб, Хуршидадан хиёл нарироқда тўхтади.

Хуршида қўл кўтармагани учун ҳам эътибор бермади.
Лекин ўша томондан овоз келди:

– Қаёққа борасиз, синглим?

Бир оздан кейин бояги савол яна қайтарилди:

– Сизга айтяпман.

Шундагина Хуршида бу гап ўзига тегишли эканини билиб, бурилиб қаради. Машинасининг рангига мос – қизил водолазка кийиб олган йигит бир оёғи ичкарида, бир оёғи ерда, шу томонга қараб турарди.

– Қаёққа борасиз? – деди у яна.

Хуршида «собственный» машинага ўтиришни умуман хушламасди. Ҳозир ҳам чимирилиб:

– Ҳеч қаёққа! – дедию тескари қараб олди. У моторнинг гувиллашини, машина жўнаб кетишини кутиб турарди. Чиндан ҳам эшик қарсиллаб ёпилди. Аммо мотор гурилламади. Бояги йигит унинг рўпарасида пайдо бўлди.

– Қўлингизда юкингиз кўп экан, – деди Хуршидага жиддий тикилиб.

Хуршида унинг силлиқ таралган сочларига, чимирилиб турган қошига бир лаҳза қарадию кўзини олиб қочди:

– Қанча сўрайсиз?

Йигит кулиб юборди:

– Савоб ҳам керак-ку одамга!

– Унақа бўлса ўтирмайман.

Йигит яна кулиб унинг сумкасига қўл чўзди:

– Бўпти, бензин ҳақини берарсиз.

Хуршида машинанинг паролон ғилоф қопланган орқа ўриндиғига ўтираркан, йигит сўради:

– Қаёққа ҳайдай?

– Кўкчага!

Хуршида энди уйга етгунча бир оғиз ҳам гапирмасликка аҳд қилди.

Анчагача индамай кетишди. Хуршида йигитнинг рўпарадаги ойначадан ўзига қараб қўяётганини ҳис қилар, шунинг учун кўчаларни томоша қилиб борар эди.

– Иссикқа қолиб кетибсиз? – деди йигит орқага бурилиб. Хуршида мўйлов кўйган йигитларни ёмон кўрарди. Аммо, хайдовчининг мўйлови ўзига жуда ярашиб тушганини ичидан тан олди. Индамай кетаверди. – Иссикқа қолиб кетибсиз, дейман? – Йигит яна саволини қайтарди.

– Шундоқ бўлди! Энди отимни сўранг! Қаерда ўқишимни сўранг! Иложи бўлса, йигитим бор-йўқлигини ҳам билиб олинг! – Хуршида бу гапларни шу қадар жаҳл билан бидир-бидир қилиб айтиб ташладики, ўзиям хайрон қолди.

Йигит бунақа зарбани кутмаган бўлса керак, анчага-ча жимиб қолди. Кейин орқасига қарамасдан секингина гапирди:

– Ўзининг туғилган кунида ўзи бозор қилган одамни биринчи кўришим.

Энди Хуршида эсанкираб қолди. Худди унинг юзини яхшироқ кўриб олгиси келгандек олдинга эгилди.

– Сиз... Қаёқдан биласиз? – деди кўзларини пирпира-тиб.

– Мен ҳамма нарсани биламан! Телепатман. – Йигит орқасига қараб жилмайди. Шунда Хуршида унинг мўйлови ўзига ярашганини яна бир бор ҳис этди-ю, хаёлига келган фикрдан уялиб, кўзини олиб қочди. – Сиз ҳеч нимани айтмай қўя қолинг, – деди йигит ҳамон жилмайиб. – Отингизни ҳам, бугун неча ёшга тўлганингизни ҳам, ҳаммасини биламан. Сиз бўлса мени билмайсиз. Шуям инсофданми? Келинг, сиз ҳам мени таниб олинг. Отим – Анвар...

Хуршида қараса гап гап билану машина бошқа ёққа бурилиб кетяпти.

– Кўкча у ёқдамас, – деди у овозини баландлатиб. – Ў, йўлни билмайсизми?

– Биламан! Бир минутга!

Зум ўтмай машина пастак, ойнабанд магазин рўпарасида тўхтади. Анвар кўча четидаги цемент ариқчадан ҳатлаб ўтди-да, магазинга кириб кетди. Хуршида ўтираверишини ҳам, тушиб кетишни ҳам билмай турган эди, Анвар ичкаридан бир сават гул кўтариб чикди. Хуршида шундагина бу гул магазини эканини билди.

Анвар негадир орқа эшикни очиб, саватдаги гулни шундоққина Хуршиданинг оёғи тагига қўйди.

– Нима қиляпсиз? – деди Хуршида оёғини нари суриб.

– Туғилган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Илоё бахтли бўлинг! – Анвар қўлини шунақа қойилмақом қилиб кўксига қўйдики, Хуршида кулиб юборди:

– Артистмисиз, нима бало?

– Артист бўлсам, жон дердим. Эплолмайман. Аспирантман.

Анвар рулга ўтирдию машинани ғизиллатиб ҳайдаб кетди. Қизик, энди у Хуршидаларнинг кўчасига етгунча бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат Хуршиданинг юқларини, саватдаги гулни тушираётганда секингина: «Яхши дам олинглар», деб қўйди.

Хуршида ҳеч қачон туғилган кунини бунчалик хушчақчақ нишонламаган эди. Қизлар билан роса ўйнашди, ярим кечагача хурсандчилик қилишди. У ора-чора негадир Анварни эслаб кўяр, аммо ўша заҳоти уни хаёлидан ҳайдашга уринарди. «Яхши йигит экан. Одамгарчилиги бор экан. Шу билан нима бўпти? Энди қайтиб кўришамизми, йўқми? Кўчада учраган бир одам-да!»

Шунақа деб ўйларди-ю, бари бир кўнглида ноаниқ умидга ўхшаш бир нарса айланаверарди. Кечаси меҳмонларни кузатаётганида худди ўша машина яна келиб қоладигандек беихтиёр атрофга аланглади. Эртасига, индинига, кўчаларда юрганида ҳам қизил «Жигули»

кўринса бурилиб қарайдиган бўлди. Орадан бир хафтами, ўн кунми ўтди. У энди Анварни хаёлидан чиқара бошлаганида яна кўришиб қолишди. Хуршида узоқдан келаётган қизил «Жигули»ни кўрди-ю, негадир юраги жиз этди. Машина унинг рўпарасига келиб тўхтади.

– Ўқишга кетяпсизми? – Анвар ўтирган жойида чўзилиб, эшикни очди. Хуршида иккиланиб орқа ўриндикка ўтираркан, унга қараб кўйди.

– Ўқишга киролмаганман, ишлайман, эътиборингиз учун! – деди таъкидлаб. – Мен тўғримда ҳамма маълумотга эга одам шуниям билмайсизми?

Анвар кулди:

– Очигини айтсам, отингизниям билмайман.

– Қизиқ бўлди-ку! – Хуршида елка қисди. – Бўлмаса туғилган кунимни қаёқдан билдингиз?

– Кўзингиздан! – Анвар жилмайди... – Қалай, зиёфат яхши ўтдими?

Хуршида индамай бош силкиди.

– Ўша куни сизнинг бахтингиз учун мен ҳам ичдим.

– Ёлғон! – Хуршида қўл силтади.

– Ёлғон гапирсам, ёрилиб ўлай!

Хуршида кулиб юборди.

– Кўйинг, ҳали бола-чақангизга керак бўласиз.

– Шунақами, а? Айта қолинг, сизга жудаям керакманми?

Хуршида гап суюқлашиб кетаётганлигидан ғаш икелди-ю, аммо шунга яқинроқ мавзу давом этишини бари бир хоҳларди. Шунинг учун индамай кўя қолди.

Эртасига Анвар унинг ишдан чиқишини пойлаб турди. Ўзининг ишхонасига олиб борди. Кибернетика бўйича илмий иш қилаётган экан. Ҳозирча лабораторияда кичик илмий ходим бўлиб ишларкан. Хуршида аллақандай чизмалар, ялтироқ аппаратлар билан тўла нимқоронғи хонага кириб қолди.

– Бизнинг ишимиз суратлар билан боғлиқ, – деб тушунтирди Анвар. – Хоҳласангиз, сизниям суратга тушираман...

Ўша кундан бошлаб у Анварнинг лабораториясига тез-тез бориб турадиган бўлди. Лабораториянинг ярим қоронғилиги ҳам, турли вазиятларда суратга тушиш ҳам энди уни чўчитмас эди.

Уйда бўлса совчилар бозори қайнар, Қумри хола ҳар куни янги гап топиб қўярди. Қуёв бўлмишнинг бири завуч эмиш, яна бири «пекарнийда» ишларкан. «Матасикли» бормиш. Тағин биттаси «пераводнийлик» қиларкан. Москвадан гилам олиб келаркан.

... Бир куни Хуршида онасининг рўпарасига ўтириб олди-да, очиқ-ойдин қилиб айтиб қўя қолди:

– Қинғир-қийшиқ совчиларингизга айтиб қўйинг, ойи! Менинг танлаганим бор. Эскилик сарқитидан қачон кутуласиз?

Онаси Хуршида кутгандек сапчиб тушмади. Фақат сўради:

– Ким ўзи у? Қанақа одам?

– Яхши одам. Аспирант. Яқинда олим бўлади. – Онаси бировнинг «матасикли»ни гапиргани учун Хуршида ҳам атайлаб қўшиб қўйди: – Машинаси бор, «Жигули».

Эртасига у уйига совчилар кўп келаётганини гап орасида кистириб қўйди. Анвар одатдагидек масалани кўндаланг қўйди:

– Бўпти, эртагаёқ ЗАГСга ариза топширамиз.

Ҳамма иш кўнгилдагидек кетаётганида Қумри холанинг қайсарлиги тутиб қолди. Иккала оёғини бир этикка тикиб туриб олди.

– Менинг кўчада қолган қизим йўқ! Уйланадиган одам беш-олти марта совчи юборади, одам қўяди. Отини билмасам, зотини билмасам. Йўқ, бўлмайди!

Хуршиданинг бир кулгиси келар, бир жаҳли чиқарди.

– Нимага тушунмайсиз, ойи? Беш марта совчи юбориш деган қонун қаерда ёзилган? Анвар ака Қашқадарёдан келган. Ота-онаси ёшлигида ўлиб кетган экан. Даллолинг нима кераги бор?

– Ота-онаси бўлмаса, қариндош-уруғ бордир, ишхонаси, хўжайинлари бордир. Ўзим бораман.

Хуршида кулди:

– Ишхонасига борганингиз билан нимани тушунардингиз? Кибернетикага ақлингиз етадими? Ўзим минг марта борганман ишхонасига, билдингизми!

Қумри хола бари бир бўш келмади:

– Сен эчки эмассанки, дуч келган одамга етаклатиб юборсам. Бўлмайди.

– Балки ҳали қалин ҳам сўрарсиз?

– Таг-тахтини суриштирмай туриб бермайман! Бўлмайди.

Қумри хола бўлмайди, дегани билан тўй тўхтаб қолмади. Анварнинг тоғаси бор экан, ўша ўртага тушди. Тўй бошланди-ю, Қумри хола зада бўлган қушдек мунғайиб қолди.

Баҳор қунлари ғалати: тўсатдан жала қуядию еркўкни шалаббо қилиб юборади. Кетидан ярқ этиб офтоб чиқади. Олам яшнаб кетади. Замину осмон тароватли бир исдан – баҳор исидан маст бўлиб қолади. Хуршиданинг ҳаётида ҳам шундай бўлди. У Анварни бутун вужуди билан севиб қолди. Муҳаббати эвазига бахт қуёши унга жилмайиб боқдию бутун дунё яшнаб кетгандек бўлди. Қизил лентани кўндаланг тақиб олган ЗАГС мудирасининг нутқи, пешонасига қўғирчоқ кўндирилган машинада сайр қилишлар, гул иси май ҳидига қовушган чароғон ресторан... У бахтиёр эди. Бахт деган лаззатли туйғу ҳаётига шунчалик тез кириб келганига баъзан ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Назарида онаси ҳам уни тушунгандек эди. Фақат тўйдан кейин Қумри хола Анварнинг Юнус-

ободдаги икки хонали уйига бормади. Умуман бормади. «Зиёни йўқ, ойм шунақа бир ловиллайдилару ўчадилар», деб юпатди Хуршида эрини.

Тўйдан кейин бир ҳафта ўтгач, никоҳ сайлига чиқишди. Августнинг ўрталари эди. Бунақа пайтда денгиз янги соғилган сутдек илиқ бўларкан. Бир куни икковлари ойдин кечада чўмилишди. Қизик, Хуршида сузган сайин кўлининг учидан сачраган томчилар худди марвариддек яраклаб кўринарди. Бундай лаззатли манзарани худди шунақа пайтда денгизда чўмилган одамгина биларди. Хуршида қорайиб, янаям ҳусни очилиб қайтди.

Бир куни Анвар ишдан ташвишлироқ қиёфада келди.

– Чамадон тайёрланг, – деди тўсатдан.

– Яна қаяққа борамиз?

– Сиз эмас, мен кетаман. – Анвар энди осойишта тушунтирди. – Илмий ишим бўйича Ленинградга боришим зарур бўлиб қолди. Домла чақирибди.

– Анчагами? – Хуршида бирдан ичи хувиллаб қолгандек, эрига термилди.

– Нар иборса, бир ой.

Хуршида кузатиб кўймоқчи эди, Анвар уни аяди. Вокзалга чиқартирмади.

Икки хонали каталакда Хуршида ёлғиз қолди. Ҳовлида, маҳаллада одамнинг ёлғизлиги билинмайди. Аммо каталакдек хонада бир кун танҳо қолган киши ёрилиб кетай дейди. Бунақа жойда кўни-кўшнилари нимагадир саломлашишдан нарига ўтмайди. Хуршида уч кунда сиқилиб кетди. Ишга борай деса, Анварнинг гапига кириб бўшаб олган. У ўз уйига борди. Қумри хола ҳалиям жаҳлидан тушмаган экан. Хуршида икки кун турган эди, секингина тушунтирди:

– Узатилган қиз уйга келиб ётиб олмайди. Кўни-кўшнилари ҳалитдан гап қияпти.

– Бўлмаса юринг бизникига, – деди Хуршида.

– Йўқ, болам. Оғзимга сўз олганман.

Хуршида умрида биринчи марта онасини ёмон кўриб кетди. Она деган ҳам шунчалик бемехр бўладими? У уйига келди. Телевизор, билан андармон бўлди. Ҳар кун йилдек чўзилар, аксига Анвардан на хат, на хабар бор эди. Баъзан Дилбар деган ўртоғи келиб турар, аммо унинг ҳам ўз тирикчилиги бор эди. Кундузи ишга боради, кечкурун ўқишга...

Бир оқшом эшик жиринглаб қолди. Хуршида очиб қараса, «сим» рўмол ўраган аёл, дўппи кийган олти-етти ёшлардаги бола турибди. «Қишлоқдан келишибди, – деб ўйлади Хуршида аёлнинг ялтироқ рўмолига, беўхшоврок осилиб турган жемперига қараб. – Адашган одамларга ўхшайди». У ҳамроҳ топилганига қувонгандай, беихтиёр ичкарига таклиф қилди.

– Келинлар! – деди йўл бўшатиб.

Аёл дадил ичкарига кирди. Бола шўхгина экан. Бирпасда югуриб бориб магнитофон кулоғини бурай бошлади.

– Акбар, тек ўтир! – деди аёл жеркиб. Кейин Хуршидага қаради. – Сиз Хуршидахонсиз-а?

Хуршида ҳайрон бўлди.

– Мен сизни танимайроқ турибман, – деди ийманиб.

– Таниб қоларсиз. – Аёл хотиржамлик билан жемперини ечиб, стул суянчиғига ташлади. Унинг беписандлиги, киноя қилиб гапириши Хуршиданинг ғашига тегди. «Ким ўзи бу? Нимага олифтагарчилик қилади?»

– Кимсиз ўзи? – деди у қошини чимириб.

– Кетдимми? – Аёл негадир илжайди. – Анча бўлдими?

– Ким кетади?

– Узум обкетдимми, тарвузми?

Хуршида шахд билан ўрнидан туриб кетди.

– Менга қаранг! – деди таҳдид билан. – Майнавозчиликни йиғиштиринг! Кимсиз ўзи?

Аёл ўғлига қараб қандайдир нотабийй, асабий қийқириб кулди:

– Даданг Сибирга кетибди, ўғлим. Узум обкетибди. Шу ерда кутиб ўтирсанг, сенга велосипед олиб келади.

Болакай кўзларини катта-катта очиб, онасига тикилди:

– Қачон, буви, қачон?

– Унисини манави аячангдан сўрайсан! – деб аёл Хуршидани кўрсатди. Яна ўша ғайритабийй оҳангда кулди. – Қачон қайтаман деган Акбарнинг дадаси?

Хуршида ниманидир тушунгандек бўлди-ю, ичида бир нарса узилиб кетди. Бемадор бир ҳолатда эшикка суяниб қолди.

Аёл тантана қилгандек яна қийқириб кулди.

– Сизниям машинасига ўтқазиб, қўлга туширдими? Сизгаям аспирантман, дедими? Сизниям тўй бўлмасидан «ишингизни тўғрилаб» қўйдими? «Ҳеч кимим йўқ, етимман», дегандир? Бир ой ичида тўй қилдими? «Свадебний путешествия»га олиб боргандир, хойнахой? Энди илмий иш билан Ленинградга кетган бўлса керак.

Аёл ҳар гапи билан Хуршидага бир тарсаки тушираётгандек бўлар, бундан роҳатлангандек, ваҳшийларча қийқириб кулар эди:

– Ленинградда пишириб қўйгани йўқ! Новосибирскка кетган. Узум обкетган.

Хуршида бошидан хуши учиб бораётганини ҳис қилиб турар, юраги гурсиллаб урар эди.

– Ёлғон! – У ер тепиниб чинқириб юборди. – Ёлғон! Ёлғон!

Кейинги дақиқада у ваҳшийларча кулаётган хотинга ташланди. Бошидаги «сим» рўмолига чанг солди. Аммо, шу он изтиробга тўла бир чинқирик янградия Хуршиданинг қўллари ҳавода муаллақ қотиб қолди.

– Буви! Бувижон! – Боядан бери магнитофон олдида ўралашиб юрган болакай ўқдек отилиб келиб, онасига

ёпишди. Шундагина Хуршида аёлнинг кўзларидан оқиб тушаётган ёшни кўрди. Аёл негадир каловланиб ўрнидан турди. Бир қўли билан боланинг бошини силай бошлади, бир қўли билан Хуршиданинг елкасидан кучди.

– Пешонанг шўр экан, синглим! Кўзингга қарасанг бўлмасмиди? – Шундай дедию елкалари силкиниб, йиғлаб юборди.

Ўша кеча тун бўйи икки «кундош» ҳасратлашиб чиқишди. Бола ухлаб қолган, уй нимқоронғи, аёлнинг овози ғамгин, аммо ўктам эди. У асли андижонлик экан. Техникумда ўқиб юганда Анварнинг кўлига тушибди. Эс-хушини йиғиб олгунча, Анварнинг иккинчи хотинига айланиб қолибди.

– Сиз учинчисисиз! – деди у қандайдир киноясиз оҳангда. – Хоразмда ҳам хотини бор. Аммо ишни пишик қилади. Законний ажрашади.

Хуршида ич-ичидан тошиб келаётган йиғини аранг босиб ётарди. «Законний» ажрашганининг нима фойдаси бор? Бу билан дарди енгиллашармиди?

Анвар ҳеч қанақа олим эмас, сураткаш экан. Гоҳ у, гоҳ бу институт лабораториясида сураткаш бўлиб ишлаб юаркан. Кузда аллақандай шериклари билан Сибирь шаҳарларига бориб узум сотаркан. Манави кооператив уйлару машиналар, ресторанлару денгиз саёҳатлари шундан экан. Хуршида бу гапларнинг туш бўлиб қолишини жуда хоҳларди. Қани энди тўхтовсиз гапираётган мана шу хотин ҳам, диванда пишиллаб ухлаётган анави бола ҳам туш бўлса. Туш бўлсаю у уйғониб кетса. Йўқ, туш бунақа бўлмайди!

– Балки, бирон нарса тама қилиб келди, дерсиз. Йўқ, ҳеч нима керакмас. Тошкентда қариндошларимиз бор. Шуларникига келувдим. Бу гапларни эшитиб қолиб, сизни огоҳлантириб қўйгим келди. Агар яхши кўрсангиз, маҳкам ушланг. Анвар туллак йигит.

... Она-бола зинадан тушиб кетаётганида Хуршида бирдан уйга югурди. Кеча болакай ўйнаган японча магнитофонни столдан юлқиб олди-да, зиналардан чопиб тушди.

– Ма, Акбар! – деди болага тутқазиб. – Бари бир шу... сеники.

Кундоши қаршилиқ қилган эди, қўймади.

– Бари бир менга керакмас. Энди керакмас.

Ловиллаб турган гулханга сув сепилса нима бўлади? Аччиқ, бўғувчан ҳовур кўтариладими? Ҳозир шундай бўлди. Хуршиданинг ловиллаб турган муҳаббатига сув сепилди. У ўзининг аччиқ ҳовурига ўзи бўғилиб қолди. Нима қилди у? Нима қилиб қўйди? Ширин гапларига учдими? Мўйловигами? Бир сават гулигами? Машина-сигами? Балки жарақ-жарақ пулларига учгандир. Нимасига учди? Ҳаммасига! Машинасида катайса қилиш ёқармиди? Ёқарди. Жудаям ёқарди. Ресторанларга кириш, денгизга бориб чўмилиш, қоронғи лабораторияга кириб ўпишиш ёқармиди? Ёқарди. Ўзи-ку сураткашни аспирантдан, «учар»ни олимдан ажратолмас экан, нега суриштирмади? Нега онаси суриштираман деса, бир чеккага йиғиштириб қўйди? Эскилик сарқити, деб тўйга ҳам чандон аралаштирмади. Эскилик сарқити эмиш! Сарқит ким?! Ойисими, ўзими?! Ойисининг қўнгли бир нарсани сезгандирки, оёқ тираб туриб олгандир.

У Анвар келса нима қилишини билмас эди. Албатта, бўйнига олмайди. Уйланганини ҳам, боласи борлигини ҳам айтмайди. Ана ўшанда боплайди. Шунақа бопласинки, эркак бўлганига минг пушаймон қилсин.

Қизиқ, Анвар ҳеч нимадан бўйин товламади.

– Нима қипти? Аввалги хотинларим билан законий ажрашганман. Узум масаласи... Нима, мен ўғирлик қилаяпманми? Одамларнинг ҳожатини чиқараяпман. Буям савобли иш... Илмий иш ҳам бўпқолар. Бирон

мирзакурук домлага «куруғидан» чўзсам, уч ойда ном-зодлик диссертациясини ёзиб беради.

– Нега мени алдадингиз? – деди Хуршида аламдан тўлганиб.

– Қизиқ экансиз, тўйни тезлаштиринг, деган менми, сизми?

Хуршида алам ичида уни тарсакилаб юборди, Анвар бир ранги ўчди-ю, индамади.

– Бўлдими? – деди кулишга ҳаракат қилиб. – Аламингиздан чиқдингизми энди?

Хуршида бу одам билан ўрталарида каттакон жарлик пайдо бўлганини ҳис қилди. Бу жарлик икковларини икки соҳилга улоқтириб ташлади. Ким билсин, балки илгари ҳам жарлик бўлгандир-у, Хуршида кўрлик қилиб, нариги соҳилга қадам босгандир.

... Айвон томондан Қумри холанинг товуши келди.

– Тўлқинжоннинг тўйи юришиб қолди, овсинжон! Шунақа-ю, кўнглим ғашроқ. Келиннинг акаси ичаркан. Отасиниям оғзи шалоқроқ дейишади.

– Синанг, ўргилай, обдан синанг. Қуш уясида кўрганини қилади. Кейин куйиб, алангасига исиниб ўтирманг, овсинпошша!

ОҚ БУЛУТ, ОШПОҚ БУЛУТ

Бадиий асар ҳам тирик инсон каби тугилади. Унинг ҳам қисмати бўлади... Бу ҳикоянинг тарихи қизиқ. У бундан кўп йиллар аввал ёзилган. Аммо кейинчалик эълон қилинган китобларга киритилмаган. Сабаби шуки, кўп ўтмай яратилган «Икки эшик ораси» романида ҳам шунга ўхшаши тасвир бор: икки йигитчанинг жонини гаровга қўйиб, сувга калла ташлаши манзараси. Ёзувчи ўзини ўзи такрорлашга ҳаққи йўқ. Лекин бу ҳикоядаги «ечим», хулоса бутунлай бошқача. Асар бугунги китобхонни ҳам ҳаяжонга солиши, ҳаёт ва муҳаббат деган сеҳрли нарса ҳақида ўйлашга ундашига умид қиламан.

МУАЛЛИФ

Самолёт ёмғирдан қорайиб ётган бетон йўлкадан шиддат билан югургилаб борди-да, бирдан муаллақ тўхтаб қолгандек бўлди. Ёмғир томчилари муттасил чизиқ тортаётган иллюминатор ойнасидан ташқарига қарадим. Самолёт киялаб учиб борар, ердаги улкан резервуарлар, аэропортнинг йўлаклари липиллаб ортда қолар, олисда эса қорайиб турган ўрмон кўзга ташланар эди.

Зум ўтмай атрофни қуюқ туман ўраб олгандек бўлди. Бунақа пайтда самолёт силкиनावериб одамни безор қилади. Ўзимни чалғитиш учун боя аэропортда олган газетани яна кўздан кечира бошладим. Аммо уни ўша ернинг ўзидаёқ ўқиб бўлгандим. Шунинг учун ҳафсаласизлик билан суйанчиққа бошимни қўйиб, кўзимни юмдим. Билмадим, қанча фурсат ўтди, бир маҳал ёнбош томондан аёл кишининг овози келди:

– Газетангизни кўриб берсам майлими?

Ёнимга келиб ўтирган аёлга эътибор бермаган эканман. Бурилиб қарадим. Қарадиму эсанкираб қолдим.

– Дилафрўзмисиз? Нима қилиб юрибсиз бу ерда?

У куралай кўзларини сузиб, қандайдир босиқ, аммо ўктам овозда кулди.

– Нима, самолётда сиздан бошқа одам учмаслиги керакми?

– Йўғ-е, мен... шунчаки, сизни бунақа вазиятда учратаман деб ҳеч ўйламагандим.

Дилафрўз тагин ўша, ўзининг гўзаллигини биладиган аёлларга хос босиқ, хиёл эрқароқ овозда кулиб қўйди.

– Дуруст, танидингиз... Мен қариб қолган бўлсам керак, деб қўрқувдим... – У бир зум ўйга толди-да, яна кулимсиради. – Кўришмаганимизга ҳам ўн саккиз йил бўпти.

Мен унга энди яқиндан, синчиклаб қарадим. Дилафрўз чиндан ҳам анча ўзгарган, тўлишиб, қандайдир виқорли аёлларга ўхшаб қолганди. Фақат кўзлари, кулганида ич-ичидан ёниб кетадиган куралай кўзлари, ўзининг малоҳатига ишонган аёлларга хос хотиржам кулгуси ўша ўша эди. Ҳозир унга шуни айтишим кераклигини билардим. Аммо оғзимдан бошқа гап чиқиб кетди:

– Мен сизни тушимда кўриб тураман. Ҳалиям...

Ҳа, мен уни хануз тушларимда кўриб туришим рост эди. Мен Дилафрўзни ҳар гал бир хил туш кўраман. У оппоқ кўйлақда бирдан пайдо бўлиб қолади. Куралай кўзларида ўт ёниб, алланималарни гапирди, кулади... Кейин тўсатдан ғойиб бўлади.

Ўшанда, ўнинчи синфда ўқиб юрганимизда у кунора тушимга кириб чиқарди. Сочлари чиройли турмак-ланган, оппоқ кўйлақда, кўзларида табассум... Бутун мактабда энг чиройли қиз шу – Дилафрўз эди. У бошқа мактабдан ўтган «янги» қиз бўлгани учунми, бир-бирини сенсираб гаплашадиган синфдошларнинг ҳаммаси уни сизлаб чакиради. Дилафрўз дарснинг биринчи қуни оппоқ кўйлақ кийиб, эшикдан кириб келганидаёқ уни

севиб қолдим. Кечалари уйқуга кетиш олдидан Худодан ёлғиз бир нарсани тилар эдим. Уни туш кўрсам, тушимда ақалли бир марта кўлидан тутсам... Эрталаб дарсга борганда, ўзини кўрганда эса ундан қочишга уринар, худди аразлаган одамдек узоқроқдан ўтишга ҳаракат қилардим. Назаримда, Дилафрўз осмону фалақдан, оппоқ булутлар орасида сузиб юрган афсонавий малакка ўхшар, унга гапириш, тикилиб қараш гуноҳ эди мен учун.

Очиғини айтганда, синфимиздаги болаларнинг кўпи ошиқ эди унга.

Хатто Абжал деган «атаман»имиз ҳам Дилафрўзнинг шарпасини сезиши билан мулойим тортиб қоларди. Асли исми Абдужалил бўлса ҳам феъли ёмонлигидан Абжал деб лақаб олган бу бола кўпол, тўнкамижоз эди. Аммо бутун синф ундан хайиқар, аллақандай безорилар тўдасига қўшилиб юришини билардик. Абжал билан фақат битта бола – тулкидек устомон Умар ошначилик қилар, иккови доим бирга юришар, шунинг учун болалар унга «Дум» деб лақаб қўйишган эди.

Муҳаббат одамни чалғитади, дейишади. Ишонмайман. Муҳаббат одамга мислсиз куч-қудрат бағишлар экан. Ўша йили шу қадар яхши ўқий бошладимки, авваллари уч олса ҳам қуюнмайдиган, беш олса ҳам суюнмайдиган мендек бепарвонинг бунчалик билағон бўлиб қолганига ўқитувчилар ҳам, уйда акаларим ҳам ҳайрон эди. Мен бўлсам, дарсда қойилмақом қилиб жавоб бераётганимда беш олишни эмас, Дилафўзни қойил қолдиришни ўйлардим.

Битириш имтиҳонлари чўзилгандан чўзилиб, ҳаммамизнинг силламинини қуритиб юборди. Болалар мияси ачиб кетганидан нолир, бу азоблардан тезроқ қутулишни тилар, мен бўлсам, имтиҳонлар янаям чўзилишини ичичимдан орзу қилардим. Мактабни битирсак, Дилафрўз билан бир умр видолашадигандек...

Эсимда, ўша куни кимё фани имтиҳонидан бир кун аввал йиғилдик. Негадир ўқитувчимиз келмади. Кўпчилик таркалиб кетди. Саратон иссиғидан қизиб кетган, бўр иси анқиб турган синфда ўн чоғли бола қолдик.

– Яқинда имтиҳонлар тамом! – деди болалардан бири орзумандлик билан. – Кейин ҳаммамиз ҳар қаёққа «хушт!»

Парта устига миниб ўтирган Абжал дўриллаб кулди.

– Биз қаёққа кетсак ҳам Дилафрўзни обкетамиз! – Бу гапни у шунчалик беписандлик билан айтдики, ўрнимдан сакраб туриб кетдим.

– Нима-а? – дедим чўзиб. – Сен...

«Олиб кетасанми?» дейишга тилим бормади. Олиб кетиш у ёқда турсин, Дилафрўз мана шу Абжалнинг ёнига келишини тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат эди мен учун.

Абжал боягидан ҳам беписандроқ оҳангда кулди.

– Ие, сен нега жириллайсан? Эшитиб қўй! Мен Дилафрўзхонни...

У ёғи қандоқ бўлганини билмайман. Бир маҳал иккаламиз полда думалашиб айлана бошладик. Абжал сочимдан чангаллаб туриб, бошимни уч-тўрт ерга урган эди, кўз ўнгим қоронғилашди-ю, ҳеч нима кўринмай қолди. ўзимга келганимда Низом деган ўртоғим суяб ўтирарди. Амаллаб ўрнимдан турдим. Оғзим негадир шўртанг эди. Кафтим билан артган эдим, кўлим қон бўлди. Абжал йўл-йўл кўйлагининг йиртилган ёқасини ғижимлаганича кимёвий формулалар ёзилган тахта олдида турар, ҳансираб нафас оларди.

– Агар яна битта гапирсанг, ё сен ўласан, ё мен! – Бу гапни шу қадар ишонч билан айтдимки, атрофни ўраб турган болаларнинг нафаси ичига тушиб кетди.

– Унақа бўлса бир ёқлик қилиш керак бу масалани. – Боядан бери охириги партада ўтирган «Дум» секин-секин юриб яқин келди. Қувлик билан ҳаммага бир-бир қараб

чикди-да, елкасини учириб давом этди. – Дилафрўзни Абжал яхши кўришидан хабарим бор эди. Энди Эргаш ёндан чиққан ёнкозиқ бўлиб қолди. – У менга имо қилди. – Йигитчасига бирон чора топиш керак эди.

Низом ранги ўчиб, унинг олдига бостириб борди.

– Гапни айланторма, «Дум»! Нима демокчисан?

– Бирон нарсадан гаров ўйнашсин, ора очиқ бўлади-кўяди!

– Масалан?

– Масалан... – «Дум» мушкул муаммо қаршисида қолгандек пешонасини тириштирди. – Масалан, Бўрижарга калла ташлашдан. Ким омон чиқса...

– Думингни ликиллатма, «Дум»! – Низом нафрат билан ундан юзини ўгирди. – Эргаш яхши сузолмаслигини билиб, жўртгага айтяпсан.

Мен кафтим билан оғзимни артганча, уларнинг баҳсини бепарво эшитиб турардим. Гўё бу гапларнинг менга мутлақо алоқаси йўқдек. Фақат «Бўрижар!» дейишганида бултур бир синфдошимиз темир йўл кўпригидан калла ташлаб, сувдан чиқмагани эсимга тушди. Унинг жасадини бир ҳафтадан кейин аллақайси тўғондан топиб келишган эди.

– Хўш, нима бўпти? Гаровни эркак киши ўйнайди. – «Дум» ҳар эҳтимолга қарши Абжалнинг яқинроғига бориб, овозини баландлатди. – Йигит деган дўппи тор келганида «вийт» деб кочмайди.

Секин ўрнимдан турдим.

– Кетдик.

Низомнинг ранги кув ўчиб кетди.

– Жиннимисан! Вей, аҳмоқ бўлдингми?

– Ҳозирмас, – деди Абжал ҳамон кўйлагининг йиртиғини ғижимларкан. – Эртага соат ўнда, кўприк устида.

«Дум» кўли билан Низомга имо қилди:

– Низом сенинг секундантинг бўлади. Мен Абжалга секундантлик қиламан.

Ўша оқшом ярим кечагача хаёлан Дилафрўз билан гаплашиб ётдим. Қани энди бир марта кўрсам, охирги марта кўриб қолсам... Йўқ, у олисда эди. Оқ, оппоқ булутлар устида эди. Аксига олиб, ўша куни ақалли тушимга ҳам кирмади.

Эрталаб карахт бўлиб уйғондим. Бошим лўқиллаб оғрир, негадир худди йиғлаган одамдек кўзим ачишарди.

Кўчага чиқсам, дарвоза олдида Низом турибди.

– Борма! – деди қўл силтаб. – Биласан-ку, Абжал бандит! Тегирмонга тушса бутун чиқади. Нима, жонингдан тўйдингми?

Кўнглимнинг бир чеккасида Низом тўғри айтаётганини билиб турардим. Аммо ўзим ҳам тушуниб етмаган қандайдир қайсар туйғу нукул олға итарарди. Қайтага яхши эмасми? Сен ўлиб кетасан, Дилафрўз ҳаммасини эшитиб, зор-зор йиғлайди... Сени севмаганига, кадрингга етмаганига пушаймон бўлади. Абжалдан бир умр нафратланиб юради.

– Менга қара, Низом, – дедим совуққонлик билан. – Кўрқаётган бўлсанг бормай қўя қол, менга секундантинг кераги йўқ.

Низом бора-боргунча мени ҳам, Абжални ҳам, «хамма галвани бошлаган» ўша «Дум»ни ҳам сўкиб борди. Менга бу гаплар таъсир қилмас, хаёлим бошқа ёқда эди. Дилафрўз қаёқдайкин ҳозир? Нима қилаётганин?

Кўприк устига етиб келганимизда ҳеч ким йўқ эди. Кун эрталабдан қизиқ кетган. Ялтираб ётган темир йўл изиданми, қорамойга беланган шпалларданми, чучмал ҳид анқиб, нафасни олгудек бўларди. Кўприк четига ўрнатилган лиқилдоқ панжарага суяниб, пастга қарадим. Юқорида ёйилиб оқаётган сув шу ерга – темир йўл остига келганида кескин тораяр, икки чети бетон-

лаб кўйилган ўзандан шиддат билан оқиб ўтиб, нариги томондан отилиб чиқиб кетар эди. Шунинг учун бўлса керак, юқоридан сарғайиб келаётган сув нариги томондан кўпикланиб, оппоқ оқариб чиқарди. Жарнинг у юзида сап-сарик қамишзор кўзга ташланар, янаям нарироқда ботқоқлик қорайиб кўринарди. Терак бўйи пастликда аждардек вишиллаётган Бўрижарга қарашим билан юрагим орқага тортиб кетди.

– Қалай, юрагинг пўкиллаб қолмадими?

Дўриллаган овоз эгасини таниб, бурилиб қарадим. Абжал бир кўлида «портвейн» шишаси, бир кўлини белига тираганча кинояли илжайиб турарди. Нарироқда эса Низом билан «Дум» юзма-юз туришар, Низом кўлини пахса қилиб, жаҳл билан алланималарни тушунтирар эди.

– Кетар жафосида отиб оласанми? – Абжал шундай деди-ю, шишани чаққон очди. Боши устида баланд кўтарганча кулқиллатиб ича бошлади. У ҳар ютинганида дўрдоқ лабининг икки четидан қип-қизил вино сизиб тушар, кўйлагининг ёқасидан тошиб, пастга оқар эди. Турқи кўзимга шу қадар жирканч кўриниб кетдики, ижирғаниб юзимни ўгирдим.

Дилафрўзни шунга топшириб қўяманми? Шунга-я! Ундан кўра бир марта эмас, ўн марта чўкканим яхши эмасми? Абжал винони ичиб бўлди-да, кафтининг орқаси билан лабини артди. Шишани улоқтириб юборди. Шиша темир йўл четидаги қиррадор тошлар устига тушиб, чилчил синди.

– Қани, ташла тангани! – Абжал «Дум»га қараб қичқирди. – Ташла, толеимизни синаб кўрайлик!

«Дум» дарров жилпанглаб етиб келди.

– Мана бу 20 тийинлик, – деди кўлидаги тангани кўз-кўз қилиб. – Қаёғини танлайсан?

Абжал кайфдан қизарган кўзларини сузиб, қўл силкитди.

- Менга бари бир.
- Сен-чи?
- Менгаям!
- Бўлмаса бундай...

Узокдан эшитилган гудок товуши «Дум»нинг гапини бўлди.

– Шошма, поезд ўтиб кетсин! – деди у билағонлик билан. – Ҳаммаси қоидаси билан бўлиши керак... Эркак-часига...

Шиддат билан келаётган тепловоз яқинлашиб қолганда яна бир сигнал берди-да, вагонларни судраганча гулдураб ўтиб кетди. Йўл четидаги мазут сачраган, қовжираб қолган ўтлар силкиниб-силкиниб тагин қаддини ростлади. Зум ўтмай пастда яна Бўрижарнинг гувиллаши эшитила бошлади.

– Гап бундоқ, 20 тийин деб ёзилган томони тушса, Эргаш биринчи бўлиб калла ташлайди. Орқаси тушса – Абжал. – «Дум» шундай деди-да, тангани чириллатиб осмонга отди.

– Мана, Низом, сен ҳам кўр! – «Дум» шпалга тушган танга устига энгашди. – Қарасанг-чи!

Низом икки темир йўлнинг қоқ ўртасида карахт бўлиб турар, чамаси, бу гаровнинг шунчаки ўйин эмаслигига ҳалиям ишонмас эди. Мен бўлсам аллақачон ҳукм қилинган одамдек хотиржам эдим.

– Мана, ўзинг кўр! – деди «Дум» негадир қувониб. – «Чув» тушди. Биринчи бўлиб Эргаш ташлайди.

– Бекор айтибсанлар! – Низом жон ҳолатда бақириб юборди. – Сенлар Эргашни ўлдирмоқчисан!

Мен қизиб ётган рельсга ўтирдим-да, индамай туфлимнинг боғичини еча бошладим. Пайпоғимни ечаётганимда негадир Низом ҳам, у билан ғижиллашаётган «Дум» ҳам жимиб қолишди. Туфлимни бир чеккага кўйиб, ўтирган жойимда бурилиб қарадим у беҳуш одам-

дек анграйиб қолдим. Ўн қадамча нарида Дилафрўз турарди. Худди ўша – тушларимда кўргандек оппоқ кўйлак кийган, сочлари чиройли турмакланган Дилафрўз турарди. У оқ туфлиси билан шпалларни битта-битта босиб, яқин кела бошлади. Нима бу? Оппоқ булутларнинг менга қилган сўнгги саховатими?

– Тинчликми? – деди у яқин келиб.

– Тинчлик, – «Дум» ноқулай илжайди. – Чўмилмоқчимиз.

Дилафрўз менга ўгирилди.

– Эргаш, сиз ҳам чўмилмоқчимисиз?

Мен шундагина ўзимга келдим. Унинг рўпарасида ялангоёк, бемаъни алпозда ўтирганим учун мулзам бўлиб, секин ўрнимдан турдим.

– Шунақа, – дедим иложи бориचा совуқкон оҳангда, – чўмилмоқчиман.

Дилафрўз кескин Абжалга бурилди.

– Нима, мен кўчада тушиб ётган чақаманми, орқамдан гаров ўйнайсизлар?!

Дилафрўз Абжалга гапирди-ю, менинг ичим музлаб кетди. Унинг бу қадар шиддатли оҳангда гапирганини ҳеч эшитмаган эдим. Кўзимни қаёққа яширишни билолмай қолдим.

– Ким етказди? – Абжал лабини бир чеккаси билан илжайди. – Ҳеч ким сизни чақиргани йўқ-ку!

Абжалнинг Дилафрўзга киноя қилиши вужудимни қакшатиб юборди.

– Менга қара, ўв! – дедим овозим титраб. – Гапни кўпайтирма. Бошладик!

Абжал оёғини рельс устига қўйганича туфлисининг боғичини еча бошлади. Шу пайт ҳеч қутилмаган воқеа бўлди. Дилафрўз «Дум» билан Низомнинг орасидан ўтди-да, Абжалнинг елкасига қўлини қўйди.

– Қулоқ солинг.

Абжал бошини кўтарди.

– Хўш?

– Мен... – Дилафрўз Абжалнинг бошига хиёл эгилди. Кўзларида аллақандай ўт ёниб турарди. – Мен сизни яхши кўраман. Шуни билмоқчимидингиз?

Қулоқларим шанғиллаб, кўз ўнгим қоп-қоронғи бўлиб кетди. Ғира-шира туманлик орасида Абжалнинг бир зум анграйиб қолганини, кейин қаддини ростлаганини кўрдим. Юрагим гурсиллаб ураётганини, оёқларимдан мадор кетиб бораётганини сезиб турардим.

Зум ўтмай қиррадор тошлар устига чўккалаб қолдим. Кечалари тушимга кириб чиқадиган Дилафрўз шуми? Хаёлимда булутлар орасида сузиб юрадиган Дилафрўз шуми? Ҳозиргина осмонда учиб юрган Дилафрўз бирдан ерга тушди. Йўқ, ердан ҳам пастроққа тушиб кетди... Ана, у кетяпти.

Абжалнинг, ҳамма ёмон кўрадиган, ҳамма жирканадиган Абжалнинг қўлидан тутиб кетяпти! Бундан чикди, Абжал кеча бекорга гапирмаган, бундан чикди илгариям...

Абжал унинг оппоқ билагидан тутиб борар, у эса тасмадек рельс устидан дорбозларга ўхшаб эҳтиёткорлик билан мувозанат сақлаб юриб кетар эди. Гўё бир умр шундай юрадигандек. Гўё Абжал бир зум қўлини кўйиб юборса, йиқилиб кетадигандек. Бир неча қадам юришгандан кейин у орқасига бурилиб қаради. Кейин яна... Мен юзимни чирт ўгирдим у бошимни чангаллаб қолдим.

Анчадан кейин ҳушим ўзимга келди. Рўпарамда Низом турарди. У афтимга тикилиб турди-да, қандайдир қуруқ оҳангда сўради:

– Қалай, ўлишингга арзирканми?

– Сенга нима! – дедим жиннилардек бақириб. – Сенинг нима ишинг бор? Йўқол, тошингни тер!

Эртасига кимё имтихонидан уч олдим. Чиксам, мактаб дарвозаси олдида япроқларини чанг босган олча та-

гида Дилафрўз илжайиб турибди. Кўзимга шу қадар хунук кўриниб кетдики, юзимни тескари ўгирдим. Шитоб билан ўтиб кетаётган эдим, чақирди:

– Эргаш...

– Нима! – дедим бақириб. – Абжал камлик қилиб қолдим? Бирпас сабр қилсанг чиқади! – Шундай дедиму югуриб кетдим.

Кейин... ҳаммаси тамом бўлди. Мактаб ҳам. Муҳаббат ҳам... Тошкентдек шаҳри азимда институтга киришга кўзим етмасди. Омадим чопдим, яхши тайёргарлик кўрдимми, харқалай Темир йўл транспорти инженерлари институтига кирдим. Ора-чора Низомдан хат келиб турарди. Икки марта Дилафрўз сени сўради, адресингни берайми, деган мазмунда ҳам ёзди. Кўнглимда қувончга ўхшаш бир нима йилт этгандек бўлди-ю, ўша заҳоти сўнди. Унинг Абжал билан етаклашиб кетаётгани, мен бўлсам аҳмоқона бир алпозда темир йўл четида анграйиб ўтирганим кўз ўнгимга келиб, «аравасини тортсин» деган мазмунда жавоб ёзиб юбордим. Шунда ҳам ҳар гал уни эсласам, юрагимнинг бир чети жиз этиб кўярди... Бора-бора жизилламайдиган бўлди... Тўртинчи курсни битирган йилим уйландим. Шунда ҳам қачондир кўнгли кўйган кишингни унутиш оғир бўларкан, унинг қисматига бефарқ қарай олмас экансан. Дилафрўз Андижон Тиббиёт институтида ўқиётганидан хабарим бор эди. Ўша йили у ҳам турмушга чиққанини эшитдим. Йўқ, юрагимда рашк ёки изтироб эмас, ўқинчга ўхшашроқ бир нарса уйғонди. Уйғонди-ю, сўнди. Фақат бир нарсага ҳайрон қолдим. Дилафрўз Абжалга эмас, бошқа йигитга турмушга чиқибди...

Кейин булар ҳам унутилди. Фақат онда-сонда тушларимга оппоқ кўйлак кийган Дилафрўз кирадиган бўлди.

Ўн саккиз йил оз муддат эмас. Дилафрўз чиндан ҳам ўзгарган, аммо ўктам кулгиси, қуралай кўзларининг қибора боқиши ўша-ўша эди.

– Мен сизни тушимда кўриб тураман, – деб такрорладим унинг кўзига тикилиб.

– Йўғ-е! – Дилафрўз кўзларидан ўт чакнаб кулди. – Наҳотки?

– Бу гапни сизга ёкиш учун айтаётганим йўк. Бор гап шу.

– Қаранг-а, мен шунча ҳаракат қилсам ҳам сиз сира тушимга кирмайсиз.

Бу гапни у ярим ҳазил билан айтди. Бироқ, менинг кўз ўнгимда яна ўша совуқ манзара жонланди. Унинг Абжал билан етаклашиб кетгани-ю, мен аянчли қиёфада термилиб қолганим. Ҳарчанд ўзимни тутишга уринсам ҳам бундай паллада айтиш мумкин бўлмаган энг аҳмоқона гап оғзимдан чиқиб кетди:

– Абжални ҳеч кўрасизми?

У ярқ этиб қаради.

– Кимни-и-и? – деди чўзиб

Кулдим.

– Абжални-да! Эсингиздан чикдими?

Дилафрўз кўзимга узоқ, синовчан тикилиб турди-да, негадир истехзоли кулди.

– Бошимга ураманми уни?! – деди қошини чимириб.

Эсанкираб қолдим.

– Ахир ўшанда...

Дилафрўзнинг кўзларига сезилар-сезилмас изтироб шарпаси соя солиб ўтгандек бўлди. Бироқ, зум ўтмай кулимсираб сўради:

– Докторлик ишингиз битиб қолдими?

– Сиз... сиз қаёқдан биласиз? – дедим баттар ҳайратланиб.

– Мен шунақа билафонман! – Унинг гап оҳангида яширин истехзо бор эди. – Ҳаммасини биламан! Қачон номзодлик диссертациясини ёклаганингизни, Гули билан тўйингиз ўн тўртинчи июнь, шанба куни бўлганини.

Тўнғич ўғлингиз май ойида туғилганини... Хотинингиз ҳамшира бўлиб ишлашни... Айтаверайми? – У кулди. Аммо бу сафар кулгусида ўктамлик йўқ эди. Бунинг ўзи ҳам сезди шекилли, юзини ўгириб, бошини куйи солди...

Вужудим бирдан бўм-бўш бўлиб қолди. Самолёт ҳамон гувиллаб учиб борар, назаримда менинг қалбимда ҳам алланима гувиллаб жунбушга келган эди...

Нимага у сенинг ҳаётингни миридан-сиригача биларди? Илмий ишингниям, қачон уйланганингниям... Нимага? Нега у Абжалнинг номини эшитганда ижирғанди? Демак, Абжалдан нафратланар экан-да?! Хўш, ўшанда кўприк устида ўзингни аянчли қиёфада қолиб кетганингни ўйлайсан-у нега Дилафрўзни ўйламайсан? Ўшанда Дилафрўз учун, мактабнинг энг гўзал, энг мағрур қизи учун ўзини ёмон кўрган, ўзи жирканадиган одам билан қўл ушлашиб кетиш осон бўлмагандир? Ким учун қилди бу ишни? Шошма... ўшанда рельс устида амаллаб мувозанат сақлаб кетаётганида нима учун орқасига қайта-қайта термилиб қаради? Балки ўшанда унинг кўзларида инграган изтиробини пайқамай қолгандирсан? Балки эртасига мактаб дарвозаси олдида сени кутиб турганида ҳаммасини тушунтирмоқчи бўлгандир? Сен бўлсанг, уни ҳақорат қилиб, жўнаб қолгансан. У шундаям сени кечирган. Бўлмаса, нима учун Низомдан қайта-қайта суриштирди сени? Нимага сен билан учрашишни тилади? Нимага? Нимага хотинингдан тортиб болангнинг туғилган кунигача биларди? Нимага? Нимага?

Бир-биридан аччиқ, бир-биридан армонли саволлар кетма-кет ёпирилиб келар, самолёт моторининг гувиллаши, миямда чарх ураётган саволлар – ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб вужудимни ларзага солар, Дилафрўз бўлса ҳамон нариёққа қараб ўтирар эди. Мен унинг юзидаги ифодани аниқ кўрмасдим. Аммо, кўрмасам ҳам ўзимнинг беписандлигим туфайли, ўзимнинг бефаҳмлигим туфай-

ли шунча пайтдан буён пайқамай келган туйғуларни энди аниқ сезиб турардим. Фақат... фақат энди кеч бўлганди. Ажаб, сендек «олим», сендек «зукко» эркакнинг бир аёл қалбини тушуниши учун ўн саккиз йил керак бўлибди! Ўшандаям тасодифан, тўсатдан... Демак, шунча йиллардан бери бежиз тушларингга кирмаган экан-да?!

Сен бўлса...Сен галварс бўлса...

Дилафрўз ҳамон бошини қуйи солиб, нариёққа қараб ўтирар, назаримда у яна ўша оқ, оппоқ булутлар орасида учиб юрадиган малакка айланиб қолганди...

ҚУЁШ ТАРОЗИСИ

Муроджон бугун тагин кеч қолди.

Насиба дераза рўпарасидаги пастак юмшоқ креслода ўтирар, оқшом тушиб қолган эди. Келин тушган уйнинг файзи бошқача бўлади. Деразалардаги нафис дарпардалар, оёқ остидаги чўғдек гиламлар, деворда оҳиста чиқиллаб турган каттакон осма соат, нақшинкор араби гарнитур – ҳаммаси бу хонадонда яқинда тўй бўлганидан дарак бериб турарди. Нариги уйда қайниси телевизорни бақиртириб футбол кўряпти. Ҳали қайнонаси эгачисиникига кетди. Умуман, уларнинг хонадони гавжум. Аммо Муроджон ёнида бўлмаганидан кейин Насиба бари бир ёлғиз...

Муроджон кейинги пайтда айниди. Авваллари ишдан чиқа солиб уйга югурарди. Йўқ, кейинчалик тез-тез кечикадиган, баъзан ярим кеча қилиб келадиган одат чиқарди. Тагин топган баҳонаси битта! Навбатчилик қилармиш. ўлар энди, ҳар куни битта одам навбатчилик қилаверса. «Навбатчилик баҳона, дийдор ғанимат» бўлмасин тагин.

Насиба девордаги соатга қаради. Тўққиздан ошибди. Ташқарида қоронғи қуюқлашиб борар, аллақерда қурбақа қурилларди... Бир вақтлар Муроджон икковлари боғларда атайлаб кун ботишини кутиб ўтиришар, оқшом қуюқлашиб кетганидан кейин ўпишишарди.

Уларнинг танишуви ғалати бўлди. Насиба билим юртининг тўртинчи курсида ўқирди. Қишда шамоллаб

қолди. Бир-икки кун парво қилмай ўқишга қатнаб юр-верди. Аммо кечаси тўсатдан иситмаси кўтарилиб кетди. Дадаси билан ойиси кўрқиб кетишди. Қўшнининг машинасида касалхонага оборишди. Ўпкаси қаттик шамоллаган экан. Уни Мурод Воҳидович деган дўхтир даволади. Насиба илгариям бетоб бўлган, врачларга қаратганди. Аммо мана шу баланд бўйли, қотмадан келган врачнинг қўли баданига тегиши билан негадир қамчи еган отдек сесканиб кетди. Нариги каравотда ётган хотин унинг ҳолатини сизди. Пиқиллаб кулиб юборди. Дўхтир заҳаргина экан.

– Хотиржам бўлинг, кўзим учиб тургани йўқ, – деди ковоғини солиб. – Чуқур нафас олинг...

Насиба соғайиб чиқиб кетгунча ҳам Мурод Воҳидович билан тузук-қуруқ гаплашмади. Айниқса, унинг кошкўзлари попукдек Марзия деган ҳамшира қиз билан очилиб-сочилиб гаплашиб турганини бир-икки кўрганидан кейин ўзини бутунлай беписанд тутадиган бўлди. Агар Дилфузанинг тўйида яна учрашиб қолишмаса, балки унутиб юборган бўлармиди...

Дилфуза Насибанинг жонажон ўртоғи. Шу қиз турмушга чиқадиган бўлди-ю, ЗАГСдан ўтиш маросимида Насиба ҳам борди. Тўғриси, дугонасининг бахтига жуда ҳаваси келди. Умрида бунақа тантанани кўрмаган эди. Қиз томон салкам йигирма киши бўлиб боришди. Куёв томондан ҳам анча йигитлар келди. ЗАГС мудираси келин-куёвни қутлаб, нутқ сўзлади. Куёв Дилфузага бриллиант сирға, олтин узук ҳадя қилганида ҳамма қарсақ чалиб юборди. Насиба куёв томондан келган йигитлар орасида турган Мурод Воҳидовични ташқарига чиқишганидан кейингина кўрди. Доим халатда юргани учунми Насиба эътибор бермаган экан. Бу гал ярашиқли кийиниб олган, сочларини силлиқ тараган, галстук таққан Муроджон

унинг кўзига чўғдек кўринди. Бош силкиб, салом берди. Муроджон шу ондаёқ унинг ёнига келди.

– Сиз келин томонмисиз? – деди унинг қўлини оҳиста сиқиб. Насиба индамай бош силкиди. – Мен куёв томонман. Демак, куда эканмиз... – Муроджон кулиб қўйди.

Йўқ, у кўп ҳам захар эмас экан. Машинада шаҳар айланишганида ҳам, «Лаззат» кафесига ўтиришганида ҳам Насибанинг кўнглини овлашга ҳаракат қилди. Кафедан чиқишганида Муроджон жиндек коньяк ичиб олган эди. Ҳамма ҳамма билан, у Насиба билан.

– Яхшими? – деди Муроджон. Насиба тушунмади.

– Нима яхшими?

Муроджон келин-куёв томонга имо қилди.

– Шунақа дабдабалар ёқадими сизга?

– Албатта! – Насиба елкасини қисди. – Умрида бир марта бўладиган тўй...

– Менга ёқмайди. – Муроджон жилмайган кўйи илтимос қилди: – Кузатиб қўйсам майлими? Бари бир, ҳозир ҳамма тарқаб кетади.

Насиба индамади...

Улар тез-тез кўришиб турадиган бўлишди.

Бир куни икковлари далага чиқишди. Шунчаки айла-ниб келиш учун. Шаҳар четидаги хўжаликка қатнайдиغان автобусга ўтиришди-ю, ҳалқа йўлдан ўтгандан кейин дуч келган бекатда тушиб қолишди. Ёз куёши олис уфқда оловли бир туманлик ичига ботиб борарди, Муроджон куёшга тикилганча, чуқур ўйга толган эди. Унинг шу ўтириши Насибага нима учундир ғамгин кўриниб кетди.

– Нимани ўйлаяпсиз? – деди унинг елкасига кафтини кўйиб.

– Ўйлаётганим йўқ. Орзу қиялман, – деди Муроджон ботиб бораётган куёшдан кўз узмай. – Тўйдан кейин иккаламиз денгиз бўйига борсак. Майли, қайси денгиз

бўлса ҳам... Ой чиқиб турган бўлса. Иккаламиз қирғоқда шундоқ ўтириб, ойдинда товланиб турган денгизни томоша қилсак...

Насибанинг юраги кувончдан орзиқиб кетди. Ширин жилмайиб, унинг елкасига бош қўйди.

Кейинчалик у ўша – Муроджон айтган манзарани кўп ўйлайдиган бўлди. Умрида денгизни кўрмаган эди. Аммо энди шовуллаб турган денгиз кўз ўнгига аниқ келадиган бўлди. Ана, тип-тиник тўлин ой нурида денгиз ойнадек яраклаб турибди. Тўлқинлар шовуллаб қирғоққа урилади. Дахшатли гувуллаб сурон солади. Аммо у кўркмайди. Унинг ёнида Муроджон бор. У Муроджоннинг кўксига бошини қўйиб ўтиради. Муроджоннинг юраги бир меъёрда гурс-гурс уради. Насибани аллалагандек бўлади.

Турмушга чиқаётган қизнинг орзусидек афсонавий нарса бўлмайди. Назарида, тўй ўтиши билан ўзга бир оламга кириб қоладигандек, худди бир сайёрадан бошқа сайёрага учиб кетаётгандек туюлади. Насибани ҳам шу олам асир этганди. Агар ўзи ойисига шипшитиб қўймаганида, Муроджон юборган совчилар дадасига ёқмаслиги тайин эди. Аввало, Муроджоннинг отаси йўқлиги қиз томонга унчалик маъқул келмади. Қолаверса, Насиба беш ўғил орасида ёлғиз эди. Дадаси қизига ўзгача меҳр қўйган. Кўп йиллардан буён адвокат бўлиб ишлайди. Топганини битта қизидан аярмиди? Куёв томоннинг қўли қисқароқ экан. Куёв бир ўзи ишласа, тагин укаси, синглиси бўлса... Насиба бунисини ҳам ўз зиммасига олди. Бир куни гап орасида Муроджоннинг кўнглини оғритмайдиган қилиб қистириб кетди:

– Дадамлар жуда қизиқлар-да, Муроджон ака. Сен ёлғиз қизимсан, дейдилар. Мендан орзу-ҳаваслари кўп эмиш. Эсингиздами, Дилфузанинг тўйи зўр бўлувди-а?

Муроджон уни юпатди:

– Кўнглингиз тўқ бўлсин. Уялтириб қўймайман.

Чиндан ҳам Насибанинг дадаси куёв томондан хурсанд бўлди. Насиба Дилфузага ҳавас қилган эди. Худди ўшандай машинада сайр қилишди, худди ўша «Лаззат» кафесига киришди. Чиқиб келишаётганида у Муроджоннинг қулоғига шипшиди.

– Яхшими?

– Нима? – деди Муроджон.

– Мана шунақа дабдабалар ёқадими сизга?

Муроджон жилмайиб, унинг белидан кучди.

– Қанақа бўларкан! – деди Насиба бармоғи билан пўписа қилиб.

Тўй ниҳоятда хушчакчак ўтди. Муроджон билан бирга ишлайдиган Ислом ака деган пак-пакана одам бор экан. Шу киши тамадаликни айниқса болади. Шунақа қизик гаплар айтдики, тўйга ўз-ўзидан файз қўниб, ҳамманинг қулфи дили очилиб кетди. Аммо Насиба ўзга оламга – сирли оламга кириб қолгани йўқ. Ҳаёт ўз йўлида давом этарди. Муроджон ҳар куни ишга отланади. Насиба нонушта тайёрлайди, қўлига дазмолланган рўмолча тутуди, кейин қайниси билан қайнсинглиси мактабга кетади. Ундан кейин қайнонасининг чой-нонини тайёрлаб берадида, ўзи ҳам ишга жўнайди. Кунлар худди муттасил айланаётган глобусга ўхшайди. Ҳар куни ўша манзара...

Энг ёмони бу эмас. Энг ёмони шуки, Муроджон айнади. Насиба буни дарров сизди. Тўйдан кейин икки ҳафта ўтмай, навбатчи эдим, деб кеч келди. Кейин ҳафтада икки мартадан «навбатчилик» қиладиган бўлди. Бора-бора кунора ярим кеча қилиб келадиган одат чиқарди. Насиба гапирса, тесқари қарайди. «Ишим кўп, нима қилай?» – дейди. Аввалига Насиба тўй ташвишлари билан чарчагандир, деб ўйлаганди. Йўқ, бу ерда бир сир бор. Муроджон биринчи марта навбатчиликни баҳона қилгандаёқ Насибанинг кўз ўнгига қилпанглаб турган Марзия кел-

ган, юраги жизиллаб кетган эди. Кейин шубҳалари яна-ям кучайди. Бир куни қайнонасига секин гап очган эди, насихат эшитди: «Эркак киши тирикчилик деб юради-да, болам, юрагингизни кенг қилинг», – деб юпатди.

Тирикчилик эмиш. Нима етишмайди! Рўзғори бут бўлса, ҳамма нарса етарли бўлса, тагин нима керак? Йўк, бошқа гап бор. У киши айшини қилиб юрадилар, Насиба шўппайиб уйда ўтиради. Мана ҳозир ҳам... Нима, ердан чиққанми?!

Унинг хўрлиги келди. Тагин денгиз эмиш. Ойдин кечалар эмиш!

У ўрнидан туриб кетди. Дераза олдига келди. Ташқари қоронғи бўлиб кетган, кўчадан ора-чора машиналар гувуллаб ўтиб қоларди. Нима қилсин? Уйига борсинми? Жуда яхши бўлади-да! Муроджон келсаки, уйда Насиба йўк. Ҳа, зир югуриб қолмас экан-а! Ўшанда билади саёк юриш қанақа бўлишини!

У беихтиёр тошойна рўпарасига келди. Ойнадан қийғоч қошлари чимирилган, сурма тортилган кўзларида эҳтирос яширинган тиниқ чехрали киз қараб турарди. У ўзининг аксига ўзи бир зум тикилиб турди-да, сочини чаққон турмаклади. Қавиб тикилган нейлон халатини ечиб, атлас кўйлак кийди. Ҳозир айна вақтида! Қайнонаси йўк, биров йўлини тўсмайди. У айвонга ўтиб, ҳовлига тушди. Айвон пештоқидаги лампочка ёруғида ҳовлидаги атиргуллар сокин, хаёлий товланиб турарди.

У тез-тез юриб, дарвоза олдига келди. Бу хонадондан бир умрга чиқиб кетаётгандек, хўрсиниб эшикни очди. Ташқарига чиқди-ю, уйига боролмаслигини дафъатан тушунди. Йўк, дадаси дарров сезади. Бемаҳалда борганидан тушунади. Тўй аниқ бўлганида, олдига ўтказиб қўйиб, лўндагина қилиб тушунтирган эди. «Ўзинг хоҳлаб

киляпсан шу ишни, билиб кўй, тўйдан кейин майда-чуйда гапларни кўтариб келадиган бўлсанг, дилингни сиёх килиб кўяман».

Ўша сўзлар кулоғи остида тагин жаранлагандек бўлди-ю, бир зум тўхтаб қолди. Лекин шу ондаёқ бошқа бир фикрдан кўнгли ёришиб кетди. Ишхонасига боради! Қани кўрсин-чи, қанақа навбатчилик қилаётган экан Мурод Воҳидович! Ким уни ҳар куни ярим кечагача олиб ўтирар экан. Бошлиқларими ёки анови кўк кўз Марзиями?

У дуч келган машинага кўлини кўтарди. Оппоқ «Жигули» анча нарига ўтиб тўхтади.

– Бешинчи касалхонага! – деди Насиба орқа ўриндикқа ўтириб.

Ўрта ёшлардаги киши бир зум иккиланиб турди-да, индамай йўлга тушди.

Насиба бунақа пайтда касалхонага кириш қийинлигини биларди. Йўл-йўлакай қоровулга нима баҳона қилишни ўйлаб борди. Лекин унинг омади чопдими, буёқдан қоровулхонага кириши билан у ёқдан «Тез ёрдам» машинаси чироғини лопиллатиб келиб қолди. Қоровул чол оқсоқланиб бориб панжарали дарвозани очгунча, Насиба лип этиб ичкарига кириб олди. Ҳатто кинолардаги сингари чакқонлик қилгани учун кувониб ҳам кўйди. Ана, ўша биринчи қават, терапия бўлими. У ойнабанд эшикни очиб, ёп-ёруғ айвонга кирди. Вестибюль кимсасиз, чекка-чеккадаги скамейкалар бўш эди. Насиба юраги гупиллаб урганча тўхтаб қолди. Ҳозир худди ўша Марзияга дуч келса нима бўлади?

У энди йўлак томон юрган эди, оқ халат кийган нота-ниш қиз ичкаридан югуриб чиқди.

– Ким керак сизга? – деди қошини чимириб. – Ҳозир отбой бўлади.

– Навбатчи врачни чақиринг. – Насиба атайлаб Муроджоннинг отини айтмади.

Ҳамшира қиз унга бошдан-оёқ яна бир қараб чиқди-да, ичкари кириб кетди. Насиба харчанд бепарво бўлишга уринмасин, яхши иш қилмаганини энди тушунди. Ўзидан-ўзи ижирғана бошлади. Нима кераги бор эди шу ёққа келиб? Муроджон нега келдинг деса, нимани баҳона қилади? Сизни соғиниб келдим, дейди-ми?

Йўлакдаги эшиклардан бири шарақлаб очилди. Насиба шу ёққа қараб пилдираб келаётган оқ халатли пакана кишини кўриб, эсанкираб қолди. Бу – уларнинг тўйида қосагуллик қилган худди ўша Ислом ака эди.

У яқин келиб саломлашди.

– Ҳа, келин? – деди қандайдир қуруқ оҳангда. – Куёвни излаб кепсиз-да!

Насиба жуда ҳижолатли аҳволда қолди.

– Шундоқ ўтиб кетаётувдим, – деди овози зўрға чиқиб. – Муроджон акам, навбатчиман, дегандилар.

– Муроджон акангиз навбатчи эмас! – деди Ислом ака унинг гапини бўлиб.

Насиба ярқ этиб қаради.

– Кеча... – деди тутилиб.

– Кечаям дежур бўлганмас! – Ислом ака тагин унинг гапини кесди. Насибага бу одамнинг гапидан кўра, сўзлаш оҳанги оғир ботди.

– Кечирасиз, – деди киноя билан. – Бўлмаса сиз биларсиз қаёқда юришларини?

– Биламан! Хоҳласангиз, оборишим мумкин.

– Майли. Мен ҳам билиб қўйсам зарар қилмас.

– Ҳовлига чиқиб туринг. Мен ҳозир... – Ислом ака шундай деди-ю, ўзининг паканалиги учун ер айбдордек қарс-қурс юрганча, ичкари кириб кетди.

Насиба ҳовлига тушди. Қандайдир мавҳум ўйлардан кўнгли бўм-бўш бўлиб, секин-секин дарвоза томонга юра бошлади. Қизик, бу нимаси? Нега бу одам у билан бунақа гаплашади? Ўтқазиб қўйгани борми?

Унинг орқасидан келган машина ғийқиллаб тўхтади.
– Чиқинг, келин!

У Ислом аканинг овозини таниб, бурилиб қаради. Тўрт-беш қадам нарида сутранг тез ёрдам машинаси тўхтаган. Ислом ака автобус эшигини қия очиб, бошини чиқариб турарди. Насиба иккиланиб машинага чиқди. Шу ондаёқ димоғига дори ҳиди урилди. Машина ўртасига оқ чойшаб ёпилган йиғма каравот ўрнатилган экан. Насиба эшик олдидаги ихчам ўриндикқа ўтирди. Ислом ака машинанинг нариги бикинидаги ўриндикқа чўкди.

– Қаёққа борамиз ўзи? – деди Насиба унга тезгина қараб олиб.

– Ўзингиз айтдингиз-ку! Мурод Воҳидовичнинг олди-га, – Ислом ака шофёр ўтирган кабина томонга энгашди. – Кетдик.

Шундагина Насиба шофёр кабинасининг деворида туйнукча борлигини кўрди.

Машина бир силкинди-ю, шиддат билан юриб кетди. У рўпарасидаги Ислом акага шубҳаланиб қараб қўйди. Ислом ака ўриндик ёнидаги тутқични ушлаганча, кўзини лўқ қилиб ўтирар, шифтдаги чироқнинг хира ёруғида юзидаги ифодани пайқаш қийин эди. Насиба беихтиёр кўзини олиб қочди. Деразадан ташқарига қаради. Машина чироқлар маржони ловиллаб ётган кўчадан елиб борарди. Анча юришди. Ислом ака ҳамон миқ этмай ўтирар, Насиба унинг ўзига тикилиб боратёганини билар, шунинг учун атайлаб кўчадан кўз узмасди. Бир маҳал шаҳар чеккасига чиқиб кетишаётганини кўрди-ю,

хавотирга тушиб қолди. Ана, Қўйлиқ бозорининг дарвозаси. Нарёғи далалар... Ана, қоп-қоронғи дала йўлига бурилишди. Насиба, юраги гурсиллаб урганча, ўрнидан туриб кетди.

– Менга қаранг, қаяққа кетяпмиз ўзи? – деди таҳдид билан. – Тўхтатинг!

Хира чирок ёруғида Ислом ака кинояли кулиб қўйгандек бўлди.

– Мана, етдик... Ҳозир.

Машина ғийқиллаб тормоз берди. Насиба эшик тутқичини силтаб очиб юборди. Шу ондаёқ ичкарига тўзон ёпирилиб кирди. Ерга сакраб тушди-ю, туфлиси тўпиғигача тупроққа ботиб кетди. Ислом ака эшиқдан бошини чиқариб, қоронғи бўшлиққа қараб қичқирди:

– Машинани бир соатдан кейин юбораман!

Машина орқаси билан тисарилиб, бора-бора катта йўлга бурилди.

Насиба қоп-қоронғи зулматда, тупроқ кўчанинг қоқ ўртасида гаранг бўлганича туриб қолди. Ваҳима ичида атрофга аланглади-ю, йигирма қадамча наридаги чирокқа кўзи тушди. Ёнғоқ шоҳига каттакон лампочка илиб қўйилган, унинг атрофида парвоналар муттасил айланарди. Шундагина у йўлнинг ўша томонида девори чала тикланган яккам-дуккам уйлар борлигини пайқади. Улар қоронғида қандайдир сирли, ваҳимали туюларди. Насиба лампочка остида аллакимнинг шарпасини кўрди. Бошига қийиқчани чамбарак қилиб боғлаб олган, майкачан одам бир қўлида ғишт қолипни ушлаганча шу томонга қараб турарди. У бир зум тикилиб турди-да, қичқириб юборди:

– Наси!

Насиба эрининг товушини таний олмади. Бу товушда ҳам хайрат, ҳам кўрқувга ўхшаш оҳанг бор эди.

Муроджон қолипни ерга улоқтирганча шу томонга югурди. Ўн кадамча югургандан кейин қаттиқ ҳатлади. Насиба ўртада ариқ борлигини энди идрок этди.

Муроджон югуриб келиб, кўлини олға чўзди. Чамаси, Насибанинг елкасидан қучмоқчи бўлди-ю, кўли лойлиги учун тегмади. Насиба эрини ҳеч қачон бунақа аҳволда кўрмаган эди. Қизил қийиқча билан бошини боғлаб олган, эски майкали, почаси қайтарилган шими лой, яланг оёқларида балчик қотиб қолган эди.

– Тинчликми? – деди Муроджон унинг кўзига тикилиб. Кейин анча хотиржам овозда сўради: – Ким опкелди? Ислом аками?

Насиба ҳамон ҳайкалдек қотиб турар, рўпарасидаги мана шу одам, лойга беланган мана шу киши эри эканига – Муроджон акаси эканига ҳечам ишонгиси келмасди.

Муроджон унинг кўнглида кечаётган гапларни пайқади.

– Юринг, – деди қандайдир сокин овозда. – Машина бир соатдан кейин келса битириб қўйай. Лойим қотиб қолади.

У Насибани эргаштириб ариқ устига ўрнатилган тахта «якка чўп»дан олиб ўтди. Насиба шуурсиз бир тарзда ёнғоқ тагига келди. Дарахт шохига илинган лампочка атрофида катта-кичик парвоналар ҳамон муттасил айланарди. Майдонча кафтдек теп-текис бўлиб кетган, нарироқда қуриган ғиштлар девор қилиб тахлаб қўйилган. Қатор-қатор қилиб қуйилган хом ғиштлар чироқ ёруғида совуқ ялтираб турарди.

– Оз қолди. – Муроджон бир чеккада турган уюмдан кафти билан қолипга кум сепди. Кейин уста доиракашлардек қолипни айлантириб-айлантириб тўкди. Тез-тез юрганча берироқдаги гумбаздек лой олдига

келди. Чўнқайиб ўтириб олди-да, лойдан зувала ясаб, қолипга урди. Қолипдан отилиб чиққан лой парчалари майкасига, пешонасига сачраганига парво қилмади. Ортиқча лойни сидириб ташлади-да, қолипни даст кўтарди. Икки елкасининг бўйни билан туташган ерида чуқурча пайдо бўлиб, яланг оёқ товонлари билан ерни гурс-гурс урганча югургилаб борди-да, қолипни бояги ғишлар сафига элтди. Пақ этган товуш эшитилди. У қолипни кўтарган эди, Ғишлар сафига яна тўрттаси қўшилди.

Насибанинг тили энди калимага келди:

– Тузук, бунақа хунарингиз ҳам бор экан.

Муроджон қолипни кумга қорар экан, шу томонга қараб жилмайиб қўйди:

– Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз... – Шундай деди-ю, яна чўнқайиб, лой зувала қила бошлади.

Насиба майдонча ўртасида ҳамон қаққайиб тураркан, бирдан ҳаммасини тушунди. У ҳали эрини кўргандаёқ ниманидир пайқагандай бўлганди... Энди ҳаммасининг тагига етди. Муроджон нима учун ўзгариб қолганини ҳам, нега ҳар куни «навбатчи» бўлишини, нима учун ярим кечада бурнидан тортса йиқилгудек бўлиб боришини, ҳаммасини тушунди. Нима учун Ислом ака ўзига бундай муомала қилганини, нима учун бу ерга олиб келиб, бир оғиз сўз айтмай ташлаб кетганини... – Бу билан нима демокчи эканлигини – ҳаммасини!

«Мана, келинпошша! Эрингнинг аҳволини кўриб қўй! Сени деб, сенинг орзу-ҳавасларинг деб эринг шу хунарни қияпти». Йўқ, Ислом ака буни айтгани йўқ. Аммо...

Қандоқ уят! Қандоқ шармандалик! Хўш, бўлмаса нима қилсин? Ўғирлик қилсинми? Арзимас маош билан шохона тўй қилган одам нима қилсин?

Орзу-ҳавас эмиш! Умрида бир марта бўладиган тўй эмиш!

Насиба боши ғувуллаб бораётганини, кўнгли беҳузур бўлиб кетаётганини ҳис этар, қулоғи остида ҳамон қолипнинг ора-чора ерга пақ-пақ урилгани эшитилиб турарди. Ғўё ер юзида шундан бошқа садо йўқдек, шундан бошқа оҳанг қуриб қолгандек.

У оёқларини судрагудек бўлиб борди-да, ёнғоқнинг ғадир-будур танасига суянди. Шунда шамол турдими ё ўзининг шуури тиниқлашдими, ёнғоқ шохларининг шовуллаши эшитила бошлади. У кўзларини юмди. Негадир тасаввурида яна ўша денгиз шовуллаши жонланди. Ўша ойдин кеча, ўша денгиз, ўша тўлқинлар... Соҳилда Муроджон билан ўтиришибди.

Насиба сесканиб кўзини очди. Йўқ энди улар денгиз бўйига боришмайди. Ойдин кечада соҳилда ўтиришмайди. Мабодо, боришганида ҳам, беадад денгиз сатҳида ой нури ярақлаб турганида ҳам энди бу бошқа денгиз бўлади. Ой ҳам бошқа бўлади. Тўлқинлар ҳам, ҳатто Мурод акаси ҳам. Энди унинг юраги бир текис гурсиллаб уриб, Насибани аллаламайди.

Улар анча нарсага эга бўлишди. Тўй қилишди, ота-онаси хоҳлаганича, Насиба истаганча орзу-ҳавас кўришди. Ҳаммасини таомилдагидек, «қарс-бадабанг» қилишди. Ҳаммасини! Қизиқ устида бир нарсани унутиб қолдиришди. Қуёшнинг ўлчови бўладими! Нурнинг вазни-чи? Бахтнинг тарозиси-чи?

Денгиз эмиш. Ойдин кечалар эмиш?! Ана, лойга қўшилиб қолипга тушяпти. Қанча кўп тушса, қарзи шунча камаяди!

Насибанинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. У ёнғоқнинг ғадир-будур танасига юзини босганча, ўкраб юборди.

Бир маҳал Муроджон лойли кафти билан унинг сочи-
ни силай бошлади.

– Наси! Нима бўлди сизга, Наси? – деди овози титраб.

Насиба кескин бурилди-ю, эрининг лой ёпишган, зах
анкиб турган елкасига бошини ташлаганча, унсиз йиғлар
эди.

1979 йил

ҚИССАЛАР



БАҲОР ҚАЙТМАЙДИ

Бўстон қишлоғига оғир-вазмин қадамлар билан куз кириб келди. Туманлик қўйнида жимгина мудраган тонглар, илк совук оғушида жунжиккан серюлдуз оқшомлар бошланди. Ҳавога елпиғичдай қат-қат булутлар чиқди. Қуёшнинг илик, тансиқ нурлари одамларга хуш ёқадиган бўлиб қолди. Ҳавода ёнғоқ хазонларининг ўткир ҳиди гуркиради. Ўз бўйи мева тугиш дардида яшнаган боғлар, шодон шовуллаган теракзорлар ҳаётнинг мангу, бешафқат ҳақиқати олдида ўйчан, ғамгин бош эгди. Чор-атроф япроқларнинг мунгли шивир-шивирига тўлди.

Сумбула туғди. Қишлоқни ҳалқадай ўраб оқаётган анҳор бирдан тиниқлашди. Телба тўлқинлар энди жиловланиб, ювош бўлиб қолди.

Одамлар қиличини кўтариб келаётган қишдан чўчигандай шоша-пиша ҳаракатга тушдилар. Кимдир чорбоғида ўтин арралади, кимдир қўшнисининг том сувоғига ҳашарга чиқа бошлади.

Ҳамма ягона бир ташвиш билан, куз ташвиши билан туриб, куз ташвиши билан ётадиган бўлди.

Фақат битта ҳовлида – қишлоқ чеккасида, шундоққина анҳор ёқасида жойлашган ҳовлида сукунат ҳукм сураб, фақат бир киши ёлғиз ўз ташвиши билан банд эди.

У паст-баланд қоялар орасидан от чоптириб бораётганмиш. Отелдек учармиш, тоғутошлар чирпирак бўлиб орқада қолиб кетармиш. Бирдан ҳаммаёқни зулмат қоплабди. От алланимага қаттиқ қоқилибди-да, қоп-қоронғи жарликка мункиб кетибди. У отни бўйнидан маҳкам қучоқлаб олганча, шувиллаб пастга тушиб кетаётганмиш-у, ерга ҳеч етмасмиш. Нафаси бўғзига тикилиб, даҳшатдан оёқ-қўллари тошдай қотиб қолганмиш...

– А-а-а!

Алимардон ўз овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди. Анчагача қаерда ётганини билолмай, кўзларини катта-катта очганча шифтга тикилиб қолди. Аъзойи бадани ўт бўлиб ёнар, пешанасини муздек тер босган, бир тутам сочи тер аралаш қошларига ёпишиб қолган эди.

У анчагача беҳуш тикилиб ётди-да, вассажуфтлари сарғайиб кетган шифтни, тоқчадаги лаган-товокларни, бурчакдаги шкаф устида турган, чақа солинадиган ганч мушукчани кўриб секин уф тортди. Хайрият, уйда экан!

Бир лаҳзадан кейин кўз ўнгидаги нарсалар тагин сийрак туманлик ичида йўқолди-ю, яна алаҳлай бошлади. Зум ўтмай тагин кўзини очди. Бора-бора фикри тиниклашиб, шифтга тикилиб қолди. Қаердандир бир қалдирғоч уйга отилиб кирди. Шифт тагида айлана-айлана вассажуфтдаги узун михга келиб қўнди. Ғамгингина вижирлаб кўйди. Оқ-сарғиш бўйнини буриб Алимардонга қаради. Мунчоқдек кўзларини тикиб, узоқ қараб турди-да, яна бир сайраб, қанотини ёзди. Лип этиб пастга шўнғиди, деразининг очиқ табақасидан ҳовлига отилди.

Алимардон кўрпа остидан қўлларини машаққат билан суғуриб олди. Тирсагига таяниб, секин дераза томонга ўғирилди. Терлаб ётган баданига совуқ шамол тегди. Бўғилиб-бўғилиб йўтала бошлади. Ҳар йўталганида на-

фаси оғзига тикилар, кўз ўнгида хира халқачалар пир-пирар, қулоқлари шанғиллар эди. Ниҳоят, секин-секин дамани ростлади, ҳовлига тикилганча бир текис, чуқур-чуқур нафас ола бошлади.

Очиқ деразадан тип-тиниқ осмоннинг бир чеккаси кўриниб турарди. Чекка-чеккадаги азамат ёнғоқлар шовшув этиб, ўтиб кетган баҳорини эслагандай жимгина хаёлга толган, ўриқларнинг қондай қизарган япроқлари узилиб кетишдан чўчиб титраб турибди. Ёнғоқ шохида зағизғон сайради. Кейин ола қанотларини ёйиб, ҳавога кўтарилди-ю, узун думини ликиллатиб, этакдаги молхона томига бориб қўнди. Том устига ёйиб ташланган маккажўхориларни бир-икки чўкиган бўлди-да, яна қанотини ёйиб, ҳавога кўтарилди. Девор ошиб қўшни ҳовлига ўтиб кетди.

Алимардон шу ёзда онаси ўлганидан кейин ҳовлидан файз кетганини ҳозир, айниқса, чуқур ҳис қилди. Онаси неча йилдирки, уни уйлантиришни орзу қилар, аммо Алимардон унамас эди. Рост, у кўп қизларни кўрган, лекин ҳеч бири билан бирга бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. «Аввал консерваторияни битириб олай, у ёғи ўзи топилиб кетади» деб ўйларди. Алимардон диплом ёклашидан бир ҳафта олдин онаси қазо қилди. У орзусига етолмади: келинининг қўлидан бир пиёла чой ича олмади.

Алимардон юрагининг бир бурчида уйғонган чидаб бўлмас ҳасратдан энтикиб қолди.

– Анвар ҳам келмабди, номард! – пичирлади у гижиниб. Алимардон бетоб бўлиб қолганидан бери гоҳ Анвар, гоҳ унинг онаси ҳар куни келиб, унинг ҳолидан хабар олиб туришарди. Бугун келмабди. «Бировнинг гўрига биров тушармиди? Анварнинг мен билан нима иши бор!» У жаҳл билан кўзларини чирт юмиб, кўрпани бошига тортиди.

Яна кўзи илинаётган эди, гурс-гурс қадам товуши эшитилди. Алимардон кўрпани кўтариб карагунча, аллаким дераза ёнидан лип этиб, эшик томонга ўтиб кетди.

«Анвар!» – Алимардон эшикнинг очилишини кутиб, бурилиб қараб ётди.

Анвар пастак эшикдан бошини эгиб кирди-да, кўлидаги қоғоз халтани бир чеккага қўйиб, шимининг почасини қоқа бошлади.

Энгашиб турганча бошини кўтариб қаради-да, жилмайди.

– Тузукмисан?

Алимардон индамади. Қошини чимирганча тикилиб ётаверди.

Анвар ҳар келганида шундай жилмайиб қарар, худди шундай паст, меҳрибон овозда ундан ҳол сўрар эди.

Ҳозир Алимардон унинг тез юрганини, кўйлагининг тугмаларини ечиб юборганини, ичидаги майкаси терлаб баданига ёпишиб қолганини кўрди.

Анвар туфлисининг боғичини шоша-пиша ечиб, тез-тез юриб унинг тепасига келди. Каравот ёнига чўккалаб, пешанасига муздек кафтини қўйди.

– Иситманг йўқ-ку, – деди яна жилмайиб.

Алимардон унинг қўлини пешанасидан олиб ташлади. «Ёлғон айтяпти!»

– Йўлда ўлиб қолдингми, дегандим.

Анвар дўстининг бўғиқ овозидан унинг хафа бўлганини тушунди, кўз милкларининг чети тиришиб, қизариб кетди. Унинг сал нарасага қизариши ҳам, қизлардек тортинчоқлиги ҳам, чиройли чехраси ҳам кўпинча Алимардоннинг жиғига тегарди.

– Кеч қолдим-а? Тўғрими? – деди Анвар узр сўраган оҳангда.

Кейин бегуноҳ кўзларини Алимардондан узмай, яна ўша паст, ўйчан оҳангда гапирди:

– Ишга бордим. Ҳеч иложини қилолмадим. Биринчи кун...

Алимардон унинг ўзига эмас, шифтнинг бир чеккаси-га қараб сўради:

– Ўша телестудиягами?

Анвар дўстининг гап бошлаганидан қувониб кетди.

– Ҳа. Биласанми, музика редакциясига! – У севинчдан чеҳраси ёришиб, ўрнидан турди. – Сен соғайишинг билан студияга борасан. Ҳозир у ердагилар ёш артистларга жуда муҳтож экан. – У дўстига синчиклаб қараб қўйди.

Алимардон мийғида кулди-ю, индамади. Кўнглида ғижинишми, адоватми, аллақандай хира бир туйғу уйғонди. Ўзидан олдин Анварнинг иш бошлагани, қувонч билан гапириши унга ёқмади.

Унинг ўзини ҳам шаҳардаги музика мактабига ўқитувчи қилиб тайинлашган, аммо ҳали иш бошламаган эди.

Анвар дўстини ранжитиб қўйганини пайқади шекилли, индамасдан бориб қоғоз халтани очди.

– Узум ейсанми? – деди турган ерида бурилиб қараб. Алимардоннинг жавобини ҳам кутмай ҳовлига чиқиб кетди. Зум ўтмай тўртбурчак патнисда икки бош узум кўтариб кирди. Яна каравот олдида чўккалади. – Ол, жуда ширин экан...

Алимардон кўз кири билан қараб қўйди. Сап-сарик ҳусайнилар товланиб турар, шудрингдай сув томчилари таранг, текис узум доналари устида жилоланар эди.

Анвар икки дона узумни узиб олди.

– Оғзингни оч!

Алимардон узумни карсиллатиб ер экан, беихтиёр жилмайди.

– Шаҳарда нима гаплар?

– Тинчлик... – Анвар қизларникига ўхшаш тимқора кўзларини сузиб қўйди.

Алимардон унинг қизиқ бир янгилик айтишга оғиз жуфтлаб турганини сизди.

– Гапиравер! – деди жилмайиб.

Анвар ялт этиб унга қаради.

– Муқаддам шу ерга – Бўстон гузаригаги дўхтирхонага ҳамшира бўлиб келибди...

«Ҳа, шунинг учун оғзи қулоғида экан-да!» Алимардоннинг кўнглида яна ўша чалкаш туйғу уйғонди. Анвар бу қизни яхши кўришини кўп гапирар эди. «Бу ёғи ҳам беш бўлибди... Қизиқ, бир хил одамларнинг иши ўз-ўзидан юришиб кетаверади. Меники-чи?» Алимардон ичидан хўрсиниб қўйди.

– Яхши! – деди хушчакчак гапиришга уриниб. – Бизни келиннинг ўзи даволар экан-да?

– Айтдим унга... – Анвар бир шингил узумни унга тутқазди. – Бугундан бошлаб ҳар куни келиб туради. – У тўсатдан эсига тушгандек сўради... – Мастава қилиб берайми... Афтингни буриштирма, яхшилаб пишираман...

Салдан кейин Анварнинг ошхонада гурсиллаб ўтин ёргани эшитилди. Зум ўтмай дераза орқасида Анварнинг ўзи кўринди. У майкачан бўлиб олган эди.

– Ҳаммаёқ хазон бўлиб кетибди, супуриб ташлай, – деди у деразадан бошини суқиб. – Кейин молхона эшиги тагида ётган узун супургини олди-да, худди чалғида ўт ўраётгандай қулочкашлаб супура кетди.

Йирик-йирик ёнғоқ хазонлари қизғиш ўрик япроқларига қўшилиб, супургига эргашганча ҳавода ожизгина пирпираб учиб, анча нарига бориб тушар, ховлининг оппоқ сатҳи йўлакдай очилиб қолар эди. Анвар супургини ғайрат билан қаттиқ-қаттиқ силкитар, аммо зум ўтмай супурилган ерга яна хазонлар келиб кўнар, хуноби ошиб тагин орқага қайтар эди.

Алимардон япроқларнинг пирпираб учишини томоша қила-қила пинакка кетди...

Ошхона ичи тутунга тўлиб кетган эди. Ўтин ўчакишгандай ёнмас, ҳадеб тутар эди. Анвар чўнқайиб олганча бор кучи билан пуфлайвериб томоқлари ачишиб кетди. Бўғилиб йўтала бошлади. Энди тоқати тоқ бўлганида ўтин лов этиб ёниб кетди.

Анвар тутундан бўғилиб, ташқарига отилди. Кўзларини узоқ ишқалади. Қўлини туширди-ю, кўча эшик олдида ўзига қараб турган Муқаддамни кўриб, хижолатдан юзлари ловиллаб кетди. Муқаддам кизил кўйлак кийиб олган, елкасини силкитганча ҳадеб куларди.

Анвар жилмайганча югуриб унинг олдига борди.

– Келдингизми? Қандоқ топдингиз?

– Ҳаммаёғингиз қоракуя бўлиб кетибди-ку! – Муқаддам эрка табассум билан унга қараб кўйди. – Қандоқ кираман, деб чўчиб турган эдим... Яхшиям ўзингиз бор экансиз!

...Муқаддам Анварга бошдан-оёқ қараб чикди. Шу топда унинг чанг аралаш ис теккан қош-киприклари, майкачан бўлиб олиб, хижолатдан қизариб туриши ҳам кулгили, ҳам завқли эди. У Анварни ҳеч қачон ҳозиргидай содда, аммо кўнгилга яқин, дилкаш бир ҳолатда кўрмаган эди.

– Ошпазликни ҳам биласизми? – деди у Анварнинг қорайиб қолган пешанасига қараб.

Анвар жилмайиб кўйди-ю, Алимардон ётган уйга имо қилди.

– Кирайлик.

Кетма-кет уйга киришди. Девор олдидаги каравот ёнига Анвар биринчи бўлиб борди. Кўрпани кўтариб қаради-ю, Муқаддамга ўгирилиб шивирлади:

– Ухлаб қолибди-ку...

Муқаддам оёқ учида юриб келиб, беморнинг устига эгилди.

Ранги бир оз синиққан, аммо кўркам чехрасида қатъият балқиб турган йигит кўзларини чирт юмиб ухлаб ётарди. Муқаддам бир қарашдаёқ унинг чимирилган қошларида, маҳкам юмилган юпқа лабларида, кулгичи чуқур ботиб кирган иягида мағрур бир ифода борлигини пайқайди. Негадир қип-қизариб кетди. Ўзининг ҳолатидан ўзи ийманиб, гуноҳ қилиб қўйган одамдек Анварга қаради. Анварнинг тикилганини кўриб, баттар қизарди.

– Уйғотасизми? – деди секин.

Анвар яланғоч елкаларини қисди.

– Ўзингиз биласиз...

Муқаддам бир лаҳза ўйланиб қолди.

– Майли, – деди пичирлаб. – Безовта қилмай қўя қолайлик. Эртага эрталаб кела қоламан.

Анвар бу сафар ҳам елкасини қисди.

– Майли...

Муқаддам эшик олдида борганида яна бир марта ўгирилиб қаради. Токчалардаги чойнак-пиёлаларга, шкаф устидаги ганч мушукчага, таҳмондаги кўрпачаларга бир-бир назар ташлади-ю, тагин каравотга тикилиб қолди. Бемор ҳамон қошини чимирганча қимир этмай ётар, чехрасида ўша қатъият бор эди.

– Бронхит эканми? – деди Анварга қараб. Анвар бир қўлини баланд кўтариб эшик кесақисидан ушлаганча гоҳ Алимардонга, гоҳ Муқаддамга қараб турар эди.

– Болалигидан шунақа, – деди Анвар ачиниш тўла паст оҳангда. – Сал шамолласа ўпкаси қисади. Қайси куни анҳорда чўмилиб, тагин шамоллаб қолибди. Ўжарда, ўжар. Касалхонага бормади. – У бир нафас жим қолдида, яна Алимардон томонга қаради. – Ҳали билмайсиз... Жуда ажойиб йигит. Шунақа овози борки, шунақа яхши ашула айтадики...

– Эшитдим... Доктор айтган эди. – Муқаддам Анварга қараб жилмайди. – Кетаверайми?

Анвар унинг кўзларидан ўзига кадрдон бўлиб қолган илиқ меҳрни сезди-ю, қувониб кетди.

– Овқат пишсин... Кузатиб кўяман.

* * *

Улар анҳор ёқасидаги ёлғизоёқ йўлдан изма-из бо-ришарди. Муқаддам олдинда кетар. Анвар уч қадамча орқада ундан кўз узмай борарди. Йўл кимсасиз бўлгани учун Муқаддам туфлисини ечиб, бармоқларига илиб олган, яланг оёқлари остидан кўтарилган чанг йўл чеккасидаги сарғая бошлаган ўтлар устига чўқар, этагининг шамолидан силкинган ғумайлар оҳиста бош силкиб қоларди. У чор-атрофни томоша қилиб борар, Анвар унинг чехрасини кўрмаса ҳам қувончдан жилмаяётганини, ҳаяжонланаётганини сезиб турарди.

Қишлоқ устида кузнинг атлас либоси ловиллаб ёнади, уфққа туташиб кетган полизлар, тоқзорлар гоҳ қизғиш, гоҳ қаҳрабо рангда товланади. Олисда, осмоннинг ер билан туташган жойида оловли бир ҳовур ичида қуёш бо-тиб борарди. Қаердадир бузоқлар маърайди, гузар томондан мактаб болаларининг қий-чув товушлари эшитилади.

Сўқмоқ бирдан ўнгга бурилди-ю, пастга анҳор устига шўнғиб кетди. Муқаддам тўхтаб қолди. «Энди қаёққа бо-рамиз?» – дегандай Анварга қайрилиб қаради.

– Яккачўпдан ўтамыз... – Анвар Муқаддамни четлаб ўтди-да, тик сўқмоқдан пастга югуриб тушиб, қирғоқдаги толнинг ғадир-будир, йўғон гавдасини қўли билан ушлаб қолди. Анҳор соҳилида эркаклаб кетган баланд-баланд ялпизлар яшнаб ётар, қирғоқдаги икки туп азим тол атрофга оқшом соясини ташлаган эди. Анвар бурилиб қаради-ю, терак бўйи баландликда ўзига қараб жилмайиб турган Муқаддамни кўрди. Юқорида ҳали қуёш нури сўнмагани учун Муқаддамнинг қизил кўйлаги офтобда

ярақлар, гўё унинг ўзи ҳам аланга оғушида ёнаётгандек эди.

У қўлларини ҳавода кенг ёзди-да, болаларча шодон оҳангда қичқирди:

– Ушланг, Анвар ака!

Анвар ҳушини йиғиб олгунча, у чопқиллаб туша бошлади. Анварнинг юраги гупиллаб уриб кетди. У Муқаддамнинг ҳозир бағрига келиб урилишини билиб турар, аммо кучоклаб олишини ҳам, қўлидан тутиб қолишини ҳам билолмай иккиланарди. Анвар ҳушини тўплаб бўлгунча Муқаддам шиддат билан етиб келди. Анвар бирдан ўзини четга олди-да, унинг билагидан маҳкам тутиб қолди. Муқаддам кескин бурилганча унинг кўксига урилди. У негадир кўзларини юмганча ҳадеб кулар, Анвар эса ҳаяжондан нафаси тикилиб, нима қилишини билмай қолган эди. Муқаддам унга ҳеч қачон шунчалик яқин турмаган, унинг сочлари ҳеч қачон Анварнинг юзига тегмаган эди. Анвар ҳаяжондан бўғилиб қолган, ўзи ҳам маъносини тушуниб етмаган алланимадан уялар эди.

Муқаддам қўлини тортиб олди-да, қошларини чимириб жилмайди.

– Ёмонсиз-а...

Анвар яна негадир ўзидан-ўзи уялиб, кўзларини олиб қочди.

Муқаддам туфлисини ялпизлар устига ташлаб, анҳорга оёғини осилтириб ўтирди. Анвар тикка тураверишини ҳам, унинг ёнига ўтиришини ҳам билмасди. Муқаддам елкаси оша бурилиб қаради. Худди унинг кўнглидагини билиб тургандай сўради:

– Ўтирмайсизми?

Анвар унинг ёнига ўтирди. Сувдан салқин, зах ҳаво гурқирар, нариги соҳилдаги тик қирғоқ, икки тол ўртасидан чўзилиб кетган ингичка яккачўпнинг сояси сув

юзида лопиллар, анҳор тип-тиниқ бўлгани учун сув тагидаги тол хазонлари аниқ кўриниб турар эди.

Муқаддам Анварга бир қараб қўйди-да, энгашиб, ҳовучлаб сув олганча оёғини юва бошлади. Анварнинг юраги боягидан ҳам қаттиқроқ гупиллаб уриб кетди. Қулоқларигача ловиллаб, юзини ўгирди.

– Бу ерда чўмилса бўладими?

Анвар ҳайрон бўлиб қаради. Муқаддам унга қарамасдан иккинчи оёғини ювар эди. Анвар муздек сувни ҳис қилиб, эти жунжикиб кетди.

– Совуқ-ку ҳозир...

– Совуқмас пайтда-чи?

– Бўлади. – Анвар сув тагида силкиниб турган хазонлардан кўз узмай жилмайди. – Бу ерда кўп чўмилганман... Болалигим шу ерда ўтган...

Икковлари ҳам жимиб қолишди.

Анҳор юзи секин-секин қорая бошлади. Қаердадир чигиртка чириллади. Анҳор бир шовуллаб, яна жимиб қолди. Анвар Муқаддамга бурилиб қаради. У тиззаларини кучоқлаб олганча нариги соҳилга тикилиб ўтирар, Анвар унинг нималарни ўйлаётганини билмаса ҳам чуқур хаёлга толганини ҳис этди. Муқаддам унинг қараб ўтирганини сизди шекилли, секин сўради:

– Алимардон билан бирга ўсганмисизлар?

Анвар ўша беғубор хотираларни эслаб жилмайди.

– Иккаламиз шу ерларда сигир боқардик, – у бирдан кулиб юборди, – Алимардон ўшанда ҳам шайтон эди... Бир марта анҳорнинг нариги бетидаги Собир чўлокнинг полизига қовун ўғирликка тушганимизда мени роса дўппослатган... Мен чайла яқинига бориб, Собир чўлокни пойлаб турдим. Агар уйғониб қолса ҳуштак чалишим керак эди. Алимардон ҳам қовунни олиб чиққанидан кейин ҳуштак чалиб, мени чақирмоқчи эди. – Анвар Муқаддамга қараб кулиб қўйди. – Ҳали ўтирибман, ҳали

Ўтирибман Алимардоннинг хуштагидан дарак йўқ. Бир маҳал биров елкамдан маҳкам ушлаб, тарсаки кўйиб юборса бўладими. Собир чўлокнинг уйғонганини билмай қолибман... Уйга келсам, Алимардон аллақачон қовунга тўйиб, ухлаб ётибди. Ишини битириб, индамай кетаверган экан.

Муқаддам елкаларини силкитиб, қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Сиз ўшанда ҳам бўшгина экансиз-да...

Анвар ювош жилмайди.

– Ким билсин...

Аста-секин оқшом қўна бошлади. Тол шохлари соядай қорайиб қолди. Шабада турди. Япроқлар дув тўкилиб, сув юзига чипиллаб туша бошлади.

– Дадам ўлганидан кейин биз шаҳар ҳовлига кўчиб кетдик, – деди Анвар ўйчан овозда. – Шунда ҳам мен ўнинчини битиргунча Бўстондан кетмадим. Мактабни битираётганда одам бошқача бўлади-ку... Мен шоирликни орзу қилгандим.

– Шоир бўлолмадингиз! – Муқаддам кулги тўла овозда унинг гапини кесди. Кейин юпатди: – Майли, журналист бўлдингиз-ку!

– Ким билсин ҳали... Ишни энди бошладик-ку! – У яна дўстини эслади. – Алимардон консерваторияни яхши битирди. Кўрасиз, ундан яхши бастакор, яхши кўшиқчи чиқади...

Икковлари тагин жимиб қолишди. Муқаддам бемалол ўтирар, кетгиси келмаётганга ўхшар эди. Анвар кеч бўлиб кетаётганини кўриб ийманар, бу йўл камқатнов бўлса ҳам биров ўтиб қолишидан: «Бу ерда нима қилиб ўтирибсанлар?» – дейишидан истиҳола қиларди. Атрофни ғира-шира қоронғилик ўради. Сув юзига илк юлдузлар шўнғиди.

– Кетамизми? – деди Анвар ўрнидан туриб. – Қаранг, қоронғи тушиб кетди.

У Муқаддамни кўлидан ушлаб, лопиллаб турган яккачўпдан эҳтиёт билан олиб ўтди.

– Катта анҳор экан... – Муқаддам қирғоққа чикиб енгил нафас олди. – Оти нима?

– Қонкус... – деди Анвар йўл бошлар экан.

Муқаддам таққа тўхтаб қолди.

– Қонкус?!

Анвар унинг орқада қолиб кетганини овозидан пайқади-ю, ўгирилиб қаради. Муқаддам беш-олти қадам орқада турар, қоронғиликда гавдаси элас-элас кўринарди.

Анвар қайтиб келиб шивирлади:

– Юринг! – Бир неча қадам босгандан кейин тушунтирди. – Эски ном-да...

Муқаддам оппоқ сўқмоқдан авайлаб қадам ташлаб бораркан, яна сўради:

– Нега унақа?

– Ҳар хил гаплар бор, – Анвар унга қараб қўйди. – Биттаси менга айниқса ёқади... Бир вақтлари бу ердан катта дарё ўтган, дейишади. Дарё бўйида шаҳар бор экан... Бир куни шаҳарга душман ҳужум қилиб қолибди. Шаҳар одамлари дарёнинг кўпригини бузиб ташлашибди... – У яна Муқаддамга бурилиб қаради. – Дарёнинг кечув жойи бор экан-у, уни шу шаҳардаги икки йигитдан бошқа ҳеч ким билмас экан. Иккала дўст битта қизни яхши кўришар экан.

Қамал бўлмасидан бир ҳафта илгари қиз йигитлардан бирига – ўз севганига теккан экан. Иккинчи йигит дўстидан қандай қилиб бўлмасин қасос олишга, қизни қўлга киритишга қасам ичган экан. Душман шаҳарни ўраб олиши билан ўша йигит хоинлик қилибди. Дарёдан сузиб ўтиб, душман саркардасига сирни айтибди: «Агар сен рақибимни ўлдириб, севгилимни менга топширишга ваъда берсанг, йўлни кўрасатаман», – дебди. Саркарда рози бўлибди. Душманлар кечувдан ўтиб, шаҳарни босиб

олишибди. Қизнинг севгилиси урушда ўлибди. Саркарда хоинни чақириб, май тутибди. «Хизмат ҳақингни ол», – дебди. Хоин май ичиб, охирги тилагини айтибди: «Мен сенинг буйруғингни бажардим. Энди сен ҳам менинг шартимни бажар. Одамларингга айт, севгилимни олиб келишсин». Саркарда кулибди. «Севгилингни кўриш сенга насиб қилмайди, ҳозир ичганинг май эмас, заҳар! Ўз дўстига хиёнат қилган одам менга дўст бўлолмайди. Сен қон қусиб ўласан!» – дебди. Хоин чиндан ҳам қон қусиб ўлибди.

Анвар жимиб қолди. Унинг қадам товушлари сўқмоқ устида текис гурсиллай бошлади.

– Қиз-чи, қиз нима бўпти?

Анвар Муқаддамнинг овозини эшитиб бурилиб қаради-ю, унинг ваҳимада катта-катта очилиб турган кўзларини қоронғиликда аниқ кўрди.

– Севгилисининг ўлганини эшитган замони ўзини дарёга ташлаган экан.

Муқаддам кўрқув тўла кўзларини терак бўйи пастликда жимгина оқаётган анҳорнинг қоп-қора сувларига тикди.

– Тезроқ юрайлик...

– Майли. Мен ҳам тезроқ қайтишим керак... Алимардон хуноб бўлиб ўтиргандир.

* * *

Алимардон уйғонди-ю, ўзидан бир неча қадам нарида турган кизни кўрди. Қиз бош яланг, сочлари турмак-ланган, оппоқ халат кийган эди. У катак-катак дастурхон ёпилган стол устида биқирлаб қайнаётган ялтироқ стерилизатордан пинцет билан игналарни авайлаб олар, совутиш учун бўлса керак, бир чеккага қўяр эди. Қиз ён-ламаси тургани учун Алимардон унинг чехрасини яхши

кўролмас, аммо деразадан ёғилаётган тонг нурида қирра бурни, силлиқ, хушбичим юзининг бир томони, майин тукли лаблари аниқ кўринарди.

«Муқаддам, – деб ўйлади у қиздан кўз узмай. – Анварнинг куйиб юрганича бор экан».

У кўп қизларни кўрган, аммо бунақа жозибадор қизни учратмаганди. Юраги гупиллаб ура бошлаганини сезиб, бошини кўтарди. Қиз каравот ғичирлаганини эшитиб, бурилди.

– Уйғондингизми? – Қиз жилмайганида узун, қайрилма киприклари туташиб, яна ҳам чиройли бўлиб кетди.

«Фариштадай экан...» – Алимардон ҳам беихтиёр жилмайди.

– Сиз Муқаддамхонсиз-а? – у яна нимадир дейиш кераклигини ўйлаб сўради. – Анвар кетдимми?

– Мен келсам, кетган эканлар, – деди Муқаддам яна шприцларни олиб. – Ишга кетган бўлсалар керак...

«Келганига анча бўлган экан-да...» – Алимардон нима учун қувонаётганини ўзи билмаса ҳам қиздан кўз узолмай қолди.

Муқаддам флакондаги дорини шприцга тортиб олдида, игнасини юқори кўтарди. Игна учидан тизиллаб дори отилди.

– Билагингизни чиқаринг... – деди у Алимардонга қарамай.

Алимардон унинг уялаётганини сезиб турарди.

– Кўркаман-да, – у атайлаб кўрпага бурканиб олди. Кўрпа тагидан мўралаб қаради-ю, Муқаддамнинг қизариб кетганини, ўзини жиддий тутишга уринаётганини пайқади.

– Бўлинг! – Муқаддам ҳамон игна учидан отилаётган доридан кўз узмай, куруққина буюрди. – Чанг қўнса, шприцларни бошқатдан қайнатишга тўғри келади.

Алимардон ҳамон ундан кўз узмай, кўйлагининг енгини шимарди.

– Ўлиб қолсам, ўзингиз жавоб берасиз!

У уколнинг оғригини сезмади ҳам. Тепасида энгашиб турган Муқаддамга тикилиб ётаверди.

Муқаддам авайлаб дори юборар, қўллари билинар-билинемас титрар, Алимардоннинг эмас, ўзининг жони оғриётгандай лабининг бир бурчини қимтиб турарди. Алимардон унинг оппоқ юзидан кўз узолмас, халатининг очиқ ёқасидан кўринаётган бўйнидаги холи ҳам, қундуздай қошлари ҳам юрагини ўртар эди.

– Мана, бўлди. – Муқаддам игна ўрнини спиртли пахта билан артиб жилмайди. – Шунга кўркиб ўтирибсиз....

У секин-секин стол олдига юриб борди-да, игнани чиқариб, стерилизатор қопқоғига ташлади.

Алимардон унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатар, мияси ғувиллаб кетган, чалкаш туйғулар ичида тўлқинланар эди.

Муқаддам анжомларини йиғиштириб бўлгунича у бир қарорга келди-ю, чақирди:

– Нима қилиб кўйдингиз... – деди ҳаяжондан овози титраб. – Ҳамма ёғим олов бўлиб ёниб кетяпти-ку!

– Нима? – Муқаддам чўчиб ўгирилди. Унинг чехрасида кўрқув бор эди.

– Ишонмасангиз пешанамни ушлаб кўринг!

Муқаддам шошилиб келиб унинг пешанасига кафтини босди. У энди гапиришга оғиз жуфтлаган эди, Алимардон бўйнидан маҳкам кучди-ю, силтаб пастга тортди, лабларидан, юзидан ўпа бошлади.

Муқаддам бир лаҳза гангиб қолди. У ўзини йўқотиб кўйган, Алимардоннинг оғушида талпинар, аммо чиқиб кетолмас эди. Қизиқ, шунча ойлардан бери Анвардан кутиб юрган кескин ҳаракатларни Алимардон қилар, бу айёр йигитни уриб юборишини ҳам, индамаслигини

ҳам билмасди. Аммо Анварни эслаши билан силтаниб қаддини рослади-да, Алимардоннинг юзига тарсаки туширди.

– Уятсиз! – У кўз ўнгини тўсган ёш пардасидан ҳеч нимани кўролмади, тусмоллаб стол ёнига борди.

Шоша-пиша стерилизаторни йиғиштираётганида орқа томондан Алимардоннинг бўғиқ овози келди.

– Кечиринг...

Муқаддам ёшли кўзлари билан унга қаради.

Алимардон каравотда маъюс бош эгиб ўтирарди.

– Кечиринг, Муқаддам, – деди у бўғиқ оҳангда. Кейин унга тик қараб туриб, таъкидлади: – Мени, ифлослик қиляпти, деманг. Сиз бари бир меники бўласиз!

Муқаддам кўксини тошириб юбораётган йиғидан бўғилиб, ташқарига отилди.

Кўча эшик ғийқиллаб очилиб ёпилганидан кейин, Алимардон ўзини ёстикқа ташлади. Виждонининг туб-тубида энгил бир азоб уйғонди.

«Яхши бўлмади... – У шифтга бир лаҳза тикилиб ётди-да, ўзига тасалли берди. – Нима бўпти?! Қизлар ҳам мард йигитларни яхши кўради. Ўша латтадан кам жойим борми?!»

... Шу куни пешинда Иқбол хола ош олиб келганда Алимардон у билан совуққина саломлашди. Анварни сўрамади ҳам...

* * *

Муқаддам Анвар акаси билан нурли кўчадан борарди. Салқин сезилиб қолган, олди одамлар ёмғирпўш кийиб олишган эди. Каттакон шаҳар серюлдуз куз осмони тагида чироқларини яшнатиб ётар, йўлкалар у ёқдан-бу ёққа шошилиб ўтаётган кишилар билан гавжум эди. Одамлар ётиш олдидан шаҳар кезишади, чекка-чеккалардаги газсув дўконлари олдида навбат кутиб тўдаланиб туришади.

Чор-атроф сайилчиларнинг говур-гувури, трамвай-троллейбусларнинг шовқини билан тўлиб-тошган.

Улар йўловчилар дарёсига қўшилиб жимгина боришар, симёғочлар тагида ўз сояларига етиб олишар, уч-тўрт кадам юришлари билан соя яна олдинга ўтиб кетар, келгуси симёғочга яқинлашган сайин орқага чекинар эди.

Меҳмонхона ёнидаги ер ости йўлидан ўтиб, гулзор майдонга чиқишди. Энг чеккадаги скамейкага бориб ўтиришди. Бу ерда ҳамма нарса – баланд-баланд бинолар пештоқидаги афишалар ҳам, шовуллаб отилаётган фаввора ҳам камалак нурида товланади. Меҳмонхонанинг еттинчи қаватидаги ресторандан оркестр садоси, мастона қийқириқлар эшитилади. Тошкент ўзининг ташвишию қувончи, нурларию зулмати билан яшайди.

Муқаддам зимдан Анварга қараб қўйди. У фавворадан кўз узмай ўтирар, чеҳраси сув ичида айланаётган нурлар аксида гоҳ кизариб, гоҳ кўкариб кўринарди.

– Алимардонни кўриб турибсизми?

Муқаддамнинг юраги зиркираб кетди. Анварнинг ўзига қарамай гапирганидан шубҳага тушиб, иккиланиб қолди: «Сезибди! Айтайми, йўкми?» У яна бир лаҳза иккиланиб турди-да, ички бир ишонч билан ўзига далда берди: «Билса нима!»

– Ҳа бориб турибман... – У шундай деди-ю, икки юзининг ловиллаб кетганини сезиб, тилини тишлаб қолди.

Анвар ўгирилиб қаради. Унинг кўзларида ювош табассум бор эди.

– Тузукми?

– Яхши... – Муқаддам елкаларини учираиб қўйди. – Ўзингиз бормадингизми ҳеч?

– Иш кўпайиб кетди, – деди Анвар чарчоқ оҳангда, – эртадан-кечгача югур-югур... Ҳали бастакор билан учраш, ҳали шеърларни муҳокама қил... Телевизорни

кўраверарканмиз-у, томошаларни тайёрлаш қанчалик машаққатли бўлишини билмас эканмиз.

Муқаддам унинг сидқидилдан гапираётганини пайкади.

Йўқ, Анвар қувлик-шумлики билмайди!

У Анварнинг ўйчан кўзларига қараб, охиста хўрсинди. Ўша кундан бери ўзининг кўнглида уйғонган муаммога жавоб топгандек бўлди. «Ўзимнинг Анвар акам яхши!» – У хаёлида шундай деди-ю, аммо кўнглининг бир чеккасини аёвсиз кемираётган бир куч тагин жунбушга келди. Муқаддам бу муаммонинг нима эканлигини тушуниб етолмас, аммо бир нарса аниқ эди: у Алимардоннинг нимасидир Анвардан устунроқ, кучлироқ эканини ҳис этар эди. Кўпдан буён Анварнинг алланимаси ўзига ёқмай келётганини пайкаган, лекин бу нарса нима эканини аниқ билмас эди. Алимардонни учратганидан кейин билди. Анвар бўшанг экан, латта экан!

– Кетамизми?

Муқаддам унинг ювош овозини эшитди-ю, нима деганини пайқамай, саволомуз қараб қўйди.

– Кеч бўлиб кетди, – деди Анвар ноқулай жилмайиб. – Уйингиздагилар хавотир олишади.

Улар тор кўча бошидаги каттакон харсангтош олда хайрлашдилар. Кун бўйи тош устида писта сотиб ўтирадиган хотин аллақачон уйига кетган, чор-атрофда писта пўчоклари сочилиб ётарди.

Анвар хайрлашиб қўл чўзаркан, Муқаддамнинг кўнглидаги бояги хижиллик йўқолди. Хаёлида яна ўша юпанчли, тиниқ фикр уйғонди: «Йўқ, ўзимнинг Анвар акам яхши!» Муқаддам унинг қўлини узоқ қисиб турди-да, ишонч тўла кўзларига қараганча, хўрсиниб қўйди.

Кўча ичкарасидан аллақимнинг қадам товушлари эшитилди. Анвар дарров қўлини тортиб олди.

– Хайр...

Муқаддам шартта бурилди-да, қоронғи кўча ичига шўнғиб кетди.

Ажаб, қиз боланинг қалби ловиллаб ёнса-ю, йигит киши ҳадеб бўшашаверса...

Анвар Муқаддамнинг нимадандир кўнгли чўкканини сезди шекилли, кетидан гапириб қолди:

– Алимардондан хабар олиб туринг...

Муқаддам эшитса ҳам индамай кетаверди. Анварнинг қулоқлари остида кескин, асабий пошна садолари узоқ вақт қарсиллаб турди. Бора-бора қадам товушлари суса-йиб, тинчиб қолди.

* * *

Муқаддам амбулаторияга кириб келганида анчагина одам тўпланиб қолган эди. У бири боласини овутаётган, бири тинимсиз йўталаётган беморлар орасидан ўтиб, йўлак охиридаги эшикни очди. Тўрдаги стол қаршисида сочлари оқарган доктор ўтирарди. Муқаддам ишга келган биринчи кунидек бу аёл қишлоқда Ҳури дўхтир деб танилиб кетганини, одамлар уни қаттиқ ҳурмат қилишини эшитганди. Унинг ўзи ҳам бу аёлнинг оналардай меҳрибон муомаласини яхши кўриб қолганди.

– Мен келдим, опа... – деди у ичкари кириб.

Доктор ёзаётган касаллик варақасидан бош кўтариб, жилмайди. Ташқарида ёмғир ёғаётгани учун чироқ ёқиб қўйилган, стол устидаги шиша банкага солинган термометрлар ялтираб кўринарди.

– Бугун яна хонадонларга қатнайсиз, – деди доктор.

«Яна Алимардоннинг уйига бораманми?» – деб ўйлади Муқаддам. Ўша кунги воқеани, кеча Анвар акаси билан совуқ хайрлашганини эслади-ю, чойшаб тўшалган диваннинг бир чеккасига бўшашиб ўтирди.

– Бошқа одам борса бўлмайдами? – деди у чойшабни гижимлаб. Ҳури опа ўзига синчиклаб қараб турганини ҳис этса ҳам бошини кўтармай ўтираверди.

– Ким боради?

Муқаддам кўз кири билан қаради-ю, докторнинг кўзларидан ажабланаётганини пайқади.

– Хадича опангиз боролмайди-да, – деди доктор хотиржам оҳангда.

Муқаддам ўзининг лов этиб қизариб кетганини сездди. У ишга келган кунидан Хадича таътилга чиқиши керак эди. Аммо Муқаддам ҳали тажрибасиз бўлгани учун оғироёқлигига қарамай, у ҳамон қатнаб турар, иш ўргатарди.

Муқаддам стол устидаги шиша банкага, ташқарида деразага оҳиста урилаётган ёмғир томчиларига журъатсиз қараб қўйди-да, шивирлади:

– Уяламан...

Доктор шу қадар беғараз қаҳ-қаҳ уриб юбордики, Муқаддам беихтиёр бошини кўтариб қаради.

Доктор кула-кула халатининг енги билан кўзларини артди.

– Техникумда ибн Синонинг гапини айтишмаганми-ди? Бемордан сесканган табиб – табиб эмас. Сиз бировга она, бировга опа, бировга сингил бўлишингиз керак.

«У-чи, – деб ўйлади Муқаддам. – У шундоқлигини билармикан?» Алимардоннинг чиройли чехраси, чимирилган қошлари кўз ўнгига келди-ю, ҳам кўрқинчли, ҳам алланечук эркаловчи туйғулар ичида иккиланиб, ўрнидан турди. Эшик олдига етганида негадир ўзининг ҳам ўша ёққа талпинаётганини сезиб, ҳаяжон ичида тутқични ушлади.

– Айтинг, навбатдаги одам кирсин, – деб қолди доктор унинг кетидан.

...Ёмғир ҳаммаёқни эзиб юборган эди. Қишлоқ жимиб қолган, пахса деворлар зах босиб кетган, ҳали

кўмилмаган тоқлар эгри-бугри қизғиш гавдасини яширолмайд, иймангандай осилиб ётарди. Чор-атрофда ёмғир аралаш намикқан хазон ҳиди гуркирарди.

Муқаддам таниш, пастак эшик тагига етганидан кейингина тез юрганини, юраги аллақандай қарама-қарши туйғуларга тўлиб-тошганини пайқаб қолди. Эшикни қия очиб, ҳовлига кирди-да, ерда ётган бир қарич ёнғоқ чўпини олиб, туфлисига ёпишган лойни сидириб туширди.

Ҳовлидаги нарсалар деярли ўзгармабди. Фақат ёнғоқлар яп-яланғоч бўлиб қолибди. Шохларининг уч-учидаги битта-яримта япроқлар ёмғирдан ивиган танини кўтаролмай, ожиз силкинади. Молхона томидаги маккажўхорилар йиғиб олинбди, қамиш бўғотдан сизиб тушаётган йирик-йирик томчилар ора-чора ярақлайди.

У девор тагидаги куруқ йўлкадан уч-тўрт қадам юриб, тўхтаб қолди. Ичкаридан рубоб овози эшитилди. Аввалига ҳиссиз, эринчоқ тингиллаб турди-ю, кейин бирдан жўшқин садоларда жаранглаб кетди. Муқаддам бир нафас қулоқ солиб, бу куйни аввал ҳеч қаерда эшитмаганини сизди. Ҳа, бу куй янги куй эди. Унда эндигина ердан бош кўтарган бойчечакларнинг нозик шивирлаши ҳам, тантанавор баҳор шалолалари ҳам, қуёшдай тиник туйғулар ҳам бор эди.

Муқаддам беихтиёр жилмайди. «ўзи чалаяпти». У куй оғушида эркаланиб, яна уч-тўрт қадам юрди. Энди дераза ёнига етганида куйга худди торларнинг ўзидай тиник бир овоз қўшилди. У қўшиқнинг биринчи сатрларини яхши англаб ололмади-ю, кейин аниқ эшита бошлади:

...Яхши қол, эй дилбарим, дилда қадар, кетмақдаман,
Ишқ аро энди ҳолим зеру забар кетмақдаман.
На ишончу, на қувончу, на кўнгилдан очма гап,
Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмақдаман!

Овоз шу қадар тиниқ, дилрабо эдики, Муқаддам ҳаяжондан энтикиб кетганини сезди. Қўшиқ уни аллар, ширин туйғуларга ғарқ этарди. У ёқасидан муздек сув қуюлиб кираётганини анчадан кейин сезди. Бўғотдан бир қулочча чиқариб қўйилган тарнов тагида тўхтаб қолганини билиб, дераза олдига яқинроқ борди. Ичкари қоронғироқ бўлгани учун Алимардоннинг юзини аниқ кўролмаса ҳам, унинг каравот ёнида тик турганча рубоб чалаётганини кўрди. У ўз куйидан ўзи маст эди, дераза томонга қайрилиб ҳам қарамасди.

Мен қуёш юзлимга деб тун кечалар бердим юрак,
Окибат отганда тонг қондир жигар, кетмакдаман.
Шунча кунлар ўтди, аммо сўрмадинг ҳолимни бир,
Охирида ҳол сўраб келсанг магар, кетмакдаман.

Муқаддам тўхтаб қололмади. Тез-тез юрди-да, йўлакдан ўтиб, эшикни очди. Алимардон уни кўриб, бир лаҳза тўхтади. Лекин зум ўтмай яна рубоб жаранглади. У қўшиқнинг охириги байтини Муқаддамдан кўз узмай айтди:

Келганингда дедиларки, бу йигит кони зарар,
Кетмагимдан охир, айт, борми зарар, кетмакдаман?

У негадир енгил хўрсиниб жилмайди.

– Муқаддам...

Муқаддам унинг қувонч тўла кўзлари парпираб кетганини, хўрсинганини сезди.

– ... келдингизми? – деди Алимардон, худди унинг албатта келишини билгандай.

Муқаддам ёмғирпўшини эшик олдидаги миҳга илди.

– Чалаверинг...

– Эшитасизми? – Алимардон шодлик тўла кўзлари билан унга бошдан-оёқ разм солиб чикди. – ўтиринг. Ивиб кетибсиз...

Муқаддам катак-катак адёл тўшалган каравотнинг бир чеккасига ўтирди. Алимардон унинг ёнига оғир чўкди-да, кошларини чимирди.

– Чалайми?

Муқаддам индамасдан бош силкиди. Пастак шифт остида яна торлар нола чекди. Алимардоннинг қўллари пардадан пардага енгил кўчар, тошқин садолар текис парвоз этар эди.

Куй тамом бўлгандан кейин Алимардон унга яна кошларини чимириб қараб қўйди.

– Раҳмат! – Муқаддам унга меҳр билан тикилиб колганини пайқаб, дарров кўзларини яширди.

– Ўша куни шунақаям урган экансизки, уч кунгача юзим ловиллаб юрди. – Алимардон кулди.

– Яхши чалар экансиз, – деди Муқаддам унга яна тезгина қараб олиб.

– Сиз куйдан ҳам яхшисиз...

Муқаддам унинг қўллари чаккасидаги сочларига текканини сезиб, чўғ теккандай сесканди. Аммо туриб кетмади.

– Мана шу ашула сиз учун ёзилган... – Алимардоннинг овози негадир титраб кетди. Муқаддам хавотирланиб унга ўтирилди-ю, шу ондаёқ Алимардоннинг қайноқ, титроқ лаблари ўзига ёпишганини ҳис этди. Муқаддам ожиз талпинар, аммо унинг оғушидан чиқиб кетолмасди. Бу дақиқалар унга ҳам лаззатли, ҳам азобли туюларди. Анчадан кейин у каравотдан сакраб турди-да, тескари қараб, қўллари билан юзини яширди.

– Яхшимас, нима кераги бор, Алимардон ака... – деди бўғиқ овозда.

Шу ондаёқ елкаларига яна унинг оғир қўллари тушганини пайқади. Силтаниб, бурчакдаги шкаф тагига бориб олди. У юзларини кафти билан яширганча турар, оёқларидан мадор кетиб, қалтирарди.

– Муқад...

У Алимардоннинг овозини яна қулоқларининг тагида эшитиб, кафтини туширди-да, унинг аллақандай ҳаяжонли, ўт ёниб турган бежо кўзларини кўриб кўрқиб кетди.

– Қўйинг! – У Алимардоннинг кўкрагидан итариб юборди. – Худо ҳаққи, тегманг...

Лекин Алимардоннинг бақувват қўллари белига чирмашганини кўриб, даҳшат ичида шивирлади:

– Қочинг, ҳозир додлайман!

Икковлари гандираклаб бориб шкафга урилишди. Шкаф устидаги ганч мушукча ағдарилиб, Алимардоннинг елкасига, ундан ерга тушди-да, чил-чил бўлди.

– Қочинг! Уятсиз! – У Алимардоннинг юз-кўзига урар, типирчиларди. Яна бир лаҳзадан кейин Муқаддам каравотга учиб тушди. – Нима қиялпсиз? – деди кўркувдан кўзларини катта-катта очганча пичирлаб. Кейин кучи бо-рича юлкина бошлади.

Алимардон уни бўшатмас, ҳадеб бир гапни қайтарарди:

– Муқад... Бари бир бирга бўламиз-ку... Муқад...

Муқаддам кучли эди. У узоқ олишди. Кейин бирдан бўшашди-ю, жимиб қолди. Ҳозиргина ўзи шилиб ташлаган Алимардоннинг юзларини силаб, кўзларини чирт юмиб олди. Энди у ҳеч нимани ўйламас, унга ҳамма нарса бари бир бўлиб қолган, фақат кўрқарди...

...Ярим соатлардан кейин у гандираклаб ўрнидан турди. Токчага суяб кўйилган ойна олдига секин-секин борди. Кўзгудан сочлари паришон тўзғиган, юзлари сўлгин бир киз қараб турарди. Шу топда у ўзининг кадри бирданига пасайиб кетганини юрак-юракдан хис қилдию ўкраб-ўкраб йиғлади. Алам ичида орқасига ўгирилиб қаради. Алимардон каравотга қўлларини тираганча бошини қуйи солиб ўтирарди.

Муқаддам чидаб туrolмади.

– Энди нима бўлади, Алимардон ака?

Бирданига ўзига яқин, азиз бўлиб қолган кишисининг кучоғига ўзини отди. Унинг тиззаларидан кучоқлаб, юзларини яширди.

– Дадам сўйиб ташлайди мени!

Алимардон унинг сочларини силаб, хўрсинди.

– Бўлди... Йиғламанг.

Унинг овози негадир хиссиз, совуқ эди.

... Анчадан кейин Муқаддам чил-чил бўлган мушукчанинг синиқ бўлақларини босиб ўтиб, ёмғирпўшини кийди. Эшикдан чиқиб кетаётганида яна бир қайрилиб қаради. У мана шу пастак уйга, қошини чимириб ўтирган Алимардонга ўзининг бир умр боғланиб қолганини ҳис этар, кетгиси келмасди.

* * *

Тўсатдан келиб теккан ўқнинг зарби анчадан кейин билинаркан.

Муқаддам эшиги тагига етганидан кейингина ўзи қилиб қўйган гуноҳнинг бутун даҳшатини ҳис этди. Бу юк шундай оғир эдики, борган сайин унинг икки елкасидан қаттиқроқ эзар, ерга букиб, мажақлаб ташлаётгандай бўларди.

«Дадам сўйиб ташлайди!» У зах ҳиди анқиб турган кесакига суянганча лабларини маҳкам тишлаб, мункайиб қолди. Эшик гўрдай совуқ оғзини ланг очиб, қорайиб турарди. Зулмат қуюқлашиб борар, пастак булутлар қопқора этақларини судраб шаҳар устида кезиб юрар, ҳамон ўша совуқ, лоқайд томчиларини пурқар эди.

Муқаддам елкасидан муз ўтиб кетганини сезиб, секин мўраллади. Ичкаридан тик этган товуш эшитилмас, фақат тарнов ғамгин шовулларди. Унинг қадам босишга мажор

ли қолмаган, ичкарига кириши биланоқ пичоқ кўтариб турган дадасига рўпара бўладигандай юраги зирилларди. У неча йиллардан бери ўқитувчилик қилиб, одамларга тарбия берган, пенсияга чиққанидан кейин ҳам маҳалла раиси бўлиб, элга бош-қошлик қилиб юрган, маҳалла-кўй «Қори ака» деб орқа-олдидан қаттиқ хурматлайдиган отаси ёлғиз қизининг шармандалигини кечирмаслигини биларди.

Йўлак томондан гурс-гурс қадам товушлари, кейин йўтал овози эшитилди.

«Дадам!» – Муқаддам юраги узилиб тушгандай тагин кесакига суяниб қолди.

– Муқад! – У дадасининг йўғон овозини эшитиб, бошини кўтарди, қоронғида унинг қалин, ҳали оқ ораламаган соқолини, қуюқ қошлари тагидан синчиклаб тикилиб турган кўзларини аниқ кўрди. – Нима қилиб турибсан? – Дадасининг баланд овози яна унинг қулоқларига миҳдай қокилди.

– Ўзим, – деди Муқаддам бепарво гапиришга уришиб. – Ишдан келдим.

– Кир уйга! Шалаббо бўлиб кетибсан-ку!

Дадаси уни четлаб ўтди-ю, уч қадамча нарига бориб, кўлидаги соябонини очди. Боши устида кўтарганча тез-тез юриб, зулмат қўйнига сингиб кетди.

Муқаддам саросима ичида ҳовлига мўралади. Равон айвондан ёғилаётган нур кафтдаккина ҳовлини, бир туп ўрикнинг ёмғирдан қорайиб кетган пастак шохларини ёритиб турарди.

Муқаддам девор тагига ташлаб қўйилган япалоқ фиштлар устидан сакраб-сакраб ўтиб, айвон эшигини шарақлатиб очди.

Токчадан алланимани олаётган Анзират хола чўчиб ўтирилди.

– Келдингми?... Ёмғир ҳам эзилди-ей...

Муқаддам онасининг касалманд юзига, шишиб кетган қовоқларига қаради-да, кўзларини яширди.

– Йиғладингми? – Онаси лаганни кучоқлаганча унинг олдига келди. – Нима бўлди?

Муқаддам даҳшат ичида эшикка ёпишди.

– Лобарларникига чиқаман...

* * *

Уй ичи қоронғи эди. Шифтдаги қандил ташқаридан тушиб турган ожиз нурда хира ялтирар, ёмғирнинг шивир-шивири эшитилиб турар, қаердадир соат чиқилларди.

Муқаддам болаликданок қадрдон бўлиб қолган бу уйга кўп чиқар эди. Шодлигини ҳам, аламини ҳам мана шу уйда, мана шу Лобарга тўкиб соларди. Аммо ҳозир у нима дейди? Қандоқ гапирсин?

Муқаддам шифтга тикилганча ётар, хаёли чувалашиб кетган, нимани ўйлаётганини ўзи билмасди.

Лобар ётган каравот ғичирлади. Қоронғида унинг уф тортгани эшитилди.

– Муқад...

Муқаддам индамай ётарди.

– Муқад... – деди Лобар яна секингина.

– Нима дейсан? – деди у жеркиб.

– Ухлаганинг йўқми?

Муқаддам индамади.

Яна Лобарнинг хўрсингани эшитилди.

– Ўлсин! Бошимни ювган эдим, сочим ҳеч турмаяпти.

Муқаддам қарамаса ҳам Лобарнинг туриб ўтирганини, семиз қўлларини иягидан ўтказиб, сочини ўраётганини аниқ тасаввур этди.

Анчадан кейин тагин каравот ғичирлади. Лобар яна уф тортди.

– Жаҳонгир мени қишлоғига олиб кетаман, деяпти...

Муқаддам сарғиш жингалак сочли, серҳаракат, хушчақчақ йигитни эслади. Жаҳонгир Лобарни яхши кўрар, яқинда улар билан баравар ўқишни битириб, фелдшер бўлган эди.

– Тегавер, – деди Муқаддам бепарво.

– Вой, опам турибди-ку..

– Бўлмаса сабр қил!

Муқаддам тескари қараб олди. Яна жимлик чўкди. Қаердадир чиқиллаётган соат Муқаддамнинг азобли дақиқаларини лоқайдлик билан битта-битта санай бошлади. Ташқарида ёмғир қаттиқроқ шивирлади.

– Муқад...

– Нима, нима?!

– Вуй, мунча, а! – Лобар сирли пичирлади. – Нимани ўйлаяпсан?

Муқаддам индамай ётаверди.

Лобарнинг пиқиллаб кулгани эшитилди.

– Биладан... Анварни...

«Анвар!» – Муқаддамнинг мияси зирқиллаб кетди. Елкасидан босиб ётган юк устига яна бир тоғ ағдарилди. «Анвар!» – деди у пичирлаб. Елкалари аввалига секин-секин титради. Кейин силкиниб-силкиниб йиғлаб юборди. У бугун негадир Анварни эсламаган экан. Шунча йиллик қадрдон Анвар акасини, Анвар акажонини ўйламаган экан.

Муқаддам овозини чиқармаслик учун кўрпачага бурканиб олди. Бир вақт Лобар кўрпани торткилаётганини сезиб яна ҳам қаттиқроқ бурканди.

– Қоч! – деди нафаси бўғзига тиқилиб.

– Вой, жинни, нега йиғлайсан?

– Яқинда мен ўладан, Лобар! – у ҳайратдан оғзи очилиб қолган ўртоғига тик қараб қичқирди. – Ўладан! Эшитдингми?!

Алимардон эрта уйғонди. Ёмғир тинганидан бери хаво тиниқлашиб, ерлар селгиб қолган эди. У ювингани анҳор бўйига тушди. Ҳали қуёш чиқмаган, сув юзида нозик туман пардаси силкиниб турарди. Алимардон сирғанчиқ соҳилдан авайлаб юриб, пастга тушди. Қумлоқ соҳилга чўнқайиб, муздек сувни кафтига олди-ю, совуқдан бармоқлари зирқираб кетди. Кейин билакларини шимариб олганча, пишқириб-пишқириб ювина бошлади. Бир зумда қўллари, бўйни қип-қизариб кетди. Шимининг тиззаларига сув сачраб, шалаббо бўлди.

Кўнглида алланечук бир енгиллик сезиб сакраб турди-ю, бир чеккада, ҳўл ўтлар устида ётган сочиқ билан узоқ аргинди. Қирғоқдан юқорига чиққунча қуёш кўринди. Ёнғоқларнинг яланғоч шохида чумчуқлар сайради. Ердан майин ҳовур кўтарила бошлади.

У енгил қадамлар билан ҳовли томонга юриб кетди.

Уч кундан бери Алимардон шод, руҳи тетик эди. Бутунлай соғайиб қолди. Бешёғочдаги музыка мактабига бориб, дарс бера бошлади. Фақат ўша кундан бери Мукаддам кўринмаётгани кўнглини хижил қилиб турарди. Кеча ишга кетаётганида гузардаги дўхтирхонага киргиси келди-ю, тагин айниди: «Нима, ялиниб кираманми?» У яхши иш қилмаганини, бир қизни бахтиқаро қилиб қўйганини билар, уни соғинарди. «Бари бир уйланишим керак!» – ўша кундан буён унинг хаёлида шу фикр чарх урарди.

Ҳозир ҳам елкасига ташлаб олган сочиқнинг бир учидан ушлаганча шудринг босган сўкмоқдан юриб келаркан, яна Мукаддамни ўйлади: «Бугун дўхтирхонага кираман!» У кўча эшикни очиб ҳовлига кириши билан ўртадаги сўрининг темир панжарасига суяниб турган Анварни кўрди-ю, сесканиб тўхтаб қолди. Кўнглида

уйғонган кўркувми, уятми, аллақандай тушуниб бўлмас бир туйғудан ранги ўчиб кетганини ўзи ҳам сезиб, Анварга зимдан қараб қўйди. У Анварнинг ҳозироқ келиб ёқасидан олишини, уриб юборишини кутарди. Аммо Анвар ҳамон сўри панжарасига тирсагини тираганча, оёқларини чалиштириб, хотиржам турарди.

«Билмабди! Ниманинг маъносига тушунарди бу!»
Алимардон Анварнинг ҳолидан ҳузур қилиб ич-ичидан кулиб қўйди.

– Қачон келдинг!

Анвар секин-секин юриб келиб қўлини узатди. У куёвлардек яسانيб, янги костюм-шим кийибди. Кўкиш ялтироқ галстук тақиб олибди.

– Яна совук сувга ювиндингми? – деди у ёлғондакам пўписа қилиб.

– Нима қипти? – Алимардон кулди. – Сенга ўхшаб оймқиз бўлайми?

– Ким, ким шунақа? – Анварнинг кўзлари аламдан қисилиб кетди. – Қаҳрамон-эй! Бир ой инқиллаб ётмагин тагин...

– Бўпти! – Алимардон унинг ҳеч нимадан хабари йўқлигига тамоман ишонди-ю, елкасига шапиллатиб уриб қўйди. – Ҳазил, ўртоқ, уйга кирайлик.

– Йўк... – Анварнинг кўзларига жиддият чўкди. – Эртага эрталаб студияга боргин... Концерт бор. Сен ҳам чиқасан.

Алимардон кўпдан ўйлаб юрган орзуси чиндан ҳам рўёбга чиқаётганидан қувониб, юраги гурсиллаб уриб кетди. Ялт этиб Анварга қаради-ю, атайлаб талмовсиради:

– Қўйсанг-чи!

– Ҳазили йўк! – Анвар астойдил тайинлади. – Мен дастурга киритиб қўйдим.

Алимардон ўзига соддалик билан тикилиб турган дўстига қараб, яна атайлаб бепарво гапирди:

– Мени бошларига уришармиди?

– Кутаман! – Анвар яна жиддият билан тайинлади-да, кўлини чўзди. – Хайр!

Унинг учи ингичка туфлиси селгиб қолган ҳовлида билинар-билинемас из қолдириб, кўча эшигига етганидан кейин Алимардон истехзоли табассум билан шивирлади: «Галварс!»

* * *

Тушга яқин Анвар уни телестудия эшиги олдида кутиб олди. Яна энг аввал Алимардоннинг кўзи унинг чиройли галстугига тушди.

– Рубобинг қани? – деди Анвар Алимардоннинг курук келаётганини кўриб.

– Бошимни қотирмасанг-чи, нима деб чиқаман? – У ичида жон деб турса ҳам атайлаб тихирлик қилди.

– Майли, юравер-чи... – Анвар уни милиционер турган вестибюлдан олиб ўтиб, кенг, ёруғ йўлакка бошлаб кирди. Пояндоз тўшалган зиналардан иккинчи қаватга кўтарилишди. Тепасига «Музыка редакцияси» деб ёзилган эшик олдида тўхтаб қолишди.

– Юравер! – Анвар эшикни очиб, уни бошлаб кирди. Чоғроқ хонага ҳам худди зиналардагига ўхшаш қимматбаҳо гилам тўшалган, бир-бирига қаратиб қўйилган иккита стол бўш турарди.

Анвар юмшоқ ўриндикли креслони Алимардоннинг олдида сурди.

– Ўтириб тур-чи...

– Сенинг столинг қайси?

– Ана... – Анвар бепарволик билан девор олдидаги столини кўрсатди. – Ҳозир тор топиб келаман. – У тез чиқиб кетди.

«Шунақа жойда ишларкан-да!» – Алимардон секин уф тортиб қўйди. Шу топда негадир унинг Ан-

варга яна ҳасади келди, аммо нимагалигини ўзи ҳам билолмади.

Яна бир неча дакиқадан кейин Анвар садаф пардалари ярақлаб турган яп-янги тор кўтариб кирди. «Ажойиб тор экан! – Алимардон чолғунинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўраркан, тагин билинтирмай уф тортиб қўйди. – Пайти келсин, албатта, оламан!»

– Энди репетиция хонасига кириб машқ қиласан...

...Алимардон студия залининг бир чеккасидаги стулга ўтирганча навбат кутарди. Бу ерга киришдан олдин қанчалик кўрққан бўлса, энди навбат тегишини шунчалик орзикиб кута бошлади. Кимдир қўшиқ айтар, аллақандай қизлар рақс тушар, аммо у ҳеч кимни кўрмас, ҳеч нимани эшитмас эди. Шу топда хаёлида ёлғиз бир фикр чарх урар: «Ҳозир мени ҳамма кўради. Бутун республика кўради!»

Ниҳоят, пультада ўтирган қизнинг: «Навбат ёш хонанда Алимардон Тўраевга», – дегани эшитилди.

У бошқа ҳеч нимани эшитмади. Юзлари ловиллаб ёнаётганини, қулоқлари шанғиллаётганини ҳис этиб, секин ўрнидан турди. Оператор камерани аста-секин унинг олдига суриб кела бошлади. Ҳозир табассум қилиши кераклиги тўсатдан хаёлига келди-ю, камеранинг қизил чирокларига қараб жилмайди. Торни секин-секин черта бошлади. Кейин завқ билан, ҳарорат билан чалишга тушди. У яхши чалаётганини, тор ўзининг қўлида булбулдай сайраётганини билар, билган сайин завқ билан чертарди. Куй тамом бўлиши билан у қўшиқни, ўша – Мукаддамга айтиб берган – «Йигит қўшиғи»ни бошлаб юборди. Унинг овози жимжит студиянинг баланд шифтларига тегиб жаранглар, бугунги концертда ўзи ғолиб чиқаётганини, ажиб бир оҳангда айтаётганини билиб турарди.

Қўшиқ тамом бўлди-ю, у боягидай табассум билан оҳиста бош эгиб қўйди...

Йўлакка чиқиши билан Анварга дуч келди. Анварнинг кўзлари шодликдан чакнар, унинг кўлини маҳкам кисиб, ҳадеб бир гапни такрорларди:

– Жуда яхши чалдинг, дўстим! Жуда яхши.

Алимардон дўстининг шодликдан чакнаб кетган юзига қараб мийиғида кулиб кўйди. Шу ҳам чалиш бўптими? Ҳали шундай кунлар келадики, Алимардон Тўраев деган номни эшитганида бутун мамлакат ҳайратдан ёқа ушлаб қолади.

– Кетамизми? – деди у Анварга бепарво қараб.

– Юр... Мен ҳам Бўстонга боришим керак.

– Муқаддамнинг олдигами? – у қаҳ-қаҳ уриб юборишдан ўзини аранг тийиб, кўзларини сузди. – Майли, юравер...

Кўчада куёш порлар, ҳаво илик, хузурбахш эди.

Алимардон такси тўхтагиси келди. Анварнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, кўчанинг ўртасига тушиб кўл кўтарди, аммо машиналар тўхтамас, уни майна қилгандай ғизиллаб ўтиб кетарди.

Ниҳоят, бир «Волга» ўн қадамча нарига ўтиб тўхтади. Икковлари кетма-кет югуриб боришди.

– Қаёққа, биродар? – шопмўйлов таксичи машинанинг қия деразасидан мўралади.

– Бўстонга обориб кўйинг! – деди Алимардон нафасини ростлаб ололмай.

Ҳайдовчи кулди.

– У ёққа «собственный» машинангизда борасиз, ука!

Алимардон парпарондай елиб кетган машинанинг орқасидан қараб, тиешларини ғижирлатиб қолди: «Бўпти! Ўз машинада борганим бўлсин!»

Қишлоқ ёмғирдан ювилиб, яшнаб кетган эди. Деворлар тагида адашиб бош кўтарган мунис майсалар эртага қор остида қолишидан беҳабар яшнаб турарди.

Алимардон олдинда кетар, Анвар дўстининг текис талпинаётган баланд гавдасига қараб борар, Алимардоннинг телевизорда чикқанида, бунда ўзининг ҳам хизмати борлигидан шод эди.

Катта кўчанинг муюлишидаги тут тагига етганда Алимардон бурилиб қаради.

– Дўхтирхонага бораман, деганмидинг?

Анвар ҳам тўхтаб, соатига қаради.

– Муқаддам кетмагандир ҳали?..

– Кўришинг шартми?

Анвар унинг чехрасида бир қалқиб ўчган масхарали табассумни ўзича тушунди.

– Соғиндим, – деди секин. Зах ерга ёпишиб ётган тут хазонларини оёғининг учи билан титкилади. Кейин дўстига қараб, оҳиста хўрсинди. – Сен билмайсан-да... Ҳеч тушуниб бўлмайди бу кизга. Икки ҳафтадан бери гаплашмай қўйди. Нима бўлаётганини ўзим билмайман. – У бошини баланд кўтариб, куз осмонида кезиб юрган бир парча булутга тикилди. Унинг кўзларида ширин бир орзуми, антикувчан табассумми бор эди.

Алимардон яна боягидай масхарали кулди. У энди бу қўймижоз ошнасида оладиганини олиб бўлган, студиядагилар билан танишиб олган, яна телевизорда чиқиш учун Анварнинг ёрдами керак эмасди.

– Мен уйланыпман, – деди хотиржамлик билан.

Анвар ярқ этиб бурилиб қаради. У севинишдан кўра кўпроқ ҳайрон қолди.

– Қўйсанг-чи ҳазилингни!

Алимардоннинг юзида яна ўша қув табассум қалқди.

– Ҳазили йўқ, – деди совуққина қилиб.

– Шайтон-эй, нега айтмадинг? – Анвар энди ишонди. – Қачон? Кимга?

Алимардон ҳозир унинг юрагига бигиз санчишидан завкланар, ич-ичидан тошиб келган кулгисини аранг босиб турарди. Овозини иложи борича бепарво қилиб, қошини чимирди.

– Муқаддамга...

– А? Қайси Муқаддам? – Даҳшатга тўлиқ қиска бир ҳайқириқ хавода фарёд солди. – Қайси Муқаддам?!

Анвар оёқларининг учигача музлаб кетганини ҳис қилиб, Алимардоннинг бепарво кўзларидан маъно излар эди. Алимардон тагин бир марта кулиб кўйди.

– Ўша ўзинг билган Муқаддам-да! – У оёғининг учида кескин бурилиб кетаверди.

Алимардон бошини ғоз тутиб борар, жаҳонда ҳеч нима ўзгармагандек, ҳамма нарса кўнгилхушлик билан бораётгандек эди.

У тутзор кўча ичига кириб кетганидан кейингина Анвар ўзига келди. Юрагини тилимлаб ташлаган хабарни ҳазилга йўйишга ҳаракат қилгандек шуурсиз жилмайди. Югуриб бориб, Алимардонни елкасидан ушлаб, ўзига қаратди.

– Овсар! Шунақа нарса билан ҳазиллашадими одам?!

Алимардон ҳайрон қолгандай қошини чимирди.

– Ўзинг биласан, ҳазилни ёмон кўраман.

Анвар унинг беҳазил гапираётганини тушунди. Биров бехосдан «онанг ўлди», деганда киши қандай аҳволга тушса, ҳозир у ҳам худди шундай аҳволда қолди. Аъзойи бадани япроқдай қалтирай бошлаганини ҳис этиб, Алимардоннинг ёқасига ёпишди.

– Ёлғон айтасан, мараз!

Алимардон ҳузур қилиб кулди.

– Бор, ишонмасанг ўзидан сўра! – У Анварнинг қўлини ёқасидан олиб ташлаб, дона-дона қилиб таъкидлади: – У

менга тегади, билдингми?! У менга тегишга мажбур! Мен уни ўзимники қилиб қўйдим!

– Тухмат!

Анварнинг кўз ўнги қоронгилашиб кетди. Қошини чимириб турган Алимардон ҳам, яланғоч тутлар ҳам, осмонда кезиб юрган бир парча булут ҳам чирпирак бўлиб айланиб кетди.

У Алимардоннинг башарасига қачон мушт туширганини билолмай қолди. Ўзига келганида, Алимардон кафтининг орқаси билан қоп-қора қонга бўялган оғзини арттар, пастак тутга суяниб олганча ҳадеб тупурарди.

Анвар заранг ерни қарсиллатиб тепганча югуриб кетди. Мактабдан қий-чув кўтариб чиққан болалар орасидан, сўриларда чойхўрлар чордана куриб ўтирган чойхона олдидан югуриб ўтди-ю, деразаларига оппоқ дарпардалар тутилган дўхтирхона эшигига бориб қолди. Шиддат билан йўлакка отилиб кирди. Навбат кутиб ўтирган одамларнинг хайхайлашига қарамай, тепасига «Муолажахона» деб ёзилган эшикни шахт билан силтаб тортди. Қарши томондаги деразанинг бир тавақаси даранглаб очилиб кетди.

– Муқаддам!

Унинг хайқирғи бутун дўхтирхонани жаранглаб юборди. Устига оқ чойшаб ёпилган столга тирсагини таираганича кафтини пешанасига босиб ўтирган Муқаддам ўрнидан турди-ю, оёқларидан мадор кетгандай яна ўтириб қолди. Унинг ранги кув ўчиб кетган, кўзларида даҳшат бор эди.

Анвар кўксини тўлдирган нидони ялинчоқ ингрок оҳангда айтди:

– Муқаддам... Айтинг... Ростми?

У Муқаддамнинг йўқ дейишини кутиб турар, шу бир оғиз сўз учун бутун борлигини беришга тайёр эди.

Ваҳимали сукунатга тўлиқ бир неча дақиқа ўтди.

Муқаддам кафти билан юзини тўсиб, йиглаб юборди.
– Рост...

Анварнинг кўз ўнгида яна ҳамма нарса чирпирак бўлиб кетди. Оёқлари ўз-ўзидан бўшашиб, гандираклаб кетди-ю, эшикка суяниб қолди. Бу ердаги ҳамма оппоқ нарсалар бирданига қоп-қора тусга кирди-да, бошини солинтирганча ташқарига қараб судралди.

У бирданига ҳаммасини тушунди. Муқаддам нима учун ўзига бегона бўлиб қолганини ҳам, энди ҳеч қачон қайтиб келмайдиган, умрбод насиб этмайдиган азиз бир нарсасидан жудо бўлганини ҳам, ўзининг софдиллиги, очиқкўнгиллиги ўз бошига бало бўлиб ёғилганини ҳам – ҳамма-ҳаммасини тушунди. Фақат бир нарсани тушуна олмасди. Шунча йиллик кадрдон дўсти нима учун хиёнат қилди унга? Шунчалар аблаҳлик қилишга уни нима мажбур этди экан?! Дунё пайдо бўлганидан бери нима учун одамлар боши устида хиёнат деган қоп-қора шарпа кезиб юради? Одамлар бунчалик қабиҳликни қаёқдан ўрганишаркин?!

У елкасига келиб тушган қақшатқич зарбадан мункиб кетгандай бошини қуйи солиб борар, кишлоқ оқшом тараддудини кўрар, чойхона гавжум, мактабдан кий-чув солиб болалар чиқиб келишарди. Олисда – уфқ этагида қуёш ботиб борар, дарахтлар учида қонли шафақ ўйнарди.

* * *

Шанба оқшомида Бўстон қишлоғи ажиб бир жозибача кифти этди. Бу оқшом ой ҳам эрта чиқди. Тўлиб, кипқизариб, яшнаб-яшнаб чиқди. Ноғоранинг шодон такатуми илиқ куз ҳавосини титратди. Ғужғон ўйнаган юлдузлар тўйхона устида пасайиб рақс тушди.

Анвар Қонқус устидаги яккачўпда оёқларини осилтириб узоқ ўтирди. Анҳор жимжит, сув юзида юлдузлар қалқиб оқар эди.

Ноғорачи йигит уста экан! Шундай берилиб, шундай терга ботиб чалдики, осмон пардасини йиртиб юборгудай бўлди. Ўз касбини яхши билар экан! Боплаб чалар экан! У фақат бир нарсани билмади. Ноғора чўпи билан ноғорани эмас, худди ўзига ўхшаш бир йигитнинг қалбини савалаётганини билмай қолди.

Шу куни ажойиб воқеа бўлди. Кимнингдир кўнглида баҳор гуллади. Кимдир кимгадир интизор бўлди. Кимнингдир қалбига қор ёғиб чиқди.

Тўйга бутун қишлоқ йиғилди. Фақат анҳор ўз ўзанидан чиқолмади. Қонқус тун бўйи ғазаб билан, алам билан тўлғаниб оқди.

* * *

Ҳаёт шунақа экан. Гоҳо кимнингдир мотами кимгадир байрам бўларкан!

Алимардон икки ойгача ана шу байрам роҳати билан гашт қилиб яшади. Муқаддам ўзи ўйлаганидан ҳам яхшироқ, меҳрибонроқ чиқиб қолди. Анвар бўлса ундан бутунлай узоқлашиб кетди. Телестудияда тўсатдан дуч келиб қолса, тескари бурилиб кетадиган бўлиб қолди. Аммо Алимардон парво қилмасди, бир вақтлар ўзига қадрдон бўлган бу йигитни энди бир пулга ҳам олмас, ўз қувончи, ўз бахтидан маст эди.

У шу икки ой ичида тўрт марта телевизорда чиқди. Ҳа, энди унинг омади юриша бошлаган эди. Узоқ сафарга чиқаётган одам бирон нарсасини унутиб қолдиришидан чўчиб, ўзини қанчалик текширса, Алимардон ҳам шунчалик пухта тайёрланарди. Ёнғоқзор боғ устида ҳар саҳар унинг янгроқ, дилбар овози парвоз этар, у қўшиқ бошлаганида табиатнинг ўзи ҳам тан бериб қулоқ солгандай бўлар, сўқмоқлар ҳам, анҳор ҳам бир нафас сукут сақлаб тингларди.

Алимардон ҳар ҳафтада янгидан-янги қўшиқлар машқ қилар, шеърларга ўзи куй басталар эди.

Навбатдаги байрам арафасида уни яна студияга чақиришди. Шу куни Алимардон ўз кучига икки марта ишонч ҳосил қолди. Муסיқа тахририятига кириб бориши билан Анварнинг ёрдамчиси – касалманд муҳаррир йигит унга учта конверт топширди.

– Сизга экан.

Алимардон ҳайрон бўлиб, конвертлардан биттасини очди.

Оддий қора қалам билан ёзилган хатнинг биринчи сатрларини ўқиди-ю, хаяжондан кўз ўнги жимирлашиб кетди. У кўпдан орзу қилиб юрган ниятига ета бошлаганидан маст, шод эди. Хатнинг охириги сатрларини ўқиркан, қўллари калтираб кетди. «Биз Алимардон Тўраевнинг ажойиб овозини ҳар куни эшитсак деймиз...»

Мактуб ана шундай сўзлар билан тугалланган эди.

Шу куни у бешта қўшиқ айтди. Ҳар қайсисини ўзгача завқ билан, ўзининг дилбар оҳанги билан юрак-юракдан куйлади.

Концертдан кейин студия буфетига кирди. Икки қадах коньяк ичди. Бугун унинг руҳи тетик, кайфи чоғ эди. Шаҳар янги либос кийган, кўчалар чароғон, ранг-баранг афишаларнинг оловли жимжимаси салқин ҳавода кама-лакдек товланади. У троллейбус бекатига чиққанида таниш бир овозни эшитиб, тўхтаб қолди.

«Ўзим! ўзимнинг ашулам!» У тўрт қаватли бионинг овоз келаётган деразасини топди. Қўшиқ биринчи қаватдаги ёрқин шуъла тушиб турган деразадан қуйилиб чиқиб, қанот қоқарди. Алимардон хаяжон ичида секин-секин юриб, дераза тагига борди. Дераза пардалари тушириб қўйилгани учун ҳеч нима кўринмас, аммо ичкарида одам кўплиги соялардан билиниб турарди. Чамаси, бирон-бир кеча бўлаётган бўлса керак, ичкарида босинқи

говур эшитилар, аммо кўшиқ товуши баралла, тиник янграр эди. Бу Алимардоннинг ўша биринчи «Йигит кўшиғи» эди.

«Магнитофонга ёзиб олишган экан», деб ўйлади Алимардон нафас чиқармай. У бу бино талабалар ётоқхонаси эканини эслади. «Бошланди! Талабалар ёқтирдими, ом-малашин шу!» Алимардоннинг лабларида қувноқ табас-сум ўйнади. Ҳозир кириб: «Ўша кўшиқни айтган Алимардон Тўраев мен бўламан», деса ишонишармикан?..

У ёнғоқзор боғкўчага алламаҳалда етиб борди. Ҳали ой чиқмаган, аммо осмонда жимжима юлдузлар чарақлайди, оёқ остида хазон қирсиллайди. У пастак эшиқни тақиллатаркан, негадир зарҳарханда билан жилмайди. «Алимардон Тўраев! Дурустроқ дарвозаси ҳам йўқ!»

* * *

Эрталабдан бери эзила-эзила ёкқан ёмғир тушга бориб қорга айланди. Аввалига битта-яримта учқунлар ҳавода эринчоқлик билан кезиб юрди-ю, кейин бирдан тезлашиб кетди. Йирик-йирик лайлакқор қиялатиб уриб берди.

Алимардон дераза олдида тик турганча, биринчи қорнинг ёғишини томоша қиларди. Ҳаммаёқ табиатнинг улуғвор, аёвсиз ҳақиқати олдида кути ўчгандай жимжит бўлиб қолди. Ёмғир ёғаётганда шодон шовуллаган тарнов ҳам, бўғотдаги чумчуқлар ҳам бир нимадан чўчигандай овозсиз қотди. Ҳовлидаги сўрининг панжаралари, молхонанинг томи оппоқ бўлиб қолди. Ҳовли этагидаги азамат ёнғоқлар тақдирга тан бергандай маъносиз бош эгди, яккам-дуккам япроқлар совуқдан дилдирай бошлади.

Бора-бора оқшом кўнди. Юракни эзувчи, кўнгилга ғашлик солувчи ғира-шира оқшом кўнди.

Нариги уйда Муқаддамнинг оёқ машинани шатиллатиб иш тикишга ўтиргани эшитилди. У оғироёқли бўлганидан бери кечалари ҳеч кимга сездирмай, чакалоқчага атаб кўйлақчалар тикадиган одат чиқарганди.

Кўча эшик тақиллади. Алимардон негадир чўчиб тушди. Эшик сукунат кўйнида янада қаттиқроқ гурсиллади. Муқаддамнинг машина шатиллатишдан тўхтагани эшитилди. Аммо Алимардон ундан олдинроқ ҳовлига тушди. Куёвлиқдан ёдгор бўлган беқасам чопони билан юзини қордан пана қилиб, йўлакка борди. Пастак эшикнинг халқасидан ушлаб тортди.

Гира-шира қоронғилиқда икки киши турарди. Улардан бири новча, бош яланг, ёмғирпўш кийиб олган, совқотган бўлса керак, турган ерида ҳадеб депсинарди. Иккинчиси пакана, семиз, калта пальто кийиб олган, аммо чехраси аниқ кўринмасди.

«Йўлдан адашганлар бўлса керак». Алимардон эшикни каттароқ очиб таклиф қилди:

– Келинглар.

– Сизни топадиган кун бор экан-ку, Алимардон ака! – Новча йигит эски танишлардай қуюқ сўрашди. Шериги ҳам қишлоқ одамларига хос тавозе билан кўшқўллаб унинг кафтини қисди.

Алимардон ҳеч нимани тушунмаган бўлса ҳам, яна таклиф қилди:

– Марҳамат...

– Йўқ, ака, – новча йигит яна дилкашлик билан шангиллаб гапирди. – Биз бир хизмат билан келган эдик.

Алимардон улар тўйга айтиб келишганини тушунди-ю, атайлаб ўзини гўлликка солди.

– Қанақа хизмат?

– Мана шу дўстимиз, – йигит шеригига имо қилди. – Укасини уйлантираётган эди. Энди катталиқ эмас, эркалик, ака, бир хизмат қиласиз-да!

Шериги ҳам кўшқўллаб таъзим қилди.

– Энди йўқ демасиз-да, ака! Хизмат ҳақингиз қанча бўлса розимиз. Олисдан келдик.

Алимардон «қанча берасиз» демоқчи бўлди-ю, айтмади.

– Йўқ... – у кескин бош чайқади. – Мен тўйга юрмайман... Ҳеч борган эмасман...

Тўй эгаси астойдил ялина бошлади:

– Хўп денг энди, ака. Оққўрғон деган жойдан дараклаб келдик, йўқ деманг...

Алимардон йигирма қадамча нарида, тумшуғи билан деразага қадалай деб турган «Волга»ни энди кўрди. Қорнинг қалин пардаси ортида унинг ранги кўринмас, шарпадай аранг кўзга чалинарди.

– Машина ўзингизникими?

Тўй эгасининг кўнглида умид уйғонди шекилли, кувониб кетди.

– Ўзимиздан, ака, ўзимиздан! Бирпасда етказиб олиб бораман.

– Йўқ, бўлмайди, – Алимардон тагин бош чайқади. – Эртага ишга боришим керак.

– Хўп денг, ака, биз ҳам тушунадиган одаммиз. Хафа қилмаймиз... – У Алимардоннинг ўйланиб туришини ўзича тушунди. «Фалонча берамиз», деб катта пулни айтди.

Алимардон яна бир таранг қилса, кадри ошишини биллиб ноилож қиёфада елкасини қисди.

– Боролмайман, дедим-ку, иложим йўқ.

Тўй эгаси бир лаҳза ўйланиб туриб, қўл силтади.

– Майли, ака, – деб икки ҳисса кўпроқ «закалат» ваъда қилди.

Алимардон жилмаяётганини яшириш учун уф тортди.

– Ҳеч қўймадингиз-да!... Қайтиб келишим нима бўлади? Мен ҳам ишлик одамман.

– Ўзим келтириб кўяман...

Алимардон яна юзини қордан пана қилиб, айвонга қайтди. Муқаддам унинг ҳаяллаб кетганидан хавотир олиб бўлса керак, эшик олдида турарди.

– Ким? – деди у эрининг кўзига тикилиб.

Алимардон бепарво қўл силтади.

– Меҳмонга чақириб келишибди.

– Борасизми? – Муқаддам секингина, хуркибгина сўради. Энди у турмушни тушуна бошлаган аксари хотинлардай ювош бўлиб қолганди.

– Албатта!

Кетма-кет уйга киришди. Муқаддам шифоньердан кийимларини олиб бериб турди. Алимардон бир оғиз ҳам гапирмай эшикка томон йўл олди. Фақат айвонга чиққанида бурилиб қаради:

– Эшикни занжирлаб ол!

У йўлда ҳам чурқ этмади. Машина қор бўрони орасида шиддат билан олға учар, ҳавода парпираган учкунлар олд томондаги ойнага чирсиллаб урилар, бир жуфт шуъла оқиш зулматни ёриб борарди.

Алимардон суянчиққа ўзини ташлаганча йўлдан кўз узмай кетар, мана шу кўримсиз, тўпориди бор машина ўзида йўқлиги алам қиларди унга.

Бир соатчадан кейин чироқлар нурида чарақлаб ётган тўйхонага кириб боришди. Каттакон уй одамлар билан лиқ тўлган, меҳмонлар тўрт томондаги девор тагида чордана қуриб ўтиришар, дастурхон тўкин, арақ иси гуркирарди.

..Алимардон қўшиқ бошлаши билан ҳаммаёқ сув қуйгандай жимиб қолди. У ўз овозининг сеҳри билан тўйхонани ром этганини сезиб, завқ билан ашула айта бошлади. У қўшиқ айтар, қўпол этик, чопон кийган одамлар бошини секин-секин чайқаб, хузур қилиб эшитишар, шу топда дераза ортида ҳам бола-чақа, хотин-ха-

лаж тўлиб кетганини Алимардон билар, билган сайин завқланар эди.

Қўшиқ тугаши билан: «Яша!», «Барака топ!» – деган кийқириклар еру кўкни қоплади. Унинг олдида одамлар тизилиб кетди. Улар қадоқ қўллари билан унинг чаккасига пул қистиришга навбат кутишарди. Алимардон кўпдан буён шу қадар эҳтирос билан куйламаган эди. Шу қадар кўп ичмаган эди. Ҳа, у бугун маст бўлди. Аммо нимадан маст бўлганини ўзи ҳам билмади: майданми, олқишданми, пул исиданми...

* * *

Ташқарида шамол увиллайди, қор учқунларининг деразага чирсиллаб урилиши аниқ эшитилиб туради, аллақерда ёнғоқ шохи аянчли инграйди. Муқаддам кўрпага ўралиб олганча, даҳшат ичида қорнинг шитирлашига кулоқ солиб ётар, муздек зулмат мўралаб турган деразага қарашга ботинолмас, юрагининг гуп-гуп уриши ўзига ҳам аниқ эшитилаверди.

Девордаги кўкиш тун чироғи ўлимтик нур сочади, ялтироқ капгирли соат гоҳ қаттиқ, гоҳ секин чиқиллайди, вақт имиллаб ўтади.

Қизик, балоғатга етган қиз муҳаббатни эмас, муҳаббатнинг ўзи уни излаб топади, деганлари рост экан. Муқаддам неча йиллардан бери Анвардан муҳаббат излаб юрарди. Бирданига Алимардоннинг севгиси уни излаб топди. У тўй олдидан қанчалик куйиб-ёнган, изтироб чеккан бўлса, тўйдан кейин шунчалик қувонч билан яшай бошлади. Отаси ҳам тўйга дарров рози бўла қолди. Алимардон унга бир дунё бахт ҳадея этди.

Муқаддам ҳамон гузардаги дўхтирхонада ишлар, ҳамкасб дугоналари унинг бахтига ҳаваси келганини яшириб ҳам ўтиришмасди. Муҳаббат тўшақда уйғонади,

деганлари шу бўлса керак-да! Бора-бора Анварни унутди. «Ўзимнинг Мардон акамни ҳеч кимга алишмайман!» Бўйида бўлганини сезганидан бери хаёлига шу фикр маҳкам ўрнашди. Аммо худди ўша кундан бошлаб тагин бир нарсани кўп ўйлайдиган бўлиб қолди.

Муқаддам бир вақтлар болалигида шаҳар ҳовлисининг йўлагига қизалоқлар билан чирчира ўйнашни яхши кўрарди. Ҳар куни уларнинг ҳовлисига қизлар тўлиб кетар, кечгача копток ўйнашарди. Ўйиннинг қизиқ қоидаси бор эди.

Кимки чирчирни элликкача етказмай, коптокни кўлидан қочириб юборса, ўйиндан чиқиб кетарди.

Кейинги кунларда унинг назарида Алимардон акаси ҳам худди коптокдай кўлидан чиқиб кетаётганга ўхшарди.

Аёл киши эркакнинг, оз бўлса-да, ўзидан совишини дарров пайқайди. Муқаддам Алимардон акасининг аввалгидай очиқ-сочиқ муомала қилмаётганини сезиб турарди. Кейинги пайтларда эри кўп ичадиган, сал нарсага жеркиб ташлайдиган одат чиқарди. «Еганинг олдинда, емаганинг кетинда, мен билан ишинг бўлмасин», деган гапни кўп қайтарадиган бўлиб қолди. Ахир, одам дунёга фақат ейиш-ичиш, кийиниш учун келмайди-ку! Наҳотки, Алимардон акаси шуни билмаса! Муқаддам шуларни ўйлаган сари, эри кун сайин ўзидан узоклашиб бораётганини ҳис қилар, бундан даҳшатга тушарди. Ҳозир ҳам ўша бешафқат туйғу юрагига бигиздай санчилди-ю, қалтираб кетди. «Йўқ, йўқ... ўзим ҳам ваҳима бўлиб қолибман» У кўрпага бурқанди, ўзини мажбур қилиб кўзини юмди...

Муқаддам депсиниб уйғониб кетди. У ухладими, йўқми, билолмади, аммо ваҳимали бир туйғудан негадир вужуди титрай бошлади. Кўрпадан секин бошини чиқариб, қулоқ солди. Ҳамон шамол увиллайди, қор учқунлари ҳамон зулмат қоплаган деразани савалайди. Бирдан ташқарида аллаким додлагандек бўлди. Муқад-

дам оёқ-қўллари бўшашиб, кўзларини катта-катта очганча, тахта бўлиб қолди. Бояги овоз тагин қайтарилди.

– Машина-ку, – деб пичирлади у қўркув ичида, – уй орқасидан машина ўтяпти.

Шу пайт кўча эшик қаттиқ тақиллади.

«Мардон акам!» – Вужудига хузурбахш илиқлик югурди. Алимардон акасининг занжирни тез-тез тақиллатишига ўрганиб қолган эди.

Муқаддам қушдай енгиллик билан сакраб турди, чироқни ёқди. Бошига Алимардон акасининг беқасам чопонини ёпганича айвонга чиқаркан, йўлакай девордаги соатга қараб олди. Соат миллари тўрт яримни кўрсатар эди.

Муқаддам ҳовлига тушган замони совуқ ҳаво нафасини қайтариб юборди. Калиши қорга тўлиб чиқди. Шу пайт эшик тагин қаттиқ тақиллади. У оёғининг игна санчиб ачишишига қарамай югурди. Тийғана-тийғана эшик тагига етиб келди.

– Ким? – деди хуркович оҳангда.

– Оч!

Муқаддам Алимардон акасининг овозини таниб, дарров занжирни туширди.

Алимардон энгашиб эшикдан кираркан, унга урилиб кетди.

– Ўлиб қолдингми? – Унинг оғзидан гупиллаб арақ иси келди.

«Ичибди!» – Муқаддам индамасдан эшикни тагин занжирлади.

Кетма-кет айвонга чиқишди. Алимардон телпагини ечиб, пальтосининг елкасига қўнган қорни қоқаркан, қошини чимириб, Муқаддамга қараб кўйди. Унинг юзлари қизариб кетган, қисқа-қисқа нафас оларди.

– Битта чақирганда очсанг бўлмайдими? – деди у телпагини бурчакдаги диванга ташлаб.

Муқаддам унинг саволига савол билан жавоб берди:

– Тўйга бордингизми?

Алимардон унга елкаси оша қаради.

– Ҳа! Ёқадими?

Эрининг боя йўлакда айтган гапи Муқаддамнинг юрагини ўртаб юборган, икки йўл ўртасида ўтирган оғироёқли хотинига ўлимни раво кўргани ҳамон вужудини титратарди.

– Йўқ! – деди у овози титраб. – Ёқмайди!

– Ёқмаса... – Алимардон кинояли жилмайиб, қошини чимирди. – Ёқмаса... Кета қол! Уйинг яқин...

– А?! – аламли бир ҳайқириқ Муқаддамнинг бўғзига тикилиб қолди. Кўзлари бирдан жикқа ёшга тўлди. Титроқ кўллари билан эрининг бўйнига маҳкам осилиб, йиғлаб юборди. – Қайтариб олинг сўзингизни... Жон Мардон ака, қайтариб олинг!..

Яна бир неча дақиқадан кейин у эрининг забардаст елкасидан маҳкам кучоқлаб бағрига босар, ҳозир уни биров тортиб олаётгандай кўйиб юборгиси келмасди.

«Маст-да, кайф устида айтиб юборди, – дерди у ўзига-ўзи тасалли бериб. – Эртага ўзи пушаймон ейди...»

* * *

Анвар машинка хонасидан чикди-ю, ёруғ йўлакдаги гулдор пояндознинг бир чеккасидан бошини кўйи солганча юриб кетди. У иш кўплигидан хурсанд, фақат меҳнат билан овунар эди.

Бир йўла ҳам севгилисидан, ҳам дўстидан жудо бўлиш оғир экан. Алимардон билан Муқаддамнинг тўйи ўтганидан бери у одамларга ўзгача бир синчковлик, ички алам, ишончсизлик билан қарайдиган бўлиб қолди. Боғларда сайр қилиб юрган ошиқ-маъшукларни кўрганида, уларнинг сирли шивирлашаётгани кулоғига

тасодифан чалиниб қолганида ғаши келарди. «Бир-бирининг кўзига тикилиб алдашяпти», – деб ўйларди у жирканч бир туйғудан ижирғаниб. – Мана шу киз ҳозир бу йигитнинг кулоғига шивирляпти. Эртага лаби сову-масдан туриб, бошқасини ўпса ажаб эмас...»

Иқбол хола ёз келиши билан тўй ҳаракатини бошлаб юборди. Узоқ холаваччасининг Эътибор деган қизини ҳадеб мақтайдиган бўлиб қолди. Анвар онасининг гапларини эшитганида заҳарханда кулиб қўя қоларди. «Рост-да, мақтаса-мақтайвермайдими, унга нима!»

Бугун эрталаб ҳам онаси ҳадеб гапиравериб, унинг жаҳлини чиқариб юборди.

Анвар онаси билан аччиқлашиб қолди. «Уйланмайман, вассалом!»

У ҳозир ҳам йўлакдан оғир-оғир қадамлар билан бораркан, ўша дилхунликни эслади. «Нима қилсин, ахир, онасида нима гуноҳ? У ҳам тўй кўрсам, орзуларим ушалса дейди-да...»

Анвар мусиқа таҳририяти эшигига етганда, аллаким чакирганини эшитиб, тўхтаб қолди. Бурилиб каради-ю, йўлак муюлишида, каттакон тошойна олдида турган Алимардонни кўриб, юраги сирқиллаб кетди. Алимардон қора костюм кийиб олган, сурбетларча илжайиб, сигарета чекиб турарди.

Анвар ўшандан бери у билан гаплашмас, кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Уни одамларга нафрат билан қарашга ўргатган, бутун орзуларини чил-чил қилган, энг улуғ бахтини тортиб олган мана шу эмасми?! Дўст бўлиб қўйнига кириб, юрагини юлиб олган шу эмасми?!

Анвар қўли асабий қалтираётганини сезиб, ушлаб турган қоғозни икки буклаб шимининг чўнтагига солиб олди-ю, унинг яқин келишини кутиб турди.

Алимардон ҳеч нима бўлмагандай жилмайиб яқинлашди-да, қўл узатди.

– Чақирсам ҳам қарамайсан... Шунчалик қасдинг борми?

Анварнинг кўзига у ҳозиргина ўлжасини еб, лабини ялаб турган бўридай кўриниб кетди. У билан пачакилашиб ўтиргиси келмади.

– Қўлингни торт!

У овози титраб кетганидан афсусланиб, юзини чирт ўгирди.

– Вой-бў! – Алимардон яна ҳеч нима бўлмагандай кулди. Унинг бепарво кулгиси Анварнинг юрагини ўртаб юборди. Ўзини ғолиб ҳис қилаётганини овозидан билиб, азоб чека бошалди. – Қачон уйланасан?

Анвар нафрат билан бурилиб қаради-ю, Алимардоннинг ҳамон кулиб турган кўзларига тўқнаш келди.

– Ишинг бормиди? – деди у ғазабдан кўзларини қисиб.

Алимардон яна кулди.

– Тўйингда бир хизмат қилай деган эдим-да...

Анвар бир нафас иккиланиб турди-да, айтмаслигим керак, деб турган гапи оғзидан чиқиб кетди.

– Аввал катта пул бераётганларникига бориб турчи...

Бу гап Алимардонга шунчалик таъсир қилишини билмаган эди. Алимардоннинг кўзларидаги табассум бирдан ўчди. Атрофга сергакланиб қараб олди-да, кинояли оҳангда гап қилди:

– Нима, студия хўжайинларига чакмоқчимисан?

Қизиқ, бу нарса Анварнинг хаёлига ҳам келмаганди. У тўсатдан кўнглида бир енгиллик ҳис этди-ю, яна айтмаслиги керак бўлган фикрни айтиб юборди:

– Хотиржам бўл, хоинликни ёмон кўраман. Лекин ўзинг қанотинг чиқмасдан туриб узокқа учмоқчисан, бола! Эҳтиёт бўл, шўнғиб кетмагин тагин.

Кенг йўлакда яна Алимардоннинг ғолиб кулгиси янгради.

– Айтавер, кўрқадиган жойим йўқ. Телевизорга чикмасам, бир ерим камайиб қолмайди. Аллақачон эстрадага ишга кирганман.

Анварнинг қулоқлари шанғиллай бошлади. Унинг охирги гапларини эшитмай, бурилиб кетаверди. У ўзини босиб ололмас, хадеб титрарди.

* * *

Ёзга чиқиб Алимардон ишни катта қилиб юборди. Ота-бобосидан қолган пахса деворли бир уй, бир айвонни буздириб, янги, саккиз хонали, олди ойнабанд айвонли уй солдирди. Пул бўлса чангалда шўрва, деб бежиз айтишмаган экан. Ўша пастак, эски эшикни олдириб ташлаб, ўрнига яхши ният билан машина кирадиган дарвоза қурдирди. Баҳорда Анвар унга «бир куни шўнғиб кетасан», деганда янглишган экан. Алимардон пастга эмас, кун сайин юқорига парвоз эта бошлади. Толе унинг олдида ҳамма гулшанларнинг дарвозасини баравар очиб юборди. Энди Алимардон Тўраевнинг номи кунора радиога янграр, телевизор экранида қошини хиёл чимириб, жилмайиб турган чиройли чехраси тез-тез кўриниб қолар, дилрабо овози билан одамларнинг юрагини ларзага солар, ҳар бир уйнинг деразасидан унинг тиник овози эшитилар, магнитофон ленталари Алимардоннинг қўшиқлари билан тўлиб кетган эди. Одамлар бир-бирини: «Юринг, фалончининг тўйига Алимардон Тўраев келармиш», деб шоширишар эди. Ҳа, у камолот поғоналаридан тез, ишонч билан кўтарилиб борарди.

Бугун концерт йўқлиги учун Алимардон уйда қолди. Кун бўйи ўз хонасидан чикмай, янги қўшиқ машқ қилди.

Режиссёр, томошабинлар олдида ўзингизни яхши тутолмайсиз, деб койиганидан буён у тошойна қаршисида туриб, ашула айтишни қайта-қайта машқ қилар эди. Ҳозир

хам худди сахнага чиқаётгандек енгил одимлар билан юриб, бурчакдаги тошойна олдига келди. Кўзгудаги ўз аксига қараб охиста таъзим қилди-да, майин жилмайиб кўйди. Кейинги ойларда у тўлишган, салобатли бўлиб қолган, кўзларида бахтиёрлик нури барқ уриб турарди.

Уйнинг яқинда сирланган, бўёқ иси анқиб турган шифти остида тор садолари титраб кетди. Алимардон торни завқ билан берилиб-берилиб черта бошлади, бармоқлари пардалар устида кўз илғамас илдамлик билан кўчар, гўё куй ўз-ўзидан қуюлиб келарди. Яна бир лаҳзадан кейин тор садоларига унинг ширали овози уланиб кетди:

Дарё тўлкин, сувлар тошқин, ўтолмасман...
Отим ориқ манзилимга етолмасман...
Отгинамни ориқ қилган шу сойнинг тоши,
Рангинамни сариқ қилган ул қалам қоши...

Алимардон қадим замонлардан буён халқ тилидан тушмай келаётган бу сатрларда ўзгача бир жозоба, яширин, иболи туйғулар борлигини дарҳол пайқаб олган, ўзи басталаётган куйда мана шу покиза туйғулар бутун гўзаллиги билан ярқ этиб кўринишини хоҳлар, юрак-юракдан тўлқинланиб айтарди:

Рангинамни сариқ қилган ул қалам қоши...

У ҳамон тор чертаркан, орқа томондан Муқаддам келганини пайқади. Аммо чалишдан тўхтамади. Ниҳоят, кўшиқ тугади.

– Нима гап? – деди Алимардон Муқаддамнинг ўзига эмас, ойнадаги аксига қараб.

Муқаддам озиб, қорайиб кетган эди. Алимардон унинг елкалари осилиб тушган кўйлагига, ичига чўккан кўзларига бир лаҳза тикилиб қолди. Баҳорда Муқаддамнинг боласи тушган, ўшандан буён кўзларидан

ана шундай маънос бир ифода аримайдиган, камгап, ғамгин бўлиб қолганди. Аммо Муқаддам ҳар қанча ўқинмасин, Алимардон парво қилмасди. Нима қипти? Фарзанд билан давлат – қўлнинг кири. Келаверади ҳам, кетаверади ҳам. Ишдан қолмаслик керак.

– Нима дейсан? – Алимардон кескин бурилиб қаради-ю, хотинининг лаблари пирпирай бошлаганидан, кўпол гапириб юборганини сездди. – Халақит бермагинда, – деди майинроқ қилиб.

Муқаддам эридан кўз узмай туриб ютинди. Чамаси, бир амаллаб ўзини босиб олди шекилли, бўғиқ оҳангда, шивирлагудек бўлиб гапирди.

– Овқат совиб қолди.

– Ҳозир, ҳозир, – деди Алимардон бетоқат бўлгандек шошилиб.

Муқаддам индамасдан бурилиб кетди. Унинг шиппаги айвонда шап-шап қилиб турди-да, нариги хонанинг эшиги очилгани эшитилди. Алимардон тагин торни қўлига олди. Ҳамма нарсани унутиб, кўшиқни қайтадан бошлади.

* * *

Алимардон участкасини даранглаптиб битириб олди. Қовун пўчоқ ерга тушди. Заъфарон қанотларини унсиз силкитиб, яна куз кирди. Кўчалар устида чинорларнинг йирик-йирик япроқлари капалакдай пирпиради. Оқшомлари йўлкалар четида ёқилган хазоннинг юпқа тутуни ҳавода узоқ кезиб юрадиган бўлди, боғлар, хиёбонлар жимиб қолди. Шаҳарликларнинг кўпи теримга – ҳашарга жўнаб кетгани учун Тошкент хийла осуда, трамвайларда одам сийрак.

Алимардон трамвайдан тушди-да, Эстрада театри томонга енгил, дадил қадамлар билан юриб кетди. Қуёш эн-

дигина ботган, концерт бошланай деб турар эди. У оёғи остида кирсиллаган хазонларни босиб-янчиб бораркан, театр биносининг олдидаги ойнабанд тахта қаршисида бир зум тўхтаб ўтди. Каттакон, рангли афишада бугун концерт берадиган артистларнинг номи ёзилган эди. У ўз расмини топди. Унинг номи артистларнинг энг охирига майда ҳарфлар билан тиркаб қўйилган эди.

Алимардон лабларини қимтиб ютинди. Касса олдида уймаланишган одамларга бир қаради-да, яна ўшандай енгил қадамлар билан театр биносини айланиб ўта бошлади.

Ёш чинор дарахлари қалин хазон тўккан кичкинагина боғчадан ўтиб, театрнинг орқа эшигидан ичкари кирди. Шошилмасдан цемент зиналардан кўтарилди. Йўлаклар нимқоронғи, залдаги ҳашамлар бу ерда кўринмас, деворлар зах эди. Қаердадир доира тарақлар, пианино товуши эшитилиб турарди.

«Репетиция қилишяпти», деб ўйлади у сахна томонга юриб бораркан. Яна бир йўлакдан ўтиб, ёнбошдаги эшикни тақиллатди. Ичкаридан йўғон, босинқи овоз эшитилди:

– Кириг!

Алимардон овоз эгасини таниди: «Зуфар Ходиевич! Ҳозир уришади!»

У эшикни шахт билан очди. Жажжигина хона биллур қандилдан ёгилаётган нурга тўлган, деворлардаги кекса артистларнинг суратлари рамкалар ойнаси ярақлаб турарди.

Зуфар Ходиевич каттакон стол орқасида креслога оғир гавдаси билан чўкиб ўтирар, сигарет тутатар, оппок, сийрак сочлари чироқ нурида ялтиларди. Унинг хиёл очик лабларидан оғзидаги уч-тўрт тилла тиши кўриниб турар, чехрасида чарчок бир ифода бор эди.

– Яна кеч қолдингизми? – Зуфар Ходиевич кафти билан тамаки тутунини ҳайдаб қойиди. – Шу одатингизни қачон ташлайсиз?

Алимардон индамай тураверди. У театр бадий раҳбарининг қаттиққўллигини, унга гап қайтаролмаслигини билар, аммо унинг ёшларни яхши кўришидан ҳам хабардор эди. У Алимардонни ишга олаётганда ҳамма шароитни яратиб беришга, гастролларга олиб чиқишга ваъда берган эди. Чиндан ҳам ваъдасини бажарди. Алимардон ёз бўйи республиканинг ҳамма вилоятларига бориб келди...

У тагин нима деркин, деган хаёлда Зуфар Ходиевичдан кўз узмай тураверди.

– Гримхонага кирмайсизми? – деди Зуфар Ходиевич тагин ўша койиган оҳангда.

Алимардон ҳеч нима демай, кескин бурилди-да, чиқиб кетди.

У сахна чеккасига суриб қўйилган парда олдига борганида концерт қизиб кетган эди. Яна иккита номердан кейин конференсье киз шошилиб келиб, унинг қулоғига шипшиди: «Тайёرمىсиз? Чикинг!» У Алимардоннинг жавобини ҳам кутмай сахна ўртасига бориб эълон қилди:

– Навбат ёш хонанда Алимардон Тўраевга!

Гулдурос қарсақлар зални титратиб юборди. Унинг назарида одамлар кўшиқнинг номини эшитишга ҳам тоқат қилмай, ўзини кўришга ошиқардилар. Алимардон энгил, ишончли қадамлар билан сахна ўртасига – микрофон олдига етиб борди. Ҳамон ҳавони қарсақлар титратар, у юриб эмас, мана шу қарсақлар қанотида учиб сахнага чикқандек эди. Алимардон бир вақтлар сахнада қай ҳолатда кўринишни орзу қилган бўлса, ҳозир худди ўша ҳолатда эди. У чувст дўппи, қора костюм-шим кийиб олган, оппоқ кўйлагининг крахмалланган ёқаси тагида чиройли ялтироқ галстук ёниб турарди. У бир вақтлар телестудияда илк бор қўлига ушлаб томоша қилганидан ҳам яхшироқ тор кўтариб турарди.

Алимардон қошини бир оз чимириб жилмайди-да, оҳиста таъзим қилди. Зал яна гувуллаб кетди. Торнинг жозибадор янгроқ садолари кунгурадор шифтларга ури-ла бошлагач, зал секин-секин тинчиб қолди. Алимардон ўзи басталаган янги кўшиқни айта бошлади. Чехрасида ҳамон ўша табассум билан завкланиб, юрак-юракдан эриб айтди.

Кўшиқ тугаши билан зал яна денгиз тўлқинидай гувиллаб кетди. Алимардон оҳиста бурилиб кетаркан, тагин бир марта таъзим қилди. Аммо зал тинчиш ўрнига баттар тўлқинланиб, одамлар ўрnidан туриб кетди. Конферансье киз уни кўлидан енгилгина тутиб, яна микрофон ол-дига етаклаб борди.

– «Йигит кўшиғи!» – деди у жарангдор овозда.

Зал сув куйгандек жимжит бўлиб қолди. Алимардон яна табассум билан, завқ билан куйлади.

Кўшиқ охирлаши билан шифтлар тагин ларзага келди. У бу сафар чуқур таъзим бажо этди-да, парда орқасига ўтиб кетди.

Конферансье навбатдаги кўшиқчи номини эълон қила бошлаган эди, томошабинлар гувуллаб, тартибсиз қарсак чалиб юборишди. Зум ўтмай қарсақлар бир меъёрда так-рорланувчи гурс-гурс этган овозга айланиб кетди. Одам-лар навбатда чиқаётган хонандаларнинг пешанасига мих қоқаётгандай барабар қарсак чалишар, Алимардоннинг ўзини талаб қилишарди.

Алимардон ҳаяжонланиб кетди. Конферансьенинг эълон қилишини ҳам кутмай, тез-тез юриб сахнага чиқиб борди. Залга эмас, сутдек окиш нур тўкиб турган кандилларга қараб, янги кўшиқ бошлади.

У олқишлар остида сахна четига чиқиши билан Зу-фар Ходиевичнинг ғазабдан чакнаган кўзларига тўкнаш келди.

– Инсоф борми сизда? Санъаткорлик одоби борми?

Алимардон индамади. Унинг кўзларига дангал тикилиб туриб, масхарали кулиб қўйди.

Зуфар Ходиевич ўзини босиб ололмас, Алимардон бемалол илжаяр, пастда эса зал ҳамон гувуллар, Алимардонни талаб қилиб қий-чув кўтарарди.

Алимардон мана шу сахна тез кунда бутунлай ўзиники, ёлғиз ўзиники бўлиб қолишини ҳозир аниқ билди.

* * *

Алимардон сахна чеккасида, оғир зангори бахмал парданинг тирқишидан зални кузатиб турарди. У ҳар сафар сахнага чиқишдан олдин шунақа – бир чеккада туриб зални томоша қилади, кўнгли шодон туйғуларга лиммолим тўлиб кетади.

Залдаги каттакон қандил ҳали ўчмаган, томошабинлар қаторлар ўртасидаги йўлакдан шоша-пиша ўтиб, ўз ўринларини қидиришарди, ҳали очилмаган сахна томонга орзиқиб қараб-қараб қўйишарди. Улар ҳар хил: ёш, қари, эркак, аёл... Қандайдир бир ярим-икки йил ичида бутун Ўзбекистонни ҳайратга солиб қўйган Алимардон Тўраевни кўришга, дилдор овозини эшитишга узоқ-яқиндан келган одамлар шулар.

Алимардон мийиғида кулиб қўйди. Ҳа, у шод эди! У чиндан ҳам бутун Ўзбекистонни забт этганини билар, билган сайин қувонарди. Одамлар унга махлиё бўлиб қолганга ўхшарди. Унинг концертига энг чекка қишлоқлардан келишар, икки ҳафта илгари олиб қўйилмаса чипта топилмас, шунда томшабинлар ўн баробар баҳосига бўлса ҳам олиб туришарди.

Алимардон ўзининг нима учун бунчалик тез танилиб кетганлигини билади. У одамларнинг юрагини китиклаш сирларини ўрганиб олди. Қўшиқдаги ҳар бир янги оҳанг томошабиннинг завқини тошириб юборишини, ҳар бир

ҳаракат олам-олам олқиш ҳады этиши аниқлигини тушуниб қолди. Ўзи басталаётган куйларда кувонч билан изтироб, муҳаббат билан садоқат – ҳамма-ҳаммасини муҷассам этишга уринди. Ҳар бир ашулада такрорланмас оҳанг бўлиши, кўшиқларнинг ҳар бир сўзи тингловчининг юрак-юрагига етиб бориши учун ҳаракат қилди. Шу тўфайли шинавандалар уни эҳтирос билан олқишлайдиган бўлдилар.

Алимардон тўйларга ҳам кўп қатнайди, аммо арзонгаровга эмас.

Залда гулдурос қарсақлар янгради. Алимардон яна парда тирқишидан мўралади. Олдинги қаторлар лик тўлган, орқароқда эса жойини тополмаган томошабинлар зир югуришар эди. У соатига қараб кўйди. Томоша бошланишига беш минут қолган. У бурилиб кетаётганида яна зал гувуллай бошлади.

Мана, икки йилдирки, Алимардон шу қарсақлар ҳавосида учиб юрибди. У худди ойга ўхшарди. Кун сайин тиниқлашиб, кун сайин ёркинлашиб, баландлаб борарди. Унинг силлиқ таралган сочи устидан чуст дўппи кийиб, қошини хиёл чимириб, табассум қилиб турган сурати аллақачон ҳаммага таниш бўлиб қолган, афишалар номи ўқлоғидай ҳарфлар билан ёзилиб чиқар эди.

У пардозхонага кириб, ўзини яна бир марта кўзгуга солди-да, торини кўтариб қайтиб чиқди.

Саҳна пардаси секин-секин очила бошлади. Залдаги катта қандил ўчди. Чекка-чеккадаги эшиклар устида ёниб турган қизил чироқларгина қолди.

Конферансье эълон қилгандан кейин Алимардон саҳнага чиқди. Кунгурадор шифтлар қарсақ садоларидан титраб кетди, бутун зал ҳаяжондан ларзага келди. Алимардон ҳар тарафга қараб таъзим қилди. Олқишлар яна ҳам кучайиб кетди. Шу кўйи беш дақиқагача тўхтамади.

Алимардон торини кўксига босиб, томошабинларга зимдан қараб қўйди. Гира-ширада ҳаяжондан қизарган чеҳралар кўринарди, орқа қатордагилар ўрнидан туриб кетган, ҳамма баравар чапак чалар эди.

Тор садолари юракларни зириллатиб тилга кирганидан кейингина зал секин-секин тинчий бошлади. Ўша ондаёқ Алимардоннинг тиниқ овози осуда парвоз этди:

... Рангинамни сариқ қилган ул қалам қоши...

У кўзларини хиёл юмиб олганча қўшиқни завқ билан айтди. Ашула тугамасданок зал титраб кетди. Унинг сахнадан жилишига ҳеч йўл қўймасдилар.

Концерт охирлаб қолганида у чарчади. Боши қизиб, тор симлари узра сурилган бармоқлари зиркирай бошлади. Аммо иккинчи бўлим тамом бўлгунича бисотидаги янги қўшиқларнинг ҳаммасини айтди. Унинг дилрабо овозида гоҳ васл қувончи янграр, гоҳ ҳижрон изтироблари инграр, гоҳ шодон ҳазил оҳанглари мавжланарди.

Ниҳоят, конференсье концерт тамом бўлганини эълон қилди. У томошабинлар билан хайрлашиш учун сахнага чиққанида ҳаммаёқ яна денгиз тошқинидай гувуллаб кетди.

Саҳна четидаги зинадан гулдаста кўтарган қатор-қатор одамлар чиқиб келишарди. Энг аввал, унинг олдига каттакон гулдаста кўтарган чиройли жувон етиб келди. Алимардонни кучоқлаб, қўлига гул тутқазди. Шу ондаёқ у чаккасида аёлнинг титроқ иссиқ лабларини туйди. Димоғига аллақандай хушбўй атир иси гупиллаб урилди.

Алимардон қайрилиб қарагунча, бошқа одамлар уни ўраб олди. У кучоғига тўлиб, кўз ўнгини тўсиб қолган гулларни қаерга қўйишини билмас, шу тобда оёғининг тагигача гулга тўлиб кетган эди.

Парда ёпилганидан кейин гулларни конференсье қизга топширди-да, нимқоронғи, тор йўлакдан ўтиб,

ховлига чикди. Галстугини ечиб, чўнтагига солди-да, ёқасидаги тугмаларини тушириб, намхуш куз ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди.

Асфальт йўлкалар қорайиб қолганини, шивалаб ёмғир ёғаётганини шундагина билди.

Пошналари билан қоронғи сукунатни чарсиллатиб титратганча йўлқадан ўтиб, боғ чеккасидаги темир панжара олдига келди. Панжаранинг пастак эшикчасини очиб, ичкари кирди, «Волга»сининг моторини гуруллатди.

Алимардон машина ҳайдашни мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ амакисидан ўрганиб олган эди. Ўшанда ғалати ишлар бўлганди.

Бир йили колхоз раиси унинг амакисини анҳор ёқасидаги катта боққа қоровул қилиб қўйди. Ўша йили узум яхши бўлди. Ёзда Алимардон ҳар кеча катта боғда ётиб қоларди. Бир кеча чайлада ухлаб ётганида амакиси уйғотди: «Дарвоза ёнида машина турипти. Узумларнинг яхши-яхшисидан танлаб уз...» – деди. Алимардон энди оғиз очмоқчи эди, амакиси гапиртирмади: «Айтганимни қилавергин, машина ҳайдашни ўргатаман». Икковлари қўлчиноқ ёкиб, ишқомга киришди. Амакиси машинани ҳайдаб кетар экан, тайинлади: «Ҳеч кимга айтма. Велосипед олиб бераман!»

Ўша кундан бошлаб Алимардоннинг иши юришиб кетди. У кечалари амакиси билан ишқом оралаб, кундузлари машинадан чикмайдиган бўлди.

Кузда у еттинчи синфга соат тақиб, велосипед миниб борадиган бўлди.

Келгуси йил ёзида Алимардоннинг яна омади келди. Аммо энди у пишиқ бўлиб қолган эди. Амакисидан узум ҳақининг ярмисини талаб қиладиган бўлди. Ҳамма иш силлиқ бораётган эди-ю, кузда лоп этиб амакиси қамалиб кетди. Алимардон амакисининг шалтоғига ўзи ҳам тўйиб кетишидан қўрқарди. Хайрият, ҳеч нима қилмади. Лекин

энди уларни катта боққа яқин йўлатмай қўйишди. Қизик, амакиси ўн йилга камалганини эшитганида ачинмади ҳам. Баҳонада ўзининг бир нималик бўлиб қолгани, машина ҳайдашни ўрганиб олганига суюнди.

«Волга» сотиб олганида, бир вақтлар машина ҳайдашни ўрганиб қўйгани яна қўл келди. Наридан-бери ҳайдовчилик курсини битириб, гувоҳномалик бўлиб олди. У янги уйланганида Муқаддамни қанчалик яхши кўрган бўлса, энди машинасини ҳам шунчалик суярди. Ҳозир ҳам фараларнинг ёрқин нурида асфальт йўлакни ёритиб, машинани авайлаб катта кўчага олиб чиқди. Театрдан қайтаётган томошабинлар тўдасини ёриб ўтди, шиддат билан елиб кетди.

Муюлишга етганда икки қаватли уй олдида турган оқиш «Волга»ни кўрди. Машинанинг эшиги очилиб, оқ халат кийган киши тушди-да, кафти билан чирокдан кўзини пана қилиб чекинди. «Тез ёрдам» экан, деб ўйлади Алимардон йўлдан кўз узмай бораркан. Бир лаҳзада четлаб ўтишни ўйлади-ю, шу ондаёқ фикридан қайтди. Тезликни пасайтирмасдан елиб бораверди. Иккала машина ёнма-ён келганида йўл ўртасидаги ҳалқоб сув сачраб кетди. Алимардон «Тез ёрдам»га ёпишиб турган кишининг халати расво бўлганини, орқадан қўл силтаб алланима деб койиганини кўриб қолди. Лекин парво қилмади. «Жон керак бўлса, четроқ турсин-да!»

* * *

Анвар Бўстонга қандай келиб қолганини ўзи тушунмасди. Ким билсин, балки ўтмиш хотиралари билан хайрлашиш учундир...

Қоронғи тушиб қолган, ҳаво булут, юракни қон қилиб юборувчи куз ёмғири бошланай-бошланай деб турарди. У кишлок кўчаларидан ўтиб бораркан,

хаммаёк ўзгариб кетганини кўрди. Аввалги эгри-бугри тор кўчалар ўрнида янги асфальт йўл очилган эди. Негадир унга кишлоқнинг анча ўзгариб қолган янги манзараси ёқмади. Аввалги боғ-роғларнинг кўпи йўқ бўлиб кетибди. Кишининг нафасини қайтарувчи шаҳар ҳавоси сезилиб қолибди. Бир пайтлар ўзининг болалиги ўтган ҳовли ўрнида тўрт қаватли уй қурилибди. Ёнғоқзор қирқилиб кетибди.

У кўча четидан секин-секин юриб бораркан ҳозир Муқаддамни кўришини билар, аммо қай ҳолатда учратишни, ўзини кўрганда унинг қандай аҳволга тушишини тасаввур эта олмас эди.

Ҳар одамда ҳам бошқа ҳеч кимда топилмайдиган бирон фазилат бўларкан. У Эътибордан – онаси кўп эслайдиган қиздан Муқаддамда йўқ бир фазилатни топди. Эътибор Ядро институтида ишлар, жиддийлиги, оқида қиз эканлиги билан Анварга ёққан эди. Анвар бу қиз ўзини яхши кўриб қолганини билар, аммо ўзи уни севадими, йўқми, билолмас эди... Бари бир, энди ҳамма нарса ҳал бўлган, ортиқча иккиланиб ўтиришнинг хожати йўқ эди.

У хаёл билан Алимардоннинг эшигига келиб қолди. Алимардон янги уй солганини эшитган, аммо бунчалик деб ўйламаган эди. Пишиқ ғиштдан болохонадор қилиб солинган каттакон уй қадини баланд тутиб турар, деразаларига темир панжаралар тўсилган эди.

Анвар пештоғида чироқ ёниб турган жимжимадор дарвоза олдига етганида, бирдан юраги гупиллаб кетди. Шундагина кўнглининг бир чеккасида кул босиб ётган чўғ ҳамон ўчмаганини, бу ерга бекор келганини англади. Аммо ички бир куч – Муқаддамни кўриш орзусими, бошқа бир нарсами, мажбур этди-ю, эшикни тақиллата бошлади. Кейин дарвоза чеккасида оппоқ тугмача турганини кўриб, хижолатда тугмачани босди.

Ичкаридан калишнинг шап-шап этган товуши дарвозага яқинлашди. Зум ўтмай аёл кишининг товуши эшитилди.

– Мардон ака...

«Муқаддам!» – Анвар юрагининг аллақасерида нозик бир тор жаранглаб кетганини сизди. «Нега келдим? Майна бўлганими? Ё мақтанганими, қасос олганими?»

У томоғи қуриб, ютинолмай қолганини, лаблари ўзидан пирпирай бошлаганини пайқади-ю, қатъий пичирлади:

– Кетиш керак!

Йўқ, у кечикканди. Дарвоза ичига ўрнатилган эшик гийқиллаб очилди.

– Вой!

Анвар Муқаддамнинг бирдан чўчиб кетганини, ҳуркиб бошини ичкари тортганини кўрди. Иккови бир-бирларига тикилиб қолишди. Анвар бир қарашдаёқ унинг ранги ўчиб кетганини, эшик туткичидан ушлаб турган қўли титраганини сизди. Шундан кейингина унинг анча ориқлаб, қорайиб қолганини, кўзларида аввалги шўхлик учқунлари йўқлигини пайқади. Муқаддам бошига рўмол ташлаб, гулдор халат кийиб олибди.

Чамаси, у Анвардан кўра илгарироқ ўзига келди. Юзига илиқ бир қизиллик югурди-да, жилмайиб салом берди.

– Келинг.

У эшикни очиб, икки қадам орқага чекинди.

– Келинг, – деди яна секингина.

Шу топда Анварнинг кўзи унинг тугмалари очик халатига тушди. «Иккиқат экан!»

Қизик, Анвар ўзида ҳали ҳеч сезилмаган ажиб бир энгиллик ҳис этди. Бу одам ўзига бутунлай бегона эканлигини, керак ҳам эмаслигини бутун вужуди билан тушунди-ю, қалбида қайта ловиллаган ўт тўсатдан сўнди. У қандайдир лоқайд, хотиржам бўлиб қолди.

– Алимардон қаерда? – деди босиқлик билан.

Муқаддам ҳам унинг кўнглидан кечганларни тушунди шекилли, яна жилмайди. Бу табассум севгили кишига эмас, кўпроқ сингилнинг акасига қарашидай эркин, сокин эди.

– Концертда эдилар...

– Шанба куни тўйга боринглар.

Анвар Муқаддамнинг чехрасида бир лаҳза ғам соясига ўхшаш аллақандай ҳайрат пайдо бўлганини пайқади. Аммо шу ондаёқ у яна жилмайди.

– Табриклайман...

Анвар бу ерда узок турмаслиги кераклигини билиб, тезгина хайрлашди-да, жўнаб кетди. У Муқаддам орқасидан тикилиб турганини билар, шунинг учун қайрилиб қарамас эди. Анчадан кейин эшикнинг тарақлаб ёпилганини эшитиб, ўгирилиб қаради. Остона бўм-бўш эди.

– Иккиқат экан... – у юрагининг ярасига малҳам топилганидан шод бўлгандек, яна бир бор пичирлади.

Шивалаб ёмғир ёға бошлади. Ҳавода тупроқ иси гуркиради. У Қонкус бўйига келганда ёмғир тезлашиб кетди. Қишлоқ ўзгача тус олган бўлса ҳам анҳор ўзгармабди. Қирғоқда ҳамон ўша қамишзор шовуллаб ётар, сув ҳамон жимгина оқар эди. Анҳор бўйидаги толлар ҳам жойида турибди. Фақат биттасининг каттакон шохи синиб тушиб, бир учи сувга осилиб қолибди. Тўлкинлар ғира-шира зулмат кўйида тол шохларига урилиб шовуллайди, ёмғир томчилари анҳорга унсиз шивалаб тушади.

Анвар ёмғирдан сирғанчиқ бўлиб кетган яккачўп устида анчагача сувга тикилиб турди-да, авайлаб юриб, нариги соҳилга ўтиб олди. Охири марта анҳорга қараб кўйди-да, тез-тез юриб кетди.

Алимардоннинг таъби тиррик бўлиб келди. Машина-сини ҳовлига олиб кирди-да, ўртадагаи цемент майдончада тўхтатиб, ерга тушди. Ёзлик шийпон пештоғидаги чирокни ёқди. Резинка ичакни водопровод жўмрагига улаб, машинани юва бошлади.

Ёмғир шивалаб ёғар, уст-боши шалаббо бўлиб кетган, нафаси кисар, аммо ўжарлик билан резинка ичакни қўйиб юбормасди.

– Лоақал пальто кийиб олсангиз-чи, шамоллаб қоласиз!

Алимардон хотинининг товушини эшитиб, бурилиб қаради. Муқаддам бир тавақаси очилган дарвоза олдида эрига ачиноиб қараб турарди. У ўтган сафар кўркиб қолгани учунми, энди бўйида бўлганидан бери ўзини айниқса эҳтиёт қилар, ишдан ҳам бўшаган эди.

– Пальтоингизни олиб чиқайми? – деди у ҳамон деразадан қараб тураркан.

– Керакмас! – Алимардон резинка ичакнинг учини қаттиқ қисди. Сув тизиллаб отилиб, машина эшигига ёпишган лойни ювиб туша бошлади.

Дераза тавақаси оҳиста ёпилди.

– Билганини қилмайдими! – пичирлади Муқаддам ўқинч билан. У диванга бориб ўтирди-да, чала қолган каштасини тика бошлади. У ўзини алаҳситишга, кўнглидаги ўқинч соясини ҳайдашга ҳаракат қиларди.

Мана, тўйдан буён икки йил ўтибдики, шу азоб. Алимардон ҳамиша у айтганининг тескарисини қилади. Бир оғиз ортиқча гапириб кўрсин-чи! Ўша қиш кечасида айтган гапини қайтаролмайди дейсизми?

Нима қилсин? Дардини кимга айтсин? Отасигами? Ё онасигами? «Ўзинг кўнгил қўйиб теккансан», дейишмай-дими?

У баҳорда боласи тушганидан кейин жуда чўкиб қолган эди. Йўқ, хайриятки, толе яна фарзанд ато қилди. Фақат эрининг инсофга келмагани ўртайди Муқаддамни. Бугун Анвар келиб кетганидан кейин Мардон акасининг силтаб-силтаб гапириши нимагадир яна оғирроқ ботди унга...

...Алимардон машинасини гаражга киритиб қўйгунча ярим кечадан ошиб кетди. У ваннага тушди. Шалаббо бўлиб кетган кийимларини алмаштирди-да, ўз хонасига кирди.

Деворга қимматбаҳо гиламлар қоқилган, шифтдаги каттакон биллур қандил уй ичини мунис, эркаловчи нурларга тўлдирган эди.

Алимардон дераза олдида турган рояль қопқоғини очиб, чала бошлади. Машҳур «Оққуш кўли» балетининг жўшқин оҳанглари хонани тўлдириб юборди. Алимардон ундан ҳар гал янги оҳанг топар, куйнинг сеҳрли оламига кириб кетарди.

Бир маҳал у эшик очилганини кўриб, ёнламаси бурилиб қаради. Эшик олдида Муқаддам турар, афтидан, бир нима демокчи бўлар, аммо эрига халақит беришдан чўчир эди.

– Нима гап? – деди Алимардон ниҳоят нотадан бош кўтариб.

– Ўртоғингиз келди...

Алимардон киприкларини пирпиратди:

– Ким?

Муқаддам бир нафас жим қолди-да, секингина айтди:

– Анвар.

– Ки-и-м? – деди Алимардон чўзиб. Кўзлари чакнаб кетди. Муқаддам индамай тураверди.

– Нима хизматлари бор экан?! – деди Алимардон жеркиб.

– Тўй қилаётган эмиш. – Муқаддам эрига хотиржам тикилиб туриб, қўшиб қўйди: – Шанба кунини...

Алимардон унинг кимга уйланаётганини билгиси келди-ю, сўрамади. «Менга нима?» У Муқаддамнинг билинар-билинемас доғлар пайдо бўлган чехрасидан маъно уқмоқчи бўлгандай, кўзига қараб туриб сўради:

– Қачон келди?

– Ҳали, – деди Муқаддам яна ўша оҳангда.

Алимардон индамасдан рояль устига эгилди. Энди чала бошлаган эди, хотинининг нозик кафти елкасига текканини сезиб тўхтади.

– Борасизми? – Муқаддамнинг қайноқ нафаси унинг қулоғи остида пичирлади. – Тайинлаб кетди. – Муқаддам унинг сочларини бармоқлари орасига олиб силади. Чамаси, у айниқса бугун эрининг ўзига меҳрибонроқ бўлишини хоҳлар, бу нарса жуда муҳимдек туюларди.

Аmmo Алимардон унинг қўлини силтаб туширди.

– Кўп суйкалаверма!

Муқаддамнинг хўрлиги келиб, кўзида ёш халқаланди. «Нега ҳадеб жеркийди? Нимага хор қилади? Ахир у ҳам умид билан уйим-жойим деб юрибди-ку!»

Муқаддам эрининг атайлаб шундай қилаётганини пайқади-да, бир амаллаб кўз ёшини ютиб юборди. Шунча пайтлардан буён юрагининг қайси бир кўчасида яшириниб ётган қайсар ғазаб туйғуси лоп этиб юзага чиқди.

– Нимага силтайсиз? – деди лаблари пирпираб.

Алимардон нотадан кўз узиб қаради-да, унинг гапини эшитмагандай, эрмак қилиб кулди.

– Анвар акангизни меҳмон қилдингизми?

Муқаддам ғазабдан титраб пичирлади:

– Ҳа! Қилдим!

Алимардон боягидан ҳам ёйилиб кулди.

– Йиғлаб кўришгандирсизлар?.. Бир вақтлар яхши кўрардингиз... Соғиниб қолгансиз...

Муқаддам унинг юзига тарсаки қўйиб юборгиси келди-ю, зўр-базўр ўзини тийди. Алам билан ер тепиб чинкирди.

– Бўлди!

У жаҳлдан оёқ-қўллари калтираб, эрининг тепасида турар, бошқа пайт бўлса йиғлаб юборган бўлар, лекин кўз ёши ҳам, ўкинчи ҳам аллақаяёққа йўқолган, унинг кўнглида фақат ғазаб қолган эди.

– Ҳаммани ўзингизга ўхшатманг! – деди кўзлари ёниб.

Алимардоннинг ранги бир оқарди-ю, аммо яна ўша эрмак килувчи кулги билан ўзини босди.

– Майли, бораман, ўша қўймижоз акангизнинг тўйига... Сизнинг ҳам кўнглингиз қолмасин...

Муқаддам ижирғаниб, юзини бурди.

– Борманг! Ҳеч ким сизга зор эмас!

Алимардон стулдан секин турди-да, унинг худди қулоғи тагида таъкидлади:

– Мана шунинг учун ҳам бораман. Албатта, бораман!

Муқаддам қайрилиб қарамай, эшикни қарсиллатиб ёпиб, айвонга чиқди. Ҳамон ёмғир шивалаб ёғар, ховлидаги ёнғоқлар, ўртадаги шийпон захкаш зулмат қўйнида мунғайиб кўринар эди.

Муқаддам айвон деразасининг муздек қиррадор раҳига пешанасини босди. Шу топди унинг кўнглида умид ҳам, қувонч ҳам қолмаган. Алимардон билан ўзининг ўртасида каттакон жарлик ётганини, бу жарлик кун сайин чуқурлашиб бораётганини сезиб турарди.

* * *

Концерт кеч тамом бўлди. Алимардон ҳар галгидай бу сафар ҳам буфетга кириб, коньяк ичди. У фойега чиққанида ярим кеча бўлиб қолган, театрнинг чироқлари ўча бошлаган эди. У ташқарига чиқиб кетаётган эди, гар-

деробхонада бир аёл тикилиб турганини сезиб тўхтади. Катта қандиллар ўчгани учун фойе нимкоронги, ҳеч ким йўқ эди. «Ким экан бу?»

Аёл илгакка осиклик ёмғирпўшини олмоқчи бўлар, аммо бўйи етмас, оёғининг учида чўзилиб талпинарди. У Алимардонга бурилиб қаради-да, кўмак кутгандай жилмайиб қўйди. Алимардон бу тиниқ чехрани, бу илиқ табассумни қаердадир кўргандек бўлди-ю, аммо эслай олмади. «Дўндик экан!» Унинг юраги гурсиллаб уриб кетди. Аёл яна ёмғирпўшига талпинди-да, унга бурилиб жилмайганча, уф тортиб қўйди.

«Атайлаб кияпти. Гардеробчи аллақачон кетиб қолган. Бу атайлаб кечиккан». – Алимардоннинг хаёлига шу ўй келди-ю, тез-тез юриб, аёлнинг ёнига борди.

– Олиб берайми?

– Майли... – аёл унга қараб, тагин жилмайиб қўйди.

Алимардон плашини илгакдан чиқарди.

– Қани, қўлингизни узатиб юборинг...

Аёл ҳамон ўша табассум билан қўлини орқасига чўзди. Алимардон плашни кийгизди-да, бир лаҳза қўлларини унинг елкасига қўйиб, туриб қолди. Аёл ҳам унинг оғушидан чиқишни хоҳламагандай суяниб турганча тугмаларини қадар, негадир бармоқлари қалтирар эди.

«Барно қиз экан», деб ўйлади Алимардон унинг елкаси оша чехрасига назар ташлаб. Аёл чиндан ҳам барно эди. Жажжигина қабарик лаблари, попукдай қош-кўзи ниҳоятда ўзига ярашар, чиройли қилиб турмакланган сочининг бир чети пешанасида ярим доира ясаб, орқага қайрилиб кетган эди.

– Кузатиб қўйсам майлими? – сўради Алимардон у билан ёнма-ён эшик томон юриб бораркан. – Бир ўзингиз... Кеч қолиб кетибсиз.

Аёл унга шўх бир назар ташлади-ю, индамади. Алимардон шу боқишданоқ унинг рози эканлигини билди.

Икковларининг қадам товуши паркетга урилиб, жимжит шифтлар остида акс садо бериб турди-да, бора-бора тинди.

Ҳаво очилиб кетган, салқин шамол эсар, телевидение минорасининг қир учида пуфакдай тўлин ой осилиб турарди.

– Бирпас туринг, мен... ҳозир... – Алимардон тез-тез юриб, театр биносини айланиб ўтди-да, машинаси турадиган темир панжара ичига кирди. Шоша-пиша чўнтагидан калит олиб, машина эшигини очди. Моторни гуриллатиб, кўз очиб-юмгунча ташқарига чиқди.

Аёл фараларнинг ёрқин нурида кўзини пана қилиб четлашди. Алимардон ўтирган ерида чўзилиб, ўнг тарафдаги эшикни очди.

– Ўтиринг.

Аёл ёмғирпўшини шилдиратиб, унинг ёнига ўтирди.

– Сизни қаердадир кўрганга ўхшайман, – деди Алимардон йўлдан кўз узмай бораркан.

– Сиз биздақаларни кўрарминдигиз!

Алимардоннинг кўнглидаги умид ишончга айланиб, жилмайиб қўйди.

– Отингиз нима?

– Клара...

Алимардон катта кўчага чиқиб олиш учун машинани чапга бурган эди. Клара сурилиб келиб унга урилди. Шу кўйи қайта нари сурилмади. Алимардон баданига тегиб турган ёш, таранг вужудни сезиб, ҳаяжонланиб кетди, юраги орзика бошлади.

Шу топда кўчалар айникса кезишли бўлган, милиционерлар мотоцикли-ю, сув сепадиган машиналардан бошқа ҳеч нима йўқ, икки қатор чироклар маржони машина истикболиги югуриб келарди...

Хадрага етгандан кейингина қаёққа боришини сўраши кераклиги Алимардоннинг эсига келди.

– Қаёққа борасиз, Кларахон? – деди хотиржам оҳангда гапиришга уриниб.

– Чилонзор...

– Йўлимиз бир экан.

– Биламан.

Алимардон унга кўз кири билан қараб қўйди.

– Қаёқдан биласиз?

– Сизни билмаган одам борми? – Машина ичи ғирашира қоронғи бўлса ҳам Алимардон Кларанинг чиройли кўзларини сузиб қўйганини пайқади.

– Фақат сиз ҳеч кимни билмайсиз... – Клара бир лахза жим кетди-да, негадир армонли оҳангда кулди. – Ҳар сафар концертингизга тушаман. Берган гулларимни оласиз-у, қайрилиб ҳам қарамайсиз.

Алимардон концертда ўзини ўпган аёлни эслади. «Ҳа, шу экан-да...» – У индамай кулиб қўя қолди.

Беш қаватли панелли уйлардан бирининг олдига етганда Клара секингина шипшиди:

– Чапга юрасиз...

Машина парча-парча ой нури сочилиб ётган йўлакдан дарахтлар орасига кириб тўхтади. Бир эшикдан Алимардон, наригисидан Клара тушди.

– Раҳмат, – Клара қўл чўзди.

Алимардон унинг чиройли, дўмбоқ қўлини авайлабгина қисаркан, вужудида тагин енгил титроқ уйғонганини сезди.

– Зинангиз қоронғи экан, – деди у қоп-қора оғзини ланг очиб турган йўлак эшигига қараб. – Чиққани кўркмайсизми?

– Сизга бари бир эмасми? – Клара ҳамон унинг қўлини қўйиб юбормас, ойдинда чехраси бир оз рангсиз, аммо жозибали кўринарди. Алимардон унинг қўйиб юборгиси келмаётганини тушунди. Боядан бери хаёлида чарх ураётган фикр яна ғимирлади. «Беш кунлик дунёда хотинга хиёнат қилмаган эркак борми?»

Шартта кўлини бўшатиб, асабий ҳаракатлар билан машина эшигини кулфлади-да, қайтиб келди, уни кўлтиклади.

– Юринг.

Икковлари қоп-коронғи цемент зиналардан чиқиб боришаркан, Алимардоннинг кўнглида кўрқувгами, ғашликками ўхшаган туйғу уйғонди.

– Уйингизда ким бор? – деди коронғида қаттиқ шивирлаб.

Клара пиқ этиб кулди.

– Шунақа кўрқокмисиз?!

Учинчи қаватдаги эшиклардан бирини очишди. Клара «чиқ» этиб чирокни ёкди. Уй шинамгина, дид билан безатилган эди. Бурчакда, дераза олдида магнитола турар, қарши томондаги девор тагида диван-каравот қўйилган, бериги бурчакда каттакон шифоньер бор эди.

– Ўтиринг, – Клара ўртадаги стол ёнида турган стулни унинг олдида суриб қўйди. Алимардон ўтирмади. Девордаги ранг-баранг суратларни томоша қила бошлади. Булар журналлардан кесиб олинган расмлар, киноюлдузларнинг суратлари эди. Бирдан у ўртада ўзининг суратини кўриб қолди. Бу ўша – афишаларда чикқан расми эди.

Алимардон ҳам қувонч, ҳам завқ билан унга бурилиб қаради. Аммо Клара атайлаб магнитола устида куйманар, тасмаларни танлаган киши бўларди. Алимардон яна суратларни томоша қила бошлади. Қуйирокда Кларанинг сурати осилган эди. У қора кош, сочлари жингалак йигитга суяниб турарди.

– Бу... акангизми? – У «Эрингизми?» демоқчи бўлди-ю, атайлаб айтмади.

Клара елкаси оша бепарво қараб қўйди.

– Ҳа... акам...

Алимардон ҳеч қайси сингил акаси билан бунақа туриб суратга тушмаслигини билгани учун мийиғида кулди.

– Яхши акангиз бор экан. Қаерда ҳозир?

– Ўлган... Музыка эшитасизми? – Клара унинг жавобини кутмасданок, магнитолани буради.

Денгиз тўлқинидай тиниқ куй янгради. «Штраус... Мовий Дунай вальси», деб ўйлади Алимардон. Ҳар гал шу куйни эшитса, негадир куёшнинг туманли нурларига тўлган ўрмон, ундан пастроқда ўзининг тўлқинларини оҳиста судраб оқаётган мовий дарё кўз ўнгига келарди. У ҳозир ҳам кўзларини юмиб, ҳузур қилиб тинглай бошлади.

– Ўтиринг, – деди Клара унинг елкасига оҳиста туртиб. – Ҳозир қаҳва қайнатамиз. Ичасизми?

Алимардон ўзи билмаган ҳолда бош силкиб қўя қолди.

...Клара шифоньернинг тошойнаси олдига бориб, ўзини ойнага солди. Алимардон унинг кўзгудаги аксини кўриб турарди.

– Қараманг, – Клара ширин жилмайиб, бармоғи билан пўписа қилди. – Уят бўлади.

Алимардон тентакларча бир эхтирос вужудини ёндира бошлаганини сезиб, истамай тесқари ўгирилди. Лекин зимдан унинг ҳаркатларини кузата бошлади. Клара аёлларга хос чиройли ҳаракат билан сочини орқасига ташлаб юборди. Кейин ўз эри олдида тургандай бемалол ечина бошлади. Алимардон унинг мрамардай оппоқ, таранг елкаларини кўрди-ю, беихтиёр ўрнидан турди. Югуриб бориб маҳкам кучоқлаб олди.

– Қочинг! Тегманг! – Клара негадир кўзларини яширар, аммо борган сайин унинг пинжига кириб борарди.

... Шу кеча Клара негадир йиғлади. Ким билсин, балки тўнғич севгисини эслагандир...

Алимардон тонг қоронғисида зулмат зиналардан тушиб кетди. Унинг кўнгли ғаш, баданига аллақандай ифлос бир нарса ёпишиб қолгандай эди.

Машинасига ўтирди-ю, лоқайдлик билан ҳайдаб кетди.

Яна ярим соатдан кейин Алимардон уйда, диван-каравотда чалқанча ётар, Муқаддам унинг тепасида кўзига тикилиб ўтирарди. У ич кўйлак устидан халатини кийиб олган, сочлари паришон, кечаси билан ухламаган бўлса керак, кўзлари қизариб кетган, чехраси ҳорғин эди. Алимардон хотинининг оёқларига, халат остидан кўтарилиб турган қорнига, озғин, ҳорғин чехрасига қараб ижирғанди. «Оёғи мунча ингичка! Товуқникига ўхшайди. Уйланаётганимда кўзим қаёқда эди!»

У чуқур уф тортиб, тескари бурилди.

– Тўйдамидингиз? – деди Муқаддам ниҳоят уй ичидаги ўлик сукунатни бузиб.

«Қайси тўйни айтяпти? – Алимардон бир лаҳза ўйланиб колди-ю, бирдан миясига урилди: «Ҳа-а! Бугун Анварнинг тўйи эди-ку!» – У лабларини қимтиб олди. Бир лаҳза юзлари уятдан ловиллаб кетганини сезди. Лекин шу ондаёқ ўзига тасалли берди. «Нима, ўтқизиб қўйибдимени менга?! Тўйи менсиз ҳам ўтаверади!»

– Ҳа, тўйда эдим! – деди жеркиб.

* * *

Биринчи қор ёғиши билан Алимардоннинг эски дарди кўзиди. Бронхит тўшакка миҳлаб қўйди. Аксига олиб, бу йил киш жуда қаттиқ келди. Қора аёз еру кўкни қаҳрига олиб қақшатар, кечалари даҳшатли совуқдан дарахтларнинг шохи қарсиллаб синарди. Кейин гупиллатиб қор ёғди.

Муқаддам ой-куни яқинлашиб қолгани учун унинг ҳолидан яхшироқ хабар ололмасди. Охири Алимардон касалхонага тушди. Докторлар вақтинча қўшиқ айтмаслиги, ичмаслиги кераклигини айтишди. Лекин Алимардон соғайиб чиққанидан кейин Гаграга – курортга йўлланма олган жойида айниди: декабрь ойида театр Японияга гастролга бориши керак эди.

У яна ишини бошлаб юборди.

Алимардон ҳамон ойга ўхшар эди. У кун сайин тиниклашиб, кун сайин ёрқинлашиб, заминдан узоқлашиб борарди-ю, бир нарсани билмасди. Ой энг баланд нуқтасига етгандан кейин пастга шўнғишга мажбур бўлишидан беҳабар эди.

У ҳамон аввалгидай қошини бир оз чимириб, табассум билан кўшиқ айтар, залнинг олдинги қаторида кўзлари ёниб ўтирган жувонлар ўзини хаёлан кучоклаётганини билиб турар, деярли ҳар ҳафта Клара билан учрашар, янги-янги жазманларни топар, аммо энди аввалгидек ўзидан-ўзи жирканиб юрмас эди.

Фақат янги куйлар басталаш ҳам, олқишлар ҳам кўнглига сиғмай қолди. «Одамлар борини ҳазм қилиб турсин-чи!» Қизик, негадир одамлар ҳам уни аввалгидай олқишламас, шифтни кўчириб юборгудек қасрак чалишмасди.

Алимардон ишга жўнаётганида бугун ўзи учун ҳам энг мудҳиш, ҳам энг қувончли кун бўлишини ўйламаган эди.

У рулга ўтиргиси келмади. Троллейбусдан тушганида оқшом қўнган эди. Майдалаб қор ёғар, театр олдидаги боғча бутунлай кўмилиб кетган, пастак дарахтлар юкиннинг оғирлигидан нолигандай бош эгиб турарди. Унинг ўпкаси совуқ ҳавога тўлиб, яна нафаси қисди. Бир лаҳза тўхтаб қолди.

Боғ устидаги чироклар бирин-сирин ёнди. Ҳаммаёк алланечук гўзал, жозибадор бўлиб кетди. У кўпдан буён ўзи билан ўзи овора, табиатга мана шундай назар солмаган эди. Ҳозир ажиб бир манзарани кўрди. Ҳавода учкунлар кезар, чирокларнинг қалпоғи остидан элак-элак қор қуюлар, жимгина кузатиб турган одамга қор ерга тусаётгандек эмас, ернинг ўзи секин-секин осмони фалакка кўтарилиб кетаётгандек туюларди.

Унинг ёнида кўнғироқдек кулгу садоси янграб кетди. Боғ ичкарасидан тиззагача қор кечган қиз югуриб чикди. Унинг рўмоли ҳам, пальтоси ҳам қорга бурканган, чирок нурида кип-қизариб кетган чиройли чехраси яшнаб кўринади. Зум ўтмай унинг кетидан бир йигит югуриб чикди. Йигитнинг ҳам пальтоси, кепкаси қорга бурканган.

Йўлка четида йигит қизни қувиб етди. Кўлидаги юмалоқланган коптокдай қорни баланд кўтариб, қизнинг пешанасига яқин олиб келди.

– Нима қилай, – деди қулиб. – Қани, нима қилай?

Қиз ҳамон кўнғироқдек кулар, сокин боғ унинг шодон қаҳқаҳаси билан тўлган эди.

– Бўлди, – қиз кула-кула кафти билан юзини тўсди. – Бўлди, Марат ака, тавба қилдим...

Йигит қорни улоктириб юборди-да, бурилиб қараб, йўлка ўртасида турган Алимардонни кўриб қолди. Қизни оҳиста қўлтиқлаб олди. Уларнинг бир-бирига монанд гавдаси чироклар нурини кесиб ўтиб қоронғилик қўйнига сингиб кетди.

Алимардон севишганларнинг кетидан узоқ қараб қолди. Шу топда унга алам қиларди: ўзининг ҳеч қачон шундай юрмагани, энди ҳеч қачон юролмаслиги алам қиларди.

У ёлғизоёқ из тушган йўлдан юриб, боғдан чикди. Театрнинг баланд пештоғида камалакдай нур порлар, чирок остида яшнаётган афиша ойнаси ичида ўзининг сурати узоқдан яққол кўриниб турарди. Касса олдида одам сийрак эди.

Алимардон тез-тез юриб, орқа эшикдан ичкари кирди. Қоронғи йўлакдан ўтди, учраган ҳамкасбларининг саломига бошини билинар-билинемас кимирлатиб алик олиб, гримхона эшигини очди. Шошилмасдан кийинди.

Яна чорак соатдан кейин Алимардон Тўраевнинг номи зал устида қанот қокди. У қарсақлар оғушида торини

кўтариб, сахнага чиқиб келаркан, нимқоронғи залга зимдан назар ташлаб қўйди. Одамлар сийраклигини кўрди-ю, ҳафсаласи қайтди. Шундоқ бўлса ҳам ўша – одамларга таниш табассумни чехрасига қалқитиб чиқарди.

Зал устида тор садолари парвоз этди. Кетидан Алимардоннинг майин овози юмшоқ қанот силкиди. У биринчи қўшиқни яхши айтди. Лекин иккинчисининг авжига чиққанида нафаси қисила бошлади. Шунда ҳам қайсарлик билан учинчи ашулани бошлади. У нафаси бўғзига тикилиб қолаётганини билар, пешанасидан тер қуюлар, аммо қўлида тор бўлгани учун артиб ололмасди.

Бир амллаб қўшиқни тугатди-да, парда орқасига ўтди.

Конферансье қиз сахнага чиқиб келаётган эди, жаҳл билан шивирлади:

– Бошқасига гал беринг!

Қиз хайрон бўлиб тўхтаб қолган эди, жеркиб берди:

– Нега анқаясиз? Бошқа одам чиксин.

Конферансье қиз тушунди шекилли, тез-тез юриб, микрофон олдига борди.

– Мутал Қодиров! – деди у баланд овоз билан.

Қорачадан келган, жингалак сочли, озғин йигит Алимардоннинг олдидан ўтиб, сахнага чиқди.

Алимардон сахна орқасига ўтиб кетаётган эди, гулдурос қарсақни эшитиб тўхтаб қолди. Одамлар гувуллаб чапак чалиб, ёш хонандани олқишлашарди.

«Иблис!» – Алимардон парда орқасидан секин мўралади. Мутал микрофон олдида туриб томошабинларга енгилгина таъзим қиларди.

«Иблис!» – деди Алимардон яна пичирлаб. У мана шу ёш бола ўзи билан рақобат қила бошлаганидан ғазабланар, унинг консерваторияни битирганини, ажойиб овози борлигини, одобли, билимдон хофиз эканини билар, аламдан қақшар эди.

Алимардон унинг овозини эшитмаслик учун тез-тез юриб, нимқоронғи йўлакка чиқди. Ёнбошидаги хонани тақиллатмасдан кириб борди. Зуфар Ходиевич бошини куйи солганча стол устидаги аллақандай қоғозларни ковлаштириб ўтирар, уй ичи тамаки тутунига тўлган эди. Зуфар Ходиевич уни кўрди-ю, оғир, каттакон гавдасини аранг кўтаргандай шошилмасдан ўрнидан турди.

– Келинг, азизим! – У Алимардоннинг қўлини ўзининг юмшоқ кафти орасига олиб қисди. – Бутунлай соғайиб кетдингизми?

Алимардон ўтирмади. Зуфар Ходиевичнинг тилла тишларига тик қараб сўради:

– Японияга қачон кетамиз?

Зуфар Ходиевич хижолат чеккандай бир унга, бир стол устидаги қоғозларга қараганча жимиб қолди.

– Биласизми, – деди анчадан кейин узр сўраган оҳангда. – Бизлар Мутал Қодировни ёзиб қўйган эдик.

«Нима?» – Алимардоннинг кўзига мана шу тор хона зиндондек кўриниб кетди. Ёш хонанданинг қорача чехраси кўз ўнгига келди-ю, аламдан тишларини ғижирлатди.

Зуфар Ходиевичнинг гапларини анчадан кейин эшитди.

– Сиз Болтиқ бўйига бордингиз. Бошқа республикаларда бўлдингиз... Ёшларга ҳам йўл беришимиз керак... – у бир лаҳза ўйланиб турди-да, қўшиб қўйди: – Уч кундан кейин Тожикистонга гуруҳ боради. Ўзингиз бош бўласиз.

Алимардон шартта бурилди-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

«Аблаҳ! – у Зуфар Ходиевичнинг юзига айтолмаган гапини пичирлаб ўзича такрорлади. – Аблаҳ! Аллақандай сўтакка алиштириб ўтирибсанми мени! Ҳали шундоқ додингни берайки, Театринг менсиз бир соат ҳам кун кўролмайдими!»

Шу кетганича уйга етганида ўзига келди. Дарвоза пештоғидаги чироқ ёқилмаган, деразалар зимистон эди. У қўнғироқ тугмасини узоқ босиб турди. Ичкаридан садо чиқмади.

«Ўлиб қолганми бу?» – Алимардон ғазаб билан яна узоқ босди. Ҳамон сукунат ҳукм сураб, қор уйни ҳам, Муқаддамни ҳам, ҳаётнинг ўзини ҳам оғир юки билан босиб қолгандай эди.

Бирдан унинг эсига тушиб қолди. «Калит! Калитни топиш керак!» Муқаддам у ёқ-бу ёққа чиқса, калитни дарвоза пештоғидаги тешикчага қўйиб кетгувчи эди. Алимардон қоронғида тимирскилаб калитнинг темир ҳалқасини топди. Тортиб олди-да, дарвоза ўртасига ўрнатилган эшикни очди. Қор босган йўлакдан ўтиб, айвонга, ундан ётоққа кирди-да, чироқни ёқди. Уй ичи нурга тўлди. Бурчакдаги тошойна, девордаги гиламлар яшнаб кетди. Диван-каравот бўш, Муқаддам йўқ эди.

«Қаёққа даф бўлибди!» – У ўз хонасига ўтди. Рояль қопқоғи устида турган бир варақ оқ қоғозни кўриб қолди, шошилиб борди. Юлиб олди-да, эгри-бугри қилиб ёзилган сўзларни ўқиди:

«Мардон ака, мени еттинчига олиб кетишди».

Тўсатдан унинг хаёлига яшиндай фикр урилди:

«Еттинчи туғруқхонага кетган!»

У машинани гараждан олиб чиқаркан, пичирлади: «Еттинчи.. Еттинчи... Қаёқда эди?.. Ҳа, Чилонзорда. Чилонзорда!»

Алимардон машинани елдириб кетди. Қор тинган, аммо йўллар кўмилиб кетган, кўчалар сирғанчиқ эди. У туғруқхона эшигига етиб келганида ярим кечадан ошганди.

Алимардон машина эшигини қарсиллатиб ёпиб, ёруғ нур тушиб турган эшик олдига борди. Ойнага ёпиштириб қўйилган рўйхатни шоша-пиша ўқиб чиқди. Тўраева де-

ган фамилия йўқ эди. У шиддат билан эшикни тақиллата бошлади.

Эшик ёнидаги жажжи дарча очилиб, оқ халат кийиб олган кампирнинг юзи кўринди.

– Нима дейсиз, болам? – деди кампир хаста оҳангда.

– Билиб чиқинг-чи, Тўраева нима бўлди экан...

Кампир Алимардоннинг илтижо билан тикилиб турган кўзларига қараб раҳми келди шекилли, дарчани очик қолдириб, бурилиб кетди.

Алимардон анча кутди. Совуқ кучайган, атроф жимжит, узокларда трамвайлар қийқиллар, туннинг қахратон сукунاتини бузишга аҳд қилгандай нола чекарди.

Анчадан кейин ичкаридан шип-шип этган қадам товуши эшитилди.

Алимардон токат қилолмай, дарчадан бошини сукди.

– Ҳа?!

Кампирнинг семиз юзи шодликдан ёришиб кетган эди.

– Ўғил муборак бўлсин, болам, ўғил! – деди у овози титраб. – Ҳозиргина кўзи ёриди. Ўн олтинчи палатада ётибди.

Алимардон титроқ қўлларини чўнтагига солди-да, илашиб чиққан пулни кампирга узатди. Кампирнинг гапларини эшитиб ҳам ўтирмай, зиналардан чопиб тушиб кетди.

Машинани ғизиллатиб уйга қайтаркан, юраги нурли бир туйғудан тўлиб-тошган эди.

– Отини Шавкат қўяман, Шавкат! Шавкатли кунларимдан хотира бўлсин! – дерди у пичирлаб.

* * *

Аёл киши бир бева қолганида, бир кўзи ёриганида кўнгли нозик бўлади, дейишади. Бир ҳафтадан буён даси билан онаси, гоҳо Лобар туғруқхонага галма-гал ке-

либ-кетишар, аммо Мардон акасидан дарак йўқ эди. Рост, у чакалоқ туғилган куннинг индинига бир марта келиб кетди. Муқаддам дераза олдига келиб ҳовлида турган эри билан имо-ишоралар қилиб гаплашди. Алимардон хурсанд кўринарди. Бошидаги кубанкасини ечиб олиб ҳадеб силкитар, жилмаяр эди.

Лекин ўшандан бери дараги йўқ.

Қайси куни онаси эринг Тожикистонга кетибди, деб гап топиб келди. «Нима, бир сафар гастролга бормаса, биров уришармиди? Уйда ҳеч ким бўлмаса? Бу ёқда пахлавондек ўғил кўрган бўлса?.. Арзимабдими?» Палатадаги хотинлар Муқаддам Алимардон Тўраевнинг хотини эканлигини билиб қолиб, ҳар куни суриштиришар. «Ўртоғингиз келса бизларга кўрсатасиз», деб илтимос қилишар эди.

Муқаддам дераза олдида тик турганча шуларни ўйлар, ўйлаган сайин кўнгли чўкарди.

Ҳовли қий-чув бўлиб кетди. Муқаддам дарпардани суриб мўралади. Неча кунлардан бери бугун куёш чарақлаб кетган, қор зарралари нурли кукунлардай ярақлаб кўзни олар, дарахт шохларига кўнган учқунлар дув-дув тўкилиб тушарди.

Пишиқ ғиштдан баланд қилиб ўралган девор тагидаги тепаликда болақайлар чана учишарди. Ана, бўйнини ола-була шарф билан ўраб олган қизалоқ, укаси бўлса керак, беш-олти ёшлардаги болақайни чанага ўтказди-да, тепаликдан итариб юборди. Чана уч-тўрт кулоч сурилиб пастга тушди-ю, ёнбошига бурилиб ағдарилди. Болақай муккасидан йиқилиб, қорга думалаб кетди. Бир амаллаб қордан чиқди-да, опасига қараб йиғлай бошлади.

Муқаддам унинг дўмбоққина қўллари билан кўзини ишқалашини кўрди-ю, завқланиб кулиб юборди. Юқоридан опаси чопиб тушди. Болақайнинг телпакчасини ечиб, қорини қоқа бошлади. Бирон нарс ваъда қилиб

овутди шекилли, укаси ҳали ёши қуримаган кўзларини катта-катта очиб, жилмайиб қўйди.

Мана, яна тўрт йилми, беш йилми ўтиб унинг ўғли ҳам худди шунақа йиқилиб-сурилиб, катта бўлиб қолади. Кейин жажжигина папка кўтариб мактабга боради. Ундан кейин... Муқаддам ширин хаёллар оғушида ҳузур қилиб, дераза раҳига суянди. Энди адаси ҳам инсофга кириб қолади. Ота бўлди, ахир. Аввалги ўдағайлашларини ташласа ажабмас... Шундай дейди-ку, унга ҳам қийин, ахир. Иши оғир, кўпчиликнинг кўнглини олиш осонми?

...Йўлакдан йиғи товуши эшитилди. Муқаддам чўчиб ўгирилди. У оналарга хос ички бир сезги билан шунча чақалоқ орасидан ўғлининг овозини – баланд, азамат йиғисини дарров ажратиб оларди.

Димоғига оқ дока тутиб олган ёш ҳамшира қиз чақалоқни кўтариб кирди. Муқаддам унинг қўлидан ўғилчасини олди, меҳр билан бағрига босди. Чақалоқ кўзларини чирт юмиб, жаҳл билан йиғлар, ҳалитдан билиниб қолган қоши чимирилиб кетган эди.

«Худди адасининг ўзи, – ўйлади Муқаддам унга жилмайиб тикиларкан. – Жаҳлини кўрмайсизми бунинг!»

Ҳамшира қиз эмиб бўлган чақалоқни Муқаддамнинг қўлидан олаётганида, ийманиб сўради:

– Кийимларингизни олиб келайми?

Муқаддам бугун кетиши кераклигини эрталаб доктордан эшитган эди.

– Майли, – деди хўрсиниб. – Ойимлар келгандирлар...

Унинг хўрлиги келди. Ҳозирги ҳолатини атрофдагилардан яшириш учун тесқари қараб қийинди. Бир амллаб ўзини хушчакчак кўрсатиб хайрлашди-да, йўлакка чиқди.

Иссиқ адёлга ўралган ўғилчасини кўтариб олганча секин-секин юриб, йўлакдан ўтди. Туғруқxonанинг оғир, ойнабанд эшигини очиб, қор босган цемент зиналарга оёқ қўйди-ю, бирдан қувончдан қичқириб юборди:

– Мардон ака!

Алимардон зангори «Волга»сини кўча томонга буриб қўйганча, машина эшигини ланг очиб ўтирарди. Унинг бир оёғи машина ичида, иккинчиси ерда турар, ёнбоши билан руль чамбарагига суянганча, сигарет тутатар эди.

У Муқаддамнинг овозини эшитиб, бурилиб қаради. Бирдан чехрасида қувончли табассум чарақлаб кетди. Машинадан сакраб тушиб, қўлларини олдинга чўзганча келди.

– Қаний, қаний! – У болаларча шодлик билан чақалоққа талпинар, хадеб жилмаяр эди.

Муқаддам ўғилчасини унинг қўлига тутқазди.

– Худди ўзингиз... – деди биров эшитиб қолиб уят қилишидан чўчиб шивирлаб.

Алимардон чақалоқни беўхшов кучоқлаб олганча, бир қўллаб юзини очди.

Чақалоқ биринчи марта кўраётгани учун қуёшдан кўзлари қамшиб, секин-секин юмиб-очар, қаёққадири жавдираб тикилмоқчи бўлар, Алимардон билан Муқаддам эса қувончдан қулишар, шу топда улар жаҳондаги энг бахтли одамлар эди.

– Қўйинг, – деди Муқаддам чақалоқнинг юзини беркитиб. – Шамоллатиб қўясиз!

* * *

Тақдир деган гапни одамлар ўзини юпатиш учун ўйлаб топган бўлса керак. Бошимизга оғир ташвиш тушса унинг оқибатини кўрамиз-у, сабабини суриштириб ўтирмаймиз. Қисматдан нолиб қўя қоламиз. Кўпдан буён худди шу қисмат измимиздан қувиб юрганини, уни ўзимиз эргаштириб юрганимизни бўйнимизга олишдан кўрқамиз.

Алимардон ҳам ўз тақдирини ўзи эргаштириб юрганидан беҳабар эди.

Эрта баҳор кунларидан бирида у концертга бормадди: катта магазиннинг мудирини қизини узатаётганини айтиб, кўярда-қўймай уни тўйга олиб кетди. Алимардон бу «ўғил бола» йигит билан кўпдан улфат эди. Бир нафас иккиланиб турди-да, рози бўлди: «Бир сафар концертни менсиз ҳам ўтказиб кўришсин-да!»

У эртасига эрта билан репетицияга ҳаммадан илгари етиб борди. Машинасини энди панжара ичига қўйиб чиқаётган эди, ўзига қараб секин-секин юриб келаётган Зуфар Ходиевични кўриб, тўхтаб қолди. Зуфар Ходиевич ёмғирпўшини ечиб, елкасига ташлаб олган, бўйнида костюмига монанд жигарранг шарфи осилиб ётар, оғир гавдасини кўтаролмагандек хиёл эгилиб, вазмин-вазмин қадам ташлаб келарди.

«Ҳозир яна дийдиёсини бошлайди», – деб ўйлади Алимардон ғижиниб. Кеча ўйлаб қўйган баҳонасини, тоби қочиб қолганини айтишга оғиз жуфтлаб турган эди, Зуфар Ходиевич унинг бармоқларини ўзининг юмшоқ кафтлари орасига олиб қисди-да, жилмайиб сўради:

– Машина яхши юриб турибдими?

«Нима демоқчи бу?» – Алимардон ўзининг ҳолатига мос бўлмаган тетик оҳангда кулди.

– Отдек!

– Кетдик бўлмаса! – Зуфар Ходиевич оҳиста юриб келиб, машинанинг орқа эшигини очди-да, ёмғирпўшини ўриндикқа ташлади. – Бир далаларни айланиб келайлик. Ҳавонинг тиниклигини қаранг! – У кўзларини хиёл қисиб, қуёш чарақлаб ётган осмонга, панжаранинг нариги ёғидаги яккам-дуккам япроқ ёза бошлаган садақайрағочга қараб қўйди.

– Қаёққа борамиз? – деди Алимардон кабина пешанасидаги кафтдек ойнадан кўриниб турган Зуфар Ходиевичнинг аксига қараб.

– Захарикдаги қирга чиқсакмикан, – деди Зуфар Ходиевич муштугига сигарет қистираркан.

Алимардон машинани елдириб бораркан, рақибининг биринчи бўлиб мушт туширишини кутиб турган боладек сергакланиб, унинг гап бошлашини кутар эди. Аммо Зуфар Ходиевич шаҳардан чиқишгунча бир оғиз ҳам гапирмади.

Бетон ётқизилган катта кўчага чиқишгандан кейин ўткинчи машиналар сийраклашиб колди. Алимардон сочини тортқилаётган майин шамолдан роҳат қилиб, ёнбошидаги қия дарчани очиб қўйди.

– Ойнани тушириб қўверинг, Зуфар ака! – деди орқасига бурилиб қараб.

Зуфар Ходиевич худди шуни кутиб тургандек, эшик ойнасини туширди.

– Баҳор яхши-да! – деди атрофига аланглаб. – Бунақа пайтда ҳаммаям ёшлигини эсласа керак...

«Кайфияти жойида-ку». – Алимардон мамнун жилмайиб қўйди-да, газни босди.

Улар йўлдан беш чақиримча узоқдаги баланд адир устида тўхтадилар. Икковлари баравар машинадан тушишди. Ҳавода эндигина эриб битган қор ҳиди кезар, ҳали селгимаган ердан бош кўтарган майин майсалар олис уфқларгача гилам тўшаб ташлаган, онда-сонда куёш парчасидай қоқигуллар ярақлаб кўриниб қоларди.

Алимардон кўксини баланд тутганча, тўйиб-тўйиб нафас олди. Кўклам қувончи бутун борлигини ларзага солди-ю, югуриб пастга тушиб кетди. Шу топда унинг кўнгли болаларча шодликка лиммо-лим тўлган, юмшоқ майсалар силкиниб турган ер устидан қанот чиқаргандек учиб борарди. Анча жойга боргандан кейин чарчади. Шундоқ майса устига ўзини ташлади-да, чалқанча ётиб олди. Кўзларини ярим юмганча қуёшга, беғубор осмонга тикилиб узоқ ётди. Атроф жимжит, баланд осмонда

муаллақ сузиб юрган якка-ёлғиз бургут ҳам қанот силки-мас, бутун коинот туғилиш гашти билан ҳузур қилаётган табиатни сукунат ҳукмига топширгандай эди.

Анчадан кейин у оғир-оғир қадам товушини эшитиб, бурилиб қаради. Зуфар Ходиевич яқин келиб, ёмғирпўшини ерга ташлади-да, ёнбошлади. Чамаси, у чарчаган шекилли, чуқур-чуқур нафас олар эди.

Яна узоқ вақт икковларидан садо чикмади. Алимардон қайрилиб қарамаса ҳам, Зуфар Ходиевич муштуғига сигарет қўндирилганини, гугурт чизганини билиб ётди.

– Тўй яхши, ўтгандир?..

«Бари бир гап очди-я», деб ўйлади Алимардон вужуди қақшаб. Ҳозирги қувончидан нишон ҳам қолмади. Бошини кўтариб бурилиб қаради. Зуфар Ходиевич ёмғирпўшига тирсагини қўйиб ёнбошлаб ётар, сигаретнинг тутунига ўйчан тикилиб қолган эди.

Алимардон ўзи ўйлаб қўйган баҳона фойдасиз эканлигини тушунди-ю, ростини айтди:

– Қалин ўртоғим эди, ҳеч қўймади. – У бир нафас жим қолди-да, айбдор оҳангда қўшиб қўйди: – Биламан, Зуфар ака, одамлар концертга мени деб киришади. Кеча келмаганим ёмон бўлди.

– Шунақами?.. – Зуфар Ходиевич ҳамон сигаретдан кўз узмай, негадир кулди. Алимардон бу кулгида ҳар галгидек жаҳл ҳам, заҳарханда оҳанг ҳам йўқлигини сездди. – Йўқ, Алимардон, одамлар концертга сизнинг ашулаларингизни эшитиш учунгина келмайди. – У Алимардоннинг кўзларига ўйчан тикилиб, яна қайтарди: – Фақат сизни деб келмайди...

Алимардон кейинги пайтларда одамлар ўзини илгаригидай олқишламаётганини эслади-ю, қайсарлик билан кошини чимирди.

– Бўлса бордир, концерт менсиз ҳам ўтдими ахир? Зуфар Ходиевич унинг киноясини пайқамагандек хотиржам

ўтирар, унинг кўзларида Алимардон ҳали ҳеч кўрмаган бир туйғу – ачиниш тўла туйғу бор эди.

– Бу даргоҳда ўттиз йилдан бери ишлайман, – деди у ҳамон ўша сокинлик билан. – Истеъдодини қурбон қилган кўп санъаткорларни кўрдим. Сиз ҳам шундай бўлманг, дейман-да...

Алимардон ҳали ҳеч кимдан эшитмаган, аммо юрагининг бир бурчи билан сезиб юрган ҳақиқатни бирдан ҳис қилди-ю, шиддат билан қаддини ростлаб ўтириб олди. Зуфар Ходиевич сигарет қолдигини улоқтириб ташлади. Муштугини шимининг чўнтагига солиб, Алимардонга қараб қўйди.

– Ўзингиз айтинг, бир йилдан буён лоақал битта янги қўшиқ айтдингизми? Томошаларингизда одамлар нима учун кун сайин камайиб бораётганини ўйлаб кўрдингизми?

Йўқ, Алимардон буларни ўйламаган эди. Аммо ғирашира тушунарди. Шундай пайтларда ҳар доим ўзини битта нарса билан юпатарди. Ҳозир ҳам шуни айтди:

– Менга ҳақиқий томошабин керак. Санъатни тушунадиган томошабинлар керак.

Зуфар Ходиевич яна кулди. Аммо бу кулги истехзоли эди.

– Энг баланд қарсақ чаладиган, полни тепкилаб олқишлайдиган, гул тутадиган томошабинларми?

– Балки шунақадир, – деди Алимардон хотиржам гапиришга уриниб.

– Худди шунақа, энг қаттиқ қарсақ чаладиган томошабинлар сизни энг аввал унутади. Ҳақиқий томошабинлар ҳақиқий санъатни олқишлайди.

«Бўлмаса меники қанақа санъат экан? Бўлмаса нима қилиб театр мени боғлаб олган?» – деб ўйлади Алимардон ғижиниб. Лекин ўзини босиб олди-ю, кулди:

– Мутал Қодировнинг санъатиними?!

Зуфар Ходиевич ўрнидан турди-да, увушган оёқларини укалай-укалай, яна сигарет тутатди.

– Сизнинг санъатингиз ҳам яхши санъат эди. Ажойиб эди! Ўзингиз уни тарбиялай олмадингиз. Айниб кетдингиз. Қўшиқларингизнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайдиган бўлиб қолди. – У бирдан гапидан тўхтади-да, шиддат билан Алимардоннинг устига эгилди. – Сиз истеъдодингизни чакана пуллайдиган бўлиб қолдингиз. Енгил-елпи мактовлар овозингизни бўғиб қўйди.

Алимардон ижирғаниб, юзини ўгирди.

– Бўлмаса нима қилиб ушлаб турибсиз мени? Нимага?

– Кечаги қилиғингиз учун сизни аллақачон ҳайдаш керак эди. Мен ачинганимдан гапиряпман. Раҳбар сифатида эмас, дўст сифатида айтаяпман...

– Раҳмат, – деди Алимардон ўрнидан тураркан. – Мен ҳеч кимнинг шафқатига зор эмасман...

У йўл-йўлакай бир оғиз ҳам гапирмади. Уйга қайтди-ю, тўппа-тўғри иш кабинетига кириб кетди. «Чучварани хом санабсан! – деб ўйлади у Зуфар Ходиевичнинг гапларидан бўғилиб. – Ҳали шунақа қўшиқлар ёзайки, ўзинг ҳам, ўша эркатойинг Мутал ҳам ёқа ушлаб қолларинг... Шундоқ ашулалар айтайки, залларингни томи кўчиб кетсин!»

У шу куниёқ янги куй топишга киришди. Ажаб, ҳарчанд уринса ҳам кўнглида на бир нурли туйғу, на илҳомбахш оҳанг топилмади. Охири чарчади. «Боши кесилган товукдай питирлаб, нима қиламан, – деб юпатди у ўзини-ўзи. – Шунча қўшиқлар ҳам етади. Аввал борини ҳазм қилиб туришсин... – Диванга ёнбошлади-да, хотиржам жилмайиб қўйди. Шу топда ҳамма нарса бари бир эди унга.

Шавкатжон талпинчок бўлиб қолди. У уй бурчагидаги беланчақда майкачан ётар, ҳадеб кийкириб кулар эди.

Алимардон бармоғи билан унинг жажжи қорнини қитиқлар, Шавкат дўмбоқ оёқ-қўлларини баравар силкитиб илжаяр, ҳали тиши чиқмаган оғзини очиб, кийқирганча дадасига талпинарди.

– Муқад! Қара, қарагин! Оёғини велосипед қияпти! – Алимардон деворга осиглиқ гиламни тозалаётган хотинига қичқирди. – Кўрсанг-чи, бунингни!

Муқаддам қўлидаги ҳўл латгани ташлаб, яқин келди. Шавкат онасини таниди: янаям қаттиқроқ кийкириб, қўлчаларини силкита бошлади.

– Вой сен-эй! – Алимардон яна бармоғи билан унинг қорнини қитиқлади. – Кулишини қара, кулишини!

– Қўйинг! – Муқаддам унинг қўлини суриб ташлади. – Болани қийнаманг!

Икковлари бир-бирларига қараб жилмайиб қўйишди.

Эшик кўнғироғи жиринглади. Муқаддам йўлакка югурди. Оёғига дуч келган калишни илиб, ҳовлига тушди. Ерлар селгиб қолган, аммо ҳали ҳавода эриган қор иси гуркирарди. У цементланган йўлакдан ҳалқоб сувларни босиб ўтиб, дарвоза эшигини очди.

– Вой, Лобар!

У қувончдан чеҳраси яшнаб кетган дугонасини кучоклаб олди. Лобар ёмғирпўш кийиб олган, бошидаги ҳиндий рўмоли чарақлаган куёш нурида ярқиллаб турарди.

Муқаддам унинг дўмбоқ қўлидан ушлаб ичкарига судради.

– Йўқ, кирмайман... Эринг бўлса кирмайман. – Лобар қайсарлик қилиб эшик олдида туриб олди. Унинг оқ сариқ юзи қизариб кетган эди.

– Эсинг борми, юрсанг-чи!

Лобар яна кўлини тортиб олди. Туфлисининг учи билан хали куриб улгурмаган ерни чиза бошлади.

–Тўйга борасанми? – Унинг чехраси яна ҳам қизариб кетди.

– Вой, ростданми? – Муқаддам уни маҳкам қучоклаб, у юзидан-бу юзидан ўпиб олди. – Ўша... Жаҳонгиргами?

Лобар кувончини яширолмади шекилли, уялган бўлди.

– Ҳа... – деди секин бош силкиб.

* * *

Келинлар тушган автобус Ойнатағ қишлоғига кунботар чоғи келиб тўхтади. Ёнбош томондаги тик кўтарилиб турган сип-силлиқ чўққи ботаётган қуёш нурида тарғил аланга бўлиб ёнар, бутун қишлоқ унинг шафақида оловланиб кўринарди. Алланечук афсонавий, ҳазин бир манзара ҳали куртак ёзмаган дов-дарахтларга ҳам, пастак уйлар устига ҳам оловли соя ташлаб турарди.

«Ойнатағ деганча бор экан!» – Муқаддам автобус деразасидан мўралаб, атрофни томоша қила бошлади.

Қишлоқ кичкинагина эди. Ярмигача тошдан девор урилган лой томли уйлар, эчки қийлари сочилиб ётган шағал, эгри-бугри кўчалар, катта-катта чинорлар ҳазин, ўйчан тўйғулар ўйғотарди унда. Қаердадир сой шовуллар, тоғ унгуларида ҳали қор эрмаган бўлса керак, тезак иси аралаш совуқ шабада эсиб турарди.

Муқаддам кўпдан буён – бир вақтлар ўқувчилик пайтида синфдошлари билан саёҳатга чиққанидан бери тоғни кўрмаган, шунинг учунми, бу ернинг ранг-баранг манзараси унга кувонч бахш этарди. Аллақерда радио карнайи шанғиллайди, сигирлар маърайди, қишлоқ аҳли оқшом тараддудида елиб-югуради.

Кўча ичкарасида сурнай товуши эшитилди. Муқаддам ёнида ўтирган Лобар ўзининг кўлини маҳкам ушлаб олганини сезиб, бурилиб қаради. У оппоқ рўмолга бурканиб, энгашиб олган эди.

– Куёвлар келишяпти, – деди Муқаддам рўмол устидан унинг қулоғига шивирлаб.

Лобар унинг кўлини тагин ҳам маҳкамроқ қисди.

– Кўрқаяпман.

Улар бошқа гаплаша олишмади. Гулдаста кўтарган йигитлар автобусни ўраб олишди. Пастдан ҳаяжонли қаттиқ-қаттиқ товушлар эшитилди.

– Келин тушмайдами?

– Олиб тушсанг-чи, Жаҳонгир!

Олд томондаги эшикдан каттакон гулдаста кўтариб куёв чиқди. У жингалак сарғиш сочи устидан чуст дўппи кийиб олган, кўкиш кўзларида ўт чақнаб жилмаяр эди.

Лобарни бир кўлидан куёв, иккинчисидан Муқаддам ушлаб, пастга олиб тушишди. Тор кўча одамлар билан тўлиб кетган, оёқ остини кўриб бўлмас, ҳали қуримаган силлиқ тошлар устидан сирғаниб-сирғаниб боришарди. Икки томондаги пастак деворлар ортидан хотин-халаж мўралашар, бақириб-чақириб, келинни кўрсатишар эди.

Муқаддам бир кўлида Шавкатни кўтариб олгани учун қийналар, аммо Лобарнинг билагидан маҳкам тутиб борарди.

– Эҳтиёт бўл, қоқилма! – дерди у ҳадеб бир гапни такрорлаб.

Кичкина эшикдан кириб боришганида йигитлар қийчув кўтариб «Тўйлар муборак»ни айтишди. Аллаким сочки сочди. Кейин сурнай эзиб-эзиб нола чекди.

Бунақа пайтда ҳар бир жувон ўзининг келинлик дамини эслайди. Муқаддам ҳам ўзининг илк ёр-ёр билан Алимардон акасиникига кириб борганини эслади-ю, ҳаяжонланиб кетди.

Ховли ўртасида ловиллаб ёниб турган гулхан ёнидан ўтиб, тўрга чиқишди. Ҳамма чапак чалиб, келин-куёвни олқишлади.

Муқаддам стол олдига ўтирганидан кейингина атрофга разм солди. Каттакон ховлининг тўрт чеккасидаги столларга меҳмонлар тизилишди. Ҳаво салқин, этак томондан – шовуллаётган сойдан совуқ шамол эсади. У шамоллаб қолишдан чўчиб, Шавкатни бағрига босди.

Тўй кизиб кетганида Шавкат ухлаб қолган эди. Муқаддам уни ҳамон бағрига босиб ўтирар, ора-чора Лобарни овқат ейишга қистаб кўярди.

Тоғ устида йирик-йирик юлдузлар ёнди. Қопқора тиниқ осмонда улар гавҳар доналаридай яшнаб кўринади, жуда паст тушиб қолганга ўхшайди. Негадир Муқаддамнинг кўнгли хижил бўла бошлади. У уйига кетгиси келарди.

Келин тарафдан келган қиз-жувонлар ўртасида шивир-шивир гап юриб колди.

– Автобус кетаётганмиш...

Муқаддам Лобарни билагидан оҳиста тутиб, секин шипшиди:

– Мен ҳам кетаман.

– Ётиб қоламан, демаганмидинг? – Лобарнинг астойдил хафа бўлгани овозидан билиниб турарди.

Муқаддам чиндан ҳам Мардон акасига «Бугун қайтмайман» деган, ҳозир ҳам беқарорлик қилиб, Лобарни ташлаб кетгиси келмас, аммо қўлида ухлаб қолган Шавкатни ўйлабми, кўнглида тушуниб бўлмас бир ғашлик уйғонгани учунми, фикридан қайтган эди.

– Йўк, кетмасам бўлмайди.

У секин сирғалиб чиқди-ю, ташқарига йўл олган хотинларга эргашди.

Чорак соатлардан кейин автобус чироқлари пасту баланд тоғ йўлларини авайлаб пайпаслаганча юриб кетди.

Муқаддам ўз дарвозаси олдига етиб келганида тун ярмидан оққан, ой аллақачон ботиб кетган эди. Деразаларда ҳам, дарвозада ҳам чирок кўринмасди.

– Аданг ишдан келмабдилар, – деди Муқаддам худди тушунадигандай Шавкатга қараб. У йўлда уйғонган, аммо ғингшимай жимгина келаётганди.

Муқаддам дарвоза пештоғидаги тешикчага чўзилиб, қўл сукди. Калит йўқ эди.

«Ташлаб кетмабдилар-да, – деди у пичирлаб. – Вой, эсим курсин, ўзимда ҳам бор-ку». У кетаётганида калитнинг биттасини ташлаб кетганини, иккинчисини ёмғирпўшининг чўнтагига солиб олганини эслади.

Ҳаво очиқ бўлгани учунми, салқин шамол эсиб турарди. Муқаддам боланинг шамоллаб қолишидан чўчиб, шоша-пиша эшикни очди. Ғиштин зиналардан айвонга чиқди. Чирокни ёқди.

Худди шу пайт ётоқхона ичида чирок ёнгани эшик ойнасидан кўринди. Ичкаридан калит шикирлаб, эшик ланг очилиб кетди.

Муқаддам кўрққанидан орқага чекинди. Болани ташлаб юборай деди. Эшик олдида ич кийимдаги Алимардоннинг гавдаси кўринди.

– Одамнинг юрагини ёриб юборай дедингиз! – Муқаддам эркалаш оҳангига тўлган овоз билан Алимардонни койиди. Кейин жилмайиб, Шавкатни баланд кўтарди. – Мана, бизлар келдик...

У Алимардоннинг чехрасига қаради-ю, кўрқиб кетди. Эрининг турки шу топда даҳшатли бўлиб кетганди. Унинг ранги қув ўчган, негадир титрар, кўзларининг қорачиғи кичрайиб, дум-думалоқ бўлиб қолганди. Ниҳоят, унинг тили калимага келди:

– Муқад...

Муқаддам ҳайрон бўлиб, ичкарига мўралади. Аввалига ҳеч нима тушунмади. Диван-каравот устида кўрқувдан шумшайиб ўтирган ярим-яланғоч хотинни кўрди-ю, бирдан ҳаммасига тушунди.

– А-а-а! – деб қичқириб юборганча, даҳшат ичида орқасига чекинди. Айвоннинг бурчак-бурчаклари, жимжит ҳовли изтиробли чинқириқдан ларзага келди.

– А-а-а!!

Шавкат кўрқиб кетиб, чириллаб йиғлай бошлади. Муқаддам уни бағрига босганча ҳовлига отилди...

... Алимардон турган ерида ҳайкалдай қотиб қолган, ҳозир нимадир қилиш кераклигини, қандайдир муҳим, жуда муҳим бир иш қилиш зарурлигини билар, аммо ўйлаб топа олмасди. Ҳа, топди! Шавкатни олиб қолиши керак!

У ўзи қилиб юрган ишлари учун қачондир жавоб беришга мажбур бўлишини ҳис қилар, аммо бу кун худди шу бугун етиб келишини билмаган эди. «Келмайман деб кетган одам қайтиб келишини ким билибди?» Бир лаҳзада унинг хаёлидан бир кечалик хузур учун Кларани уйига олиб келиб, кечирилмас хато қилиб қўйгани, энди ҳаммаси тамом бўлгани чақмоқдай ярақлаб ўтди. Бу хато бошқа бир фожиани бошлаб келишини, Муқаддам уни ҳеч қачон кечирмаслигини энди аниқ тушунди. Охирида энг катта фожиани ҳам тушунди. Йўқ, у ўғлини – ўзи учун шу қадар яқин бўлиб қолган, юрагининг бир парчасига айланган Шавкатни энди ҳеч қачон кўролмаслигини ўйлади-ю, зинадан яланг оёқ пастга отилди. Йўқ, ялиниб-ёлвориб бўлса ҳам тўхтатиб қолиш керак!

Алимардон зах ерда сакраб-сакраб Муқаддамнинг кетидан югурди. Дарвоза тагида етиб олди.

– Муқад... – деди ҳаллослаб.

Муқаддам кескин ўгирилиб қаради. У энтиқиб нафас олар, қоронғида ўт бўлиб ёниб турган кўзлари чарақлар эди.

– Мукад... – деди Алимардон қўл чўзиб. – Мен...

– Қоч, виждонсиз! Йўқол, ифлос! Ювуқсиз! – деди Мукаддам чинқириб. Бирдан қўлидан Шавкат сирғалиб тушиб кетаётганини сезиб, кўтариб маҳкам бағрига босди.

Эшикдан отилиб чошиб чиқиб кетди. У йиғлагиси келар, аммо йиғлай олмас, туртиниб-туртиниб чошиб борар, бола чириллаб йиғларди. Бир маҳал оёғи тойиб кетди. Аммо Шавкатни қўйиб юбормади. Чўккалаб олганича болани маҳкамроқ бағрига босди. Беихтиёр орқасига қаради. Каттакон уй ваҳима ичида қорайиб кўринар, битта, фақат битта деразадан ифлос нур тўкилиб турарди.

Шундагина у Шавкатнинг бошига юзини босганча ўксиб-ўксиб йиғлаб юборди. Ҳа, у сезар эди. Эрининг саёклигини, ўзига хиёнат қилаётганини сезарди. Аммо бу хаёлдан даҳшатга тушиб, ўзини алдар, уни пок деб ўйлашга мажбур этарди.

Бир вақтлар мана шу уйга ёр-ёр билан кириб келганини ҳалигина орзиқиб эсламаганмиди!

Ҳа, бу ювуқсиз бошидан уни бахтиқаро қилган эди. Охирида ҳам бахтсиз қилди! Шунча йиллардан бери бир сўзини икки қилмай ҳукмига бўйсуниб келганида, вақти келиб аллақандай хотинлар билан тўшагини ҳаром қилишини билганида эди!

Мунчалар шўр бўлмаса бу пешонаси!

У ҳамон ҳиқиллаб-ҳиқиллаб борар, қаёққа кетаётганини ўзи билмас, уйига қайтай деса, баджаҳл отасининг ғазабидан кўрқар, осмони фалакда осилиб турган юлдузлар совуқ кўз ёш тўкиб юм-юм йиғлар, фақат Шавкат овуниб қолган эди. У онасига нима бўлганини тушунмоқчидай қоронғида кўзларини жавдиратиб борарди.

Куёш бахтидан энтикканларга ҳам, ғамидан бағри қон бўлганларга ҳам барабар нур сочаверар экан. Уч ҳафтадан буён Муқаддамларнинг ғам юкини кўтаролмай жимжит бўлиб қолган кафтдек ҳовлисида баҳор гуруллайди. Тип-тиник, чуқур осмонда тоғдек булутларни кўчириб юрган кўклам сабоси эл қатори бу ҳовлига ҳам илиқ томчилар пуркаб ўтди. Ҳовлидаги бир туп ўрик шоҳларида кинидан чиққан довуччалар мўралади. Бурчақдаги ошхона томида чучмомалар очилди. Ҳовузча олдида Муқаддам кизлигида дадасига жанжал қилиб эктирган бир тахта ўсма яна жонланиб қолди. Мана шу ўсмалар суви бир вақтлар унинг қундуз қошида яшнаган эди.

Энди-чи? У ўсмани нима қилсин? Кимга? Нимага? Ким учун қўяди?

Муқаддам афсус билан хўрсиниб қўйди. У Шавкатнинг яқтакчаларини ювиб ўтирар, илиққина офтоб елкаларини қизитар, жомашовдаги оппоқ кўпик сачраб-сачраб кетарди.

Муқаддам ҳеч нимани ўйлагиси келмас, аммо ғамгин хаёллар юрагини ғижимларди.

Чиққан киз чиғириқдан ташқари, дейдилар. У қайтиб келган кунидан бошлаб Анзират холанинг бошига тоғдай ғам тушди. Она ҳар куни уни қойийвериб чарчади. Муқаддам бўлган гапларнинг ҳаммасини айтиб берди. Энди ҳеч қачон қайтиб бормаслигини ҳам айтди. Рост-да, нимага борсин? Қайси қилган яхшиликларига? Тўйдан кейин уч-тўрт ой ўйнаб-қулгани бўлмаса...

Энди ўйлаб қараса, Алимардон уни қилча ҳам қадрламаган экан. Нима қилса ўзи учун қиларкан. Муқаддам унга бир оқсоч бўлиб қолган экан.

Йўқ, ҳечам қайтиб бормади. Елкасининг чуқури кўрсин ўша уйни!

Муқаддамларнинг хонадони ўша кундан бошлаб яна бир кўрқинчли воқеани кутиб яшарди. Отаси бир ойча илгари Бойсунга – узоқ бир қариндошлариникига кетган, уйдаги гапдан беҳабар эди. Она-бола эрта-индин қайтиши керак бўлган отани юрак ҳовучлаб кутишарди...

Ичкаридан бола йиғиси эшитилди. Муқаддам шоша-пиша қўлининг кўпигини бир чеккада ётган сочиққа артиб югурди. Ойнабанд айвоннинг эшигини шарақлатиб очиб кирди.

Анзират хола икки букилганча Шавкатни беланчақдан олмоқчи бўлар, дока рўмоли сирғалиб елкасига тушиб қолган, оппоқ сочлари тўзғиб кетганди. У овозини баралла қўйиб Алимардонни қарғарди.

– Худоё йигит ўлсин. Йигитгина ўлмаса рози эмасман. Боланинг кўз ёши кўр қилмаса, рози эмасман!

Муқаддам йиғлаётган Шавкатни онасининг қўлидан олди-да, бағрига босди.

– Унгаям бокқан бало бордир, йигитгина ўлгур! – Анзират хола боланинг ҳўл таглик кўрпачасини алмаштирди-ю, Муқаддамга зарда билан қараб қўйди. Муқаддам онасининг толиққан чехрасига, касалмандликдан милклари шишиб кетган кўзларига, оппоқ сочларига қараб туриб, раҳми келди. Шунча йиллар азоб чекиб, ўзини катта қилгани етмасмиди? Кексайганида, энди роҳат кўраман деганида, кўргани шу бўлдими!

– Қўйинг, – деди бир онасига, бир ўғлига қараб секингина, – Қарғаманг. Нима фойдаси бор...

– Тагин қарғаманг дейди-я! Ҳали отанг келса, кўрасан томошани! – Анзират хола жаҳл билан бурилиб, ташқарига чиқиб кетди. Ҳовли томондан унинг оҳ чеккани эшитилди. – Эй, фалак!

Муқаддам онасининг биргина шу ноласидан умр бўйи кўрган машаққатларининг бутун даҳшатини сезиб, юраги зирқираб кетди. Ўзи ҳам билинтирмай уф тортиб

кўйди. Кўкракка талпинган Шавкатининг кўнғир сочларини силади. У жимгина, тўйиб-тўйиб эмар, кўзларини сузиб турар, аммо кошлари чимирилиб кетган эди. «Худди ўшанинг ўзи! – Муқаддам беихтиёр жилмайди. – Қошкўзи ҳам, ўжарлиги ҳам...» – У энгашиб, ўғлининг юзидан авайлаб ўпди.

* * *

Муқаддам Шавкат уйғонмасдан ишларини битириб олиш учун елиб-югурар эди. Анзират хола юраги қон бўлиб кетганини айтиб, эрта билан қўшненикига чиқиб кетди. Муқаддам идиш-товоқларни ювди, ховли супурди. Ўсма олдида тўпланган ахлатларни пақирга солаётганида тўсатдан эшик тақиллаб қолди. Муқаддам таниди. Таниди-ю, қўлидан супурги тушиб кетди. «Ўша! – Муқаддам унинг эшик қоқишини яхши билди. – Ўша!»

У овоз чиқаришдан чўчигандек бир лаҳза нафасини ютиб, туриб қолди.

Эшик яна тақиллади.

Муқаддам оёқларидан мадор кетиб, қалтираб бораётганини сезар, ўзини босиб олишга уринар эди. Ниҳоят, у секин-секин бориб, занжирни туширди. Алимардонни кўрди-ю, бегона эркак қаршисида тургандек бармоқлари билан қўйлагининг ёқасини ғижимлаб, кўкрагини яширди.

Алимардоннинг кўзлари бир оз чўккан, аммо тик қараб турар, Муқаддамнинг кўнглидагини билиб олмоқчига ўхшарди. Ниҳоят, Муқаддам унга бошдан-оёқ разм солиб чикди. Алимардон эшик кесақисини ушлаб олган, кўк костюмининг енгидан чиқиб турган олтин соати ярақларди. Бу соатни яқинда икковлари биргалашиб олишган, Муқаддам ўз қўли билан унинг билагига солганди.

– Мана, мен келдим, Муқад...

У бу сўзларни шундай майин айтдики, Муқаддам унинг ҳеч қачон бундай мулоим, ялинчоқ оҳангда гапирганини эшитмаган эди. Йўқ, эшитганди, бир вақтлар, келин бўлмасидан илгари...

Муқаддам яна кўз ўнги хиралашиб кетаётганини, бир оғиз гапирса овози титраб кетишини билиб индамади. Яна унинг қўлларига, бармоқларининг устини майин тук қоплаган қўлларига қаради. Қачондир бу қўллар унинг сочларини силаган. Майин-майин силаган. Силаб туриб бахтига чанг солган... Бу қўллар ўша хотиннинг ҳам сочларини силаган-да. Ўша хотиннинг ҳам елкаларини сийпалаган-да...

Муқаддам ғазабдан бўғилиб, пичирлади:

– Нега келдингиз? Нима керак сизга?!

Алимардон Муқаддамга таниш, ўша маъноли оҳангда кулди.

– Бўл энди, Муқад...

Муқаддам аламдан лабларини тишлаб, деворга суяниб қолди.

«Бўл энди...» – У келинчак пайтида эрининг худди шу сўзларини, худди шу оҳангда кулиб айтганини ҳар кеча эшитарди. Ким билсин, яна кимлар эшитмади экан бу сўзларни...

Унинг вужудини бирдан ғазаб ёндирди-ю, нафрат билан пичирлади:

– Кетинг!

Шу топда у Алимардоннинг ялинишини, ёлворишини истар, ўша уйга бари бир қайтиб бормаслигини билиб турса ҳам, шунча изтироблари ҳақи уни тиз чўктиришни, қасос олишни хоҳларди.

Аммо Алимардон ялинмади. Унинг кўзларига хотиржам тикилиб турди-да, секин таъкидлади:

– Бола бор, эсингни йиг...

Муқаддам ғазаб ичида қўллари қалтираб, эшикни қарсиллатиб ёпди-да, занжирлаб олди. Нима қилаётганини ўзи ҳам тушунмай, уйга отилиб кирди. Ухлаб ётган Шавкатни даст кўтарди-ю, биров тортиб олиб қўяётгандек маҳкам бағрига босди.

* * *

Шавкат туғилганидан бери Муқаддам уйқуси куш уйқусидек зийрак бўлиб қолган эди. Ҳозир ҳам у энди кўзи илинганида кимдир шип-шип юриб ёнига келганини сезди-ю, уйғониб кетди. Бошида онаси энгашиб турарди. Уй ичи қоронғи бўлса ҳам у онасининг чехрасидаги хавотирни пайқади. Кўйлагининг кўкрак тугмаларини қадаркан, онасига тикилиб сўради:

– Нима бўлди, ойи?

Анзират хола жавоб бермади. Ташқарида шамол гувуллаб, деразанинг очиқ қолган бир тавақаси хийкиллар, уй ичидаги сукунатни чуқурлаштиришга қасд қилгандай, хорғин инграр эди.

Муқаддам Шавкатни уйғотиб юбормаслик учун эҳтиёт билан ўрнидан турди.

– Нима бўлди? – деди тағин шивирлаб.

Она Муқаддамга гўдакликдан таниш бўлиб қолган хавотирли овозда пичирлади:

– Даданг келди... – Унинг юраги орқасига тортиб кетди, кўрка-писа айвон томонга қараб қўйди. – Кўчадан эшитиб, уйингга борибди. Эринг билан гаплашибди. Авзойи ёмон...

Муқаддам турган ерида қотиб қолди. Бир вақтлар қизалоқлик пайтида гуноҳ қилиб қўйса, дадаси уни калтаклар, ўшанда онаси худди ҳозиргидек титраб-қақшарди. Муқаддамнинг вужудини енгил титроқ қоплади. У дадасининг қаҳри қаттиқ эканини, «Қизинг эридан чиқиб келди»,

деган иснодни кўтара олмаслигини билар эди. У айвон томонга қараб қўйди. Қия очик эшикдан уй ичидаги гиламга нур тўкилиб турар, аммо дадаси кўринмасди. Ташқарида ҳамон шамол гувуллаиди, ўрик шохлари аянчли инграб, бир-бирига қарсиллаб урилади, битта-яримта ёмғир томчилаётган бўлса керак, дераза ойналари чирсиллайди.

Муқаддам яна бир нафас иккиланиб турди-да, секин-секин бориб, эшикни очди. Тўрда, девор тагидаги кўрпачада ўтирган отасига салом берди. Лекин овозини ўзи ҳам аранг эшитди. Дадаси ўсиқ қошлари остидан унга бир қараб қўйди-ю, алик олмади. Унинг озгин, се-ражин юзида қон қолмаган, ияги титраганидан қоп-қора соқолининг учи билинар-билинемас силкиниб турар, кўкимтир томирлари бўртиб кетган қўлини мушт қилиб олганча, хонтахтага тираб ўтирарди.

Муқаддам отасидан кўз узмай, оёқ учида юриб келиб пойгаҳга чўккалади. Онаси ҳам шарпадай силжиб келди-ю, эридан кўз узмай, икковларининг ўртасига ўтирди.

Ота ҳамон индамас, хонтахтанинг юпқаланиб кетган киррасига тикилганча ўтирарди. Муқаддам мана шу даҳшатли сукунатнинг тезроқ тамом бўлишини кутар, нима бўлса ҳам отаси тезроқ гапиришини хоҳлар, ҳозир портлаш рўй беришини билиб, азобланарди. Онаси гапир, аҳволини сўра, дегандай Муқаддамга имлаб қўйди. Аммо Муқаддам ҳозир отасининг аҳволини сўраса, баттар ловиллаб кетишини биларди. Шунинг учун индамай ўтираверди.

Ниҳоят, отаси унга қошини чимириб қараб қўйди.

– Эринг билан нега уришдинг?

Муқаддам дадасининг атайлаб юмшоқ гапирганини тушунди. Лекин жавоб бермади.

Онаси кўркув ичида гоҳ кизига, гоҳ эрига қараб шошилиб гапирди:

– Сув бир лойқаланмасдан тинмайди... Эртага ўзингиз обориб кўясиз, бинойидай бўлиб кетади. – У Муқаддамга қараб хўп де, дегандай имлади.

Муқаддам бунақа гаплардан фойда чиқмаслигини билиб, паст, аммо қатъият тўла оҳангда юрагида борини айтди:

– Йўқ, ойи, мен қайтиб бормаيمان!

Она бечора олазарақ бўлиб қолганини сезди-ю, яна қайтарди:

– Бекорга овора бўлманглар...

Отаси хонтахтага янаям пастроқ мункайиб, кўзларини тағин бир нуқтага тикиб тураверди.

Орага яна ўша таранг сукунат чўкди. Ташқаридаги шамол кучайиб кетди. Энди шамол муттасил ғувиллар, ўрик шохларининг ваҳимали вишиллаши аниқ эшитилиб турар, бўғотнинг аллақаери қирсиллар, шифтдаги лампочка секин-секин лопиллаб, дадасининг соясини хонтахта устида у ёқ-бу ёққа силкитарди.

– Эринг билан гаплашдим. – Дадасининг овози сукунатда жаранглаб эшитилди. У ўзини босиб олди шекилли, анчадан кейин босиқ овозда қўшиб қўйди: – Қилмишидан пушаймон бўлиб ўтирибди. Ялиниб борсам, ўзи келмади, деяпти.

Ўзининг тўшагида ётган ўша жувон Муқаддамнинг кўз олдига келди-ю, ҳали эскирмаган, ҳеч эскирмайдиган алами яна ловиллаб кетди. «Қилғиликни қилиб қўйиб нега ялинади?!» – Бояги қўрқув аллақаёққа йўқолиб, ўрнини чидаб бўлмас нафрат эгаллади.

У индамай юзини ўгирди.

Яна онаси ўртага тушди.

– Урмаган, сўкмаган эр борми, болам? Битта болангни тирик етим қиласанми?

Муқаддам яхшилик учун ёлғон гапирган онасига маъносизгина қараб қўйди-ю, индамай ўтираверди.

– Авлодимизда эридан чиқиш одати йўқ, – деди отаси бўғиқ оҳангда. – Бутун маҳаллага ҳалитдан гап тарқалиб кетибди... Қайсарлик қилма, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолсин. Бошқа илож йўқ.

Муқаддам киноя билан кулиб қўйди. Бошқа илож йўқ эмиш?.. Нима, биров ундан ўтганини билармиди?

Онаси ота-болани мурасага келтириш, Муқаддамнинг шахтини қайтариш учун тагин ўртага тушди:

– Ўзинг кўнгил қўйиб теккансан, кизим... Биров сени мажбур қилгани йўқ.

Муқаддам аёвсиз ҳақиқатни шундоққина рўпарасига келтириб қўйган онасига ярқ этиб қаради. «Ўзим! ўзим! Ҳаммасига ўзим айбдорман! – У ўкинч билан бошини қуйи солди. – Кўнгил қўйиб... Кўнгил қўйибми, мажбур бўлибми?!» – У аллақачонлардан бери шу саволни ўйлар, аммо жавоб тополмасди. Боягина Алимардонни қовура бошлаган нафрат оловининг бир чети энди ўзини ҳам қуйдириб ташлади. Онаси яна алланималар деди.. Аммо Муқаддам эшитмади. Энди унинг юрагини бешафқат бир қўл ғижимлар, лекин бу қўл Алимардонникими, ўзининг қўлими – ажрата олмас эди.

– Эртага у келади.

Муқаддам дадсининг сўзларини ярим-ёрти эшитди-ю, бурилиб қаради.

– Нима?!

– Эринг келиб, олиб кетади, – деди отаси юмшоқ, лекин қайсар оҳангда. Кейин яна ҳам юмшоқроқ қилиб қўшиб қўйди: – Уят бўлади. Гуноҳини бўйнига олиб турибди-ку. Илож қанча?

– Мен бормайман, – дадаси қанақа оҳангда гапирган бўлса, Муқаддам ҳам худди ўша оҳангда жавоб берди.

Отасининг қалин қоши остидаги кўзлари чакнаб кетди. Энди унинг қони қайнай бошлаган, ўз ҳукмига

бўйсумаганларнинг жазосини берувчи асаблари таранг тортила бошлаган эди.

– Борасан! – деди чўрт кесиб. – Бормасанг, ўзим обориб қўяман.

– Бормайман!

– Борасан!

Отанинг қони гупиллаб кетди. Лекин Муқаддамнинг вужудида ҳам худди шу ота қони айланарди. У мўмин-қобил онасига эмас, отасига тортган эди.

– Бормайман! – деди у отасига тик қараб.

– Ҳай, дадаси, бола қўрқади! – она даҳшат ичида эрининг титрай бошлаган қўлларига ёпишди. – Қўйинг... Қўйинглар...

– Борасан, итвачча, борасан!

Муқаддам сакраб ўрнидан турди.

– Бормайман! Бекорга овора бўласизлар!

Отанинг кўзлари чакнаб кетди. Маҳсили оёғи билан хонтахтани тепиб юборди. Хонтахта Муқаддамнинг шундоқ олдидан учиб ўтиб, кавшандозга бориб тушди-ю, қарсиллаб синди.

Она чирқиллаб, эрига ёпишди. У алланима деб ёлворар, аммо Муқаддам эшитмас эди.

– Йўқол кўзимдан, кўрнамак!

Муқаддам жаҳолатдан қақшаётган отасининг олдига тик юриб келди.

– Ҳайдамасангиз ҳам кетаман! – У кўксини тўлдириб келаётган йиғини аранг босиб, нимқоронғи уйга отилиб кирди-ю, ўғлини кўрпаси билан юлкиб, каравотдан олди. Шавкат ғингшиб йиғлай бошлади. Муқаддам яна шиддат билан отилиб чиқди. Ўғлини маҳкам бағрига босиб, айвон эшигига етди.

Она энди эрини қўйиб юбориб, йиғлаганча Муқаддамга ёпишди. У йиғи аралаш бир нималар дер, Муқаддамни олиб қоладиган танҳо умиди шудек Шав-

катга талпинар, боланинг кўрпачасидан тортқиларди. Муқаддам ҳеч нима эшитмади. Айвоннинг ойнабанд эшигини қарсиллатиб очди-да, ўзининг осуда дамлари кечган уйига бир қараб қўйди. Шу қарашда кўзларидан ёш тиркираб кетди.

– Тегма! Кетсин! – ҳайқирди отаси турган ерида япроқдай қалтираб. – Эл-юрт олдида шарманда қилгандан кўра, йўқолиб кетсин!

Муқаддам ғиштин зинадан ҳовлига сакраб тушди. Қаттиқ шамол нафасини қайтариб юборди. Рўмоли пир-пираб, елкасидан сирғалиб учиб тушди, сочлари ёйилиб кетди.

Йўлак олдида онаси унга етиб олиб, билагига ёпишди.

– Жон болам, эсингин йиғ, жон болам! – деди у йиғлаб.

Муқаддам онасининг изтироб тўла йиғисини эшитиб, қайрилиб қаради. Аммо тўхтамади. Пастак дарвозадан бошини эгиб, кўчага отилди, югуриб кетди.

Кўчаларда шамол ўқирар, симёғочлар учидаги лам-почкалар шиддат билан лопиллар, чопиб бораётган Муқаддамнинг соясини у ёқдан-бу ёққа ирғитар эди.

Тошкент! Одамларнинг бахтини қанчалик бағрикенглик, сахийлик билан кўксига сиғдирса, бахтсизлигини ҳам шунчалик бағрикенглик, бепарволик билан қаршилайди!

Муқаддам кўксини тўлдирган йиғидан довдираб кўча бўйлаб бораркан, ўзини якка-ёлғиз, ожиз ҳис этар, одамлар аллақачон уй-уйларига кириб кетишган, қайси бир деразаларда чироклар ўчган, кимлардир бахтидан энтикиб ҳаёт гаштини сураб, қайси бир деразалардан куй ёғилиб чиқар, кимлардир ўз оқшомини шодликка тўлдирган азиз бир одами билан суҳбат қуради. Фақат у ёлғиз эди. Унинг қадам товушлари асфальт йўлкада қарсиллар, шамол аралаш кулокни тешиб юборгудай олис-олисларга тарқалар эди. Ҳа, у билади! Отаси жаҳл устида шундоқ

килаётганини, зум ўтмай пушаймон бўлишини, бутун умидлари шу кизидан эканини билади. Онаси ҳозир алам ичида зир титраб, кўрқувдан беҳуш бўлиб қолганини ҳам билади. Лекин отаси, онасига бўлган меҳрдан кўра ўз-ўзига бўлган нафрат зўр чиқиб, етаклаб кетяпти уни! Қаёққа? Мана шуни билмайди у...

Муқаддам катта кўчага чиқаверишдаги пастак уй тагида ётган харсангтошга кўзи тушди-ю, бирдан ҳуши жойига келгандай тўхтаб қолди. Ўғлининг йиғлаётганини, ўзининг сочлари тўзиб кетганини энди пайқайди. Чироқ нурида унсиз боқиб турган бу тош унинг кўзига олтин бўлиб кўриниб кетди. Илиқ, азиз хотиралар қуюни тўсатдан ёпирилиб келди-да, секингина тош устига ўтирди.

Бир вақтлар эри урушда ўлган хотин шу тош устида ўтириб, писта сотарди, Муқаддам қизалоқ дугоналари билан доим шу ерда ўйнарди.

Кейин... Кейин у оқшомлари ўзини кузатиб келган Анвар билан худди шу ерда ўтиргувчи эди...

Бирдан унинг кўз ўнгида ҳозирги эмас, ўша ўз Анвар акасининг уятчан, хаёлчан қиёфаси жонланди...

Мана, ҳозир ҳам ҳаммаёққа писта пўчоғи сочилиб ётибди. Чекка-чеккада оқариб ётган папирос қолдиқларини шамол эрмак қилиб пилдиратяпти...

Ўзи ҳам бир вақтлар Анварнинг муҳаббатини эрмак қилган экан. Дунё ўзи шунақа экан. Киши ўзини ардоқлаганларга озор бераркан-у, озор берганларни ардоқларкан...

У ўғли кўксини торткилаётганини сезиб, эгилиб қаради. Шавкат овуниб қолган, аммо узун-узун киприклари орасида ёш ялтираб турар, жажжи қўлчалари билан онасининг сийнасига ёпишиб олган эди. У ўғлига бир қарашдаёқ ҳамма андуҳлари изсиз йўқолиб кетди. Кўкси қуёшдай ягона, қуёшдай ёркин оналик меҳри билан

тўлиб-тошди. Шавкатни маҳкам бағрига босиб, негалигини ўзи ҳам тушунмай, жилмайиб кўйди.

Кўча ичида шошилинч қадам товушлари эшитилди. Аллаким ҳаллослаб югуриб келарди. Муқаддам шошилиб, кўксини яширди. ўғлини бағрига маҳкамроқ босиб, ўрнидан турди.

– Муқад!

Муқаддам зулмат ичидан чиқиб келаётган аёлни дафъатан таний олмади. Кейин тикилиб турди-ю, қичқириб юборди:

– Лобар!

Лобар югуриб келиб, уни кучоқлаб олди. У ҳарсиллар, тез чопганидан ранги ўчиб кетган эди.

– Жинни! – деди у Муқаддамга ўқрайиб. – Эсинг борми ўзи?! Нима қилиб ўтирибсан, Анзират холамини ўлдирмоқчимисан? – У Шавкатни кўтариб олмоқчи эди. Муқаддам бермади.

– Қўявер ўзим... – Муқаддам унинг келинлик латофати барқ уриб турган чехрасига, атир ҳиди гуркираётган атлас либосига қараб туриб, лоқайд сўради:

– Қачон келдинг?

– Вуй, одамнинг ўтакасини ёриб юборай дединг! – Лобар нафасини ростлаб жилмайди. – Ойим касалликларини эшитиб келган эдим... Узоқ йўл, энди келиб тургандим, холам йиғлаб чиқдилар... – У йўл бошлар экан, шамолдан юзини пана қилиб Муқаддамга қараб кўйди. – Жинни бўлиб қолдингми?

Муқаддам сирдош дугонасининг худди шу пайтда учраганидан кўнглида бир илиқлик уйғониб, унга эргашди. Лобарнинг шамолда хилпираётган этакларига, шошилиб қадам босишига қараб бораркан, дафъатан хаёлига қизиқ бир фикр келди. Бу хаёл умид чироғи сингари олдинга етаклагандай бўлиб кетди.

– Лобар, қишлоғингларда менга иш борми? – деди шошилиб.

Лобар такқа тўхтаб, бурилиб қаради. Яна юзини каф-ти билан шамолдан пана қилиб, узоқ қараб қолди.

– Нима, кетмоқчимисан? – деди ишонқирамай.

– Иш бўлса, бораман! – Муқаддам Шавкатни ўнглаб кўтариб, ўжар, қатъий оҳангда яна такрорлади: – Бутунлай кетаман!

Лобар унинг аниқ айтаётганини тушуниб, тагин бир нафас туриб қолди.

– Иш топилади, – деди ўйланиб. У дугонасининг ўз ёнида бўлишидан қувона бошлаган эди. – Ростдан қайтиб келмайсанми?

– Бутунлай кетаман! – Муқаддамнинг ўзи олдинга ўтиб, юриб кетди.

Зум ўтмай улар кўча ичига киришди. Икки жуфт пош-на садоси шамол қанотида узоқ қарсиллаб турди.

Муқаддам бу кўчаларда ўзининг қадам товушлари энди янграмаслигини биларди.

* * *

Каттакон зал ҳам, балконлар ҳам томошабинлар билан лик тўлган. Чекка-чеккадаги эшиклар устида ёниб турган қизғиш, ўйчан нур остида одамларнинг чехраси шодон, ҳаяжонли кўринади.

Алимардон торини кўтариб олганча, сахна чеккасига суриб қўйилган зангори бахмал парда орқасидан залга тикилиб турар, ижирғанар эди. Кунгураддор шифтлар остида Мутал Қодировнинг майин, дилкаш овози охишта парвоз этар, одамлар уни ҳаяжондан энтикиб тинглашарди. Алимардоннинг назарида юзларча одамлар шу топда бир оҳангдан тебраниб, бир оҳанг оғушида тўлғанаётгандек эди. Баҳор сувларининг жарангдор кулгуси ҳам, илиқ қуёшнинг эрка нурлари ҳам, юрак тўлқинлари ҳам – ҳамма-ҳаммаси шу оҳангда мужассам эди.

Залда даҳшатли қарсақ кўтарилди-ю, Алимардоннинг юраги зириллаб кетди. У биринчи қаторда ўтирганларга ваҳима билан қараб қўйди. Одамлар бараварига қарсақ чалишар, Алимардоннинг рақибини олқишлашарди.

Алимардон Муталнинг залга қараб енгил таъзим қилиб қўйганини кўриб турди. У томошабинларга яна бир марта ташаккур билдирди-да, сахна четига чикди. Конференсье қиз тез-тез юриб микрофон олдига борганида, қарсақлар яна кучайиб кетди. Аммо қиз ҳеч кимга парво қилмай, баланд овоз билан кичқирди:

– Навбат таниқли, севимли хонандамиз Алимардон Тўраевга!

Алимардон торини қўлга олиб, чехрасига таниш та-бассумни қалқитди-да, сахнага чиқа бошлади. Аммо қарсақ илгаригидан ҳам кучайиб кетди. Аввалига у одамлар мени олқишлаётибди, деб қувонди. Лекин микрофон олдига келганидан кейин чапак товушлари бир меъёрда гурс-гурс урилаётганини кўрди-ю, бир нафас қотиб қолди. Одамлар норозилик билан қарсақ чалишар, залнинг чекка-чеккаларидан хуштак овозлари эшитилиб қоларди. Нима гап? Одамлар уни ҳайдашяптими? Муталнинг ўзини талаб қилишяптими?

У ваҳима ичида бир залга, бир бўзрайиб қолган конференсьега жавдираб қарай бошлади, аламдан лаблари титради. Шунда ҳам ўзини-ўзи мажбур қилиб, қайта жилмайди. Томошабинларга қараб таъзим қилди-ю, торини кўтарди. Зал устида торнинг аламли садолари жаранглай кетди. Жаранглади-ю, шу ондаёқ гумбурлаган чапак товушлари остида кўмилиб қолди. Одамлар ҳайдашар эди уни!

Алимардон бирдан чалишдан тўхтади. Ситам тўла кўзлари билан залга тикилиб қолди.

«Бу қандоқ шармандалик! Бу қандоқ шармандалик!»

Бир вақтлар момақалдирокдек гумбурлаб, одамларнинг юрагини ларзага солган, чакмоқдек чакнаб, киши-

ларнинг кўзини қамаштирган Алимардон Тўраевнинг қисмати шу бўлдимиди? Саҳна гулшанида қаноти қапа-лакдек товланган Алимардоннинг умри шунчалар қисқа бўлдимиди?!

Ҳар сафар қийқириб олқишлаган томошабинлар қани? Балки ўшанда энг қаттиқ қарсак чалиб олқишлаган одамлар ҳозир ҳам энг қаттиқ қарсак чалиб уни ҳайдашаётгандир?! Наҳотки, Зуфар Ходиевичнинг гаплари тўғри чиққан бўлса!

У залга – ўзининг энг ширин, энг бахтиёр дамларини бағрига яширган кадрдон залга, ночор термулиб турган тилсиз деворларга, мунис қандилларга охирги марта қаради-да, бирдан кўзларига ёш қуюлиб келди.

Турган ерида шартта бурилди-ю, чопганча саҳна четига чиқди. Ундан йўлакка ўтди-да, торини тўшалган пойандозга улоқтирганча, югуриб кетди.

Театр этагидаги боққа киргандагина ўзига келди. Чор атрофда баҳор яшнар, табиат ўзининг мангу, бузилмас қонунига амал қилиб, кўкламни етаклаб келган эди. Боғ устида оромбахш шабада эсар, ҳавода кўкатлар иси анқир, кўклам шамоли майин япроқларни силкитар, ёмғир сувини эмиб тўйган ер эмин-эркин нафас оларди.

Ҳа, ер юзида қайта туғилиш, қайта гуллаш, қайта ҳаёт бошланган эди. Ёлғиз унинг – Алимардон Тўраевнинг баҳори ўтган эди.

Одам ўзи бахтиёр пайтида ўзгаларнинг бахтсизлигини тушуна олмас экан. Муқаддам уйдан қон-қакшаб чиқиб кетаётганида Алимардон унинг муштипарлигини тушунмаган экан. Мана, бугун ўзи бахтсизлик нима эканини пайкаганида бирданига тушунди. Ҳаммасини тушунди. Шу топда олдида бирон-бир юпанчи, бирон-бир суянчиғи қолмаганини ўйлади. Ўйлади-ю, бутун вужуди билан мункиб кетди. Шу топда ўғлини, ўзининг ягона юпанчиғини бағрига босиб-босиб эркалатгиси,

ўзи ҳам кимгадир эркалангиси, дардлашгиси келиб кетди!

Начора? Ҳаёт ниманики тақдим этган бўлса, ўшандан ортигини қайтиб олмайди.

«Аҳмоқлар! – деб ўйлади у ўзини саҳнадан қувиб чиқарган одамларни ўйлаб. – Молфаҳмлар! Шулар санъаткорнинг дардини билармиди? Санъат нималигини тушунармиди?»

У бошини қуйи солганча секин-секин юриб борар, аламдан тишларини ғижирлатарди. У одамлардан нафратланар, куни кеча бир нафаслик ором учун чаккасига пул кистириб, бугун ўзини саҳнадан ҳайдаган енгил-елпи томошабинларни кўрарди-ю, чинакам санъатни қалбининг тўрида сақлашга қодир чинакам шинавандалар озмунча эмаслигини билмас, билишни хоҳламас эди.

У баҳор қувончига тўлган кўчалардан соядай судралиб борар, аммо ҳаёт ўзининг кичкинагина бир зарарчасининг фожиасига парво қилмас, яшаш гашти билан, туғилиш завқи билан маст эди.

* * *

Алимардон катта йўлдан бурилиб, тор кўчага кирди-да, ўн кадамча юриб тўхтаб қолди. Деворлар оша эгилиб ётган ўрик шохида данак қотирган довуччалар маржондек тизилган, оқариб қолган гилослар устида чумчуқлар парвона бўларди. Қуёш эндигина кўз очган, кечаси ёғиб ўтган жаланинг тароватли нафаси ҳали кетмаган, асфальт кўчанинг у ер-бу ерида сув ҳалқоб бўлиб ётарди. Ҳаммаёқ жим, ўткинчилар сийрак. Фақат кўча ичкарисиди – ягона симёғоч тагидаги сайҳонликда икки қизалок копток ўйнайди. Уларнинг бири, калта қизил кўйлак кийган қиз томоша қилиб турар, иккинчиси, жажжи духоба нимча кийиб, сочига баргак тақиб олгани коптокни ерга

уриб, гир-гир айланарди. Копток тўп-тўп этиб ерга урилади, ҳар айланганида қизалоқнинг баргаклари ёйилиб-ёйилиб кетади. Қизил кўйлакли қиз ўртоғининг айланишига ҳавас билан қараб, бир оҳангда санайди:

– Ўн етти, ўн саккиз, ўн тўққиз...

Алимардон уларга қараб, жилмайиб кўйди. Ҳаёт ўз йўлидан борар, баҳор болаларга ўз қувончи, ўз шодликларини сахийлик билан тақдим этган эди.

Алимардон қизалоқларнинг олдидан секин-секин юриб ўтиб кетди. Қизчалар парво қилишмади унга. У яна йигирма қадамча юриб, болохонали уй ёнбошидаги кўкиш эшикни кўриб тўхтади. Юрагининг бир бурчида шунча йиллардан бери мудраб ётган аллақандай пок, аммо азобли туйғулар бирдан туғён урди-ю, нафаси тикилиб қолди. Бир вақтлари – бундан уч йил бурун у ўзининг дўстлари билан, ёшлик завқига тўлган йигитлар билан мана шу ердан бир кўча бўлиб ўтиб, кўкиш эшикдан кириб борган эди. Уни кучоқ очиб, фарзандим, деб кутиб олишган эди. Энди-чи...

У қўлга тушиб қолишдан чўчигандек оёқ учида юриб яқин борди. Эшик қия очиқ турарди. У бошини бир томонга эгиб мўралади. Ҳовли ўртасидаги водопровод жўмрагидан, сув шариллаб оқиб ётар, цемент ҳовузча тўлиб чиқиб, ариқча четидаги барқ уриб ётган ўсмаларга тошиб кетганди.

Унинг кўз ўнги қоронғилашиб, энтикиб кетди. Ҳамма нарсанинг кадри йўқолганидан кейин билинаркан. Шу топдагина, у Муқаддамни севганини, қаттиқ севганини тушунди. Тушунди-ю, енгил титраётган қўллари билан эшик занжирини қокди.

Ичкаридан аёл кишининг «ху-ув» деган товуши эшитилди. Айвоннинг ойнабанд эшиги тарақлаб очилди-да, қайнонаси кўринди. У йўлакда турган одамни кўрмади шекилли, кафтини қуёшдан пана қилиб тикилди. Али-

мардон унинг қўллари хамир юқи эканини кўрди. Кампирнинг эгик гавдаси тагин ҳам кичрайган, мункиллаб қолган эди. Алимардон Муқаддамга уланганидан кейин бу ҳовлига кам келган, қайнонасини ҳам, қайнотасини ҳам кам кўрган, улар уйига боришганида рўйхуш бермас эди. Ҳозир у кампирни ғам-ғусса адо қилганини пайқади.

– Келаверинг, – деди кампир паст, ожиз товуш билан.

Алимардон кирмади, киролмади. Муқаддам ҳайдаб юборганидан бери бу уйга қадам босишга ҳаққи йўқлигини биларди.

Кампир жавоб бўлмаганидан ҳайрон қолди шекилли, зиналардан авайлаб қадам босиб ҳовлига тушди. Сув тошиб ётган ўсмаларни четлаб ўтиб, йўлак ёнига кела туриб, такка тўхтаб қолди.

– Келинг, – деди у беихтиёр. Кейин бирдан ранги ўчди. Хира кўзлари ярқ этиб очилиб кетди. Бегона, қораниятли одам олдида тургандай дока рўмолининг учи билан юзининг ярмини яширди. – Нега келдингиз? – деди овози титраб. – Нима керак сизга?

Алимардон шу бир оғиз сўздан – тубсиз алам, бир олам нафрат оҳангиданоқ ҳаммаси тамом бўлганини тушунди.

– Мен... – Алимардон қайнонасининг кўзларига қарай олмай, тескари ўгирилди. – Ўғлим қани? – деди юрагидаги гапни айтиб.

Айвон эшиги яна шарақлади. «Муқаддам». Алимардон юрагини титратиб юборган ҳаяжон ичида ярқ этиб ўша томонга қаради. Зинадан баланд гавдасини ғоз тутиб қайнотаси тушиб келарди. У ҳамон ўзгармаган эди. Ўсик қошлари остидан тикилиб қаради-ю, узокдан Алимардонни таниди.

Алимардоннинг назарида унинг кўзлари ғазабдан чакнаб кетгандек бўлди. У, Қори ҳозир ҳайдаб солишини

ҳис этиб турар, энди битта умиди қолган эди. Алимардон ўғлини кўргиси келар, унинг овозини, лоақал йиғисини эшитиб қолишни орзу қиларди.

Қори катта-катта қадамлар билан юриб келиб, Алимардонга рўпара бўлди. У қисқа-қисқа нафас олар, кулранг яктаги тагидаги сертук кўкраги тез-тез кўтарилиб тушар, соқоли асабий титрар, бурун парраклари қисилиб кетганди. У Алимардонга, мана шу нобакорга арзигулик бир оғиз сўз топа олмагандай, анчагача тикилиб қолди.

– Нега келдингиз? – деди у ниҳоят тилга кириб.

Алимардон юрагини тўлдирган туйғуларни босиб олиб, совуккина:

– Муқад... – деган эди, Қори унинг гапини кесди:

– Муқадда нима ишингиз бор?

Алимардон ҳаммаси тамом бўлганини янада чуқурроқ ҳис этди. Гапни айлантириб ўтиришдан фойда йўқлигини билиб, кўнглидаги бор гапни айтди:

– Ўғлим қани?

– Ўғлингиз... – Қори лаблари титраб қайтарди: – Ўғлингиз йўқ... Муқад ҳам йўқ.

Алимардоннинг кўнглидаги изтироб ўрнини ғазаб эгаллади.

– Шавкат қани? Олиб кетаман!

– Шавкат йўқ! – Қори чертиб-чертиб таъкидлади. – Шавкатни онаси олиб кетган.

«Қаёққа?» – Алимардоннинг хаёлига шу фикр урилди-ю, аммо сўраб ўтирмади.

– Ҳақкингиз йўқ, – деди бўғилиб. – Мен отаман.

– Бола туғдиришни билганларнинг ҳаммаси ота бўлавермайди!

Пастак эшик унинг юзи олдида қарсиллаб ёпилди. Занжир шиқирлади.

Алимардон ғазаб ўтида ловиллаб бир нафас турди-да, шартга бурилиб кетди.

У ҳеч нимани кўрмас, кўз ўнгини оёгини «велосипед» қилиб қийқираётган ўғли тўсиб олган, бошини куйи солиб борар, нарироқда эса кизалоклар ҳамон чирчира ўйнашарди.

* * *

Гоҳо зарурат бўлиб, эски лаш-лушлар билан тўлиб кетган хужрачани титкилаб қолсангиз, занглаб ётган пичоқчангизми, жияги титилиб кетган дўппингизми топилиб қолади. Шунда аллақачон йилларнинг гарди босиб, тусини йўкотган хотиралар тўсатдан ярқ этади-ю, тагин алангаланиб кетади, юрагингизни ўт бўлиб ёндириб юборади. Бир вақтлар ўша пичоқчада толдан хуштак ясаганингиз, ўша дўппига қаттиқ нон солиб, ариқ бўйида оқизоқ қилиб еганларингиз ёдингизга тушади. Кечмиш йилларингиз, тонгдай мусаффо йилларингиз ҳозирги кунингизга қараганда анча беғубор, анча пок бўлганини аянчли бир ҳақиқатдай тан олишга мажбур бўласиз.

Алимардон Анварнинг янги маҳалладаги шаҳар ҳовлисига кириб келганида худди шундай аҳволда эди. У бу ерга боши оғиб келиб қолди, аммо бари бир Анварнинг олдида бош эгишга мажбур бўлишини ўйлаб, ич-ичидан эзила бошлади.

Алимардон олди очик айвон тўрида – гулдор кўрпача устида ўтирганча, атрофни соғинч билан томша қилар, бу ердаги ҳамма нарса унинг болалигини эслатар эди. Токчалардаги ялтироқ баркашлар ҳам, айвоннинг йўғон-йўғон, хийла сарғайиб қолган тўсинлари ҳам кўнглига яқин, кадрдон эди.

Бир вақтлар қиш кечаларида Алимардон далада зерикиб кетар, таътилда шу ерга келарди. Анвар билан кечгача уриниб, ҳовли ўртасида қорбобо ясашар, кечалари худди шу айвон олдига чодир ташлаб қўйилар, улар танчага

оёқ узатиб, алламаҳалгача туршак чайнаб ўтиришарди. Тонг сахарда уйғониб, ҳовондаги сопол товоқларни олишар, музлаган каймоққа шоша-пиша қора нон бўктириб ейишарди.

У ўша дамларни эслаб, мийиғида кулиб кўйди. Ҳозир ҳам деярли ҳеч нима ўзгармаган. Ўша айвон, ўша кафтдай ҳовли. Ўртадаги бир туп тут оқариб қолибди. Қарши томондаги болохонада Иқбол холанинг саришта қўллари билан ипга тизилган маржон-маржон гармдорилар осилиб турибди. Фақат болохона тагидаги уй ўзгарибди. Оқланибди, янги эшик ўрнатилибди, сирланган деразаларда келинлик нишони бўлган нафис дарпардалар...

Ошхонада Иқбол хола кўринди. У Алимардон кўникиб қолган майда, чакқон одимлар билан келиб, лип этиб айвонга чиқди. Нон, қанд-курс солинган патнисни Алимардоннинг олдига, хонтахта устига кўйди.

– Келганингиз қандоқ ярашиб турибди, – деди чўккалаб ўтириб нон ушатаркан. – Сантал раҳматлик шундоқ бўлиб кетганингизни кўрганида юраккиноси қоқ ушалмасиди. Яратгандан ҳам айланай. Бандасини доим бир томондан қисиб кўяди-да! – У чой қуйиб узатди. – Олинг, айланай, бегоналарга ўхшаб ўтирманг.

Алимардон чойни оларкан, зимдан унга қараб кўйди.

«Анвар ўртамизда бўлиб ўтган гапларни айтганми, йўқми? – у Иқбол холанинг чехрасида ҳеч қандай ўзгариш йўқлигини илғаб, тинчиди. – Айтмаган...» – Иқбол хола деярли ўзгармаган эди. Ҳамон ўша меҳрибонлик, коп-қора юзларида илиқлик. Фақат сочларининг оқи кўпайибди.

Алимардон кўпдан бери ерда – кўрпачада ўтирмагани учун оёқлари увиша бошлади. Кўзлари билан стул қидираркан, бирдан ўзининг ўзгариб кетганини, қандайдир бошқа одам бўлиб қолганини ўйлади.

– Анвар келиб қолармикан?

– Келади, ўргилай, ҳали-замон келиб қолади. – Иқбол хола овозини пасайтирди. – Келиннинг ойи – шу ой. Болам бояқиш хавотир олади-да. Ишдан чиқа солиб, уйга югуради. Ўзиям бу уйда чақалоқ овози чиқмаганига иккам ўттиз йил бўляпти.

«Дарров болалик ҳам бўлишаётган экан-да!» – У яна ўзининг Шавкатини, унинг қийқириб қулишларини эслади-ю, юраги санчиб кетди. «Ҳозир йўлга киргандир»

Иқбол хола унинг чеҳрасидаги алам кўланкасини илғамади.

– Келин дўхтирга қатнаяпти. Эсон-омон кутулсин, кўп яхши чиқди-да, болам бояқиш... Сиз бемалол ўтириб туринг, қоқиндиқ! – Иқбол хола яна ўша илдамлик билан ўрнидан туриб, ҳовлига тушди.

Кунботар олдидан ҳаво қизиб кетган, дим эди. Чор-атрофдаги тунока томлардан чиққан ҳарорат ҳовли ичига камалиб қолгандай туюлар, тутнинг қилт этган шабадага зор япроқлари ғамгин шалпайиб турарди.

Ҳовли юзида яна Иқбол хола кўринди. У кўйлагининг этагини липпасига қистириб олганча, пақирлаб сув сепа бошлади. Қизиган тупроқнинг майин иси гуркиради. Бир ҳовуч сув айвоннинг пишиқ ғиштдан урилган пойдевори-га сачради-да, шимилиб кетди.

Алимардон секин ўрнидан турди. Увушиб қолган оёқларини ёзиб, керишди. Унинг кетгиси келарди...

Алимардон Анварни қадам товушиданок таниди. Чеҳрасига қалқиб чиққан аламли ифодани яширишга уриниб, бурилиб қаради.

Анвар айвон олдидаги ғиштин йўлакнинг ўртасида такка тўхтади. Унинг чеҳрасида ҳайрат ифодаси қотиб қолган, чамаси, Алимардоннинг келишини ҳеч кутмаган эди.

«Ол, қасдингни олмайсанми?!» – пичирлади Алимардон ундан кўз узмай тураркан. Шу топда у Анвар-

нинг тўлишиб, улуғвор бўлиб қолганини пайқади. У бошқаларнинг, айниқса, шу йигитнинг ўзидан устунроқ бўлишига чидаб туролмас эди.

– Кетайми? – деди у лабларини заҳарли қимтиб.

Анвар худди шу гапни кутиб тургандай яқин келди. Пастдан туриб қўл чўзди.

Алимардон унинг қўлини парвосизгина қисаркан, яна кинояли бир хаёл кўнглига шарпа солиб ўтди:

«Ўзбекчилик қияпти. Бўлмаса аллақачон ҳайдаб юборарди».

– Ўтир, – деди ниҳоят Анвар кўрпачага имо қилиб.

Икковлари ёнма-ён ўтиришди.

– Қачон келдинг?

«Тулкилик қилма!» – деб ўйлади Алимардон унга бурилиб қараб. Аммо Анварнинг хотиржам кўзларига кўзи тўқнашди-ю, бепарво жавоб берди:

– Ҳозир... Кетмоқчи бўлиб тургандим.

Анвар анчагача индамай ўтирди. У айвоннинг йўғон устунига тикилиб турар, чамаси, муҳим бир нарсани айтгиси келар, аммо керакли сўзларни топиб ололмасди. Ниҳоят, ховли томонга шошилинич қараб олди-да, Алимардоннинг кўзларига қараб сўради:

– Муқаддамда нима қасдинг бор эди?

Алимардон ич-ичидан сесканди. Истехзо билан кулиб, кўзларини олиб қочди.

– Хурсандмисан?..

Анварнинг кўзлари чақнаб кетди. Ранги кув ўчиб, лабини тишлади. Ўша тўйга айтиб борган куни Муқаддамнинг оғироёқ эканини кўрганида сўна бошлаган ўт, Эйтибор оғироёқ бўлганидан бери бутунлай сўнган эди.

– Ҳалиям одам бўлмабсан!.. – деди у овози титраб. – Боланг бор, ахир...

У Алимардоннинг энг нозик ярасига тегиб кетди. Алимардон бу ерга ҳам фақат мана шунинг учун – боласи

туфайли келган эди. У Анвардан енгилла бошлаганини ҳис этиб, лов этиб ёнди.

– Жиғимга тегма! – деди тишлари қисирлаб.

Анвар унинг ахволини тушунди. Анчагача ўйланиб ўтирди-да, шу топда айтиш керак бўлган энг зарур гапни топди:

– Юр, Муқаддамларникига борамиз... –У бир лаҳза ўйланиб давом этди: – Ё оймлар борсинларми?

Алимардон бу ерга худди шунинг учун келган эди. У юрагининг бир бурчида, энг ашаддий душмани бўлса ҳам мана шу Анвар ёрдам бериши мумкинлигини биларди. Шунда ҳам ўзидан паст деб юрган кишисига бўйин эггиси келмади.

– Кераги йўқ!

Анвар унинг сидкидилдан гапирмаётганини тушунди шекилли, яна қистади:

– Кеч бўлиб кетяпти, тур...

Улар Икбол холанинг тайёр ошини ташлаб, чиқиб кетишди...

Тор кўчалар чанг-тўзон, болалар кий-чув солиб мактабдан қайтишарди.

Алимардон руль чамбарагидан ушлаганча кўча бошида турар, Анвар кириб кетган кўкиш эшикка қараб-қараб кўяр, кетма-кет сигарет тутатарди. У ҳаммадан ҳам Муқаддамни кўрганида ўзини йўқотиб кўйишидан ваҳимага тушар, совуқ гаплашиб, унинг ўзини айбдор қилиб кўйиш, ялинтириш кераклигини ўйлар эди.

Оқшом қуюқлашиб кетди. Кун бўйи ўз ташвиши билан елиб-югурган шаҳар устига туннинг қора қуши келиб қўнди. Одамлар бир оз тинчиб қолишди. Осмонда якка-ёлғиз шошқалок юлдузлар ёнди. Деразаларда чироқлар парпиради. Телевизорли уйлар дарчасидан кўкиш нур ёғилла бошлади. Кўл четидаги боғда сурнай садо-лари янграб кетди. Шабада аллақердан ёзлик кинотеатр

карнайининг овозини олиб келди. Ҳар ким кўнгли тусанча дам ола бошлаган эди.

Фақат битта ҳовлида – Анвар кириб кетган уйда тошдай сукунат қотган, тиқ этган товуш эшитилмас, гўё Анвар ҳовлига киргану аллаким қазиб қўйган тубсиз чуқурликка тушиб йўқолгандай эди.

Алимардон ғижиниб, машинадан тушди. Энди олдинга бир қадам босган эди, эшик занжирнинг шиқирлагани эшитилди. У биров келиб ёқасидан оладигандай, шошилиб машинага кирди. Эшикни тарақлатиб ёпиб олди.

Узоқдан Анварнинг оқ кўйлаги кўринди. У ёлғиз ўзи келар, ҳеч қаёққа қарамай, елкасидан оғир юк босган одамдай оғир-оғир қадам босарди.

«Йўқ дебди!» – Алимардон юзлари ўт бўлиб ёниб кетганини сезди-ю, ғазабдан томири тортишаётган қўллари билан моторни юргизди.

Анвар унинг ёнига оғир чўкди-да, индамай ўтираверди. Алимардон нимқоронғиликда унинг ранги ўчиб кетганини, кўзларида тубсиз бир ғусса борлигини сезди.

Машина бир сапчиб елиб кетди.

– Хўш? – Алимардон овози хириллаб сўради. – Нима деди?

Анвар яна узоқ жим кетди. У ўзини босиб олишга уринаётганини Алимардон билиб турарди.

Ҳозиргина сув сепиб ўтилган катта кўчага чиқиб олишгандан кейин Анвар унга қараб қўйди.

– Тўхтат машинангни! – деди овози хириллаб.

Алимардон тормозни такка босди.

Анвар пешанаси билан олд томондаги ойнага урилиб кетай деди. Унинг кўзлари қоронғида чарақлар, вазоҳати хунук эди.

– Муқаддам қишлоққа кетибди, – деди овози қалтираб. – Бутунлай кетибди – У боядан бери бўғзига тикилиб турган гапни энди айтди: – Сенинг шунчалик

харомлигингни билганимда бу ерга келмасдим! Ҳайф сенга оталик!

Алимардоннинг қалбидаги энг нозик тор узилиб кетди. У фақат мана шу гапдан, биров ўғлини эслатишидан даҳшатга тушарди. Ғазаб ичида Анварни ёқасидан олмоқчи бўлди-ю, кечикди. Анвар аллақачон ерга сакраб тушган, эшикни силтаб юборган эди. Эшик тутқичи Алимардоннинг қўлига қарсиллаб урилди. Зум ўтмай Анварнинг оқ қўйлаги зулмат ичига шўнғиди.

– Шунақами? – Алимардон алам билан пичирлаб газни босди. – Шунақами ҳали! – У шиддат билан машинасини елдириб кетди. – Ҳаромликни мендан кўрсин! Қишлоққа кетиш мана бунақа бўлади! Бутунлай кетиш мана бунақа бўлади!

У кучи борича газни босар, машина кутуриб кетгандай у ёқ-бу ёққа силкиниб, гавжум кўчалардан учиб борар, сийрак ўткинчилар кўрқув ичида ўзини четга олишарди.

* * *

Мудҳиш бир туманлик ичида адашган икки йил ўтди. Алимардон қанча май ичганининг, қанча аёллар билан улфатчилик қилганининг ҳисобига етмади. Бир кўнгли Кларага уйлангиси келди-ю, айниди. Энди у телевизорда кам кўринар, концертларда онда-сонда чиқиб қолар, одамлар ўзини олқишламаётганини кўриб, жини қуришар, лекин одамлар ҳам энди унга зор эмас эди!

Энди у ягона бир нарсанинг – пулнинг ҳисобини биларди. Пул учун дунёнинг нариги чеккасига боришдан ҳам тоймас, тўйларда тонготар ашула айтиб, хириллаб қоларди.

Ҳушёр пайтларда у ўзининг аҳволини ўйлаб кўрар, назарида даҳшатли туш кўраётганга ўхшаб кетар эди.

Гоҳо у уйғониб кетишни жуда-жуда хоҳлар, пулдан ҳам, қарсақлардан ҳам, мастона ўтиришлардан ҳам – ҳамма-ҳаммасидан воз кечиб, ўтмишга – покиза ўтмишига, ўз баҳорига қайтишни орзу қилар, аммо қайтиш йўлини тополмас, яна май билан таскин берарди ўзига.

Бу орада Зуфар Ходиевич пенсияга чиқиб кетди. Театрдагилар уни алланечук меҳр билан кузатдилар. Шунда Алимардон ҳам бу одамни яхши кўришини биринчи марта ҳис қилди...

Ора-чора Анвар келиб турарди. Алимардон аввалига рўйхуш бермай юрди-ю, кейин кўникиб кетди. Улар ўтмишлари ҳақида, болалик хотиралари тўғрисида узоқ-узоқ гаплашиб ўтиришарди. Анвар гоҳи-гоҳида чопқиллаб юрадиган бўлиб қолган қизчасини кўтариб келарди. Шундай пайтларда Алимардоннинг кўз ўнгида қаработчасида қийқириб ётган Шавкат пайдо бўлар, азобли соғинч туйғусидан титраб кетар эди. Анвар ҳар гал бир нарсани қистар, «Муқаддам билан ярашгин», деб тайинлар эди. Алимардон ҳам ҳар гал бир хил жавоб берарди: «Керак бўлса ўзи келсин!» – Шундоқ дерди-ю, кечмиш кунларини кўмсаб, дили ўртанаётганини билиб қоларди.

Шундай кунлардан бирида Алимардон эсини таниганидан буён биринчи марта ўзга кишидан енгилди. У йўлида учраган ҳар қанақа ғовни босиб-янчиб ўтишга, доимо ғолиб чиқишга ўрганган эди. Шу куни енгилди. Ўзи «сўтак бола» деб юрган Мутал Қодировдан енгилди!

Эрта билан вокзалга келди. Йўқ, унинг кутадиган ҳам, кузатадиган ҳам одами йўқ эди. Шунчаки, боши айланиб келиб қолди. Вокзал биноси олдидаги қаҳвахонага кирди-да, дераза ёнида турган стол қаршисида ўтирганча одамларни кузата бошлади.

Ҳаво тунд, салқин эди. Майдондаги гулзорда дакана танғиган хотинлар чўнқайиб ўтиришар, чамаси, хонаки гунафша экишарди. Энг сўнгги қор эриб кетган, асфальт

майдон куриб қолган, автобус бекатида одамлар гавжум эди.

Майдончадаги скамейкалар тўлиб кетган. Биров чамадонга ёнбошлаб мудрар, биров папирос тутатиб, хаёл суриб ўтирар, бошқалар дўкондан китоб танлар эди. Ана, кизил жемпер кийган бир хотин кўксини рўмоли билан яшириб бола эмизиб ўтирибди. Унинг ёнидаги семиз киши бепарво газета ўқийди. Ойнабанд эшик олдида турган йигит кўкиш ёмғирпўш кийган қиз билан оҳиста суҳбатлашади. Қиз шодон кулиб қўяди. Чамадон кўтарган, қоп орқалаган одамлар зир югуришади. Бетоқат бакириб-чақиришади. Кўк шапка кийган темир йўл хизматчилари чамадон юкланган аравачаларини ғизиллатиб ўтиб қолишади...

Алимардон уларни кузата-кузата кулиб қўйди. Ажаб, қаёққа шошилади бу одамлар? Мунча зир югурмаса булар! Қаёқа талпинади? Бари бир борар манзили битта-ку!

Навбатчи аллақайси поезд келганини эълон қилди. Одамлар тағин ҳам чаққонроқ бўлиб қолишди. Кепкасини бостириб кийиб олган бир йигит каттакон гулдастани силкитганча перрон томонга чопиб кетди. Хотининими, севгилисиними кутиб олаётган бўлса керак.

Алимардон кимдир ўзини чақирганини анчадан кейин эшитди. Бурилиб каради-ю, қаршисида хиёл эгилиб турган Мутал Қодировни кўрди. Мутал спортчилардек таранг, кулранг жемпер кийиб олган, шунинг учун бўлса керак, гавдаси янаям ихчамроқ кўринарди.

У салом берди-да, Алимардоннинг қаршисига ўтирди.

– Наманганга, кишлокқа борган эдим. Поезддан ҳозир тушдим, – деди Мутал ингичка бармоқлари билан жингаллак сочларини тараб. Кейин узр оҳангида давом этди: – Қарасам, сиз ўтирган экансиз...

Алимардон ғижиниб, юзини ўгирди. У бу йигитни ёмон кўришини яшириб ўтирмас, театрдами, кўчадами

дуч келиб қолса тескари қараб ўтиб кетарди. Алимардон бир кун эмас бир кун томошабинлар уни ҳам кўғирчоқни ўйнаб-ўйнаб, зериккандан кейин улоктириб юборган боладек унутишларини кутар, аммо ниятига етолмас эди. Мутал унинг кўз ўнгида кун сайин ўсиб борар, ҳеч қачон бошқалардан олдинга ўтиб олишга уринмас, шунинг учун бўлса керак, энг олдинда ярақлаб кўриниб турарди.

– Бировни кутяпсизми?

Алимардон унинг гаплашгиси келиб турганини пайқаб яна ижирғанди.

– Ҳа, сизни кутиб ўтиргандим! – У Муталнинг ҳамон болаларча содда нур аримаган кўзларига тикилиб туриб, аччиқ кулди. – Менга бир насиҳат қилиб қўймайсизми? Театрдан гапиринг! Станиславскийдан лекция ўқинг!

Мутал унга ўйчан қараб қўйди-ю, индамади. Анчага-ча икковларидан садо чиқмади. Алимардон кўли билан дераза томонга имо қилиб, яна кулди.

– Одамларни томоша қиляпман. Улар сизни ҳар куни томоша қилади. Сиз ҳам бир томоша қилинг, ахир. Одамларни яхши кўрасиз-ку! – У Муталнинг кўзларига тикандек қадалиб сўради: – Яхши кўрасизми, ахир?

Мутал бошини оҳиста силкиди.

– Ана, баракалла! – Алимардон ҳузур қилиб кулди. – Шулар орасида бугун сизга гулдаста тутиб, эртага унутиб юборадиганлар, бебурдлар борлигини биласизми?

Мутал бошини куйи солганча кафти билан стол устидаги нон ушоқларини бир чеккага йиғиштира бошлади. Узоқ ўйлаб турди-да, бир қарорга келгандек, ишонч билан бош кўтарди.

– Биламан. Лекин шулар орасида минг йиллардан буён «Муножот»ни, «Чўли ироқ»ни чалиб келаётган, Навоийнинг ғазалларини боласига ўргатиб келаётган одамлар кўп-ку! Ахир, ўзингиз халқ кўшиқларини яхши кўрасиз-ку! Шунақа ашулаларни қайта-қайта айтгансиз-ку!

Алимардон у билан ҳеч қачон шунақа дангал гаплашмаган эди. «Тилинг бурро-ку» – деб ўйлади ҳамон эрмак қилиб жилмайиб тураркан. Кейин парво қилмагандек қўл силтади. Шоша-пиша вокзал биносига ёпирилиб кираётган одамларга имо қилди.

– Мана шуларнинг ичида бултурги олмани уч баҳосига пуллаш, худди ўзига ўхшаган одамларни лақиллатиш учун йўлга чиққанлар йўқми? Эрининг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб, бегона эркакнинг сочини искаш учун курортга кетаётган хотинлар йўқми? Нечтасини топиб берай?

Мутал бу сафар ҳам унга хотиржам қараб қўйди.

– Бор...

Алимардон мамнун қиёфада столни шатиллатиб урди.

– Ҳар ким ўз ҳузурини ўйлайди. Сиз халққа хизмат қиляпман, ном қозоняпман, деб керилиб юрибсиз. Булар бўлса сизни саҳнага чиқариб қўйиб, юрагининг ҳовурини босади.

Мутал секин ҳўрсиниб қўйди. Болаларча содда юзида армон қўланкаси пайдо бўлганини кўриб, Алимардон ичидан кулди. «Сўтаксан ҳали, қўғирчоқсан! Пайти келиб кўзинг мошдек очилади!»

– Қишлоғимизнинг тепасида Қодиробод деган боғ бор, – деди Мутал унинг гапини эшитмагандек. – Кеча ўша боғқа бордим. Бир вақтлар отам адирдан юз гектар ер очиб, боғ қилган экан. Ўлганидан кейин боғни отамнинг номига қўйишган. – У деразадан майдонга ўйчан қараб қўйди. – Мардон ака, мен отамни танимаيمان. Фақат битта сурати қолган. Денгизчиларнинг кокилли шапкасини кийиб тушган сурати.. Урушдан кейин бир одам отамнинг қандай ўлганини онамга гапириб берганини эшитиб қолганман. – У негадир ҳорғин қиёфада жилмайиб қўйди. – Зерикмадингизми?

– Гапираверинг, – деди Алимардон яна эрмак қилиб. – Сиз билан кўпдан буён гаплашмаганмиз.

Мутал унинг киноясига парвосиз қараб қўйди.

– Отам сувости кемасида хизмат қиларкан. Бир куни қирғоққа разведкага чиқишибди. Немислар отам билан ўша одамни ушлаб олибди. Кейин отамнинг оёғини осмондан қилиб, қайиқ орқасига боғлашибди-да, сувга ташлашибди. Отам типирчилаб-типирчилаб тинчиб қолганидан кейин денгизга улоқтириб юборишибди.

Алимардон бўғзига сув тикилиб типирчилаётган одамни кўз ўнгига келтирди-ю, вужуди музлаб кетди.

– Ўша пайтда, – деди Мутал ўзига-ўзи гапирётган-дек, – отам сиз айтаётган ифлос одамларни эмас, чинакам инсонларни ўйлаган бўлса керак... Отамнинг битта хатини ҳамон асраб юраман, – деди Мутал анчадан кейин хўрсиниб. – «Дунёда одамларни яхши кўришдан каттароқ бахт йўқ», деб ёзган экан отам хатида.

Орага жимлик чўқди. Ҳали кун эрта бўлгани учун, қаҳвахонада одам сийрак, столлар бўш, атроф жимжит эди.

– Онам бошқа турмуш курмади, – деди Мутал ўйланиб. – Аввалига бу нарсада ҳеч қандоқ сир йўқдек эди. Онам бўлганидан кейин мен учун яшасин-да, деб ўйлардим. Мана, ўзим ҳам уйландим. Болали бўлдим. Онамнинг қадрини энди била бошладим. Мени деб ҳамма нарсадан воз кечиш осон бўлмаганини энди тушундим.

«Нима кераги бор шу гапларнинг!» – деб ўйлади Алимардон кўнгли чўкиб. У бояги эрмак қилувчи кулгилари йўқолганини, Муталнинг гапларига илк марта жиддий эътибор бера бошлаганини ўзи сезмай қолди. Унинг кўз ўнгига онаси жонланди. Қизик, у ҳеч қачон онасини ўйламаган экан. Ўлганидан кейин ҳам, онам мен учун яшаган эди-ку, деган гап хаёлига келмаган экан. Ахир, унинг отаси ҳам урушда ўлганди-ку! Унинг онаси ҳам, шу болам одам бўлсин, деб ярим кўнгил билан ўстирган

эди-ку. Нахотки, мана шу бола билган гапни у тушунмаса!

– Бунақа оналар кўп бўлса керак, – деди Мутал унинг хаёлини уқиб тургандек. – Билмадим, нимагадир мен шунақа деб ўйлайман.

Алимардон шу топда нимадир дейиш кераклигини билар, аммо гапиролмас эди. Узоқ вақтлардан бери, онаси вафот этганидан бери биринчи марта унинг маъюс боқишларини аниқ тасаввур этди. Кейин негадир Шавкатни, ўзининг Шавкатини кўз ўнгига келтирди-да, тагин кўнглида аламли соғинч дарди уйғонди.

– Мен одамларни яхши кўраман, – деди Мутал. – Йўқ, отамнинг васияти туфайли эмас. Ўзим яхши кўраман. Одам боласи туғилган пайтида покиза бўлади-ку. Унинг умрбод шунақа покиза бўлиб қолиши сизга, менга, ҳаммага боғлиқ эмасми?

Алимардон алланима демоқчи бўлди. Мутал яна гапиртирмади.

– Алимардон ака, мен сизнинг қўшиқларингизни ўрганиб, ҳофиз бўлганман, – деди Мутал унга маъюс боқиб.

Алимардон унинг рост гапираётганини бир қарашдаёқ пайқади. Аммо ҳеч нима демади. Чамаси, Муталга ҳам буларнинг ҳаммаси бари бир эди.

– Сизга насихатгўйлик қилишга ҳаққим йўқ. Ўзингиз биласиз, дунёга келгандан кейин бирон-бир мақсади бўлиши керак-да одамнинг. Сиз айтгандай томошабинларнинг қарсагини эшитиш, ном қозонишга ишқибоз эмасман. Дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Яна эллик йилдан кейин биров мени эслайдими, йўқми, унисини билмайман. Менга бунинг қизиғи ҳам йўқ. Мен юрагимдаги хурсандчиликни ҳам, аламимни ҳам одамларга – томошабинларга тўкиб соламан. Менинг ашула айтишдан мақсадим шу...

...Алимардон Муталнинг қачон туриб кетганини билмади.

Шу топда аламли бир муаммо унинг юрагини ўртар эди. Наҳотки, мана шу бола, куни кеча ўзининг кўшиқларини ўрганиб, саҳнага чиққан мана шу гўдак билган нарсани Алимардон билмаса? Наҳотки, Алимардоннинг шунча меҳнатлари бесамар кетган бўлса?! Наҳотки, у дунёга келиб, дурустроқ ният билан яшамаган бўлса?

Қаҳвахонанинг ичи шовқин-сурон бўлиб кетди. Бир тўда ёш-яланглар сотувчининг атрофини ўраб олишди.

Алимардон аста ўрнидан турди-ю, оғир-оғир қадамлар билан зиналардан тушиб кетди.

* * *

Алимардон тагин муаллақ туманлик ичида қолди. Калаванинг учини излаб кўрди-ю, тополмади, охири Муталнинг ўша кунги гаплари шунчаки валдирашдан бошқа нарса эмасдек туюла бошлади. Яна ўша сархуш кечалардан таскин излади. Аммо топмади. Тополмади.

Мана шу боши берк кўчанинг энг ичкарасида ожизгина нур йилтиллаб турар, ингичка ип бўлиб, келажакка боғланаётгандек эди... Бу нур – Шавкат эди! Кейинги йилларда у ёлғиз мана шу нур умидида яшади. Қизик, у ўта қувончли ёки ўта ғамгин дамларида Шавкатни эслар, қаравотчасида оёқ-қўлини силкитиб, қийқириб ётган ўғли хаёлида жонланар, ҳозир унинг қатта бўлиб қолганини, бижилдоқ болакай бўлганини тасаввур этишга уринар, аммо ҳеч кўз ўнгига келтиролмас эди.

«Ўзи келади, – дерди у Муқаддамни ўйлаб, – бола бор, бир куни келади»

Лекин Муқаддам келмади. Бир куни унинг ўрнига Алимардонни судга чақириб, қоғоз келди.

Алимардон хафа ҳам бўлмади, кувонмади ҳам. Фақат бир нарса, Шавкатни кўриш истаги уни суд эшигига етаклаб борди. У машинасини суд биносининг соясига қўйди-да, иккинчи қаватга кўтарилди. Йўлак бўйлаб бораркан, ўзининг ҳаяжонланаётганини, ранги қув ўчиб кетганини сизди. Юраги гурсиллаб урганча атрофга аланглаб, Муқаддамни, тўғрироғи, Шавкатни излай бошлади. Йўлак бўм-бўш эди.

У тўғридаги эшикни очди-ю, энг аввал Муқаддамни кўрди. У хона ўртасидаги узун скамейканинг бир чеккасида эшикка орқа ўгириб ўтирарди. Муқаддам қора атлас кўйлак кийиб олган, бош яланг, сочи турмакланган эди.

Алимардон бир лаҳзада хонани кўздан кечириб чиқди. Тўрдаги алвон ёпилган стол қаршисида тепакал, озгин киши ўтирар, ёнидаги кўзойнак таққан кекса хотинга аланималарни оҳиста гапирарди. Ўнг томондаги столда эса котиба қиз аллақандай қоғозларни тўлдирарди.

Алимардон ўзини мажбур этиб, дадил-дадил қадамлар билан юриб келди-да, скамейканинг бериги четига ўтираркан, Муқаддамга қараб қўйди. Муқаддам ҳам унга ўгирилиб қаради. «Ўзгармабди», деб ўйлади Алимардон кўзларини олиб қочмасликка уриниб. Ҳамон ўша эгик, узун киприқлар, ҳамон ўша тиниқ чехра... Алимардон унинг чиндан ҳам чиройли эканлигини ўйлади-ю, шошилиб юзини ўгирди. Бу одам энди унга бегона...

Тепакал судья Алимардонни сўроқ қилди. У нималар деганини ўзи билмади. Кўнглида кечмишнинг тотли дамларини қўмсаш туйғуси уйғониб, яна азоб бера бошлади. Муқаддамнинг илк бора ўз уйига кириб келгани, илк марта бағрига босгани... Соддагина, бўйсунувчан хотин бўлгани... Шавкат туғилганида қувонганлари... Ниҳоят, эшикни қарс ёпиб, остонадан ҳайдаб юборганини эслади-ю, «Муросамиз тўғри келмади. Менга боламни қайтарса бўлди», дегандай жавоб қилиб, жойига ўтирди.

Кейин Муқаддам ўрнидан турди.

У ҳам, энг аввало, илк бора Алимардоннинг уйига кириб боргани, тўй бўлгани, унинг мана шу қайсар сочларини силаганини ўйлади. Кейин Шавкат кўз ўнгига келди. У, шаҳардан сенга уч ғилдиракли велосипед олиб келаман, деб уйдан чиққан эди. Кейин тагин Мардон акаси билан кечирган кунларини эслади. Охири кўз ўнгида ўзининг тўшагида ўтирган ярим-яланғоч хотин пайдо бўлди-ю, бир оғиз «йўк, бирга яшолмайман», деб жавоб берди.

Судья билан маслаҳатчи хотин узоқ насиҳат қилишди. Аммо натижа чиқмади. Охири суд ажратишга, болани онасида қолдиришга қарор қилди. зум ўтмай хона бўм-бўш бўлиб қолди.

Алимардон қизил бахмал ёпилган стол, шойи дарпарда тугилган пастак деразадан кўз узмай узоқ ўтирди. Кейин бирдан сакраб ўрнидан туриб кетди. Юраги гурсиллаб урганча иккинчи қаватдан ўкдек отилиб тушиб, кўчага чиқди. Йўлка чеккасидаги хонаки арча орқасига ўтиб кетаётган Муқаддамнинг қора атлас кўйлагини кўриб қолди-ю, цемент ариқчадан ҳатлаб ўтиб кетидан югурди.

– Тўхтанг... – У аввалгидек «Муқад» демокчи бўлди-ю, нафаси қисилиб такрорлади: – Тўхтанг, Муқаддамхон!

Муқаддам ярим ўгирилиб қаради, «Нима гап?» дегандек киприкларини пирпиратиб, қошини чимирди. Алимардон икки қадамча берида тўхтади.

– Шавкат қани? – деди у нафасини ростлаб ололмай.

Муқаддам унга маъносиз қараб қўйди.

– Уйда, қишлоқда...

– Қачон кўраман, қачон?! – Алимардон ўзининг ўтинч оҳангда гапирганини пайқаб, ғижиниб кетди. – ўғлимни беркитишга ҳаққингиз йўк! – деди овози титраб. – Мен унинг отасиман.

Муқаддам унга яна маъносиз бир назар ташлади.

– Сиз унга ота бўлломдингиз! – У кескин бурилди-да, бекатга келиб тўхтаган троллейбус томонга югурди.

Алимардон етиб боргунча троллейбус юриб кетди. У газаб билан орқасига қайтди. Суд биниси олдида турган машинасига ўтирди-да, троллейбуснинг кетидан шиддат билан кува бошлади. Зум ўтмай етиб олди.

Алимардон троллейбуснинг катта-катта деразаларига қараб ўтди-ю, кейин бирдан ҳафсаласи пир бўлди.

«Қаёққа боради? Муқаддамнинг уйигами? Нима учун? Хор бўлиш, ҳайдалиш учунми?!»

У газни босганча шиддат билан елиб кетди. Ресторан эшигига келганидан кейингина ҳушини тўплаб олди. Бир лаҳза иккиланиб турди-ю, ичкари кирди.

* * *

Уч ойдан кейин у Муқаддамнинг эрга текканини эшитди. Консерваторияда бирга ўқиган курсдоши шу хабарни топиб келди. Ойнатоғга борганида Муқаддамнинг ўзини кўрмабди-ю, биттасидан эшитганмиш. Ўша ерлик Кабир деган бир ўрмончи агроном қайта-қайта совчи кўяверганмиш. Муқаддам, ёлғиз боламини бировнинг қошқовоғига қаратиб қўймайман, деб рози бўлмаганмиш. Йигит югура-югура охири Муқаддамни кўндирганмиш.

Ажаб, Алимардоннинг кўнгли энди таскин топгандек бўлди. Гўё худди шу хабарни кўпдан буён кутиб юргандай эди. Фақат кўнглида тубсиз рашк уйғонди. Қалбининг энг чуқур яраси – ўғли қолдирган яра чидаб бўлмас азоб бериб ачишиб кетди. У Шавкатнинг бошқа бир одамни ота деб чақиришига тоқат қилолмас, асло, асло чидолмас эди! Бу яра кун сайин чуқурлашиб борар, Алимардон кечалари мижжа қоқмай тўлғаниб чиқар, ўғлини қандай қилиб бағрига қайтариш йўлини ўйлар, лекин тополмас эди. У кечалари турли режалар чизиб чиқар, тонг отиши билан

бу режаларнинг ҳаммаси бемаъни эканини, рақибининг остонасига бош эгиб бориши мушкул эканини билар, ўғлини қайтариш учун яна янги режаларни излар эди. Унга сайин қалбининг яраси тагин ҳам чуқурлашар, ўз хунини кундан-кун қаттиқроқ талаб қиларди.

Ниҳоят, шундай кун етиб келди. Ниҳоят, Ойнатогга боришга баҳона топилди.

Кечқурун Алимардон ҳар сафаргидай «Тошкент» ресторанига кирди. Официанткалар уни таниб қолишган, ёлғиз ўзи ўтиришни ёқтиришини билишар, кириши билан олдига коньяк келтириб қуйишарди.

Учинчи қадаҳдан кейин унинг фикри тиниклашиб, атрофга разм солди. Бугун ресторанда одам сийрак, аммо залда одатдагидек оркестр жаз чалар, қувноқ садолар дунё ташвишларини унутишга, бир нафас маст бўлишга ундаётгандай ҳайқирарди!

Алимардон яна икки қадаҳ ичди. Лимон билан газак қилди. Энди унинг кулоқлари гувуллаб, ширин, мастона кайфиятга берилди. Супачада кимдир рубоб чалиб, ашула айта бошлади. Алимардон хонанданинг бўғиқ овозидан ғижиниб, қайрилиб қаради.

Кизил свитер кийган гавдали йигит микрофон олдига келиб, оёқларини жуфтлаганича қакқайиб турар, рубоб чалиб, аллақандай шўх ашулани айтар эди.

«Консерваториядан қочган сўтаклардан бўлса керак!» Алимардон жаҳл билан афтини бужмайтириб, яна қадаҳни тўлатди. Икки марта кетма-кет ичди.

Бирдан мастона шов-шувлар орасидан унинг кулоғига жуда таниш, жуда азиз бир оҳанг эшитила бошлади. Бу куй қаердадир жуда олисларда қолиб кетган, юрагидан изи ўча бошлаган ширин туйғуни қитиқлади-ю, лекин қаерда эшитганини эслай олмади.

Тўсатдан у ўрнидан туриб кетди. Ахир, бу ўзининг куйи-ку! ўзининг ашуласи – «Йигит қўшиги»ку!

Алимардон ашулачига бир қараб қўйди-ю, ҳолсизлангандек жойига ўтирди. Энди йигитнинг овози бўғиқлиги ҳам билинмас, Алимардон бошини куйи солганча диққат билан эшитар, қўшиқнинг ҳар бир сўзи унда жуда узоқ – қайтиб келмас манзилларга кетиб қолган дамларини эслатарди. Қўшиқ садолари унинг қулоғи тагида борган сайин қаттиқроқ жаранглар, дунёдаги ҳамма нарсани – майни ҳам, пулни ҳам, ташвишларни ҳам унутишга, ўтмишни, ширин ўтмишни эслашга мажбур қила бошлади.

На қувончу, на ишончу, на кўнгилдан очма гап,
Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмакдаман...

Ажаб, Алимардон қўшиқни неча марталаб айтган экан-у, аммо бу сўзларга эътибор бермаган экан. Тўсатдан унинг кўнгли чўкиб, чидаб бўлмас бир изтиробда тўлғана бошлади. Кафтани пешонасига босганча, кўзларини чирт юмди-да, пичирлаб қайтарди:

На қувончу, на ишончу, на кўнгилдан очма гап...

Илк бора шу қўшиқни айтган куни остонада ўзига тикилиб турган Муқаддам кўз ўнгига келди. Кейин яна Шавкатни эслади.

Шу он ашулачи худди унинг қалбидаги ҳасратларни билиб тургандек, яна дона-дона қилиб такрорлади:

Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмакдаман...

Нима бўляпти ўзи? Нималар бўляпти, ахир?! Нахотки, ҳаммаси адойи тамом бўлган бўлса? Нахотки, энди у ҳам фарзандидан, ҳам Муқаддамдан, ҳам истеъдодидан – ҳамма-ҳаммасидан бир йўла айрилган бўлса!

Алимардон кўзларини чирт юмди-ю, фароғатли дамларини эслади. Ахир, унинг номини эшитганда одамлар

титраб қоларди-ку! Ҳар хонадонда унинг дилрабо овози жарангларди-ку! Камолот зинапояларидан дадиллик билан кўтарилган, қанчадан-қанча кишиларнинг дилини ларзага солган унинг ўзи эмасмиди! Бугун нега ҳамма ундан юз ўгирди?

У ҳаммасини бир бошдан эсламоқчи бўлди. Энг аввал, кўз ўнгига Анвар келди. Ҳа, биринчи бўлиб ундан Анвар юз ўгирган эди. Кейин-чи? Кейин... кейин Муқаддам. Ундан кейин бошқалар. Ҳамма-ҳамма...

Алимардон яна ичди. Бу сафар фикри янаям тиниқлашиб кетди. Қизик, энг аввал энг яқин кишилари ундан қочибди. Нимага? Нима учун ахир? Тез ўсгани учунми? Истеъдоди, дадиллиги учунми? Тўсатдан хаёлига бир фикр урилди-ю, аламдан инграб юборди. Ажаб, у қанча тез ўсган бўлса, одамлардан шунча тез ажралибди. Камолот зиналаридан ўтиб шон-шавкатга, мол-дунёга, ўзи бир вақтлар энтикиб орзу қилган ҳамма нарсага эга бўлибди-ю, худди ўша зиналарда битта нарсасини, энг азиз, энг покиза нарсасини – одамгарчилигини тушириб қолдирибди.

Алимардон хаёлига ўрнашиб қолган бу даҳшатли ўйдан чўчиб тушди. Нахотки? Нахотки шундоқ бўлса!

Унинг кайфи бутунлай тарқаб кетди.

Шартта кўлини тушириб, қадахни стол чеккасига суриб қўйди-да, бокални тўлдириб кўтарди.

Ашула тамом бўлди. Чекка-чеккадан сийрак қарсақлар эшитилди.

Алимардон столлар орасидан ўтиб, супача олдига борди-да, энди жойига бориб ўтирган йигитга хайқирди:

– Ҳой, ука!

Йигит унинг мастлигини кўриб, парво қилмади-ю, кейин таниб қолди шекилли, сакраб ўрnidан туриб, супа лабига келди.

Алимардон мастона шовқиндан кўзи тиниб кетаётганини пайқаб, супача қиррасидан ушлаб қолди.

– Айтинг! – деди хириллаб. – Ҳозирги ашулани айтинг!

– Яна қайтарайми?

– Қайтаринг! – деди у аламли овоз билан. – Юз марта қайтаринг! Минг марта қайтаринг!

Йигит итоаткорлик билан рубобини қўлга олди.

Алимардон хира бир туманлик ичида ўзига қараб турган одамлар орасидан ўтиб, столини топиб олди. Стол ёнида чуст дўппи кийган, тожикларга ўхшаган қора қош, шопмўйлов йигит ўтирарди.

Алимардон яқин келиши билан нотаниш одам ўрнидан туриб, салом берди.

– Ким сизни бу ёкка чақирди? – деди Алимардон гижиниб. Нотаниш киши хижолатли аҳволда қолганидан уялди шекилли, ийманиб гап бошлади:

– Мен...

– Йўқ, мен сизни таклиф қилдимми? – Алимардон унинг гапини бўлди. У шу топда кимдан бўлмасин, аламини олгиси келар, ғазабдан титрар эди. – Меҳмон бўлинг, дедимми сизга?!

Нотаниш киши баттар ўнғайсизланиб тушунтирди:

– Мен сизни қидириб келгандим, домулло.

Алимардон стулга оғир чўкди-да, жимирлашаётган кўзлари билан тикилди унга.

– Мен сизга «домулло» эмасман! Нима дардингиз бор эди?

– Тўй қилаётган эдик.

У яна нимадир демоқчи эди, Алимардон гапиртирмади. Йўқ, тўйи ҳам, ўзи ҳам керакмас унга. Ҳеч ким керак эмас!

– Ишингизни қилинг! – деди жеркиб. – Тўйингиз менсиз ҳам ўтаверади.

У ҳеч нимани кўрмаслик учун юзини кафти билан беркитди-да, столга энгашди. Унинг кулоклари остида ашулачи йигитнинг овози яна янгради:

Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмакдаман...

Алимардон алам билан пичирлаб, бу сатрни ўзи ҳам такрорлади.

Бошини кўтариб қараб, нотаниш одам ҳалиям ўтирганини кўрди, ҳайкириб юборди:

– Бормайман, деяпман-ку! Нима қиласиз мени қийнаб!

– Тўй меники эмас, домулло. Бозор куни раис ўғлини уйлантираётган эди. Атайлаб юборди. Ойнатағдан келдим.

Алимардон ярқ этиб қаради. Бирдан кўз ўнги тиниқлашиб, тикилиб қолди.

– Қаердан дейсиз? – деди энтикиб.

– Ойнатағдан, – нотаниш киши ялинган оҳангда сўради: – Закалат ташлаб кетайми?

Алимардон ички бир ғижиниш билан қўл силтади.

– Пулингиз керакмас. Бораман!

* * *

Тўй таркай деб турган эди, бирдан шамол кўтарилди-ю, зум ўтмай бўронга айланди. Шамол шиддат билан қуюндай ёпирилар, ҳовлидаги олчаларнинг шохларини қарсиллатиб, айқаш-уйқаш қилар, узун стол устидаги дастурхонларни шартта кўтариб, тақсимчаларни чил-чил қилиб юборарди. Одамлар чувиллаб қолишди. Куёв-келин ўтирган жойдаги палак узилиб тушди.

Тўйда елиб-югуриб хизмат қилаётганлар шоша-пиша келинни уйга олиб кириб кетишди. Ўртадаги мингинчи лампочка лопиллаб-лопиллаб турди-да, бирданига қарсиллаб ёрилиб кетди. Тоғ табиати қутуриб, бир зумда ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлади.

Алимардон ўзига ажратилган бурчакдаги сўридан сакраб тушди. Аллаким ичкаридан ўнинчи чироқ кўтариб

чиқди. Аммо шу ондаёқ бўрон чироқнинг шишасини учириб, парчинлаб ташлади.

Алимардон хавотирланиб, осмонга қараб кўйди. Худди шу пайт илондай чақмоқ ярақлади-ю, этаги чўққиларга осилиб ётган ваҳимали, қоп-қора булутларнинг қирраси аниқ кўриниб кетди. Кетидан еру кўкни ларзага солиб, момақалди роқ гумбурлади.

Алимардон ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган одамлар орасидан ўтиб, тор кўчага чиқди. Нарироқда соядай қорайиб турган машинасининг олдига борди. Шошилмасдан эшикни очди.

Алимардон ҳеч қаерда бугунчалик ҳиссиз, совуқ кўшиқ айтмаган эди. Бу сафар у бир култум ҳам ичмади. Раиснинг пулини олмади ҳам. Ҳар гал ўртага тушганида кўзлари билан Муқаддамни излар, қаердадир, шу атрофда, одамлар орасида турибди, деб ишонар, хотин-халаж орасида чопишиб юрган болалар ичида ўзининг Шавкати ҳам борлигини ўйлар, кўшиқ айтарди-ю, нима деяётганини ўзи билмасди.

Алимардон ашула айтар экан, қайсидир бир бурчақда ўша Кабир ҳам ўзига илжайиб тикилиб турганини кўз ўнгига келтириб ғижинарди. Ким билсин, балки ўша рақиб ҳам унинг пешанасига пул қистириб, садақа бергандир.

Алимардон керакмас, деб ҳарчанд қайтармасин, серзавқ тоғ халқи уни пулга кўмиб ташлади. У бўрон бошланганидан хурсанд эди. Эшикни қарсиллатиб ёпдида, машина чироғини ёқди.

Чироқ нурлари зулматни тилкалаб ташлади. Тор кўчада чекка-чеккада тўдалашиб қолган одамлар, у ёқдан-бу ёққа бесаранжом югурган хизматчилар беихтиёр машина томонга бурилиб қарашди.

Алимардон энди моторни юргизган эди, аллаким ўнг томондаги эшикни тортди. Очолмади шекилли, эшик дарчасидан мўралади.

– Ҳа? – деди Алимардон қайрилиб қарамай, кейин елкасига беқасам чопон ташлаб олган раисни таниди-ю, юмшоқроқ қилиб сўради: – нима дейсиз?

– Кетяпсизми? – деди раис шамолнинг ўқирган овозини босиш учун бақриб.

Йўқ, у ҳеч қаякка кетмайди. Бу ерга тўй учун келган эмас!

Алимардон Муқаддамнинг уйини нима деб сўрашини билмай иккиланиб қолди.

– Вақт бўлди энди, – деди атайлаб ишонч билан.

– Шу топда-я? – деди раис яна шанғиллаб. У тагин бир нима деди-ю, момақалди роқ овозини босиб кетди. Гулдурос тўхтаганидан кейин бошини янаям ичкарироқ киритиб қичқирди: – Қолинг, йўл ёмон. Шодивой уйига олиб кетади.

Алимардон индамади. У ўтирган ерида ҳаяжондан титрар, ўғлини кўришини ўйлагани сайин баттар энтикиб кетарди. Йўлга чиққанидаёқ юраги соғинч бир туйғу – Шавкатни кўриш туйғуси билан лиммо-лим тўлиб, типирчилаб кетган эди. Энди бу туйғу қудратли бир талабга айланган, Алимардон бу талаб қаршисида ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр эди. Ким билсин, балки бир йўла олиб кетар... Нима, ҳақи йўқми?! Олиб кетади!

– Эрта билан тушиб кетасиз! – раис нари кетиб, зум ўтмай икки киши бўлиб қайтиб келишди. – Шодивойни-кида қоласиз! – деди яна қичқириб.

Алимардон ўтирган ерида эгилиб, ўнг эшикни очди. Шодивой ўриндикқа оғир чўкди. Алимардонни тўйга айтиш учун ресторанга қидириб борган йигит эди. Боя Алимардон ашула айтаётганида Шодивой унинг кетидан чой кўтариб юрган эди.

– Жониворнинг қутуришини қаранг-а, меҳмон! – Шодивой қора костюмининг елкаларини оппоқ қилиб юборган чангни қокди. – Қани, юрдикми?

Алимардон қоронгида жирканиб қараб қўйди. «Чангини машина ичига орқалаб кирганини-чи! Нима қилса ҳам тўпори-да! Муқаддамнинг эри ҳам шунга ўхшаган молсифат бўлса керак!»

Ўзининг хаёлидан ўзи ғижиниб кетди. Муқаддам эшикдан ҳайдаб юборса-чи?

Шу пайт қанча вақтлардан бери юрагида тугилиб ётган алами қайтадан янгиланиб кетди-ю, нафрат билан пичирлади: «Нима, ўз боламни кўришга ҳаққим йўқми!»

Алимардон машинани секин жилдирди-да, қишлоқнинг пастак тош деворлари орасидаги ўнқир-чўнқир йўлларида авайлаб юриб кетди.

Баҳайбат қоялар орасида кўмилиб қолган жажжи қишлоқ табиат қудратидан ваҳимага тушгандай пусиб қолган, кичик-кичик деразаларда чироқ кўринмас, гўё ҳамма аллақандай даҳшат олдида титраётгандай эди.

Яна чақмоқ чақди. Ғамгин қовоқ уйиб турган баланд-баланд қоялар ярқ этиб ёришди, яна зулмат чўкди. Кетидан момақалди роқ гумбурлади. Тоғларнинг захарханда қаҳқаҳаси узоқ акс садо бериб турди, кейин гумбур-гумбурлар бир-бирига уланиб кетди. Энди гулдурос бир нафас ҳам тинмас, қоялар чўққидан сурон солиб, қишлоқ устига ағдарилиб тушаётгандек эди.

– Тоғда момақалди роқ ваҳимали бўларкан! – деди Алимардон ғамгин хаёллардан қутулиш учун атайлаб баланд овоз билан.

– Секинроқ айтасизми, меҳмон! – Шодивой суянчиққа елкасини ташлади. – Бир куни денг, Полвонтепада трактор ҳайдаётган эдим. Шунақа, айни баҳор. Раис ҳар куни қойийди. Иш чўзилиб кетаётганидан хафа. Эрта билан оёғим тортмаса ҳам отни эгарлаб, довонга чиқиб кетдим. Вақт пешиндан оғганда денг, бир сел келса бўладими! Тоғ тепасида ёлғиз ўзинг бўлсанг ҳаммаёқ ваҳима бўлиб кетаркан. Жийронни чоптириб туриб кетаверай десам,

йўлда бир кори ҳол бўлиб қоладими, деб кўрқаман. ту-
раверайми, десам, яна кўрқаман. хуллас, яратганга минг
бор сигиндим-да! – Шодивой ўша кундаги аҳволини эс-
лаб, кулиб кўйди.

Машина пешанасидаги ойнага чирсиллаб ёмғир том-
чилари урилди. Яна юз қадамча йўл босганларидан
кейин шаррос жалага айланиб кетди. Томдан оқиб ту-
шаётган сув ойнани бутунлай тўсиб кўйган, йўл яхши
кўринмас, ғилдираклар тагидан сув шовуллаб оқарди.

Алимардон боядан бери хаёлини чувалтириб юборган
фикрлардан бир қарорга келди-ю, тормозни босди. Шо-
дивойга қараб кўйди-да, иложи борича хотиржам гапи-
ришга уриниб, сўради:

– Кабирнинг уйи қаерда? – У овозининг титрай
бошлаганидан ғижиниб, бир лаҳза жим қолди. Янаям
хотиржамроқ гапирди: – Агроном Кабир...

– Ўрмончини айтасизми? – Алимардон қоронғида
Шодивойнинг хайрат билан тикилиб турган кўзларини
аниқ кўрди. – Нимага эди?

Алимардон тескари қараб олди.

– Кўрмоқчи эдим, – деди бўғилиб. – Эски танишмиз...

Шодивой яна ўша беғараз оҳангда шанғиллади:

– Кўйсангиз-чи, меҳмон! Бугун бизникида кўнок
бўласиз.

Алимардон қатъият билан таъкидлади:

– Йўк! Кабирникига тушаман.

Машина сув шовуллаб оқаётган тошлоқ кўчадан яна
авайлаб юриб кетди. Алимардон йўлдан кўз узмай борар,
аммо ҳеч нимани кўрмас, ҳаяжондан томоғи қақраб юти-
нолмас, руль чамбарагидан ушлаган қўллари қалтирар,
ҳозир қандайдир нохуш, мудҳиш бир воқеа рўй бериши-
ни сезиб, юраги титради.

Девори окланган дўкон олдидан ўтганларидан кейин
Шодивой Алимардоннинг кўлига секин туртди.

– Келдик.

Алимардон қандай қилиб моторни ўчирганини, қачон ерга тушганини билмади. Костюмининг ёқасидан муздай сув оқиб тушиб, баданини сескантириб юборганидан кейингина ўзига келди.

– Машина тураверади! – деди Шодивой бақириб. – Қани, марҳамат!

Яна чақмоқ чакди-ю, тор кўча ёришиб кетди.

– Хизрни йўқласангиз бўларкан, меҳмон, – деди Шодивой момақалди роқ овозини босиш учун ҳайқириб. – Ана Кабирнинг ўзи!

Алимардон сесканиб бошини кўтарди-да, қарши томондан оқ от етаклаб келаётган одамни ғира-шира кўрди. Бирдан унинг ҳамма нарсага кўл силтагиси, машинасига ўтириб, шартта орқага қайтиб кетгиси келди. Аммо Шодивой аллақачон отличнинг олдига бориб олган, кўшқўллаб сўрашар эди. Алимардон унинг охирги гапларини эшитиб қолди.

– Меҳмон олиб келдим, Тошкентдан...

Алимардон юрагини кемираётган азобли ғашликни энгиб, гандираклаганча юриб кетди. У ўзининг рақибини кўриб қўйгиси келар, унинг нимаси ўзидан ортиқроқ эканини, Муқаддам бу одамнинг нимасига учганини билгиси келарди.

Улар пастак эшик пештоғида осилиб турган хира чироқ тагида тўқнаш келишди. Алимардон ўзига узатилган каттакон, чайир кўлни беихтиёр қисаркан, унинг афтига қараб қўйди. Тор пешона, қоп-қора қотма юзли киши унга синчков кўзлари билан тикилиб турар, дўпписи тагидан чиқиб турган сочлари, Ғира-шира ёруғликда қизариб кўринаётган юзи, ингичка мўйлови жикқа сув бўлиб кетганди. Кабир эгнига брезент ёмғирпўш, оёғига каттакон этик кийиб олган, бир кўли билан Алимардоннинг кафтини қисар, бир кўллаб отнинг жиловини ушлаб турар-

ди. Унинг этигиданми, ёмғирпўшиданми анқиб турган чучмал балиқ мойи иси димоғига урилди-ю, Алимардон бурнини жийирди.

«...Тўпори ёввойи-ку! – У ғижиниб юзини бурди. – Хали шу хайвон менинг ўғлимга ота бўлиб юрибдими?...»

Алимардон истехзоли илжайиб кўйди-да, кўлини тортиб олди. Кабир ҳамон ундан кўз узмай турар, чамаси, қаерда кўрганини эслай олмасди.

От бегона одамни сизди шекилли, чироқ нурида йилтираб турган катта-катта кўзларини олайтириб, бошини силтаганча, пишқириб юборди.

– Тек! – Кабир ингичка, кескин овоз билан ҳайқириб, жиловни тортди. – Қани, меҳмон, марҳамат, – деди тоғликларга хос тавозе билан.

Алимардон у жилмайганида ингичка мўйлови остидаги оппоқ тишлари ярақлаб кетганини кўрди.

– Тўйга бормадингиз-ку! – деди боядан бери уларни жимгина кузатиб турган Шодивой.

Кабир жиловни маҳкам ушлаганча унга бурилиб қаради:

– Ойнатоққа чиққандим. – Кейин у Алимардонга қаради-да, тагин қайтарди: – Марҳамат!

– Бўлмаса мен тўйхонага қайтаверайми?

Алимардон Шодивой ўзидан рухсат сўраётганини анчадан кейин тушунди.

– Бораверинг! – деди қайрилиб қарамай.

Улар пастак эшикдан эгилиб, ҳовлига киришди. Тагин чакмоқ чакди. Ҳовлидаги беш-олти туп олмаларнинг ёмғирдан қизарган шохлари, этакдаги қоронғи отхона бир зум ёришиб кетди.

Унинг юраги гупиллаб ура бошлади. Тубсиз алам, нафрат, алланечук ўкинч туйғулари аралашиб, унинг вужудини ларзага солар, ҳеч нимани кўрмас, тусмоллаб қадам ташлаб борарди. Кабир отни кўйиб юборди-да,

ўзи олдинга ўтиб, йўл бошлади. Деразадан тушиб турган кизғиш нурни кесиб ўтиб, эшик олдига боришди.

– Қани, – Кабир эшикни очди. – Бемалол кираверинг.

Алимардон ҳамон ўзини босиб ололмас, чалкаш ўйлардан боши ғувиллаб, кўз ўнги хиралашиб кетган эди. Бора-бора у ўзини босиб олди. Кавшандозда туриб, бир лаҳза уй ичига назар ташлади. Пастак шифтга гулдор қоғоз қоқилган, ўртада осилиб турган кичкинагина лампочка ожиз нур сочар, токчалардаги чойнак-пиёлалар, қақир-куқурлар ялтираб кўринарди.

Алимардон энди энгашиб, туфлисининг боғичини ечаётган эди, ичкари томондаги эшик ғийқиллаб очилди-да, дўмбоккина бола югуриб чиқди.

– Ада! Ада! – деди у янгроқ, ингичка овоз билан.

Алимардон кўпдан буён излаб юрган нарчасини бирданига топгандай беихтиёр қаддини ростлади. Бу овоз, ўзи ҳали ҳеч қачон эшитмаган, аммо ўзига шу қадар кадрдон бўлган янгроқ овоз унинг кулоқларига ўқдай кирди.

Бола майкачан бўлиб олган, қоп-қора кўзлари шодликдан порлар, пешанасидаги бир тутам сочи ўзига қуйиб қўйгандай ярашиб тушган эди.

– Ада! – деди бола тагин ўша янгроқ оҳангда. Кейин қўлчаларини кенг ёзганча чопиб кела бошлади. Шу топда у онасининг оғзидан дон олаётганда қанотларини пирпиратиб турган қушчага ўхшарди.

Кабир кавшандозда чўнкайиб олганча қулочини кенг ёзди.

– Қани! Қани, оташ болам, бобош болам! Ачом! Ачом!

– Ато-ом! – деди болакай ҳам ширин тил билан.

Ўғли қучоғига келиб урилиши билан Кабир даст кўтариб олди-да, юз-кўзларидан ўпа бошлади. Болакай дадасининг мўйлови текканидан қитиғи келган бўлса керак, ҳадеб кикирлар, бошини орқасига ташлаганча қотиб-қотиб қуларди.

Алимардон суратдай жонсиз бўлиб қолган, кўзлари ўтдай ёниб, уларга тикилиб турарди.

– Қани, амакингга салом бер-чи. – Кабир болани ерга кўйиб, мактангандай Алимардонга қараб кўйди. – Катта йигит-да, бу! Ҳар куни дадасининг ишдан келишини пойлаб, ухламай ўтиради.

Аммо болакай Алимардонга ётсираб қараб кўйди-да, катталардай кошини чимириб, хурпайиб олди.

– Вой, тентаг-эй, салом беришни эсингдан чиқариб кўйдингми? – Кабир кулди. Кейин Алимардонга қараб илтифот қилди. – Қани, ечининг, чиқинг. Мен отни арқонлаб кўяй. Ҳаммаёқни пайҳон қилиб ташлайди. – У ичкаридаги эшикка қараб кичқирди: – Ҳой, онаси, меҳмон келди!

Кабир чиқиб кетиши биланоқ Алимардон беихтиёр болага талпинди.

– Шавкат! – деди пичирлаб. У бутун борлиғи билан болага талпинар, шунча йилдан бери юрагининг тубида ожиз титраб турган нозик бир тор бор овози билан жаранглай бошлаган, энг баланд авжига чиқиб, вужудини ларзага солар, турган ерида япроқдай қалтирар эди.

Алимардон бир қарашдаёқ оталик туйғуси билан шу бола Шавкат эканини, ўзининг ўғли, ягона овунчоғи эканини аниқ билиб олганди.

У туфлисини ҳам ечмай, наmatга оёқ кўйди. Икки кўлини олға чўзиб чақирди:

– Бери кел-чи, – деди овози титраб. – Менга ўғил бўласанми?

Бола ундан хурккандай ёнламаси тисарилиб-тисарилиб, токча олдига бориб қолди.

Алимардоннинг кўксини тўлдирган бир нидо бўғзидан отилиб чиқди:

– Шавкат!

Бола алланарсани сезгандек, шартта бурилиб қаради, Алимардон унинг кўзларида ўзининг кўзларини аниқ кўриб, кичкириб юборди:

– Ўғлим!

Лекин шу ондаёқ ваҳима тўла яна бир кичкирик бурилиб қарашга мажбур қилди уни. Бу оҳ чекишмиди, кўрқинч тўла нидоми, ҳар ҳолда, юракни ўртаб юборувчи бир ун эди. Алимардон қотиб қолди. Остонада одми кўйлак кийиб олган, бош яланг Муқаддам турарди. Унинг кўзлари катта-катта очилиб, ранги қув ўчиб кетган эди. Ҳа, бу Муқаддам эди. Бир вақтлар унинг ўзиники бўлган, ҳозир эса бир олам нарига кетиб қолган бегона Муқаддам эди!

Алимардон боши айланиб кетаётганини, кўз ўнгида хира ҳалқачалар пирпираётганини сезиб турар, ҳозир бир офат бўлишини, аллақандай даҳшат рўй беришини билар, аммо тили калимага келмас эди.

– Ўғлим! – деди у ниҳоят пичирлаб. Томоғи хиппа бўғилиб, гапиролмай қолди. Телбалардай силтаниб Шавкатга талпинди. – Шавкат, – деди титроқ қўлларини чўзиб. – Кел, болам. – У Шавкатнинг қаршисида чўккалаб, қучоғини очди. – Кел, ўғлим... – деди пичирлаб. – Битта бағримга босай.

Бола лабини буриб тисарилди. Муқаддамнинг этагидан ушлаб, орқасига яширинди.

Бу қандоқ бедодлик! Бу қандай жазо! Ўғил ўз отасидан тонса! Шу ондаёқ даҳшатли бир ҳақиқат унинг юрагини қиймалаб ташлади. Нега тонмасин? Ўзи ҳам қачондир боласидан кечган эмасмиди?

Алимардоннинг шунча йиллардан бери тош бўлиб кетган дийдаси бирдан эриб окди. Ҳа, у кўпдан бери – Муқаддам кетиб қолганидан бери битта дард билан яшар эди. Бу дард кундузлари хаёлини, кечалари уйқусини олиб қочар эди! Энди билса – бу оталик дарди экан. Ин-

сонликнинг қўл етмас баланд чўққиси экан! Мана, ўша дарднинг малҳами! Мана, ўғли! Мана! Шундоққина олдида турибди!

У Шавкатни маҳкам бағрига босиб олди. Унинг юз-кўзидан алланечук таниш бир бўй – ўз ҳиди анқиб турган сочларидан ўпа бошлади. Бахтиёр бир туйғудан тўлғаниб жилмайди.

– Тентагим,... Мен сенинг отангман, билдингми, отангман!

Шавкат бирдан лаблари бурилиб, йиғлаб юборди.

У чирқиллаб йиғлар, онасига талпинар, аммо Алимардоннинг кучоғидан чиқиб кетолмас эди.

– Йиғлама, Шавкат... – деди у пичирлаб. Боланинг юзларидан ўпа бошлади.

Шавкат багтар юлқиниб, оёқ-қўлларини силкитарди.

Тўсатдан Алимардон ўғлига озор бераётганани тушуниб қолди. Ички бир куч мажбур қилдими, қўйиб юборди.

Шавкат йиғлаганча яна онасининг этагига ёпишди. Мукаддам ҳамон тошдай қотиб турар, эси оғиб қолганга ўхшар эди.

Шавкат онасини қўйиб юборди-ю, чопқиллаб нариги уйга кириб кетди. Алимардон унинг силкиниб бораётган дўмбоқ қўлчаларини кўрди. У боланинг кетидан уч-тўрт кадам юрди-ю, тўхтаб қолди. Шундагина бу бола ҳеч қачон ўзиники бўлмаслигини ҳис қилди.

– Шавкат! – У очик қолган эшикка қараб охирги марта сўниқ, умидсиз овозда пичирлади-да, ҳаммаси тамом бўлганини тушунди.

Шартта бурилди-ю, телбаларча икки ҳатлаб остонага тушди. Унинг кўзлари олайиб кетган, аммо ҳеч нимани кўрмас эди.

Эшикни тарақлатиб очди-да, ҳовлига отилди. Зимистон қўйнида Кабирга урилиб кетганини ҳам, югуриб бориб машинага ўтирганини ҳам сезмади.

Машинани кескин бурди-да, дарё-дарё сув оқаётган тор кўчадан елдириб кетди.

Машина шиддат билан қалтис тоғ йўлидан учиб кетди. Бир зумда қишлоқнинг тош деворлари орқада қолди.

Кўкда момақалди роқ фарёд солди. Чақмоқнинг бир лаҳзалик совуқ нури ғамгин бош эгиб турган тоғларни, ёмғирдан ялтираб кетган қизғиш қояларни, йўлнинг шундоқ чеккасидан тик тушиб кетган жаҳаннам жарлигида илондай биланглаб оқаётган сойни ёритиб ўтди. Аммо унинг кўзлари ҳеч нимани кўрмас, тасавурида фақат бир нарса – ўз отасидан ётсираб йиғлаб, уйга қочиб кириб кетган Шавкат, унинг силкиниб бораётган дўмбоқ кўлчалари турар, аламдан вужуди қалтираб, оёғи оғриганига қарамай, бор кучи билан газни босар эди...

Машина шиддат билан елиб, икки четига омонат панжаралар ўрнатилган тахта кўприкдан ўтиб кетди. Кўприк ёғочлари лопиллаб, аянчли ғийкиллаб қолди. Йўлнинг энг хавфли жойи – энг чуқур жарлик яқинлашиб келарди.

Алимардон ҳамон газни босар, барбод бўлган умидлари ҳаққи, хазонга айланган умри ҳаққи, барча аламлари ҳаққи кўзларига ёш қуюлиб келарди. Нимаси қолди унинг! Нимаси қолди ахир?! Саҳнами? Шон-шуҳратми? Нима қолди ўзи! Нима?! Охирги, энг охирги умиди, танҳо суянчиғи юз ўғирди-ку ундан. Тагин нима керак энди?!

У ҳамон шиддат билан елиб бораркан, кўз ёшидан томоғи хириллаб, охирги марта пичирлади:

– Ўғли-им!

Тўсатдан у кўнгида хушнуд бир енгиллик сезди. Қалби сокин туйғуларга тўлиб-тошгандай бўлди-ю, руль чамбарагини чирпирак қилиб чапга буриб юборди.

Машина бир ёнбошга оға бошлади. Шундагина у хато қилаётганини, ёмон иш қилаётганини тушуниб қолди.

Кўзлари дахшатдан олайиб, тормозга ёпишди. Аммо машина аллақачон жаҳаннам лабига бориб етган эди.

Зум ўтмай дахшатли сурон тоғ-тошларни ларзага солди. Ғамгин қоялар қилиб қўйган гуноҳидан ўзи кўркиб кетгандай инграб юборди... Бир нафас ҳаммаёқ жим бўлиб қолди.

Тоғ бағрига қанчадан-қанча сирларни яширишга ўрганиб қолган оқсоқол чўққилар кўклами бекор ўтиб ҳазон бўлган боласининг қисматига ачиғиб, бошини қуйи солди.

Қоп-қоронғи дара устида булутлар узоқ аза тутди.

* * *

Эртасига кечкурун Қонқус ёқасида – Алимардоннинг энг бахтиёр, энг покиза дамлари – болалик йиллари кечган ўша анҳор ёқасида жимгина мудраб ётган гўристонда яна бир қабр мунгли дўппайди. Ҳассакашлар гўристондан чиқиб кетаётганида янги мазорнинг ёмғирдан ивиган майин тупроғи уларнинг ортидан унсиз жавдираб қолди.

...Ўша куни кунботар олдида ҳаво очилиб кетди. Уфққа қуёш қон сачратиб юборди. Анвар қабр устида узоқ ўтирди. Унсиз йиғлади. Негадир шу оқшом офтоб жуда қийналиб ботди. Уфқ этагида узоқ осилиб турди-да, охири умиди узилгандай, секин-секин ер ортига чўкиб кетди.

Яна бир неча кундан кейин яйраб-яшнаб баҳор келди. Гўристон ёнидан кескин бурилиб оқаётган Қонқус тошқин сувларини бағрига сиғдирилмай шовуллай бошлади. Ложувард осмон маконига қайтаётган турналарнинг қийқириғи билан тўлиб кетди.

Қабристон чеккасидаги қатор-қатор тераклар япроқ ёзиб, ой нурида ҳазин шивирлади.

Тонг отиши билан жуфт-жуфт бўлиб олган кушлар безовта чирқиллаб, инига хас-хашак ташиб қолди. Осмону фалакда якка-ёлғиз тўрғай нола чекди.

Сахий кўклам кўп қатори Алимардоннинг қабрини ҳам чечакларга буркади. Майсалар орасида очилган биттагина кизғалдоқ тонг шудрингига қадаҳ тутди. Эрта-индин тўкилиб кетиши, ўзидан на бир муаттар бўй, на мева қолишидан бежабар ял-ял ёнди...

1969 йил

ЧЎЛ ҲАВОСИ

*«Хатлар юрак каптари,
Хатдир кўнгил дафтари»*

(Халқ кўшиғидан)

БИРИНЧИ ХАТ

Зиёда!

Нега хат ёзмай кўйдингиз? Ўқишларингиз яхшими? Кечаси билан станциядан ғишт ташидик. Мана, охирги юкни ҳам келтириб ташладиму хат ёзишга ўтирдим. Қизиқ, тун бўйи ишласам ҳам чарчоқ сезмаяпман. Кипригимга кўнган уйку гардини тонг шабадаси ювиб юборди.

Сиз хали чўл бахорини кўрганингиз йўқ... Мана, ҳозир хат ёзаяпман-у, тўхтаб узоқ-узоқларга, осмоннинг чинни товоғи тўнтарилган уфқларга тикилиб қоламан. Ҳаммаёқ лолозор! Каттакон қизил алвон ердан бир қарич баландда секин-секин силкиниб тургандай.

Зиёда, тонг юлдузини кўрганмисиз? Менга ўхшаб соатлаб тикилиб ўтирганмисиз унга? Мен уни ҳар куни кўраман. Бундан ярим соатча аввал қора бахмалга қадалган оппоқ дурдек ялт-юлт этиб кўз қисишаётган юлдузлар мудраб-мудраб охири сўнди. Уфқда биттагина ёрқин юлдуз колди. Бу – тонг юлдузи. У ердан кўзини узмай узоқ порлаб турди. Мен ҳам ундан кўзимни узолмадим...

Қачонлардир шу юлдузни бир чўпон йигит ерга олиб тушган дейишади. Чўпон маликага ошиқ бўлиб қолибди-ю, ишқ йўлида ўлимга ҳам рози эканини айтибди. Шунда малика унга бажариб бўлмайдиган шарт қўйиб, осмондан тонг юлдузини узиб тушишни талаб қилибди.

Ошиқнинг дўстлари кўп экан. Аммо ҳеч ким бу ишда унга ёрдам беролмабди. Шунда онаси йигитга ўзининг соч толасидан ердан юлдузгача етадиган арқон тўқиб берибди. Йигит арқонга осилиб чиқиб, юлдузни узиб тушибди. Аммо малика унга хиёнат қилиб, аллақачон эрга чиққан экан. Ошиқ дили вайрон бўлиб, юлдузни яна жойига чиқариб қўйибди. Айтишларича, юлдуз ҳам маликадан нафратланадиган бўлиб қолган экан. У малика уйқуга кетиши билан чўғдек порлай бошлар, уйғониши билан яна сўниб қоларкан. Ўшандан бери, тонг юлдузининг қачон чиқиб, қачон ботишини ҳеч ким билмайди дейишади.

Негадир, ҳар гал тонг юлдузини кўрсам шу афсонани эслайман-у, кўз ўнгимда сиз гавадаланасиз. Назаримда у кун сайин эрга яқинлашиб келаётгандай, қуёшнинг илк нурларига осилиб, пастга тушиб олмоқчи бўлаётгандай туюлади.

Балки сиз бу сатрларни ўқиганингизда ҳалиям ёш болалигим қолмаганидан, ҳалиям аллақандай афсоналарга ишониб юришимдан қуларсиз. Нима ҳам дердим... Одатимни биласиз-ку...

Зиёда! Ўтган куни қизиқ воқеа бўлди: Ҳафиз келди! Ҳа, Ҳафиз, бутунлай келди.

Кечкурун станцияга боргандим. Цемент ортиб бўлишгунча димикиб кетган кабинанинг иккала эшигини ланг очиб қўйдим-да, зинага ўтириб олиб папирос чека бошладим. Кечирасиз, Зиёда, сизнинг бир сўзингиз билан чекишни ташлаб юборгандим, лекин нима қилай, яна чекишимга ҳам ўзингиз сабабчи бўляпсиз! Вокзал перрондаги каттакон осма соат тагида эрга кўз тикиб, сочларингизни тортқилаб ўйнаб турганингизни эсласам, ўзим ҳам билмай чека бошлайман...

Хуллас, цемент ортишаётганида машина зинасига ўтириб олиб хаёл сурардим. Кимдир нариги эшикдан қичкириб қолди.

– «Бўстон» совхозига борасизми, шофёр ака?

– Ҳа, – дедим қарамай. Ўгирилсам, у хаёлимни ўғирлаб қўядигандай туюлди.

Йўловчи чамадонини олиб келгунича кетиб қолмаслигимни илтимос қилганида ҳам қайрилиб қарамай, бош силкиб қўя қолдим. Юкни ортиб бўлишгунича атрофни айланиб келдим. Йўловчим аллақачон кабинага чиқиб олган экан. Каттакон қора чамадонига суянганича хаёлга чўмиб ўтирарди. Эшикни тарақлатиб ёпганимда менга бир қараб қўйди. Қаради-ю, сесканиб кетди. Беихтиёр қаддини ростлади. Бир қўли билан чамадонининг бандига, иккинчиси билан эшик тутқичига ёпишди, ғира-шира қоронғи бўлса ҳам унинг ранги ўчиб кетганини кўрдим. Ҳайрон бўлиб тикилиб қардим: Ҳафиз! Қора кепкасини қошигача бостириб олибди. Бирпас иккиланиб турдим-да, моторни юргизиб юбордим. Машина ўйдим-чуқур йўлда ҳақкалаб юра кетди. Катта йўлга чиқиб олгач, Ҳафизга қараб қўйдим. У ҳамон эшик тутқичини қўйиб юбормай олдинга тикилиб ўтирарди. Мен ўзимни босиб олдим. Ҳозир уни мендан хавотирланиб ўтирганини тушуниб, турганим учун хотиржам қилиб қўйгим келди.

– Тузукмисиз, оғайни?

Ҳафиз кўз қирини ташлаб, секин бош силкиб қўйди. Фараларни ёкдим.

– Қурилишга келяпсизми?

– Ҳа. Ёрдамчилар керак деб эшитдим...

– Рост, бизга ҳаммаям керак. Ёрдамчилар ҳам, инженерлар ҳам...

Ҳафиз менга ялт этиб қаради. Тезликни оширдим. Очик деразадан кираётган шамол сочимни тортқилай бошлади.

– Ўқишингиз нима бўлди? – дедим ўзига қарамай.

У жавоб бермади.

Бир чақиримча юргач, машинани асфальт йўлдан ўнгга буриб, пастликка тушиб кетдим. Ҳафиз деразадан бошини чиқариб, олдинга қараб борарди.

– Совхозга машина кўп юрадимми?

– Кечаси билан тинмайди... Тўғри Тошкентдан келяп-сизми?

– Ҳа.

– Қалай?

– Ёмон эмас!

Савол-жавоблар шу билан тамом бўлди. Мен кўп нарсани билгим, айниқса, сизни Зиёда, сизни сўрагим келарди. Начора сўрамадим, ёнимдаги Ҳафиз ўша Ҳафиз эди...

Моторнинг бир текис гувуллашига қулоқ солиб боравердим. Қоронғи куюқлашиб, юлдузлар ҳам уйғониб қолди. Газ бердим. Машина пишқириб олдинга интилди. Зулмат титраб-қақшаб чекина бошлади. Машина чироклари алланимани пайпаслаб топиб олмоқчи бўлгандек дам йўлдан ташқарига чиқиб кетади, дам осмонга сапчийди... Уйдим-чўнқир жойдан ўтиб олгач, анча текис кетдик. Яна осмонга тикилдим. Тугмачадай келадиган жажжигина юлдуз учди. Бир зумда юлдузнинг ўзи ҳам, орқасидан эргашиб келаётган ўқ ёйдек ингичка изи ҳам зулмат кўйнига сингиб кетди.

Эсингиздами, Зиёда, қайиқда сайр қилиб юриб осмонга тикилишни яхши кўрардик. Ўшанда ой ҳам, юлдузлар ҳам жуфт-жуфт бўлиб кўринарди кўзимизга: бири осмонда, бири кўлда...

Рулни бўш тутганча борарканман, шуларни ўйлардим. Ҳафиз бўлса ҳамон қош-қовоғини уйиб ўтирарди. Бир соатча юргач, совхозга етиб бордик. Машинани ётоқхона эшигида тўхтатдим.

Кабина эшигини очдим.

– Тушинг.

Ҳафиз зимдан қараб қўйди.

– Мени қаерга олиб келдинг?

– Ётоқхонага... – Ҳафизнинг чамадонини олиб, зинадан сакраб тушдим. – Қани, тезроқ бўла қолинг.

Ҳафиз зинага оёқ қўйиб, бир лаҳза туриб қолди.

– Кадрлар бўлими қаерда?

– Эртага учрашасиз...

Ҳафиз бошини қуйи солиб, кетимдан эргашди. Хонамга кириб, чироқни ёқдим. Ҳафиз эшик ёнида қимирламай тураверди. Чамадонини қаравот тагига суриб қўйдим.

– Кираверинг.

Ҳафиз кепкасини ечди.

– Кадрлар бўлимига боришим керак.

Кулиб юбордим:

– Кадрлар бўлими ухлаб ётибди.

Ҳафиз стулга ўтирди.

– Бемалол ечиниб ётаверинг, – дедим қаравотга имо қилиб. – Кеч бўлиб қолди. Йўл юриб чарчагансиз.

Ҳафиз ишонмай, зимдан қараб қўйди.

– Сен-чи?

– Мени қўяверинг. Айтаяпман-ку, толиққансиз. Дам олинг.

Ҳафиз бошини қуйи солди. Узоқ жим бўлиб қолди.

– Ечинаверинг, – дедим қистовга олиб.

Ҳафиз қаравотга ўтириб, қўнжли ботинкасининг ипини ечди. Пиджагини ечиб ташлаб, шифтга узоқ тикилиб ётди. Кейин ўрнидан туриб кетди. Елкамга қўл ташлади.

– Сен... сен... энди билсам, дуруст йигит экансан.

Нима қилишимни билмай қолдим. У бўлса ҳамон қўйиб юбормайди. Титроқ овоз билан ҳадеб такрорлайди.

– Билмаган эканман. Сен... сен...

Нихоят у ўзини босиб олди. Қаравотга ўтириб, папирос тутатди.

– Менга қара, Ботир, нега мени чўлга ташлаб келмадинг? Ярим йўлга келганда машинадан тушириб юборсанг бўларди-ку? ...

– Қўйсанг-чи! – дедим хунобим ошиб. – Бунақа ўй етти ухлаб тушимга киргани йўк. Чой ичасанми?

Ҳафиз чуқур уф тортди.

– Йўк. Ҳали станцияда овқатланиб олганман.

– Бўлмаса, дам ол.

Ҳафиз яна ўтириб олди. Деразани очиб юбордим. Чигирткаларнинг нағмаси енгил баҳор шабадасига мингашиб, хонага ёпирилиб кирди. Чирмандадай қизғиш ой тирмаша-тирмаша бақатеракнинг устига чиқиб олди. Олисларда қатор тизилиб келаётган машиналарнинг чироғи кўринади. Деразадан ташқарига тикилганимча хаёл сураман.

Ҳафизнинг ҳозирги гапларига ҳайрон бўламан... Қизик, оддий қора қарға ҳам икки юз йил яшаркан. Одам шу парранданинг ярим умрини кўрадим, йўқми-ю, баъзи бировлар арзимас, ўткинчи икир-чикирлар учун бир-бирини жазолаш, ўч олиш керак деб ўйлашади. Нахотки, инсоннинг инсонга оқибати шунчалик бўлса?!

... Бир вақт қайрилиб қарасам, Ҳафиз ҳалиям бошини қафтлари орасига олиб, мунғайиб ўтирибди.

– Ухламайсанми?

Ҳафиз бошини кўтарди.

– Уйқим келмаяпти...

Қистаб ўтирмадим. Ўрнидан туриб ёнимга келди. Деворда осиглик турган суратингизга узоқ тикилиб қолди. Мен ҳам тикилдим.

– Ботир, сен Зиёдага муносибсан, – деди у хаёлчан пичирлаб.

– Қўйсанг-чи, йигитлар бир-бирини мақтаса ярашмайди.

Ҳафиз бошини оғир силкиб қўйди.

– Тўғри...

– Зиёдани кўрдингми? Яхши юрибдими? – дедим унинг гапини бўлиб.

– Ҳа, юрибди. – Ҳафиз хўрсиниб қўйди.

Анчадан кейин секин сўради:

– Зиёда билан болаликдан бирга ўсганмисизлар?

Нима дейишимни билмай қолдим. Унга Ботир билан мактабдош эдик деган бўлсангиз керак. Рост, сиз кизларнинг одатингиз шунақа бўлади. Севгилингизни акам ёки қариндошим деб таништираш.

Сизни ёлғончи қилиб қўймаслик учун ўзим ёлғон гапирдим.

– Ҳа, синфдош эдик.

Ҳафиз анчагача лабларини қимтиб ўтирди. Шу топда унинг хориганини, қаттиқ хориганини сездим.

– Ётинг, Ҳафиз, – дедим елкасига қўлимни ташлаб. – Эргадан ишга тушиб кетасиз. Дам олволинг...

Ҳафиз ҳорғин кўзлари билан бир қараб қўйди-ю, қаравотга ётди. Мен бўлсам анчагача ухлай олмадим. Сиз билан танишувимиз, нурга чўмган хиёбонлар, гўзал фонтан – ҳаммаси бирма-бир кўз олдимдан ўтди.

Зиёда, шунча вақт бирга бўлибмиз-у, бир нарса ўртамазда сир бўлиб қолаверибди. Сиз мени танишган кунимиздан бошлаб биласиз. Аммо мен сизни танишмасимиздан анча олдин кўрган эдим. Сиз Ҳафиз билан менинг ўртамада қандай можаролар бўлиб ўтганини ҳам билмайсиз.

Мен иккинчи курсни битирганингизда сизни танигандим. Бахт кишига йўлдошдек эргашиб юрса ҳам, баъзан уни ўзинг кўрмас экансан. Ўша баҳор оқшомида шу гап ҳақиқатан ҳам рост эканига ишондим. Ўша куни мен ўз бахтимни – сизни учратдим.

Эсингиздами, шу куни ўтириш қилган эдингиз. Мен ўша кечангизнинг чақирилмаган меҳмони бўлдим. Уйин-

гизга кира олмасам ҳам сизни хаёлан кутладим. Ўшанда такси ҳайдовчиси бўлганимга ҳам туриб-туриб суюниб кетаман.

Бир куни институт ёнидан кўк чироқ ёқиб ўтиб кетаётган эдим, каттакон гулдаста кўтариб олган юм-юмалок қиз шоша-пиша йўл ўртасига чиқиб, қўлини кўтарди. Тўхтатдим. Қиз орқа эшикни очди-да, қичқирди:

– Юр, Зиёда!

Бўйчангина қиз атлас кўйлагини ҳилпиратиб зинадан югуриб тушди. Унинг табассум ёйилган чехрасига тикилиб туриб, юрагимда аллақандай нозик титроқ уйғонди. Менинг ғалати одатим бор эди: қизлардан уялардим. Нотаниш қиз у ёқда турсин, танишларига ҳам гапимни эплаб гапира олмасдим. Аммо хаёлимда гўзал бир қизни севишни орзу қилиб юрардим. Ўша атлас кўйлакли қизни кўрдим-у, хаёлимдаги гўзал шу бўлади, деган фикр миямга қаттиқ ўрнашиб қолди.

Бу – сиз эдингиз!

Сиз орқа ўриндикқа, дугонангизнинг ёнига ўтирдингиз.

– Бодомзор кўчасига! – деб буюрди дугонангиз.

Такси олачалпоқ сув сепилган асфальт кўчадан елиб кетди. Машинани ҳайдаб боряпман-у, пешонамнинг тепасидаги кафтдек кўзгуга ўқтин-ўқтин қараб қўяман. Унда сизнинг аксингиз кўринади. Ҳа, сиз бахтиёр эдингиз. Қуралай кўзларингизда ўт бор эди. Дугонангиз бўлса, тинмай гапириб борарди:

– Ойимларни зўрға кўндирдим. Тавба, бугун Зиёданинг туғилган куни, зиёфат қиляпти десам сира ишонмайдилар. Қизларни олиб қочиб кетадиган замонлар ўтиб кетган десам, бирам уришиб бердиларки!

У хандон отиб қолди. Сиз бўлсангиз, индамай жилмайиб борардингиз. Бора-боргунча бир оғиз ҳам гапирмадингиз. Мен ҳам ўгирилиб қарашга ботина олмадим.

Бодомзор кўчасига бурилишим билан яна дугонангиз буюрди:

– Тўхтанг!

Икковингиз тушиб кетдингиз. Тротуар четидаги ариқчадан хатлаганингизни, хомсувоқ қилинган пастак деворга ёнбошлаб турган жийда шохлари остидан илдам ўтиб, зангори эшик ёнига борганингизни кўриб турдим. Сиз аввал дугонангизни киритиб юбордингиз. Кейин ўзингиз ҳам ичкарига кириб кетдингиз. Лоакал бир марта қайрилиб қарамадингиз. Машина эшигига тирсагимни қўйганча, узоқ тикилиб қолдим. Аллақандай куч мени ичкарига – сиз кириб кетган эшикка чорларди.

Қуёш ҳам жийда шохлари орасидан бир мўралади-ю, девор орқасига ўзини ташлаб юборди. Жийданинг қумушсимон япроқлари лов-лов ёна бошлади. Тўдалашиб юрган булутлар атлас либос кийиб олгандек...

Бу ерда қанча турганимни билмайман. Аллаким келиб такси бўшми, деб сўради. Яна биров вокзалга олиб бориб қўйинг, деб ялинди. Ҳаммасига ҳам «бандман» деб қўя қолдим. Ўз хаёлим, сўнгсиз хаёлларим билан банд эдим... Бир вақт қарасам қоронғи тушиб қолибди. Ичкаридан ҳеч ким чиқмади. Фақат сал ҳириллаган товуш билан айтилган ашула овози келиб турарди.

«Радио қўйишяпти» деб қўйдим ўзимча. Яна анча ўтириб қолдим. Истар-истамас моторни юргиздим. Орқага бурилдим-да, машинани секин ҳайдаб кетдим.

Марказий кўчага чиқиб, тўхташ жойига бориб турдим. Ўзимдан ўзим хунобим ошиб, папирос тутатдим.

Беш-олти қадам нарида бир йигит тез-тез юриб келди.

– Чектиринг.

Гугурт ёқиб тутдим.

– Раҳмат. Бўшмисиз?

Индамасдан бош силкиб қўйдим.

– Бир минут...

Йигит шундай деди-да, кўча четидаги магазин томонга югуриб кетди. Бир оздан кейин уч киши бўлиб қайтиб чиқишди. Ҳалиги йигит бир тўрхалта шампан виноси, ароқ шишаларини кўтариб келиб, олдинги ўриндиққа ўтирди. Шериклари орқага жойлашиб олишди.

– Қаерга борасизлар? – дедим моторни юргизиб.

– Бодомзор кўчасини биласизми?

Машинани елдириб кетдим. Анчагача ҳеч кимдан садо чикмади. Ниҳоят, орқада ўтирганлардан бири кулиб қўйди.

– Келин болани – Зиёдахонни табриклар эканмиз-да, бугун, Ҳафиз?

Ёнимдаги йигит илжайди. Беихтиёр орқага ўгирилиб қарадим. Боши машина шифтига тегай деб турган новча йигит ингичка бўйнига ярашмаган учбурчак бағбақасини лиқиллатиб дўриллади:

– Келин болалардан биттасини десанг-чи, нима қиласан Ҳафизни камситиб.

Учовларни хахолаб кулишди. Ҳафизга биринчи марта диққат билан тикилдим. Лабининг чеккасида йилтиллаб турган бир жуфт тилла тиши совуқ кўриниб кетди кўзимга. Индамай кетавердим. Наҳотки, булар ўша қиз ҳақида, Зиёда ҳақида гапираётган бўлса, деган савол ич-этимни кемирарди.

Улар эшигингиз ёнида тушишди-да, сизларникига кириб кетишди.

... Шу кеча навбатчи эдим. Такси билан шаҳар кўчаларида узоқ айланиб юрдим. Қаерларга борганимни, кимларга қаёққа элтиб қўйганимни ҳали ҳам яхши эслай олмайман. Хаёлимда бу уйдан узоқлашиш керак, яқин келмаслик керак, деган фикр ҳукмрон бўлиб қолганди.

Кечирасиз, Зиёда! Унда мен сизни билмасдим. Дўстлари шундай экан, ўзи ҳам ҳаётга энгил қарайдиган қизлардан бўлса керак, деб ўйлагандим. Аммо орадан

икки кун ўтгач, яна ўша кўчага, жийда тагидаги пастак зангори эшик ёнига боришга мажбур бўлдим. Ўзим ҳам нималигини билмаган сирли куч мени шу ерга судраб келарди.

Зиёда! Эшигингининг ёнида ўсадиган жийдани биласиз. Аммо сиз эҳтимол унга эътибор бермасиз. Шунақа бўларкан, ўзи. Одам ўзига таниш, қардон нарсаларни ҳар куни кўравериб шу қадар кўникиб кетадики, эътибор ҳам бермай кўяди. Пайти келиб, улардан узоқлашиб кетсанг, шундагина қалбингда чидаб бўлмас оғриқ сезасан. Гўё қардон нарсалар туғён кўтариб, ўз хотирасини талаб қилади...

Биласизми, Зиёда, мен ўша жийдани сиздан кўра яхшироқ танийман. Унинг ҳар бир япроғи, ҳар бир булоғи менга сирдош. Мен ҳар куни унга узоқ-узоқ тикилиб ўтирардим. Сизнинг уйдан чиқишингини, мен учун азиз бўлиб қолган сиймонгини бир марта кўриб қолишни орзу қилиб кутардим.

Сиз бўлсангиз китобларингини қўлтиқлаганча уйдан чиқардингиз-да, ҳеч қаёққа қарамай, автобусга ўтириб, жўнаб кетардингиз. Кўнглимда шу тобда сизни тўхтатсам, ақалли бир оғиз гаплашсам дердим-у, лекин сўз қотишга, йўлингизни тўсишга ҳайиқардим.

Ишонасизми, сизни уч ойгача ана шундай кузатиб юрдим. Яна бир бахтли тасодиф рўй бермаганида билмадим, қанчагача чўзиларди экан, бу ҳол?

Бир куни одатим бўйича машинани тўхтатиб, институтдан чиқишингини кутиб турганимда, ўзингиз келиб қолдингиз. «Бўшмисиз?» деб сўрадингиз. Дарров эшикни очдим. Ўтиришингиз билан кулиб сўрадим.

– Бодомзор кўчасигами?

Ҳайрон бўлиб қолдингиз.

– Ҳа, сиз қаердан биласиз?

– Кўчангининг номи чиройли экан, – дедим кулиб.

Сизнинг қошингиз чимирилди, ниманидир ўйланиб қолдингиз. Яна бироз юргач, кўпдан бери ўйлаб юрган гапимни айтдим:

– Кечирасиз, Зиёдахон, кечикиб бўлса ҳам туғилган кунингиз билан табриклайман.

Бу гапдан севиначасиз, деб ўйлагандим. Йўқ, хайрон бўлиб қолдингиз. Кўзларингизни катта очиб менга тикилдингиз:

– Нима, қизиқ одам экансиз-ку! Қаердан биласиз? Танимаган, билмаган одам... – дедингиз-у, жим қолдингиз.

– Нима, танимаган одам табрикласа ёмонми? Яхшини табриклайдилар-да, дедим.

Сиз менга диққат билан тикилиб қарадингиз. Назаримда ўйлаб мени қаерда, қачон кўрганингизни эслаш олмадингиз. Кейин:

– Ўзимни танимайсиз-у, туғилган кунимни қайдан биласиз? – деб сўрадингиз.

– Ўша куни сизларни уйга келтириб қўйгандим... Дўстларим қатори бир таксичи Ботир ҳам туғилган куним билан қутлади деб ҳисобласангиз бас.

Шу билан суҳбатимиз уланиб кетди. Институтга қайтишда ҳам ўзим олиб келиб қўйдим. Яна суҳбатлашиб келдик. Ҳа, заҳёт дафтарингиз уйда эсингиздан чиқиб қолган экан. «Шу дафтар ҳар куни эсингиздан чиқиб қолса эди» деб ўйлайман ичимда.

... Зиёда, мен ўша суҳбатнинг ҳар бир дақиқасини эслайман. Шу куни менинг бахт қуёшим кулиб боққан эди. Кейин нималар бўлганини ўзингиз яхши биласиз.

Ҳар куни институтдан чиқишингизни пойлаб турадиган бўлдим. Севишганлар атрофдагиларни ҳеч нимани кўрмайди деб ўйлайди, дейишгани рост. Мен ҳеч кимнинг биз билан иши бўлмапти, ҳеч ким бизни кўрмапти деб ўйлардим. Бундай эмас экан. Бир куни зина ёнида турсам, биров билагимдан маҳкам қисиб тортди. Ўгирилиб қарадим: Ҳафиз.

– Бир минутга мумкинми? – У мени холироқ жойга олиб боргач, кўзларини тикандек қадаб таъкидлади:

– Менга қара бола! Пашша бўлма, тушундингми?

Мен тушундим, лекин негадир яна сўрадим.

– Нима?

– Яхшиликча тушунмасанг, бошқачасига тушунтириб кўяман. Бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол!

– Нима гап ўзи?

– У қизга осилма дейман! Аравакашлигингдан қолма! – Ҳафиз жавобимни кутмай кескин бурилди-да, институтга кириб кетди.

Турган жойимда серрайиб қолдим. Шу тобда мен ўзимни жуда ожиз ҳис қилдим. Рост, Зиёда инженер бўлади, Ҳафиз ҳам. Мен бўлсам оддий «аравакаш»... Томоғимга бир нарса тикилиб, у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам кетмай туриб қолдим. Ёнимга келиб қолганингизни ҳам сезмабман.

– Кечирасиз, – дедингиз жилмайиб. – Анча кутдириб кўйдим.

... Нурга ғарқ бўлган хиёбондан юриб кетдик. Акация япроқларининг титроқ соясини босиб борарканмиз, сиз ҳам мен ҳам ўз хаёлларимиз билан банд эдик. Ким билсин балки икковимиз ҳам бир нарсани – ойдин истикболимизни ўйлардикми. Сиз йўл-йўлакай менга қараб-қараб кўйдингиз-да, секин сўрадингиз:

– Нега хомушсиз?

Кўзларингизга тикилдим. Сиз беозор жилмайиб турардингиз. Зиёда, биласизми, табассумингизни қуёшга ўхшатгандим. Рост, сизнинг бир марта кулиб боқишингиз ҳар қандай шубҳани ҳам юракдан суриб чиқарарди.

Бир куни институтдан қўлгача пиёда келганимиз эсингиздами? Сув ўпиб ётган тик қирғоққа келиб ўтирдик. Кўл секин-секин мавжланиб турарди. Сув юзига ой қалқиб чиқди.

– Ой тўлибди, – дедим секин.

– Буниси акси, асли осмонда, – дедингиз жилмайиб.

Монанд бир сўз излаб, чехрангизга мафтун ўтирардим.

– Ҳа, акси... Лекин бир-биридан кўз узмайди...

Сиз аста, енгилгина, жуда беғубор кулдингиз. Кўнглим ёришиб кетди.

Шу топда қувноқ кулги эшитилди. Кичкинагина қайиқ сув ҳовучлаб турган мажнунтол япроқлари орасидан сузиб чиқди. Йигит шошилмай эшқак эшар, унинг қаршисида ўтирган оппоқ дуррачали қиз эса эгилиб, бармоқларини сувга тегизиборарди.

Қайиқ ўтиб кетди, икковимиз унинг кетидан қараб қолдик.

– Зиёда, – дедим тутилиб-тутилиб. – Сиз... Сиз мени шунчаки... Йўқ... Сиз мени ўзингизга лойиқ деб биласизми... ёки ...

У ёғини айтолмадим. Сиз кўзларимга шундай маъноли, шундай ғуборсиз тикилдингизки... Юрагим гупиллаб ура бошлади. Энтикиб қолдим.

Вужудимни қамраган илиқ титроқни базўр тўхтатиб, сизни бағримга тортдим. Кўзларингизни яшириб, кўксимга бош қўйдингиз-у, негадир йиғлаб юбордингиз.

Агар йигит ҳам, қиз ҳам бир-бирини севса, мухаббатига содиқ қолса, ҳеч қандай куч уларни бир-биридан айиролмас экан. Кейинчалик Ҳафиз билан бўлган можароларда ҳам бунга ишондим.

Зиёда! Хатим чўзилиб кетди. Анча вақтингизни олдим, кечирасиз. Ўзим ҳам ҳозир ишга чиқишим керак. Бугундан бошлаб кум ва шағал ташиймиз.

Хайр Зиёда! Жавобингизни кутаман.

ИККИНЧИ ХАТ

Салом Зиёда!

Бетончилар ишни қизитиб юборишди. Шағал етказиб улгуролмаямпиз. Ажойиб! Чўлнинг қоқ ўртасида катта-кон интернат биноси қад кўтарди. Унда совхоз ишчиларининг болалари ўқийди. Қандай яхши-а!

Инсон боласи дунёга келганидан кейин, ўзидан ҳеч бўлмаса битта ёдгорлик қолдириб кетиши керак, яшашнинг маънисини ҳам шу, дер эди отам. Айтгандай, сиз уни ҳали танимайсиз. Отам урушда юрганида онам бошқа кишига турмушга чиқиб кетган экан. Ўшанда мен уч яшар гўдак эканман... Аммамнинг қўлида ўсдим. Отам қайтиб келганидан кейин бошқа оила қурмади. Энди билсам, фақат мени деб шундай қилган экан. Эсимни танишим билан отамнинг ишончини оқлашга аҳд қилдим. Энди шунга эришяпман шекилли. Ҳар хатида дуо қилади. Чўлни бўстон қилишдек катта ишга ҳисса қўшаётганим учун қувонади. Сизлар ўзингизга ҳайкал қуряпсиз, дейди.

... Зиёда! Хатингиз бугун ҳам келмади. Аввал ёзган хатларимнинг биттасига ҳам жавоб олмадим. Сизга нима бўлди, Зиёда! ... Жуда хавотирланиб юргандим. Ростимни айтсам, Ҳафиз келганига хурсанд бўлдим. У сизнинг соғ-саломат юрганингизни айтди. Биламан, қизлар ялинтиришни яхши кўришади. Лекин хатим жавобсиз қолса ҳам ҳар куни хат ёзмасам ниманидир йўқотиб қўяётганга ўхшайман. Мана бугун ҳам ётоқхонага қайтдимиз ёзишга ўтирдим. Қонталаш осмон хиралашиб, адирлар орқасидан этагини судраб, оқшом кела бошлади. Чирокни ёқдим. Хатни нимадан бошлашни билмай, узоқ ўйланиб қолдим.

Баҳор ҳавосини биласиз-ку! Бирдан шамол келди. Деразани тақиллатиб, дарпардани бошига илганича шўхлик қила бошлади. Шу топда сиз билан узоқ йили баҳорда

лолага чиқиб, қирда жала остида қолиб кетганимизни эсладим.

... Мана, ҳозир ҳам момақалдироқ бошланди. Жала қуйиб берди, чироқ ўчиб қолди. Нима қилишимни билмай турганимда чўлга илк бор келганимизда шам ёққанимиз эсимга тушиб қолди. Тумбочкамни титкилай-титкилай тўрт энликкина шам топиб ёқдим. Унинг хира ёғдусида хатимни давом эттирдим.

Мен хат ёзяман, шам эса ўзининг нозик тилчаси билан шу сатрларни ялаб-ялаб қуритяпти.

Хатимнинг шу ерига келганимда деразалар зириллаб кетди. Яшин шамолда қалтираб турган мирзатерак устида илдиз отди. Унинг сут ранг ёғдуси уйнинг бурчак-бурчакларигача ёритиб юборди. Аммо яшиннинг ёрқин нури шу ондаёқ ғойиб бўлди. Шам эса ҳамон чирсиллаб-чирсиллаб ёниб турибди. Ҳозир менга ўша улкан яшиндан кўра, тугаб бораётган ожиз шам минг марта афзалроқ...

... Муҳаббат кишига ҳаётда ўз ўрнини топиб олишга ёрдам бераркан. Ҳафиз мени «аравакаш» деб камситганидан кейин чўлга кетмоқчи бўлганимни сизга айтганман.

Эсингиздами, ўша куни ёмғирдан қочиб, темир йўлчилар саройига кириб, иккаламиз узоқ суҳбатлашдик. Чўлга кетишимни эшитиб, ҳайрон қолдингиз. Менга ишонмагандек бўлдингиз назаримда. Аммо, биз бир-биримизни тўғри тушуна олардик. Рост, сизни қолдириб кетиш менга ҳам осон эмасди. Лекин шундай қилишим керак эди... Сиз рози бўлдингиз. Отамни ҳам кўндирдим бунга. Фақат ишхонада яна озроқ ишлаб туришимни сўрашди.

Таъбим хира бўлиб, ярим кечада уйга қайтиб келаётган эдим. Шамол аралаш лайлак қор ёғарди. Осмондан тўзиб тушаётган «товуқ патлари» бир зум ҳам

тўхтамайди, туғён уради. Учкунлар чироқ нуридан қочиб қутулишга урингандай тезгина асфальтга қўнади. Охирги трамвайлар судралиб боради. Кимсасиз кўчаларга муздек сукунат қўнган.

Пастқам кўчадан чиқаверишда йўл четида чўзилиб ётган кишига кўзим тушди. Ҳайрон бўлдим. Машинани тўхтатдим. Югуриб бориб кўлимни бўйнидан ўтказиб, бошини кўтардим. Афтини ёруғга солиб кўришим билан яна жойига ётқизиб қўйдим. Бу – Ҳафиз эди. Кечагина мени ҳақоратлаган, менга таҳдид қилган Ҳафиз маст бўлиб, чўзилиб ётарди.

Бориб машинага ўтирдим. Жилиб эллик қадамча бордим-у, яна тўхтаб қолдим.

Ҳамон қор ёғади, совуқ шамол изғийди. Кўз олдимда яна Ҳафиз пайдо бўлди... Пальтосидан ботинкасигача қорга бурқалган. Қулоқ, бўйинлари қизариб кетган. Бошида оддий кепка ҳам йўқ...

Машинани буриб, орқага ҳайдадим. Ҳафизни кўтариб, орқа ўриндикқа ётқизиб қўйдим.

Отам хавотир ола-ола, энди кўзи илинган экан. Бизларни кўриб, кўрқиб кетди.

– Ким бу?

– Ўртоғим, – дедим пичирлаб. – Умрида ичганини кўрмагандим. Билмадим, бу сафар...

Отам афсусланиб, бош чайқаб қўйди. Ҳафизни бир амаллаб ечинтириб ётқиздим.

Ҳафиз эртаси пешинга яқин уйғонди.

– Сув, – деди хириллаб.

Сувни ичиб бўлгач, ёстикқа бошини ташлади. Кўзини ярим очиб, бирпас тикилиб ётди-да, сакраб туриб кетди.

– Бемалол ётаверинг, – дедим хотиржамлик билан.

Ҳафизнинг лаби бурилди.

– Мени қаерга олиб келдинг? Майна қилмоқчи бўлдингми? Мен сенга майна бўлиб қолдимми?

Ҳафиз болаҳонадор қилиб сўка кетди. Ҳеч кимдан бунчалик ҳақорат эшитмагандим. Яхшиямки, отам эрғалаб ишга кетган эди.

– Виждон борми сизда, Ҳафиз? – дедим бўғилиб.

– Виждонни кўрсатиб қўяман сенга!

Ҳафиз апил-тапил кийинди, гандирақлаб чиқиб кетди. Бу ҳақда ўйламасликка ҳарчанд ҳаракат қилсам ҳам, кун бўйи таъбим тирриқ бўлиб юрдим.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Ҳафиз ростдан ҳам мен билан «гаплашиб қўйди».

Ҳар куни кечқурун театр майдонидаги тўхташ жойига таксини қўйиб, кафедра овқатланиб чиқадиган одатим бор эди. Бир куни кафедрадан чиқсам, Ҳафиз эшик ёнида папирос тутатиб турган экан. У мени зимдан кузатиб қолди. Мен бўлсам, таксини ҳайдаб кетдим. Эртасига ҳам уни шу ерда учратдим. Учинчи куни овқатланиб чиқиб, энди машина эшигини очган ҳам эдимки, Ҳафиз келиб ўтириб олди.

– Қўйликка! – деди жеркиб.

– Шаҳардан ташқарига чиқиш мумкин эмас. Вақтида гаражга қайтишим керак.

– Қўрма, сен гўдак билан олишиб ўтиришни ўзимга эп кўрмайман, юравер.

Шу гап учун уни дунёнинг нариги чеккасига обориб ташлашга ҳам рози бўлдим.

– Бўпти!

Машина асфальт йўлдан унсиз учди. Симёғочлар учидаги лампочкалар бошим тепасида пирпираб айлана бошлади. Пешонам қаршисида турган кичкина ойнага қараб қўйдим. Унда сизнинг, биринчи марта учрашганимиздаги сизнинг аксингиз ўрнида Ҳафиз киноя билан илжайиб турарди. Уни машинадан ҳайдаб тушириб юборгим келди-ю, лекин ноилож эдим. Начора, мен оддий аравакашман. Ҳафизнинг буйруғини бажаришга мажбурман...

Алам билан кўзимни чирт юмиб очдим. Хаёлимда яна сиз жонландингиз. Сиз кўз ўнгимда ҳамон ўша беғубор табассум билан жилмайиб турардингиз...

Кўйликқа етишимизга озгина қолганда юз қадамча олдинда елиб келаётган «Победа» машинаси чапга бурилди. Шахардан чиқаверишда шу машина олдимизга тушиб олганди... Негадир Ҳафиз ҳам кулоғимга эгилиб хириллади.

– Чапга!

Тормоз бермасдан кескин бурилдим. Икки четида бақатераклар калтираб турган қоронғи кўчадан елиб кетдим. Олдинда аллақандай машинанинг орқа чироқлари қизариб кўринди. Яқинроқ келиб, тор ёғоч кўприк устида тўхтаб турган бояғи «Победа»ни кўрдим. Бу ҳалиги машина эди. Келиб-келиб кўприк устида ҳам тўхтайдими? Кетма-кет сигнал бердим.

Ҳафиз билагимдан тутиб, хириллаб кулди.

– Қўйсанг-чи, қийқиллатиб нима қиласан.

Унга қарамадим. Яна сигнал бердим.

Ҳафиз иккала кўлимни омбирдек қисиб олди.

– Туш бу ёққа!

Рулни ушлаганча ўтиравердим. «Победа»нинг эшиги тарақлаб ёпилди. Чироқдан кўзини пана қилиб, пальтосининг ёқасини кўтариб олган новча йигит шу томонга келаверди. Танидим. Бу – сизникига Ҳафиз билан бирга борган найнов эди. У шошилмай келиб, чап эшикни очди. Икковлашиб мени судраб тушишди. Шундагина Ҳафиз мени бу ерга қасддан бошлаб келганини тушундим.

Ҳафизга аччиқ қилиб, бу ерга келиб қолганимга энди афсусландим. Ҳозир улардан ҳар нима кутиш мумкин эди.

Найнов эгилиб, юзимга қаради.

– Ботир деганинг шуми, ҳали! Бунинг нимаси ботир!

Ҳафиз кўлини пальтосининг чўнтагига тикиб, илжайди.

– Менга қара, – деди овозини пастлатиб, – майли, биз сени урмаймиз. Аммо бугундан бошлаб қадамингни биллиб бос... Ўзингга ўхшаган аравакашлардан юзтасини айлантирсанг ишим йўқ. Лекин мана-ман деган қизимизга кўз олайтирадиган бўлсанг... – Ҳафиз тишини ғижирлатиб таъкидлади. – Зиёдадан нарироқ юр, тушундингми?

Ўн қадамча нарида, кўприк тагидан ўтиб, музларни парчалаб оқаётган анҳорга тикилиб қолдим. Тўлқинлар юзида тўлин ой қалқиб турарди. Бирдан кўз ўнгимда сиз жонландингиз. Фикрим шунчалар равшан, ёрқин бўлиб кетдики, ўзимни шунчалар қувноқ, енгил сездимки...

... Эҳ, Зиёда, Зиёда! Ҳозир булар мени нимани ўйлаётганимни, кимни ўйлаётганимни тушунса эди... Мен кўзгудан маъюс жилмайиб турган азиз сиймонгизни ўйлардим. Ўша чароғон хиёбонни, ўша ойдин кечадда икковимиз сайр қилган кўлни, учар юлдузлар билан тўлган осмонни ўйлардим: Ўзим энтика-энтика такрорлаган сўзларимни ўйлардим. «Зиёда, ўзимникисиз! Сизни ҳеч кимга бермайман». Ҳозир мен ўша зангори эшикни, хомсувоқ қилинган деворга ёнбошлаган кумуш япрокли жийдани ўйлардим... Илк бор кўксимга бош қўйганингизда кўзларимизда қалқиган ёшни ўйлардим. Қаршимда турган Ҳафизни ҳам, найновни ҳам кўрмасдим. Менинг кўз ўнгимда ёлғиз сиз турардингиз...

Ҳафиз кўрсаткич бармоғини илгак қилиб, даҳанимдан силкитди.

– Тушундингми?

Мен унинг кўзларига узоқ тикилиб қолдим. Йўқ, бу кўзларда ғазаб эмас, хавотир бор эди. У мени кўрқади, узр сўрайди, ялинади, деб ўйларди-ю, ўзи атрофга олазрак бўлиб қарар эди.

Хайронман негадир бирдан телбалардек кула бошладим. Куйиб кетган суякдек қорайиб қолган бақатерак шохларининг инграши ҳам, увиллаётган шамол ҳам эшитилмай қолди. Менга таҳдид қилаётган Ҳафиз ҳам, унинг дўсти ҳам зум ўтмай қаёққадир жўнаб қолди..

Кўзимга ишонмай, хайрон бўлиб қолдим. «Победа» мотори гуриллай бошлагандагина ўзимга келдим. Кўприк устида – машинанинг қаршисида унга тўқнаш келиб қолган эшак арава турар, кулоқчинини бостириб кийиб олган чол чироқдан қамашган кўзларини кафти билан тўсиб, олдинга энгашиб қарар, машинани тор кўприкда тўхтатган олифталарни бакириб, койир эди. «Победа» шиддат билан тисарилиб орқага бурилди-ю, шаҳар томон елиб кетди. Чол ҳам калиш-махси кийган оёғи билан эшакнинг сонига тепа-тепа жўнаб қолди. Кейин ҳамма ёққа жимжит сукунат чўқди. Бақатерак устида безовталаниб қағиллаётган қарғаларнинг ҳам уни ўчди...

Ўша-ўша Ҳафизни кўрмаган эдим. Қизиқ, у чўлга келган куниёқ, энг аввал, менга дуч келди. Мени кўриб машинадан тушиб кетмоқчи бўлгани, йўл бўйи бир оғиз гапирмагани, совхозга машина бўладими, деб хавотирланиб сўрагани, ниҳоят хижолат бўлиб, мендан ўзини олиб қочиб юрганининг сабаби шу эди. У, Ботир мендан ўч олади, деб ўйларди чоғи.

Бу нарса хаёлимга ҳам келгани йўқ.

УЧИНЧИ ХАТ

Салом, азизим!

... Олдингизда жуда уятлиман. Шунча орзиқиб қутган хатингизни олсам-у, вақтида жавоб ёзолмасам! ... Туриб-туриб ўзимга қор қилиб кетади.

Эсингиздами, олча гуллашини сабрсизлик билан қутардингиз. Ўтган баҳор Дўмбирободга – аммамларники-

га бориб, икковимиз олчазорда сайр қилгандик. Мана, чўлда ҳам олча гуллади. Оппоқ мунчоқ таққан нозик ниҳолларнинг муаттар иси хиёбон тепасида қанот қоқа бошлади. Дарров қош ҳам қорайди. Ранги ўчган осмонга увада булутлар қувишиб чиқа бошлади.

Кун бўйи қурилишда ишлаган йигит-қизлар қуёшга эргашгандек кунботар томонга кетиб қолишди. Шамолда силкинаётган қизил дуррачалар адир орқасига чўкиб кетди. Элас-элас қулоққа чалинаётган қувноқ қўшиқ са-доларигина тинмайди.

... Йиллар ўжар бўларкан. Умрнинг ҳар бир дақиқасини кадрлаш керак экан... Бир йил ичида қилган ишларимизни ўйласам, қувониб кетаман. Кечагина сароб жи-мирлаган ерларда бугун озмунча бинолар қад кўтардим, озмунча олчазорлар яшнадим! ...

Зиёда, ўзимиз қилган ишлар билан мақтанмайман, суюнаман, чин юракдан суюнаман.

Бир маҳал шоша-пиша Ҳафиз келиб қолди.

– Станциядан телефон қилишибди. Тахта келганмиш. Гаражга борсам, шофёрлар ҳар ёққа тарқаб кетишибди. Машинанг тайёрни, Ботир?

Истар-истамас ўрнимдан турдим. Бу – Ҳафиз билан биринчи марта рейсга чиқишим эди.

Станцияга етиб келишимиз билан ёмғир қуйиб берди. Тахтани ортишга биз ҳам қарашдик. Икковимиз ҳам терлаб-пишиб кетдик. Ярим кечага яқин йўлга тушдик.

Йўл бирпасда тийғоноқ бўлиб кетибди. Пастак булутлардан ергача тортилган ёмғир тўрига тикилиб, жимгина борардик. Зулмат шунчалик қуюқки, осмон ҳам, ер ҳам қорақуяга чаплаб ташлангандек, олисда маржон-маржон чироқлар кўзга чалинади.

Эҳ, Мирзачўл, Мирзачўл! Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган саҳролар ҳақида озмунча афсоналар тўқиганми боболаримиз! Одамларнинг юраги-

га ғулғула солган сен эмасмидинг? Туя карвони хорғин кўнғирокларини жаранглатиб ўтиб кетаётганида олисда дарвешнинг шами кўринса, туякашлар ваҳимага тушмасмиди? Минг йиллардан бери хансираб ётган сен эмасмидинг? Инсоннинг қудратини кўриб қўй. Кўксингга олтин маржон тақиб қўйган ҳам, жамолингга пардоз бераётган ҳам инсон бўлади.

Қани энди, чўл тилимга тушунса-ю, унинг кулоғига шуларни ҳайқирсам. Рост-да, бу ерлардан тинчгина ўтиб кетолмайсан. Ҳайқиргинг келади!

Ҳафизни гапга солдим:

– Чўл ёқдим сизга?

Нимагадир Ҳафизнинг таъби тирриқ ўтирарди. Саволимни яхши эшитмади:

– А?

– Нимани ўйлаяпсиз?

Ҳафиз анчагача индамай борди-да, бир нима эсига тушгандек эгилиб, қўйин чўнтагини ковлай бошлади. Аллангани олиб узатди.

– Ма, олиб қўй.

Қоронғида кўрмадим.

– Нима бу?

Олиб кўявер, ўзингники.

Хат экан. Қалингина пакет.

– Ўзингники, – деди Ҳафиз. – Қишда юборган хатларинг.

Танидим. Ўзимнинг хатим... Тушундим... Қишда ёзган хатларим нега жавобсиз қолганини ҳам, сиз мендан нега хафа бўлиб юрганингизни ҳам – ҳаммасини тушундим. Чўлга келганидан бери Ҳафизга биринчи марта нафратланиб тикилдим. Ҳафиз бошини эгиб, жим ўтирарди.

– Бу менинг охири чорам эди, – деди у эшитилар-эшитилмас. – Биладан, бировнинг хатига тегиш номардлик. Лекин ўшанда кўзимга ҳеч нима кўринмасди.

Ҳафиз жавоб кутиб, қараб-қараб қўйди. Индамай кетавердим. Майли, бир йўла юрагини бўшатиб олсин, дедим.

– Юрагимда ҳўл ўтин тутаб ётарди, – деди Ҳафиз, – аввал ёнди, кейин бурксиди, ундан кейин ўчиб қолди... Зиёда билан очикчасига гаплашганимиздан кейин шундай бўлди. Имтиҳонларни топшириб бўлган куни гуруҳимиз билан янги спектакль кўрдик. Театрдан чиқишимиз билан Зиёдани кузатиб қўйишни таклиф қилдим.

– Раҳмат, қизлар билан кетавераман,– деди.

– Нима, мен билан кетишга кўрқасизми?– дедим ўсмоқчилаб.

– Нега кўрқай, одам ҳам одамдан кўрқадими?

– Юринг бўлмаса,– дедим-да, судрагудек бўлиб, етаклаб кетдим.

Мен биринчи саволдаёқ Зиёдани лол қилиб қўйишни хоҳлардим.

– Ботирдан хат келиб турибдими? – дедим киноя билан. Зиёда менга ҳайратланиб тикилади, кўрқиб кетади, деб ўйлагандим. Йўқ, қайрилиб ҳам қарамай кетаверди. Уч-тўрт қадам юргач, жавоб берди:

– Ҳа, келиб турибди.

Нима дейишни билмай қолдим.

– Зиёда, сиз ғалатисиз.

Зиёда яна чурқ этмай кетаверди.

– Ўзингиз ўйланг ахир...— дедим.

У ҳамон соқов эди.

Тоқатим тоқ бўлди

– Ботирингиз кўрққанидан чўлга қочворди.

Зиёда ғалати илжайди.

– Мард бўлсангиз чўлга, Ботирнинг ёнига бориб, бир ой ишлаб кўринг-чи. Қочгани жой тополмай қоласиз!

Бошимга гупиллаб қон урди. Зиёдани билагидан маҳкам ушлаб олдим.

– Ў, ичидан пишган қиз! Билиб қўй, мен бир ишга киришсам, охирига етказмай қўймайман.

Ўзимни ўнглаб олгунимча, Зиёда одамлар орасидан ўтиб, троллейбусга чиқиб кетди...

... Ҳафиз гапида тўхтаб менга қараб-қараб қўйди. Назаримда у менинг сўқинишимни ёки бирон нима билан бошига тушириб қолишимни кутарди.

Қизиқ, Ҳафиз ҳикоясини бошлаганида қанчалик ғазабланган бўлсам, ҳозир юрагимда заррача хижиллик қолмаганди. Мен бир вақтлар отамдан эшитган гапларни эслардим. Одам бутун бошли хазинасини йўқотса парво қилмаслиги керак. Агар севгилингни йўқотсанг, йиғла, ўзингни тоғ-тошларга ур! Мабодо инсон умидини, ишончини йўқотиб қўйса, унда яшашнинг маънисини қолмайди.

Зиёда! Ҳозир менинг қалбимдаги ишонч рашкни суриб чиқарганди. Йўлдан кўзимни узмай, индамай боравердим. Ёмғир тиниб қолди. «МАЗ» ёмғирни аллақачон симириб кетган йўлдан борарди. Сўрамасам ҳам Ҳафизнинг ўзи юрагидагини тўкиб соларди.

– Ўшандан бошлаб мен сенинг енгганингни тан олдим. Ғурурим йўл қўймаса ҳам юрагим сезиб турарди. Мен мард одамни яхши кўраман. Аммо ўзим номардлик қилиб қўйдим: институтга борган хатингни ўғирладим. Ростини – бу кундош хотинларнинг иши... Номардлик қилишга қилиб қўйдим-у, айбимни ювиш йўлини тополмай юрдим. Хатни Зиёдага беришга ғурурим йўл қўймади. Охири, ўзингга топшириб қўярман дедим.

Мен Ҳафизга киноя билан қараб қўйдим. У сезмади. Ҳозир ўз хаёли билан банд эди.

– Ботир, балки ишонмассан. Бу ерга Зиёданинг таънаси учунгина келди деб ўйлама. Дунёда дўстинг яхши бўлиши керак экан. Курсимизда яхши йигитлар кўп эди. Лекин мен улар билан гаплашгим келмасди. Ёшликнинг даврини суриб қолгим келарди. Ўйин-кулгига берилиб

кетиб, ўқишдан ҳам кўнглим совиди. Кетма-кет учта имтиҳондан йиқилдим. Кейин мени бир йилга институтдан ҳайдашди.

Ҳафиз ўша хотираларни унутишга аҳд қилгандек, чор атрофни тўйиб-тўйиб кўриб олмоқчи бўлгандек, кабинадан бошини чиқарди.

– Мен чўлни бошқача тасаввур қилиб юрардим. Янглишган эканман.

– Шунақа, Ҳафиз... Чўл ҳавоси ҳаммага ҳам таъсир қилади,– дедим.

Ҳафиз жилмайди:

– Мана шу ерда бирпас тўхтат!

– Ярим кеча бўлиб кетди. Эрталаб азонлаб тагин ишга чиқиш керак...

Ҳафиз индамади. Тезликни яна оширдим. Бирдан орқа ғилдиракнинг ерга дукиллаб урилиб кетаётганини сезиб қолдим. Тормоз бердим.

– Нима гап? – Ҳафиз менга хайрон бўлиб қаради.

– Ростдан ҳам тўхтайдиган бўлдик – баллон бўшаб кетяпти.

Иккаламиз кабинадан баравар сакраб тушдик. Ғилдирак борган сайин ерга қапишиб борарди.

Ҳафиз этиги билан баллонни тепди.

– Падарига қусур!

Мен ҳам таъбим хира бўлиб, нажот кутгандай атрофга алангладим. Чигирткалар бир-бирига гал бермай чириллайди. Ёмғирдан кейин эсадиган майин шабада ҳаводаги рутубатни супуриб кетганди. Кўкатлар иси анқийди. Булут орқасидан кулчадек ой ҳам кўринди.

– Нима қиламиз энди? – Ҳафиз кепкасини ечиб, пешона терини артди. – Запас камера бормиди?

Ўриндиқнинг тагини титкилаб, камерани судраб чиқдим.

– Домкратни олинг, латтага ўроғлик турибди, – дедим кабинага имо килиб, Ҳафиз домкратни кўтариб чиқди.

Лой-балчиқ бўлиб кетган ғилдиракни ажратиб оламиз, деб икковимиз ҳам терлаб-пишиб кетдик. Ҳадеганда чиқавермагач, Ҳафиз тутоқди.

– Лом қани?.. – Мендан жавоб кутмай, ломни олиб чиқди-да, ичкари томондан гурсиллатиб ура бошлади.

– Шошманг, – дедим нафасим бўғзимга тиқилиб. – Бирпас дам олайлик.

Турган еримизда папирос тутатдик. Ҳафиз этигига ёпишган лойни сидирди. Иккаламизнинг ҳам таъбимиз тирриқ бўлиб, чурқ этмасдик.

Ой паст-баланд ерларга хомуш тикилиб турди-да, булут орқасига ўтиб олди. Биз тағин ишга киришиб кетдик. Ҳафиз ломни ўққа тираб туриб ғилдиракни итарди. Мен икки кўллаб торга бошладим.

– Ке, бараварига олайлик... Бир, икки, уч!

Ғилдирак бирдан чиқиб кетди. Зарб билан тисарилиб, чалқанча йиқилдим. Оғир ғилдирак устимга ағдарилди. Қичқириб юборганимни эшитиб, Ҳафиз кўрқиб кетди. Урина-сурина ғилдиракни сурди. Бошим ганграб, кўзим тина бошлади. Ҳафиз мени суяб турғизди. Чирок ёруғига келиб, ўзим ҳам кўрқиб кетдим. Ўнг кўлим тескарисига қийшайиб кетгандек эди. Қаерим оғриётганини аниқ билмадим. Кўнглим айний бошлади.

– Кўйинг, бирпас, – дедим.

Ҳафиз кўйиб юбормади. Кўнглим беҳуд бўлаверди. Сув ичгим келарди.

Бу ерда сув йўқлигини билсам ҳам, «сув» деб юбордим.

Негадир Ҳафизнинг жавоби узоқ-узоқлардан эшитилди:

– Бардам бўл, дўстим! Ҳозир...

Осмонга тикилдим. Бошимнинг қоқ тепасида сарғиш доғ кўринди. Ой бўлса керак... Доғ қорая-қорая зулмат ичига шўнғиб кетди...

Кўзимни очганимда энг аввал оппоқ нарсани кўрдим. Тикилиб қарадим: хонамнинг шифти экан. Қулоғим тағида кўнғирокдек овоз жаранглади...

– Кўзингизни очинг-э! Ўртоғингиз ҳаммани шошириб кўйди-ку.

Оқ халат кийган нозик қиз бошимга эгилди. Унинг нимасидир, қаеридир сизга ўхшарди. Оқ-сарикдан келган юзими, жилмайиб туришими.

– Зиёда,– дедим пичирлаб.

Қиз қулоғини тутди.

– Нима дейсиз?

– Сув,– дедим тамшаниб. Қиз жилмайди.

Мумкин эмас...

Эшик очилди.

Қиз югуриб борди.

– Йўқ, кирмайсиз! Ҳеч нима бўлгани йўқ деяпман-ку. Фақат суяги дарз кетган. Бошқа ҳеч гап йўқ...

– Жон синглим. Хўп денг энди. Бир минут, бир минут ўтираман.

Ҳафизнинг овозини танидим. Қиз гапиргунча Ҳафиз тепамга келиб олди, Пешонамга кафтини кўйиб кўрди. Қулоғимга шивирлади:

– Суюнчи бер.

Ҳафиз кўз кисиб кўйди-да, кўйин чўнтагидан хат олди.

Бу сизнинг хатингиз эди, Зиёда. Ўрнимдан туришга интилдим – Ҳафиз елкамдан босди. Кўрсаткич бармоғини лабига босди.

– Жим...

Ҳафиз кечкурун яна келишга ваъда бериб, чиқиб кетди.

Ҳамшира қиз унинг кетидан қараб қолди.

– Яхши ўртоғингиз бор экан. Салкам тўрт чақирим ердан сизни кўтариб келибди. Бечора шунча қийналибди-ю, хайдасак ҳам кетмайди.

– Ҳа, Ҳафиз яхши йигит – дедим шивирлаб.

Қиз чиқиб кетгач, хатингизни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Эҳ, Зиёда, Зиёда! Хатингизни олган куним мен учун байрам бўлиб кетишини билсангиз эди. Унинг ҳар бир сўзидан сизнинг нафасингиз келиб туради. Ҳар бир сатрида сизнинг табассумингиз, сизнинг юрак ҳароратингиз яширинган. Мен учун ҳозир сиз билан хаёлан суҳбатлашишдан каттароқ бахт борми?!

Зиёда! Сиз Ҳафиздан узоқроқ юришимни илтимос қилибсиз. Йўқ, азизам, билмайсиз. Ҳафиз аввалги Ҳафиз эмас. У менга дўст бўлиб қолди.

Зиёда, хатимни кечикиб ёзаётганим учун хижолатданман. Нима қилай, кўлимни гипслаб қўйишган эди. Энди қутулдим ўша совуқ омбирдан.

Зиёда, мен хат ёзаяпман-у, яна ўша хаёлпарастликка бериламан. Осмонга тикиламан. Ой аллақачон ботиб кетган. Чироқ ўчганида парвоналар ғойиб бўлгани сингари жажжи юлдузлар ҳам кўринмай қолди.

Уфқда биттагина юлдуз қолди. Бу – ўша тонг юлдузи. У ўтдек ёниб турибди. Балки, ҳозир сиз ҳам дераза ёнида ўтириб, уни томоша қилаётгандирсиз. Балки, сиз ҳам менга хат ёзаётгандирсиз. Ҳозир мен юлдузга кўл чўзиб турибман. Назаримда тонг юлдузи кафтимга кўнмоқчига ўхшайди... Хайр, азизим, хайр.

Муаллиф изоҳи.

Биринчи муҳаббат тип-тиниқ баҳор осмонидаги булутга ўхшайди. Покиза, шаффоф... Шамол қаёққа олиб кетишини ўзи ҳам билмайди...

Биринчи асар эса, биринчи муҳаббатга ўхшайди. Қисмати нима бўлишини ўзи ҳам билмайди. Биринчи

муҳаббат одамнинг эсидан чиқмагани каби, биринчи асар ҳам хотирага муҳрланиб қолади. Шаффоф, покизалиги билан...

Бундан қарийб ярим аср аввал ёзилган «биринчи муҳаббатим»ни китобхонларга тақдим этишига журъат қилдим.

1963 йил

СИРЛИ ЮЛДУЗ

ҚИССА

Бу асарда ўтган асрнинг саксонинчи йилларида рўй берган воқеалар тасвирланган. Улар бугунги авлодга бир қадар эриш туюлиши мумкин. Аммо ўша замон учун булар – оддий, кундалик турмуш тарзи эди. Олисдаги марказ зугуми остида кеча-кундуз меҳнат қилаётган ўзбек деҳқонининг косаси оқармас, фарзандларининг илм олиши ҳам ўлда-жўлда эди.

Шунга қарамай ёш авлоднинг илм олиши учун жон фидо қилишга тайёр устозлар, билимга чанқоқ ёшлар оз эмасди.

Энг муҳими – асарда ўсмир йигитча билан қизалоқнинг баҳор шамолидек покиза, шудринг томчисидек шаффоф, олис юлдуз каби илк севгиси тасвирланган.

МУАЛЛИФ

Ташқарида сим-сим ёмғир ёғади. Томчиларнинг шитирлаши, тарновнинг шовиллаши ҳам эшитилмайди. Аммо ёмғир ёғяпти, эзиб-эзиб куз ёмғири ёғяпти. Деразалар буғланиб, хиралашиб қолган, ташқари кўринмайди. Фақат ҳовлидаги симёғоч учига илинган қалпоқда чирокнинг акси олмадек кизариб турибди. Лампочканинг ўзи эмас, хира доғ кўринади.

Барак ичи ёруғ. Узун шифтнинг тўрт жойида лампочка бор. Икки қават қатор-қатор сўрилар, сўриларда ҳар ким ўз уйидан олиб келган кўрпа-тўшақлар. Барак, ўртасидан коп тутиб, иккига бўлинган. Бир томонида ўғил бола-

лар, бир томонида қизлар ётади. Ўртада узун ёғоч стол. Столнинг икки томонига ҳаррақлар қўйилган. Болалар шу столда овқатланишади. Бир томонда қизлар тизилиб ўтиради, бир томонда ўғил болалар. Стол ёнида Омонул-ла Рустамовнинг йиғма каравоти. У – ўқитувчи, астрономия ўқитувчиси, географиядан ҳам дарс беради. Пахта теримига ҳашарга чиққан тўққизинчи синф ўқувчиларига Омонулла Рустамов раҳбар бўлиб келган. Болалар унинг отини ҳам, фамилиясини ҳам айтишмайди. «Муаллим» деб чакиришади.

Муаллим стол ёнидаги ҳарракда оёғини чалиштириб ўтирибди. Эгнида водолазка, чарм куртка. Домла Ҳамроев уни «шаҳарлик боди» дейди. («Боди» бўлгани учун пахтагаям чарм куртка кийиб чиққан). Бош яланг. (Яна ўша домла Ҳамроевнинг айтишича, «жингалак сочини кўрсатиш учун» бошяланг юради, бўлмаса шляпа киймасмиди?) «Боди» бўлсаям болалар уни яхши кўришади. Пахтага Омонулла Рустамов бошлиқ бўлиб боради, дейишганида тўққизинчи синф ўқувчилари хурсанд бўлиб кетишди. Аслида, улар бешинчи сентябрдан пахтага чиқишган. Аввалига дарсдан кейин чиқиб юришди. Кейин эрталабдан чиқадиган бўлишди. Октябрнинг ўрталарига бориб, уларнинг колхозни планни бажарди.

Кейин аксига олиб, ёмғир ёғди. Ўқувчиларни мактабга тўплаб, эртага кўрпа-тўшак билан келинлар, чўлдаги янги совхозга борасизлар, дейишди. Болалар ўрганиб кетишган. Ёмғир ёғса далага машина кирмайди, қўлда териш керак. Илгари ҳам бошқа хўжаликларга кўп боришган.

Йигирма кундан ошди: ўқувчилар янги очилган совхозда «подбор» теришяпти. Ҳаво очиқ кунларда кечалари муаллим уларни ҳовлига олиб чиқиб «Сомон йўли»ни, «Катта айиқ»ни, «Оққуш» юлдузларини кўрсатади. Икки кундан буён тинимсиз ёмғир ёғиб, болалар далага чиқолмай қолди. Икки кундирки, муаллим уларга рубоб

чалиб беради, коинот ҳақида, космонавтлар тўғрисида қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтади. Ҳозир ҳам у узун стол ёнида ўтирганча осмон сирларини сўзлаяпти. Стол устида каттакон тунука чойнак, пиёлалар, бир чеккада буханка нон бурдалари, қуюлтирилган сут банкалари.

Ҳозиргина овқатланиб бўлган ўқувчилар муаллимнинг икки томонига тизилиб ўтириб олишган. Баъзи болалар ўз ўрнида ётганча, инидан мўралаган қалдирғочдек бошини чиқариб, муаллимга қарашади. Бир хил қизлар кафтини иягига тираб, жимгина ўтиришибди. Баъзилари тиззасини кучоқлаб, бошини бир ёнга ташлаган кўйи унинг гапларини тинглайди. Хонада карам шўрва ҳиди аралаш намиққан пайпоқ иси кезади. Ёмғир ҳаммаёқни захлатиб юборган.

– Биз чексиз коинотда шиддат билан учиб юрибмиз, – дейди муаллим ўйчан оҳангда. Унинг овози бўғиқроқ. Шамоллаган одамдек хириллаб чиқади. Дарсни ҳам шунақа ўтади. Аммо болалар дарсида қилт этмай ўтиришади. – Учиб юрибмиз-у, ўзимиз билмаймиз. Ер шари ўз ўқининг атрофида соатига бир минг етти юз эллик километр тезликда айланади. Унча-мунча самолёт етолмайди.

Тошпўлат «иккинчи қаватда» – тахта кат устида ёстикқа суянганча, оёғини осилтириб ўтирибди. У ҳам тўққизинчи синфда ўқийди, астрономияни яхши кўради. Космонавт бўлгиси келади. Муаллимнинг гапини берилиб тинглайди. Шунақа-ю, оёғи оғрияпти. Айниқса, ўнг оёғининг тиззаси. Шунақанги зиркираб оғрияптики, инграб юбормаслик учун лабини тишлаб ўтирибди. Оёғи азалдан оғрийди ўзи.

Эсида, кичкиналигида томоғи оғрирди. Томоғи оғриб, кечаси билан иситмалаб чиқар, онаси ярим кечда уйғониб, сут қайнатар, дурдаёғ кўшиб ичишга мажбур қиларди. Дадаси сувчи бўлгани учун кўпинча кечалари далада қолиб кетар, эрталаб ҳориб-чарчаб қайтиб келар,

лойга ботган этигини кавшандозга ечиб, дарров чўян печка ёнига чўзиларди. Онаси бўлса Тошпўлатнинг бошида ўтириб, хасрат қиларди.

– Шу бачам нимжон чиқди-да...

Бир куни (тахминан беш ёшларда бўлса керак) онаси уни етаклаб, деразасига оқ парда тутилган докторхонага олиб борди. Докторхона қишлоқ марказида – почтанинг ёнида экан. Ичкарига кирди-ю, оқ халатли доктор хотинни кўриб, кўрқиб кетди. Онасининг пинжиги тикилди.

– Ҳеч нима қилмайди, – деди онаси уни юпатиб. – Доктор опа томоғингни кўриб кўядилар.

– Полвон экан-ку, бу! – доктор стакандан қошиқ бандига ўхшаган ялтироқ темирни олиб, оғзига тикди.

– А-а дегин!

Тошпўлатнинг томоғи қичишиб, кўзидан ёш чиқиб кетди. Жонҳолатда докторнинг кўлига ёпишди. Доктор хотин кулди.

– Иби, мен сени домод¹ қилмоқчиман-ку!

– Керакмас, – деди Тошпўлат ҳеч балого тушунмай.

– Ҳозир битта укол қиламиз, касалинг тузалиб қолади. Тошпўлат эмлашдан кўрқиб, йиғлаб юборди.

– Иби! – деди доктор хотин яна кулиб. – Уколдан кўрқасанми? Ана, Солия кўркмайди-ку!

Тошпўлат хона бурчагидаги курсида кўғирчоқ ўйнаб ўтирган, зардўзи дўппи кийган қизалоққа энди эътибор берди. Қизалоқ кўғирчоқнинг сочини кафти билан тарар, кулиб турарди. Тошпўлат ҳикиллаб-ҳикиллаб чиқиб кетаётганида ҳам қизалоқ кулиб қараб қолди.

Биринчи марта мактабга борган куни худди ўша қизалоқ билан битта партага ўтқазиб қўйишди. Сўнг икковлари қишлоқ этагидаги мозористонга туташиб кетган ўтлоқда мол боқишди.

¹ Домод – куёв

Кейинчалик ҳам Солиянинг онаси вақт-бевақт Тошпўлатни укол билан «сыйлаб» турди. Бешинчи синфда ўқиётганида унинг бўғинлари қакшаб оғрийдиган бўлди. Айниқса, тиззасининг кўзи шу қадар азоб берардики, Тошпўлат кечаси билан инграб чиқар, эрталаб кўзининг таги кўкариб кетарди. Бир куни доктор опа Тошпўлатнинг онасига қаттиқ тайинлади:

– Бўғинлари шишибди. Ревматизмга ўхшайди. Бициллин олиши керак.

Онаси уни туман марказидаги поликлиникага олиб борди. Ҳафтасига бир мартадан укол қилишди. Укол олган кунининг эртасига оқсоқланиб юрарди-да, кейин нинининг ўрнидаги оғриқ босилиб қоларди. Бир ҳафтадан кейин яна укол... Кейин бўғинларининг оғриши босилгандай бўлди. Онасининг койишига қарамай, Тошпўлат поликлиникага қатнамай қўйди.

* * *

Ташқарида сим-сим ёмғирнинг шитирлаши ҳам, тарновнинг шовиллаши ҳам эшитилмайди. Аммо ёмғир ёғяпти. Эзиб-эзиб куз ёмғири ёғяпти. Муаллим оёғини чалиштириб ўтирганча, ҳикоя қиляпти.

– Ер шари Қуёш атрофида бундан ҳам тез айланади, – дейди у ҳамон ўша бўғиқ оҳангда. – Секундига ўттиз километр тезликда.

– Иби – дейди ҳарракнинг бир четида ўтирган Солия кўзларини катта-катта очиб. – Шундай тезми, маълим!

– Шунақа тез! – муаллим мамнун жилмайиб қўяди. – Биз яшаб турган Ер фақат Қуёш атрофида эмас, Галактика атрофида ҳам айланди. Буниси ундан ҳам тез: секундига икки юз қирқ километр! Болалар, қизлар чекка-чеккадан ҳайратланиб, хитоб қилишади.

– Эҳ-хе!

– Нега бўлмаса биз билмаймиз, маълим?

Бу – яна Солиянинг овози. Тошпўлат унга қарамасликка ҳаракат қилади: Солиядан аразлаган. Аммо уни кўп туш кўради. Анчадан буён.

Саккизинчи синфга ўтишганида ҳам Тошпўлат уни менсимасди. Ҳатто бошқа партага – Абдулланинг ёнига ўтиб олганди. Абдулла дудуқ бўлсаям аълочи бола. Ҳамма нарсани билади...

Биринчи май байрами куни Тошпўлат Солияни автобусда кўриб қолди. Уям шаҳарга – ўйнагани кетаётган экан. Кўрди-ю, ғалати бўлиб кетди. Йўқ, бу – ўзи билан мол боқиб юрадиган Солия эмасди. У сочини чиройли қилиб турмаклар олган, оёғида оппоқ туфли, эгнида атлас кўйлак... Кўйлак остида кўкси бўртиб турибди... Тошпўлат эсанкираб қолди. Нимагадир томоғи қақраб ютинди.

– Сенам шаҳаргами? – деди овози титраб.

– Ҳа, – Солия кулди. Чиройли киприклари пирпираб кетди. – Бирга-бирга айланамизми?

Шаҳарга тушишди. Автостанция олдидаги дўкончадан музқаймоқ олиб ейишди. Тошпўлат ўтган-кетган йигитларнинг Солияга тикилиб-тикилиб қараётганини кўрар, ғаши келар эди. Қишлоққа келгунча гап-гапга қовушмади. Хайрлашаётганда Тошпўлат нима дейишини билмай сўради:

– Эртага дарсга борасанми?

Солия унга қараб турди-турди-да, шарақлаб кулиб юборди. Шунақа чиройли кулдиги, Тошпўлат мулзам бўлиб, гандираклагудек юриб кетди.

Кейин кулоғига дарс кирмайдиган бўлиб қолди. Икки кўзини Солиядан узмайди. Солия уч парта олдинда, нариги қаторда Шарифа билан ўтиради. Тошпўлатга унинг сочи, юзининг бир томони, бежирим бурни кўриниб туради. Доскага чиққанида эса унга қарамасликка ҳа-

ракат қилади. Қараса, гапидан адашиб кетади. Таътил яқинлашган сайин унинг юраги безиллар эди. Таътилга чиқишса, Солияни кўролмайд қолади. Барибир вақт-соати билан имтиҳонлар ҳам ўтди, таътил ҳам келди. Тўғри, имтиҳон бошланганда ҳам улар ҳар куни кўришиб туришди: синовдан бўш кунлари ўқувчиларни чопикқа олиб чиқишди. Тошпўлат бошига оқ рўмол танғиб олган Солиянинг эгилиб чопик қилаётганини кўриб турар эди... Кейин таътил бошланди. Уч кунда Тошпўлат уни соғиниб қолди. Солиянинг онаси ишлайдиган поликлиника олдидан атайин велосипедини етаклаб, бир неча марта ўтди. Солия йўқ эди. Уларнинг уйи ҳам яқин. Почтадан нарироқда. Аммо Тошпўлат уйига бирон нарсани баҳона қилиб борад деса, Солиянинг дадасидан кўркади.

У ҳар куни қоронғи тушганида пахтага сув тараётган дадасига овқат олиб борар эди. Велосипеднинг рулига тугунни осадю, ғириллаб кетаверади. Дадаси марза четидаги тут тагида ёнбошлаганча шошилмай овқатланади. Тошпўлат унғача пойлаб туради.

Бир куни кечаси тупроқ кўчадан велосипед миниб қайтаётганида, мактаб дарвозаси олдида шарпа кўринди. Тошпўлат аллақандай ички сезгидан ҳаяжонланиб, велосипеддан тушди. Яқинроқ борди. Қараса – Солия. Қоронғи бўлсаям Тошпўлат уни узоқдан таниганига ўзиям ҳайрон бўлди.

– Солия! – деди овози титраб. – Нима қилопсан?

– Гўсала бўшалиб кетибди, – деди Солия негадир велосипеднинг рулига кўлини кўйиб.

– Қачон?

– Билмасам... – Солия Тошпўлатга жилмайиб қаради. Жилмайдию, қоронғида юзи ёришиб кетгандай бўлди. – Сен даданга ҳар куни овқат олиб борасанми?

– Ҳа! – деди Тошпўлат аланглаб. – Гўсаланг қаёққа кетдийкин?

– Ўзи топиб боради! – Солия қўл силтади. – Майли хайр. – Шундай деди-ю, тупроқ кўчадан юриб кетди. Тошпўлат серрайиб қолаверди. Анчадан кейин ўзига келди-да, кўчани бошига кўтариб бақирди:

– Шошма, обориб қўяман!

Велосипедининг рулидан чангаллаганча, лўкиллаб югурди. Эллиқ қадамча нарига бориб қолган Солияга етиб олди.

– Ўтир, – деди велосипеднинг орқа ўриндиғини кафти билан артиб, Солия орқа ўриндиққа оёғини жуфтлаштириб, ёнбошлаб мингашди. Тошпўлатнинг биқинидан енгил тутди.

Тошпўлат ерда эмас, осмонда учиб бораётгандай эди. Гилдирак остида тупроқ шит-шит этади, осмон тўла юлдузлар... Солиянинг юмшоқ, иссиқ қўллари вужудини ёндиради. Тошпўлат юлдузлар сари учиб боряпти. Ана ҳозир осмону фалакка учиб кетади, ёнида – Солия.

– Бўлди, – деди Солия унинг елкасига оҳиста шапиллатиб. – Бўлди, келдик-ку.

Тошпўлат қараса, амбулатория яқинига келиб қолишибди.

Солия ўриндиқдан лип этиб тушди-да, секин қўл силтади.

– Хайр...

Ўша кеча у Солияни биринчи марта туш кўрди. Икковлари велосипед миниб, осмонда учиб юришганмиш.

Кейин яна икки марта Солиянинг бузоғи «йўқолиб» қолди. Тошпўлат уни велосипедга мингаштириб, уйига обориб қўйди. Улар кўп гаплашишмас, дарров хайрлашар эдилар. У Солия билан тушида гаплашарди.

... Аразлашиб қолишгани чаток бўлди. Уч кундан буён гаплашишмаяпти. Шунинг учун у ҳаррак четида ўтириб, муаллимнинг ҳикоясини берилиб тинглаётган Солияга қарамасликка ҳаракат қилади. Аслида ҳозир

оёгининг қақшаб оғриётганига ҳам бир чеккаси Солия сабабчи. Йўқ, Солиямас, Мамат сабабчи. Уч кун аввал одатдагидек подбор теришди. Подбор териш унча кийинмас: машина терганида эгатларга тўкилиб қолган, чанокларда янги очилган пахта териб кетилаверади, этак тез тўлади. Аммо аввал ҳам ёмғир ёққани учун тўкилган пахта ерга ёпишиб қолган. Тирмалаб олиш керак.

Кечқурун болалар терган пахтасини орқалаб, йўл чеккасига олиб чиқишди. Одатда тушда, кечқурун йўл четида битта тележка тайёр туради. Тарозисини шайлаб, табелчи ҳам келади. Табелчи пахталик кийган, соқоли тикандек ўсиб кетган киши. Шляпа кийиб юради. Ёнига яқин келсангиз димоғингизга гуп этиб вино ҳиди урилади. Афтига қараб ёшини билиб бўлмайди: ўттиздами, элликдами? Болалардан пахтани тортиб олаётганда доим қовоғини солиб туради. Аммо қизларга кўзи йилтираб, илжайиб қарайди. Тошпўлат этагини орқалаб, биринчи бўлиб келди. Этак оғир эди. Икки қўллаб кўтариб, тарози устига қўйди. Шу пайт елкасига икки этак пахтани ортмоқлаб, муаллим ҳам келиб қолди. (Қизлар терган пахтани даладан ўзи кўтариб чиқарди).

– Ўн саккиз! – табелчи «ол этагингни» дегандек Тошпўлатга имо қилди-да, кирланиб кетган дафттарини очди.

Тошпўлат энди этакни тарозидан олмоқчи эди, муаллим унинг қўлидан тутди.

– Шошманг, – деди табелчига. Тарози тошини қайтадан ўнгга сурди. – Ўттиз кило-ку!

– Искидка бор, акамулло, искидка бор!

– Скидка шунча бўладими? – деди муаллим лабини қимтиб.

– Нима деёбсиз, акамулло, биз ҳам ўқиган, ҳисоб-китобни биламиз.

Муаллимнинг ранги ўчди.

– Уялмайсизми, – деди овози хириллаб. – Ёш бола-нинг хақи-ку бу! Тагин барматуха ичганини...

– Иби, нима дейди бу! Барматуха нима ўзи? – Табелчи тележка устида турган телпакли шеригига қаради. Негадир лабининг бир чети билан захарли илжайди. – Зақунчи бўлсангиз, директорга жалоба қилинг, акамулло, бизлар кичик одам. Ҳай ана, йигирма ёздик.

Муаллим атрофини ўраб олган болаларга қараб қўйди-да, индамай этакни тарозидан олди.

– Бундан кўра қушхонага бориб без термайсанми! – деди паст овозда ижирғаниб – Виждонсиз!

Табелчи ё эшитмади, ё эшитса ҳам парво қилмади.

– Қани? – деди навбатда турган болага. – Чаққон-чаққон! Кеч бўп кетопти.

Навбатнинг охирида турган болалар ҳам пахтани тортириб тележкага узатишаётганда мотор гуриллади. Икки биқинига лой сачраган «Нива» машинаси тележка орқасига келиб тўхтади. Эшик очилиб, кирза этик кийган, кўзлари уйқусизликдан қовжираган ўрта ёшлардаги киши тушди. Бу – совхоз директори эди. Ётоққа келганда болалар уни кўришганди.

Табелчи директорни кўриб, типирчилаб қолди.

– Ассалом, – деди-ю, пилдираб бориб, кўшқўллаб кўришди.

Директор у билан енгилгина кўришиб, муаллимнинг кўлини қисди.

– Ҳорманглар-ов, азаматлар! – деди болаларга юзланиб.

Болалар, қизлар уялиброқ салом беришди.

– Биламан, қийин, ҳаммамизгаям қийин, – деди директор деҳқонча дилкашлик билан. – Наилож, куз сабил оғир келди. Шу пахтани оталарингиз, оналарингиз экишган. Йил бўйи ишлашган. Ерда қолиб кетса бўлмайди-да, – у муаллимга қаради. – Бизга талаблар борми?

– Бор, – деди муаллим секин. Тошпўлат табелчининг кўзини пирпиратиб-пирпиратиб орқага тисарилганини, муаллимга қараб аянчли илжайгани, тележка устида турган телпакли шеригига мадад кутгандай қараб қўйганини кўрди.

– Печка керак, – деди муаллим. – Совуқ тушиб қолди.

– Яхши! – директор кескин бош силкиди. – Иккита печка олиб келишади.

– Йўқ! – деди муаллим кўрслик билан. – Тўртта керак. Барак катта. Беш-олти қоп кўмир ҳам керак.

– Яхши, – деди директор яна бош силкиб. – Тўртта бўлса тўртта-да! Аммо кўмир йўқ. Ўтин топамиз. Балки саксовул юборармиз. Чўл яқин-ку. – У муаллим билан қўл олишиб хайрлашди-да, қайтиб рулга ўтирди. Машинани кескин буриб хайдаб кетди.

– Ана энди уйимиз исиб кетади! – деди муаллим мамнун жилмайиб. – Кўмирдан саксовул яхши-да, тўғрими! – У болалардан кўра кўпроқ ўзи қувонгандек, тетик овозда буюрди. – Кетдик, болалар!

Сўқмоқ йўлдан канал ёқалаб ётоққа қайта бошлашди. Тизилишиб келишарди. Энг олдинда муаллим, кетидан қизлар, болалар... Тошпўлат орқарокда келарди. Болаларнинг тизилиб боришими, ранг-баранг кийими-ми, хуллас нимасидир сомон йўлига ўхшарди назарида. Худди осмондаги сомон йўлига. Ана, сомон йўлидаги энг чиройли юлдуз – Солия. У Маматдан олдинроқда кетяпти. Тошпўлат хафа. Бугун ҳам Солия билан ёнма-ён эгатга тушолмай қолди. Бир томонига Шарифа, бир томонига Мамат тушиб олди. Умуман, пахтага чиқишганидан бери шу – Мамат Солияга эргашиб юрибди. Аввал ҳам шунақа қиларди-ю, Тошпўлат унча эътибор бермасди. Мамат гапга чечан. Аллақайдаги хангомаларни топиб, қизларни кулдиради. Тошпўлат шу болани жинидан ҳам ёмон кўради. Дадаси сельпо раи-

си. Бултур лотореяга «Жигули» ютган. Оппоқ «Жигули». Отаси лотореяга ютганини Маматнинг ўзи айтган. Тошпўлат бу янгиликни дадасига етказганида дадаси нимагадир кулган. «Сўраб кўр, Аҳмад бойвачча неча сўмлик лотореяга ютган экан, ўн беш минг сўмгами, ўн олти минггами», деган. Кейинроқ Тошпўлат билса, лотореяда ҳеч қанақа «суперлюкс» «Жигули» ўйналмас экан. Шу Мамат Солиянинг атрофида кўп айланишаяпти. Ана, ҳозир ҳам Солиянинг кетидан соядек эргашиб боряпти. Солиянинг ўнг қўлтиғида этак, чап қўлтиғига аллақандай қалин китоб қистириб олган. У этакни боши устида вертолёт паррагидай пирпиратиб айлантирганча сакраб-сакраб қадам ташлайди, худди ёш боладек. Мамат бўлса дўриллаб алланималарни гапириб боряпти. Тошпўлат билади: Мамат Солияга гапираяпти. Билган сайин алам қилади. Солия ҳам аҳмоқ, келиб-келиб шу билан гаплашадими?

Бир маҳал қизиқ иш бўлди. Солия бир сакраган эди, қоқилиб, мункиб кетди. Қўлтиғидан китоб отилиб, варақлари очилганча сувга учиб тушди. Болалар қий-чув қилиб юборишди.

– Иби, сувга тушди!

– Китобим, китобим! – Солия соҳил бўйлаб орқага қайта бошлади. У канал қирғоғидаги кесакларга қоқилиб-қоқилиб келар, икки кўзи сувда қалқиб бораётган китобида эди. Ҳамма чувир-чувир қилар, китоб эса канал ўртасига бориб қолганди.

– Нима гап? – Олд томондан муаллимнинг овози келди. Тошпўлат унинг энгашиб ботинкасининг боғичини ечаётганини кўрди. Энди китоб Тошпўлатнинг шундоқ рўпарасига келиб қолган эди. У шўрхоқ босиб қордек оқариб кетган тик соҳилдан сирғалиб пастга тушди. Этиги лойга ботиб кетди. Амаллаб лойдан чиқди-да, этигини ечмасдан шалоп-шалоп қилганча сувга кирди. Канал саёз

экан, тиззасидан келди. Аммо шу ондаёк этиги муздай сувга тўлиб чикди. Сирғана-сирғана ўртага борди-да, китобни тутиб олди. Негадир илжайиб, муковасига қаради. «Қизил ва қора» деган китоб экан.

Соҳилга етганида қараса, Солия қўлини чўзиб турибди. Тошпўлатни ток ургандек, вужуди зириллаб кетди. Назарида Солия унинг қўлини бошқача қисгандек бўлди. Юраги гурсиллаб ура бошлади.

– Раҳмат, – деди Солия жилмайиб. – Оёғинг совук едими?

Тошпўлат сувни ҳам, совукни ҳам сезмасди, бахтиёр эди. Нарироқда илжайиб турган Маматни ҳам кўрмади, лекин гапини эшитди, аниқ эшитди.

– Язнамиз гирой-ку!

Тошпўлат сувга тўлган этигини шилтиллаганича чиқиб келди-ю, Маматнинг башарасига мушт туширди.

Мамат кўзи олайганча бурнини тортди, кафтининг орқаси билан лабини артиб, оғир-оғир киприк коқди.

– Нега уропсан? – деди дўриллаб.

– Солиядан нари юр! – Тошпўлат бутун вужуди титраб таъкидлади. – Уқдингми?

Мамат сузонгич буқадек бошини эгганча Тошпўлатга ташланди.

Аммо етиб келолмади: болалар орасидан отилиб чиққан муаллим елкасидан ушлаб, бир тортган эди, Мамат оёғи сирғаниб ўтириб қолди.

– Вой хўрозлар-ей! – деди муаллим бош чайқаб. – Уялмайсанларми!

Тошпўлат гоҳ Маматга, гоҳ Солияга қараб ўшшайиб турарди.

– Нима, сан манга хўжайинми? – деди Солия Тошпўлатга қараб. Шундоқ деди-ю, китобни қулочкашлаб сувга улоқтирди. Индамасдан бориб кизлар тўдасига кўшилди.

Тошпўлат бундай бўлишини кутмаган эди. Айниқса, Солиянинг жеркишидан кўра кўзи чакчайиб бақиргани алам қилди.

– Жигарингни эзаман! – Мамат дўриллаб, Тошпўлатга муштини дўлайтирди.

– Еч этигингни! – муаллим Тошпўлатни куруқроқ кесак устига ўтқазди. Этигини тортар экан, елкаси оша болаларга юзланди.

– Этак беринглар!

Кимдир узатган иккита этакни олди-да, пайтава ўрнига Тошпўлатнинг оёғига ўради. Бари бир, хўл пахта терилгани учун этаклар ҳам нам эди.

Муаллим ҳар бирига салкам ярим челақдан сув тўлиб қолган этикларни силқитиб қайта кийгизди-да, Тошпўлатга буюрди.

– Марш ётоққа! Югур!

* * *

... Ташқарида сим-сим ёмғир ёғади. Томчиларнинг шитирлаши ҳам, тарновнинг шовуллаши ҳам эшитилмайди. Аммо ёмғир ёғяпти. Эзиб-эзиб куз ёмғири ёғяпти. Хонада макарон шўрва ҳиди, намиққан пайпоқ иси кезади. Тошпўлат сиркираб оғриётган оёғини силаб ўтирибди. Муаллим ҳамон ўша бўғиқ овозда ҳикоя қилади.

– Олам чексиз. Биз яшаб турган Ер шари олам олдида заррадек бир гап. Ҳозирги астрономия фани етмиш беш миллион галактикани аниқлаган. Шундан учтаси бизнинг галактикага яқин жойлашган. Биттаси Катта Магеллан, биттаси Кичик Магеллан, яна биттаси Андромеда туманлиги. Андромеда туманлигининг нури Ерга икки миллион йилда етиб келади.

Тошпўлат Андромеда туманлигини кўз олдига келтиради. Муаллим шундоқ Сомон йўлининг четроғида

турган туманга ўхшаш хира, зич юлдузлар тўдасини кўрсатиб тушунтирган. Шу Андромеда туманлиги. Бизнинг галактикага қўшни. Аммо Андромеда туманлигида ҳам ҳаёт борлигига олимлар ишонмайди. Агар унда онгли мавжудот бўлса, Ерга бирон хабар беришарди. Шунга қарамай, қаердадир барибир одамга ўхшаган мавжудот бор. Муаллим айтган. Бор. Албатта бор! Муаллим бир нарсани билмаса гапирмайди.

– Юлдузлар абадий яшайди, – дейди муаллим ўйчанлик билан. – Ўзи сўнганидан кейин ҳам нури бизга етиб келаверади... Осмондаги юлдузлар бизга бир текис жойлашгандек кўринади. Лекин ёнма-ён тургандек кўринган юлдузлар ҳам аслида бир-биридан жуда узокда бўлади. – У негадир маънос хўрсиниб қўяди. – Одамларга ўхшаб... Бир хил одамлар бор. Ёнингда турганга ўхшайди-ю, ўзи олисда бўлади. Жуда олисда. Фақат фарқи шундаки, юлдузлар одамларга ўхшаб, бир-бирини алдамайди. Кўзига чўп солмайди... – шундай дейди-да, узок жимиб қолади.

Тошпўлат муаллимнинг бошқаларга ўхшаб қаҳ-қаҳ уриб кулганини ҳеч кўрмаган. Нимага шунақа?

Қизиқ, домла Ҳамроев янги ўқитувчи келгандаёқ ёмон кўриб қолган. Домла Ҳамроев Тошпўлатлар билан ҳамсоя. Тошпўлатнинг дадаси билан жўра. Кечкурунлари чиқади-да, ховлидаги сўрида гурунглашиб ўтиради. Тошпўлат уларнинг гапларини беихтиёр эшитиб қолади.

– Шахарлик боди ўзларини кўрсатоптилар. Янги жўроб яхши супуради-да! Бруклар утукланган, бўйнида бўйинбоғ, соколлар паратка... Педагог ҳамма жойда ўрناق бўлиши керак деб лекция ўқидилар. Мен ҳам эдим санингдек, сен ҳам бўласан манингдек! Ўқувчиси олдида гўсаланинг уч-тўрт сатил гўнгини томорқага ташисин, кўрамыз, сокол олишга вақти қолармикин!..

Тошпўлатнинг дадаси жавоб беришга шошилмайди.

– Энди, домла, – деди салмоқлаб, – гўсала бокадиган жой ҳам қолмади-ку ўзи. Мана, биз ҳам молдан кутулдик. Бирини сотдик, бирини кесдик. Қишлоқ жойда туриб, зардолини шаҳардан сотиб оламиз.

Дадаси тўғри айтади. Тошпўлат олтинчи синфда ўқиб юрганида қишлоқ чеккасидаги мозористонга туташиб кетган ерлар бўш ётарди. Тошпўлат укаси, ўртоқлари билан мол боққани чиқарди. Бир сигир, бир бузоқ, тўртта қўйи бўларди. Молларни ўтлоққа қўйиб юбориб, бақатерак тагида ётиб китоб ўқирди. Осмонда илиқ баҳор куёши, оппоқ, эринчоқ булутлар... Қизик, негадир Солияни ёқтирмасди. Аҳмоқ экан-да! Устига-уштак ўзининг молини Солияга боқтирарди. Ҳатто бир марта йиғлатган ҳам. Ўшанда Солия дадамга айтиб бераман, сени отиб ташлайди, деган. Солиянинг дадаси – мелиса. Тўппонча тақиб юради. Нега йиғлатган экан? Келиб-келиб Солияни-я!

... Кейин пахта майдонлари кенгайтирилди. Мол боқишга жой қолмади. Пахтазордан ўт юлишгаям иккиланади киши. Дори сепилган бўлса иш чатоқ. Сигирга ҳеч нима қилмагандаям сутини одам ичади-ку! Тошпўлатнинг дадаси томорқадаги олма-ўриқларни кесиб ташлаб макка экди. Мол деганнинг жағи тинмас экан. Томорқадан чиққан жўхори урвоқ ҳам бўлмади. Ҳозир иккита қўллари бор, холос. Ўшаниям ёнига боргиси келмайди. Молни ёмон кўриб қолган...

– Барибир! – дейди домла Ҳамроев бўш келмай. – Бу шаҳарлик боди қишлоқни билмайди. Раис бованинг қўлига тушмаган ҳали. Саратонда уч кун яганага чиқсин, шаҳрига қараб таранг қочиб қолади.

Йўқ, муаллим шаҳрига қараб қочиб қолмади. Колхоз ҳаммомининг ёнидаги меҳмонхонада, битта хужрада туриб, икки йилдан буён ишлаб келяпти.

Муаллим ҳали уларга кўп дарс бергани йўқ: пахтага чиқиб кетишди. Бироқ муаллимнинг биринчи марта дарс-

га кирган кунини Тошпўлат яхши эслайди. Учинчи дарс эди. Кўнғироқ чалиниши билан синфга янги муаллим кириб келди. Кўйлаги қордек оппоқ. Шими текис дазмолланган, жингалак сочли, оёғида гард юкмаган туфли... Болалар бошқа ўқитувчиларнинг ҳам домла Ҳамроевга ўхшаб, пала-партиш кийиниб кираверишига кўникиб кетишгани учунми, бир оз эсанкираб қолишди.

– Салом, болалар, – деди янги муаллим хиёл бўғиқ овозда. – Менинг исмим Омонулла, фамилиям Рустамов. Мен сизларга астрономиядан дарс бераман. Хоҳласангиз исмимни айтиб чақиринглар, хоҳласанглар, фамилиямни. Муаллим десанглар ҳам майли...

– Маълим деймиз. – Мамат ўтирган жойида дўриллади. – Маълимсиз-ку, ахир.

– Яхши! – Муаллим маъқуллаб, бош силкиди. – Мен ўзимни таништирдим. Энди сизларниям таниб олай.

У йўқлама қила бошлади. Ҳар бир бола, ҳар бир қиз ўрнидан турганида кўзига тикилиб қарайди, гўё нимани ўйлаётганини билиб олмоқчидек.

Муаллим дарсни ўқувчилар кутганидан ўзгачароқ бошлади.

– Бундан бир неча йил илгари Тошкентдан Москвага учаётган Ил-62 самолётида тажриба қилиб кўришди, – деди бўғиқ овозда. – Учувчилар кабинасининг ойнасига қора парда тутиб кўйишди. Самолёт Домодедово аэропортига кўнаётганида ҳам пардани олиб ташлашмади. Учувчилар ерни кўрмасдан кўнишди. Бундан мақсад самолётдаги навигация асбобларини, электрон-техника аппаратларини синаб кўриш эди.

Болалар дарсни ғалати мисол билан бошлаган муаллимга бир қадар ҳайрон қараб қолишди.

– Биласиз, ҳозир техника жуда ривожланган, – деди муаллим давом этиб. – Лазердан тортиб электроникага-ча ҳаммаси бор. Космосдан туриб ерда, стол устига ёзиб

қўйилган газетани бемалол ўқиш мумкин. Лекин бундан минг йиллар илгари ҳам саҳроларда карвонлар юрган, океанларда кемалар сузган. Майли, кундузи улар шарқ билан ғарбни осон топишган. Аммо кечаси-чи? Денгиздаги кемалар, саҳродаги карвонлар кечаси тўхтаб қолмаган-ку. Уларда оддий компас ҳам бўлмаган. Улар йўлни қандай топишган? Ёки баҳорда шимолга, кузда жанубга учадиган қушлар кечаси нимани мўлжалга олади?

– Қушлар кечаси дам олади, – Мамат яна ўтирган жойида дўриллади.

– Дам олмайди, – деди муаллим қатъий қилиб. – Шунақа қушлар борки, Атлантика океанини қўнмасдан кесиб ўтади. Бир ҳафтагача кеча-кундуз тинимсиз учади. Хўш, улар нимани мўлжал қилишади?

– Юлдузларни! – деди Мамат яна дўриллаб. Билагонлигидан хурсанд бўлиб, қаддини ростлаб қўйди.

– Мана шунинг учун ҳам инсоният жуда қадим замонлардан астрономияга қизиққан. Осмон сирларини билишга уринган. – Муаллим ички ҳаяжон билан жингалак сочли бошини силкитди. – Биз яшаб турган Ер осмон билан чамбарчас боғлиқ. Агар Ойда бирон ўзгариш бўлса Ерга ҳам таъсир қилади. Агар Қуёшда портлаш рўй берса, саккиз ярим минутдан кейин Ерда автомобиль ҳалокатлари кўпайиб кетади, юрак касалликлари кучаяди. Қуёш фаоллиги ошганда Ер юзида zilzilalar, сув тошқинлари бўлади.

... Қизик, муаллим биринчи дарсданок болаларни юлдузлар оламига олиб кирди-қўйди. Болалар унинг «боди»лигини унутиб, яхши кўриб қолишди...

Бултур қишда Тошпўлат мактаб кутубхонасига кирса, муаллим ҳам турган экан. У ҳали Тошпўлатларга дарс ўтмаган эди. Тошпўлат «Менинг укам Юрий» деган китобни кутубхоначи опага топшираётганини кўриб, ёнига келди.

– Осмонни яхши кўрасанми? – деди тўсатдан.

Тошпўлат дафъатан тушунолмади.

– Нима?

– Космонавтикага қизиқасанми?

– Ҳа, – деди Тошпўлат. – Жудаям!

– Юр, сенга китоб бераман. – Муаллим шундай деб, уни ўзининг хужрасига бошлаб борди.

Тошпўлат муаллимнинг бир хоналик уйига кирди-ю, хайратдан оғзи очилиб қолди. Икки томонидан деворга ойнабанд шкаф тираб қўйилган, шкаф китобга тўла эди. Дераза олдида стол, стул, этак томонда диван. Деворга рубоб илиб қўйилган.

– Анави токчадагилар ҳаммаси астрономия билан космонавтика тўғрисида. – Муаллим шундай деди-да, чиқиб кетди. Зум ўтмай бир челак кўмир кўтариб кирди. – Ҳозир печка ёкамиз, – деди «голланд» печканинг бурама бандли эшигини очиб. – Чой ичамиз.

Тошпўлат баттар хайратланди. «Боди» муаллимнинг печка ёқишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Қарашиб юборишини ҳам, индамай туришни ҳам билмай, серрайиб қолди. Муаллим печканинг кулини куракча билан эҳтиётлаб сидириб олиб, пачоқ пақирга солди, чўғ устига кўмир қалади. Кейин икковлари конфет билан чой ичишди.

Муаллим унга ўлкамизда астрономия фанига қизиқиш қадимдан кучли бўлганини, улуғ олим Беруний бундан минг йил аввал Ер билан Ой ўртасидаги масофани аниқ ўлчаганини айтди.

– Фақат бу эмас, – деди тушунтириб. – Беруний Ернинг думалоқ шаклда эканини исботлаган. Шундан келиб чиқиб, ғалати фикр айтган. Агар Ер курраси шар шаклида бўлса унинг бир томони қуруқлик, бошқа томони сув бўлиши мумкин эмас. Чунки физика қонунига биноан сув билан қуруқликнинг солиштирма оғирлиги икки хил.

Бир яримшар нукул сув, иккинчиси куруқлик бўлса, Ер ўз орбитасидан чиқиб кетган бўларди.

Демак, ғарбдаги яримшарда ҳам катта қитъа бор. Берунийнинг бу кашфиёти дунёдаги энг зўр ихтиролардан бири бўлган...

Сўнг муаллим Тунгуска воқеасини айтиб берди. 1908 йил 30 июнда Сибирдаги Тунгуска дарёси ёнига метеорит тушганида Хиросимага ташланган атом бомбасидан минг марта кучли портлаган экан, унинг зарбидан Тошкентда ҳам ер қимирлабди. Ўшанда бир неча кунгача тайгадаги ўрмонлар ёниб, осмондаги шафақ минглаб километр наридан кўриниб турган экан. Орадан кўп йиллар ўтгандан кейин олимлар Тунгускага тушган нарса метеорит эмас, оғирлиги юз минг тонналик қор уюми деб исботлаган экан. Аммо Тунгускага тушган нарса бошқа планетадан келган космик кема, деб ҳисобловчи олимлар ҳам бормиш.

Ўша суҳбатдан кейин Тошпўлат космонавт бўлишни кўнглига тугиб қўйди. У муаллимнинг домла Ҳамроев айтганидай шаҳарга қочиб қолишини хоҳламасди! Асло хоҳламасди. Йўқ, муаллим шаҳарга қочиб қолмади. Қайтага қишлоқдагилар уни яхши кўриб қолишди. Тўйлар, маъракалар муаллимсиз ўтмайдиган бўлди.

Қаерга бормасин доим озода кийиниб юради. Домла Ҳамроев айтганидай «боди» – бруклар утукланган, бўйнида бўйинбоғи, соқол қиртишлаган...

* * *

... Ташқарида сим-сим ёмғир ёғади. Томчиларнинг шитирлаши, тарновнинг шовуллаши эшитилмайди. Аммо ёмғир ёғяпти. Эзиб-эзиб куз ёмғири ёғяпти. Хона ичи ёруғ, лекин зах. Болалар жим. Муаллимнинг ҳикоясини тинглайди. Тошпўлатнинг оёғи янаям қаттиқроқ оғрияпти.

Ўша сувга тушган куни ҳашарчиларга овқат қилинадиган каттакон темир ўчоқ ёнида ғўзапоя алангасида пайтавасини куритди. Аммо кечаси билан томоғи оғриб чиқди. Кейин оёғи қақшаб оғрий бошлади.

– Ердан Куёшгача бўлган масофа юз эллик миллион километр, – дейди муаллим. – Офтоб нури эса шу масофани саккиз ярим минутда босиб ўтади.

– Маълим, осмонда нечта юлдуз бор ўзи?

Тошпўлат Маматнинг дўриллаган овозини эшитиб, ижирғаниб бошини кўтаради. Мамат тўшагига ёнбошлаганча юзидаги хусунбузарни тирноғи билан ҳадеб ситяпти. Оғрийди шекилли, бир кўзини қисиб, пешонасини тириштириб кўяди.

Тошпўлат муаллимнинг «ўчир овозингни» дейишини хоҳлайди. Лекин муаллим осойишта алпозда Маматга қараб кўяди.

– Бизнинг галактикамизда бир юз йигирма миллиард юлдуз бор, – дейди хиёл бўғиқ оҳангда. – Бобомиз Улуғбек бир минг ўн тўққизта юлдузнинг ҳаракат харитасини чизган. Бу ўн бешинчи аср учун жуда катта иш эди. Аммо муҳими бу эмас. Муҳими шуки – Улуғбек планеталар ҳаракатини ўрганган. Юлдузлар планеталарга қараганда жуда узоқда бўлади. Ерга энг яқин юлдуз ҳам Куёшгача бўлган масофадан олтмиш олти минг марта узоқ.

Болалар яна ҳайратланиб, хитоб қилишади.

– Эҳ-хе!

– Вой-бў!

– Юлдузлар орасида ўзининг равшанлигини ўзгартириб турадиганлари ҳам бор, – дейди муаллим. – Минг йил илгари араблар бунақа юлдузларга «шайтон кўзи» деб ном кўйишган.

Мамат ҳиринглаб кулади.

– «Шайтон кўзи?» Қизик-ку!

Тошпўлат домла Ҳамроев билан дадасининг яна бир суҳбатини эслайди. Тошпўлатнинг дадаси бир умр сувчилик қилгани учунми, совуқ тушиши билан бели оғриydi. Қиш кунларидан бирида дадаси белига кепак киздириб босиб ётганида ҳамсоjлари кирди.

«Яхшими, саломатми?» деб омонлашгандан кейин Тошпўлатнинг дадасидан «суюнчи» оладигандек «янгилик»ни айтди.

– «Боди» бежиз келмаган экан, жўра! Эшитдик, гулдек хотини билан уч яшар болани сағир қилиб, ташлаб келган экан.

Тошпўлатнинг дадаси ётган жойида инқиллаб, белини чангаллади.

– Сурилиб кетибди, ўғлим, – деди Тошпўлатга, – тўғрилаб кўй.

Тошпўлат дадасининг биқинига сурилиб кетган кепакли «белбоғни» қайта боғлади.

– Энди, домулло, ҳар кимнинг бошида бир ташвиш бор, – деди Тошпўлатнинг дадаси. – Муросаси келишмагандирки, шундоқ қилгандир. Бировдан ўтганини биров билмайди. Шунча жойдан келиб, болаларимизга сабоқ бераётгани учун раҳмат демайсизми? Бировга оғирлиги тушмаса, каталакдек хужрада мусофирдек тирикчилик қилаётган бўлса!

– Иби, сизам қизиқ! – домла Ҳамроев қўл силтади. – Нимаси педагог муни. Хотинбоз! – У қизиқ воқеани эслади шекилли, ингичка овозда кулди. – Аммо лекин Аҳмад сельпо боплабди бодини. Биласиз, сельпони ўғли бор – Мамаг. Ўзи шўхроқ бола. Боди бориб отасига айтибди. «Болангизни мазаси йўқ, «икки»дан боши чиқмаёпти», дебди. Шунда сельпо нима дебди денг? – Домла Ҳамроев янаям ингичкароқ овозда кулди: – «Майли, ҳозирча ўкиб

тураверсин-чи, жуда бўлмаса сизга ўхшаган маълим-паълим бўлар», дебди.

Тошпўлатнинг дадаси қовоғини солди.

– Ўзингизам маълимсиз-ку, домулло! – деди зардали оҳангда.

– Мен бодимас! Ҳаммага бир хил талаб қўймайман. Ҳамма олим бўлаверса, подани ким боқади!

Тошпўлатнинг дадаси ихраб, яна белини ушлади.

– Аҳмад сельпонинг ўғли пода боқмайди, – деди оғриқдан афтини бужмайтириб. – Бўлса ўзига ўхшаган чайқовчи бўлар...

– Иби, нима деёпсиз ҳали! – домла Ҳамроев овозини баландлатди. – Сельпо ўғлини энг катта институтга киргизмоқчи. Киргизадиям-да!

... Ўша суҳбатдан кейин Тошпўлат Маматни янаям ёмон кўриб қолган. Нимага энди институтга аълочи Абдулла эмас, Мамат кириши керак? Абдулла дўхтир бўлмоқчи эди. Муаллимнинг астрономия дарсини эшитганидан кейин уям Тошпўлатга ўхшаб, космонавтликни орзу қиладиган бўлиб қолди.

Дадаси тўғри айтади: шу кетиши бўлса Мамат отасидан ўтса ўтадики, қолишмайди. Ўтган йили баҳорда Мамат мактабга жинси шим кийиб келди. Чарм марка ёпиштирилган, ғиж-ғиж ялтироқ занжирли ҳақиқий жинси шим. Домла Ҳамроев уни койиди.

– Сен мунай шайтон тери брукларни кийма, – деди насиҳат қилиб. – Кийсанг ана шерс кий, хай ана кримплин кий... Нима қиласан мунай брукни!

Танаффусда болалар Маматнинг атрофини ўраб олишди.

– Н-неча сўм? – деди Абдулла ҳавас билан.

– Сени пулинг етмайди. Мана, фирменный! – Мамат отнинг боши тасвирланган чарм маркага шапатилади. – Дадам Тошкентдаги бозордан олибдилар.

Тошпўлат Маматнинг шимини сеҳрлагандек томоша қилар, хаёлида нукул битта гап айланар эди. Ўзи ҳам шунақа жинси шим кийиб, велосипедда Солиянинг олдига борса... Шундай деб ўйларди-ю, бу гаплар хомхаёл эканига ўзининг ақли етиб турар эди. Аввало, дадаси Тошпўлатга шим олиб бераман деб атайлаб Тошкентга бормайди. Борганда ҳам шунча пулга шим олмайди.

Орадан икки ҳафталар ўтгач «фирменный» шим жуда ҳам унчалик янгилик бўлмай қолди, ўнинчи синфда ўқийдиган бир эмас, уч бола ҳудди Маматникидақа шим киядиган бўлишди.

Кўп ўтмай Тошпўлатнинг синфдоши – доим орқа партада ўтирадиган дароз Баҳодир ҳам шунақасидан кийиб келди. Баҳодир – колхоз бухгалтерининг ўғли, яхши бола. Бундан чиқди, унинг отаси ҳам Тошкентга борган. Тошпўлат ҳарчанд сўрамай деса ҳам чидаб туролмади.

– Қанчага олдинг? Даданг Тошкентдан олиб келди-ларми? – деди Тошпўлат шимнинг маркасини беихтиёр силаб.

– Нега? – Баҳодир елкасини қисди. – Маматдан олдим. Икки юз эллик сўм. Сенга лойиғи ҳам бор.

* * *

... Ташқарида ҳамон ёмғир ёғади. Ичкарида болалар, қизлар ўтиришибди. Ҳаммаси жимжит. Ҳамма муаллимнинг гапларини тинглайди. Тошпўлат ўз хаёли билан бўлиб, гап пахтага келиб тақалганини сезмай қолади. У оғриётган оёғини икки қўллаб қисиб-қисиб укалайди. Оғриқ босилгандай бўлади-ю, яна сирқиллайверади. Муаллимнинг гапи унинг қулоғига олисдан эшитилаётгандай бўлади.

– Пахтадан нималар олинишини биласизлар-а?

– Биламиз, маълим.

Бир зумда Тошпўлатнинг хаёллари тўзиб кетади. Солиянинг овозини эшитиб, ярқ этиб қарайди. Солия ҳам муаллимга гапиряпти-ю, кўзи Тошпўлатда. Икковлари баравар кўзини олиб қочишади.

– Биламиз, – дейди Солия муаллимга қараб. – Пахтадан ип олинади, газлама, ёғ...

– Кунжара, – дейди Мамат дўриллаб.

«Ўзинг кунжара! – дейди Тошпўлат хаёлан ижирганиб. – Солиянинг олдида билағонлигини кўрсатмоқчи!»

Муаллим негадир хўрсинади.

– Одам нима учун меҳнат қилаётганини билиши керак, – дейди паст, бўғиқ овозда. Курткасининг чўнтагини узоқ титкилаб, сигарет чиқаради. Чекиб, гугурт чўпини қуюлтирилган сутнинг бўшаган банкасига ташлайди. Ҳа, айтгандай, қайси куни Мамат этакни тагига ёзиб, «Прима» тутатиб ўтирганида муаллим келиб қолди. Мамат шоша-пиша сигаретни ариқ ичига ташлаб, этигининг пошнаси билан эзғилади. Муаллим уришмади, сўкмади. Фақат бир оғиз гап айтди. «Нима фойдаси бор», деди. Мамат илжайди. «Ўзингизам чекасиз-ку, маълим», деди. Муаллим қараб турди-турди-да, яна бир оғиз гап айтди. «Мен қилган хатони сен такрорлашинг шартми?» Шундай деди-ю, кетаверди. Ҳозир Тошпўлат шуни эслади.

– Сиз болалар, бу ерда бекорга пахта териб юрибмиз деб ўйлайсизларми? – Муаллимнинг овози янаям босиқроқ чиқади. – Пахта дегани ип-газлама-ю, ёғдан иборат деган гапмас. Тўғри, пахтадан юз хиллаб газлама олинади. Бир кило пахта толасидан йигирма метргача чит олинади.

– Эҳ-хе!

– Йигирма метр!

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – дейди муаллим ҳамон ўша оҳангда. – Пахта толасидан олинган корд бўлмаса,

машина бир қадам ҳам юролмайдди. Ғилдиракка худди шу модда керак. Ҳозир чарм ўрнида ишлаётган кирза ҳам пахта толасидан олинади. Пахта момифида тўқсон фоиз целлюлоза бор, ёғочдагидан икки ҳисса кўп. Чигит мойидан олинган нитроглицерин оғир касалликларни даволайди. Ғўзапоядан шифер, мебель ишланади. – Муаллим жимиб қолади. Сигаретни чуқур-чуқур тортади. Оғзидан тутун чиқариб, кафти билан хайдайди. – Ҳатто космонавтика учун ҳам пахтадан олинadиган махсулот керак... – дейди бир нуқтага тикилиб. – эслаб қолинглар: пахта толасидан эллик хил, ғўзапоядан, чигитдан ундан ҳам кўп махсулот олинади. Бир кило пахта ўттиз кило дон билан баравар баҳоланади. – У яна жимиб қоладида, секин қўшиб қўяди. – Сизлар катта иш қиляпсизлар, болалар.

Тошпўлат кўз қири билан Солияга қарайди. Солия елкаси оша сочини ўраётган алпозда туриб қолган. Худди суратга тушаётгандек. Мамат қаддини ростлаб олибди, оғзини ярим очиб, анграйиб қулоқ солади.

– Бизнинг юртимизда икки минг йил илгари ҳам пахта экилган, – дейди муаллим. – Археологлар бир қабрни очиб, пахта толасидан тўқилган арқон топишган. Лабораторияда текшириб кўришса икки минг йиллик арқон экан. – Муаллим сигаретни сут банкасининг қопқоғига эзгилаб ўчиради. – Европаликлар пахтани Колумб Америкага борганидан кейин билишган. Унгача пахта деганда шохида мева ўрнига қўй ўсадиган дарахтни тушунишган.

... Еттинчи синфда ўқишаётганда география дарсини домла Ҳамроев ўтганди. У ҳам Колумбнинг Америкага сафарини гапирган эди. Аммо дарсда болалар мудраб ўтиришганди.

Домла Ҳамроев дарсга ғалати кийимда кирарди. Эгнида олача тўн, бошида шляпа, оёғида этик. Бўйнида

резинка боғичли галстук. Аммо кўйлагининг тугмаси тақилмаган. Сарғиш ёқаси кўриниб туради. Зихлари тердан оқариб кетган шляпани стол четига кўяди-да, каттакон, гулдор рўмолча билан бошини обдан артади. Кейин болаларга юзланади.

– Хўш, кимдан бошлаймиз?

Билган болалар доскага чиқиб жавоб беради, билмаганлари писиб ўтираверади.

Кейин домла Ҳамроев негадир бақириб, дарс ўта бошлайди.

– Амазонка дарёси...

Бир куни Абдулла домла Ҳамроевга қизиқ савол берди.

– Ер ш-шарида с-сув кўпми, е-ерми?

– Иби! – домла Ҳамроев бир чўчиб тушди. – Шуниям билмайсанми? Уч йилдан бери кулогинга танбур черт-япманми, хўкиз? Ер шарининг учдан бири куруклик, қолгани сув. – Домла «буни каранглар» дегандек болаларга қаради. – Тағин аълочи эмиш, ўтир жойингга!

Абдулла кип-қизариб жойига ўтирди. Ўтирди-ю, баттар дудукланиб гапирди.

– О-океаннинг т-тагиям ер-ер-ку! Д-демак, е-ер к-кўп.

– Иби, сен биласанми, китоб ёзган олимлар биладими? – Домла Ҳамроев терлаб кетган бошини рўмолчаси билан ишқаб-ишқаб артди.

– М-менам к-китобдан ў-ўқиганман.

Домла Ҳамроев бир зум талмовсираб қолди.

– Маҳмадана! – деди жеркиб. – Олимлар ҳам одам. Ёзаверади-да, бошига келган гапни. Мунай нарсаларни сен титкилаб юрасан. Ана, Маматни қара, жим ўтирибди. – У Маматга ўгирилиб, бошини янаям ишқаброк артди. – Дадангдан сўраб кўр, холагидан келдимикин. Давлена сабил яна кўтарилопти.

Мамат негадир илжайиб, «хўп» деб кўйди...

Тошпўлат тушунди. Домла Ҳамроевнинг қон босими баланд. Тўқсон беш чойни «ҳолаги» дейди. Маматнинг дадаси домлага топиб бериб туради.

Домла Ҳамроев «боди» муаллимнинг нимага бунчалик ёмон кўришини Тошпўлат анчадан кейин тушунди. Домла дадасига ҳасрат қилганида эшитиб қолди. «Боди» муаллимга унинг ярим ставка дарсини олиб беришган экан. Бу суҳбат киш охирлаб қолган кезлари бўлган эди. Тошпўлат дадаси билан томдан ғўзапоя тушириб, энди овқатга ўтиришган эди. Домла Ҳамроев кириб қолди. Шунча қисташса ҳам овқатдан бир-икки чўқиган бўлди-ю, емади.

– Сиз, жўра, баҳузур, – деди кўлини кўксига кўйиб. – Ҳозир овқат еб эдим. Мана бу гапни эшитинг. Бодини районда бошлабдилар. Аввал ҳам бир зақун сўқиган эканлар. Ўқувчилар бир йилда тўрт ойдан ортиқ ўқимаёпти, бутун умри далада ўтиб кетопти, дебдилар. Институтга имтиҳон топширгани борган болаларнинг саводсизлиги шундоқ кўриниб қололганмиш. Районга масала кўтариб чиқибдилар. Ҳай, у деб-бу деб жўнатишибди. Энди, иккинчи чоракда бир эмас, тўрт бачага «икки» чиқарибдилар. Директор яхшилик билан тушунтирибди. «Биздаям пилон бор, ўзлаштириш пилонини юз поиз қилмасак, катталардан гап тегаети», деса осмонга сапчибдилар. «Ақлни пилони бўлмайди, саводсиз болага уч кўёлмайман», дебдилар. Районга чақириб олиб, таранг тузлашибди. «Шаҳарнинг аптобусига ўзингиз чипта оласизми ё паттангизни оберайликми», дейишибди. – Домла Ҳамроев ҳузур қилиб кулди. – Шаҳарга кетаети-ю, акун қайтиш йўлини тополмайди. – Ҳамсоёси гапини маъқуллашини кутиб, қараб-қараб кўйди. Тошпўлатнинг дадаси индамаганидан оғринди.

– Э, сиз нимани тушунасиз, жўра! – деди ҳафсаласи пир бўлиб. – Сиз бир чаласавод одам-да!

Тошпўлат дадасининг ҳақоратланганидан гижиниб кетди. Қизик, дадаси парво қилмади. Индамай шавлани еяверди.

– Шу боди билан ишламайман! – деди домла Ҳамроев ингичка товушда. – Мактабдан бўшайдиган бўлдим. Каттаконлар билан гаплашиб келдим.

Тошпўлатнинг дадаси ялт этиб унга қаради.

– Иби! Нега мунай қилдингиз? Ўзингизни қишлоқ, ўзингизни мактаб. Ташлаб қайга борасиз?

Домла Ҳамроев қўл силтади:

– Дехқончилик қиламан. Эртадан кечгача бачаларга дарс ўргатиб жигар хуноб. Оладиган пул холагидай... Дехқончилик қиламан. Бари бир умрни ярмиси далада ўтопти.

... Чиндан ҳам шундай бўлди. Март ойидан бошлаб домла Ҳамроев дарсга кирмай қўйди. Катталар билан гаплашиб, колхоздан бригада олибди.

Мактабдаги ўқитувчилар домла Ҳамроевни эслашган бўлса, бордир, аммо болалар кўп ҳам куюнишмади. Бир ойдан кейин эрталаб домла Ҳамроев Тошпўлатларникига кирди. Ширчой ичиб ўтирган Тошпўлатга газета узатди.

– Даданг ишдан келса ўқиб бер. Албатта ўқиб бер, уқдингми?

Шундай деди-ю, шошилиб чиқиб кетди. Тошпўлат варақлаб қараса туман газетаси. Иккинчи бетиде «Ташаббускор педагог» деган мақола чиқибди. Тажрибали педагог Ҳамроев қалб даъватига амал қилиб ўқитувчиликни ташлагани, бригадага бошчилик қилаётгани, юқори ҳосил усталари сафидан ўрин олишга азму қарор қилгани мақталибди. Тумандаги бошқа педагоглари ундан ўрناق олишга чақиришибди.

Кечқурун Тошпўлат мақолани дадасига ўқиб берди. Дадаси қўл силтади.

– Бригадир бўлмоқчи экан, нимага беш йил ўқитувчиликка ўқиб давлатни аҳмоқ қилди. Агрономликка ўқисин эди! – Мақоланинг охири нашъа қилган экан шекилли, тажанглик билан шанғиллади (Тошпўлат дадасининг шанғиллаб гапирганини камдан-кам кўрганди). – Хўп гапларни топади-да мухбирларам! Нима, маълимлик бригадирликдан паст бўптими! Шу сиёғи бўлса бригадирликниям ташлаб қочади бу!

* * *

... Тошпўлат сирқираб оғриётган тиззасини уқалаб ўтириб, муаллимнинг сўзларига қулоқ соларкан, дадасининг ўша гапларини эслайди. Ташқарида сим-сим ёмғир ёғади. Деразалар буғланиб қолган, ташқарига кўринмайди. Фақат симёғоч учидаги лампочкагина олмадек қизариб турибди. Ичкарида болалар, қизлар муаллимга қулоқ солиб ўтиришибди.

– Одам ёлғиз ўзи учун яшамайди, – дейди муаллим бир нуктага тикилиб. Негадир кўзларида ҳорғин ифода пайдо бўлади. – Ёлғиз ўзи учун яшамайди, – деб қайтаради у тагин. – Бугун сиз тераётган пахта эртага ер шарининг бурчак-бурчакларига тарқалади. Чехословакия, Финляндия, Япония... Эҳ-ҳе! – Муаллим болаларгамас ўзига-ўзи сўзлаётгандек хаёлчан гапиради. – Агар шу пахта етиб бормаса, қанчадан-қанча фабрикалар ёпилади. Қанчадан-қанча одамлар ишсиз қолади.

Муаллим бир зум жимиб қолади.

– Энди ётинлар, – дейди болаларга юзланиб. – Ёмғир тинса далага чиқамиз...

Болаларнинг уйқуси келмайди. Кун бўйи ётишган.

Тошпўлатнинг тагидаги ўриндикда ўтирган Абдулла бўйинини чўзиб, муаллимга қарайди.

– М-маълим, кваз-зарлар тез-тез п-пайдо б-бўладими? – дейди.

Муаллим унга майин жилмайиб қарайди.

– Йигирма йил илгари олимлар бешта квазарни кузатишган. Квазар – ўта катта юлдуз дегани. Ҳажми куёшдан миллион марта катта бўлади. Олимлар квазарларни галактикаларнинг ядроси деб тахмин қилишяпти. Квазарлар пайдо бўлиши билан телескоплардан дарров кузатишади...

Тошпўлат жойига ёнбошлаганча, секин-секин уйкуга кетади. Қулоғига муаллимнинг гаплари элас-элас чалинади. Балки квазарлар биз билмаган коинотнинг куёшидир... Балки ўша галактикаларда ҳаёт бордир... Тошпўлат туш кўради. Тушида саратон куёшида қизиб ётган тупроқ кўчадан чопиб бораётган эмиш. Чопиб борармиш-у, оёғи сирқираб оғрирмиш. Офтоб шунақанги қиздирармишки, нафас олишга қийналармиш. Бирдан Солия пайдо бўпти. Қўлида китоб бормиш. Атлас кўйлак кийиб олганмиш. Тошпўлат унинг олдига югуриб бормоқчи экан, аразлагани эсига тушиб қопти. Солия бўлса қўлидаги китобни улоқтириб юборибди. Тошпўлат қараса, бу – Солия эмас, Мамат эмиш. Мамат атлас кўйлак кийиб олганмиш. Тошпўлат оёғи чалишиб, йиқилиб тушибди. Мамат унинг тепасига келиб, нукул «тур-тур» дермиш.

Тошпўлат инграб кўзини очди. Қараса ёнида Абдулла турибди.

– Тур, – деди елкасига туртиб. – Ҳ-ҳамма т-туриб кетди.

Тошпўлат терлаган пешонасига кафтини босиб кўрди, қўли чўғга теккандай бўлди. Ютинган эди, томоғи ачишиб оғриди. Энди иккала оёғи ҳам зирқираб оғрир, боши оғирлашиб кетганга ўхшарди. У амаллаб «иккинчи қаватдан» тушди.

– К-касалмисан? – Абдулла унга ачиниб қаради. – Б-бўлмаса ётавер.

Тошпўлат индамай бош чайқади. Оёғи оғриётганини сездирмаслик учун хиёл оқсоқланиб ўртоғига эргашиди. Икковлари ташқарига чиқишди. Ёмғир тинибди. Аммо ҳаво рутубатли, зах осмонда хўмрайган кулранг булутлар муаллақ туриб қолган. Ҳовлидаги симёғоч учида ҳамон қалпоқли лампочка ёниқ турибди. Эллик қадамча наридаги томи шифер билан ёпилган атрофи очиқ бостирмада бошига кўрпабоп матодан рўмол ўраган кампир куймаланиб юрибди. Бир бурчакда алюмин бак-самовар. Бир бурчакда чўян ўчоқ. Кампир бак-самовар тагига ғўзапоя тикади, бакнинг дудбуронидан ловуллаб аланга кўтарилади. Қулоғи, думи кесилган каттакон ит кампир атрофида ўралашади. Кампир ғўзапоя ўқталиб, уни ҳайдайди. Ит лапанглаб нарироққа боради-да, тагин қайтиб келади.

Янаям нарироқда атрофи бўз мато билан пана қилинган ҳожатхона. Болалар навбат кутиб туришибди. Тошпўлат канал томондан ювиниб келаётган қизлар орасида Солияни кўрди. У елкасига сочиқ ташлаб олган, эгнида эски, қалин жун кофта. Ундан орқароқда сочиғини белига боғлаб олган Мамат келяпти... Тошпўлат оқсоқланмасликка ҳаракат қилиб, барак орқасига ўтиб кетди.

Узун столнинг бир томонига болалар, бир томонига қизлар ўтириб, нонушта қилишди. Тошпўлат ширин сутли чойни ҳар ютганда томоғи ачишади. Бутун вужудидан олов чиқиб кетаётгандай, аъзойи бадани кизиби бораётганини ўзи ҳам сезиб турарди.

Чойдан кейин болалар ўрнидан туришди, ҳар ким ўз этагини қўлига олди. Эшик олдига борганида муаллим Тошпўлатни тўхтатди.

– Бугун сен навбатчи бўласан, – деди секин.

Одатда қизлар галма-галдан баракда қолиб, навбатчилик қилишади. Навбатчи хонани супуриб-сидиради,

овқат учун ошпаз кампирга картошка арчиб, пиёз тўғраб беради.

– Керакмас, – деди Тошпўлат. Овози хириллаб чикди.

Муаллим кафтининг орқасини унинг пешонасига босиб кўрди.

– Иситманг баланд-ку, – деди кўзига тикилиб. – Майли, дам олавер. Солия навбатчилик қилади.

– Керакмас! – Тошпўлат тажанглик билан қўл силтади. – Керакмас!.

Солия эшикдан чиққан экан. Муаллимнинг гапини эшитди шекилли, остонага қайтиб кетди.

– Бугун Шарифа навбатчи-ку, маълим, – деди гоҳ муаллимга, гоҳ Тошпўлатга қараб. Тошпўлат дарров кўзини олиб қочди. У Солиянинг ҳамон ўзига қараб турганини ҳис этиб, баттар асабийлашар, бировнинг, айникса, Солиянинг раҳми келишини хоҳламасди. Иложи борича дадил кадам ташлаб ташқарига чикди.

Ер шу қадар сувга тўйиб кетганки, яна бир томчи ёмғир ёгса туфлаб ташлайдигандек. Пахтазор ботқоққа айланган. Ҳар кадамда оёққа бир ботмон лой илашиб чиқади. Икки кунлик ёмғир эгатларга тўкилган пахтани ерга чакичлаб ташлаган. Қўлга муздай урилади. Тошпўлатнинг қўлига сузак кириб кетса ҳам бадани терлайди, нукул терлайди. Икки оёғи сирқираб оғрийди. Ҳўл пахтага тўлаётган этак тиззасига урилиб баттар қийнайди. Тушга яқин офтоб кўринди. Булутлар орасидан чиқиб, нимтатир илиқ нур сочди. Намикқан ғўзалардан спиртга ўхшаш аччиқ хид таралди. Жигарранг пахтазор устида енгил ҳовур кўтарила бошлади. Бир маҳал Солия яримлаган этагини кўтариб, тележка томон кетаётганини кўрди-ю, ўз этагининг боғичини бўйнидан ечди. Орқалаб йўл четига чиққунча жикка терга ботиб кетди. Икки марта сирғалиб йиқилиб кетишига оз қолди. Унинг боши ғувиллаб борар, Солия орқасига

қараб-қараб кетаётганини кўргани учун текисроқ қадам ташлашга уринар эди.

Ниҳоят катта йўлга чикди. Этигининг лойини қоқиб, тозалаган бўлди. Солиянинг терган пахтасини тарозига қўйганини кўрди. Шляпали табелчи унга илжайиб, алланима деди. Солия ковоғини солди. Тошпўлат қадамини тезлатди. Ҳамон боши ғувиллаб борар, икки кўзи Солиядан эди. Солия этакни тарозидан олиб, тележка тепасида турган телпакли одамга узатаётганини кўрди. Бўйи етмади. Телпакли киши эса эгила қолмайди. Табелчи илжайиб яқин борди. Қарашган бўлиб қўлини Солиянинг қўлтиғи тагидан чўзди. Бўртиб турган кўксига бегона қўл текканидан кўрқиб кетган Солия сесканиб, ўзини четга олди. Кўзларини катта-катта очганча хайрон бўлиб табелчига қаради. Пахта тўла этак ерга тушди. Тошпўлатнинг юраги отилиб кетгандай бўлди. Елкасидаги этакни улоқтирди-ю, учиб бориб табелчининг ёқасига ёпишди.

– Нега? – деди табелчини кучи борича силтаб. – Нега? Нега?!

Табелчининг шляпаси учиб кетди. Тақир боши силкиниб, кўзини бақрайтирганича Тошпўлатнинг қўлига ёпишди.

– Юбор! – деди Тошпўлатнинг қўлидан пахталигининг ёқасини бўшатишга уриниб. Бироқ Тошпўлат унга мушукдек ёпишиб олган, қўйиб юбормасди.

– Нега! Нега! – дерди бакириб.

Табелчи унинг вазохатидан кўрқиб кетди.

– Юбор-е! – деди титраб. Бор кучи билан юлқиниб, орқага ташланди. Тошпўлатнинг қўлини омбирдек чайир қўллари билан қайириб ёқасини бўшатди-да, силтаб улоқтириб юборди. Тошпўлат лойга ёнбоши билан йиқилди. Негадир кўкрагининг чап томонида оловдек ловуллаган оғриқ сизди. Шу пайтгача ҳеч қачон юраги санчмаган эди.

– Нега! Нега! – деб ҳайқирди лой ерни муштлаб. –
Нега! Мараз!!!

Бутун вужуди титрар, ҳамон кўкрагининг чап то-
мони ловуллаб ачишар эди. Бир маҳал кимдир унинг
қўлтиғидан олиб кўтарди. Қараса, бошида муаллим ту-
рибди. Орқа томонда табелчининг овози келди.

– Иби, девонами бу!!!

Муаллим Тошпўлатнинг елкасига қўлини қўйди.

– Тура қол. Касалсан-ку, қара ёниб кетяпсан.

Тошпўлат ҳеч кимга қарамай, канал томон кета бош-
лади. Ҳеч кимни кўришни ҳам, ҳеч кимга кўринишни ҳам
истамасди.

Анчадан кейин орқа томондан шип-шип қадам тову-
ши эшитилди. Тошпўлат бурилиб қаради: муаллим боши-
ни қўйи солганча, секин-секин келяпти.

– Кетинг! – деди Тошпўлат алам билан қўл силтаб. –
Кетинг!

Муаллим яқинроқ келиб тўхтади.

– Ҳозир ювинамиз, – деди осойишта оҳангда. – Бо-
риб дам оламиз. Машина чақираман... – У Тошпўлатнинг
кўзига термулди. – Ревматизминг борми?

Тошпўлат индамай бурилиб кетди.

Ётоққа қайтишганда муаллим унга дори ичирди. Порт-
фелини титкилаб, битта лимон топди. Парраклаб кесиб,
чойга солди. Униям ичирди. Ўрнига ётқизиб, ўраб қўйди.
Анчагача ёнида ўтирди. Тошпўлат баданида хузурбахш
илиқлик сезиб, ухлаб қолди. Туш кўрди. Осмонда, шундок
боши устида каттакон юлдуз ёниб турганмиш. «Ква-
зар!» дермиш у қичқириб, «кваза-а-а-р!» дермиш яна
қичқириб. Учаверибди, учаверибди... Пастга қараса Ер
худди глобусга ўхшаб кўринармиш. Океанлар, Африка...
У бир қарашдаёқ Японияни топибди. Худди харитадаги-
дек. Битта узунчоқ, учта кичкина орол. У чўнтагига қўл
тикса, бир чаноқ пахта чиқибди. Пахтани қўйиб юборган

экан, худди оппоқ капалакдек пирпираб-пирпираб Ер томонга учиб кетибди. Орол устида турган қисик кўзли япон бола чанокни илиб олибди-да, унга қараб қўл силтабди. Алланима деб қичқирармиш-у, Тошпўлат унинг овозини эшитмасмиш. Бола эса қўлларини силкитиб, қувонч билан нуқул ирғишлармиш. «Кваза-ар!» – дермиш Тошпўлат шодликдан нафаси қайтиб. – Мен келдим, «кваза-ар» Борган сайин юлдузга яқинлашармиш. Ёнида Солия ҳам учиб келаётганмиш. Атлас қўйлак кийиб олганмиш...

* * *

У қанча ухлаганини билмади. Бир маҳал ғўнғир-ғўнғир товушдан уйғониб кетди. Анчагача қаердалигини билолмай гарангсиб ётди. Ниҳоят ўзининг жойида – «иккинчи» қаватда ётганини идрок этди. Оёғининг оғриғи хийла босилган, фақат боши лўқиллаб оғриб турар, терлаб кетган эди. Барак ичи ним қоронғи, деразалар хира оқариб кўринар, оқшом тушиб қолган эди. «Чирокни ёқишмабди, – деб ўйлади негадир ҳозир кўрган тушини эслаб. – Ёқишса яхши бўларди».

Боя қулоғига чалинган ғўнғир-ғўнғир товуш яна эшитилди.

– Ҳаммаси қонуний ҳал бўлган эди-ку!

Бу – муаллимнинг овози эди. Тошпўлатнинг кўнгли негадир хижил бўлди. Нимага шунақа бўлаётганини кейин англади: муаллимнинг товуши қандайдир асабий, ҳатто аламли чиқди. Илгари ҳеч қачон бунақа оҳангда гапирган эмасди.

– Ахир ҳаммаси қонуний ҳал бўлган-ку, нимага яна бунақа қилишади? – деди у багтарроқ асабий овозда.

– Мен қаердан билай? Райондан келтириб беришди.

Тошпўлат бу овозни таниди. Мактаб директори! Қаддини ростлашга уриниб, қўлига таянганча, бошини кўтарди. Терлаб кетган баданига нам, совуқ шамол тегди.

– Ёзиб кўйибди-ку, повесткага: «Шаҳар судига 14 ноябрда етиб келиши мажбур» деб.

Тошпўлатнинг юраги ёмон нарсани сезиб, сирқираб кетди. Мўралаб қаради. Стол олдидаги ҳарракда муаллим билан директор нариёққа қараб ўтиришар, муаллимнинг жингалак сочли боши, директорнинг йирик гавдаси, айвони кенг шляпаси ғира-шира кўриниб турарди.

– Бормайман! – муаллим алам билан ёғоч столни муштлиди. Директорга юзланди. – Тушунсангиз-чи, Маҳмуд Турсунович! Мен ҳам одамман! Ёмон кўрган, жирқанган кишим билан туropolмайман-ку!

– Ҳай, мен нима қилай ахир! – директор ҳам овозини баландлатди. – Повесткани мен ёзган эмас-ку!

– Бормайман! – муаллим қатъият билан бош чайқади. – Менга деса отиб ташласин! Хиёнат қилган хотин билан яшамайман!

– Ҳай, нега отади! – Директор унинг елкасига қўлини қўйди. – Биласиз, зақун хотин тарафни олади. Бир боринг. Ҳеч ким сизни боғлаб қўймайди-ку! Суд билан ҳазиллашиб бўладими? Тағин «вторично» деб ёзиб қўйибди.

Муаллим узоқ жимиб қолди. Тошпўлат ғира-шира қоронғиликда унинг жингалак сочли бошини чангаллаб, столга мук тушганини кўрди.

– Болалар-чи? – деди бошини кўтармай. Овози хириллаб чиқди. – Болалар нима бўлади?

– Болалар нима? – директор юпатувчан оҳангда секин гапирди. – Ҳар доим териб юрган пахтаси. Эртага ўрнингизга математика ўқитувчисини юборамиз. Қайтиб келгунингизча пахтаям...

– Печка сўрагандим, – деди муаллим бошини кўтармай. – Совхоз директори тўртта печка бермоқчи эди. Тезроқ олинглар. Болалар совқотиб қоляпти.

– Ўзимиз тўғрилаймиз, сиз бораверинг ахир...

Тошпўлат муаллимнинг оғир тебраниб ўрнидан турганини, йиғма каравот бошидаги михга илиғлиқ плашини олиб билагига ташлаганини кўрди. Плаш тагида осиглиқ турган рубобнинг торлари инграб юборгандай бўлди.

– Маълим, – деди Тошпўлат овози титраб.

Муаллим ярқ этиб шу томонга қаради. Директор ҳам бошини бурди. Муаллим тез-тез юриб, Тошпўлатнинг олдига келди.

– Иситманг тушдими? – деди пешонасига кафтини босиб. – Маладес! Эртага машина келади. Касалхонага олиб боришади. Гаплашдим. Ёт, ўралиб ёт.

У илдам бориб, йиғма каравот тагига тиқиб қўйилган дипломат портфелини суғуриб олди. Эшик ёнига етиб, чирокни ёқди. Ётоқ ичи ёришиб кетди.

– Маълим! – деди Тошпўлат йиғлаб юбормаслик учун лабини тишлаб. – Маълим...

Муаллим унга қўл силтаб жилмаймоқчи бўлган эди, эплормади, лаби аянчли бурилиб кетди. Тошпўлатнинг назарида муаллимнинг кўзида ёш айлангандек бўлди.

– Турма, – деди бўғиқ овозда.

– Турма, шамоллайсан!

Шундай деди-ю, директорга эргашиб, эшикдан чиқиб кетди.

– Маълим... – Тошпўлат бутун кучини тўплаб, ўрнидан турди. Ташқарида трактор тариллади.

– Маълим, кетманг! – Тошпўлатнинг бўғзидан титроқли йиғи отилиб чиқди. – Кетманг! Кетма-а-анг!

Иккинчи «қаватдан» сакраб тушди. Пайтавасини ўрамоқчи эди, титраётган қўллари яхши қовушмади. Сарпойчан оёғини муздек этикка тикди-ю, кўйлақчан эшикка отилди. Туман тушган, қоронғи қуюқлашиб борар, бостирма олдидан жилган трактор йўл томонга бурилар эди. Тошпўлат трактор прицебининг устига чиқиб олган

муаллимни кўрди-ю, остонада папирос тутатиб турган директорни туртиб ўтиб югурди.

– Кетманг! Кетманг, маълим! Кетма-а-анг! – Раста бўлган ҳирқироқ овозини баралла қўйиб, йиғлаб юборди.

Директордан ҳам, қозон бошида чўмич ушлаб турган ошпаз кампирдан ҳам уялмади, бу – болаликнинг сўнгги йиғиси эканини идрок ҳам этмади.

– Кетма-анг! – деди нафаси қайтиб! – Маълим!

Муаллим қўли билан трактор прицеппининг орқа бортини чангаллаганча қичқирди:

– Ичкари кир, шамоллайсан!

Трактор қаттиқ тариллаганча тезлаб юриб кетди. Тошпўлат кучи борича югурди. Юраги гурсиллаб урар, совуқ ҳаво нафасини бўғар, трактор ғилдирагидан сачраётган лой юз-кўзига урилаётганига парво қилмас, ҳансираб қолганди. Муаллим алланима деб қичқирар, аммо тракторнинг гуриллашидан гапини англаб бўлмасди.

Катта йўлга чиққанда трактор анча узоклашиб кетди. Тошпўлат ҳамон тўхтамас, ҳарсиллаб югуриб борар, сирғаниб-сирғаниб кетарди.

Яна бир неча қадам югуриб борди-ю, тийғаниб, юз-тубан йиқилди. Титраётган қўлларига таяниб, қаддини ростлади.

– Кетма-анг! – деди кўзидан тиркираб чиққан ёшни лой қўллари билан артиб. – Маъли-им!

Ғира-шира қоронғиликда пахтадан қайтаётган болалар кўринди. Улар кўчанинг икки четига чиқиб, тракторга йўл беришди. Кейин прицеп устида турган муаллимни кўриб қолишди шекилли, ҳаммалари трактор кетидан югура бошлашди.

Қоронғулик қўйнида: «Маълим! Маълим!» деган ни-долар туманли ҳавони титратди.

Тошпўлатнинг мадори қолмаган, лой босган йўлда чўккалаб қолган эди. Бошқа товушлар орасида Солиянинг ҳам овозини эшитди, аниқ эшитди.

– Маълим-и-им!

Энди трактор ҳам, прицеп ҳам кўринмас, фақат моторнинг гуриллаган товуши эшитилиб турар, муаллим булутлар орасига, туманлар орасига сингиб борар эди.

1982 йил

ҚАЛБИНГГА ҚУЛОҚ СОЛ

БИРИНЧИ ҚИСМ

Қиш келди. Кечагина беморнинг инграшидек хазин куз садоларига тўлган боғлар бугун жимиб қолди. Хазон шитирламайди яланғоч шохларга арғамчи осган мезонлар чайқалмайди...

Қиш келди, шаҳарда уни дарров пайқашмади ҳам. Тўғри, талабалар аллақачон пахтадан қайтиб, ёмғирдан ивиган боғлар яна ошиқ-маъшукларнинг шивир-шивирига тўлди. Автомат-телефон будкаларидан тагин атир иси келадиган бўлиб қолди. Кинотеатр кассаси олдида ёмғирдан қочиб, навбат кутаётганлар кўпайди. Аммо, ҳақиқий қиш биринчи қор ёққанида билинди.

Ёдгор шу куни тушдан кейин кутубхонага борганди. Ҳали имтиҳонлар узоқ бўлгани учунми, залда ўн-ўн беш кишидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Кутубхонада вазмин бир сукунат ҳукм сурар, чироқлар ёқиб қўйилган, ташқарида эса ёмғир шовилларди. Ёдгор буғланиб кетган дераза ёнига ўтирганча мутулаага берилди.

– Қор ёғаяпти, – деди аллаким ўйчан овозда.

Ёдгор бирдан эти увушгандек, деразага қаради.

Оқшом тушиб, ташқари қоронғилашиб қолган, гу-пиллатиб йирик-йирик қор ёғарди. Ёдгор ёмғирнинг шовуллаши аллақачон тинганини энди пайқайди. Ҳар сафар биринчи қор ёғаетганини кўрганида унинг қалбини аллақандай тушуниб бўлмас, этни жунжиқтирувчи ўйчан туйғу камраб олар, елкасидан оғир бир юк босиб тушаётгандек бўлаверарди. Шу топда залда ўтирган бошқа

одамлар ҳам негадир бир лаҳза сукутга кетишган, ҳамма ташқарига қараб ўтирарди.

Қор қоп-қорайиб ётган ҳўл асфальтга тушиб, тез эриб кетар, онда-сонда филдиракларини шариллатиб, машиналар ўтиб қолар, уларнинг ҳам овози одатдагидан бўғикрок чиқаётганга ўхшарди. Бора-бора кўча бетидаги уйнинг қия томи оппоқ бўлиб қолди. Кейин аста-секин кўчанинг ўзи ҳам оқара бошлади.

Ёдгор Италия архитектурасига оид гапларни яна ўқишга тушди. Анчагача миясига ҳеч нарса кирмай турди-ю, кейин ўша саҳифаларни жиддийлик билан қайта-қайта такрорлай бошлади.

– Кеч бўлиб кетди, йигитча, бир ўзингиз қолдингиз.

Ёдгор кутубхоначи хотиннинг таниш овозини эшитиб, бошини кўтарди. Зал тўридаги алвон ёпилган стол қаршисида ўтирган жиккаккина татар аёл китобларни бир чеккага тахлар, юпка гардишли кўзойнагини чирокда ялтиратиб, унга қараб-қараб кўярди.

Ёдгор ён-верига аланглаб, зал бўшаб қолганини кўрди-да, дарров ўрнидан турди.

– Кечирасиз... раҳмат, – деди китобларни топшириб.

Конспект дафтариини плашининг тагидан қўлтиғига кистириб, ташқарига чиқди.

Муздек қор нафаси юзига урилиб, бир лаҳза зинада тўхтаб қолди.

«Аксига шапка ҳам киймаган эканман», деб ўйлади у зиналардан тушиб бораркан.

Қорбобо ҳамон шаҳар устида супрасини қоқар, киш фариштаси момик қанотларини беозор силкитар, осмон негадир қизғиш тус олган эди. Ҳознинг тумшуғига ўхшатиб ишланган симёғочлардаги лампочкалар остидан нурли нукралар ёғилар, ғужғон ўйнаб, айқаш-уйқаш бўлиб кетарди. Кўча ўртасида машиналар изи тасмадек қорайиб қолибди, аммо йўлкаларга оёқ ботади. Одам

сийрак. Ҳамма ин-инига кириб кетган бўлса керак. «Қиш ўчоғи тор...» Рост гап.

Ёдгор бўйни музлаб кетганини пайкаб, плашининг ёқасини кўтариб олди-да, тез-тез юриб кетди. Симёғоч тагида турган йигит билан қизни кўриб, кулиб кўйди. «Шу ҳавода нима зарил». Улар ҳам қор ёғишини билишмаганми, юпқа плаш кийиб олишган эди. Қиз тилини чиқарганча сакраб-сакраб қор учқунларини илиб олмоқчи бўлар, аммо учқунлар унинг тилига қўнмас, қиз бошқа учқунни мўлжаллаб сакрар, йигит эса завқланиб кулар эди. Унинг кулгиси жимжит кўчада янграб эшитилар, бу кулгида алланечук бахтиёрлик бор эди.

Ёдгор ҳам беихтиёр кулиб юборди. Кейин уларга халал бермаслик учун тезлаб ўтиб кетди.

Навоий театрида томоша тугаган бўлса керак, чироқлар ўчиб қолибди. Фонтан атрофидаги майдон ҳам кимсасиз, скамейкаларни қор босган. Универмаг пештоғида лампочкалар занжири липиллаб айланади. «Янги йилингиз билан» деган ёзув гоҳ ёнади, гоҳ ўчади.

Ёдгор кимсасиз трамвай бекатига келиши билан ёнидан «Тез ёрдам» машинаси қизил чироғини липиллатганча фарёд солиб учиб ўтди. Қор тумани орасида унинг ноласи анчагача акс садо бериб турди. Кейин «Тошкент меҳмонхонаси» деган пуштиранг чироқ ёниб турган бинодан қаҳқаҳа товуши, жаз садоси янгради.

«Тошкент ғалати шаҳар, – деб ўйлади Ёдгор совкотган оёқлари билан ер тепиниб. – Қачон қарасанг, кўз ёши билан кулги ёнма-ён туради».

– Марказий универмаг тарафдан ғийқиллаганча трамвай чиқиб келди.

– Хадрага боради, Хадрага! – деди жун рўмолга ўраниб олган аёл олдинги эшикни очиб.

– Майли! – Ёдгор зинадан сакраб чиқди.

Вагон деярли бўш эди. Ўртадаги ўриндиқда жигар-ранг пальто кийган қиз билан қизил шарфини бўйнига ўраб олган бир йигит қисилишиб ўтирар, уларнинг тепа-сида курткали бошқа бир йигит сигарет тутатиб турарди.

«Яна ошиқ-маъшуклар», деб ўйлади Ёдгор хаёлан жилмайиб.

Кейин бир нима эсига тушгандай, беихтиёр яна ўша томонга қараб қолди. Қизнинг оппок, тиниқ юзи, йирик кўзлари шу қадар таниш эдики, бир лахза кўз узолмай турди. «Қизик, қаерда кўрган эканман? – деб ўйлади у гоҳ қизга, гоҳ шарфли йигитга қараб. – Кўрганман, аниқ кўрганман».

У ўзининг ноқулай аҳволда туриб қолганини, бировнинг «қизи»га суқланиб қараётгандай бўлаётганини анчадан кейин пайқади. Олдинги ўриндиққа ўтириб, деразадан ташқарига қаради. Вагон ғизиллаб борар, кўча чироклари хира доғдек тизилишиб ўтар, аммо ҳеч нима-ни кўриб бўлмасди: дераза хира тортиб қолибди.

Унинг хаёлига ўрнашиб олган савол ҳамон нари кетмасди. «Қаерда кўрувдим-а?!»

Бир бекатми, икки бекатми ўтганидан кейин бирдан миясига лоп этиб урилди: «Бўлди! Театр-рассомлик институтида ўқийдиган киз. Худди ўшанинг ўзи!»

Қузда, Темурийлар даври санъатига бағишлаб ўтказилган ЮНЕСКО симпозиуми арафасида телевидениеда талабалар мусобақаси ташкил қилинган эди. Рассомлар билан архитекторлар ўртасида ўтказилган мусобақада Ёдгор ҳам қатнашган, ўшанда бу қиз Беҳзод, унинг шоғирдлари тўғрисида шу қадар тўлқинланиб гапирган эдики, Ёдгор унинг отини билолмай қолган бўлса ҳам билимига тан берган, узоқ вақтгача қизнинг гапларини, чиройли чехрасини унутолмай юрган эди. «Худди ўзи» деб ўйлади у хаяжонланиб. Ўшанда бу қиз унинг наздида фариштадек бўлиб жонланган, хаёлида алла-

нечук покиза из қолдирган эди. Ҳозир унинг аллаким билан қисилишиб ўтиргани Ёдгорга ёкмади, Кўнгли хижил тортди, Аммо қайрилиб қарагиси келмади. «Менга нима?!»

Бир оздан кейин вагоннинг тарақлаши орасидан кизнинг товушини эшитди:

– Қанақа одамсиз, қўйиб юборинг, ахир!

Ёдгор ҳайрон бўлиб, ўгирилиб қаради. Бояги йигит қизни ўриндик бурчагига янаям қисиб олган, қип-қизил юзидан сурбетларча табассум аримай, алланималарни тушунтирар эди.

– Қочинг, мен тушаман, – деди қиз йигитни итариб.

– Секин, яхши қиз, секин, – деди шарфли йигит ҳамон кулиб.

Ёдгор, қиз бу йигитларга бегона эканини тушунди, шу ондаёқ кизнинг ранги қув ўчиб, рўмоли бўйнига тушиб кетганини, катта-катта чиройли кўзларида қўрқув борлигини пайқади. Қиз ингичка қўллари билан яна йигитнинг кўкрагидан итарди.

– Қўйвор, – деди йиғламсираб.

Ёдгор кўнглида бу қизга нисбатан алланечук яқинлик сездди. Шилким болалар фақат уни эмас, ўзини ҳам қўшиб ҳақоратлаётгандек, ғижиниб кетди.

– Нега бировга осиласан? – деди ўзини аранг босиб. – Тинч қўй уни!

Сигарет тутатиб турган курткали йигит Ёдгорга хўмрайиб қараб қўйди-ю, кизнинг тепасига энгашиб кулди:

– Қўрқманг, ҳеч нима қилмайди... Қор... Юмшок...

Унинг беҳаё қарашидан нияти ёмон эканини билди-ю, Ёдгорнинг қони қайнаб кетди. Сакраб турди-да, югуриб келиб, ўтирган йигитнинг шарфига ёпишди. Силтаб ўрнидан турғизди. Бир лаҳзада қиз учиб ўрнидан турганини, этикчаларини тақиллатганча қўлидаги тугунчаси-

ни силкитиб, хайдовчи томонга чопганини кўриб қолди. Эшик тарақлаб очилди. Қиз вагон зинасида турганча бир дақиқа бурилиб қаради. Ёдгор унинг чиройли кўзларида чуқур миннатдорчилик борлигини сезиб қолди. Аммо у ҳамон ўзини босиб ололмас, титраб эди.

Вагон яна ғизиллаб кетди. Ёдгор йигитнинг ёқасини кўйиб юборди.

– Шуям ишми? – деди гоҳ у, гоҳ бу йигитга қараганча овози титраб.

Афтидан, йигитлар бундай бўлишини кутишмаган экан шекилли, бир-бирларига тезгина қараб олишди. Ёдгор қулоқ-чаккасига келиб тушган мушт зарбидан ўриндиқ суянчиғига таяниб қолди. Шарфли йигит унга яна бир мушт туширди.

Ёдгор интернатда ўқиб юрганида кўп муштлишган эди. Аммо анчадан буён бировни чертган эмасди. Кўз ўнги қоронғилашиб кетди-ю, тишини ғижирлатиб, устига ёпирилиб келаётган курткали йигитни тепди. Йигит букчайганча қорнини ушлаб нари кетди. Зум ўтмай, яна ўша гурзидай мушт гарданига тушди. Ёдгор ўриндиққа чўкиб қолди.

– Безорилар, туш ҳамманг! – хайдовчи хотин кабинадан бошини чиқариб бақирди. – Ҳозир милиция чақираман. Эй, милиция!

Ёдгор ҳамон чаккасини чангаллаб, букчайиб ўтирарди.

Ҳайдовчининг дағдағаси таъсир қилдими, йигитлар олдинга ўтиб кетишди.

Шарфли йигит зинадан тушиб бораркан, Ёдгорга мушт дўлайтирди.

– Иккинчи ювилмаган қошиқдай бировнинг ишига сукилмайдиган бўласан!

Ёдгор индамади. Рўмолчасини олиб, юзига босди. Оёғи остида эзгиланиб ётган конспект дафтарини олиб, қўлтиғига кистирди.

Яна бир бекат юриб тўхтагач, хайдовчи хотин унинг тепасига келди.

– Ёмон урдими? Ўлдиришдан ҳам тоймайди бу безорилар.

Ёдгор, ҳечқиси йўқ, дегандай ўрнидан турди. Унинг ковоғи ачишар, тишлари сирқилларди.

...Ҳамон қор ёғар, кўча жимжит, кимсасиз эди. «Бу ёғи қизик бўлди-ку», деб ўйлади у йўлка чеккасидаги мрамар фавворачага юзини тутиб. Кейин конга беланган рўмолчасини чайди. «Қизик, сув илиқ-а... Айтгандай, рассом қиз етиб олганмикин уйига». У қизнинг сўнгги дақиқада ўзига миннатдор тикилиб турган кўзларини эслади. Фотоаппарат бир лаҳзада киши тасвирини қандай илиб қолса, унинг тасавури ҳам қизнинг ўша қиёфасини шундай эслаб қолган эди. Ўшанда ҳам худди шундай бўлганди. Мусобақада ўзларининг институти ютқазган бўлса-да, қувонган, кўплар орасидан шу қиз айниқса, ажралиб кўриниб турганига севинган эди. «Чиройли қиз бўлса, нима қиларкан ярим кечада кўчага чиқиб, – деб ўйлади у куюниб. – Кейин қизнинг кўлидаги гулдор рўмолга ўроғлик тугунчани эслади. – Бирон ташвиши бордир-да?»

У ётоқхонага етиб келганида алламаҳал бўлганди. Чироклари хира ёниб турган йўлакдан ўтиб, тўртинчи қаватдаги ўз хонасининг эшигини очди. Ичкарига қадам қўйиши билан оёқ остида турган чойгумга қоқилиб кетди. Чойгум тарақ-туруқ қилиб, тун сукунатини бузиб юборди. Ўз каравотида ётган Зойиржон ғингшиб қўйди.

«Оббо, энди шуям бормиди?» Ёдгор чирокни ёкди. Газ плитага қўйилавериб сарғайиб кетган чойгумни бир чеккага олиб қўйди. Плашининг қорини қоқиб, каравотга ташлади.

Зойиржон нон-чай қилиб ётган шекилли, клеёнка ёпилган столда нон бурдалари, парраклаб тўғралган кол-

баса, қанд ётарди. Чироқ ёниши билан стол устидаги сувараклар ўрмалаб қочди. Улар хонани ҳарчанд тоза тутишга уринишмасин, сувараклардан қутулиша олмасди.

Зойиржон икковлари икки йилдан буён шу хонада туришади. Шу икки йил ичида бу хонанинг қоғози кўчган деворлари ҳам, бесўнақай шкаф устида ётадиган чизмалару китоблар ҳам, лиқиллаб турган стуллару ювилавериб сизилиб кетган дарпардалар ҳам Ёдгорга қадрдон бўлиб қолган эди. Қиш кунлари хона яхши иситилмас, Зойиржон комендантнинг кўзини шамғалат қилиб, электр иситгични ёкиб қўяр, қўлга тушиб қолишгудек бўлса бир амаллаб ийдирарди. Андижонлик мана шу қоп-қора йигит Ёдгорга қадрдон бўлиб қолганди.

Ёдгор совиб қолган чойдан ичди. Колбаса емоқчи бўлган эди, тиши сирқиллади.

– Тушниям ҳаромини чиқардингиз-да! – деди Зойиржон кўрпага бурканаркан, тўнғиллаб.

Ёдгор ундан кўз узмай ўтираркан, негадир гаплашгиси келди.

– Кимни кўраётгандингиз?

– Айтганимда топиб берармингиз, тушимни?

Зойиржон қаравотни гирчиллатганча пишиллаб ўгирилди. Бошини кўрпадан чиқарди-да, анграйиб қолди.

– Ҳа?! – деди анчадан кейин ҳушини тўплагандай. Сакраб турди-да, майкачан югуриб, унинг тепасига келди. – Ким? Қачон?

Ёдгор илжаймоқчи бўлган эди, юзи оғриди.

– Қўяверинг! – деди қўл силтаб.

– Қаерда бўлди? Ким ўзи? – Зойиржон ҳозир бориб муштлашмоқчи бўлгандай ранги ўчиб кетди.

– Йўлда... – Ёдгор ўзининг аҳволига кулгиси қистади. «Кап-катта одам ёш болалардек муштлашиб юрса». – Иккитаси бир кизга хиралик қилаётган эди, шунга... – деди кулимсираб.

Унинг кулаётганини кўриб Зойиржоннинг кўнгли жойига тушди шекилли, қаршисидаги стулга ўтирди.

– Ким экан қизнинг ўзи?!

– Қаёқдан билай? – деди у қўл силтаб. «Илгари бир кўргандим», – дегиси келмади. – Бари бир эмасми, у танимайди-ку мени».

– Емаган сомсага пул тўлаш деб, шуни айтади. – Зойиржон Ёдгорнинг юзига қараб туриб, кулиб юборди. – Арча байрамига лампочка етишмай турувди, – деди унинг гуррасини силаб.

Ёдгор ҳам беихтиёр кулиб қўйди.

Чирокни ўчиришганидан кейин ҳам икковлари анчагача ухлай олмади. Зойиржон ўзича гудраниб, Ёдгорни урганларнинг гўрига ғишт қалар, яниб қўяр, ташқарида эса шамол ғувиллар, деразанинг аллақайси тирқишидан совуқ кириб турарди.

– Аваз ака янги йилни бизникида кутамиз деяпти, борамизми? – деди Зойиржон анчадан кейин. Ёдгор уни юпатиш учун Зойиржон гапни атайлаб бошқа ёққа бурганини тушунди.

– Майли, – деди лоқайдлик билан.

– Қизларгаям ҳайронман. Ярим кечада майиз бор эканми кўчада? – деди Зойиржон яна ўша мавзуга қайтиб.

– Билмасам, – Ёдгор кўрпага бурканиб олди. Қизнинг оппоқ тиниқ юзи, миннатдор боқиши кўз ўнгига келиб жилмайди.

– Юрмасин эмас, юрсин. Мана, бизга ўхшаган йигитлар билан чиқсин кўчага. – Зойиржон мамнун хўрсинди. – Бугун Наргиза икковимиз ҳам алламаҳалгача тентираб юрдик. Ўзининг ҳам оёғи акашак бўлиб қолди-ёв.

Ёдгор ўзлари билан ўқийдиган Наргизани Зойиржон яхши кўришини билар эди. Яна бояги рассом қизни ўйлади. Тиниқ чехраси кўз ўнгига келди.

– Бормайсизми?

– Нима? – деди Ёдгор Зойиржоннинг гапига дафъатан тушунолмай.

– Эртага дарсга бормайсизми, деяпман.

– Қандоқ бораман... – деди Ёдгор. – Кулмайдимми ҳамма.

Анчадан кейин Зойиржон пишиллаб, текис нафас ола бошлади. Уй совиб кетди.

Ёдгорнинг уйкуси келмас, боши лўқиллар, ҳамон ўша тиниқ чехра кўз ўнгидан кетмас эди. «Қизик, нима қилиб юрибди ярим кечада? Бояги болалар унга ҳеч ким эмас, – деб ўйларди у ачишаётган ғуррасини пайпаслаб. – Булар унинг тирноғига ҳам арзимади. – У муштлашувнинг бутун тафсилотини эслаб, жилмайиб қўйди. – Қизик бўлдику!»

Ёдгор бўлиб ўтган нохушликка ранжимас, узок вақтлар хаёлини банд этиб юрган қизни бир лаҳза бўлсин, кўрганидан қувонар эди.

* * *

Чаросларнинг уйи шаҳарга энди қўшилган чеккадаги қишлоқда эди. У охирги автобусга қандоқ илинганини, қишлоққа қандоқ етиб келганини ўзи ҳам билмади. Тийғана-тийғана ўзларининг тор кўчасига етганидан кейингина нафасини ростлаш учун тўхтади. Тез югурганидан бўлса керак, юраги гупиллаб урар, юзлари ловиллаб ёнар эди. Сочлари жикқа сув бўлиб кетган, бўйнига қўнган қор эриб, ёқасидан оқиб тушар, ғашини келтирарди.

Кўча четидаги каллакланган толлар шарпадай қорайиб кўринар, энг ичкарида – уларнинг уйи пештоғида чирок ёниб турарди. Қор кечиб дарвозага яқин боргандагина у қаттиқ толиққанини, оёқлари қалтираб кетаётганини пайқайди. Қўлидаги тугунни остонага қўйиб, рўмолини

кайта ўрамоқчи бўлди-ю, бўшашиб туриб қолди. «Ўлсин тушиб қопти». У энди эси жойига келгандек боя ўзини химоя қилган баланд бўйли, ингичка мўйлови ўзига ярашган, озгингина, жингалак соч йигитни ўйлади. «Анавилар индамаганмикин унга... Турқингни ел егурлар, индамай кўярмиди?» Юрагида оғир бир ғашлик билан эшикни итарди: очик экан. «Опам ухламай ўтиргандирлар», деб ўйлади у қори супурилган цемент йўлкадан тез ўтиб бораркан. У этакдаги ошхонанинг қор босган томини, кўмилмай қолган токнинг оппоқ тасмадай осилиб ётган сўриларини, музлаб қолмаслиги учун жўмраги очиб қўйилган водопроводни кўриб, зудлик билан айвон олдига борди.

Онаси эшитсин, деб этикчаларининг қорини атайлаб қаттиқ-қаттиқ қоқди-да, ойнабанд зинадан кўтарилди. Эшикни очиши билан гуп этиб иссиқ хаво юзига урилди. Шу пайт ичкари уйнинг ҳам эшиги очилиб, остонада онаси кўринди. Василя Назаровна бош яланг, оқ оралаган сочлари силлиқ таралган, кўк жемпер кийиб олган, бир қўлида коса кўтариб, иккинчи қўли билан эшик дастасидан ушлаб турарди.

Чаросни кўрди-ю, худди қизиникига ўхшаш йирик, қоп-қора кўзларида кўркув пайдо бўлди. Ҳали аёллик кўркини йўқотмаган юзи жиддийлашди.

– Ҳа? – деди косаларни айвон ўртасидаги столга кўйиб. – Нима бўлди, қаёқдайдинг?

«Овқатланмай кутиб ўтирган эканлар», деб ўйлади Чарос. Бояги воқеаларни эслаб, хўрлиги келди-ю, ерга қаради.

– Дардан кейин тоғамникига борувдим, – деди ўпкаси тўлиб: – Чақалоқ касал бўлиб қолибди. Тоғам ҳадеганда келавермаганидан кейин, кеннойимни касалхонага обордим... Мана, кийимлари. – Чарос тугунни бир чеккага қўйди.

Василя Назаровна тўла гавдасига ярашмаган илдамлик билан келиб қизининг пальтосини ечишга кўмаклашди.

– Вой, рўмолинг қани? Нега йиғладинг?

Чарос онасининг кўзига қарашга ботинолмай, этикчасини еча бошлади.

– Тушиб қолибди, – деди бош кўтармай. – Йиғлаганим йўк, чопдим... Кўрқдим.

Онанинг юзига қон югурди.

– Қилган ишинг тушмасин. Ўтир, овқатингни ич.

Чарос иштаҳасизлик билан шўрва ичаркан, онасининг ўзига диққат билан қараб қўяётганини сезар, шунинг учун бош кўтармас эди. У онасининг қаттиққўллигидан чўчир эди.

– Ҳали Дилшод ҳам келувди, – деди Васида Назаровна жимликни бузиб.

Чарос «Келиб нима қиларкан», дегандек онасига кўз қирини ташлади. Қошиқни стол чеккасига қўйди.

Васида Назаровна унинг кўнглидан ўтганларни сезди.

– Овқатингни ич.

– Бўлдим, опа, – деди Чарос чой қуяётиб.

Яна бирпасдан кейин у ўз хонасига кириб кетди. Ҳорғинлик билан ўрнига чўзилди. Каравоти тепасида, шундоқ шифт остида турган рамкадаги расмга ўйчан тикилиб, узоқ ётди. Расмда шалағи чиқсаям ҳамон айланиб турган чархпалак тасвирланган эди. Унинг тарновларига яшил сув ўтлари ёпишган, кўп пақирчалари тушиб кетган. Аммо тарновда ҳамон сув тўлиб оқяпти. Ариқ соҳилидаги жийда соясида эса мисқоли яқтак кийган оппоқ соқолли чол кетмон дастасига суяниб, букчайиб турибди. У ўсик қошлари остидаги қисикроқ кўзлари билан чархпалакка ўйчан тикилиб қолган.

Бу – бултур биринчи курсни битириб, таътилда Чимёндаги бувисиникига борганида Чарос ўзи чизган расм эди. У чол билан чархпалакни қиёсламоқчи бўлганди. Чархпалак сувни юкорига – ташна далаларга чиқариб беради. Оқар сув асло ортига қайтмайди. Чархпалак эса ўз

ўрнида туриб, яна янгидан-янги далаларни суғораверади. Чол ҳам шундай. Кўпларга яхшилик қилган. Ҳаёт ортга қайтмайди. Чолни биров эслайди, биров эсламайди... Чароснинг «Мироб» деб аталган бу асари институтда кўпчиликка маъқул бўлган эди.

Нариги хонада гугурт чизилди. Чарос ҳамон ёнбошлаб ётганча, эшик ғирасидан онасини кўрди. Васида Назаровна сигарет тутатганча, стол лампаси ёруғида ўтириб ишлар, афтидан, ўқувчиларнинг ёзма ишини текширарди.

Чарос кўзларини юмиб олди. Ташқаридаги шамол кучайган бўлса керак, дераза ортидаги толларнинг шохи қисирлаб кетди. Қор учкунлари ойнага чирсиллаб урилди. Ҳовлида ит ғингшиди.

Чарос исиб кетди. Кўрпани очиб ташлаганча, «ҳовуз» қилиб ишланган фанер шифтга тикилди. Боядан бери кўнглини ғаш қилаётган нарсани энди топиб олгандек оғир хўрсинди. «Опам ҳам қизиқлар, Дилшодни нима қиладилар гапириб. Турки курсин... – Кейин бояги трамвайдаги йигитни эслади. – Нега қочиб кетдим, – деб пичирлади лабларини тишлаб, – Анави сурбетлар соғ қўймайди уни. Қаёқданам ўша трамвайга ўтира қолдим?!»

У ўйлай-ўйлай яна бир нарсани топди. Бўй етган ҳар бир қиз қатори унинг ҳам хаёлини аллақандай бир йигит тимсоли ҳамиша тарк этмасди. Қизиқ, бугун худди ўша тасавуридаги одам учради. Баланд бўйи, жингалак соч... Худди ўзи... Қисматнинг ўйинини қаранг. Учради-ю, бир лаҳзада йўқолди.

Айтгандай, плаш кийган эди шекилли... Кулранг плаш. Чарос у ёғини эслай олмади. Анчагача шу алфозда ётди. Ташқарида бўлса ҳамон шамол изиллар, тол шохлари қирсиллар, ит ғингширди.

Ёдгор ғалати туш кўрибди. Келесдаги ховлисида юрганмиш. Ховлининг ўртасидан каттакон анҳор оқиб ўтаётганмиш. «Қизик, ховлимизда анҳор йўқ эди-ку», деб ўйлармиш у ҳайрон бўлиб. Тагин анҳор бўйида бир тупми, икки тупми ёнғоқ ҳам бор эмиш. Ёдгор яланғоч бўлиб, сувга тушиб олганча ёнғоқ териб юрганмиш. Бирини тутаман деса, иккинчиси оқиб кетармиш...

Бирдан дарахтнинг ўрнида Оқила буви пайдо бўлиб қолибди, «Ҳой, чик, оқиб кетасан», дермиш у чиркиллаб. Ёдгор сузаман деса, қўлларини қимирлата олмасмиш. Бир вақт бундай қараса, уни чақираётган Оқила буви эмас, жигарранг пальтоли чиройли қиз эмиш. Ёдгор шу алфозда сувдан чиқишга қиздан уялармиш. Туравериб музлаб кетибди.

У совкотиб уйғонди. Кўзларини чала очиб, атрофга разм солди. Зойиржон ўрнини тузатиб, кетиб қолибди, вақт алламаҳал бўлиб кетган шекилли, уй ёп-ёруғ, аммо совук эди.

Ёдгор шишиб кетган лунжини силаб қўйди-да, ғужанак бўлиб, адёлга бурканиб олди. «Ҳалиям қор ёғяпти шекилли», деб ўйлади у тиззаларини корнига тортиб. Кўзини юмиб, ҳарчанд уринмасин энди уйқуси келмади.

Бир маҳал эшик оҳиста тақиллади.

– Керакмас, – деди Ёдгор кўрпадан бошини чиқармай. Эшик қаттиқроқ тақиллади.

«Жуда сурбет-да», деб ўйлади у ҳар куни қатик олиб келадиган боладан аччиқланиб.

– Қатик керакмас, – деди бақириб. Кейин девор томонга ўгирилиб олди.

Тагин бир лахзадан кейин эшик ғийқиллаб очилди.

«Оббо, тинчлик йўқ экан-да, буларнинг дастидан».

У жаҳл билан бурилиб, бошини кўтарди. Кўтарди-ю,

тирсагига таянган кўйи қотиб қолди. Остонада Азиза турарди. У бошига чиройли шарф ўраб, шуба кийиб олган, қўлидаги сумкачасини ликиллатганча эшикнинг бир табақасига суяниб, нокулай жилмайиб турар, унинг табассуми кулгидан кўра йиғини эслатар эди.

– Келинг, – деди Ёдгор овози титраб. Унинг вазоҳатида «нега келдинг», деган маъно борлигини Азиза тушунди шекилли, ўзини босиб, кинояли кулди.

– Келдим... – У ичкарига қадам ташлаб, столнинг бир чеккасини қўлининг учи билан жиркангандек артди-да, сумкасини қўйди. Шарфини бошидан олиб, стул суянчиғига илди, истамайгина ўтирди. Сочлари паришон тўзиб кетди. Нафис бўялган киприкларини пирпиратиб, хонани кўздан кечириб чиқди. Лабини буриб, жилмайиб қўйди.

Ёдгор унинг бу қарашида: «Ўл-а, шу кунга тушиб қолдингми?» – деган маънони уқиб, ғижинди.

– Кечирасиз, мен кийиниб олишим керак, – деди у қовоғини солиб.

Азиза яна лабини буриб кулди.

– Кийинаверинг, қарамайман, кераккинасиам йўқ...

Ёдгор ёнламаси турганча шим кияркан, Азизанинг бир лаҳза ташлаган ғамзалик назарини илиб олди-ю, юраги гупиллаб кетди. «Зойиржон ўқишга кетган, бутун ётоқхонада ҳам ҳеч ким бўлмаса керак...» У Азизага кўз қирини ташлади. Азиза энди унга қарамас, сувоғи кўчиб тушган шифтни томоша қилиб ўтирарди.

Ёдгор хаёлига келган аҳмоқона фикрдан ўзи ижирғаниб кетди. «Ўл, аҳмоқ!» У тезгина кийинди-да, бурчакдаги жўмракда ювинди.

«Нега келди бу, тагин нима даъвоси бор экан?» – деб ўйлади артина туриб.

Кейин Азизанинг қаршисидаги стулга келиб ўтирди-да, унинг кўзларига хотиржам тикилди. Азиза бир оз

ўзини олдирган, ammo ҳамон ўшандай чиройли, кўзлари киртайиб қолган бўлса ҳам тетик боқар эди. Бир вақтлар Ёдгор мана шу кўзларни бир бор кўриш учун жонини фидо қилишга тайёр эди. Мана шу юпка лаблардан бир ўпич олиш эришиб бўлмайдиган бахтдек туюларди. Худди шу кўзлардан ғазаб сочилиши шу лаблар захардек қақшатиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтиролмасди. Сўнгги воқеалар кўз ўнгида жонланди-ю, Азизанинг хозирги қиёфаси ҳам совуқ кўриниб кетди.

– Муборак бўлсин... – деди Азиза унинг шишиб кетган юзига имо қилиб.

Ёдгор бу гапда меҳрибонлик эмас, ҳузур оҳанги борлигини сезиб, қўл силтади. «Кел, шуям бир қувонсин!»

– Ҳа, кеча кўпроқ ичиб кўйган эканман. Болалар билан муштлашибмиз. Боплаб пўстагимни қоқишди.

Азиза қийқириб кулди. Ўтирган стули ғирчиллаб кетди.

– Кўпроқ ичинг! – деди у «ажаб бўпти» деган маънода.

Ёдгор унинг роҳатланаётганини кўриб, негадир ўзининг ҳам кўнгли таскин топди. Ёмонми, Азиза ўзи кўмган гўрни ўзи тепкиласа...

– Кечирасиз, – деди Ёдгор бир оздан кейин. – Қурук чой йўқ эди...

Бу унинг: «Энди иззатинг битди, кетавер», дегани эди. Азиза тушунди.

– Зиёни йўқ, мен бир минутга... ўлибманми, сизнинг чойингизни ичиб.

Ёдгор бу гапдан: «Гадойдан хайр сўрайманми, сенку шунча менинг тузимни ичдинг, ҳалиям бўлса, отам сендақаларнинг ўнтасини боқишга қодир», деган маънони уқди. Кўнгли чўкиб, бир лаҳза ерга қараб қолди.

– Мен ҳам ўқияпман. – деди Азиза унга диққат билан тикилиб. – Пединститутнинг сиртки бўлимида.

– Эшитгандим, – Ёдгор шундай деди-ю, Азизанинг кўнглига «ҳалиям мени кўмсар экансан-ку», деган ўй келмаслиги учун кўшиб кўйди: – Тошкент катта шаҳар, даргоҳи кенг.

– Қанча стипендия оласиз? – деди Азиза ниҳоятда жиддийлик билан.

«Яна пул, – деб ўйлади Ёдгор ижирганиб. – Нима бало, булар ўлгандаям пулдан кафан қилади шекилли».

– Ўзимга етади, – деди секин.

Азиза кўриб турибман, дегандай, яна хонани кўздан кечирди. Қоғози кўчган деворлар, тоза бўлса ҳам эскириб кетган дарпарда, сарғайган чойгумни кўриб қаноат ҳосил қилди шекилли, яна кўзларида кулги ўйнади.

Энди уларнинг гапи тамом бўлган эди. Аммо иккови ҳам бир-биридан алланимани кутгандек ўтиришарди. Ёдгорнинг назарида уй янаям совиб кетгандек кўринди. Азиза олтин узукли бармоқларини ўйнаб ўтираркан, ил-кис бошини кўтарди.

– Ўйлаб кўрдингизми?

«Ҳа, гап мана бу ёқда экан, – деб ўйлади Ёдгор. – Бояги гапларнинг ҳаммаси даромад экан-да».

– Нимани ўйлайман?..

Азизанинг кўзларидаги бир лаҳзалик маъюслик йўқолиб, ўрнини асабий хушчақчақлик эгаллади.

– Балки ялиниб келди дерсиз, – у шодон кулди.

Аёл киши ўзини бахтиёр кўрсатишга уриняптими, билинги, юрагида дарди бор. Ёдгор буни тушунди. Азизанинг аҳволига негадир ачинди. Маъюс қиёфада бошини кўтариб, унга тикилди.

– Кераккинасиям йўқ. – деди Азиза яна асабий кулиб.

У Ёдгорнинг қоқ юрагига ханжар уришни мўл-жаллагандек бир зум тўхтаб қолди-да, кўзига тик қараб гапирди:

– Мен эрга тегяпман.

Ҳар кимда бўладиган худбинлик Ёдгорда ҳам бор эди. Бу гап ростми, ёлгонми, бари бир юрагининг бир чеккасида оғриқ пайдо бўлди. Қачонлардир ўзиники бўлган хотин бировнинг бўйнига осилиши унга алам қилди.

Ёдгор Азизанинг ўзидан кўз узмай ўтирганини, юрагидагиларни билишга уринаётганини пайкаб турарди. У анчадан кейин ўзини босиб олди. «Кимсан ўзинг, – деб ўйлади нафратланиб. – Хўш, эрга тегмаганида қайтиб бориб ярашармидинг». Шу тобда ўша эски адоватлар, бири-биридан жирканганлари кўз ўнгига келди-ю, алланечук енгиллик сизди.

– Табриклайман! – деди у бошини кўтариб.

Бу гап Азизага шунчалик таъсир қилишини билмаган экан. Тўсатдан Азизанинг ранги бўзариб кетди. Титрок қўллари билан сумкасини юлиб олди-да, силтаниб эшик олдига борди. Ғазаб билан бурилиб қаради.

– Эркак эмиш! Бу кунингдан ўлганинг яхши!

У эшикни шу қадар қарсиллатиб ёпдики, деразалар зириллаб кетди.

Ёдгорнинг қулоқлари анчагача шанғиллаб турди. У чаккасини бармоқлари билан қисиб олганча, столга тирсагини тираб, мункайиб ўтирар, Азизанинг оқариб кетган юзи, титраётган лаблари кўз ўнгидан кетмас эди: «Бу кунингдан ўлганинг яхши!»

Дунё қизиқ экан. Қачон қарасангиз, етдим деганда қоқиласиз. Ё қисмат ҳаммага бахт улашаётганида унга етмай қолганми? Эсини танибдики, одам бўлсам, нимадир яхши иш қилсам, дейди. Узоқда нурли бир нуқтадай порлаб турган толега интилади. Амаллаб яқин борганида бахт деган нур яна бир олам нарига кетиб қолади. У югураверади, толе ундан қочаверади.

Чойхоначи Мирзо бувага кўмаклашиб, сув ташиб юрганиям баҳарнав экан. Энди тўртинчи синфга ўтганда ота ўрнида ота бўлиб қолган Мирзо бува тўсатдан ўлиб қолди.

Анчадан буён тувакка тушиб ётган Оқила буви ҳам чолнинг қирқи чиқмасидан кўз юмди, Чол-камбирнинг Туркистонга келин бўлиб тушган ёлғиз қизи ота-онасининг катта маъракасани ўтказиб, ҳовли-жойни сотиб кетди.

Ёдгорни, Келеснинг ўзидаги интернатга жойлаштиришди. Ўлиб-тирилиб ўқиди. Ғишт терувчилик хунарини ўрганди.

Биринчи маошини олган куни чол-камбирнинг мазорига борди. Мазорни қиртишлаб тозаллади. Гўристон қоровулига пул бериб, Қуръон тиловат қилдирди. Ўзининг ота-онаси нега йўқлигини ўйлаб, йиғлади.

Қурилиш трести унга ётоқхонадан жой берди. Хуллас, йигит кишининг бошига бахт қуши қўнмай иложи йўқ экан. Унинг ҳам ҳаёти бир нав яхши бўлиб қолди. Икки йилча шу тарзда ишлаб юрди. Кейин бирдан ороми бўзилди. Ҳаммаси шим олиш баҳонасидан бошланди.

Биринчи май арафаси эди. Ёдгор байрамга янги мода бўлган лавсан шим олиш ниятида туман марказидаги универмага борди. Пештахта ортида турган қошқўзлари қоп-қора, дўмбоққина қизни кўрди-ю, юраги жиз этди. Шим танлаган бўлиб узоқ ивирсиб қолди. Қиз, охири жаҳли чиқди шекилли, қойиб берди:

– Оласизми, йўқми? Олсангиз олинг, бўлмаса бўшатинг йўлни.

– Оламан, оламан! – деди Ёдгор ҳовлиқиб, пул чиқараркан,

Ётоққа келиб кийиб кўрса, икки мўлжал каттасини олибди. Ҳамхоналари қулишди.

– Обориб бер, бошқасини айирбошлаб беришади.

Ёдгор катта шим олганига, яна боришга баҳона топилганига ҳатто севинди ҳам.

Бу сафар қиз унга зарда қилмади.

– Ўзим ҳам дадангизга оляпсизми, деб ўйловдим, – деди қулиб.

Қизнинг кулгиси Ёдгорга шунчалар қувонч бағишладики! «Бундан чиқди, мени эслаб қолган экан-да», деб ўйлади у севинчи тошиб.

Шу-шу ҳар куни совунми, тиш чўтками, тугмачами баҳона қилиб универмагга келадиган бўлди. Бора-бора қиз ҳам уни таниб қолди. Ёдгор қизнинг бир марта кулиб қарашини кўриш орзусида саккиз чақирим наридан гоҳ пиёда, гоҳ ўртоғининг велосипедида келиб кетарди.

Бир куни у иккита кино билети кўтариб келди.

– Клубда ҳиндча кино кетаётган экан, – деди кўркапўса. У қизнинг ҳозироқ олдига солиб ҳайдаб юборишини кутиб турарди, Йўқ, қиз ҳайдамади.

– Бугун вақтим йўқ, ишдан кеч чиқаман, – деди у.

Шундан кейин унинг энг шодон кунлари бошланди. Ёдгор Азизанинг билагидан ушлашга ҳам ботинолмас, аммо бир кун кўрмаса туролмасди.

Айни узум пишиғида Азиза Ёдгорни иккита ўртоғи билан меҳмонга чақирди. Уларнинг каттакон боғи бор экан, йигитлар узумхўрлик қилишди.

Азизанинг сельпо раиси бўлиб ишлайдиган отаси Ёдгорнинг авлод-аждодини суриштирди. «Тамом, – деб ўйлади Ёдгор эти увушиб. – Ҳаммаси тамом бўлди!»

Йўқ, бахт ҳам, бахтсизлик ҳам жуфт бўлади, дейишгани рост экан.

Бир ойдан кейин худди ўша катта боғда данғиллама тўй бўлди. Ёдгор жаранглаган уйлар, қора дарахтдан қилинган гарнитурлар, қўша-қўша гиламларни кўриб, оғзи очилиб қолди. Бу нима, тушими, ўнгими? Ўзига шунча фидойилик қилган мана шу гўзал қизнинг – жондан ортиқ Азизасининг олдидаги қарзини қандоқ узсин. Бошига кўтариб юрса арзимайдими?! Яқиндагина чойхона сўрисини супуриб, чой ташиб юрган Ёдгор шуми? Бировдан туртки еб, бировдан сўкиш эшитиб ўрганган югурдак бола шуми? Ўзининг ота-онаси қани, шу топда

ўглини кўрса бўлмайдими? Ёдгор харир рўмол ёпинган келин ёнида ўтириб, бахт-саодат тилаб гапираётган кишиларнинг жарангдор сўзларини, қарсбадабанг куй садоларини эшитаркан, буларнинг ҳаммаси эртақдек туюлар, ишонгиси келмас эди.

Қизиқ, ишонмаганича бор экан. Такдирнинг ўйинини қаранг. Бир кун илгари қувончдан боши кўкка етган Ёдгор, тўйнинг эртасига тўрвасини йўқотган гадойдек бўшашиб қолди. Севинчлари момақалдиروقдек гумбурлаб, чакмоқдек бир зум яраклади-ю, ўчди.

Нега мени алдадингиз? – деди овози қалтираб. Кейин муштини тишлаганча инграб юборди. – Нега алдадингиз, нега?!

Азиза тўшакда хомуш ётар, кўзини бир нуктадан узмас, афтидан, кимнидир эслар эди.

– Ким ўша?! – деди Ёдгор ғазаб билан ўрнидан сапчиб туриб.

– Секин, – деди Азиза унга қарамай. – Дадам эшитса жанжал бўлади.

Ёдгор жанжал бўлмаслигини билар эди. Дадасининг ҳамма нарсадан хабари бор. Бўлмаса қизини таг-зотининг тайини йўқ бу йигитга бермасди.

«Гап бу ёқда экан, – ўйлади у ўкинч билан. – Демак, улар мени одам санашмаган».

У ўзининг қадри пастлигидан афсусланди, ғурури поймол бўлганлигини ўйлаб, аламдан тўлғана бошлади.

Анчадан кейин Азиза йиғлади. Уни жонидан ортиқ севишини пичирлаб айтди.

Хотин кишининг кўз ёши ширин бўлади. Ёдгорнинг раҳми келди. Хотинини овутди.

Аммо шафқат билан муҳаббатнинг ораси бир чақирим-у, шафқат билан нафратнинг ораси бир қарич бўлишини Ёдгор билмас экан. Кўп ўтмай тушунди. У бу уйга биров бўйнига арқон солгандай истар-истамас кириб

келар, келганда ҳам кўп ўтиролмас эди. Бу уй унга бегона туюлар, ҳар сафар адашиб кириб қолгандай бўлаверарди.

Ярим йилча турмуш қуришган бўлса, бир ой ҳам эрхотин бўлиб яшашгани йўқ. Икковлари хўроз қичқиргунча ухламай ётишар, иккови ҳам бир-бирининг ухламаётганини билар, аммо чурқ этишмасди.

Азиза гапнинг учини чиқарган бўлса керак, қайнонаси Ёдгорни ношудликда айблаб, қойийдиган бўлиб қолди.

Бир куни қайнотаси Ёдгорга маслаҳат солди:

– Қачонгача қишлик-қировлик кунлардаям лой чангаллаб юрасиз. Савдога кириңг. Савдода гап кўп. Мен сизга овлоқроқ бир дўконча олиб бераман.

Ёдгор қайнотасининг кўзига биринчи марта тик каради.

– Мен савдога кирмайман. Ўзингизни уринтирманг.

Қайнотаси мошранг бахмал дўпписини кафтига қоқиб, ўридан туриб кетди. Нарироққа бориб тўнғиллади:

– Ҳемирининг тайини йўғ-у, димоғидан эшакқурт ёғилади...

Ёдгор ўрталарида дарз пайдо бўлганини билди. Ўша куни ичиб келди.

Бора-бора Азиза ҳам уни жеркадиган, ҳар гапида пичинг қиладиган бўлиб қолди.

Ёдгор бутун аламини меҳнатдан олар, кечки смена-ларга қолиб ишлар, бу эса Азизаниннг баттар ғашига тегар эди.

Худди ҳозиргидақа киш кунларидан бирида Болгариядан курувчилар делегацияси келди. Трестдагилар илғор бинокорлар қатори Ёдгорни ҳам тантанали кечага таклиф қилишди. Кеча охирида трест бошлиғи – кекса, жиккак киши: «Ҳеч меҳмонингиз бўлмадик-да», деб ҳазиллашди.

Ёдгор меҳмонларни уйига бошлаб келди. Дарвоза кулф экан, узоқ тақиллатди. Меҳмонлар совкотганидан ер тепкилаб туришар, Ёдгор хижолат чекар эди.

Анчадан кейин йўлакда қадам товушлари эшитилди.

– Очинг, меҳмонлар келишди, – деди Ёдгор бетоқат бўлиб.

– Меҳмонларингиз бошингизда қолсин! – деди Азиза дарвозанинг нарёғида туриб.

Ер ёрилмади-ю, Ёдгор кириб кета қолмади.

– Эсингни едингми, оч! – деди у зарда билан.

– Битта ўзингни боққанимиз етади. Йўқот пиёниста ўртоғларингни!

Ёдгорнинг боши айланиб, кесакига суяниб қолди. У турмуши омонат эканини, қачондир оиласи бузилишини кўпдан кўнгли сезиб юрар, аммо бунчалик шарманда бўлишини ўйламаган эди. Хотинининг ҳайдаганидан кўра сенсиргани юрак-юрагидан ўтиб кетди.

– Шунақами, – деди Ёдгор хириллаб. – Қўйдим!

Трест бошлиғи ҳайҳайлаб унга ёпишди:

– Ёшлиқ қилманг, ўғлим, шайтонга ҳайф беринг.

Ичкарида қайнонасининг жаврагани, Азизанинг бидирлагани эшитилди.

Ёдгор кўз ўнги қоронғилашди-ю, бошини қуйи солганча, тусмоллаб юриб кетди.

Ўшанда трест бошлиғининг юпатганлари, насихат қилгани, аммо у ўқишга кетаман, деб туриб олгани ҳозир Ёдгорнинг кўз ўнгидан бирма-бир ўтди.

«Энди менинг рухсатим керак бўлиб қолибдими? – деб ўйлади чойгумга сув тўлатаркан. Боя хотинининг зарда қилиб эшикни қарсиллатиб чиқиб кетганини эслаб, кулиб қўйди. – Синаш учун келган. Тегса тегавермайди-ми?»

У ошхонага кириб, чойгумни газга қўйди. Қайнашини кутиб, дераза олдига келди.

Ҳаво очилиб кетди. Нариги ётоқхона томида, икки бино ўртасидаги гулзорда қор ярақлайди. Тўртта-бешта сўкмоқ из тушибди. Ўйинқароқ болалар катта йўлдан

ғизиллаб ўтаётган машиналарга ёпишиб, сирпанчик учяпти. Бекатда одам сийрак. Бир хотин арча кўтариб турибди.

Чойгум қайнаб, тошди. Ёдгор деразадан кўз узиб, газни ўчирди.

* * *

Ҳар фаслнинг ўз қувончи бор. Қиш ҳам каттадан-кичик ҳаммага бир олам шодлик бахш этди. Икки кундан буён муздеккина қиш фариштаси шаҳар устида кезиб, элагини силкитар, кулоқ-бурни қизарган одамлар «Янги йилбоп қор бўляпти-да», деб кулишар, хавода мусаффо чилла иси кезар эди. Кинотеатрлар, маданият саройларида таътилга чиққан болаларнинг кулгиси янграйди. Катта майдонларда арчалар безатилди.

Йилнинг сўнгги оқшомида Тошкент яшнаб кетди. Катта бинолар пештоғида сон-саноксиз лампочкалар маржони порлади, арчалар нурга беланди. Озиқ-овқат магазинлари тирбанд бўлиб кетди. Сумка, тўрхалта кўтарган одамлар уй-уйига шошилишар, таниш-билишларини кўриб, байрам билан кутлашар эди.

Ёдгор билан Зойиржон гастрономдан майда-чуйда харид қилишди-да, Аваз аканикига йўл олишди. Биринчи курсда пахтага боришганида бу аспирант йигит уларга раҳбар бўлиб чиққан, шу баҳона дўстлашиб кетишганди. Унинг боғчада тарбиячи бўлиб ишлайдиган озғингина хотини Тамила ҳам йигитларнинг ўз опасидай бўлиб қолган. Аваз марказдаги тўққиз қаватли уйда яшар, Ёдгор билан Зойиржон бу уйга кўп келишганди.

Марказий универмаг олдидан ўтиб кетишаётганида Ёдгор бир ҳафта илгари рўй берган ҳодисани эслади, ўша қизнинг кўзлари, миннатдор боқиши тагин тасавурида жонланди-ю, юраги орзиқиб кетди. Энди у қизни учрата олмаслигини билса ҳам, негадир кейинги пайтларда уни

ҳар куни эслар эди. Бир-икки марта Театр ва рассомлик институтига боришга ҳам қарор қилди-ю, айниди. «Трам-вайда иккита аҳмоқ шилқимлик қилганида ёрдам бергандим, шунга келдим», дейдими?

Кўйлақчан бўлиб, шимининг устидан сочиқ боғлаб олган Аваз остонада уларни қувониб қарши олди.

– Буларни қара, Тамила, шунча ичкилик олиб келишибди – деб қичқирди у сарғиш қошларини учуриб.

Пиёз тўғраган бўлса керак, кўзи ёшланиб турган Тамила ошхонадан чиқди. У кийиб олган гулдор халатининг елкалари осилиб турар, кўлида пичоқ бор эди.

– Қочинг, Ёдгор! – деди Зойиржон кулиб. – Тамила опамнинг кўлида пичоғи бор экан.

– Шиша кўтарганларнинг жазоси шу! – Тамила пичоғини ўйнатиб, таҳдид қилди. – Қани, киринглар, болалар!

– Ҳайронман, арақ қимматлашганидан буён магазинларда навбат янаям кўпайиб қолди. – Зойиржон гоҳ Авазга, гоҳ Ёдгорга қараб, кўз қисиб қўйди.

– Қанийди шу ўлгурни янаям қиммат қилиб қўйса, – деди Тамила тўрхалталарни бир чеккага олаётиб.

– Унда хотинлар оч қолади-да!

Кулишди.

Зойиржон дарров ошхонага кириб, сабзи тўғрашга тушиб кетди.

– Сиз энагалик қиласиз, – деди Тамила олти ойлик ўғилчасини Ёдгорга тутқазиб. – Қаранг-чи, кимга ўхшабди бу?

– Билмасам, – деди Ёдгор пахмоқ қалпоқча кийгизилган болани оларкан. – Сарик машаклиги дадасига ўхшаб кетади.

– Шамоллаб қолиб бизларни қандоқ кўрқитдики бу! – Тамила унга сўрғич кийгизилган сутли шишани узатди. – Йиғласа мана буни берасиз.

Нариги хонадан Авазнинг овози келди:

– Уйланадиган бўлсангиз, Ёдгоржон, серсутроқ қизни танланг. Хайронман, онасининг сути йўқлигига мен айб-дорманми, ҳар куни саҳарлаб сут олиб келаман.

– Алжиманг! – деди Тамила жилмайиб.

Ўзи фарзанд кўрмаган одамга қизиқ туюларкан: Ёдгор диваннинг бир чеккасида Алишерни беўхшов кўтариб ўтирар, қимирлашга қўрқар эди.

Бир оздан кейин у шикоятомуз кичқирди:

– Бунингизни қаранг, Тамила опа, ҳаммаёғимни ҳўл қилиб қўйди-ку!

Тамила югуриб келиб, қулганча болани унинг қўлидан олди. Ёдгор тиззалари ҳўл бўлган янги шимига қараб қўйди. Бола эса тишсиз оғзини катта очиб, «қойил қилдимми», дегандай қийқариб кулди.

– Э, дарвеш, – деди Ёдгор ҳам беихтиёр кулиб.

Улар столга ўтиришганида Янги йил киришига бир соатча қолган эди. Энди овқатга қўл уришганди, қўнғирок жиринглади. Эр-хотин йўлакка югуришди. Зум ўтмай Авазнинг аллаким билан куюқ сўрашгани, Тамиланинг «Вой!» деб қувноқ қийқиргани, кимнидир чўлп этиб ўпгани эшитилди.

Аваз қора костюм кийиб, галстук таққан, сочи ҳўллаб силлиқ таралган йигитни бошлаб кирди. Совуқдан бўлса керак, унинг юзи қизариб кетган, ингичка қошими, кўзларими, нимасидир, қизларни эслатар эди.

– Танишинглар! – деди Аваз йигитни кўрсатиб. – Дилшод, менинг ўртоғим, мактабда бирга ўқиганмиз. Ҳозир француз тилидан дарс беради... Булар менинг дўстларим. Студентлар...

Ёдгор билан Зойиржон баравар ўрнидан туришди. Дилшод кинодаги офицерлардек бошини кескин силкиб, сўзсиз саломлашди. Бу қилиғи Ёдгорга ёқмади. «Мана, французча саломлашишнинг ўрганиб олдик», деб ўйлади у Дилшоддан юз ўгириб.

Йўлакда Тамиланинг аллақандай аёл билан гаплашгани эшитилди. Кейин... кейин Ёдгор эшик томонга қаради-ю, юраги шув этиб кетди. Назарида уй янаям ёришиб кетгандай, хали ичмай туриб маст бўлиб қолгандай, ичида куёш порлаб чиққандай бўлди. Остонада ўша киз – шунча кундан буён унинг хаёлидан нари кетмай қолган кизнинг ўзгинаси турарди. У нафис пуштиранг жемпер кийиб олган, сочи чиройли турмакланган, чироқдан кўзи қамашгандай, киприкларини пирпиратиб жилмаяр эди.

Ёдгор йиқилиб кетаётгандай стул суянчиғини ушлаб олди. Унинг томоғи қақраб кетган, ҳозир гапирадиган бўлса овози чиқмаслигини билар эди.

Бу менинг жияним. Чарос, – деди Аваз қизнинг елкасига қоқиб. – Булар – Зойиржон, Ёдгор.

Қиз Ёдгорга қаради-ю, бирдан кўзлари катта очилиб кетди. Ёдгорнинг юзига тикилиб, хавотирлангандай энтикиб қўйди. Чамаси, унинг юзидаги «лампочка» излари ҳамон кетмаган эди. Кейин қизнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди.

Илдам келиб, Ёдгорга қўл узатди.

– Ассалому алайкум.

Ёдгор эсанкираганча қизнинг жажжигина, муздек қўлини қисаркан, унинг кўзларидан: «Мен сизни танийман, мен сизни биламан», деган маънони уқиб олди.

– Ўтиринг, Чарос, – деди Дилшод ёнидаги стулни суриб.

Ёдгор гарангсиб, жойига ўтириб қолди: «Эри экан бу...»

Чарос «эри» билан Ёдгорнинг ўртасига ўтирди. Ёдгор қувончи узоққа бормаганидан талмовсираганча, зимдан Дилшодга қараб қўйди. «Дуруст, силлиққина йигит экан», деб ўйлади ғаши келиброк.

– Қани, бўлинг, хой! – деди Аваз Тамилани чақириб, – Ўн минут қолди.

...Тамила йиғлаётган ўғилчасини кўтариб келди.

Шампан тиқини пақиллаб отилди, дастурхонга вишиллаб вино оқди. Чарос ёш боладай қувониб, қарсақ чалди. Бахтиёрлик билан кулиб, Ёдгорга қараб қўйди.

Ёдгор ичидан ўтаётганини сездирмаслик учун жилмайди. Нима қилишини билмай, қиздан кўзларини олиб қочди.

Бонг чалинганида кўнгли чалкаш туйғуларга тўлиб, ичди. Аваз аканинг нима деганини, Зойиржон қандай луқма ташлаганини унча англамади. Фақат бир нарсани эслади: у қиз билан қадах чўқиштирар экан, кўзлари пирпираб жилмайди.

Кейин Дилшодга сўз беришди. Ёдгор дарров хушини тўплаб олди. Шу топда негадир унинг гапини жуда эшитгиси келди.

– Муқаддас китобларда, – деди Дилшод ингичка қошини чимирганча, – «онадан азиз инсон йўқ» дейилади. – У бир нафас жимиб қолди. Ёдгорнинг назарида Дилшод атайлаб тўхтагандек. Одамлар гапини қандай эштаётганини билиб қўйиш учун атайин салмоқлаётгандек туюлиб кетди. – Чиндан ҳам ҳар кимни фақат битта она дунёга келтиради. Шундай экан, оналар соғ бўлсин. Мен она деганда аёлларни назарда тутаман. Бинобарин, ҳамма аёллар омон бўлсин, – у майин жилмайиб, Чаросга қараб қўйди.

Тамила қувониб қарсақ чалди. Ҳамма ўрнидан турди. Дилшод энг аввал Чарос билан уриштирди.

– Яхши гап, – деди Чарос негадир Ёдгорга қараб. – Бу гапни аллақайси журналда ўқигандим.

Дилшод норозиланиб, қошини чимирди.

– Мсье Дилшод рост айтадилар, – Зойиржон қадахни баланд кўтарди. – Бутун дунё хотинларининг соғлиғи учун!

Телевизорда диктор қиз рақсга таклиф қилди. Дилшод Чаросга қараб қўйди. Унинг қўлидан оҳиста тутди. Икковлари чир айлана бошлашди.

Чарос сиполик билан ракс тушар, Дилшод уни авайлаб бошқарар, кўзларида мамнун табассум бор эди.

«Бир-бирига муносиб экан!» – деб ўйлади Ёдгор стул суянчигига елкасини ташлаб ўтирганча Дилшоднинг «қовун сўйса бўладиган» қилиб қирраси чиқариб дазмолланган шимидан, чакқон, юмшоқ сирғалиб бораётган туфлисидан кўз узмай. Ҳарчанд ўзини босишга уринмасин, кўнглидаги ғашликка ўхшаш туйғу ҳамон тинчлик бермас эди. Унинг назарида қуй ҳам жуда чўзилиб кетгандек бўлди.

Ниҳоят, мусиқа тугади. Дилшод билан Чарос жойига келиб ўтиришди. Зойиржон қадахларни қайта тўлатаётган эди, янги қуй янгради.

Чарос Ёдгорга кўз қирини ташлаб қўйди. Ёдгор иккиланиб, ўрнидан турди.

– Кечирасиз, – деди Дилшодга ийманиб қараганча.

Чарос унинг кўлларидан енгилгина тутиб, қушдек учди. Аваз ака ўғлига шишадан сут эмизар, Зойиржон Тамила билан гир айланар, Дилшод столга тирсагини тираганча ўтирарди. Ёдгор елкасида қизнинг кафтидан ўтаётган хароратни ҳис қилар, унинг нозик бармоқларини авайлаб ушлаганча айланар, димоғида алланечук нафис бўй туяр, юраги ҳаяжондан гупиллаб урар эди. Қизнинг ихчам гавдаси қуй қанотида учар, Ёдгор унинг тиниқ юзини, бўйнига тушган соч толаларини кўриб турар, раксдан эмас, ҳаяжондан боши айланарди.

– Юзингизга нима қилди? – деди Чарос қуй қанотида учаркан. Эгик киприклари капалак қанотидай пирпираб жилмайди.

– Мушук тирнаб олди, – Ёдгор кулди.

– Мушуклар билан уришманг-да, – Чарос ўша кунги хунук ходиса учун ўзи айбдордек қизариб, жилмайди.

– Улар ҳам қушчаларга тегмасин-да, – деди Ёдгор аста...

Яна қадаҳ кўтаришди.

– Ёдгор ака гапирсинлар! – Чарос кўлидаги бокал оркасидан унга мўралаб қаради.

Ёдгор Дилшоднинг унга зарда билан қараб қўйганини кўриб, бояги худбинлиги учун ўзини койиди. «Оббо, Қоработир бўлиб қолдинг шекилли. Бировнинг оиласига рахна солишинг қолувди».

У тараддулраниб, ўрнидан турди.

– Биз Янги йил кирганидан қувонамиз, – деди биллур қадаҳдан кўз узмай. – Аммо эски йил ўтиб кетганини ўйламаймиз. Умримизга умр қўшилди, деб суюнамиз, аммо умримизнинг бир йили ўтиб кетганига ачинмаймиз...

– Нима бало, чолларнинг гапини гапириб қолдингиз, – деди Зойиржон қулиб. – Айтадиганингизни тезроқ айтинг, томоқ тақиллаб кетди.

Ёдгор эзмалик қилиб юборганини сезиб, кизарди.

– Хуллас, мазмунли ҳаёт учун!

– Худбинлар, – деди Тамила. – Нега фақат сизлар гапирасизлар? Сўз – Чаросга.

Чарос бокал ушлаганча энтикиб қўйди.

– Соф муҳаббат учун!

Қарсак бўлиб кетди.

Ёдгор Дилшоднинг унга яна зарда аралаш қараб қўйганини илғади. Тагин ўзини айбдор санаб, юраги сикилди. Сигарет эзгилаб, балконга чиқди.

Муздек ҳаводан нафаси қайтиб, бир зум туриб қолди. Ҳамон қор ёғар, балкондаги қоғоз қутилар, эски пакир қор остида қолган эди. Ичганиданми, ҳаяжонданми, унинг боши айланар, юзлари ловиллаб ёнарди. Рўпарадаги каттакон бинонинг ҳамма деразаларида чироқ порлар, шодон учқунлар нур оғушида ўйнар эди. Ичкарида ҳамон куй янграр, Зойиржоннинг ҳазил гаплари, қувноқ қаҳқаҳа тинмасди.

Унинг кўз ўнгига яна Чароснинг пирпираб турган киприклари, Дилшоднинг норизо боқишлари келди... «Трамвайдан тушишингга ёрдамлашиб юбордим, деб ҳали севгиям изҳор қиларсан», деб ўйлади Ёдгор ўзига-ўзи хунук кўриниб. Шунча кундан буён шу қиз хаёли билан юрганини эслаб, юраги баттар сиқилди.

Бир оздан кейин балкон эшиги ғийқиллаб очилиб, ёпилди. У Тамила опаами, Зойиржонми бўлса керак, деган хаёлда қайрилиб қарамади.

– Ҳозир кираман! – деди сигаретини тутатиб. – Чекиб бўлай...

– Шамоллаб қолмайсизми?

Ёдгор овоз эгасини таниди-ю, ҳовлиқиб бурилиб қаради. Чарос балкон эшигига суяниб турарди. Унинг меҳрибон оҳангда гапиришидан Ёдгорнинг кўнгли мулоим ҳисларга лиммо-лим тўлиб кетди.

– Сизмидингиз, кечирасиз... – деди овози титраб.

– Ўша куни яхши етиб олдингизми? – деди Чарос анчадан кейин. – Мен сиздан хавотир олдим.

Ёдгор яна ҳаяжондан энтикди. «Мен ҳам, – деб ўйлади кўзларида қувонч порлаб. – Мен ҳам ҳар куни сени ўйлайман».

– Мен сизни бошқа кўрмасам керак, деб ўйловдим, – деди Ёдгор ўзини босиб.

– Мен ҳам... Мана, кўришдик...

– Уйга киринг, совук... – Ёдгор кўнглига келган гапни қийналиб айтди... – Кейин, кейин Дилшод ҳам хафа бўладилар, киринг, – у ҳарчанд уринмасин, овозида рашкка ўхшаган оҳанг борлигини пайқаб уялди. Чаросга қарамасликка ҳаракат қилиб, қоғоз қутига қўнган қорни оёғи билан сидириб туширди. У қизнинг кетишини кутарди. Аммо Чарос кетмади.

– Менга нима?! – деди у аччиқланган оҳангда. – У менинг ҳеч кимим эмас!

«Нима?! – Ёдгор ярқ этиб қизга қаради. – Нима дединг? Яна битта қайтар! Яна бир марта айтгин...» Унинг қалби нурга тўлиб, Чаросга термилиб қолди. «Наҳотки, наҳотки, шунақа бўлса! Бугун қанақа кун ўзи! Қанақа бахтли кун!»

Ёдгор ҳамон ўзини босиб ололмас, қизга термилган кўзларида олам-олам шодлик бор эди. Бир оздан кейин Чарос ичкари кириб кетди. Ёдгор сигаретини улоқтириб юборди-да, балкон панжарасига суяниб қолди. У қизиб кетган пешанасига қўнаётган қор учқунларини ҳам, мана шу муздек панжарани ҳам, нариги уйдаги деразалардан тушаётган нурни ҳам қучиб олгиси келарди шу топда.

Йўлакдан гўнғир-гўнғир товуш келди.

– ...Бу нима қилиқ? «Соф муҳаббат», «Журналда ўқиганман», рақс тушишлар. Нега мендан куласиз? Нима, ёш боламанми?..

Ёдгор Дилшоднинг овозини таниди. Унинг боядан бери тумтайиб ўтиргани кўз олдига келди. Аммо бу гаплар энди унинг ғашини келтирмасди.

Зум ўтмай Чароснинг овози келди:

– Менга хўжайинмисиз, нима ишингиз бор?

– Гап шу, кетасизми, йўқми?

– Йўқ!

– Бўлмаса мен кетдим.

– Хайр!

Ёдгор бу жанжалнинг айбдори ўзи эканлигини ҳис қилгани учун эшитгиси келмай, атайлаб хаёлини чалғитди. Қор учқунларини кафтига илиб ола бошлади. Аммо беихтиёр ўша ёқдаги гаплар яна қулоғига чалинди.

– Шу пайтда қаёққа борасиз, Дилшод? – Бу Авазнинг товуши эди.

Бирпасдан кейин эшик қулфи шиқирлади-да, жимлик чўкди.

Ёдгор хонага қайтиб кирди. Зойиржон диванга ёнбошлаб мудрар, ўқтин-ўқтин ҳикичоқ тортиб қўярди. Тамилла боласини кучоклаб ўтирар, Аваз ака стул суянчиғига кафтини кўйиб жилмайиб турар, Чарос эса дастурхонни янгилар эди.

– Келдингизми? – деди у Ёдгор кириши билан. Ёдгор унинг кўзларидан ташвиш ифодасини излади-ю, хотиржам қиёфасини кўриб, кўнгли жойига тушди.

Чарос чой олиб кирди. Яна қувноқ кайфият тикланди. Зойиржон уйғониб, тагин ичди.

– Тоға, мен кетаман, – деди Чарос анчадан кейин.

– Кўйсанг-чи, – Аваз ранжиб, кескин қиёфада қўл силтади. – Соат уч бўляпти, тентак.

– Нимадан кўрқаман? – Чарос кулиб, Ёдгорга қараб қўйди. Кейин илтимос қилгандай Аваз акага қаради. – Опам хавотир оладилар. Қайтаман, дегандим.

– Нега бўлмаса ҳали кетмадинг? Алламаҳал бўлиб колди-ку!

Чарос елкасини қисиб, ширин жилмайди.

Ёдгор қизнинг кўнглидагини ҳалиёқ пайқаб олган, хаяжонланиб ўтирарди.

– Мен кузатиб қўя қолай, – деди ўрндан туриб.

Чарос жилмайиб, унга қаради.

– Уйимиз узок, кишлокда турамыз. Студентлар шаҳарчасидан нарида.

– Яхши, йўлимиз бир экан, – деди Ёдгор Авазга қараб.

Аваз маслаҳат сўрагандек, хотинига қаради.

– Масалан, мен қоламан, – деди Зойиржон мудроқ кўзларини ярим очиб.

...Кўчалар чароғон эди. Еру кўк кумуш нурга тўлган, учқунлар унсиз парвоз қилиб, Чароснинг рўмолига, жигаранг пальтосига қўнар, Ёдгор унинг нозик елкалари, жажжи гавдасидан кўз узмай борар, секинроқ

юргиси, шу бахтиёр дамларни узокрок чўзгиси келар эди. Улар қорда чукур-чукур из қолдириб, жимгина келишарди.

Театр ёнидаги арча олдида бир зум тўхтаб қолишди.

Ёдгор кулиб юборди.

– Қаранг, шумтакаларнинг ишини!

Чарос ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулди. Шўҳ болакайлар қорбобонинг ҳассасига пақир илиб кетишибди.

Аллақаердан курант садолари келди.

– Эҳтимол, бошқа бир сайёрада ҳам Янги йил киргандир, – Ёдгор Чарос билан ёнма-ён бораркан, муздек ҳавони ҳузур қилиб симирди. – Бундай қараганда, ер кураши коинотда кум заррасидек бир гап. Биз одамлар шу зарранинг бир заррачасимиз. Шу ҳолимизга ташвишларимиз дунёни тутуди.

– Серташвиш одамлар бўлмаса дунё ҳам бўлмасди, – деди Чарос бурилиб қараб. Кейин этикчаси билан қор тепкилаб кулди. – Италияда Янги йил кечаси ортиқча нарсаларни деразадан улоқтиришаркан-а?

Ёдгор индамай бош силкиди.

– Бизда шунақа одат бўлса, энг аввал Дилшод акани ташлаб юборардим.

– Нега уни ёмон кўрасиз? – деди Ёдгор.

– Ёмон кўраман эмас, яхши кўрмайман. Опам бўлсалар ҳадеб мақтайдилар. Бугун ҳам юзларидан ўтолмасдан бирга келгандим.

Ёдгор индамади.

Уларнинг ёнидан – йўлгага яқин жойдан гуриллаб мотоцикл ўтди. Телпагини бостириб олган, қора қўлқоп кийган милиционер мотоциклини секинлатиб, шубҳа билан қаради. Кейин қорлик орасига кириб кетди. Мотор товуши анчагача ҳавони титратиб турди.

– Бир нарса сўрасам, кўнглингизга келмайдими? – деди Чарос анчадан кейин. – Отингиз нега Ёдгор?

– Нимаям қила олардик, отни чақалоқ ўзига-ўзи танлай олмайди. – Ёдгор ўйчан табассум билан Чаросга қараб қўйди. – Бу менинг иккинчи отим бўлса керак. Биринчиси нималигини билмайман. Чамаси, икки яшарлигимда мени чойхонадан топиб олишган экан. Билмадим, адашиб қолганманми ё онам бирон ерда очликдан узилиб қолганми... Ўшанда урушнинг охириги йиллари, қаҳатчилик экан. Чойхоначининг ёши олтмишга яқинлашганда кўрган ўғли ўлиб қолган экан. Ота-онамни сўроқлаб тополмаганидан кейин ўшанинг ўрнига Худо етказди, деб уйига олиб кетибди. Отимни Ёдгор қўйибди.

Чарос ўзи билмай унинг ярасига тегиб кетганини сезди, хижолат чекиб қараб қўйди.

– Кейин-чи? – деди атайлаб хушчақчақ оҳангда.

– Кейин мактабда ўқидим... Мактабгаям икки йил кечикиб борган эканман.

– Кейин-чи?

– Кейин чол-кампира вафот этишди.

– Кейин-чи?

Ёдгор қизининг атайлаб сўроқлаётганини, кўнглини кўтармоқчи эканини тушуниб, енгил тортди.

– Кейин интернатда ўқидим, ишладим.

– Кейин-чи?

– Кейин... – Ёдгорнинг юраги шув этиб кетди. «Кейин уйландим», демоқчи бўлди-ю, тили бормади. Ақалли шу бугун ташвишларни эслагиси келмади. – Кейин... ўқияпман, – деди секин, – архитектор бўлмоқчиман.

– Салкам ҳамкасб эканмиз, – деди Чарос қувониб. – Мен рассом бўлмоқчиман.

– Биладан, – Ёдгор жилмайди. – Театр ва рассомлик институтида ўқийсиз.

Чарос тўхтаб қолди. Ёдгор ҳам ўгирилиб қаради-ю, унинг кўзлари пирпираб кетганини кўрди.

– Қаёқдан биласиз? – деди Чарос товуши товланиб.

Ёдгор унинг овозида яширин қувонч борлигини сезиб, ўзи ҳам суюниб кетди.

– Биламан-да, – деди атайлаб сирли қилиб. – Кузда те-мурийлар даври санъатига бағишланган симпозиум олди-дан ўтказилган ҚВН мусобақаси эсингиздир? Беҳзод... Унинг шогирдлари Қосим Али... Яна ким эди, кўпроқ деҳқонлар ҳаётини тасвирлаган?

– Мир Саид Али, – деди Чарос Ёдгорга шўх бурилиб қараб. – ҚВНда элликка яқин талаба қатнашган эди-ку, ҳаммани эслаб қолган бўлсангиз, хотирангиз яхши экан.

– Институтларингиз ютиб чиққан бўлсаям, сиз-нинг хотирангиз зўр эмас экан, – Ёдгор кулди. – ҚВНда мен ҳам бор эдим. Нимагадир сизни айниқса эслаб қолгандим.

– Шунақами? – Чарос астойдил ажабланди. – Мен ўшанда жудаям ҳаяжонлангандим. Шунинг учун бўлса керак... – У юмшоқ қорни унсиз босиб бораркан, ўйчан тарзда қўшиб қўйди. – Кейин ҳам симпозиум матери-алларини кўриб чиқдим. Ҳамма мутахассислар Беҳзод билан унинг шогирдлари истеъдодли рассом бўлганини айтишибди. У даврда бошқа рассомлар ўз асарларига ди-ний мавзуни асос қилиб олишган бўлса, Беҳзоднинг ми-ниатюраларида ҳаётий воқеалар – ов, подшоҳлар сафари, табиат манзаралари тасвирланади. Хуллас, у реал ҳаётга яқин туради.

– Бу асарларнинг кўпи сақланиб қолмаганда-а?

Чарос Ёдгорга қараб қўйди.

– Афсуски, сақланиб қолмаган, ўн олтинчи аср инқирозидан кейин бор маданий ёдгорликлар ҳам йўқолиб кетган. Пайти келиб топилса, ажабмас.

Чарос жимиб қолди. Ёдгор шу топда унинг чуқур ўйга толганини, кипригига қўнаётган қорни ҳам, сочлари ҳўл бўлиб кетганини ҳам пайқамай бораётганини кўриб турарди. У бояги ўзига тааллуқли мавзу ўзгарганидан

кувонди. Бунинг устига Чарос ҳам ўзи ўйлаб юрган нарсани айтаётганини билиб, ҳаяжонланиб кетди.

– Билмадим, – деди куюнчак овозда, – мактабда та-рихни ёмон ўқитишганми, ўзимиз ёмон ўқиганмизми... Навоий, Ибн Сино, Улуғбек... Яна ким? Бошқаларнинг номиниям билмаймиз, шундай эмасми? Саккизинчи асрдан ўн олтинчи асргача Ўрта Осиё жаҳон маданияти марказларидан бири бўлганини мен ҳам энди билипман. Колумб Америкага тасодифан бориб қолишидан тўрт ярим аср илгари Беруний Ер куррасининг нариги томонида катта куруклик борлигини айтиб, Американинг тахминий харитасини чизиб берганини, Ер шарининг диаметрини аниқ ўлчаганини яқинда билдим. Хивага борганимда минг йиллик биноларнинг аниқ тригонометрик чизмалар билан қурилганини кўриб, оғзим очилиб қолди. Бундай лойиҳалар чизиш учун зўр мутахассис бўлиш керак. – Ёдгор саратон офтобида ёнган тор кўчаларни, пештоғига ранго-ранг жилоларда ғазал битилган саройларни эслади.

– Хивага борганмисиз?

– Йўқ, – деди Чарос сочига ёпишган қорни кафти билан сиририб, – Аммо ўқиганман. Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг орнамент безаклари жуда мураккаб дейишади. Ёзги таътилда бормоқчиман.

– Ўша даврда шундай ноёб иншоотлар бунёд этилганига ақл бовар қилмайди. Фан билан санъат шундай уйғунлашиб кетганки! Бинолар пештоқиға ўрнатилган сиркор безакларнинг кимёвий таркибини ҳалиям топиша олмаяпти. Демак, кимё фани ҳам ўша пайтда юксак бўлган экан...

– Самарқанднинг икки ярим минг йиллиги муносабати билан реставрация яхши бажарилган дейишади, аммо Хивада бу иш суст бораётган эмиш, шунақами? – деди Чарос Ёдгорга қараб.

– Тўғри, – Ёдгор ўйчан бош силкиди. – Шундай яхши мадрасаларнинг бирига аркон тўқиш артели жойлашган, бирига карвонсарой. Шаҳарга ҳар куни дунёнинг тўрт бурчагидан юзларча туристлар келади. Туризмдан тушган маблағнинг ўзига тарихий обидаларни бемалол таъмирласа бўлади. Ҳам давлатга фойда, ҳам обидалар яхши сақланади.

У чироқлар нурида осуда мудраётган кўчага тикилганча жимиб қолди. Кўча кимсасиз эди. Сўнгги бекатда қатор тизилган трамвайлар тўхтаб турар, баъзиларининг деразаларида чироқ кўринар, кўплари чироқсиз, томини қор босган эди.

– Чарчамадингизми? – деди у хаёл суриб кетаётган Чаросга.

– Йўғ-е, қор ёғаётганда юришни яхши кўраман, – Чарос шўхлик билан қор тепкилади. – Мен мактабда математикани яхши кўрардим, айниқса алгебрани. Қизиқ, алгебра деган сўзнинг ўзи Хоразмийнинг «Ал-Жабр» асари номи билан боғлиқ эканини энди билдим.

– Ўзимиз қизиққан соҳани чала-чулпа билиб оламиз-у, дунёда биздан кучлироқ мутахассис йўқдай гердайиб юрамыз, – деди Ёдгор кулиб. – Ҳамма соҳада ҳам ўтмиш билан келажакни боғлай билиш керакка ўхшайди. Донишманд боболаримизни саводсиз, деб бир чеккага йиғиштириб қўймасдан, ўшаларнинг ҳикматини ўрганишимиз керак.

– Масалан, сиз, – Чарос тўхтаб, диққат билан унга тикилди. – Обидаларнинг бирон нарсасини бугунги кун қурилишига татбиқ этармидингиз?

«Жуда амалий савол бўлди-ку», – деб ўйлади Ёдгор Чароснинг ҳўл киприклари орасидан синовчан тикилиб турган кўзларига қараб.

– Нега мумкин бўлмасин, мумкин, – деди анчадан кейин.

– Масалан, нимасини?

– Масалан, ташқи безагини. Бинолар шунчаки бошпа-на эмас, санъат асари ҳам бўлиши керак-ку.

– Лекин ҳаммага бир текис қаср куриб бериб бўлмайди-да.

– Тўғри, уй-жой муаммоси бутун дунёда биринчи даражали муаммо бўлиб турибди. Лекин бинолар бари бир ҳам кулай, ҳам чиройли бўлиши керак. Ҳеч бўлмаса саройлар, клублар, маъмурий бинолар қурилишида замонавий усул билан қадимий шарқ услуби уйғунлашиб кетса яхши бўларди. Ҳозир шундай қилиняпти. Турар жой бинолари масаласида ҳам муаммолар кўп. Ўн бешинчида студентлар илмий жамиятида докладим бор. Ўйлаб юрган баъзи гапларимни айтмоқчиман.

– Муваффақият тилайман, – Чарос тор кўча бошидаги симёғоч тагида тўхтаб, самимий жилмайди. – Уйга ҳам етдик.

Ёдгор хуши энди ўзига келгандек, атрофга аланглади. Тор кўчанинг икки четидаги каллакланган толлар бошида оқ қалпоқдек қор тўпланиб қолган, деразаларда чирок ўчган эди.

– Гап билан бўлиб пайқамай ҳам қолибман... Уйингиз ростдан ҳам чекка жойда экан, ўқишга қандоқ катнайсиз? – деди у Чаросдан кўз узмай.

– Айтдим-ку, кишлокда турамиз, деб. Бу ерлар энди шаҳарга қўшилди. Ўзи шаҳарга ўхшаса ҳам ҳозирча кишлок. Одамлари ҳам шунақа... – Чарос кулиб қўйди. – Ҳадеб келаверсангиз, сизнинг ҳам таъзирингизни бериб қўйишади.

«Майлийди, – деб ўйлади Ёдгор хаёлан жилмайиб. – Энди қачон кўришамиз? – Шу фикр лип этиб келди-ю, ўзини сўқди: – Нима ҳаққинг бор?!»

У кизнинг қор қўнган рўмолига, пальтосига узок қараб қолди. Рўмоли тагидан чиқиб турган сочларидаги

қорни силаб туширгиси келиб кетди. Аммо қизнинг жажжи кўлини қисиб, совуққина хайрлашди:

– Хайр.

Чарос тор кўчага чопкиллаб кириб кетаркан, Ёдгор юраги узилгандай, толга суяниб анча туриб колди. Зум ўтмай энг ичкаридаги ҳовли эшиги очилди. У оёғи музлаб кетгунча шу алфозда турди-да, кейин секин-секин юриб кетди. Осмон бўзариб қолган, Янги йилнинг тўнғич тонги туғилмоқда, қор сийраклашган эди.

* * *

Чарос ертўладан ўтин-кўмир олиб чиқаман, деб курумга беланди. Ўтинни «голланд» печкаси олдига ташлади-да, ювиниб келди. Кейин тараша килиб, олов ёқди.

Оқшом тушиб қолган, уй нимқоронғи, совуқ эди. Гургурт чўпининг ожиз алангаси аввалига аранг липиллаб турди-да, ингичка пайраҳага тегиб, ловиллатди. Кейин каттароқ пайраҳа ёна бошлади. Бора-бора печка гувуллаб кетди. Чарос унинг чўян эшигини беркитмай, чўнқайиб ўтирганча оловнинг ёнишини томоша қиларди. Ўтиннинг чарсиллаши сукунатни ўқтин-ўқтин бузиб кўяр, аланга яллиғи деворларда, буфет ойналарида ўйнардди. Осмоннинг қайси бир бурчида самолёт гувуллади. Уй деразалари зириллаб кетди. Сўнг яна сукунат чўқди.

Чарос болалигида ҳам оловга тикилиб ўй суришни яхши кўрарди. Балки бу одат кашшофлар лагерида сафарга чиқиб, гулхан ёқишганларидан қолгандир. Онаси уни ҳар йили болалар оромгоҳига юборарди.

Ҳозир у Ёдгорни ўйлар, Янги йил кечаси хайрлашганидаги қиёфаси кўз ўнгидан кетмасди. У йигитнинг совуқ хайрлашганини сезган, аммо сабабига тушунолмаган эди. «Ғалати йигит экан. Мағрурми-ей»...

Айвон эшиги очилди.

«Опам!» Чарос дик этиб ўрнидан турди. Васида Назаровна хонага кириб келди.

– Нега қоронғида ўтирибсан?! – деди чирокни ёқиб.

– Ўзим... – Чарос ҳозир ўйлаган хаёллари онаси олдида фош бўлиб қолаётгандек чўчиб, унга қараб кўйди.

Ташқари совуқ бўлса керак, Васида Назаровна сезилар-сезилмас ҳарсилларди. Чарос унга ачиниб қаради.

– Ҳозир чой қўяман...

– Йўқ! – Васида Назаровна қўл силтади. – ўтир, гап бор. – У қошини чимириб, диванни кўрсатди.

Чароснинг юраги увушиб кетди. У онасининг феълига ўрганиб қолган, жаҳли чиққанида овози шунақа, эркак-часига йўғон бўлиб кетишини билар эди.

«Дилшод ака чакқан, – деб ўйлади кўрқа-писа диванга ўтираркан. – Уятсиз...»

Васида Назаровна сумкасида сигарет олиб тутатди. Қўли билан тутунни ҳайдаб, Чаросга қаттиқ тикилди.

– Янги йил куни ким кузатиб кўйди?

Чарос индамасдан ерга қаради. Бармоқлари билан диван ёпғичини ўйнай бошлади. Онаси ҳамон жавоб кутиб турганини билиб, секин бошини кўтарди.

– Дилшод ака айтгандир...

Васида Назаровна қошини янаям керди.

– Бошқаларни ўртага сукмай тур!

Чарос яна ерга қаради. Онаси унга рост гапиришни ўргатган эди.

– Битта бола, – деди пичирлаб.

– Ким ўша «бола»?

Онаси сўнги сўзни киноя билан айтгани Чароснинг ҳамиятига тегди.

– Ҳар ҳолда, Дилшодингиздан яхшироқ бола, – деди қайсарлик билан лабини тишлаб.

– Қаёқдан била қолдинг яхшироқлигини? – Онаси унинг устига ёпирилиб келди.

Чарос онасининг семиз оёқларини кўриб турар, хозир жаҳлдан кўзлари ёнаётганини ҳис қилар, аммо бошини кўтармасди.

– Ҳар ҳолда, бировни ўртага солмайди.

– Нима биров, ким биров? – Васила Назаровна кўлини паҳса қилиб силкитди. – Мен сенга биров бўлиб қолдимми? Гапир!

Чарос кўз қирини ташлаб, онасининг ғазабдан қизариб кетган юзини кўрди. Фикрини тўғри тушунтира олмаганидан афсусланиб, индамай ўтираверди.

– Мен Дилшодингизни ёмон кўраман, – деди овози титраб. Кейин ёш тўла кўзлари билан онасига қараб кўйди. – Сиз менга ҳадеб мақтайверманг!

Васила Назаровна нари кетди. Сигаретини печканинг кулхонасига ташлаб, қаддини кўтарди.

– Дилшодни хоҳламасанг, гаплашма, – деди анчадан кейин босиқ товушда. – Ҳеч қачон сени мажбур қилмайман. Лекин сени яхши инсон бўлишингни хоҳлайман. Жуда эр-калатиб юбордим шекилли. – У яна Чароснинг тепасига келди. – Тақдирингни мендан бошқа ўйлайдиган одам йўқ. Гап шу, – деди яна овози жаранглаб. – ўша бола билан билар-билмас учрашмайсан. Бор, дарсингни қил!

Чарос хонасига кириб, ётиб олди. Кўз ўнгига Ёдгорнинг чеҳраси келди.

«Учрашаман! – деди кўрпага бурканганича пичирлаб. – Дилшоднинг шу қилгани учун ҳам учрашаман! Ўлсин алаmidан!»

* * *

«Нима бало, яхши кўриб қолган шекилли бу, – деб ўйлади Васила Назаровна хонанинг у бошидан-бу бошига бориб келаркан. – Бўлмаса йиғламасди».

У Дилшодни мактабга ишга келгандаёқ ёктириб қолганди. Бунинг устига унинг адвокат бўлиб ишлайдиган онаси қизликдан Василага Назаровна билан дугона эди. Назарида Чарос ҳам аввалига Дилшодни ёктиргандек бўлувди шекилли. Ким билсин, нима жин урди буни.

Яхши кўрмаса ўзининг иши. Лекин Василага Назаровна одамларга майна бўлишни хоҳламайди. Мактабда ҳамма ундан зир титрайди. Ўқитувчилар, директордан эмас, завучдан кўркамиз, дейишганини ўзиям эшитган. «Аввал ўзининг қизингни эплаб ол», деган таънани эшитишга тоби йўқ. Чарос ҳали ёш бола, ҳеч нимани тушунмайди. Эркак зотининг ҳаммаси бир гўр. Бошини айлантириб юриб-юриб, ташлаб кетса, додини кимга айтади.

Умуман, муҳаббат деганнинг ўзи бир пуллик гап. У буни яхши билади. Бўлмаса ўзининг ҳаёти шунчалик бўлармиди...

Василага Назаровнанинг куюнганича бор эди. У ўзининг чалкаш қисмати қизининг ҳам бошига тушишини хоҳламасди.

Василага ёшлигида олов эди. Ўшанда тўртинчи курсда ўқирди. Уни математика факультетининг комсорги қилиб сайлашди. У ўзининг принципиал раҳбар бўлишини кўрсатди. Бир куни институтга бола кўтарган жувон йиғлаб келди. «Кеча эрим овқатни шўр қилибсан, деб урди. Қачон қараманг, ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ, деб турткилайди. Койиб кўйинглар, сизларда ўқийди», деди ёлвориб.

Комсомол зўр куч эди ўшанда. Василага мажлис чақириб, талабани шартга институтдан ҳайдаттириб юборди. Йигит унинг оёғига йиқилгудек бўлиб узр сўради. Аммо Василага кечирмади. У хотинига қўл кўтарган одамдан педагог чиқмайди, деб билар эди. У кезлари, умуман, комсомол аралашмаган иш йўқ эди. Яна бир сафар институт домласи ўз талабасига уйланмоқчи бўлганида нари обориб, бери обкелишди.

Васила яхши талаба, яхши ташкилотчи эди. Факультетда ҳамма ундан чўчирди.

Бешинчи курсга ўтганида Мўминжон деган бир аспирант унга ошику беқарор бўлиб қолди. Ўзиям мўмин-қобилгина эди. Васила бу йигит ўзини ҳар кўрганида эсанкираб қолишини, худо билсин, кечаси билан ўйлаб келган гапларини айтолмай, довдирашларини кўриб завкланарди. Йигит бир йилча судралиб, унга осилиб юрди. Бора-бора Васила ҳам уни ёқтирадиган, янги очилган Навоий театрига томошага тушадиган бўлди.

Хуллас, институтни битириб, мактабга ўқитувчи бўлиб жойлашганидан кейин тўйлари ўтди. Мўминжон уни еру кўкка ишонмас, овқат қилса пиёз тўғраб берар, кир ювса сув иситарди. Васила бахтиёр эди, орзулари каттайди. Ўзи ҳам аспирантурага киришга қарор қилди. Институтда шуни ваъда қилишганди. Ҳомиладор бўлди-ю, бутун орзулари қорга ёзиб, офтобда қуритиладиганга ўхшаб қолди. Йўқ, Васила жамият учун фойдали одам бўлишни истарди. У билими эриникидан қолишмаслигини, яхши олим бўлишини билар эди. Бир куни аборт қилдирмоқчи эканини эрига ётиғи билан тушунтирди.

Тили билан тенг айланадиган Мўминжон бирдан ўзгарди. «Жамиятга яхши фарзанд етиштириб бериш – бахт эмасми, ишлаб юрибсиз-ку, аспирантура қочмас», – деб тўнғиллади. Васила қараса, эри уни уй қули қиладиган. Ўйлай-ўйлай аниқ қарорга келди-ю, жон ховучлаб бўлсаям боласини олдирди.

Шу-шу оиладан путур кетди. Мўминжон уни силтайдиган, ичадиган одат чиқарди. Охири бир куни уйда кутилган жанжал чиқди. «Қараб тур, кўзингни ўйнатиб сендан минг чандон яхшисини топаман», деди Васила қасдлашиб. Топди ҳам. Мактабларига амалиётга келган ёшгина, чиройли талаба йигитга турмушга чиқди.

Уй-жой Василанинг номида эди. Мўминжон папкасини қўлтиклаб, чиқиб кетди.

Васила энди илмий ишга киришмоқчи бўлганида мана шу Чарос бўйида бўлиб қолди. Бу сафар бола олдиришга ўзиям кўрқди. Аввалига Василанинг ҳар сўзини ҳукм деб биладиган Абдурахмон бирдан айнаиди. «Сен менга алдаб тегиб олгансан», деб тўполон кўтарадиган бўлди. Васила эндиам турмуши бузилишини истамас, эл-юрт олдида уялар, қай йўл билан бўлмасин, Абдурахмонни тутиб қолишга уринарди. Бари бир, қумдан қаср ясаб бўлмас экан. Абдурахмон очикдан-очиқ бошқа бир қиз билан «юриб» кетди. Одам бахтсиз пайтида айбни ўзгалардан излайди. Васила: «Муҳаббат дегани шу бўлса, уйи куйсин! Эркак зотининг падарига лаънат», деган қарорга келди. Абдурахмон ўқишини битириб, қишлоғига – Чимёнга кетиб қолди. Чамаси, у Василанинг ялиниб боришини кутган бўлса керак. Йўк, у ялинмади.

Бир куни у Абдурахмоннинг уйланганини эшитди. Эшитди-ю, юраги жиз этди. Негадир Мўминжонни эслади. «Қирилсин, ҳаммаси бир гўр!» – деди нафратланиб. Ўзини ишга урди. Мана, обрў-эътибор топди. Илмий бўлим мудури бўлди. Аввал Васила эди, Васила Назаровна бўлди. Шунча қийинчиликлари эвазига топгани ҳам, тутгани ҳам мана шу Чарос бўлиб қолди.

У қизини яхши ўқитди. Эркин ўстирди. Қишлоқ қизлари орасида биринчи бўлиб Чарос велосипед минди. Биринчи бўлиб Чарос коньки учди. Ҳа, у Чароснинг йўлига тўғаноқ бўлмайди. Ўзи шунақа ота-оналарнинг таъзирини бериб келяпти. Лекин унинг бахтсиз бўлишиниям хоҳламайди. Ишқ-севги деганлари ўткинчи бир ҳавас, холос.

...Девордаги соат даранглаб, ўн бир марта занг урди. Унинг садолари уй ичида анчагача тебраниб турди. Ва-

сила Назаровна дивандан туриб, яна чекди. Чароснинг хонасига ўтди. Қизи кўрпага бурканиб олган эди. Чарос ухляптимми ё атайлаб ўзини ухлаганга солиб ётибдими, у билолмади. Бирпас тепасида турди-да, ҳали йиғлаганини ўйлаб, юраги эзилди. «Тентак киз, аллақанақа «бола» деб йиғлаб ўтирибди-я!»

* * *

Архитектура кафедрасининг мудирини – силлиқ қиртишланган қип-қизил бошли доцент каварик кўзойнагини қаншарига қўндириб, қўлидаги рўйхатга қаради.

– Энди учинчи курс студенти Ёдгор Мирзаев «Қурилиш эстетикаси ва тураржой биноларини маҳаллий шароитга мослаштиришнинг баъзи масалалари» ҳақида маъруза қилади. Илмий раҳбари санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Валиев.

Ёдгор ўртарокдаги қаторда ўтирган эди. Карнай қилиб ўралган чизмасини қўлга олиб ўрнидан тураркан, оёқлари бўшашиб кетганини ҳис қилди. Икки қатор столлар орасидан ўтиб бораётиб, ҳамма ўзига қараётганини сезди-ю, баттар ийманди. У бу ерда юқори курс талабалари кўплигини билар, шунинг учун ҳаяжонини босиб ололмас эди. Бунинг устига кеча илмий раҳбари йиғилишга қатнаша олмаслигини айтган эди.

Кафедрага чиққандан кейин дафъатан, гапни нимадан бошлашни билмай қолди.

– Гапираверинг, – деди кўзойнакли доцент далда берган оҳангда.

– Бултур мен Хоразмга боргандим, – деди Ёдгор кафедранинг киррасига қараб. Кейин фикрлари куйилиб келаётганидан қувониб, ўзини босиб олди. – Хоразмда кўпинча уйларнинг деразаси кўчага қаратилмайди. Биринчи марта кўрган одамга ғалати туюлади. Уйлар-

нинг пештоқига сувоқ аралаш кўзгулар ёпиштириб кўйилганини кўриб ҳайрон қолдим.

Ёдгор залга қараб олди-да, хотиржам давом этди:

– Нега шундай қилишган? Негаки, инсон ҳамма ерда, ҳамиша гўзалликка интилади. Биз ўз ишимизга фақат қурилиш деб эмас, санъат деб ҳам қарашимиз керак. Шундай қиялпимизми? Оддий бир мисол: Чилонзорга борсангиз адашиб қоласиз. Ҳамма уйлар бир-бирига ўхшайди.

– Зилзилада қаёқда эдингиз? – деди залдан кимдир луқма ташлаб.

Ёдгор довдираб қолди.

– Келесда...

Залда қувноқ қаҳқаҳа кўтарилди.

Доцент ҳам кўзойнагини столга ташлаб, қотиб-қотиб қулди. Кейин ручка билан залга таҳдид қилди:

– Жим...

Аммо зал ҳадеганда тўхтамади. Қайтага ғовур-ғувур бўлиб кетди.

– Зарур бўлгандан кейин қуришган-да.

– Ҳозир зарур эмасми?!

– Туғилиш кўп.

– Тошкентга кўчиб келаётганлар ундан кўп.

Ёдгор зал тинчигунча ўзини босиб олди.

– Тўғри, – деди ўзиям қулиб. – Зилзилада мен Келесда эдим. Қурилишда ишлардим. Аммо Чилонзорда зилзиладан илгари қурилган уйлар ҳам бир-биридан фарқ қилмайди. Рост, зилзиладан кейин уй-жойларни қай тарзда қуриш керак, деган масаладан кўра қанча қуриш, қачон битказиш керак, деган масала муҳимроқ эди. Кўчада, палаткаларда ётган одамларни жой билан таъминлаш зарур эди. Шунинг учун ҳам кўп боғлар йўқ қилиб юборилди. Лекин тез муддат ичида одамлар бошпана билан таъминланди. Аммо энди-чи?!

Ёдгор жиддий сукунат чўмган залга қараб қўйди.

– Ҳозир кўчада қолган одам йўқ. Лекин ўша камчилик энди одат тусига кириб қолди. Югославияда қадимий анъана бор экан. Ҳар бир йигит вояга етганида ўттиз туп дарахт ўтқазиб кўкартириши керак экан. Бизнинг ота-боболаримиз ҳам жой олиш, иморат қуришдан олдин дарахт ўтқазишни одат қилган. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Бир дарахт вояга етиши учун камида бир йигит умри керак. Ҳолбуки, ҳозирги техника билан уйни тиклаш учун ярим йил кифоя.

– Жон бор бу гапда, – деди кимдир секингина.

Ёдгор аудиторияга хотиржам назар ташлади.

– Менимча, табиатни иложи борича асраб қолиб ўй қуриш, бинокорлик эстетикасининг бир бўлаги бўлса керак...

Кўп қаватли уйлар қуриш масаласига келсак, аввало, бизда сифат паст, – деди Ёдгор ўйлашиб. – Қўлингизни чўзсангиз, шифтга тегади. Бир одам: «Тошкент иссиқ шаҳар, бу уйларда ҳаво етишмайди», деса, аллақайси овар: «Ҳавони кўчага чиқиб ола қол», деган экан.

Уйларни маҳаллий шароитга мослаштиришнинг яхши мисолини Пушкин кўчасидаги биноларда кўришимиз мумкин. Бу уйларда балкон кенгайтирилиб, ёпиқ айвон ҳолига келтирилган. Бизнинг шароитда айвонсиз тирикчилик қилиб бўлмайди.

Ёдгор залнинг жимжит бўлиб қолганидан рухланиб, қувонди.

– Уйларнинг архитектураси масаласига келсак, Франциянинг «Камью» фирмаси лойиҳаси билан қурилаётган тўққиз қаватли бинолар бор. Улар кўзни зериктирмайди. Негаки, ташки девори бир тусда эмас. Бетон конструкцияларга заводнинг ўзида сайқал берилган. Ҳам чиройли, ҳам ранг-баранг. Менимча, уйсозлик комбинатларида шундай конструкциялар ишлаб чиқаришни кўпайтириш керак.

– Ҳозир ҳам ишлаб чиқариляпти, – деди кимдир.

– Тўғри, – Ёдгор овоз чиққан томонга қаради. – Лекин юзларча уйлар бир хилда, сайқал берилмаган, кулранг ёки сариқ плиталар билан қуриляпти. Яна бир муаммо бор. Балкониға кир осганларни кўча ҳуснини буздинг, деб уришишади, газеталарда бошлаб танкид ҳам қилишади. Хўш, жой бўлмаса, ҳовли бўлмаса, кирини қаёққа оссин? Менда бундай таклиф бор. Хомаки таклиф. – У чизмани очиб, залга кўрсатди. – Ёнма-ён хонадонларга мана шунга ўхшаш кир осадиган жой ажратиш керак. Бундай хонани ҳар икки хонадонга биттадан ажратса бўлади. Бу хонани ойнабанд айвон вазифасини ҳам ўтайдиган қилиб мослаштириш мумкин.

Кўзойнакли доцент келиб, унинг қўлидан чизмани олди. Диққат билан тикилиб қаради-да, маъқуллаб бош силкиди.

Муҳокамага чиққан юқори курс талабаларидан бири – озғин йигит Ёдгорнинг таклифларини нореал, деб топди.

– Тошкентдаги уйларнинг шифтини баланд қилиш, умуман, мумкин эмас. Бу нарсани бошида ўйлаш керак эди. Сабаб: бутун-бутун уйсозлик комбинатлари шу нусхада бетон конструкциялари ишлаб чиқаряпти. Агар Мирзаевнинг гапига амал қилинса, заводнинг ўзини реконструкция қилиш керак. Унга кетадиган маблағни Мирзаев чўнтагидан тўлайдими?

Яна бир талаба – чамаси, тўртинчи курсда ўқиса керак (Ёдгор уни беш-олти марта кўрган эди) – дўмбоққина қиз қизишиб гапирди:

– Сиз скептик экансиз! – деди бояги йигитга бармоғини бигиз қилиб. – Ким сизга айтди, бир умр шундай конструкциялар ишлаб чиқарилади, деб?! Қурилиш тўхтамас экан, янги уйсозлик комбинатлари ҳам ишга тушаверади. Ўша комбинатлар ишлаб чиқарадиган маҳсулотга Мирзаевнинг таклифларини ҳам жорий этса бўлади. Биз

фақат бугунни эмас, қирқ-эллик йил кейинги ҳаётни ҳам ўйлашимиз керак. Дарахтларни қийратишга чек қўйиш масаласи эса худди бугунги кун муаммоси!

Ёдгор жим ўтирганча баҳслашаётган талабаларга кулоқ солар, ўз фикри тўғри эканига шубҳа қилмас эди.

Охирида кафедра мудирини ҳам унинг таклифини маъқуллади:

– Тўғри, – деди у кўзойнагини йилтиллаётганча залга қараб. – Булар дарров ҳал бўлиб қўя қоладиган муаммолар эмас. Неча йилдан буён бўлаётган баҳснинг давоми. Аммо диққатга сазовор таклифлар.

... Ёдгор йўлакка чиқди-да, бир лаҳза тўхтаб қолди. Пешанасида қалққан терни артди. Ҳозиргина залдан чиққанлар ўзига қараб-қараб ўтаётганидан ийманиб, бошини қуйи солди. Негадир, чеккиси келди. Шу пайт кўз ўнгидан ўтаётган сон-саноксиз чехралар орасида жуда таниш, жуда азиз бир сиймо кўриниб кетди. Ёдгор бошини кўтарди-ю, йўлакнинг нариги томонида, дераза раҳига тирсаги билан таяниб турган Чаросни кўрди. У қизил шарф ўраб олган, жажжи сумкасини ушлаганча кулиб турарди.

«Келибди, атайлаб келибди», деб ўйлади қувончдан юзлари ловиллаб.

Чарос унинг қўлини маҳкам қисди.

– Яхши гаплар айтдингиз.

Ёдгор «шунчаки бир гап-да», дегандек қўл силтади-ю, аммо кўзларидаги нур шодлигини ошкор қилиб қўйди. Йўқ, у ўз таклифини гапиргани учун эмас, мана шу киз – Чарос келгани учун бахтиёр эди.

Кўчада қуёш чарақлаб ётар, дарахтларнинг эгик шохларидан тап-тап этиб қор тушар, оёқ ости юмшоқ эди. Санъат саройининг олдидан ўтишаётганида Ёдгор бир кино афишага, бир Чаросга қараб қўйди. Аммо Чароснинг индамай кетаётганини кўриб, фикридан қайтди.

Саройдан гурас-гура одамлар чиқди.

Стадионга кирмаймизми? – деди у Чаросга қараб.

– Бўпти!

Ёнма-ён боришаркан, Ёдгор қиздан кўз узмас, бахти-ёрлик туйғусидан маст бўлганга ўхшар, негадир ҳадеб жилмаяр эди. У шу кунларда Чаросни соғинганини, уларнинг уйи олдига икки марта бориб келганини айтгиси келар, аммо тили бормасди.

– Ҳовлинглар катта экан... – деди у ниҳоят чидолмай.

Чарос унга ярқ этиб қаради. Кўзларида севинч учқуни бир лаҳза ловиллаб кетгандек бўлди. Ёдгор унинг бу қарашидан «бордингизми?» деган савол уқди.

– Нималарни кўрдингиз? – деди Чарос жилмайиб.

– Сўриларингизнинг панжараси чиройли экан.

– Яна?

– Ошхонангиздаги деразанинг бир кўзи синибди.

– Яна?

– Водопроводингиз музлаб қолибди.

– Уни эритдик... Яна?

– Деразаларингга йўғон темир панжара тутилган экан.

Сизни ўғирлаб кетишмасин, дейишса керак.

– Тўғри... Тагин?

– Тагин? Қоп-қора, баджаҳл кучугингиз бор экан.

Чарос шодон кулди.

– Шуми?

– Шу.

– Яна бошқа нарсалар ҳам бор. Опамлар борлар, косов бор, супурги бор.

Ёдгор ҳам самимий қаҳқаҳа урди.

– Ҳар қалай, супурги тузук, юмшоқроқ.

Стадион дарвозасидан киришлари билан, узоқдан йигирма қаватли бино кўринди. Икковлари ҳам беихтиёр ўша томонга бурилиб қарашди.

– Марказ чиройли бўлиб кетди-а, одам суюнади, – деди Чарос мамнун жилмайиб. – Хиёбон, музей, анави бино...

– Сездингизми, мана бу бинода ҳам, музейда ҳам, «Зангори гумбаз» ошхонасида ҳам кўзга ярқ этиб кўриниб турадиган бир нарса бор. – Ёдгор Чаросга ғолибона қараб қўйди. – Эсингиздами, Янги йил куни қадимий обидаларни замонавий қурилишларга қандай татбиқ этса бўлади, деган эдингиз. Музейдаги мрамор панжаралар, «Зангори гумбаз»нинг ўзи, ана – йигирма қаватли бинонинг ҳаворанг деворидаги жимжимали безаклари шунга мисол бўлади, тўғрими?

Чарос унинг ёш болалардек ҳовлиқиб, қувониб сўзлаётганидан завқланди, киприкларини туташтириб, жилмайиб қўйди:

– Аммо-лекин, тураржой бинолари бир қолипда қуриляпти, деган бояги гапингиз тўппа-тўғри, – Чарос тоғаси айтиб берган воқеани эслаб, кулиб юборди. – Тамила кеннойимнинг кекса отаси бор. Янгийўлда туришади. Ёзда бозорга мева-чева олиб келаркан-да, тоғамникида ётиб юраркан. Подъездлар бир-бирига ўхшайди-ку. Уйни топсаям, подъезддан адашиб кетаркан. Пастдан туриб, овозининг борича кеннойимни чақираркан. Бир ҳафтача шундай қилганидан кейин беҳато топиб келадиган бўлибди. Тамила кеннойим, энди дадам ўрганиб қолди, деб суюнса, бир куни отаси уйнинг нариги бошида довдираб юрганмиш, – Чарос яна кула-кула Ёдгорга қараб қўйди. – Амаки адашмаслик учун йўлак эшигига тарвуздек тош қўйиб қўйган экан. Ўша куни болалар ўйин қилиб тошни юмалатиб, энг охириги подъездга обориб қўйишибди. Амаки бундан беҳабар, бировнинг эшигини тақиллатиб, эсгинаси кетибди.

Ёдгор чолнинг соддалигидан ҳузур қилиб кулди. Қор босган зиналардан кўтарилиб боришаркан, Чарос пойабзал фабрикаси томонни кўрсатди.

– Қаранг, бу ёқдаям қурилиш...

Ёдгор эриётган қор ҳовури жимирлаб турган тиниқ осмонга санчилган кранларни кўрди. Олисда – паст-баланд бинолар устида одамлар куйманиб юрар, кранлар темир паҳлавонлар сингари қўл чўзиб, оҳиста бурилар, ора-чора уларнинг ғариллаган товуши қулоққа чалиниб коларди.

– Ҳа, қурилиш тўхтамайди, – деди Чарос, – Зилзиладан кейин бутун шаҳар кранлар ўрмонзорига ўхшаб кетган.

– Келесда зилзила билинмаган ҳам эди, – деди Ёдгор Чароснинг олисларга қадалган кўзларига қараб. – Бу ерда кўрқинчли бўлгандир?

– Унда мен мактабда ўқирдим, – Чарос зилзила кечасининг даҳшатли тафсилоти яна кўз ўнгида жонланиб, қошларини чимирди. – Ўша кеча мен тоғамникида ётиб қолгандим. Улар Хадрада, театрнинг орқасида туришарди. Кечқуран кетаман, десам, Тамила кеннойим кўймади. Анчагача гаплашиб ўтирдик. Кейин кеннойим диванга жой солиб берди. Энди ухлаган эканман, биров дивандан улоктириб юборгандай бўлди. Бир нима гумбурлаб кетди. Сервантдаги чойнак-пиёлалар шарақлаб, осмон ёп-ёруғ бўлиб кетди. Югуриб айвонга чиқдим. Бошқа хонадан тоғам билан кеннойим чиқиб келишди. Ўша кунлари газеталарда Икар деган комета Ерга яқинлашиб келаётибди, деган шов-шув бошланганди. Мен Икар Ерга урилди, деб ўйлабман. Йўқ, тоғам ер кимирлади, деб бизларни ховлига бошлаб тушди. Чирок ўчиб қолган, кўникўшнилари бир-биридан аҳвол сўраган. Кун ёришганидан кейин чирок ёнди. Шоша-пиша радиони кўйсак, қайси завод Май байрами шарафига планни муддатидан илгари бажарганини гапириб ётибди. – Чарос мийиғида кулиб кўйди. – Опамлардан хавотир олиб, уйга югурдим. Зилзила ростдан ҳам ёмон бўлганини кўчага чиққанимдан кейин билдим. Кўп уйларнинг девори қоқ ажраб кетиб-

ди. Одамлар нимагадир трамвай-троллейбусга ўтирмай, тўда-тўда бўлиб пиёда кетишяпти. Уйга келсам, опамлар тоғамларникига кетибдилар... Йўқ, кўп ўтмай хашарчилар кела бошлади. Кўчаларда: «Тошкентни энг чиройли шаҳарга айлантирамиз», деган шиорлар пайдо бўлди. – Чарос Ёдгорга қараб қўйди. – Қаранг, ҳақиқатан ҳам шундай бўлди-да!

– Менга, айниқса, битта нарса таъсир қилганди, – деди Ёдгор газетада ўзи ўқиган хабарни эслаб. – Ўшлик бир қизалоқ атлас қўйлак оламан, деб йиғиб юрган беш сўм пулини боғча қуринглари, деб юборибди.

Улар марказий минбардаги панжара олдида тўхташди.

Стадион бўм-бўш эди. Ўриндиқлар оппоқ. Югуриш йўлчалари кураб тозаланган, майдонга эса қор уйиб ташланган эди. Ҳувиллаган стадион негадир ғариб кўринарди.

– Бахорини кутиб ётибди! – деди Ёдгор майдонни кўрсатиб.

– Қизиг-а, – деди Чарос стадиондан кўз узмай. – Битта тўп кетидан йигирма киши югуради. Олтмиш минг одам томоша қилади. Шунинг нимаси ҳавас?

Ёдгор, Чарос бу гапни ҳазил қилиб айтаётганини тушунди.

– Ўзларинг-чи? Аллақанақа бир ателье мини юбкани реклама қилса, ҳаммангиз ўша ёққа югуриб қоласизлар.

Чарос «шайтонсиз», дегандек кулиб қўйди.

Ёдгор ошириб юборганини сезди-ю, гапни чалғитиш учун майдонга имо қилди.

– Шунақа қорда чанғи учса бўладими?

– Биласизми?

– Билмайман.

– Мен биламан! – Чарос бошини бир ёнга ташлаб кулимсиради. – Чанғи тоғда учишли бўлади. Чимёнга бора-мизми? Чанғи базаси бор.

Ёдгор тараддудланиб қолди. Чароснинг дилидаги истакни билиб қувонар, аммо кўнглида чалкаш туйғулар тугён ура бошлаган эди. «Энди бу кизни кўрмасанг, туролмайсан. Лекин бари бир алдаяпсан-да», деб ўйлади у ўзидан ғижиниб.

– Бувимларни ҳам кўриб келамиз, – деди Чарос ундан кўз узмай.

Ёдгор нохуш хаёлини базўр нари суриб, сўради:

– Бувинглар ўша ерда туришадими?

Чарос бош силкиди.

– Яқинда дадамлар ҳам институтга келиб кетдилар.

«Институтга нега келади?» – деб ўйлади Ёдгор савол назари билан қизга қараб.

Чарос тушунди.

– Дадам кетиб қолганларида мен чақалоқ эканман. – У отасининг кетиб қолгани учун ўзи айбдордек қизарди. – Айб опамдами, дадамдами, бунисини билмайман. Дадам Нукусда ишлайдилар. Ҳар гал бувимни кўргани келганларида мениям қидириб топадилар. – Чарос маъюс жилмайиб қўйди-да, охиста юриб кетди. Унинг ҳозирги қиёфаси, шунчалик юрагини очиб гапириши Ёдгорни ларзага солди. Яна ўзини ёмон кўриб кетди.

* * *

Ким ўз юрагини ўзи суғуриб олгиси келади? Кафтига кўнган қуёшни улоқтириб юборишга кўзи қиядиган одам борми?

Ёдгор неча йиллардан буён алланечук бўм-бўш бўлиб ётган юрагини ёритган, иситган қуёшни қандоқ қилиб улоқтирсин?! Ҳаёти энди мазмун касб эта бошлаганида, қалби энди нурли туйғуларга тўла бошлаганида қандоқ қилиб воз кечсин?!

Ҳа, у билар эди. Бир вақтлар орзулари сароб бўлиб чикқанида, олтин деб шиша парчасини ушлаб олганини кўрганида, Азизанинг уйидан чиқиб кетаётганида қачондир чинакам бахтини учратишини билар эди. Мана, учратди ҳам. У худди мана шунақа қизни топишини биларди. Топди ҳам, тақдирнинг ўзи уларни топиштирди. Мана у, мана, ёнида ўтирибди. Ёдгор унинг шодон кулгисини эшитяпти, ҳароратли нафасини сезиб турибди. Бир вақтлар Ёдгор елиб-югуриб яқин келган сайин ундан бир олам нарига қочадиган саодат энди ўз оёғи билан унинг ҳаётига кириб келяпти.

Лекин Чарос-чи?! Кимнинг юрагига қаср қураётганини у билмаса, Ёдгор билади-ку! Ўзининг гард қўнмаган, нурдек пок туйғуларини кимга ишониб топшираётганини у билмаса, Ёдгорга аён-ку!

Ёдгор Мирза буванинг чойхонасида дастёрлик қилиб юрганида бир кўр киши ҳар куни келиб, чой ичиб кетарди. Қишлоқдагиларнинг ҳаммаси уни танир, онадан кўзи ожиз туғилганини айтишар эди. Ҳар сафар шу кишини кўрганида Ёдгорнинг юраги эзилиб кетар, негадир уялар эди ундан. Ўзи кўриб турган нарсаларни бу одам кўрмаётгани учун ўзини айбдордек санар эди. Кейинги пайтларда Чарос билан учрашганида ҳам шу туйғу тарк этмай қўйди уни. Ҳа, у кўрган нарсаларни Чарос кўрмаяпти, унга аён нарсани Чарос билмайди. Аммо билиши керак. Шу бугун билиши керак!

Ёдгор автобус деразасидан хомуш термилиб борар, Чарос алланималарни шодон-шодон гапирар, деразадан ташқарига имо қилиб, бир нималарни кўрсатганча тушунтирар, Ёдгор шуурсиз тарзда бош силкиб маъқуллаган бўлар, аммо ҳеч нимани кўрмас, эшитмас эди.

– Тушдик! – деди бир маҳал Чарос.

Ёдгор ҳушини тўплаб, ўрnidан турди. Машинадан тушишлари билан муздек ҳаво ўпкасини тўлатиб юборди.

Чор-атрофини ўраб олган оқ-кўкиш тоғлар орасида кўрди ўзини. Чўққилар шундоқ боши устида турганга ўхшар, совуқ уфулар эди.

Гузарда одам сийрак, айвонга ўхшаш усти ёпиқ бекатнинг омонат скамейкасида қалин кийинган уч-тўрт эркак билан, рўмолини ияги аралаш ўраб олган бир хотин ўтирар, нарироқдаги майдончада қулоғини қийиқча билан ўраб олган кадобпаз елпиғичини силкитиб, тутун бурукситар, ўқтин-ўқтин қичқириб кўяр эди:

– Еганлар дармонда, емаганлар армонда. Ишкалад, ишкалад!

Тўрт йигит, шундоқ қор устида туриб кадоб чайнашар, саҳардан ичиб олишган шекилли, шанғиллаб бири-бирига гап маъқуллашар, кўзлари қизариб кетган эди. Улар бараварига бурилиб қараб, Чаросга суқ билан тикилиб қолишганини кўрди-ю, Ёдгорнинг ғаши келди.

Чарос ҳаммасини тушунди шекилли, жилмайиб Ёдгорга қаради:

– Кетдик.

Эшигида одамлар уймалашган озиқ-овқат дўкони, деразалари буғланиб кетган чойхона олдидан ўтиб, юқорилаб кетишди.

Пастак уйларнинг лойсувоқ томлари яхшилаб куралган, икки томондан тушган қор тор кўчани тўлдириб юборган, чеккада ингичка сўқмоқ йўл қолган эди. Ёдгор тор сўқмоқдан юриб бораркан, Чарос «келяпсизми», дегандек орқасига бурилиб, қараб-қараб кўярди. Ёдгор боядан бери хаёлига келмаган андишани энди ўйлади.

– Бувингизга нима деб таништирасиз?

Чарос қайрилиб қараб, қўл силтади.

– Сўрамайдилар.

Эллик қадамча юрганларидан кейин, чапга бурилиб, яна худди шунақа тор кўчага кирдилар. Қаердадир, олд томонда, пастда сой шовуларди. Яна бир оз юргач, Ча-

рос тўхтади. Ёдгор қаршисида турган олти-етти ёшлардаги болакайни кўрди. У жажжи беқасам чопон кийиб, кулоқчинни бостириб олган, коп-қора кўзлари милтиллаб ёнар, судраб келаётган чанасининг ипидан ушлаб турарди.

– Бурнинг окиб кетибди-ку, – деди Чарос.

Бола бурнини бир тортиб кўйди-да, шу билан иши битгандай, салом берди.

– Аянг уйдадилар?

– Баннисадалар. Бувим борлар, – деди бола негадир Чаросга эмас, Ёдгорга қараб.

– Бу – жияним, – деди Чарос тушунтириб.

Бола чанасини орқага қайтариб, йўл бошлади.

Пастак эшикни очиб киришлари билан чап томондаги кўй кўраси олдида ётган кулоқ-думи кесилган каттакон козоки ит шамоллагандай бўғиқ овозда «ҳов» деб кўйди.

– Кўркманг, бойлоқ, – деди бола.

Ёдгор бир лаҳза тўхтади-ю, ҳовли каттакон олмазор эканини, дарахтларнинг ҳаммаси негадир бир томонга ёнбошлаб ўсганини пайқади. Олмалар шохида қизил тўш саъвалар учиб-кўниб турарди. Этак томонда девор кўринмас, боғ, афтидан, сойга туташиб кетган бўлса керак, ўша ёқда сув шовулларди.

Ўнг томондаги уй эшиги очилиб, узун қора бахмал чакмон кийиб олган кичик жуссали бош яланг кампир чикди.

– Вой айновний! – деди кампир оқсоқланиб илдам келаркан. – Бормисан, қизим? – У Чароснинг у юзидан бу юзидан ўпиб, узоқ кучиб турди. Кейин эски танишлардай Ёдгорнинг ҳам елкасига қоқди. – Келинг, жон болам! Дадангиз, онангиз саломатгина юришибдими?

Ёдгор Чаросга эргашиб, пастак уйга кирди. Бозиллаб турган танчага ўтиришди.

Кампир фотиҳа ўкиди. Чарос билан узоқ аҳвол сўрашди. Яна Ёдгорнинг соғлиғини, ота-онасининг саломатлиғини суриштирди.

Ёдгор ташаккур билдириб, хижолат чекканча, уйни томоша қилган бўлди. Токчаларда баркаш-чайнаклар турар, бурчакдаги сандиқ устига кўрпалар тахлаб қўйилган, уй ичида исириқ хиди кезар эди.

Кампир дарров дастурхон ёзиб, баркашдек келадиган юпқа нонлар келтириб қўйди, писта-бодомлар сочиб ташлади.

– Опоқимга нима қилди, буви? – деди Чарос кампир узатган чойни олаётди.

– Касалга чалиниб қолди-да, болам боёқиш. Пахта пайтида тележкадан тушаётганида йиқилиб, қовурғаси жичча лат еган экан. Қиш тушиши билан оғриғи зўрайиб кетди. Баннисада ётибди.

Чарос афсусланиб, бош чайқади.

– Амаким қаёқдалар?

– Нанайга кетди. Кўпкари деса ўзини томдан ташлайди-ку. Бултур бир жийрон олувди, шуни совутиб қўювди. Сахармардонлаб миниб жўнаган. – Кампир Ёдгорга чой узатиб, қистади. – Олинг, жон болам, бодомдан чақинг.

– Пахтаям экасизларми? – сўради Ёдгор индамай ўтираверишдан ўзи ноқулай аҳволга тушиб.

– Илгари экилмасди, – кампир чўккалаб олди. – Беш-олти йилдан бери боғларни бузиб, пахта экадиган бўлишди. Бизда пахта битмайди ўзи: ёз қисқа, салкин. Қолхоз қайтага боғдан кўп даромад оларди. Ким билсин тагин, давлатга пахта зарилроқдир-да.

Кампир овқатга уринаётган эди, Чарос тўхтатди. Ҳозир кетишларини баҳона қилиб, туришди.

Чанғичилар базаси икки чақиримча нарида экан. Ҳордиқ куни бўлгани учунми, одам гавжум эди. Чарос Ёдгорга чанғи, бўйига мос узун таёқлар танлаб берди.

– Боғлаб олмасангиз ботиб кетасиз. Биз ҳув анави адирга чиқамиз, – деди бошқалар чанғи учаётган тепаликнинг қаршисидаги кунгай томонни кўрсатиб.

Арча шохига ўхшаган қия из қолдириб, тепага кўтарила бошладилар. Ёдгор адир тепасига етгунча энтиқиб кетди. Чарос пальтосини ечиб, қорга ташлади. Ёдгор унинг ёқаси бўғиқ зангори кофтасини бўрттириб турган кўксига, чиройли гавдасига маҳлиё тикилиб қолди.

– Галма-галдан учамиз. Мана бундай қиласиз: сал олдинга энгашиб, тиззаларингизни букасиз. Шу ҳолда мувозанат сақлаб... – У шундай деди-ю, таёқни юмшоқ силкитганча шув этиб Ёдгорнинг олдидан ўтди-да, ўқдек учиб кетди.

Ёдгор унинг борган сайин узоқлашиб кетаётган гавдасидан кўз узмай тураркан, бу қиздан айрилиб қолиши аниқлигини ҳис этиб, юраги увушиб кетди. Маънос қиёфада атрофга аланглади. Паст-баландда чўққилар вазмин сукут сақлаб турар, адирда уймалашган ранг-баранг кийимли чанғичиларнинг кулгиси, шовқин-сурони тоғларнинг вазмин сукунати қаршисида ўйинчокдек туюлар эди. Пастда – қорайиб турган сой соҳилларида баҳор шивирлар, шодон боқаётган қуёшдан ҳам, қордан ҳам кўклам иси келаётганга ўхшарди.

Ёдгор яна арчага ўхшаш из қолдириб пастдан секин-секин чиқиб келаётган Чаросга кўзи тушди-ю, ҳозир офат рўй беришини ҳис этиб, бадани жунжиқиб кетди. Бўлди, ортиқ чидаб бўлмайди. Кунда-кунда ўлгандан, бир йўла ўлган яхши. «Ўзинг-ку алдовнинг қурбони бўлдинг. Энди аламингни ундан олмоқчимисан? Мана шу қиздан-а? У сени яхши кўриб қолди. Сезилиб турибди. Нега билиб туриб шу кунгача айтмадинг, номард?»

Чарос этиб келганида Ёдгор бўларича бўлиб қолган, мудҳиш хабарни унга қандай айтишни билмай, лаби гезариб турарди.

У Чаросга қарашга ботинолмас, аммо қизнинг ҳарсиллаб нафас олаётганини, юзлари олов бўлиб ёниб кетганини сезиб турарди.

– Бошланг! – деди Чарос нафаси энтикиб, – кўриб олдингизми, қани... – у Ёдгорни оҳиста итариб юборди.

Ёдгор беҳуш бир тарзда таёқларини салангладиб сирғалиб кетди. Ўн кулочча пастлаганидан кейин оёқлари керилиб гурс этиб йиқилди. Бир оёғи кўтарилиб, боши билан қорга кўмилиб кетди. Телпаги анча нарига бориб тушди. Ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, ёғоч оёққа ўхшаган ноқулай чанғи халақит бериб, анчагача ўзини ўнглай олмади.

Чарос аллақачон унинг тепасига келиб олган, қўлидаги таёқларни силкитганча эгилиб-эгилиб кулар, бу кулги қуёшнинг бахтиёр нурларига мингашиб, бутун оламни тутиб кетаётгандай бўлар эди.

– Нега куласиз? – деди Ёдгор бўғилиб. – Нега куласиз?!

Чарос унинг овозида йиғига ўхшаш оҳанг борлигини билиб, бирдан тўхтади. Қўрқиб Ёдгорнинг устига эгилди.

– Ёмон тушдингизми?

– Нега куласиз? – деди Ёдгор унинг гапини эшитишни хоҳламагандай бақриб. Кейин бирдан Чароснинг кўзларига тик қараб пичирлади. – Бугун охириги марта кўришаётганимиз, эртага бир-биримизга бегона бўлиб кетишимизни билмайсиз-да! Билмасангиз, билиб олинг! Мен илгари уйланганман. Хотиним мени алдагани учун ажрашиб кетганмиз. Эшитдингизми? – У қўллари билан қор чангаллаганча ҳайқириб юборди. – Эшитдингизми, мен сизни яхши кўраман. Шунинг учун сизни алдашни хоҳламайман. Хоҳламайман!

У ҳамма дардини бирдан тўкиб солди-ю, толиққандай бошини қорга ташлади: «Мана энди нима десанг, деявер!»

Чарос даҳшатдан қотиб қолгандай унинг тепасида ҳамон эгилиб турар, нима гап бўлганига тушуна олмаган сингари оғзи ярим очик, кўзларини Ёдгордан узмас

эди. Кейин мадори куриган каби, таёғига ҳассадек таяниб, қаддини ростлади. Ёдгорга тикилиб туриб-туриб, киприкларини туташтирган эди, икки томчи ёш сизиб чиқди. Йўқ, бу одамнинг руҳини енгиллатадиган йиғи эмас, юракдан оққан қондек аламли, аччиқ икки томчи эди. У яна кўзларини очиб, Ёдгорга қараб турди-да, оҳиста пичирлади:

– Бировнинг мозорига мени гул қилиб экмоқчи бўлибсиз-да, – унинг лаблари бурилиб, негадир кулди. – Майли... раҳмат...

Яна чорак соатдан кейин автобусга чиқишди. Ёдгор Чароснинг ёнига ўтираркан, бундай қилишга энди ҳақи йўқлигини, Чароснинг ҳам бунга тоқати қолмаганини ҳис этди. Қоп кўтарган чол автобусга чиқиши билан дарров жой берди.

– Барака топинг, ўғлим! – чол қопини ёнига қўйиб, гоҳ Ёдгорга, гоҳ Чаросга қаради-да, дуо қилди. – Қўша қаринглар, яхши фарзандлар берсин.

Ёдгор Чароснинг лаблари титраб кетганини, дераза томонга ўгирилиб олганини, кўзи ёшланганини кўриб, энди ҳаммаси тамом бўлганини тушунди.

* * *

«Ўл аҳмоқ! Бу кунингдан ўлиб қўя қолганинг яхши, – деб ўйларди Чарос автобус деразасидан кўз узмай ўтираркан. – Ким сенга айтди бир кўришда маҳлиё бўлгин деб? Ҳаммасини қилган ўзинг-ку. Институтга қидириб борган, учрашувга чақирган ўзинг эмасми? Чанғи сайлини ҳам ўзинг ўйлаб топдинг. Билардинг, бувингникига борганингни опанг эшитиб қолса адабингни беришини, «Отанг авлод-аждоди билан кирилиб кетсин», деб қарғашини билардинг! Билиб туриб, ўзинг бошлардинг. Ажаб бўлди! Ўз қадрини билмаган нодон. Бу кунинг ҳам ҳолва ҳали, баттар бўл».

У боягина томоша қилиб ўтган манзараларни: кўча чеккасидаги яланғоч тутларни, тўда-тўда бўлиб учиб-кўниб юрган қарғаларни, оппоқ далаларни яна кўриб борарди. Ҳали уч-тўрт соатгина аввал буларнинг ҳаммаси алланечук сеҳрли кўринганди кўзига. Энди бўлса...

Унинг кўзлари яна ёшланди. Сездирмаслик учун пешанасини машинанинг совуқ ойнасига босди. Бошидан муз ўтиб кетгунча шу алфозда ўтираверди. Автобус силкиниб-силкиниб борар, одамлар бир-бири билан шовқинлаб гаплашишар, аммо Чарос ҳеч нимани эшитмас, ҳеч нимага қизиқмас эди. У фақат бир нарсани ҳис қилади. Шу машинада Ёдгор ҳам кетяпти. Бир нарсани билади. Аввал билмасди, энди билиб олди: у илгари уйланган. «Хотиним алдаган», дедими? Нега алдайди? Умуман, одамлар нега бир-бирини алдайди? Тўғрима-тўғри, халол яшашса бўлмайдимиз? Ахир, одам одам-ку... Ёдгор ҳам уни алдадимиз? «Мен сизни яхши кўраман», деди. «Алдашни хоҳламайман», деди. Шундоқ экан, илгарироқ айтса бўлмасмиди?

Чарос чуқур хўрсинди. «Шундоқ бўлганида нима ўзгарарди... Қийин, жуда қийин бўлади энди... Нимасини яхши кўриб қолди бу йигитнинг? Нимасига учди? Бир ками бировнинг қозонида ош пишириши қолувди. Опаси соғ қўярмикин? Қийин, жуда қийин...»

...Шаҳарга келганларидан кейин ҳам у Ёдгорга қайрилиб қарамади. Ёдгор ҳам унга гапирмади. Фақат трамвай бекатига келганларида секин сўради:

– Кузатиб кўяйми? – Чарос бу гапни у қўрқа-писа айтганини сизди.

– Йўқ... – Чарос титраётган лабини тишлади. – Умуман, ҳеч нима қаракмас.

Улар сўнгги марта яхшироқ эслаб қолмоқчи бўлгандек, бир-бирларига узок қараб туришди. Чарос Ёдгор-

нинг кўзларидаги чуқур ғуссани кўриб, яна ўйлади: «Жудаям оғир бўлади».

У уйига келиб, хонасига кирганидан кейингина хиқиллаб йиғлаб юборди.

* * *

«Ҳаммаси тамом бўлди, – деб ўйларди Ёдгор гавжум кўчалардан юриб бораркан. – Барибир шундай бўлиши керак эди-да...»

Оқшом чоғлари Тошкент кўчалари чумоли инига ўхшаб кетади. Бекатларда одамлар тиқилишиб қолади. Ҳамма чумолидек шошилади, ўз уясига алланималарни ташмалайди.

Ёдгор ётоқхонага етиб келганида ўзини иситишга ҳам куч тополмай, жунжиккан куёш сарғайиб ботиб борар, ётоқхона деразаларида совуқ шафак ёнарди. У ўз хонасининг эшигига яқинлашди-ю, рубоб овози, ашула товушини эшитиб, бир зум тўхтаб қолди.

Хоразмлик курсдоши Нурматнинг овозини Ёдгор яхши танирди. Ашула тўхташи билан қарсақ янгради. Афтидан, ичкаридагилар кўпчилик эди.

«Нима байрам ўзи? – деб ўйлади у хайрон бўлиб. Кейин бирдан ёдига тушди-ю, эсанкираб қолди. – Бугун... бугун Зойиржоннинг туғилган куни-ку! Нега айтмади, оббо қув-ей! ўзинг-чи, нега ўзинг эсламадинг?»

Эрталаб Ёдгор Чарос билан тоққа чиқмоқчи эканини айтганида, Зойиржон қувонган эди. Ҳозир у Зойиржоннинг «яхши ўйнаб келинглар», деганини эслаб, баттар ўсал бўлди. «Йўлдан қолдиргиси келмаган».

Ёдгор гарангсиб турган эди, Зойиржоннинг ўзи чиқиб қолди. У исиб кетгандек кўйлақчан бўлиб олган, озрок ичган шекилли, юзи қизарган, кўзлари қисилиб турарди.

– Бормисиз? – деди қувониб. – Эзилиб кетдик-ку жуда!

Ёдгор хушини тўплаб олмасиданок, Зойиржон уни қучоқлаб, ичкарига олиб кирди.

– Мана, овчи ҳам келди! Тоққа, каклик овига кетганди!

Гурра кулги кўтарилди. Ёдгор бир зум тўхтаб, ўтирганларга разм солди. Доим девор тагида турадиган стол икки каравот ўртасига олинган, стол безатилган, мураббодан бўшаган банкага чиннигул солиб қўйилганди. Тўрда юзлари қизариб кетган Аваз ўтирар, унинг ёнида доим бир хил – кулранг пиджак кийиб юрадиган Нурмат рубобини ушлаб турар, берироқда эса қоп-қора қошқўзли, хиёл пучуқроқ бурни ўзига ярашган бежирим Наргиза жилмайиб ўтирарди.

Ёдгор ичкарига кириши билан Наргиза қувониб кетди.

– Штраф! Штраф! – деди ўтирган ерида қарсақ чалиб. Ёдгор ўтирмоқчи эди, Зойиржон қўймади.

– Қизларнинг гапи – конун!

Аваз киррадор стаканга ичкилик қуйиб узатди.

Ёдгор димоғига арақ иси урилиб, сесканиб кетди. Лекин негадир жуда ичгиси келди. Арақ бора-боргунча куйдириб кетганини сезди-ю, зум ўтмай руҳида аллақандай енгиллик туйди.

Чароснинг кўзидан ситилиб чиққан ёш, индамай ўтирган киёфаси, «ҳеч ниманинг кераги йўқ», дегани хаёлида жонланиб, яна ичгиси келди. Столни тартибга солаётган Наргизага кўмаклашди, унинг узун киприклариними, ихчам жуссасиними – қаеринидир Чаросга ўхшатди.

– Қаёқда юрибсиз? – деди Наргиза киприкларини пирпиратганча жилмайиб. – Ростдан овга бордингизми?

«Овни нима қиламан! – деб ўйлади Ёдгор нон ушоқларини сидириб оларкан. – ўзимнинг овим чиқиб турибди-ю!»

– Ҳавас-да, – деди у кулишга уриниб. – Болалигимдан овга қизиқаман.

– Биз ҳам борайлик бир, – деди Аваз тўлдираётган қадаҳларидан кўз узмай. – Нима отдингиз?

Ёдгорнинг назарида у киноя қилаётгандай, аҳволидан хабардордек туюлиб кетди. Янги йилда ҳам Чарос билан унинг ўртасида ўхшашлик излаб тополмаган эди. Ҳозир яна шундай бўлди. «Тоға-жиян бир-бирига ўхшамас экан».

– Ҳеч нима! – Ёдгор яна жилмайишга ҳаракат қилди. – Мени отишди!

Тағин кулги кўтарилди. Зойиржон ош кўтариб кирди.

– Аканг қарагай ошни қийиб юбораман, – У Наргизага қараб қўйди. – Лекин бу деган сўз уйланганимдан кейин ҳам ўзим ошпазлик қиламан деган гап эмас.

– Ҳечам-да – деди Наргиза кулиб, – ўзингиз айтгансиз, бухороликлар ош қилишни билмайди, деб. Гап битта бўлади! Ошпазлик доим сизнинг зиммангизда қолади.

Ошдан кейин Нурмат хоразмча куйлар чалиб, қўшиқ айтди. Ёдгор илгарилари унинг ашулаларини унча ёқтирмас, ҳаммаси бир хилга ўхшаб туюларди. Ҳозир бўлса улар бутунлай бошқача эшитила бошлади. Кўнглида маҳзун туйғулар уйғониб, боши айланди.

Зойиржон чап қўлини орқа белидан ўтказганча, ўнг қўли билан қошини чимчилаб «Андижон полька»сига шундай муқом қилиб ўйнадики, қарсақбозлик бўлиб кетди. Зойиржон ўйнаб келиб, Наргизани тортди.

Наргиза уялиб ўрнидан турди. Аввалига тортинди-ю, қарсақ янграгандан кейин, юзлари дув қизарганча ўйнаб кетди.

Ёдгор ҳам беихтиёр Авазнинг қарсагига қўшиларкан, Зойиржонга, унинг олдида ўзини шунчалик эркин тутаётган Наргизага ҳаваси келди.

«Чарос ҳам ҳеч ўйнармикан! – деб ўйлади қизарган кўзларини бахтиёр дўстларига тикиб. – Балки ўйнар... фақат сен билан эмас. Энди сенинг ўйининг тамом бўлди».

– Мен тураман, – деди Аваз анчадан кейин. – Эртага илмий кенгаш бор. Кутубхонадан материал тўпламан...

Кетидан Нурмат ҳам кўзғалди.

...Ёдгор чироқни ўчириб, тескари қараб ётганча, ухлашга уриниб кўрди. Аммо боши хувиллар, кўзлари ачишар, ухлолмас эди. Йиғлаб турган Чарос хаёлига келиши билан аламдан тўлғаниб кетар, ҳеч нимани ўйлагиси келмас, лекин Чароснинг ғамгин қиёфаси кўз олдидан кетмас эди.

Наргизани кузатишга чиқиб кетган Зойиржон анчадан кейин қайтиб келди. Ёдгор унинг ҳам ечиниби ўрнига ётганини билди.

– Мунча уф тортасиз, исиб кетяпсизми? – деди Зойиржон тўнғиллаб. – Мен тарашадек қотиб қолдим-у, бу уф тортади!

Ёдгор индамай ётаверди.

– Нима бўлди? – деди Зойиржон каравотини ғижирлатиб.

– Тамом бўлди! – деди Ёдгор пичирлагандек паст товушда.

– Айтмайсизми: ҳой оvsар, бутун Ўзбекистонни қидирсанг мендек йигитни тополмайсан, ишонмасанг, ана, бориб Зойиржондан сўра, деб. Телепатиям айтиб турувди-я. Бугун эрталаб чиқиб кетаётганингизда кўнглим сезувди-я.

Ёдгор яхшироқ бурканиб олди. Арақ таъсириданми, бошқаданми, унинг боши баттар ғувиллаб боради.

Хонага оғир жимлик чўкди. Аллақерда ғийқиллаб айланаётган трамвай овози эшитилди. Унинг товуши Ёдгорга нола чеккандек бўлиб туюлди. Биринчи марта Чарос билан кўришган кунларини эслаб, яна уф тортди.

– Телепатиям яна бир нарсани айтиб турибди, – деди Зойиржон. – Чарос сиздан кечмайди.

«Юпат-а, юпат! – деб ўйлади Ёдгор ғижиниб. – Бунақа чучмал гапларингни укангга айт, оғайни!»

– Мен телепатияга ишонаман. Ғарбда телепатия мах-сус фан сифатида ўрганилаётган эмиш...

– Уйқунгиз келмаяпти шекилли, Зойиржон! – деди Ёдгор унинг гапини бўлиб. Зойиржоннинг юпатишга уринаётгани унинг ғашини келтирар, қайтага аламини оширарди. «Аза очган билан ўлик тирилик келармиди?»

У кечаси билан тўлғониб чикди. Начора, созланган тор фарёдсиз узилмайди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Табиатнинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган, бировдан рухсат ҳам сўраб ўтирмайдиган ўз конунлари бор. Бу йил кўклам эрта келди. Мана, бир ҳафтадирки, муттасил илик шабада эсади. Офтоб тафтиданми, мана шу жонбахш шамол таъсириданми, қорлар эриб кетди. Ер уйқудан уйғониб, ширин керишганича кўксини тўлдириб, чуқур-чуқур нафас олади. Азамат куёш олтин тожини кийиб мўралаган чоғи уфққа қарасангиз, олис тоғлардаги гу-нафшаранг чўққилар шундоқ аниқ кўринади.

Қиш бўйи диққинафас хоналарда ўтириб зериккан кам-пирлар пешинда невараларининг аравачасини ғилдиратиб чиқиб, офтобрўя жойларда ўтириб олишганча эзмала-нишади. Оқшомлари ўйинқароқ болаларнинг шодон шовқини оламини тутади. Осмон бирдан қорайиб, юлдуз-лар ёрқин-ёрқин порлайди. Онда-сонда қаергадир яши-риниб олган бақанинг журъатсиз қуриллагани эшитилиб қолади. Чордоқларда тун бўйи мов мушуклар миёвлаб чиқади. Фақат кунга тескари пана жойлардаги музи эрима-ган ариқчалардагина қишнинг сўнгги рўёлари титрайди.

Кейин бирдан ёмғир шивалаб қолади. Дарахт шохларида илик томчилардан сесканиб уйғонган гўдак куртаклар табассум қилади.

Кишлоққа баҳор илгарироқ келди шекилли, Васи́ла Назаровна танаффус пайтида йўлакда югуриб кетаётган бир кизалоқнинг қўлида гунафша кўриб қолди. Баҳорнинг бир парчасини кўрганидан беихтиёр шодланиб кетди. Мамнун кайфиятда 9 «В» синфига кириб, дарс ўта бошлади. Тўққизинчи синфда математика мураккаб бўлади. Шунинг учун у мавзунини шошилмай, диққат билан тушунтиришга киришди.

Болалар унинг сўзларини эътибор билан тинглашар, фақат ҳамиша орқа партада ўтирадиган, бир ўрим сочини елкаси оша олдинга ташлаб олган, оқ-сарикдан келган Дилфуза исмли дўмбоқ киз Васи́ла Назаровнанинг гапларига эътибор бермас, алланимани ёзиш билан банд эди. Васи́ла Назаровна бу кизнинг ўргача ўқишини, дарсларни яхши ўзлаштира олмаслигини биларди.

«Ўзининг аҳволи бу-ку, тагин дарс эшитмаганига ўлайми?» – деб ўйлади Васи́ла Назаровна ғижиниб. Кейин унинг ҳам эътиборини тортиш учун атайлаб, баландроқ овозда тушунтира бошлади.

– Шундай қилиб, куб илдиз остидаги икс...

Ҳамма ўқувчиларга хос бир ожизлик бўлади. Ўқувчи, «биз, кўпчиликмиз, ўқитувчи ҳаммамизни баравар кўролмайди», деб ўйлайди. Ҳолбуки, ўқитувчи синфдаги ҳар бир боланинг нима қилаётганини аниқ билиб туради. Дилфуза Васи́ла Назаровнанинг гапира-гапира ўзига яқинлашаётганини пайқамай қолди. Ёнида ўтирган киз биқинига туртгандан кейингина чўчиб бошини кўтарди-ю, тепасида турган Васи́ла Назаровнани кўриб, ёзаётган қоғозини кафти билан яширди. Оқ-сарик кулча юзи дув қизариб, кўзлари жавдираб қолди.

– Бу ёққа бер! – деди Васи́ла Назаровна э́ркакча овозда.

Олдинги партада ўтирганлар баравар ўгирилиб қарашди. Дилфузанинг ранги ўчиб кетди. Қўркув тўла кўзларини ўқитувчидан узмай, титраётган қўли билан қоғозни ғижимлай бошлади.

– Бер, бу ёққа! – деди Васи́ла Назаровна қони қайнаб.

Қиз индамади. Аммо қалин лабини тишлаганча, бошини чайқади. Унинг ўжарлиги Васи́ла Назаровнанинг ғашига тегди. Қўлидан қоғозни юлиб олди.

Дилфуза ўрнидан туриб кетди.

– Беринг! – деди овози қалтираб.

Васи́ла Назаровна индамасдан бурилиб кетди. Парта-лар орасидан ўтиб бораркан, қоғозга кўз ташлади-ю, хат эканини билиб, тепа сочи тикка бўлиб кетди. «Ғап бу ёқда экан-да! Ҳалитдан йигитларга салом хат ёзишга уялмаган зумраша!» У хатни жемперининг чўнтагига тикиб, дарсини давом эттираркан, бошини партага ташлаб ўтирган Дилфузага қараб қўйди.

– Келаси дарсда шу мавзунни сендан сўрайман.

Дилфуза бошини кўтармади. Бу Васи́ла Назаровнанинг ҳамиятига тегди. Дарс тугагунча қиздан кўз узмади.

У эшигига «Завуч» деб ёзилган ўз хонасига кирди-да, алвон ёзилган стол қаршисига ўтирди. Дераза олдидан ўқишни тугатган болалар кий-чув қилиб ўтиб боришар, ботаётган куёш нури бурчакдаги шкаф ойналарида жи-лоланар эди.

Васи́ла Назаровна оғир уф тортиб, чаккаларини қисди. Чекди. Кўп йиллик оғир меҳнат уни толиқтириб қўйган, кейинги пайтларда кўп асабийлашадиган, боши оғрийдиган бўлиб қолганди. Анчагача шу алфозда ўтирганидан кейин бояги хат эсига тушди. Олиб ўқиди.

«Р... Хатингни олдим. Мендан хафа бўлдингми? Хафа бўлма, мен сени жонимдан ортиқ кўраман. Бугун чиқолмайман. Дадам уйда. Билса сўйиб қўяди. Эртага...».

Хат шу ерда узилиб қолган эди. Васи́ла Назаровна-нинг энсаси қотди. «Жонимдан ортиқ кўраман», эмиш. Тухумдан чикмасидан туриб мов мушукка ўхшаб қолади бу замоннинг қизлари! Билмадим, ота-онаси тергамай-ди шекилли». У Дилфузанинг гузарда сартарошлик қиладиган отасини танир, негадир ёмон кўрарди бу кишини. «Ҳайитвой сарик», «Ҳайитвой тажанг» деб ном олган бу киши ниҳоятда жангари, одам билан гаплашганида ҳам узун мўйлови учиб-учиб турар, унга гап тушунтириб бўлмас, ўз билганидан қолмасди.

«Мана, қизининг аҳволи, – деб ўйлади Васи́ла Назаровна ғижиниб. – Тагин ҳеч кимнинг олдида бўйин эгмаганига ўлайми?».

Кейин яқинда район маориф бўлимининг мудури ўтказган мажлисни эслади. РайОНО мудури шаҳардаги бир мактабда ўнинчи синфда ўқийдиган бир қиз туфайли директор ҳайфсан олиб, завуч ишдан ҳайдалганини айтган эди.

«Битта аҳмоқнинг касрига ҳамма қолади, – Васи́ла Назаровна ўрнидан туриб кетди. – Ишқ-муҳаббатни бошига урадими бу зумрашлар. Биз буларнинг ёшида ўқишни билардик. Бўш вақтимизни жамоат ишига сарфлардик! Бу масалани педсоветда ё ота-оналар мажлисида муҳокама қилиш керак».

Эшик тақиллаб, унинг хаёли бўлинди.

– Ҳа, – деди у биронта ўқитувчи бўлса керак, деб гумон қилиб.

Остонада Дилфуза пайдо бўлди. У яшил плаш кийиб олган, ичкари киришга кўрққандай ерга қараб турарди.

«Сочини олдига ташлаб олганини-чи! Тусингни ел есин олифтагарчилик қилмай!».

– Ким у Р.? – деди Васи́ла Назаровна унга қаттиқ тикилиб.

Дилфуза индамади.

– Гарангмисан?

Дилфуза ер тагидан ўкрайиб қараб қўйди.

– Хатни беринг!

Васила Назаровна бу қизнинг руҳида бўйсунувчанлик эмас, исёнкорлик борлигини кўриб, тутақиб кетди.

– Сен менинг саволимга жавоб бер, ким у?!

– Айтмайман! – деди қиз ўжарлик билан. Кейин секин, аммо талабчан оҳангда сўради. – Беринг хатни!

Васила Назаровнанинг ғазаби тошиб кетди:

– Ўзинг-ку, зўрға учга илиниб юрибсан. Энди бошқаларнинг ҳам бошини қотиряпсанми?! Ҳовлиқма, эрга тегишга улгурасан ҳали...

У гапининг давомини айтолмай қолди. Дилфуза папка ушлаган қўли билан юзини тўсганча, ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Шартта бурилди-да, эшикни кучи борича тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

«Вой шарманда-ей!» – деб ўйлади турган ерида қотиб қолган Васила Назаровна. У ғазабдан титрар, аламини кимдан олишини билмас эди.

* * *

Дилфуза отилиб ҳовлига чиқди. Ойнабанд қия томи қуёш шафағида қизариб ётган иссиқхона олдидан, икки четида тол ниҳоллари куртак чиқарган йўлкадан югуриб ўтди-да, дарвоза ёнидаги гулзорда ер чопаетган қоровул чолни хайрон қолдирганча, кўчага отилди. Катта йўлни кесиб ўтаётганида машинанинг чийиллаб тормоз берганини эшитди, уч кадамча нарида тўхтаган «Волга» деразасидан бошини чиқариб сўкинаётган хайдовчини кўрди. Аммо қайрилиб қарамай, папкасини саланглатганча кетаверди. Кўчаларда илк баҳор кезар, деразаларда шафак ёнар, олчалар шоҳида жонсарақ чумчуқлар чирқиллашар, аммо Дилфуза буларнинг ҳеч қайсисига эътибор бермас, ўз дарди ўзига етиб ортар эди.

Ўзларининг кўчаларига кирганидан кейингина хушини тўплаб олди. Бир зум тўхтаб, кўз ёшларини артди. «Опа» худди орқасидан қувиб келаётгандек хавотирланиб аланглаб қўйди. «Дадамга чақиб беради энди». Йўқ, ҳеч ким уни қувмас, кўчада одам сийрак, фақат нарироқда болалар самокатда учишар, ғилдиракларнинг вағиллаган овози қулоқни батанг келтирар эди.

Дилфуза кўкиш тусли эшик олдига келганида сочларини тузатди. Секин ичкари кирди. Уларнинг иморати ҳали битмаган, икки уйни хомсувоқ қилиб, кўчиб киришган эди. Ҳовлидаги олчаларнинг новдалари бўртиб қолибди. Этакдаги сим тўр ортида товуклар қақағлайди.

У пол ўрнига тахталар ташлаб қўйилган айвондан ўтиб, уйга кирди-ю, бурчакдаги кўрпачага чўкка тушганча пиёз тўғраб ўтирган отасини кўрди. Дадаси мошранг дўпписини бостириб кийган, оғзида носи бўлса керак, пишиллаб нафас олар, пичоқ шириллаган сайин юпқа пиёз ҳалқалари олдидаги лаганчага тушиб турарди. «Чақиб беради», деб ўйлади у отасининг қўлидаги дандон сопли каттакон пичоқдан кўз узмай.

– Оسخонадан ширке опке, Дилпус, – деди отаси унга қараб. Кейин шолчани қайириб, носини тупурди.

Дилфуза айвондан сакраб тушди-да, товук катаги ёнидаги нимқоронғи ошхонага кириб, токчадаги узун шишани топди. Отаси аллақаердан махсус шишали сирка топиб келар, ҳар ҳафта норин қилдириб, устига сиркаланган пиёз солиб ер эди.

Дилфуза нариги хонада ўтирган онасининг олдига кирди. У энгашиб ўтирганча хамир ёяр, нимча кийиб олган, энтикиб нафас олар, шишинқираган юзи қизариб кетганди. Шу қишда унинг жигари хасталаниб, оёқлари шишиб кетганди.

– Менга бера қолинг, ойи, – деди Дилфуза унинг устига эгилиб. Кузда опасини узатишгандан кейин хизмат Дилфузанинг зиммасига тушганди.

– Кўявер, кизим, – деди онаси унга қараб. – Дадангга чой дамлаб бер.

Дилфуза яна ошхонага кирди. Тунука чой кутида кўк чой қолмабди. «Яхши бўлибди, – деб ўйлади у. – Рустам кетиб қолмагандир. Магазин олдида турмоқчийди».

Ҳалиги хатни у танаффусга чиққанида Рустамга бермоқчи эди. У бугун дадасининг эрта келишини, ҳеч ёққа чиқмаслигини билгани учун шундай қилмоқчи эди. «Опа» олиб қўйишини қаёқдан билсин?!

– Ойи, кўк чой қолмабди-ку, обкела қолай... – деди у эшикдан мўралаб.

– Нега қолмайди... Ана, токчада турибди, – деди онаси лаган-товоқлар қўйилган токчани ўқлоғи билан кўрсатиб. Дилфуза ноилож аҳволда қолди...

Нориннинг қуруғидан озгина чимдиган бўлиб, ётиб олди.

– Бошим оғрияпти...

«Бормайман мактабига, – деб ўйлади у Васида Назаровнинг «эрсираб қолибсан», деганга ўхшаш гапини эслаб. – Жинни экан. Наҳотки, қизлар болаларни эрга тегиш учун яхши кўрса?! Рустам хафа бўлади энди».

Магазин олдида йўлига кўз тикиб турган Рустам унинг хаёлида жонланди. Бугун ҳам свитер кийиб юрган бўлса керак. Қизиқ, Рустам қандай бош яланг юради. Свитердан бошқа нарса киймайди. Спортчи, мактабнинг энг зўр, волейболчиси. Қизлар уни қора дейишади. Бекор айтишибди. Кимё ғайирлиги келганидан шунақа дейди. Унинг ўзи бир вақтлар Рустамни яхши кўрарди. Шунга алам қилади...

Дилфуза билади: Рустам бугун жудаям хафа бўлади. Бир марта қанда Дилфуза «қорбўрон ўйнашга» бораман,

деб чиқолмаганида, эртасига Рустам кўлига нина билан «Д» деб ёздириб келган, «Биламан, сен мени ташлаб кетасан, эсдалик бўлиб қолсин, деб ёздирдим», деганди. Ўшанда Дилфузанинг унга жудаям раҳми келганди. Йўқ, у Рустамдан кечмайди: алам қилсин «опа»га!..

Дилфуза терлаб кетди. Девор томонга ўгирилиб ётди.

10 «А» синфида ўқийдиган Рустам кузда пахта байрамига атаб мактабда ўтказилган кечада рубоб чалиб, ашула айтганидаёқ Дилфуза уни яхши кўриб қолганди. Кейин билса, Рустам ҳам уни яхши кўраркан. Улар бир-бирларига кўп хат ёзишди. Дилфуза Рустамнинг биринчи хатини адабиёт китоби орасидан топиб олган куни аллақандай туйғудан боши айланиб кетган эди. Кейин юрсаям, турсаям, шу бола унинг хаёлидан кетмайдиган бўлиб қолди.

Улар фақат бир марта кинога тушишди. Ўшандаям овлоқдаги темирўлчилар маданият саройининг клубида томоша кўришди. Шаҳарлик қизларга маза! Ҳеч кимнинг иши йўқ. Бу ерда бўлса ҳар қадамнинг санаб туришади. Дилфузанинг назарида ҳамма унга қараётгандек, таниб қолиб, дадасига айтиб бераётгандек бўлганди. Кинодан чиқишди-ю, дарров хайрлашишди. Рустам бошқа автобусда, Дилфуза бошқасида уйга қайтди. Бўлди, энди кинога тушишмайди. Бугун фақат бирпас гаплашишмоқчи эди. Бўлмади.

Дилфуза бояги хатидаги «жонимдан ортик кўраман» деган сўзларни эслади-ю, юраги титраб кетди.

Чиндан ҳам унинг боши лўқиллаб оғрий бошлади. Бадани қизиб бораётганини ўзи ҳам ҳис этиб ётар, кўзлари ачишар, чакка томирлари лорсиллаб урарди. Қамишлари кўриниб ётган шифтга тикила-тикила кўзи илинди.

Тушида «опа» Рустамни тутиб олиб ураётганмиш. Дилфуза чошиб борган экан, «опа» уни итариб юборибди. Боши ерга қаттиқ текканмиш.

Дилфуза оғриқдан инграб уйғонди. Унинг иситмаси кўтарилиб кетган, тепасида онаси ўтирарди.

Эртасига у мактабга бормади.

* * *

Бир вақтлар Ёдгор Мирзо буванинг чойхонасида дастёрлик қилиб юрганида узоқ киш кечалари чойхўрлар йиғилишиб «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»ларни ўқишар, унда Ёдгор ҳали мактабга қатнамас, чойхўрлар ўқиётган китобларга диққат билан кулоқ солиб, бир бурчакда ярим кечагача ухламай ўтирарди. У Лайлининг дардида сахрога чиқиб кетган Мажнунга ачинар, бундай ҳолни гўдак тасаввурига сиғдиролмас, ҳайрон қолар эди. Энди ишонди. Чарос билан охирги марта кўришганидан буён ўтган бир ярим ой ичида эсдан оғиб қолмаганига, қишки имтиҳонларни қандоқ топширганига ўзиям ҳайрон бўлди. У илгариги қисмати яна такрорланганини, кулиб боққан бахт кўл чўзса етгудек жойга келиб қолганида тагин тўсатдан олисларга узоқлаб кетганини кўриб турар, шунга ўзини кўникиришига уринар эди. «Нима қипти, худди шундоқ бўлиши керак эди. Қачондир бари бир шундоқ бўларди. Бўлмаса Чарос сенинг кўксингга бош кўя қолиши керакмиди! Анойи экан-да!»

Шундай дерди-ю, бари бир Чароссиз туrolмаслигини ҳис қилар, деярли ҳар куни бир марта кўрар эди уни... Ёдгор умри бино бўлиб баҳорнинг кириб келишини шу қадар диққат билан кузатмаган экан. Илгарилари назарида кўклам бирданига кириб келганга ўхшар, ҳаммаёқ ям-яшил бўлиб кетганидагина баҳор келибди, деб қувонар эди. Бу сафар у кўкламнинг туғилишини кузатди.

Театр ва рассомлик институтининг рўпарасида, кўчанинг бериги бетида уч туп ёш чинор бор. Ёдгор мана шу

чинорлар остидаги ариқчада қачон муз эриб битганини, қайси қоқигул энг аввал очилганини, қайси дарахтнинг қай бир шохида қайси япроқ биринчи бўлиб ёзилганини ҳозир беҳато кўрсатиб бера оларди.

У ўзига сирдош бўлиб қолган мана шу чинорлар панасида туриб, Чароснинг дарсдан чиқишини кузатарди. Бора-бора Чароснинг қайси куни, соат нечада дарси туғашини билиб олди. Соат миллари муддатга яқинлашган сайин унинг юраги безовта типирчилар, шунча қиз орасидан уни узоқданок таниб оларди.

Чарос дарвоза олдида дугоналари билан хайрлашарди-да, бошини қуйи солганча, китобларини қўлтиқлаб, секин-секин юриб кетар эди. Ёдгор унинг ранги синиқиб, кўзлари киртайиб қолганини сезар, изтироб чекиб юрганини билар, югуриб бориб қўлидан тутгиси, «мен сени соғиниб кетдим, ахир», дегиси келар, аммо журъати етмас, бундай қилишга ўзини ҳақсиз, деб билар эди.

Икки марта Авазларникига борди. У Чарос ҳақида тоғасидан бирон гап эшитиш илинжида эди. Аксига олиб, Аваз ака хизмат сафарида экан. Тамила опа биринчи марта анчагача гаплашиб ўтирди. Аммо Чарос тўғрисида оғиз очмади. Иккинчи галда анча совуқ қарши олди, Ёдгор дарров чиқиб кетди. Охирги гал борганида Аваз ака келган экан. Негадир у ҳам Ёдгор билан очик-ёриқ гаплашмади. Ким билсин, йўлдан чарчаб келгандир-да. Шу-шу Ёдгор уларникига қайтиб бормай қўя қолди.

Ёдгор сирларини фақат Зойиржонга айтарди. Якшанба куни Зойиржон уни каллаи саҳарлаб уйғотди.

– Келинг, дўстим, – деди у шанғиллаб. – Бугун бозор. Ўтирамизми ётоққа тикилиб. Бунақа кунда каламуш ҳам инида ўтирмайди. Ҳавони қаранг. Дунё ташвишлари битганмас, юринг, дала айланиб келамиз.

...Ётоқнинг адёлини газетага ўраб олганча Олой бозоридан маставабоп масаллиқ харид қилишди.

Тўрхалталарни кўтариб, автобусга ўтиришди-да, шаҳарнинг шимоли-шарқ массивига бориб тушишди.

Бу ерда ҳам қурилиш борар, йўллар ўйдим-чукур бўлиб кетган, ҳаммаёқда бетон плиталар, арматуралар сочилиб ётарди. Йўл чеккасида бульдозер билан кўпориб ташланган ўрик дарахти илдизлари очилиб ётар, яқинда йиқитилган бўлса керак, ўқилдиз атрофидаги тупроқнинг нами қочмаган, новдаларида куртаклар бўртиб турарди.

– Ҳайронман, бу падар лаънат қурувчиларнинг ўзи умрида бир туп дарахт экканмикин?! – Зойиржон тўрхалтасини силкитиб елкасига оларкан, нотаниш бульдозерчини сўқди.

– Ҳали кўрасиз, уй ҳам битади, йўллар қурилади – деди Ёдгор паришон қиёфада, – кейин ер ости ишларини бажарамиз, деб яна бузишади.

– Қайси куни ўқиб қолдим, – Зойиржон йўл четидаги зовурдан ҳатлаб ўтиб, бурилиб қаради. – Баъзан мамлакатларда олдин ер ости коммуникацияларини тахт қилиб, йўлгача, тротуаргача битириб қўйишаркан-да, кейин уйни қуришаркан. Уй битганидан кейин трассалар жой-жойига улаб қўйиларкан. Бизда тескарисини қилишади. Ҳам вақт кетади, ҳам маблағ...

... Темир йўлдан ўтишганидан кейин, колхоз даласи кўринди-ю, эркинроқ нафас олишди. Зойиржон бу жойларни яхши биларкан. Олдинга тушиб, йўл бошлади. Майда эгатларда сув ялтираб оқар, рўмол танғиган хотинлар чамаси эртанги қарам экишарди. Даланинг нарёғида ям-яшил адир ястаниб ётар, у ер-бу ерда новдалари қизара бошлаган ўриқларми, шафтолиларми кўзга ташланарди.

– Ҳов ўша ўрик тагига борамиз, – деди Зойиржон адир ўртасидаги бошқаларидан каттароқ дарахтни кўрсатиб.

Яқин кўринса ҳам хийла узоқ йўл экан. Етиб келгунларича чорак соатча вақт ўтди. Ўрик тагида ўтлаб юрган

кўй хуркиб қочди. Иккита жажжи кўзичоқ чопқиллаб, онасига эргашди.

Ўрик шохларида ғунчалар бўртиб турар, аммо хали япроғи йўқлиги учун айтарли соя ташламасди. Уларга соянинг кераги ҳам йўқ эди.

Адёлни майсалар устига ташлаб ўтиришди.

– Офтобнинг тафти ёмонмас-а! – Зойиржон пиджагини ечиб ташлаб, рўмолча билан бўйнини артди.

– Бултур Наргиза билан шу ерда ўтиргандик, – деди у кўзларида ўт чакнаб.

Ёдгорнинг юраги бир қалқиб кетди. «Шунинг учун бу ерларни яхши биларкан-да».

Зойиржон унга қараб шодон жилмайиб қўйди-да, сигаретини улоқтириб, ўрнидан турди.

– Сиз ғўштни майдалаб тулинг, мен қозон топиб келаман. Адир орқасида бир кампир туради.

Зойиржон бошини ғоз тутиб кетиб бораркан, Ёдгор унинг орқасидан узоқ қараб қолди. Пичоқ билан ғўшт майдалай туриб, ўзидан-ўзи хижолат бўлди.

«Балки бугун ҳам Наргиза билан чиқмоқчи бўлгандир-у, кейин мени бошлагандир. – Унинг хаёлига аввал Наргиза, кейин яна Чарос келди. – Агар ҳозир Чарос бўлганида, Наргиза ҳам бирга чиқарди. Қандоқ яхши бўларди...»

Бир оздан кейин боши устида кичикроқ қозонни баланд кўтариб, Зойиржон келди.

– Кичкина бўлсаям хийла оғир экан, – деди қозонни ерга қўйиб. – Кўрайлик-чи, бултурги ўчоқ турганмикин?

Ўрик тагидаги ариқча қирғоғидан ўйиб ясалган ўчоқ чиндан ҳам турган экан. Фақат бир чети ёмғирдан уваланиб тушибди. Унинг тагини ўт босган, қирралари қорайиб кўринарди.

– Зарари йўқ, паккини олиб келинг, янгисини қазиймиз! – деди Зойиржон кулимсираб.

Зойиржон намхуш тупрокни пичоқ билан чаққон кесиб, ишга киришиб кетди.

– Сиз ялпиз териб келинг, – деди юмушини давом эттириб. – Бу ёғини ўзим боплайман.

Ёдгор оҳиста юриб, адир этагига тушиб кетди, ҳали сув келмаган бир ариқни топди-да, ялпиз излай бошлади. Ялпиз кўп экан. У сариқ чўпақлари диккайиб турган бултурги бурган қолдиқлари орасидан ялпиз тера бошлади. Бир маҳал аллақасдан учиб келган жажжи хонқизи унинг кўлига қўнди. Ёдгор кафтини қимирлатмай, уни диққат билан томоша қила бошлади. Қўнғизча хол-хол қора доғли қизғиш қанотларини товлантирганча бирпас турди-да, кейин учиб кетди. Ёдгор беихтиёр жилмайиб, унинг кетидан қараб қолди. Кейин ариқдан чикди-ю, тирноқдек митти гуллар очилиб ётган ўт устига чалқанча ётиб олди.

Осмон тиниқ, одамнинг кучоқлаб олгиси келадиган оппоқ момик булутлар онда-сонда оҳиста сузиб ўтар, уларнинг сояси адирлар устида секин-секин судралиб борарди.

Аллақасерда тўрғай сайради. Унинг кумуш қўнғироғи анчагача ҳавони титратиб турди. Ёдгор болалигиданок шу қушни яхши кўриб қолган. Келесда бошоқ теришга чиққанида ҳам тўрғайнинг овозини берилиб тинглар, жажжигина қушча қандоқ қилиб дам олмай шунчалик узоқ сайрай олишига ҳайрон қоларди.

Ҳозир ҳам кўзларини ярим юмганча санай бошлади. Ҳисоб ўн бешдан ошиб ҳам кетдики, тўрғай ҳамон нафас олмай сайрарди. Унинг сайраши кўшиқ эмас, кўпроқ нолага ўхшаб кетарди.

Ёдгорнинг бутун вужудини хорғин, мудроқ бир кайфият эгаллади. Кейин тўрғай ноласи ҳам, аллақасерда маъраган кўзичоқ овози ҳам, Зойиржон ҳам, Чарос ҳам – барчаси аралашиб кетди-ю, таранг асаблари бўшашиб, кўзи илинди.

– Толқон еб, сувга юборадиган экан-ку, сизни!

Ёдгор Зойиржоннинг овозини эшитиб, кўзини очди-да, негалигини ўзиям билмай, беихтиёр жилмайиб қўйди. Адёлга газета тўшаб, мастава ичишди.

– Менга қаранг, дўстим! Чаросингиз сизни ёқтиради.– деди Зойиржон. – Бир гаплашиб берайми? Очiqқчасига! Масала ҳал бўлади-қўяди. Юрасизми шунақа қилиб, рангингизни қаранг.

– Қўяверинг! – деди Ёдгор қулиб. – Ўзим шунақа юришни яхши кўраман.

– Хўп денг, ўзим гаплашаман! – деди Зойиржон таъкидлаб. – Наргизани юборайликми?

Ёдгор яна кескин бош чайқади.

– Керак эмас, ўзим!

– Ўзим, ўзим!!! Нима, мен бегонаманми?

* * *

Азиза кишки имтиҳонларни топшириб, туманга қайтиши билан яна ишга тушиб кетди. Онаси ўқишни суриштиришдан ҳам аввал «эринг билан гаплашдингми», дегани унга оғир ботди. Ёдгорнинг кўнглида ярашиш нияти йўқлигини билиб, Азизанинг ғаши келган эди. Бу ҳақда онасига гап очганидан буён уйдагилар уни узатиш пайига тушиб қолишди.

Бугун у ишдан барвақт қайтди. Оч зангори рангга бўялган дарвозадан ўтиб, ҳовлига кирди. Кенг ҳовли саҳнидаги гулзор яхшилаб пайкалларга ажратилган, дадаси ҳавас қилиб, шаҳардаги оранжереядан махсус келтириб эктирган гуллар куртак ёзиб қолган, гулзор ўртасидаги усти ёпиқ баланд шийпон панжаралари янгитдан бўялган эди. Наридagi ишқомлар тагида уч-тўрт киши уймалашиб юрар, чамаси, булар токни очгунча ишқомларни тартибга солиб қўйиш учун кел-

ган хашарчилар эди. Ёз пайтлари уларнинг боғи жаннат бўлиб кетади. Гулзор ўртасидаги сўрида деярли ҳар окшом дадасининг улфатлари тўпланишади. Ҳа, дадаси яшашни билади. «Мен беш панжамни баравар оғзимга тикмайман, ўзим ҳам ейман, бошқаларга ҳам едираман», деб кўп айтади. Бўлмаса, сельпо раислигидай нозик лавозимда ўн-ўн беш йил муқим ишлаш осонми?!

Азиза силлиқ цемент йўлкадан ўтиб, ойнабанд айвонга чиқди. Бутун айвоннинг бўй-энини эгаллайдиган гилам устидаги пастак стол одатдагидек безатиб қўйилган, чамаси, дадаси ҳозир туриб кетган бўлса керак, столда коньяк шишаси, апельсин тўла ваза турар эди.

Азиза устига яшил бахмал қопланган креслога оғир чўқди. Эринчоқлик билан апельсин арчаётган эди, ёнбош томондаги ошхонадан онаси чиқди. У парча гулли крепсатин халатининг енгини шимариб олган, оппоқ, семиз қўлларида олтин билагузуклар ярақлар эди.

– Келдингми, қизим? – деди у бир тарелка қазини Азизанинг олдига қўяркан. – Чарчагансан, ол.

Азиза қаршисида ўзига тикилиб ўтирган онасининг каттакон балдоқларига бир қараб қўйди-ю, унинг ниманидир айтмоқчи бўлиб тараддудланаётганини сизди.

– Уф, меҳмонлар ҳам ўлсин... – деди онаси халатининг этагини тўғрилаб. – Дадангнинг шу одати қолмади-қолмади-да... Ҳар куни меҳмон. Ҳар куни ичкилик...

Азиза унинг бошқа гапни айтмоқчи эканини тушунгани учун индамади. Апельсин пўчоғини кулдонга ташлаб, хўрсиниб қўйди.

– Ўзинг биласан, қизим, – онаси ўтирган креслосини унга яқинроқ сурмоқчи бўлди-ю, кучи етмади. Ўтирган ерида бўйнини чўзиб, гапириб қўя қолди: – Уйимизнинг тўри сеники. Тор қорнимга сикқан, кенг уйимга сиғмайсанми?

– Яна ўша гапми? – деди Азиза онасининг муддаосини тушуниб.

– Нима қилай, болам? – онаси йиғламсиради.

«Шу гапни бошласа, доим йиғламсирайди», деб ўйлади Азиза онасига тезгина қараб олиб.

– Ёшинг йигирма бешга қараб кетяпти, – деди онаси титраган товушда, – хотин киши ўттизга кирса ўтин бўлади. Юрасанми шундоқ қилиб?! Ер ютсин ўша ялангоёкни! – У қаршисида Азиза эмас, Ёдгор тургандек лаблари оқариб кетди. – Ким қўйибди унга ноз-финокни. Хотин боқишдан олдин ўзини эплаб олсин. Сен ярашман дединг-у, у киши ноз қилдиларми?!

Ўшанда ётоққа борганида Ёдгорнинг: «Эрга тегсанг, тегавер!» – дегандек қилганини эслади-ю, Азизанинг ҳам энсаси қотди. «Рост-а, нимасига керилади у? Кўча чанги-тиб юрган бир ялангоёқ бўлса».

– Даданг гаплашибди, – деди онаси унинг кўнглидан ўтганларни пайқагандек. – Отаси эскидан таниш экан. Йигитнинг ўзиям топармон-гутармон эмиш. Хотини ўлган экан. Иккита боласини бувиси боқиб олади, қизингизга зиёни тегмайди, депти...

«Нима?! – Азиза бир чўчиб тушди. – Уч йил эрсиз юриб-юриб, эди икки болаликка тегармишманми? Бошига тортсин болаларини!»

У ўрнидан ирғиб турди.

– Нима, уйларингга сиғмай қолдимми?! – деди томоғига тикилган ёшни тутолмай. Шу топда Ёдгор ҳам, отаси билан онаси ҳам хунук кўриниб кетди кўзига. – Бўлмаса кета қолай! – деди столни муштлаб.

Онасининг ҳам ранги бўзариб, ўрнидан туриб кетди:

– Бор! Ҳалиям бориб яраша қол, ўша гадойвачча билан. Ялина қол, пайтавасини ювиб юра қол. – У Азизага яқин келиб, яна шанғиллади: – Овора бўлма, ярашмайди сен билан. Холангнинг қизи айтди. Ўшаларнинг инсти-

тутида ўқийдиган бир қошиқ сув билан ютгудай қизни етаклаб юрганмиш. Ўз кўзи билан кўрибди. Ҳозир нима кўп, киз кўп.

Азизанинг томоғини бўғган ёш бирдан йўқолди. Кафтини тушириб, онасига қараб қолди. «Шунақами? Ҳали бошқа қизни кўнгиллари тусаб қоптими?!» У кўксиде тошган адоватдан ёниб, лабини тишлади.

– Нима қилай, қизим, ўзинг айбдорсан... – деди онаси анча юмшаб. – Ким сенга шунақа бўлгин, деб эди...

Онасининг юмшоққина қилиб айтган охириги сўзлари Азизанинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Кўзларига яна ёш қуйилиб келди-ю, чопиб бориб ўз хонасига кирди. Эшикни қарсиллатиб ёпиб, кулфлаб олди-да, ўзини диванга ташлади. Анчагача бошлари сирқиллаб, шифтга тикилиб ётди. Қуёш ботиб борар, деразадан тушган хира шафақ нури биллур қандилда товланиб ёнар, ташқарида қушларнинг сайраши қаттиқ-қаттиқ эшитилар эди.

* * *

«Ўзинг айбдорсан!» Мана шу бир оғиз сўзнинг ўзи ҳар сафар ота-онасининг олдида Азизанинг оғиз-тилини боғлаб қўяр, ҳар қандай далиллар дарвозасини тақа-так ёпиб ташлар эди.

«Яхши кўрмай ҳам ўлай, айбдор бўлмай ҳам ўлай!» – дерди у ҳар гал «айбдор бўлиб қолиш» воқеасини эслганида юраги тилимланиб. Шунақа пайтларда уни бахти қаро қилган ўша Суннат ёдига тушар, шу кўргиликларнинг ҳаммасига сабабчи бўлган йигитни ер титраб қарғар, ўлим тилар эди унга.

Ўша бахтсиз ҳодиса Азиза савдо техникумида ўқиб юрганида бўлувди. Азиза бутун тафсилоти билан эслайди. Уларнинг гуруҳини Сирдарё соҳилидаги колхозга пахтага олиб чиқишди. Дарё бўйида катта-кичик кўллар,

тўқайзорлар кўп эди. Қизлар ҳар куни ишдан қайтаётиб ўзлари жойлашган мактабдан ярим чақиримча наридаги кўлда чўмилишарди.

Бир куни Азиза илиқ сувда чўмилавериб, ҳаммадан орқада қолиб кетди. Сувдан чиқса, қизлар кетиб қолибди. Атрофни ғира-шира қоронғилик босган, қамишлар ваҳимали шитирлар эди. У шоша-пиша артинаётган эди, бирдан қамишлар шитирлаб кетди. Азиза ваҳима билан бурилиб каради-ю, қамиш орасидан чиқиб келаётган ўзининг курсдоши Суннатни кўриб, уялганиданми, кўрққаниданми, чинқириб юборди. Бир кўлида қармоқ, бир кўлида транзисторли радио кўтариб олган Суннат сеҳрлангандек қотиб турарди.

– Кетинг! – деди Азиза кўл силтаб. – Илтимос, кетинг!

Суннат яна бир лаҳза қараб турди-да, қамишзор орасига кириб кетди.

Азиза юраги типирчилаб кийинди. Худди шуни кутиб тургандек Суннат ҳам қамишзордан чиқиб келди.

– Кечирасиз, – деди Азизага қарашга уялгандай радионинг кулоғини бураб. – Билмасдан келиб қолдим... Юринг, кузатиб қўяман. Кеч бўлиб кетди.

Азиза аввал ҳам бу йигитга кўп қизлар орқаворотдан кўз тикиб юришини билар эди. Суннат яхши ўқир, келишган, ёқимтой йигит эди. Ўша кундан бошлаб иккаласининг ўртасида умумий сир пайдо бўлгандек туюлди. Азизанинг назарида ҳар томонлама мукамал, одобли, билимли йигит шу эди.

Шаҳарга қайтишганидан кейин улар бирга дарс тайёрлайдиган, ҳамма кетганидан кейин ҳам аудиториянинг эшик тутқичига стул оёғини тикиб қўйиб, алламаҳалгача қолиб кетадиган бўлишди. Азиза курсдош қизларнинг рашки келаётганини сезгани сайин ўзини ғолиб ҳисоблаб, роҳатланар, борган сайин Суннатга яқинлашар эди. Имтиҳонлар бошланганида Азиза Суннатларникига бо-

радиган бўлди. Йигит Эски шаҳардаги кампирникида ижара ўтирар, кампир ҳовлисига камдан-кам келар экан.

Бир куни у Суннатникида ётиб қолди...

Шаҳар билан Келеснинг ораси ярим соатлик йўл. Шундай бўлса ҳам Азиза онасига: «Қизлар билан дарс тайёрламасам, миямга ҳеч нима кирмаяпти», деб тез-тез қолиб кетадиган бўлди. Энди шунчаки киногоа тушиш, ўпишиш Азизани ҳам, Суннатни ҳам қаноатлантирмайдиган бўлиб қолди.

Азиза сирини бутун дунё билиб қолаётгандек даҳшатга тушар, сирини бировга ошкор қилмас, яна ўша Суннатнинг ўзига дардини айтиб йиғларди.

Ўқишлар битиб, Суннат уйига – Самарқандга кетадиган бўлди. «Уйдагиларга айтмай турунг, яқинда совчи юбораман», деди хайрлашаётиб.

Азиза бир ҳафта кутди, икки ҳафта кутди. На хат бор, на хабар. Дадаси уни туман универмагига ишга киритиб қўйди. Ҳар куни ишдан чиқиб, почтага югуради. Жинни бўлишига оз қолганида хат келди. Азиза конвертдаги адресни кўриб, тахта бўлиб қолди. Хат Самарқанддан эмас, Хабаровскдан келибди. У аллақандай офатни ҳис қилиб, хатга кўз югуртирди. Суннат: «Мени армияга олишди. Уч йилгача нима гапу нима сўз, йўлингиз очик, эрга тегиб кетаверинг. Ҳозир эски замон эмас, бунақа нарсаларнинг унчалик аҳамияти йўқ», деган мазмунда ёзибди.

Азиза додини кимга айтишни билмай, қон-қон йиғлади. Биров кучоғини очса бағрига кира қолган ўзини, уни алдаган Суннатни қарғади. Хат устига хат ёзди. Жавоб бўлмаганидан кейин касал бўлиб қолди. У: «Қизимга кўз тегди, биров илму амал қилди», деб чиркиллаётган онасини кўрган сайин бир дардига ўн дард қўшилар эди.

Уйга совчи устига совчи кела бошлади. Онаси куёв боланинг «суқсурдай» эканини, дадаси бадавлатлигини

айтиб ҳамма келганларни мақтар, Азиза бўлса ҳар хил баҳоналар қилар, ўлимини кутган одамдай таҳлика билан яшар эди. Ота-онаси ўзингга ёққан одам бўлса айт, ахир, дейишганида ҳам йиғлашдан нарига ўтмади.

Охири бўлмади. Отаси, ўзига муносиб жойдан совчи келганидан кейин тегсанг ҳам, тегмасанг ҳам шунга бераман, деб туриб олди.

Ўша кечаси тирик қолганига Азиза ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Йиғлаб-йиғлаб, онасига сирини айтди. Онаси сочини юлди, юзини тирнади. «Даданг ўлдиради, бу иснодга чидолмайди», деди.

Йўк, дадаси уни ўлдирмади. Эр-хотин келишиб: «Энди биронта етим-есирни топсин, ичкуёв қиламиз, ёпиклик қозон ёпиклигича қолади», деган хулосага келишибди. Худди шу пайтда оёқ остидан Ёдгор чиқиб қолди. Бу ота-онасининг мўлжалидаги йигит эди: ҳеч кими йўк, пандовакигина кўринади. «Жуда бўлмаса, номинг оқланиб қолади-ку, – деди онаси, – сени ҳали кимлар олмайди».

Азиза Ёдгорни ҳар кўрганида Суннатни эслар эди. «Сен бировни алдамасанг, бошқалар сени алдайди. Дунёнинг ишлари шунақа мушт кетди бўларкан», деб ўйларди Азиза лалайган бу йигитни кўриб.

Суннат «ҳозир бунақа нарсаларнинг унчалик аҳамияти йўк», деб ёзган бўлса ҳам Азиза турмушлари яхши бўлмаслигини ҳис қиларди. Ўйлагани тўғри чиқди. Азиза азбаройи бола деб кўзи учиб турганидан эмас, бир амаллаб Ёдгорни боғлаб олиш учун болалик бўлишни хоҳларди. Худоям бу ниятига ҳам етказмади. Бора-бора узун кириб, узун чиқиб юрган Ёдгорни ўзиям ёмон кўра бошлади. Топиш-тутишининг тайини йўк «қора рабочий»ни сўкимдек боқиб ўтириш ота-онасига малол кела бошлади.

Ёдгор кетиб қолганидан кейин онаси уни юпатди. «Қаёққа борарди! Кириб келади бир кун чориғини суд-

раб!» Азиза ҳам эри бир кунмас-бир кун мулла минган эшакдек ювош тортиб кириб келишини кутиб юрди. Аммо у келмади. Онаси уни яна юпатди. «О Худо, тешик мунчоқ ерда қоптими? Сочингни мўйича эр. Кимлар олмайди сени?!»

«Энди бўлса икки болалик одамни рўпара қилиб ўтирибди», деб ўйлади Азиза ҳамон шифтдан кўз узмай ётаркан. Уй ичи қоронғи бўлиб кетган, осмонга булут чиққан шекилли, ҳаво дим эди. Кейин онасининг «эринг бир қошиқ сув билан ютгудай қизни етаклаб юрганмиш», дегани ёдига тушди-ю, аламдан тўлғаниб, ўрнидан туриб кетди.

Шу пайтгача у Ёдгорни яхши кўраманми, йўқми, деб ўйлаб кўрмаган экан. Ҳар сафар уни ўйласа, Суннат билан иккови етаклашиб келарди хаёлига. Бари бир қачондир кириб келади, ўзи кетди, ўзи келади, деб юрарди. У онасидан: «Ўлдим – азиз бўлдим, шишдим – семиз бўлдим», деган нақлни кўп эшитганди. Ҳозир Ёдгорнинг «бир қошиқ сув билан ютгудай» қизнинг бошини айлантириб юрганини билиб, кўнглининг бир чеккаси унга боғлиқ эканини, шунинг учун уч йилдан буён бошқа эрни хаёлига келтирмаганини, институтга киришининг боиси ҳам Ёдгорга яқинроқ туриш бўлганини тушунди.

Қишда Ёдгорнинг ётоғига борганида, эрга тегаман, деганида шунчаки унинг қўйнига қўл солиб кўрмоқчи эди. Ўшанда Ёдгорнинг шунчалик баланд келишида гап бор экан-да!

«Кўрамингиз, қанақа қизнинг бошини айлантириб юрганини! – деб ўйлади у юмшоқ гилам тўшалган полда сасиз у ёқ-бу ёққа юраркан, кўнглида қасоскор бир лаззат сезиб. – Нимасига учибди қиз шўрлик бу ландавурнинг! Уйланганини айтмаган. Ширин гап билан алдаган-да, йигит ўлгур! Яхшиям развод бермаганим! Биладан, бари бир ярашмаймиз. Башарасини кўришга тоқатим йўқ.

Аммо мен бахтсиз бўлиб чапак чалиб қолаверарканман-у, у киши айшини сурармишми? Шундоқ кунларни бошига солайки! Шундоқ шармандасини чиқарайки!»

* * *

Чарос нима ҳодиса рўй берганини анчагача ўзиям тушунмай юрди. У фақат бир нарсани билар эди: Ёдгор илгари ҳам кимнидир яхши кўрган, уйланган. Чарос бировнинг қозонида ош пиширмоқчи бўлган экан.

У, аввало, ўзидан нафратланиб кетди. «Ўл-а, опанг гапирса алам қилганди! Баттар бўл, ғурурингни поймол қилишингга оз қолди-ку! Тагин нима керак сенга! Шу кунга тушганингни билса, ўлдириб қўя қолар опанг!»

Кейин Ёдгорнинг айби кўзига кўрина бошлади. Камтар, эсли йигит деб юрса писмиқ экан-ку! Одам ҳам шунақа бўладими?

Орадан анча кун ўтди. Чарос аллақандай ўйчан, жиззакчи бўлиб қолди. Дугоналарининг ҳазили ҳам, опасининг гаплариям ғашини келтиради. Кўпинча, беихтиёр Ёдгорни ўйлаётганини пайқаб қолади. Шунақа пайтларда негадир Ёдгорни доим бир киёфада кўради. Қорга йиқилиб ётганча, бошини кўтариб турган аламли чехрасини тасаввур қилади. «Йўқ, у сени алдамади. Ўшанда юрагида бор гапни айтди. Йиғлагудай бўлиб айтди. Сен бўлсанг дурустроқ гаплашмадинг ҳам. Балки кўнглида бошқа дардлариям бордир. Ҳар нима бўлгандаям дўстлашиб қолувдинг-ку».

Хов ўша – трамвайдаги воқеа рўй берган куни бир лаҳза кўриб, йўқотиб қўйганида чеккан ташвишлари ҳолва экан. Бу сафар ўз ихтиёри билан йўқотди. Хайрлашаётганида «ҳеч нима керакмас», дегани «сенинг керагинг йўқ», дегани эди. Ёдгор шундоқ бўлишини билгандирки, ростини айтгандир. Лақиллатиш нияти йўқдирки, шундоқ қилгандир.

Чарос чалкаш ўйлардан боши айланиб, кечалари узок хаёл суриб ётар, ҳаловатсиз тушлар кўриб чиқар эди.

Бир куни хаёлига у билан очикчасига гаплашиш керак, деган фикр келди. Тоққа чиқишларидан олдин Чарос ўқишдан уйига қайтаётганида бозорча олдидаги троллейбус бекатига бир-икки марта «тасодифан» келиб қолган Ёдгор билан учрашган эди. Энди у тез-тез шу бекатга борадиган, йўл айланиш бўлсаям троллейбусга ўтирадиган бўлди. Назарида негадир Ёдгор шу бекатда яна «тасодифан» туриши керакдек эди. Лекин йигит келмади. Чарос икки-уч марта архитектура факультетининг биноси олдидан ўтди. Унинг тасавурида Ёдгор мана шу деразаларнинг биридан қараб тургандай, ҳозир уни кўрибок, югуриб олдидан чиқадигандек эди.

Бора-бора у Ёдгорни соғинаётганини, кўришгиси келаётганини тушунди. Кейин унинг расмини чизишга аҳд қилди. У ўзига юпанч топгандек, кечалари узок ишлар, эскизларини онасидан қизганар эди.

Бугун дарс эртароқ тугади. Кўчада баҳор куёши чарақлаб турар, атроф тинч, кушларнинг сайраши тиник ҳавода баланд янграрди.

Чарос эллик қадамча юриши билан кўча четидаги новдаларини шода-шода гуллар қоплаган шафтоли тагида турган Дилшодни кўриб қолди. Дилшод қора костюм кийиб олган, туфлисининг ингичка учи шафтоли тагидаги майсаларни эзғилаб турарди.

«Қаёқдан келиб қолди бу», деб ўйлади Чарос қошини чимириб. У барча кўргиликлари учун шу йигит айбдордек Дилшодни ёмон кўриб қолган, ноҳақлик қилаётганини, унда айб йўқлигини ҳис этса ҳам тан олгиси келмасди буни. Ким билсин, балки Дилшодни кўрган заҳоти яна Ёдгорни ўйлагани учун шундай бўлгандир.

У индамай ўтиб кетмоқчи эди, Дилшод тўхтатди.

Чарос совуққина саломлашиб: «Нима гапингиз бор эди?» дегандек, савол назари билан қаради.

Дилшод гапни нимадан бошлашни билмагандай галс-тугини тузатган бўлди.

– Бирпас ўтирайлик, – у автобус бекатидаги харракни кўрсатди.

– Шошиб турибман, – деди Чарос куруққина қилиб.

– Биламан, ўшанда мен қўполлик қилдим, – Дилшод бошини қуйи солди. – Сизни ранжитиб қўйдим. Лекин сиз ҳам анави йигит билан...

«Энди эсингга келдими?» – деб ўйлади Чарос энсаси қотиб.

– Рақс тушдингиз, кейин Ёдгор билан кетдингиз, демокчисиз-да, – у Дилшоднинг силлик қиртишланган иягига тикилганча, кинояли кулди. – Мен ҳозир ҳам ўшанинг олдига кетяпман!

Дилшод ярқ этиб бошини кўтарди. Унинг сал қисилган кўзларида истехзо бор эди.

– Майли, боринг! Фақат эҳтиёт бўлинг, хотини кўриб қолиб, сочингизни юлмасин.

Бир лаҳзада Чароснинг боши айланиб, тиззалари қалтираб кетди. Дод деб юбормаслик учун лабларини тишлади. У Дилшод ўзига синовчан тикилиб турганини, эсанкираб қолишини кутаётганини сезар, сезган сайин қаттиқроқ азобланар эди. Дилшод унинг юрагини беҳато мўлжалга олди. «Номард! – деб ўйлади Чарос аламдан қақшаб, – атайлаб таъна қилгани келибсан-да, уятсиз». У бундай таъналарни яна кўп эшитишини аниқ ҳис қилди-ю, эти жимирлашиб кетди. Бир амаллаб ўзини бошиб олди-да, Дилшоднинг кинояли кўзларига тик қаради.

– Шуни айтиб, суюнчи олмоқчимидингиз?!

Бу сафар Дилшоднинг ўзи довдираб қолди. Чамаси, у Чарос бу гапдан беҳабар деб ўйлаган бўлса керак, ранги ўчди.

– Йўк, – деди тутилиб. – Огоҳлантириб қўймоқчийдим.
– Менга даллол керакмас! – Чарос кескин бурилиб,
юриб кетди.

Зум ўтмай Дилшод унга етиб олди.

– Тўхтанг, – деди йўлини тўсиб. Энди у ҳам ўзини
тутиб олган, қарашлари мағрур эди. – Мен ҳам сиз-
нинг марҳаматингизга муҳтож эмасман. Фақат бир нар-
сани билиб қўйинг. Янги йил кечасида Ёдгор билан
қолганингизни опангизга мен айтмоқчи эмасдим, ўзлари
сўрадилар. Қолаверса, Ёдгорнинг уйланганини Тамила
кеннойингиздан эшитиб, азбаройи ачинганимдан сизга
айтдим.

– Сиз майда одамсиз! – деди Чарос тез юриб борар-
кан, унга қарамай. – Бу гапниям бориб опамга сотинг. –
У тўхтаб кескин бурилди. – Энди мени тинч қўйинг.
Айтдим-ку, Ёдгор ака кутиб қолди.

У муюлишдан ўтганидан кейин кўзига ёш келди.

«Қандоқ кунларга қолдим. Қани унинг ўзи?..»

Чарос шу топда Ёдгорни кўргиси, дардини тўкиб сол-
гиси келди.

* * *

Дилфуза бир ҳафтача ётиб олди. Онаси ўзининг каса-
лини ҳам унутиб, унинг бошида парвона бўлди. Ҳазилми,
бир парча этни ўстириб, шунчалик қилганида... Опаси
кўп оғриси ҳам Дилфуза бола бўлиб бирон марта «их»
демаганди. Шунинг учун онаси кўрқиб кетди. Доктор-
га югурди, ўзича «туркона» дорилар қилди. Қизининг
аллақандай маъюс, ғамгин бўлиб қолгани, кечалари бир
нимадан кўрқиб, алаҳлаб чиқиши уни, айниқса, ташвиш-
га солиб қўйди.

Бугун Дилфуза қаддини кўтариб турди. Касалдан тур-
ган ҳар қандай одамда бўладиган алланечук бир руҳий

енгиллик унинг ҳам қалбини қувончга тўлдирди. У пол тахталари лопиллаб турган айвон устунига суянганча ҳовлини томоша қиларди. Қуёш ботиб кетган, аммо ҳали ёруғ эди. Ҳовлидаги олчалар япроғи яшил оловдек товланар, оҳиста силкиниб турарди. Онаси нимча устидан жун рўмолини белбоғ қилиб боғлаб олганча энкайиб, катакдаги товукларга дон сочарди. Товуклар талашиб-тортишиб донга ёпишар, каттакон қизил хўроз қақағлаб уларни «зиёфат»га ундар, аммо товуклар бусиз ҳам тўрт тарафдан ёпирилиб, донни олиб қочишарди.

Дилфуза сабабини ўзи ҳам тушунмай, кулиб кўйди.

Шу пайт кўчадаги чўян симёғоч даранглаб кетди. Дилфузанинг юраги гупиллаб урганча, оёқлари бўшашиб, айвон устунига юзини босди.

«Рустам! Рустам келди!»

Бу уларнинг «пароли» эди. Рустам Дилфузани чақириб келишга кўрқар, шунинг учун кўчадаги симёғочни тош билан уриб «сигнал» берарди.

Дилфуза кўнглида кўркув аралаш қувонч уйғониб, калишини шاپиллатганча айвондан сакраб тушди.

– Ойи, мен айланиб келай.

Онаси қаддини ростлаб, ташвишли кўзларини тикди унга.

– Вой, нега турдинг?

Симёғоч яна даранглади.

– Ҳозир келаман, сиқилиб кетдим. – У негадир титраб кетаётган оёқларини илдам босишга уриниб, кўчага чикди. Рустам кўчанинг у юзидаги водопровод олдида шу томонга кўз тикиб турар, худди Дилфуза ўйлаганидек қизил свитер кийиб олган эди. Дилфузани кўриши билан бирдан юзи ёришди-ю, секин-секин юриб кетди. Улар Дилфузанинг дадаси кўриб қолмаслиги учун ёнма-ён юришмас, ҳар сафар нариги кўчадаги доим берк туради-ган китоб дўкони олдида гаплашишарди.

Дилфуза ҳозир ҳам унинг ўша ёққа кетаётганини билди. Атрофга аланглаб олди-да, секин юриб кетди.

Салқин тушиб қолган, осмонда кўршапалаклар айланар эди. Дўкон олдида турган Рустам, у яқин келиши билан юзига хавотирланиб қаради.

– Нима қилди?

– Касал бўп қолдим, – деди Дилфуза Рустамдан кўз узмай. Рустамнинг озғин юзида, кўзларида ташвиш бор эди.

– Рангинг кетиб қопти, – деди у Дилфузанинг кўзларига тикилиб. – Тўрт марта келдим. Тураман-тураман, даданг уйга қайтганларидан кейин кетаман.

«Раҳмат сенга», деди Дилфуза хаёлан. Унинг кўзларида қувонч порлаб кетди.

Шу кўйи бир-бирларига қараганча, узок жимиб қолишди. Кўча ичкарасида болалар чиллак ўйнашар, уларнинг шовқин-сурони оламини тутарди.

– «Зу-у-ув», – деди бир бола чўзиб.

– Нафас олдинг, қайтадан бошла, – деди бошқаси бўғилиб.

– Йўқ, олмадим...

– Олдинг.

Ютқазган бола яна зувлади. Нафаси қолмагунча чўзиб борди. Рақибни маза қилиб кулди. Югуриб бориб, елкасига осилди.

Ютқизган болакай маррагача уни опичлаб борди-да, алам қилди шекилли, рақибининг ғашига тегиш учун бақирди:

Анвар алами,
Қулоғида қалами.
Поезд юриши,
Тўхтаб туриши...

– Ўша кунни сенга хат ёзаётгандим, опа олиб қўйди, – деди Дилфуза секингина.

Рустам бошини кескин силтади.

– Нега олади?

– Билмайман, олиб қўйди. Кимга ёзгандинг, деб сўради.

– Нега олади, ахир?! – деди Рустам бўғилиб. – Нима иши бор унинг!

Дилфуза елкасини кисди.

– Яхшики сенинг хатларингни кўрмади. Беркитиб қўйибман, хужрадаги қутида турибди.

Дилфуза бирпас жим турди-да, ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

– Опа айтадики, эрга тегмоқчимисан, дейди. Хатимни қайтариб бермагунча бормайман мактабига!

Рустам эсанкираб қолди шекилли, уни қандоқ юпатишини билмай, қўлини мушт қилди.

– Опани ўлдираман.

– Жинни бўпсан!.. – деди Дилфуза ҳиқиллаб. – Қамаб кўяди.

– Қамамайди. Армияга кетаман.

Дилфуза унинг «армияга кетаман» деганида чўчиб тушди.

– Керакмас... – деди ялиниб. Кейин яна бояги гапини қайтарди: – Опа хатимни бермаса, бари бир бормайман мактабга! – У бошини кўтарди-ю, бирдан кўзларида кўрқув пайдо бўлди. – Вой, ана ўзи!

Кўчанинг нариги бетидан Васида Назаровна ўтиб борарди. У яшил плаш кийган, бир даста китоб қўлтиқлаганча, ерга қараб кетарди.

– Бекин, Рустам, – деди Дилфуза овози титраб. – Кўриб қолса ойингларга айтади...

Рустамнинг онаси мактабда фаррош бўлиб ишларди. Шунинг учун Дилфуза «опа»нинг Рустамни таниб қолиши, бориб онасига айтишидан кўрқиб кетди. Негадир шу топда «Менга ҳеч нима эмас-ку, Рустамга қийин бўлади», деб ўйларди.

Васила Назаровна улар томонга қарамай ўтиб кетди.
– Бизникига кетяпти, – деди Дилфуза типирчилаб. –
Ҳозир дадамга айтади.

– Айтиб кўрсин-чи! – Рустам тишларини ғижирлатиб,
муштини дўлайтирди.

– Кет уйингга! – деди Дилфуза ялиниб.

... У шом қоронғиси тушиб қолган кўчадан ҳовлиқиб
келаркан, Опа ўзларининг уйига келганини юраги сезиб
турарди. «Дадам келмаган бўлсин ишқилиб, келмаган
бўлсин», деб ўйларди юраги титраб.

Қия очик эшикка етганидан кейин, ичкари киришга
ботинолмай, туриб қолди.

– Мана, ҳозир ҳам қаёққа кетганини билмайсиз. Битта
қизингизни эплаб ололмайсиз. – Бу Васила Назаровна-
нинг овози эди. Дилфузанинг юраги шувиллаб кетди.

– Ҳозиргина чиқиб кетувди-я. Бир ҳафтадан буён
қаддини кўтаролмай ётди болам бечора, – деди онаси. –
Сиқилиб кетдим, ҳаво олиб келаман, деди. Раҳмим келди
болага.

Дилфузанинг кўнгли бир оз таскин топди. Демак, да-
даси ҳали келмабди.

– Жаям ёш бола эмас, – деди Васила Назаровна киноя-
ли овозда. – Анча нарсага ақли етади... Аввал борсин,
комсомол мажлисида гаплашамиз.

Дилфузанинг назарида Опа бу гапни бутун оламга
эшиттириб айтгандай бўлди. Тўсатдан оёқларидан ма-
дор кетиб, қалтирай бошлаганини сезди. «Мажлис? Ўр-
тоқларимнинг юзига қандоқ қарайман! Кишлоқда қандоқ
бош кўтариб юраман!» У онасининг гапини эшитмади,
юраги зириллаб, эшикдан нари кетди-ю, муюлишга бо-
риб қолди.

Анчадан кейин Васила Назаровна эшикдан чиқди.
Муюлишга етганида Дилфузани кўриб тўхтади. Ўша
куни Дилфуза эшикни қарсиллатиб ёпиб кетгани ғашига
теккан бўлса керак, қовоғи солиқ эди.

– Нега мактабга бормаяпсан? – деди қошини чимириб.

Опанинг боя онасига айтган гапи ҳамон Дилфузанинг кулоғи остида жаранглаб турарди. «Комсомол мажлисида кўрармишми? Нимани кўради? Хатними?»

Дилфуза салом ҳам бермай, унинг кўзига тик қаради.

– Хатни беринг!

– Кўча сандироклаб юргандан кўра, онангга боқишсанг бўлмайдими, кап-катта қиз, – деди Васида Назаровна унинг гапини эшитмагандай.

– Мактабга бормаيمان, – деди Дилфуза йиғи аралаш. – Нега менинг хатимни оласиз? Ҳаққингиз йўқ!

Васида Назаровна унга бир нафас қараб турди-да, жеркиб берди:

– Ҳуқуқ талашишни билгандан кўра, ўқишни бил! – У кескин бурилиб, юриб кетди.

Дилфуза Васида Назаровнанинг кетидан қараганча, йиғлаб қолди. «Бари бир бормаيمان мактабига! Рустам билан қочиб кетаман!» – деб ўйлади қайсарлик билан. Унинг руҳида отасидан юққан бир сўзлилиқ жўш урар, Опанинг «мажлисга қўяман» деган гапидан даҳшатга тушар, бунинг устига агар Опа гапни қовласа, Рустамга ҳам ёмон бўлиши мумкин, деган хаёл уни, айниқса, қаттиқ азоблар эди.

* * *

«Нега олиб қўяди?» Рустам қоронғи тушиб қолган қишлоқ кўчасидан руҳи чўккан аҳволда юриб бораркан, ҳадеб шу саволни такрорларди. «Нега олади?»

Ҳали симёғочлардаги чироқлар ёқилмаган, кўчалар устида енгил тутун, пиёздоғ иси кезар, аллақерда сугир маърар, беркинмачоқ ўйнаётган болаларнинг шовқини тинмас эди. Ҳали Дилфузанинг Опани кўриб кўрқиб кетганини эслаб, ҳозир ўзининг ҳам юраги увушди.

«Опа ёмон, бир нарсага киришса қўймайди! Мактабда ундан кўркмайдиган одам йўқ... – У юриб-юриб гузарга келиб қолди. Деразасидан нур тушиб турган сартарошхонани узоқдан кўрди-ю, сесканиб кетди. – Дадасига айтиб берса-я! Тикка сўяди. Чапани одам!»

Рустам кўнглида ғулғула билан аста яқин келди-да, деразадан мўралади. «Хайрият, ҳали уйига қайтмабди!» Хайитвой амаки оқ халат кийиб олган, хиёл энгашганича, гавдали бир кишининг соколини қирар, алланималарни гапирар эди. Дераза томонга бир қараб қўйганида Рустам унинг узун мўйлови, кўкиш кўзларини қоплаб олгудай куюк, сарик қошларини кўрди-ю, юраги шувиллаб, ўзини орқага ташлади. Ташқари қоронғи бўлгани учун у Рустамни кўрмади шекилли, ишини қилаверди.

«Тезроқ мактабни битирсам эди, – деб ўйлади Рустам нари кетаркан. – Қутулардим шу Опадан ҳам, бошқасидан ҳам. Институтга кирсам, кирдим, бўлмаса армияга кетаман. Физкультура институтига кириш ҳам осонмас, дейишади-ку!»

Жисмоний тарбия ўқитувчиси унга «сендан яхши спортчи чиқади», деган. Рустам ҳам шунга кизикарди.

Аслида Дилфузани севиб қолишига ҳам волейбол сабаб бўлган. Рустам илгарилариям Дилфузани кўриб юрарди-ю, эътибор бермаган экан. Ўша куни яхши кўриб қолди.

Кузда уларнинг синфи 10 «б» билан волейбол ўйнади. Аввалига «б»чилар юта бошлади, майдон чеккасида туриб олган қизлар уларни олқишлаб қарсак чалишар, бу эса Рустамнинг ғашига тегарди. Кейин ҳисоб тенглашди.

Гал айланиб келиб, Рустам тўрнинг рўпарасида турган эди. Бир маҳал тўп баланд кўтарилиб, шундоққина тўр устига туша бошлади. Рустам, тўрнинг нариги томонидан туриб тўпга сакраётган рақибини кўрди-ю, қисилган пружинадек осмонга сапчиди, шундай зарб билан урди-

ки, тўп рақибининг бошига тегиб, чеккага учиб кетди. Рақиб бейхотиёр чўккалаб қолди.

Рустам томоша қилиб турган кизлар орасида биттаси чинкириб осмонга сакраганини, кула-кула қарсак чалганини кўрди. Негадир ўша куни шундай яхши ўйнадики, ўзиям хайрон қолди. Ҳар сафар рақиб тўрига тўп туширганида бояги киз қувониб қарсак чалар, унга сайин Рустам яхшироқ ўйнар эди.

Шу кундан бошлаб у ўша кизни ҳар кўрганида юраги алланечук титраб кетадиган, дарси илгари тугаган кунлари атайлаб тўққизинчи синф деразаси олдидан ўтадиган бўлиб қолди. Шундоқ тўполончи боланинг бирдан «қуйилиб» қолганини кўриб синфдошлари хайрон эди. Рустам охири дардини Азим деган ўртоғига айтди. Икковлашиб Дилфузага хат ёзишди. Азим айтиб турди, Рустам ёзди. Шундан кейин Дилфуза ҳам уни яхши кўриб қолди.

Рустам ҳамон бошини қуйи солиб бораркан, боя Дилфузанинг йиғлагани кўз ўнгига келди-ю, ўзининг ҳам йиғлагиси келди.

«Нега унақа дейди Дилфузага?! Нима ёмонлик кипти?»

У ўздан-ўзи Опаларнинг кўчасига бурилди. Ўша гапи учун шунақанги таъзирини берсинки, нима, кўрқадими! Қани, Дилфузанинг хатини қайтариб бермасинчи?!

Рустам опаларнинг уйи қаршисидаги толлар тагига келиб тўхтади. Ичкарида чироқ ёниб турар, аммо деразаларга парда тўсилгани учун ҳеч нима кўринмасди.

У анчагача шу ахволда толга суяниб турди. Кейин бирдан дераза шарақлаб очилганини эшитди-ю, кўрқиб бошини кўтарди. «Опа!»

Дераза пардаси сурилиб, бир кизнинг боши кўринди. Рустам, икки-уч йил илгари мактабни битирган Опанинг кизини таниди.

– Ким керак эди сизга? – деди қиз қоронғида яхши кўрмаётгани учун бўлса керак олдинга эгилиб.

– Ўзим... – деди Рустам дудукланиб. Кейин орқасига қарамай, секин-секин юриб кетди.

«Қани, қайтариб бермасин-чи! – деди кўча бошига борганидан кейин опани тагин яниб. – Обқочиб кетаман Дилфузани».

У Опа билан қандоқ гаплашишни, хатни қандоқ қайтариб олишни ўйлар, аммо хаёлига дурустроқ бир фикр келмай, қийналар эди.

* * *

Азиза онасидан Ёдгорнинг «бир қошиқ сув билан ютгулик» кизни етаклаб юрганини эшитганида чандон ишонмаган эди. «Бунақа гапларнинг ўзидан кулоғи узун бўлади», деб юрганди.

Ўйқ, рост экан. Театр ва рассомлик институтида ўқийдиган холасининг қизи ҳаммасини айтиб берди. Азиза «бечора» қизнинг миридан-сиригача билиб олди.

«Душманингдан кўркма, душманга айланган дўстингдан кўрк», дейдилар. Азиза Ёдгорнинг нозик жойларини яхши биларди. Шунча кўргиликлари эвазига эридан қасос олишга аҳд қилди: Ёдгорнинг институтига хат ёзди. Бировнинг ошидан ҳазар қилмаган бегона қиз билан пачакилашиб ўтиришга кўнгли чопмади-ю, онаси билан гаплашиб қўйишга аҳд қилди. Она бўлса қизини тийиб олсин!

У мактабга кириб келганида танаффус пайти экан. Болалар ҳовлида чувиллашиб ўйнар, юқори синф ўқувчилари иссиқхонанинг ойнабанд томига хашак ёпишар, бир хиллари гуллар тагини чопар эди.

Азиза кўнғироқ чалинишини кутиб турди. Зум ўтмай ҳовли жимжит бўлиб қолди. Тутлар шоҳида сайраётган

мусичаларнинг кукулаши аниқ эшитила бошлади. У деворига ҳар хил диаграммалар, портретлар илиб ташланган ўқитувчилар хонасидан ўтиб, юраги пўкиллаганча «Завуч» деган ёзув осиглиқ эшикни тақиллатди.

Ичкаридан «ҳа» деган бўғиқ овоз эшитилгач, кирди-ю, остонада туриб қолди. Тўрдаги алвон ёпилган стол қаршисида ўтирган сочлари оқара бошлаган тўлагина аёл «нима ишингиз бор эди?» дегандай кўзларини пирпиратди.

– Кечирасиз, – деди Азиза яна юраги пўкиллаб. – Васила Назаровна сизмисиз?

– Ҳа, ўтириб туринг, – деди аёл стулни кўрсатиб.

Азиза этакдаги стулга чўкди.

– Кеча боргандим! – деди аёл девор тагидаги стулда ўтирган кўҳлик йигитга қараб. – Келмаган бўлса ўзидан кўрсин. Отасининг олдига ўтқазиб қўйиб гаплашамиз.

Азиза унинг эркакча овозини эшитиб, яна юрагини кўрқув босди. «Юмма талаб берса-я?.. Ўлдими... Ўзиям қизини тириклайин ейдиган хотинга ўхшайди».

У ўзини босиб олиш учун хонани томоша қила бошлади. Бурчакда каттакон сейф жойлашган, девор тагидаги китоблар солинган шкаф устида аллакимнинг ҳайкалчаси турарди. Азиза кимники эканини билолмади.

– Бўпти, Дилшоджон, – деди хотин яна кескинлик билан. – Дарсингизга киринг. – Кейин Азизага қараб сўради. – Хизмат?

– Сиз Театральный институтда ўқийдиган Чароснинг оналаримисиз? – деди Азиза тутилиб.

– Ҳа, нимаиди?

Азиза яна тутилиб қолди. У қандоқ қилса гапи таъсирчанроқ чиқишини ўйлар эди.

– Мени кечиринг, – деди анчадан кейин. – Буни сизга айтмоқчи эмасдим. Эшитдим, сиз обрў-эътиборли аёл экансиз...

Аёл гапингни айт, дегандай, қошини чимирди.

– Қизингизга айтсангиз, бировнинг бахтига чанг сол-
маса...

Аёл тушунолмай, кўзини пирпиратди.

– Менинг қизимни айтяпсизми? Нима деганингиз бу?
Кимнинг бахтига чанг солибди?

«Бехабар экан. Билмаса билиб кўйсин», деб ўйлади
Азиза кўнглида қасоскор бир лаззат туйиб.

– Кимнинг бўларди, менинг! – деди у овозини ба-
ландлатиб. – Мен ҳам жудаям ердан чиққан эмасдирман.
Қанот куйруғим бордир.

Аёлнинг ранги оқариб, кўзлари катта очилиб кетди.
Столда ётган сигаретни олиб тутатди.

– Сиз адашяпсиз, синглим, – деди у Азизага тик қараб.

– Йўқ, адашаётганим йўқ. Сиз рассомлик факульте-
тининг иккинчи курс студенти Чароснинг онасимсиз,
ахир... Васида Назаровнамисиз?

– Нима қилибди Чарос? – аёл ўрнидан туриб кетди. –
Нима қилди?

Азиза юзини кафти билан яширганча, пиқиллаб йиғлаб
юборди. Шу топда кўзига ёш кела қолганига ўзиям хайрон
қолди. Кейин бутун бахтсизликларига ўша қиз айбдор эка-
нига ўзиям ишонди-ю, дардини тўкиб солди.

– Қизингиз менинг эримни тинч кўйсин! Уялмайдим-
ми, кўча тўла йигит...

– Нима, нима дедингиз?

Азиза аёлнинг бўғиқ овозини эшитиб, бошини кўтар-
ди.

– Ишонмасангиз ўзидан сўранг қизингизнинг!

У кўз ёшларини артиб, аёлга қаради. Хотин гарданига
биров гурзи билан ургандай бирдан мук тушиб қолган,
энкайганча столга тиралиб ўтирар, Азизага тикилиб тур-
ган кўзларида ғазаб бор эди. Чамаси, у ҳозир Азизани
кўрмас, бутунлай бошқа нарсани ўйларди.

– Эрингизнинг оти нима? – деди у анчадан кейин таҳдидли овозда.

– Ёдгор... Ёдгор Мирзаев... Политехника институтида ўқийди. Ётоқда, бир юз ўттиз тўққизинчи хонада туради. – Азиза хийла жим қолди-да, аста кўшиб кўйди. – Тўғри, мен эрим билан турмайман. Лекин ҳали қонуний ажрашганимиз йўқ. Балки Чаросхон унинг уйланганини билмас, қизингизда айб йўқдир... Унинг бошини айлантириб кўйгандир, йигит ўлгур...

Хотин «бас қил», дегандек бошини кескин кўтарди. Унинг кўзларида алам, нафрат, аллақандай дард бор эди.

– Кечиринг, сизни хафа қилмоқчи эмасдим... – деди Азиза яна ўша ялинч оҳангида.

– Бўлди, – деди аёл лабларини қимтиб. – Бораверинг! Азиза қушдай енгил тортиб, ҳовлига чиқди.

* * *

Чарос дарпардани суриб, деразани очди. Юзига майин шабада урилиб, чуқур энтикди. Осмон чароғон, қуёш чарақлар, камқатнов асфальт кўчанинг ўртасида қизалоклар черта ўйнашарди. Уларнинг бири – сочига бантик такқан қизча чумчуққа ўхшаб бир оёқлаб ҳақкалар, бошқаси – атлас кўйлақча кийиб олгани эса санаб турарди.

Дераза қаршисида тол шохлари шитирлаб кетди. Чарос бошини кўтариб, толга осилиб турган болани кўрди.

– Туш, Адҳам, – деди у кўшни болакайни таниб.

– Варрагим илиниб қолди. Чарос опа, олиб тушай, – деди бола бир оёғини осилтириб турганча ялиниб.

Чарос дераза панжарасидан мўралаб қараб, тол шохларига ипи ўралашганча узун думи ликиллаб турган даканг варракни кўрди.

– Йиқилиб кетсанг-чи?..

– Йиқилмайман...

Чарос деразадан нари кетди. У икки кундан кейин бўладиган семинарга тайёрланар эди. Кейинги пайтда тарихий шахслар портрети масаласида мунозарали фикрлар кўпайиб кетди. Бунинг боиси бор. Чарос, хусусан, Темур портрети ҳақида гапирмоқчи эди. Тўғри, анча йиллар аввал машхур рус рассоми яратган портрет жаҳонгирнинг бош суягига қараб чизилган. Лекин инсон юзининг умумий чизиқларини топиш ҳали портрет яратиш деган гап эмас. Портретда кўз ифодаси, ички оламининг чеҳрадаги акси шахс характерини очади. Шохнинг ҳозирги портретида у ваҳший қилиб тасвирланган. Ҳолбуки, Темур фақат жаҳонгир эмас, яратувчи ҳам бўлган. Самарқанд обидаларидек санъат асарларининг бунёд бўлишига ҳомийлик қилган, жаҳонга донғи кетган олимларни тўплаб, уларга шароит яратиб берган одам эзгуликни ҳис қилмаслиги мумкин эмас. Бунинг устига замондош тарихчилар Темур донишманд, истарали одам бўлганини ёзиб қолдирганлар. У мана шулар ҳақида албатта гапирмоқчи эди.

Эшик тарақлаб очилиб, унинг хаёллари дув тўзиб кетди. Чарос хуркиб бошини кўтарди-ю, ранги қув ўчиб, лаблари титраганча остонада турган онасини кўрди, вазоҳатидан чўчиб кетди.

– Ҳа, опа?

Васила Назаровна қўлтиғидаги китобларни остонага ташлаб, Чаросга тешиб юборгудай тикилди.

– Ёдгор ким?

Чароснинг вужуди музлаб кетди. Негадир хаёлидан «Дилшод айтган», деган фикр лип этиб ўтди.

– Ким деяпман? – деди Васила Назаровна унга томон юриб.

Чарос чўчиб, орқага тисарилди.

– Опа... – деди ялиниб.

– Ким? – Васи́ла Назаровна янаям яқинроқ келди. Унинг лаблари титрар, кўзлари қисилиб кетганди.

– Ўша... – деди Чарос онасининг юзига қарашга ботинолмай пичирлаб.

– Нима «ўша?» Ким «ўша?» – Васи́ла Назаровна унга тақалиб турар, нафаси Чароснинг юзига уриларди.

Чарос аламдан кўзларига куйилиб келаётган ёшни базўр тийиб турар, юзлари ловиллар эди. «Бу қандоқ гап. Ўзининг дарди ўзига етмайдими? Нега уни хўрлашади. Айби нима, ахир. Яхши кўрганими? Қачондан буён ўшани бир марта кўриш орзусида юрганими?» Шу топда у Ёдгорни яхши кўришини, усиз яшай олмаслигини аниқ ҳис қилди-ю, онасига қаради.

– Ўша!

– Яхши кўрасанми? Туролмайсанми, «ўша»сиз?!

– Яхши кўраман, туролмайман! – деди у йиғига бурилган лаблари титраб.

Васи́ла Назаровна карахт бўлгандай, тили калимага келмай қолди.

– Энди келиб-келиб бировнинг сарқитини ейдиган бўлиб қолдингми? – деди у пичирлаб. – Мен сени ювинди билан боққанмидим?! Энди ювиндихўр бўлиб қолдингми?

Аламдан, уятдан Чароснинг кулоқлари шанғиллаб кетди. Ўз онасининг таънаси суяк-суягидан ўтиб, юзлари ловиллай бошлади.

– Опа... – деди лабини тишлаб.

Онаси кулоқ солмади.

– Эл-юрт ўртасида мени шарманда қилмоқчимисан? Биласанми, мен кимман? Йўқ, сен шармандани деб таъна эшитишни хоҳламайман. Ишқ-муҳаббат деган шикилдоғингни ўзинг ўйна, менинг кўлимга тутқазма! Ўша хотинбознинг шундоқ шармандасини чиқарайки!

Чарос чўчиб, бошини кўтарди.

– Борманг олдига! Бормайсиз!

Чарос кулоқ-чаккасига тушган тарсакидан гангиб, кўзларини катта очганча онасига узоқ қараб қолди. Энди у йиғламас, оғир-оғир нафас оларди. Бола бўлиб онасидан калтак емаганди. Бугун онаси урди, Нега, нима учун?!

– Нега урасиз? – деди пичирлаб. – Нега урдингиз?! – У энтикканча онасига томон эгилди. – Эшитиб қўйинг, опа, аввал юрмаган бўлсам, энди юраман!

У эшикни тарақлатиб очганча, айвонга чиқди. Шошилиб туфлисини оёғига илиб, сакраб ҳовлига тушди.

– Юрсанг, қайтиб келма! – деди онаси унинг кетидан кичкириб.

У югуриб кўчага чиқди. Онасининг диванга ўтириб олганча ўксиб-ўксиб йиғлаётганини ҳам, ер ютгур хотин-бозни қарғаётганини ҳам эшитмади. Ловиллаётган юзини кафти билан силаганча юриб кетди, хуши учганча автобусга ўтирди. Айланиб-айланиб стадионга келиб қолди. Негадир бир вақтлар Ёдгор билан майдонни томоша қилишган жойга – марказий минбардаги панжара олдига келди.

Стадион таъмир қилина бошланган, панжаралар кизил-сарик ранга бўялган, кўм-кўк майдон осмоннинг бир бўлагидек яшнаб ётарди. Қаердадир музика янграр, майдон четидаги йўлкаларда майкачан қизлар югуришарди.

Чарос Ёдгорнинг гапини эслади: «Баҳорини кутиб ётибди!» Унинг ўйчан, самимий чехраси Чароснинг кўз ўнгига келди-ю, аччиқ жилмайди:

«Мана, баҳор келдиям. Баҳор ҳам барчани баравар бахтиёр этолмас экан-да».

* * *

Бугун стипендия олишгани учун икки ўртоқ қўлбола ош қилишмоқчи бўлди. Зойиржон дарсдан кейин бозорга кетди.

Ёдгор трамвайдан тушиб, ётоқ томонга кетаркан, тўрт қаватли уй бурчагида тўдалашиб турган одамларни кўрди. Кўпчилиги яқтак кийган, салла ўраган кексалар эди. Улар бошини қуйи солганча оҳиста гаплашиб туришар, тепага, иккинчими, учинчими қаватга қараб-қараб қўйишарди.

Ёдгор яқинроқ келиб, подъезд олдида турган тобутни кўрди-ю, тўхтаб қолди. Тобут атрофи қизил алвон билан ўралган эди.

«Ёш одам қазо қилибди», деб ўйлади у юраги увушиб.

Тобут тепасида беқасам тўн кийиб, кийикча боғлаган бир йигит букчайиб турар, қизариб кетган кўзлари билан атрофга жавдирар, одамлардан мадад кутгандек, маъносиз қараб-қараб кўяр эди.

«Акасими, укасими бўлса керак», деб ўйлади Ёдгор яқинроқ келиб. Шу топда мана шу ғуссали нотаниш йигитчага нимадир деб тасалли бергиси келди-ю, сўз тополмади. Оқила буви вафот этганидан буён у аза кўрмаган эди. Ҳозир негадир томоғига бир нима тикилиб, кўзлари ачишиб кетди.

Йўлак рўпарасидаги ёш толга чиқиб олган йигит болтача билан силлиқ шохларни танлаб кесар, берирокда турган чоллар ўзаро секин-секин гаплашишарди. Уларнинг суҳбати Ёдгорнинг қулоғига чала-ярим чалинди.

– Дом жоннинг роҳати дейишади-ю, шунақа пайтда чатоқлиги билинади-да, – деди сийрак соқолли киши оғир-оғир нафас олиб турган, қовоқлари салқиган семиз ҳамроҳига, – каталакдай жойда тўй ўтказа олмасанг, маърака ўтказа олмасанг...

– Ҳалиям бўлса ўзимизнинг Қурбақабод тузук, – деди ҳамроҳи секин.

Учинчи қават деразасидан ғўнғир-ғўнғир товуш келди. Кейин хотинларнинг чуввос солиб йиғлагани эшитилди. Ёдгорнинг қулоқлари шанғиллаб, ҳеч нимани англай олмай қолди. Зум ўтмай одамлар тўдаси тобутни

липиллатиб, кўча томонга йўл олди. Ёдгор тобут кўтариш савоб, деган гапни эшитган эди. Туртиниб-суртиниб олдинга ўтди. Тобутнинг бир бандига елкасини тутиб, катта кўчагача кўтаришиб чиқди.

Ётоққа қайтаркан, унинг кўнгли бўм-бўш бўлиб қолганди. Лопиллаб бораётган тобут, хассакашлар, секин гаплашаётган чоллар унинг кўз олдидан кетмас эди.

«Уйларнинг маҳаллий шароитга мослашмагани мана шунақа пайтда айниқса билинади, – деб ўйлади у кўнгли хижил тортиб. Яна бояги чолларнинг гапни эслади. – Тўй қилиб бўлмаса, маърака қилиб бўлмаса...»

У ўтган қишда Зойиржон аллақайси тоғаваччасининг маъракасига бориб, сўқиниб келганини эслади. «Одам тирбанд, каталакдай уйга ким сиғарди, элликка яқин киши беш-ўнтадан навбат билан кириб чиққунча оёғимдан муз ўтиб кетди».

Начора, бари бир таомилга амал қилиш керак. Балки шунинг учун ҳам кўплар тайёр уй турганда, иморат соламан, деб шаҳар чеккасига югурар?.. У яқинда Қорақамиш массивига кўчиб борганлар ўзбошимчалик билан бир хонали уйга маҳалланинг қозон-товоғини киритиб қўйганини, район ижроия қўмитасида катта жанжал бўлганини эшитган эди.

Йўқ, ақалли ҳар бир даҳада биттадан маҳалла маркази бўлиши керак. Халқ таомилига кўра, чойхоналар ҳашар йўли билан қурилади. Уйлар қурилаётганида маҳалла маркази учун жой қолдирилиб, лойиҳаси чизиб берилса-чи?! Масалан, бундай марказни икки қаватли қилиш мумкин. Биринчи қавати чойхона бўлади. Маҳалланинг бутун хўжалиги шу ерда сақланади. Оқшомлари кўни-қўшнилар дам олиши мумкин. Шунда бир-бири билан яқинроқ танишади, биров-бировининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлади. Иккинчи қаватда клуб жойлашса, турли йиғинлар, тўйлар бўлса.

Мана бундай маъракалар-чи?! Одамлар жон-жон деб рози бўлади. Давлат қуриб берсин деб ўтирмай, ҳашар билан битириб қўяди. Фақат жой ажратиб, лойиҳасини чизиб бериш керак.

«Албатта шундай қилиш керак, – деб ўйлар эди Ёдгор хонанинг у бошидан-бу бошига бориб келаркан, – келгуси лойиҳаларда шуни албатта ҳисобга олиш керак».

У гарангсиб, стол олдига келди. Чойнак жўмрагидан совуқ чой ичаркан, бугун навбатчилик ўзининг гали эканини эслади. Уларнинг хонасида ўзига хос қоида бор эди. Навбатчи пол ювади, идиш-товокларни тозалайди, уйда овқатланмоқчи бўлишса, овқат қилади. Кейин идишларни яна ювиб қўяди.

У Зойиржон келиб қолса, ҳалиям имиллаб ўтирибсизми, деб койишини билиб, деразаларни, стол-стулларни артди. Кейин латта ҳўллаб, пол ювишга киришиб кетди. Энкайганича, орқаси билан очиқ эшик томонга аста сурилиб келаркан, қўлтиғининг тагидан қараб, остонада турган семиз оёқларни кўрди. «Оббо, пол ювишни кўриш ҳам томоша бўптими?»

У қаддини ростлаб, бурилиб қаради.

Остонада кўк жемпер кийган, сочи турмакланган тўлагина аёл турарди. Унинг қаеридир Ёдгорга танишдек туюлди.

– Келинг, – деди салом бериб.

Аёл киши қаршисида майкачан, қўлида ҳўл латта осилтириб тургани учун хижолат бўлиб, кафтининг орқаси билан терлаган пешанасини артиб қўйди.

– Менга Мирзаев Ёдгор керак! – деди нотаниш аёл ундан кўз узмай.

Унинг овозидаги қатъиятдан, ўзининг аҳволидан Ёдгор янаям кўпроқ мулзам бўлди.

– Мен, – деди у хайрон қолиб. Кейин латтани челакака солди-да, қўлини ювиб, қўйлагини кийди. Стол устига

тўнкариб илиб кўйилган стулларни тушириб артди-да, таклиф қилди:

– Ўтиринг.

Аёл столга тирсагини тираб ўтирганча Ёдгорга узоқ қараб турди. Ёдгор хижолат чекиб, кўзини олиб қочди.

«Қаерда кўрган эканман уни?»

– Мен Чароснинг онасиман! – деди аёл яна ўша қатъий оҳангда.

Ёдгор сакраб туриб кетди. «Вой каллаварам! Худди ўзига ўхшаб турибди-ю, танимайсан-а? Фақат Чарос нозик...»

Чарос деган сўзни эшитганданок унинг юраги хаприкиб кетганди. Довдираб қолди.

– Кечирасиз, мен ҳозир... – деди у Хизрга йўликқандай қайтадан салом бериб. Илдам бориб, бурчакда турган чойгумни олди. Таги сарғайган чойгумни кўрсатмаслик учун четлаб ўтмоқчи эди, аёл тўхтатди.

– Керакмас, ўтиринг, – деди стулга имо қилиб.

– Йўғ-е – Ёдгор ноқулай жилмайиб, чикиб кетаётган эди, аёл янада қатъийроқ қилиб таъкидлади:

– Керакмас!

Ёдгор қайтиб келиб, унинг қаршисига ўтирди.

Аёл синчковлик билан уни бошдан-оёқ кузатиб чиқди. Унинг кошени чимириб ўтиришидан Ёдгорнинг юраги шувиллаб кетди. «Чарос тинчмикин?»

– Чаросни кўпдан танийсизми? – деди аёл вазиятни ўзгартирмай.

– Танийман, – деди Ёдгор қизариб.

– Танийсиз... – аёл хўрсиниб қўйди. Кейин кўзлари кенгайиб, Ёдгорга қаттиқ тикилди. – Сиз хотинингизни танинг!

«Ҳаммасини билибди, – деб ўйлади Ёдгор. Кейин дафъатан хаёлига келган фикрдан енгил тортди. – Шунча кўринмай юрган бўлсаям бу гап чиқибдими, демак, Чарос унутмабди».

У кўнглидаги умид чўғидан рухланиб, аёлга хотир-жам қаради. Ҳозир жаҳли чиқиб ўтирган бу аёл кўзига кадрдон кўриниб кетди.

– Уялинг, – деди Чароснинг онаси овозини баландлатиб. – Оилали бўла туриб, ёш кизнинг бошини айлантиришга уялмадингизми? Тағин студент эмиш!

Ёдгор ундан ранжимади. «Унинг ўрнида бўлганида бошқалар ҳам шундай қиларди», деб ўйлади у ерга қараб.

– Гап шу! – деди аёл эркакча овозда. – Чаросни тинч кўясиз. Бўлмаса, ўзингиздан кўринг.

Ёдгор ўзи учун азиз инсонни дунёга келтирган одамга қаттиқ гапиролмаслигини биларди.

– Мен сизнинг аҳволингизни тушунаман, – деб гап бошлаган эди, аёл шартта кесди:

– Э, сиз ўзингизнинг аҳволингизни билинг! – деди жеркиб. – Чарос ёш, аҳмоқ, сизни севиб қолган бўлиши мумкин. Лекин сиз ёш бола эмассиз-ку!

Ёдгорнинг боши айланиб кетди. «Севиб қолган бўлиши мумкин», деб ўйлади хаёлан такрорлаб. «Севиб қолган!» У кўзларида порлаган қувончни яшира олмас, тасавурида бирданига фариштага айланган шу одамни хафа қилмаслик учун бошини кўтаролмас эди.

«Яхши кўриб қолган. Шундан бошқа мукофот керакмас менга. Она бўлса... Бари бир она-ку, бир кун тушунади. Қачондир тушунади...»

– Эшитдингизми? – деди аёл яна овозини баландлатиб.

Ёдгор гарангсиб, бошини кўтарди.

– Чаросни хаёлингиздан чиқариб ташланг!

Ёдгор уни ҳарчанд ранжитгиси келмаса-да, ёлғон гапиролмади.

– Йўқ, – деди бошини оҳиста чайқаб. – Хафа бўлманг, опа, мен уни унутишга ваъда беролмайман.

Аёлнинг ранги қув ўчиб, ўридан турди.

– Аввал биттасини эплаб олинг, йигит! – у Ёдгорга киноя билан караб кўйди. – Бўпти, кўрамиз! Комсомол бор, деканат бор! – У кескин бурилди-да, чикиб кетди.

Ёдгор ҳамон стулдан жилмай ўтирар, онани ранжитиб кўйганидан кўнгли чўкар, аммо бояги биргина сўзнинг ўзи руҳини шу қадар тетик қилиб юборган эдики, бошқа ҳеч нимани ўйлагиси келмасди.

* * *

Уч кундан кейин Ёдгор институтга борганида йўлакдаги тахтада осифлиқ турган каттакон эълонни кўрди. «Эртага – 24 март куни соат 13 да 3-курс студентларининг умумий комсомол йиғилиши бўлади. Кўриладиган масала битта: студент Мирзаев Ёдгорнинг ахлоки». Эълон қора босма ҳарфлар билан чиройли қилиб ёзилган эди. Лойиҳачиларнинг ҳуснихати чиройли бўлади...

Ёдгор ўқиди-ю, миҳлангандай серрайиб қолди. Ҳаво булут бўлгани учун йўлакдаги чироқлар ёқиб кўйилган, эълон узоқдан кўзга яққол ташланиб турар, Ёдгор ўзи ҳақидаги ҳукмни ўзи ўқиган маҳбус каби талмовсираб қолган эди. Ёнидан ўтиб кетаётган таниш талабалар гоҳ унга, гоҳ эълонга караб, бири ҳайрон бўлиб, бошқаси худбинларча илжайиб кўяётганини Ёдгор анчадан кейин пайқади. Пайқади-ю, бу ердан кетиш, тезроқ кетиш кераклигини билиб, югурди. У ажалдан қочиб қутулиш мумкин бўлмаганидек, эълондан ҳам қутулиб бўлмаслигини ҳис этиб турар, юрагини ваҳима босар, «ахлоки» деган сўз шармандаларча бонг чалаётганини билиб, кулоқлари шанғиллар эди.

Ўша куни Чароснинг онаси «комсомол бор, деканат бор», деганида жаҳл усида айтди-кўйди-да, деб ўйлаганди.

«Шунчалик тез-а», деб ўйлади у плашини билагига илганича, зиналардан туртиниб-суртиниб тушиб бораркан. Назарида ҳамма унга қараётгандек, «мана, мана, ўша ахлоқсиз!» деб бармоғини бигиз қилиб кўрсатаётгандек эди.

Ҳаво тунд, қаттиқ шамол эсар, пастак, қоп-қора булутлар шаҳар устидан зудлик билан этагини судраб борар, телевидение минорасининг ярмидан нарёғи кўринмас эди.

Ёдгор шамолдан гандираклагандай довдираб бораркан, кузда бўлган комсомол мажлисини эслади. Ўшанда талабалар пахтага бормаган бир болани чўқилаб, «пати-ни тўзитиб» юборишган, институтдан ҳайдашга қарор чиқаришган, ректорат ҳам бу қарорни тасдиқлаганди.

«Тамом бўлди, – деб ўйлади Ёдгор томоғига нимадир тикилиб. – Мана, ўқиш ҳам тамом бўлди. Қанча орзуларим бор эди».

У шу топда Чаросни кўриши кераклигини, кўрмай ту-ролмаслигини пайқайди.

Юриб-юриб таниш – уч туп чинор тагига бориб қолди.

Чинорлар шиддат билан вишиллаётган шамолда тит-рар, тангадек япроқлар ожиз қалтирар, ҳозир узилиб тўзиб кетгудай бўларди. Шамол яна кучайди.

Ёдгор чинорлардан бирига суянганича узок турди. Нихоят, бир тўда қизлар орасида Чарос кўринди. У оқ жем-пер кийиб олган, қўлида китоблар бор эди. Ёдгор юраги типирчилаб қараб турди. Чарос қизлар билан ҳайрлашди-да, одатдагидек бошини қуйи солганча, китоблари билан юзини шамолдан пана қилиб, юриб кетди. У бошқа қўли билан жемперининг тугмаларини солишга уринар, аммо рўпарадан эсаётган шамол бўй бермас, жемпер барини оппоқ қанотдек пирпиратар эди.

Ёдгор кўксини тўлдирган туйғулар тўлкинида энти-киб, унга талпинди. Шу пайт юзигами, пешанасигами

йирик бир ёмғир томчиси тушди. Кейин тангадек-тангадек томчилар асфальт кўчани чакичлай бошлади.

Ёдгор кўча чеккасидаги шафтоли тагида Чаросга етиб олди.

– Чарос! – Аввал ўзи қичқирдимми ё олдинроқ Чарос ўгирилиб қарадимми, Ёдгор билолмай қолди.

Шу ондаёқ Чароснинг энтикиб кетганини, кўзларида мунг аралаш соғинч бир туйғу ёнганини пайқади-ю, плашини унинг елкасига ташлади. Плаш этаклари ерга тегай деб қолди. Ёдгор плаш ёқаси билан унинг томоғини ўраркан, шамол ҳам, жала ҳам кучайиб кетди. Шафтоли гуллари дув учиб, бир қанча гул япроқлари Чароснинг ҳўл сочларига, юзига ёпишиб қолди. Негадир Чароснинг юзи худди шу гул билан бир хил рангда эканини энди сездди.

– Келдингизми? – деди Чарос пичирлаб. Кейин лаблари бурилди-ю, унинг кўксига бош кўйиб, ҳиқиллаб йиғлаб юборди. – Қийналиб кетдим.

Ёдгор томоғига яна ўша илиқ нарса тиқилиб, қизнинг бошига юзини босди. Чароснинг тўзиган ҳўл сочларидан гулнингми, атирнингми ҳиди келарди.

Чарос яна бошини кўтарди. У йиғлар, кўзларида табассум билан йиғларди.

Ёдгор шартта эгилди-ю, унинг ёшми, ёмғирми илиниб турган узун киприкларидан, юзидан, лабларидан ўпа бошлади. Чарос титраб, энтикар, аммо қаршилиқ қилмас, ингичка қўллари Ёдгорнинг билагига осилганча, ожиз титрар эди.

* * *

Мажлис роппа-роса соат бирда бошланди.

Факультет комсомол ташкилотининг котиби, бешинчи курс талабаси Искандаров деган йигит аудиторияга кириб келганида талабалар жимгина ўтиришарди. Ёд-

гор ёнок суяклари туртиб чиққан, кичкина, дум-думалок қорачикли кўзлари ўйнаб турадиган бу йигитни яхши танир эди. Пахтага боришганида бешинчи босқич болалари бу йигитни ёмон кўришини, орқасидан «курук» деб лақаб қўйишганини эшитганди. Ҳозир у доим диккайиб турадиган сочларини ҳўллаб тараган, қора костюм-шим кийган эди.

Искандаровнинг кетидан аудиторияга Маҳмуда Алиевна исмли профессор кирганида талабалар гур этиб ўрнидан турди. Ёдгор ҳам елкасидаги юк оғирлик қилгандай, амаллаб қаддини кўтарди. Маҳмуда Алиевнанинг қаеридир Чароснинг онасига ўхшаб кетишини энди сезди-ю, бўшашиб ўтириб қолди. Маҳмуда Алиевна дераза тагига – кафедра ёнидаги стулга ўтирди.

– Сиз, ўртоқ Мирзаев, бу ёкқа чиқинг! – деди Искандаров қўлини бигиз қилиб.

Ёдгор оёқларига тош боғлагандай имиллаб олдинга чиқаркан, Маҳмуда Алиевна ўзига синчиклаб қараб қўйганини пайқади. Секин келиб, эшик тагидаги курсига чўкди. Қора курсига ўтираётган жиноятчига ўхшаб қолганидан юзлари ловиллаб кетди.

– Мана шундоқ, – деди Искандаров унга тепадан қараб. – Одамларга қараб ўтиринг.

«Юзинг чидаса», деб ўйлади Ёдгор унинг фикрини хаёлан давом эттириб. Искандаровнинг биринчи муомаласиданоқ Ёдгор иш яхшилик билан тугамаслигига ақли етди. «Бўлди... Тамом...» У қўлларини яширишга жой тополмагандек стул ўриндигини чангаллаб, ерга қаради.

Шу пайт эшик очилиб, «мумкинми?» деган овоз эшитилди. Ёдгор зимдан қаради-ю, Аваз акани кўриб, юрагида умид учқуни ялт этди. «Яхши бўлди келгани».

Аваз унга бир қаради-ю, Маҳмуда Алиевнанинг ёнбошидаги стулга бориб ўтирди. Шундай жимлик чўкдики,

катта кўчадан ўтаётган трамвайларнинг гулдираши ўн хисса ортиқ тарақлаб эшитила бошлади.

– Ўртоқлар! – Искандаров талабаларга қараб бир лаҳза жимиб қолди-да, Ёдгорни кўрсатди. – Бугун биз мана шу талабанинг ахлоқини муҳокама қилишимиз керак. У сизлар билан бирга юради, бир аудиторияда ўқийди, бир ҳаводан нафас олади. Ҳозир мен сизларга ўқиб берадиган хат унинг кимлиги ҳақида кўп нарсалар айтса керак, деб ўйлайман. – У костюмининг чўнтагидан буклоғлик қоғоз олиб, яна Ёдгорга қараб қўйди.

«Ҳурматли институт раҳбарлари, домлалар. Сизларда, архитектура факультетининг 3-курсида ўқийдиган Ёдгор Мирзаев исмли студент менинг ҳаётимни қурбон қилди. Ширин турмушимизни бузиб, мени ташлаб кетди. Мен ҳам она бўлсам, орзу-ҳавас кўрсам, одамлардек яшасам дегандим...»

Ёдгорнинг сочларигача диккайиб кетгандек бўлди. «Азиза! Азизанинг хати!» У хатнинг давомини эшитмади. У Чароснинг онаси жаҳл устида хат ёзган бўлса керак, деб ўйлаганди. «Демак... демак, бу Азизанинг иши экан-да».

Хатнинг охири унинг кулоғига чала-ярим кирди:

... «Ҳозир бўлса у бошқа бир бечора қизнинг бошини айлантириб юрганмиш. Менинг раҳмим келади ўша қизга...»

Ёдгор кўзини ердан ололмай қолди.

– Энди иккинчи хатни эшитинг! – деди Искандаров яна чўнтагини қовлаб.

Ёдгор чўчиб ўғирилди. «Бунисиям борми?»

«Мирзаев Ёдгор исмли студент оиласи бўла туриб қизимнинг кетидан югуриб юрган экан, мен буни коммунизм қурувчи авлод ахлоқига зид деб биламан. Бу гапларни айтиш менга оғир. Аммо мен онаман. Ўз фарзандимнинг тақдирини ўйлашим керак. Биз – қирқинчи

йилларнинг комсомоллари бундай масалаларни бир мажлисдаёқ ҳал қилиб, айбдорнинг адабини бериб кўярдиқ. Ўйлайманки, ҳозирги ёшлар ҳам ўз ота-оналарининг шонли анъаналарига содиқ қоладилар».

– Бу иккала хат, – деди Искандаров қоғозларни силки-тиб, – кетма-кет келган (у Васида Назаровнанинг хатини ўзи ёздириб олганини, албатта айтмади). Кўриб туриб-сизки, ҳар иккала хат ўртасида мантиқий боғлиқлик бор. Студент Мирзаев ўз хотинини ташлаб кетгани етмагандай, бошқа бир қизни ҳам алдаб юрган. Айтинглари-чи, бу қайси ахлоқ нормасига сиғади?!

Яна оғир жимлик чўкди. Одатда ўсал бемор ётган хонада шунақа жимлик бўлади. Ҳозир ҳамма Ёдгорнинг ўлишини кутиб, жимиб қолгандай эди.

– Ўзи гапирсин! – деди кимдир.

Ёдгор кеча Чаросни ўпганини эслади. Қизиқ, кеча дунёда ундан бахтиёр одам йўқ эди. Бугун ундан бахтсиз кимса йўқ. Бахт билан бахтсизлик етаклашиб юрарканда, доим.

– Нимани гапирари? – Искандаров Ёдгорга қаради. – Хатдаги гаплар ростми, ахир?

Кечаги бахтиёр дамларини эшлашнинг ўзиёқ Ёдгорга руҳий тетиклик берган эди.

– Рост, – деди у тескари қараб.

Аудитория бир сесканиб тушгандай бўлди.

Энг аввал кашқадарёлик сап-сарик қиз сўзга чиқди.

– Мен билмасдим, – деди ҳаяжондан овози титраб. – Мирзаевнинг бунчалик писмиқлигини билмасдим, яхши йигит, деб юрардим. Энди биламан. Унга орамизда ўрин йўқлигини биламан.

Кейин Ҳикматилла деган новча йигит сўз олди. Ҳикматилла кузда ҳашарга чиқишганида Ёдгорнинг бир этак пахтасини ўғирлаган, Ёдгор кўриб қолиб, уни урган, ўшандан буён икковлари гаплашишмасди.

«Энди қўймайди», деб ўйлади Ёдгор юраги увушиб.

– Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексига, – деди Ҳикматилла салмоқлаб, – «маънавий поклик» деган модда бор. Ёдгор ким? Ҳамма нарсани ўз исми билан аташ керак. Мирзаев – маънавий бузуқ одам. Бу ерда иккита масалани аралаштириб юбормаслик керак. Биринчидан, Мирзаев бахтсиз хотинига бой-феодалларча муносабатда бўлган. Иккинчидан, яна бир бечора қизнинг бошини айлантирган.

– Қаёқдан била қолдингиз хотини бахтсиз эканини?

Ёдгор Зойиржоннинг овозини эшитиб, бошини кўтарди. Зойиржоннинг қоп-қора юзи аламдан кўкариб кетган, ўтирган жойида бўйнини жўжахўроздай чўзиб гапирарди.

– Нега уч йилдан бери индамай юрган хотин бирдан даъвогар бўлиб қолибди. Балки ўша қиз туфайлидир.

– Жим! – Искандаров кафти билан столни урди. – Бу ерда инсоннинг маънавий киёфаси ҳақида гап кетяпти. Сизга ким қўйибди гапни, ўртоқ Қозимов! Ётоқхонада маст бўлиб бошингизни у девордан, бу деворга уриб юрганингиз етмагандай, тагин ҳамтовоғингизни ҳимоя қиласиз! Гапиринг, – деди у Ҳикматиллага далда бериб.

«Якшанба куни ётоқ эшигида турганди-я, – деб ўйлади. Ёдгор қони қайнаб. У ўша куни даладан қайтишганида вестибюль бурчагида ўзларига чакчайиб қараб турган Искандаровни кўрганидаёқ юраги бир қалкиган эди. – Ёзиб қўйган экан-да дафтарига... Шунга ялинаманми? – У кечаги фароғатли дамларини яна эслади-ю, кўнгли кўтарилди. – Тўпига солиб отиб юбормайдими?!»

Ҳикматилла яна гапга киришган эди, Зойиржоннинг ёнида ўтирган Наргиза ўрнидан туриб кетди. Оппоқ юзи жаҳлдан қизариб, тез-тез гапириб ташлади:

– Нега бировнинг гапини бўғасиз! Балки ўша қиз Мирзаевни яхши кўрар? Балки хотин шунинг аламига тичлаб қолгандир?!

Искандаров бепарво қўл силтади:

– Қўйсангиз-чи, ўша қизнинг ўрнида сиз бўлсангиз, Мирзаевни яхши кўрармидингиз?

– Сиздан рухсат сўраб ўтирмасдим! – деди Наргиза йиғлагудек қизариб.

Искандаров «ўл бу кунингдан» дегандек, захарли жилмайиб қўйди...

– Менга онанинг хатидаги бир гап айниқса таъсир қилди, – деди Нафиса исмли аълочи қиз. – Қирқинчи йиллар комсомолларининг анъанасини давом эттиряпмизми? Менимча, йўқ. Ҳозир комсомол нима иш қияпти? Мажлис ўтказсак, болалар қочиб кетмасин, деб эшик олдига қоровул қўйгудек бўламиз. Нега? Нега деганда одамлар билан ишлашни билмаймиз. Уч йил бирга ўқибмиз-у, орамизда шундай одам юрганини билмабмиз. – У жиркангандай Ёдгорга қараб қўйди. Кейин Искандаровга ўгирилди. – Бунга сиз ҳам айбдорсиз!

... Нурмат залга хомуш тикилганча:

– Бир шоир айтган экан, – деб гап бошлаган эди, Искандаров жеркиб ташлади:

– Биз аниқ фан одамларимиз. Романтикасиз гапираверинг.

Нурматнинг жаҳли чиқиб кетди шекилли, бақариб берди:

– Қизиқмисиз, ўртоқ Искандаров, гапиртирмасангиз ҳукмингизни чиқариб қўя қолинг. Нега мажлис чақирдингиз?!

Ёдгор зимдан қараб қўйди. Нурмат аччиқланганидан ёноқ суяклари туртиб чиққан юзи қизариб кетган, Искандаров диккайган сочларини силар. Аваз ака Нурматга дикқат билан тикилиб қолган, Маҳмуда Алиевна эса кафтини юзига қўйганича тирсаги билан столга таяниб, ўйчан бир тарзда қўлидаги қоғозга алланималарни чизар эди.

– Бир шоир айтган экан, – деди Нурмат гапини қайтадан бошлаб. – Муҳаббатнинг саройи кенг-у,

аммо унга иккитадан ортиқ одам сиғмайди. Учинчиси ортиқчалик қилади, деб. Хўп, Мирзаев хотини билан ажрашибди.

– Ташлаб кетибди денг, – деди Искандаров унинг гапини яна бўлиб.

– Ажралишибди! – деди Нурмат шу сўзни атайлаб таъкидлаб. – Орадан уч йил ўтибди. Бошқа бир қизни яхши кўрибди. Хўш, биз нима қиламиз уларнинг юрагидаги чўтга қора косов тикиб? Шуям ишми?!

Искандаров яна луқма ташлади:

– Балки ўзингиз ҳам шунақадирсиз? Қарға қарғанинг кўзини чўкимайди.

– Жим турунг бирпас зағизғонга ўхшаб сайрамай! – деди Нурмат энсаси қотиб.

Тўполон бўлиб кетди. Биров Нурматни айблади, биров Ёдгорни хотинбоз деб атади, яна биров ўзгаларнинг севгисини муҳокама қилишнинг ўзи ахлоқсизлик, деди. Хуллас, ҳеч нимани англаб бўлмай қолди.

Ёдгорнинг боши ғувулар, бозордаги даллоллар ўртасида нархи баҳоланаётган эчкидек бўлиб қолганидан афсусланар, нима бўлсаям шу гаплар тезроқ ҳал бўлишини истарди.

Аваз ака кафедрага чиқиши билан ҳамма жимиб қолди. «Ҳайрият», деб ўйлади Ёдгор унга тикилиб. Аваз ҳам Ёдгорга қаради.

– Мен бу йигитни яхши танийман, – деди у негадир овози титраб. Унинг юзи қизариб кетган, қошлари асабий учиб турарди. – Ўша қизни – Чаросни ҳам танийман. – Аваз залдаги пичир-пичирлар тинишини кутиб, бир оз жим қолди-да, давом этди: – Мирзаев Чароснинг тирноғига ҳам арзимайди.

«Нима?» Ёдгорнинг кўз ўнги қоронғилашди-ю, йиқилиб кетмаслик учун стул ўриндиғини чангаллаб олди. «Наҳотки, Аваз ака шунақа деб ўйласа? Шунчалик-ка бориб етдими-а?»

– Менинг таклифим шуки, – деди Аваз қатъий оҳангда. – Мирзаевга ўхшаганларга институтда ўрин йўқ.

Ёдгор қалбида чидаб бўлмас оғриқ сезди. «Душманинг отган тош эмас, дўстинг отган пахта ўлдиради», деганлари бежиз эмас экан. Бу гапни айнан Аваз акадан эшитиш айниқса оғир эди. Уйига борганда шунинг учун рўйхуш бермаган экан-да! Бундан чикди Аваз ака уни Чаросга нолайиқ деб санайди. Бундан чикди, Ёдгор «иккинчи навли!».

Боши ғувиллаб ўтираркан, «комсомол вожаги»нинг дағдағасини элас-элас эшитди.

– Қани, Мирзаев, нима дейсиз? – деди Искандаров митти кўзлари ёниб. – Туринг ўрнингиздан!

Ёдгор ҳамон ҳушини тўплаб ололмай, аранг кўтарилди. Искандаров саволини яна қайтарди:

– Нима дейсиз?

– Нимани нима дейман? – деди Ёдгор аламдан қисирлаб кетаётган тишларини аранг бир-бирига жип-слаштириб.

– Хотинингизни нега ташлаб кетганингизни айтинг. – Искандаров истехзоли кулди. – Ярашасизми ё институтдан кетасизми, шуни айтинг. Бир бегуноҳ кизни тинч кўясизми-йўқми, шуни гапиринг.

– Нега айтарканман? – деди Ёдгор бўғилиб.

– Комсомолмисиз? Мен сизнинг вожагингизман. Айтинг, ахир, хотинингизни нега ташлаб кетдингиз?

Ёдгор яна бир пас жим турса дод деб юборишини билар, энди унга ҳамма нарса бари бир бўлиб қолган эди. Искандаровга нафрат билан тикилди-ю, ҳайқириб юборди:

– Вожак бўлиш у ёқда турсин, авлиё бўлсанг ҳам айтмайман. Билдингми? Менинг ўз юрагим бор, ўз ола-мим бор! Нима учун унга сени киритар эканман?! Нега энди дардимни бозорга солишим керак экан? – У ҳарчанд уринмасин, овози титраб кетди. – Ана, керак бўлса ўзинг

мажлис қилиб, бировни севиш ҳақида қарор чиқаргин-да, шу қарорга биноан уйлангин. Хотинингни ўпаётганингда қарор чиқарганлар тепангда қарсак чалиб турсин. Менга қолса, хотиним билан ярашмайман, Чаросдан ҳам кечмайман, институтдан ҳам кетмайман!

У оёқлари қалтираб, жойига ўтириб қолди. Шундай асабий, шундай таранг сукунат чўкдики, ҳозир бир нарса портлашини кутгандек, ҳамма юрагини ҳовучлаб қолди.

– Ҳақорат қилди! – деди Искандаров анчадан кейин тилга кириб. У ранги гезариб, ўрнидан туриб кетди. – Нега мени ҳақорат қилдинг, ифлос!

– Ҳа, қанақа бўларкан? – деди Ёдгор унинг митти кўзлари, пирпираб учаётган лабларига қараб.

– Мумкинми, мен... – деди Маҳмуда Алиевна Искандаровга хотиржам қараб.

Искандаров анча гапи бор бўлса ҳам ноилож индамай қолди.

– Анави аёлнинг хати, – Маҳмуда Алиевна бир зум тўхтаб, негадир Авазга қаради. – Мени ўйлантириб қўйди. «Қирқинчи йилларнинг комсомоллари бундай масалаларни бир мажлисдаёқ ҳал қилиб қўйишарди», дебди. – У ўша дамларни эслагандек жимиб қолди. – Мен ҳам қирқинчи йилларнинг комсомолиман. Қирқинчи йилларнинг комсомоллари жанг қилишди. Вайроналар ўрнида шаҳарлар бунёд этишди... Ҳали бир қизча айтди. Ҳозирги комсомоллар ота-оналари анъанасини давом эттирмапти, деди. Менимча, бу унчалик тўғри эмас. Ўша аёл ёзганидек, агар қирқинчи йилларнинг ёшлари бировларнинг юрагини қовлаштириш билан овора бўлганида, бошқа ишлар қолиб кетарди. Агар баъзилари шундай қилган бўлса, қаттиқ адашган экан.

Ёдгор ғувиллаб кетаётган бошини базўр қўтариб қаради. Маҳмуда Алиевна ҳамон ўша сокин овозда гапирар эди.

– Уялмайсизми? – деди у Искандаровга қараб. – Ўз сафдошингизни бировни нега яхши кўрасан, деб сўроқ қилишга уялмайсизми? Шу йигитнинг ўрнига ўзингизни бир қўйиб кўринг.

Искандаров сочини асабий силаганича индамай ўтирарди.

Негадир Ёдгорнинг яна ўпкаси тўлди-ю, дераза томонга ўгирилиб олди.

– Сизлар ёшсизлар, – деди Маҳмуда Алиевна залга қараб. – Куч-ғайратингиз кўп. Эрта-индин лойихачи, архитектор бўласизлар. Вақтингиз кўп бўлса, бировнинг юрагини ковлаб ўтиргандан кўра, ана, қурилишга боринг! Тошкентда нима кўп, қурилиш кўп. Ҳаммага иш топилади.

Деразадан тушаётган нур Ёдгорнинг киприклари орасида гунафшаранг халқачалар ҳосил қилиб, пирпирай-верди, бошқа гапларни эшитмади. Кеча йиғлаб, кўксига бош қўйган Чарос яна тасавурида жонланди-ю, лабларини қимтиб, чаккасини чангаллаганча, стул суянчиғига елкасини ташлади.

Шундан кейин мажлис узоқ чўзилмади.

Ёдгор йўлакка чикқанида гангиб турар, чеккиси келарди. Ҳозир уни ёмонлаганлар ҳам энди юзсизларча илжайиб қараётганини кўриб, унинг ғаши келди.

– Кетдик, – деди Зойиржон Ёдгорни билагидан тутиб. – Қўйинг шу гапларни!

* * *

Васила Назаровна уч кундирки, Чарос билан гаплашмасди. Наинки битта шу қизи деб умрини ўтказса, кўзимнинг оқу қораси деб авайласа, бева боши билан шунчалик ўстирса-ю, у юзига тик қараса? Тагин келиб-келиб, аллақанақа бир қаланғи-қасанғи йигит деб-а! Қайси куни факультет комсомол ташкилотининг секретари Мирзаевнинг масаласини йиғилишда муҳокама

киламиз, деганидан кейин у бир қадар таскин топгандай бўлди-ю, бари бир Чаросни кечиролмади.

«Қариб қолдим... Асабларим қақшайдиган бўлиб қолди...» Кейинги пайтларда шу фикр унинг хаёлига тез-тез келадиган бўлди. Аксига олиб, директор ҳам бир ойдан буён касал. «Семашко»да шифоланяпти. Ҳамма иш унинг зиммасида қолиб, ташвиши яна кўпайди.

Бугун Дилшод, ниҳоят, Дилфуза билан отасини етаклаб, мактабга олиб келди. Васида Назаровна Дилфузани кўрди-ю, беихтиёр ўз қизининг қилмиши яна ёдига тушди. Чарос билан бу қиз ҳаракатида аллақандай ўхшашлик, ҳатто яқинлик бордек туюлиб, ёмон кўриб кетди уни.

Ўқитувчилар хонасининг шифтида тўрт чирокли қандил ёниб турар, олти-етти чоғли ўқитувчи, ота-оналар кенгашининг уч аъзоси ўртадаги узун стол атрофида турли алфозда ўтиришарди.

Дилшод журнал варақлар, рангсиз юзли шопмўйлов география муаллими столга мункайганча хаёлга толган, бошқа педагоглар ҳам турли иш билан машғулдек кўринишса-да, Васида Назаровнанинг гапларини диққат билан тинглашарди.

Этакрокдаги стулда чийдухоба камзул, мошранг дўппи кийиб олган Ҳайитвой сарик ўтирар, тарғил мўйловини ўқтин-ўқтин силаб кўярди.

Унинг ёнидаги стулда ота-оналар кенгашининг раиси – телевизорда ҳам бир-икки марта одоб ҳақида суҳбат ўтказган чўққисоқол чол – Қосим ота жойлашган. У яктагининг узун енги билан ёшланаётган кўзларини артганча гоҳ Васида Назаровнага, гоҳ Ҳайитвой сарикка қараб кўярди. Қишлоқ женсоветининг раиси, Васида Назаровнанинг дугонаси ориқ аёл – Ханифа Саломатовна эса унинг гапларини сеҳрлангандек берилиб эшитарди.

Шундоқ эшик олдидаги уч оёкли ёғоч илгич ёнида нимча кийиб олган Дилфуза сочининг учини ўйнаганча, оғирлигини бир оёғидан иккинчисига ташлаб турарди.

Чамаси, у чарчаган, ўтиргиси келар, аммо ёнидаги стулда ичига бўр солинган ботинка кутиси тургани учун уни олиб ташлаб ўтиришга ботинолмас эди.

– Шундоқ қилиб, ўқимаيمان деяпти денг? – сўради Васида Назаровна Ҳайитвой акадан.

– Биммийман, мунга нима жин улди, – деди Ҳайитвой ака бир қизига, бир Васида Назаровнага қараб. Кейин носини ташлашга жой излаб аланглади. Бурчақда турган сим саватни кўриб тупуриб келди-да, жойига ўтирди. Кафтининг орқаси билан мўйловига ёпишган нос донларини артди. – Ишлийман, дейди-да. Пабрикка кирман, дейди. Опасиниям роса гўрига ғишт қаладим. Нима қиларди шунга тикишни ўргатиб.

– Балки бисот йиғмоқчидир? – Васида Назаровна Дилфузанинг ўзига адоват билан қараб қўйганини кўриб, ғаша келди. Яна Чаросни эслади. – Қизлар молпараст бўлади-ку...

– Биззи жаям унчалик камситманг, опа! – Ҳайитвой сариқ қизариб кетган бўйнини олдинга чўзди. – Жа, ўн олти яшар қизимизга қараб қолган жойимиз йўқ. У ўқийман дейди-ю, мен йўқ дейманми?

– Нега ўқимайди, ўқийди, – деди география ўқитувчиси Дилфузага қараганча бош силкиб – паспортсиз одам ишга олинмайди.

– Йўқ! – деди Дилфуза ердан кўз узмай.

Ҳамма ўтирганлар ярқ этиб у томонга қарашди.

– Ана! – Ҳайитвой сариқ бошини ликиллатди.

– Балки узатмоқчидирсизлар?! – деди Васида Назаровна қизнинг ўжарлигидан қўзғаган ғазабини базўр босиб.

Ҳайитвой сариқнинг мўйлови липиллаб кетди.

– Ия, яна гапиради-я! – Унинг бўйнидаги томирлари бўртиб чиқди. – Опа деганимга жаям ўзингиздан кетовурманг, опа! Биз ўқимаган, оми одам бўлсак ҳам аҳмоқ эмасдирмиз.

– Бўлмаса нега ўқишни хоҳламайди? – Васила Назаровна қони қайнаб, Дилфузага ғазабнок тикилди. – Ўқишга мажбурсан. Нега хоҳламайсан?

Қиз ҳам ўйнаб турган сочини силтаб орқасига ташлади-ю, унинг кўзларига тик қаради.

– Ўзингиз биласиз! Била туриб нега ўзингизни гўлликка соласиз?

Ўқитувчилар хайрон бўлиб, бир-бирларига қараб қўйишди. Ўқувчи у ёқда турсин, ҳали биронта муаллим ҳам Васила Назаровнага шунчалик кескин гапирмаган эди. Назарида педагоглар ўртасида, қолаверса, бутун қишлоқда обрўси чилпарчин бўлгандай туюлиб кетди-ю, сакраб ўрнидан турди.

– Ўзим билсам, ана, отанг ҳам билиб қўйсин, аҳмоқ! – У тортмани очиб ўша хатни шартта олди-ю, ўқиб берди. «Жонимдан ортиқ кўраман», деган сўзларни айниқса, қаттиқ ўқиди. – Энди тушундингизми, Ҳайитвой ака! Сиз узатишни хоҳламасангиз ҳам, балки бу эрга тегишни хоҳлаб қолгандир! Бу ер – мактаб. Мен тарбиянинг бузилишига йўл қўймайман. Ўзини тийиб юрсин.

Ҳамма бир лаҳзалик жимликда музлаб қолди.

– Бу масалани синфдошлари ўртасида муҳокама қилсак, ўртоқлари нима дейди? Ким қўйибди унга...

Васила Назаровна гапини тугата олмади. Ҳайитвой сариқ учиб ўрнидан турди-ю, бора солиб қизни шундай тарсакилаб юбордики, хона жаранглаб кетди. Дилфузанинг боши вешалкага тегди.

Дилфуза чайқалиб-чайқалиб, қадини ростлади. Унинг бурнидан тиркираб қон оқар, Васила Назаровнага тикилган кўзлари шишадай қотиб қолган эди.

– Жодугар!

Хонадагилар қизнинг ҳайқириғидан сесканиб кетишди. Йўқ, бу йиғи эмас, нидо ҳам эмас, аллақандай даҳшатли, этни сескантирувчи ваҳшиёна ҳайқириқ эди.

Дилфуза стул устида турган ботинка қутисини Васида Назаровнанинг башарасига отди.

– Жодугар! Мактабингни пишириб е! Мен нима гуноҳ қилдим? Нега шунча одам ўртасида мени шарманда қиласан, жодугар!

У сочлари ёйилган ҳолда кўчага отилди. Қоронғи дераза ортида унинг яна ўша ваҳший ҳайқириғи эшитилди:

– Жодугар!

– Кўрдингизми қизингизни! – деди Васида Назаровна стол устида сочилиб ётган бўрларни чеккага суриб. Унинг жемпери оппоқ бўлиб кетган эди.

Ҳайитвой сариқ эшик олдида талмовсираб турар, чамаси, кетишини ҳам, қолишини ҳам билмасди.

Қосим ота бориб, унинг қўлидан тутди.

– Ёш-да, ёш... Ёшликда ҳаммадан ҳам хатолик ўтади. Кичикдан хато, каттадан узр. Қўйинг, ўзингизни босинг.

Дилшод чўнтагидан оппоқ рўмолча олиб, опага узатди. Васида Назаровна жемперини артиб тозалаган бўлди. Ҳайитвой сариқ ҳамон мўйлови учганча тишини ғижирлатиб ўтирар, ўқтин-ўқтин Васида Назаровнага қараб қўяр, қўйиб берса унияма ургудек важоҳати бор эди.

Орага жуда хунук сукунат чўқди. Гап гапга қовушавермаганидан кейин, секин туриб тарқалишди.

* * *

Чарос уйда ёлғиз ётарди. Ташқарида шамол гувуллар, тол шохлари қарсиллар, дераза ортидан ҳадеб қимлардир гурсиллаб ўтаётгандай бўларди. ўқтин-ўқтин шамол тиниб қолар, бўғотнинг аллақасери қисирлаб кетар, зум ўтмай яна шамол ўқирар, тунука том устидан биров югуриб ўтгандай даранглаб кетар, кетидан яна жимлик чўқарди. Мана шу асабий сукунат айниқса, даҳшатли туюлар, унинг юрагига гулгула соларди.

– Опам ҳам келмадилар! – деди Чарос атайлаб товуш чиқариб. Овози жимжит хонада жаранглаб эшитилди-ю, ўзи чўчиб кетди. У терлаб кетган, аммо негадир туришга кўрқар, аъзойи бадани карахт бўлиб қолганга ўхшар эди.

Яна шамол гувуллади. Аллақаерда дераза ойналари синиб, жаранглаб кетди. Кейин яна асабни қақшатадиган жимлик чўқди.

Шу пайт эшик ғийқиллаб очилди. Чароснинг назарида уйга биров сездирмай бостириб кираётгандай бўлди-ю, даҳшатдан кўзлари олайиб, сакраб туриб кетди.

Остонада турган онасини кўриб, вужудига иликлик югурди.

– Овқат ейсизми, опа?

Онаси индамай бош чайқаб кўйди. Афтидан, у чарчаган, тўзонда қолган бўлса керак, кийим-боши чанг, чехраси ғамгин эди. Индамай нариги хонага кирди-ю, ечинмасдан ўзини диванга ташлади. Гугурт чакди.

Чарос чирокни ўчираркан, ўртадаги эшикни атайлаб очиб кўйди. Келиб ўрнига ётиши билан бояги кўрқув яна вужудида илондек чирмаша бошлади.

Шамол тагин ҳам қаттиқроқ вишиллади. Тунука том даранглаб кетди. Кейин сукунат чўқди. Нариги хонадан онасининг ух тортгани эшитилди, сигарет чўғи қизарди.

Тўсатдан оппоқ, совуқ нур хонага ёпирилиб кирди-да, Чароснинг вужуди музлаб кетди. «Чақмоқ», деб ўйлади у шифтга тикилганча. Кейин худди бўйнига қилич келиб тушишини кутган одамдек, момақалдирукни кута бошлади. Бу сониялар шундай асабий, шундай таранг чўзилдики, у бўғилиб кетди. Аммо момақалдирук гумбурламади. Фақат олис-олисларда «гум» этган товуш эшитилди. Бир лаҳзадан кейин яна чақмоқ чакди. Кетидан момақалдирук шундай қаттиқ гумбурладики, худди уларнинг томи устида ёрилиб кетгандай бўлди. Том шатир-шутур қила бошлади.

Ховлида ит увиллади. Аввалига бир-икки гингшиб кўйди-да, кейин чўзиб-чўзиб улий бошлади. Нариги хонадан онасининг уф тортгани эшитилди.

– Нима жин тегди унга...

– Опа, кўрқяпман, – деди Чарос овози титраб.

Шу пайт дарвоза тақиллагандек, кимдир додлагандек бўлди.

– Эшитяпсизми, опа? – деди Чарос товуши қалтираб.

«Сенга шунақа туюлгандир», деб ўйлади у онаси индамаганидан кейин. Яна момақалди роқ қарсиллади. Ит нола чеккандай узок увлади.

Бир нафасли жимликда эшик яна тақиллади. Кимдир бўғилиб бақирди. Бу сафар Чарос аниқ эшитди.

– Опа! – деди сакраб туриб.

Онаси илдам туриб, чироқни ёқди. Олдинма-кейин ҳовлига тушишди. Чароснинг кўйлаги дарров жиққа сув бўлди.

Аллаким дарвозани муштлар, йиғлар, аммо нима деяпганини тушуниб бўлмасди.

– Ким? – икковлари бараварига сўрашди. – Ким бу?!

– Оч! – деди бўғиқ овоз хириллаб. – Оч деяпман!

– Кимсиз ахир?

– Оч, деяпман! – деди келган одам дарвозани тепиб.

– Очинг, опа, очинг! – деди Чарос даҳшатдан оёқлари титраб.

Васила Назаровна занжирни тушириши билан нота-ниш бир эркак отилиб кирди-ю, унинг ёқасига ёпишди.

– Қизимни тўллаб бер, қанжиқ! Тўллаб бер!

Чарос чинқириб, унинг билагига осилди. Чақмоқ чақиши билан Ҳайитвой сариқни таниди. Унинг кўзлари олайиб кетган, ҳадеб бир гапни қайтарарди:

– Тўллаб бер! Единг қизимни!

«Феруза! Ферузага бир нима бўлган! – Чарос ўзи билан бирга ўқиган синфдошини эслади. – Нега опам

тўлайди? Ўқишни битириб, эрга тегиб кетган-ку. – Кейин тўсатдан унинг синглиси Дилфуза ёдига тушди. – Нимадир бўлган, қандайдир офат бўлган!»

Ҳайитвой ака Васида Назаровнани қўйиб юборди-да, бошини муштлай кетди.

– Айрилиб қолдим! Айрилиб қолдим!

Чарос кўчага отилди. У қишлоқ этагида турадиган Ҳайитвой сариқнинг уйини билар, Феруза билан дарс тайёрлашга кўп борган эди. Елдек учиб келаркан, эшик тагида турган «Тез ёрдам» машинасини кўрди-ю, нафаси бўғзига тикилиб, баттар югурди.

Кажавали машинанинг орқа эшиги очиб қўйилган, остонада тўрт-беш хотин-халаж тўпланиб турар, том бурчагига омонат илиб қўйилган лампочка хира нур сочар, тарновдан шовуллаб сув оқар эди.

Чарос яқин келиши билан узук-юлуқ гапларни эшитди.

– Вой, нима қипти?

– Сирка ичибди.

– Войй!

Ичкаридан дилни ларзага солувчи фарёд эшитилди:

– Вой болеем! Онанг ўлсин, болеем! Онагинанг ўлсин, болеем! Боламини еди-я! Боласининг ўлигини устида ўтирмаса розимасме-ен!

Чарос Дилфузанинг ойиси ўз онасини қарғаётганини тўсатдан тушунди-да, юраги сесканиб кетди.

Зум ўтмай ичкаридан иккита хотиннинг қўлига осилиб қолган Дилфузанинг онаси чиқди.

– Онагинанг ўлсин, болеем! – дерди у беҳуш бир тарзда атрофга аланглаб. – Онасининг гўрига тушган, болеем!

Чарос йиғлаб юборди. Хотин хушидан кетиб, шилқ этиб тушди. Одамлар четланишди. Оқ халат кийган икки киши брезент замбилни лопиллатиб эшикдан чиқиб келишди. Чақмоқ чақди. Чарос олдинга эгилди-ю, чақмоқ ёлқинида Дилфузанинг юзини кўриб қолди. Унинг кўз-

лари ярим очик ҳолида қотиб қолган, лаби, ияги, томоғи қонга ўхшаш аллақандай қора нарсага беланган эди.

Чарос кафти билан юзини тўсганча ўзини орқага ташлади.

– А-а-а!!! – деди чинқириб. Боши деворга гурсиллаб урилиб, ҳўл йўлкага ўтириб қолди.

Машина эшигини беркитишлари билан кўйлакчан, бош яланг бир бола одамлар орасидан отилиб чиқиб, машинанинг орқа ғилдирагини кучоклаганча ерга йиқилди.

– Дилпу-уз! Дилпу-уз!

Унинг оқ куйлаги, тўзиб кетган сочлари дарров лойга беланди. Одамлар уни тортқилашар, унга сайин бола ғилдиракка қаттиқроқ ёпишганча, бошини ерга уриб долларди:

– Дилпу-у-з!

Чарос яна йиглаб юборди. Кейин кўз ўнги қоронғилашиб, ҳеч нима кўринмай қолди.

У ўзига келганида машинанинг қизил чироқлари узоқлашиб борар, кимдир унинг қўлтиғидан кўтарар эди. Чарос бошини кўтариб, нотаниш хотинни кўрди. Хотин бир қўллаб унинг билагидан тортқилар, иккинчи қўли билан юзига сув сепарди.

Ичкаридан эса ҳамон ўша фарёд эшитилар, фақат энди овоз бўғилиб, хириллаб қолган эди.

– Онагинанг ўлсин, болеем!

Чарос сув ҳалқоб бўлиб ётган йўлқадан гандираклаб-гандираклаб, юриб кетди.

* * *

Бугун бозор бўлгани учун Ёдгор кеч уйғонди. Зойир-жон кеча ҳаммомга бораман, деганди. Ўрнини тузатиб, кетиб қолибди.

Ёдгор кўзларини ярим юмганча, эриниб яна узоқ ётди. Йўлақдан қатикчи боланинг овози келди:

– Иссиқ нон, кўк пиёз, ёғлик қатик...

Бирпасдан кейин эшик тақиллади.

– Керакмас! – деди Ёдгор ётган жойида кичкириб.

Эшик бир очилиб ёпилди-ю, Ёдгор оқ жемперни кўриб, сакраб туриб кетди. «Чарос!»

– Кечирасиз, мен ҳозир... – деди илдам кийинаркан. Шоша-пиша ювиниб, эшикни очди.

Чарос нарироқда тескари қараб турар, кўлида газетага ўралган патнисга ўхшаш нарса бор эди.

– Келаверинг, – деди у кўйлагининг тугмасини ўткази туриб.

Чарос ердан кўз узмай келди-да, кўлидаги нарсани унга тутқазди.

Ичкари киришлари билан Ёдгор ҳайрон бўлиб қоғозни очди. Очди-ю, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Бу – ўзининг расми эди. У қорда йиқилиб ётар, чанғили оёғи кўтарилиб кетган, нарироқда, қор орасида телпаги қорайиб кўринар, узоқда чўққилар чизиғи кўзга ташланар эди. Ёдгор расмдаги яна бир нарсани кўриб, ҳайрон қолди. Унинг чехраси хушчакчак қилиб тасвирланган, гўё йиқилиб тушганига хурсанддек кўринарди.

Ёдгор шодон бир туйғудан қалби ларзага келиб, жилмайганча Чаросга қаради. Қараши билан бирдан бўшашиб кетди. Чароснинг кўзлари қизариб, ковоғи шишиб кетган, қошини чимирганча, ерга қараб турарди.

– Нима, нима бўлди? – деди Ёдгор кўрқиб. – Нега йиғладингиз?!

Чарос Ёдгорнинг кўксига бошини ташлаганча, ўкириб йиғлаб юборди.

– Ўлди... – деди энтикиб. – Дилфуза ўлди...

Ёдгор даҳшатдан қотиб қолган, ҳеч нимага тушунолмас, Чарос эса йиғларди.

1972 йил

МУНДАРИЖА

Б. Назаров. Халқ меҳрини қозонган адиб	3
--	---

ҲИКОЯЛАР

Муҳаббат	18
Хуркитилган туш	29
Бахт	35
Хаёлларга бўламан тутқун	43
Узун кечалар	58
Умр савдоси	84
Оқ булут, оппоқ булут	99
Қуёш тарозиси	113

ҚИССАЛАР

Баҳор қайтмайди	128
Чўл ҳавоси	277
Сирли юлдуз	307
Қалбингга қулоқ сол	347

Адабий-бадиий нашр

Ўткир Ҳошимов

СЕВГИ ҚИССАЛАРИ

Ҳикоялар ва қиссалар

Мухаррир *Л. Игамова*

Бадиий муҳаррир *К. Зокирова*

Рассом *Ш. Одилов*

Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусахҳих *Э. Қўрбонов*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.

Босишга 2013 йил 26 июнда рухсат этилди. Офсет қоғози.

Бичими 84x108^{1/32}. «Times» гарнитурасида офсет
усулда босилди. Шартли босма табоғи 25,20. Нашр табоғи 24,15.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 13-160.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “O‘zbekiston”
нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz